



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA‘LIM,
FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**“O‘ZSANOATQURILISHMATERIALLARI” UYUSHMASI
“KNAUF GIPS BUXARA” MCHJ XK
JIZZAX POLITEXNIKA INSTITUTI**



**“YANGI O‘ZBEKISTON: ILM QALDIRG‘OCHLARI - 2023”
II-RESPUBLIKA KO‘RIK TANLOVI HAMDA TALABALARNING
ILMIY-AMALIY KONFERENSIYASI**

1-QISM

MATERIALLARI

20.05.2023

JIZZAX SHAHRI - 2023

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

“O‘ZSANOATQURILISHMATERIALLARI” UYUSHMASI

“KNAUF GIPS BUXARA” MCHJ XK

JIZZAX POLITEXNIKA INSTITUTI

“YANGI O‘ZBEKISTON: ILM QALDIRG‘OCHLARI - 2023”

**II-RESPUBLIKA KO‘RIK TANLOVI
HAMDA TALABALARNING
ILMIY-AMALIY KONFERENSIYASINI**

2023 yilning 20-may

JIZZAX-2023

“Yangi O‘zbekiston: ilm qaldirg‘ochlari - 2023” II-Respublika ko‘rik tanlovi hamda talabalarning ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallar to‘plami-Jizzax: 20-may 2022yil. 643-bet

Mamlakatimizdai yoshlarni qo‘llab-quvvatlash, ularning iqtidorini ro‘yobga chiqarish, ilmiy-tadqiqot va innovatsion faoliyatini samarali yo‘lga qo‘yish uchun qo‘shimcha shart-sharoitlar yaratish borasida izchil chora-tadbirlar amalga oshirib kelinmoqda. Shu bilan birga, ulg‘ayib kelayotgan yosh avlodning ilm egallashga bo‘lgan ishtiyoqi va intellektual salohiyatini oshirish, shuningdek xalqaro maydonda mamlakatimizning nufuzini yanada yuksaltirish uchun iqtidorli yoshlarni aniqlash va yuqori malakali kadrlar tayyorlashning uzluksiz tizimini takomillashtirish zarurati mavjud.

Yoshlarni amalga oshirilayotgan islohotlarning faol ishtirokchisiga aylantirish, ilm-fanni o‘zlashtirishga bo‘lgan rag‘batini oshirish, izlanuvchanlik va yaratuvchanlik faoliyatiga keng jalb qilish, jahon miqyosida vatanimiz dovrug‘ini keng taratgan ajdodlarga munosib avlodni tarbiyalash vazifasi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 3-maydagi “Iqtidorli yoshlarni aniqlash va yuqori malakali kadrlar tayyorlashning uzluksiz tizimini tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-4306-sonli qarorida ham asosiy maqsad etib belgilangan.

Ushbu talabalarning ilmiy-amaliy konferensiyasi tezislari to‘plamida mamlakatimizning oliy o‘quv yurtlarida arxitektura va qurilish yo‘nalish va mutaxassisliklarda ta‘lim olayotgan magistr va talabalarning ilmiy-tadqiqot ishlari natijalari mujassamlangan.

Mas'ul muxarrirlar: t.f.n. dots. Berdiev O.B., dots. Shodmanov A.Yu. Tahrir hay'ati a'zolari: t.f.d. prof. Usmankulov A.K., t.f.d. prof. Akramov X. A., t.f.d. prof. Bahodirov A.A., t.f.d. prof. Tolipov N. X., t.f.n. dotsent Matniyazov B.I., t.f.f.d (PHd) dotsent Kamilov Sh.X., i.f.f.d (PHd) dotsent Berdiyurov T.A., t.f.f.d (PHd) dotsent Mirzabekov M.M., t.f.f.d (PHd) dotsent v.b. Tursunov B.A., O‘raqbaev O.B.,

Mazkur ilmiy to‘plamga kiritilgan ma‘ruza tezislarning mazmuni, undagi statistik ma'lumotlar va me'yoriy xujjatlarning to‘g‘riligi uchun mualliflar masuldirlar.

OLIIY TA'LIM MUASSASALARIDA ZAMONAVIY BOSHQARUV TIZIMINING ISTIQBOLLARI

Jahonning ko'pgina rivojlangan mamlakatlarida raqamli iqtisodiyotni mustahkamlash, yuqori texnologik sohalarda etakchilik qilish, ta'limga zamonaviy texnologiyalarni jalb qilishning innovatsion metodlaridan biri sifatida keng tatbiq etilmoqda. Jumladan, BMTning 2030 yilgacha Barqaror rivojlanish maqsadlarida (Sustainable Development Goals) mehnat bozorida talab katta bo'lgan kasbiy-texnik, tadbirkorlik ko'nikmalarini rivojlantirish, ilmiy-innovatsion faoliyatda raqobatbardoshlikni oshirish, ta'lim xizmatlari diversifikatsiyasini ta'minlash global indikatorlardan biri sifatida belgilangan. Bu o'z navbatida oliy ta'lim muassasalarining ta'lim-fan-ishlab chiqarish integratsiyasini ta'minlovchi innovatsion kampus sifatidagi faoliyatini takomillashtirishni taqazo etmoqda.

Shu o'rinda ta'kidlash joizki, mamlakatimizning kadrlar tayyorlash tizimida innovatsion ta'lim muhitini rivojlantirish, fan, ta'lim va ishlab chiqarish integratsiyasini takomillashtirish asosida bilimlar transferini ta'minlash masalasiga alohida e'tibor qaratilmoqda. Milliy iqtisodiyotni rivojlantirish ta'lim jarayonini yuqori darajada tashkil etish hamda ilm-fan yutuqlarini ishlab chiqarishga tizimli joriy etish zaruratini namoyon qilmoqda. Ilm-fanni 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasida "Ijtimoiy soha va iqtisodiyot tarmoqlarining barqaror rivojlanishiga munosib hissa qo'shadigan, mehnat bozorida o'z o'rnini topa oladigan yuqori malakali kadrlar tayyorlash tizimini yo'lga qo'yish"¹ vazifalari belgilandi. Bu esa oliy ta'lim muassasalarida ta'lim xizmatlarini tashkil etishga asoslangan ilmiy va innovatsion rivojlantirish mexanizmini yaratish, ta'lim sifatini oshirish, yuqori malakali mutaxassis kadr tayyorlash tizimini takomillashtirishni taqazo etadi.

Jumladan, oliy ta'lim muassasalarda ishlab chiqarish yo'nalishlari, ilmiy tadqiqot va ta'lim muassasalarining metodik markazi sifatida aks etishi kerak. Oliy ta'lim tizimida faoliyat ko'rsatayotgan har bir xodim kamida bir yoki ikkita xorijiy tillarni yuqori darajada bilishi maqsadga muvofiq. Chunki oliy ta'lim tizimida tayyorlangan mutaxassislar to'g'ridan-to'g'ri ishlab chiqarish korxonalarini, ta'lim muassasalari va ilmiy tadqiqot markazlariga boradi va faoliyat yuritadi.

Shunga ko'ra ilmiy-ijodiy faoliyatga asoslangan tizimli yondashuv, ta'lim sifatini oshiribgina qolmay yuqori malakali mutaxassis kadr tayyorlashda muhim ahamiyatga egadir. Odatda, ta'lim, fan va ishlab chiqarish integratsiyasi tizimini oliy ta'lim faoliyati bilan bog'liq, deb tushuniladi. Shuning uchun integratsiyaga oliy ta'lim tizimining ajralmas komponenti va kadrlar tayyorlashning muhim ko'rsatkichi sifatida qarash maqsadga muvofiq.

¹ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 8 oktyabrdagi "O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasi" to'g'risidagi PQ-5847-son Farmon.

Yuqorida keltirilgan bir qator vazifalardan kelib chiqib, institutimizda talabalarni vaqtini mazmunli tashkil etish maqsadida amalga oshiriladigan ilmiy-innovatsion, ma'naviy-marifiy, sport va ko'ngilochar tadbirlarni tashkil etish bo'yicha bir qator ishlarni tizimli ravishda yo'lga qo'yilganligi va samarali faoliyat olib borilishi natijasida quyidagi erishilgan yutuqlarni keltirib o'tishimiz mumkin.

2022-yilda oliy ta'lim muassasalari bakalavriatining kunduzgi ta'lim shakliga kirish imtihonlarida eng yuqori ball to'plagan 200 nafar talabalar uchun O'zbekiston Respublikasi Prezidenti granti tanlovini o'tkazish bo'yicha tartib tasdiqlangan. Ushbu tasdiqlangan nizomga asosan O'zbekiston Respublikasi Prezidenti granti tanlovida ishtirok etish uchun Sanoat texnologiyalari fakulteti talabasi Ubaydullaeva Nozima Alijon qizi Respublika bosqichida ijobiy qatnashdi.

2022-2023 o'quv yili uchun o'tkazilgan O'zbekiston Respublikasi Prezidenti davlat stipendiyasi va nomli davlat stipendiya tanlovida 6 nafar talabalarimiz jumladan, 1 nafar O'zbekiston Respublikasi Prezidenti davlat stipendiyasi, 1 nafar Islom Karimov davlat stipendiyasi, 4 nafar Beruniy davlat stipendiyalari sohibi bo'lishdi. Bu ko'rsatkich o'z navbatida 2020-2021 o'quv yiliga nisbatan 2 barobarga oshganligini ko'rishimiz mumkin.

O'zbekiston Respublikasi Yoshlar ishlari agentligi, Мақтабгача ва мақтаб таълим вазирлиги, O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligi, O'zbekistondagi Islom sivilizatsiyasi markazi, Fanlar akademiyasi bilan hamkorlikda tashkil etilgan **“Uchinchi renessans–yoshlar nigohida”** nomli Respublika tanlovida Jizzax politexnika institutidan qatnashgan 2 nafar nomzodlarimiz **“Besh muhim tashabbusni keng joriy etish ilg'or texnologiyalari”** va **“Xorijiy tillarni o'zlashtirishning zamonaviy usullari”** nominatsiyalarida 3-o'rin sohiblari bo'lishdi hamda har biri 10 million so'm bilan taqdirlanishdi.

Iqtidorli talabalarimizdan Mullajonova Ziyodabonu va Farxodjonova e'zozalar **“Mirzo Ulug'bek vorislari”** respublika tanlovida g'oliblikni qo'lga kiritib, har biri 5.4 mln so'm bilan taqdirlanishdi.

Institutimizning yenergetika va radioelektronika fakulteti Radioelektronika kafedrasida assistenti Abdiev Xasan eng yosh ixtirochi Respublika bosqichida 1 o'rin va 90 million so'm pul mukofoti bilan taqdirlandi.

Toshkent davlat transport universitetining 2023-yil 3-apreldagi qaroriga asosan, 4-6-may kunlari Respublika miqyosida, **“Avtomobil yo'llarini loyihalash”** fani bo'yicha **“A'loxon Qodirova”** nomli fan olimpiadasi o'tkazildi. Mazkur olimpiadada **“Yo'l muhandisligi”** kafedrasida iqtidorli talabasi, Beruniy nomli davlat stipendiyasi sohibi, Irisqulova Kamola 2-o'rinni egalladi, hamda maxsus diplom va 2,5 million so'm miqdorida mukofot bilan taqdirlandi.

O'zbekiston Respublikasi Innovatsion rivojlanish vazirligi va O'zbekiston yoshlar ittifoqining qo'shma qarori asosida amalga oshirilayotgan **“InnoWeek.Uz”** doirasida **“Innovatsion**

g'oyalar etakchisi" ko'krak nishonining viloyat bosqichi bo'lib o'tdi. Ushbu tanlovda Jizzax politexnika institutidan 9 nafar yosh olimlar va iqtidorli talabalar foal ishtirok etdilar. Shu jumladan, Respublika miqyosida 419 ta loyihalar ko'rib chiqilgan bo'lib, yakunida Respublika Komissiyasi a'zolari tomonidan har bir hududdan eng munosib 14 nafar nomzodlar "Innovatsion g'oyalar etakchisi" ko'krak nishoni g'olibi deb topildi. Ushbu g'oliblar orasida institut yosh olimlaridan Sadikov Farxod Samandarovich borligini ta'kidlab o'tish mumkin.

Yana shuni ta'kidlash joizki, "UZBEKISTAN GTL" kompaniyasi 2022-2023 o'quv yili uchun IV Stipendiyalar dasturi e'lon qilgan bo'lib, ushbu tanlovda institutimizdan bir qator iqtidorli talabalar ijobiy qatnashishdi va final bosqichida "UZBEKISTAN GTL" kompaniyasida bitiruv oldi amaliyotini o'tash uchun yo'llanmani qo'lga kiritishdi.

Bugungi kunda mamlakatimizda iqtidorli yoshlarning tashabbuslarini qo'llab-quvvatlash borasida amalga oshirilayotgan ishlarni yanada jadallashtirish, ularni ilmiy-texnik faoliyatiga keng jalb qilish, iqtidorli yoshlarning bilim, ko'nikma va malakasini oshirish maqsadida bo'lib o'tayotgan "Mirzo Ulug'bek vorislari" tanlovining Respublika bosqichiga institutimizning 10 nafar iqtidorli talabalar o'zlarining ilmiy va innovatsion g'oyalari hamda START-UP loyihalari bilan yo'llanma olishgan. Bu ko'rsatkichlarni ham o'tgan o'quv yillarga taqqoslaydigan bo'lsak 5 barobarga oshganligini ko'rishimiz mumkin.

Yuqorida keltirib o'tilgan yutuqlardan tashqari institutimizning iqtidorli talabalari ilmiy tadqiqot ishlari bilan Xalqaro va Respublikamizda o'tkazib kelinayotgan ilmiy amaliy koferinsiyalarda faol qatnashib kelishmoqdalar.

Bu borada konferensiyada ishtirok etayotgan barcha ma'ruzachilarga, chiqish qiladigan professor-o'qituvchilar, amaliyotchi-mutaxassislar va ilmiy izlanuvchilarga muvaffaqiyat tilagan holda anjumanni ochiq deb, e'lon qilaman. E'tiborlaringiz uchun rahmat!

A.Usmankulov
Jizzax politexnika instituti
rektori, t.f.d., professor

QURILISH VA UY-JOY KOMMUNAL XO‘JALIGI SOHASIDA KADRLAR TAYYORLASH VA ULARNING MALAKASINI OSHIRISH ISHLARI TO‘G‘RISIDA

Bugungi kunda mamlakatimizda innovatsion texnologiyalar asosida kadrlar tayyorlash tizimini yanada rivojlantirish hamda sohalar uchun kadrlar sifatini professional darajaga olib chiqish davlatimiz oldida turgan dolzarb vazifalaridan biri hisoblanadi.

Aynan, arxitektura-qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi sohasini boshqarishning samarali mexanizmlarini joriy etish, hududlarni zamonaviy qiyofasini shakllantirish, tadbirkorlik uchun qulay shart-sharoitlarni yaratishga qaratilgan shaharsozlik faoliyatini sifat jihatidan yangi darajaga ko‘tarish, raqobatni rivojlantirish, yangi sub’ektlarning innovatsion g‘oyalar, ishlanmalar va texnologiyalar bilan bozorga kirib kelishida bilim, malaka hamda ko‘nikmalarga ega sifatli kadrlarning o‘rni alohidadir.

Soha uchun malakali kadrlar tayyorlash va ularning zahirasini yaratish maqsadida Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi vazirligi tizimida 12 ta texnikum, 3 ta kollej mavjud bo‘lib, mazkur ta‘lim muassasalarida 27 ta kasb va mutaxassisliklar bo‘yicha jami 3 ming nafardan ziyod o‘quvchilar kunduzgi, sirtqi, kechki hamda dual ta‘lim shaklida tahsil olmoqda.

Bundan tashqari, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining tegishli qarori bilan vazirlik tizimidagi professional ta‘lim muassasalari huzurida 9 ta Qurilish sohasi malakali mutaxassislarini tayyorlash markazlari tashkil etildi. Ushbu markazlarda 14 ta soha yo‘nalishlari bo‘yicha qisqa muddatli kasbga o‘qitish kurslari yo‘lga qo‘yilgan. Bugungi kunda markazlarni muvaffaqiyatli tamomlagan 10 mingga yaqin fuqarolar belgilangan tartibda sertifikatni qo‘lga kiritib, kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi hamkorligida xorijiy hamda mahalliy qurilish tashkilotlariga ishga joylashtirilmoqda.

Shuningdek, vazirlik tomonidan qurilish ishlarini nazorat qiluvchi, mualliflik nazorati, pudrat va buyurtmachi tashkilotlarining texnik nazorati, davlat nazorati yo‘nalishida faoliyat ko‘rsatayotgan kadrlarning malakasini oshirish bo‘yicha ilg‘or xorijiy kompaniya, korxonalar va tashkilotlar bilan hamkorlik ishlari yo‘lga qo‘yilgan.

Xususan, vazirlik va Turkiya davlatining “ARCCON” MCHJ tashkiloti bilan hamkorlikda Qurilishni nazorat qiluvchi mutaxassislar malakasini oshirish maqsadida xalqaro darajadagi “Muhandislik va texnologiya bo‘yicha akkreditatsiya kengashi” (ABET) tomonidan tan olingan standartlar asosida ilg‘or malaka oshirish ta‘lim dasturlari ishlab chiqildi. Hozirda 160 nafar tinglovchi aynan ushbu dastur asosida o‘z malakasini oshirmoqda.

Uy-joy boshqaruv servis kompaniyalari va uy-joy mulkdorlari shirkatlarida ishlayotgan santexnik, payvandchi hamda elektromontajchi kabi mutaxassislarning malakasini oshirish uchun tizimdagi “Kommunalo‘quv” o‘quv metodika markazida o‘quv kurslari tashkil etilib, 142 nafar mutaxassislarning malakasi oshirildi hamda mazkur tinglovchilarga belgilangan tartibda tegishli sertifikatlar berildi. Shu bilan birga, ushbu markazda “Quyosh panellarini o‘rnatish va ularga texnik xizmat ko‘rsatish qoidalari” yo‘nalishi bo‘yicha qisqa o‘quv kursi tashkil etilib, 19 nafar tinglovchilarning malakasi oshirildi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Malakalarni baholash tizimini tubdan takomillashtirish va mehnat bozorini malakali kadrlar bilan ta‘minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida” 2020 yil 31 dekabrda PQ-4939-son qaroriga muvofiq, vazirlik huzurida tashkil etilgan Qurilish sohasida kasbiy malaka va bilimlar bo‘yicha tarmoq kengashi tomonidan rejaga asosan, 2021 yilda 35 ta, 2022 yilda 28 ta kasbiy standartlar ishlab chiqildi.

Vazirlik tomonidan soha uchun iqtidorli o‘quvchi va talabalarni aniqlash, ularni qo‘llab-quvvatlash, zamonaviy arxitektura loyihalari, muhandislik ishlanmalari hamda qurilish sohasida

innovatsion texnologiyalarni yaratishga qodir malakali mutaxassislarni tayyorlash maqsadida talabalar, o'quvchilar va yosh o'qituvchilar o'rtasida turli ko'rik tanlovlari hamda respublika darajasidagi o'quv amaliy seminarlari tashkil etilmoqda.

Xususan, oliy ta'lim muassasalarining iqtidorli talabalari o'rtasida an'anaviy tarzda har yili "Asr iste'dodlari" respublika ko'rik tanlovi hamda professional ta'lim muassasalari o'quvchilari uchun "Kasb mahorati" va "Quruq usulda qurilish va suvoqlash ishlari" ko'rik tanlovlari, shuningdek, o'qituvchilar uchun kasb va mutaxassisliklar yo'nalishlari kesimida Respublika o'quv-amaliy seminari o'tkazilib kelinmoqda.

Joriy yilning 5-6 may kunlari ham Xorazm arxitektura va qurilish texnikumida "Arxitektura va qurilish sohasida o'rta maxsus ma'lumotli mutaxassislarni tayyorlashda zamonaviy uskuna va jihozlardan foydalanish" Respublika o'quv-amaliy seminari o'tkazildi hamda ushbu tadbirda zaruriy bilim va fikrlar almashildi.

Vazirlik tomonidan hududlardagi yoshlarning bo'sh vaqtini mazmunli tashkil etish, ularning bandligiga har tomonlama ko'maklashish hamda iqtidorlarini qo'llab-quvvatlash maqsadida, "Yoshlar ishlari agentligi" bilan birgalikda tizimdagi texnikum va kollejlarda yoshlarni xorijiy davlatlarda talab yuqori bo'lgan kasb-hunarga, shuningdek, xorijiy tillarga o'qitishning dual tizimini yo'lga qo'yish bo'yicha chora-tadbirlar dasturi ishlab chiqildi.

Bugungi kunda ushbu dastur asosida tizimli ishlar tashkil etilmoqda. Jumladan, yoshlarni sifatli kasb-hunarga o'qitish bo'yicha professional ta'lim muassasalarining moddiy-texnika bazasini yaxshilash, o'quv jarayoniga malakali o'qituvchilar va ishlab chiqarish ta'lim ustalarini jalb qilish, o'quv dasturlarini xorijiy davlatlarda talab yuqori bo'lgan kasb-hunarga mos ravishda ishlab chiqish kabi vazifalar amalga oshirilmoqda.

Shuningdek, vazirlik tomonidan tizimdagi ta'lim muassasalari professor-o'qituvchilari tomonidan tayyorlangan darslik va o'quv qo'llanmalarni nashrdan chiqarish xarajatlarini qoplab berish va ushbu kitoblarni ta'lim muassasalariga yetkazish ishlari ham yo'lga qo'yilgan.

Amalga oshirilayotgan ishlar samaradorligini oshirish maqsadida, hududlardagi "Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi boshqarma"lari boshliqlari professional ta'lim muassasalariga mas'ul etib belgilanib, ular ta'lim muassasalariga amaliy yordam ko'rsatib kelishmoqda. Jumladan, o'quvchilar amaliyotini soha tashkilotlarida tashkil etish, o'quv binolarni joriy ta'mirlash ishlari amalga oshirilib, sohaning malakali kadrlari bilan davra suhbatlari olib borilmoqda.

Shu bilan birga, vazirlikning tegishli buyrug'i asosida ishchi guruh tuzilib, reja grafik asosida tizimdagi professional ta'lim muassasalarida o'quvchilar uchun yaratilgan shart-sharoitlar, o'quv jarayonining tashkil etilishi, mavjud moddiy-texnika bazadan foydalanish holati, ta'lim muassasasiga tegishli bino va yer maydonlarini boshqa sub'ektlar tomonidan egallanganlik holatlari o'rganilmoqda hamda ularga doimiy amaliy yordam ko'rsatilmoqda.

Zero, bularning barchasi Arxitektura-qurilish sohasida kadrlar tayyorlash tizimini ilg'or xorijiy tajriba hamda xalqaro standartlar asosida transformatsiya qilish, ta'lim jarayoniga innovatsion texnologiyalarni joriy etish, ilmiy-tadqiqot ishlari samaradorligini oshirish hamda ta'lim, ilm-fan va ishlab chiqarishning o'zaro integratsiyasini mustahkamlashga xizmat qilishi shubhasizdir.

A. Quldashev
O'zbekiston Respublikasi Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi vaziri
"Kompetensiyani rivojlantirish va malakani baholash tizimini
muvofiglashtirish" bo'limi boshlig'i t.f.n. dotsent

JIZZAX VILOYATIDA QURILISH MATERIALLARI ISHLAB CHIQUARISH SAMADORLIGINI OSHIRISHNING ISTIQBOLLARI

Bugungi kunda qurilish sanoatida respublikamizning rivojlangan davlatlar qatorida zamonaviy qurilish materiallari va buyumlarini ishlab chiqarish, ularning moddiy texnik bazasini kengaytirish, innovatsion texnologiyalarni amaliyotga tadbiq etish yo‘lidan jadal bormoqda. Davlatimiz rahbariyati tomonidan atrof-muxit va ekologiyani toza xolda saqlanishiga e‘tiborni qaratgan holda, ekologik toza energotejamkor qurilish materiallarini ishlab chiqarishga erishish maqsadida bir qancha muxim qarorlar qabul qilingan. Xususan, 2019 yil 4 oktyabrdagi PQ-4477-son Qarorida 2019—2030 yillar davrida O‘zbekiston Respublikasining «yashil» iqtisodiyotga o‘tish strategiyasining **qurilish materiallari ishlab chiqarish sohasida muxim bosqichlar** belgilab berilgan.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida” 2022 yil 28 yanvardagi PF-60-son Farmonida qurilish materiallari ishlab chiqarish hajmini 2 barobarga ko‘paytirish belgilangan.

2022-2026 yillarda Jizzax viloyatida qiymati 1,4 mlrd dollarlik loyihalar amalga oshiriladi. Natijada, Dasturga muvofiq, 2026 yil yakuni bilan:

- viloyatda qurilish mahsulotlar ishlab chiqarish hajmi 1,9 barobarga oshiriladi;
- eksport hajmi 17, 8 mln dollarga yetkaziladi;
- mahalliy lashtirish dasturi doirasida 1,2 trln so‘mlik mahsulotlar ishlab chiqariladi;
- 3 484 nafar yangi ish o‘rinlari tashkil etiladi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Uy-joy qurilishini va qurilish materiallari sanoatini qo‘llab-quvvatlashning qo‘shimcha chora-tadbirlari to‘g‘risida” 2022 yil 21 fevraldagi PQ-139-son qaroriga asosan qurilish sohasini va qurilish materiallari kompleksini yanada rivojlantirishning ustuvor yo‘nalishlari belgilab berilgan.

Mazkur qarorga asosan, respublikaning 8 ta, jumladan Forish tumanida qurilish materiallari klasterlari tashkil etiladi va boshqa hududlar bilan sanoat kooperatsiyasini tashkil qilish orqali qurilish materiallarini ishlab chiqarish rivojlantiriladi.

Xususan, mazkur ixtisoslashgan tumanlarda qiymati 678,0 mln dollarlik 12 ta loyiha amalga oshiriladi va 1 112 nafar yangi ish o‘rinlari tashkil etiladi. Shuningdek, Respublikamizda klasterlarni tashqi muhandislik-kommunikatsiya tarmoqlari bilan ta‘minlash uchun 2022-2023 yillarda davlat byudjetidan 200 mlrd so‘m, shundan joriy yilda 101 mlrd so‘m mablag‘ ajratiladi.

“O‘zsanoatqurilishbank” tomonidan ushbu loyihalarni moliyalashtirish uchun 300 mln dollar yevrobond chiqarilib, joylashtiriladi hamda uy-joy qurilishi klasterlarini qo‘llab-quvvatlash uchun 150 mln dollar miqdorida Hukumat kafolatisiz xorijiy kredit liniyalarining mablag‘lari jalb qilinadi. Shuning bilan birga, geologiya-qidiruv ishlari uchun 100 mlrd so‘m mablag‘ ajratiladi. Natijada, Yangi O‘zbekiston massivlarini barpo etishda uy-joy qurilish klasterlari bilan birga qurilish materiallari ishlab chiqarish klasterlari tashkil etilib, ob'ektlarning qurilish muddati va tannarxini kamaytirish imkoni yaratiladi.

2022-2023 yillarda energotejamkor va raqobatbardosh qurilish materiallari ishlab chiqarish ko‘lamini yanada kengaytirish maqsadida umumiy qiymati 5,0 trln so‘mlik 12 ta loyihalar ishga tushiriladi. Xususan, Jizzax viloyatida " Ming Yuan Silu Industry " MChJ QKda yiliga 8 mln kub metr Oyna ishlab chiqarish, “Shengze Eco Recovery” MChJ XK da 100 ming tonna metall chiqindilarni saralash va qayta ishlashni, "ECOBASALT GROUP" MChJda 5,0 ming tonna Bazaltdan kompozit quvurlar kabi ishlab chiqarish quvvatlari yaratiladi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023 yil 10 fevral kuni Jizzax viloyatiga tashrifida xam kelgusida amalga oshirilishi zarur bo‘lgan ko‘yidagi topshiriqlar berib o‘tildi: Jizzax viloyati sanoatining hozirgi jadal rivojlanishini davom ettirib, 2023 yilda viloyat sanoatini 14 foizga oshirish maqsadida: Jizzax viloyatida 750 mln. dollarlik 10 yirik loyixa va 580 mln. dollarlik 110 ta hududiy sanoat loyihasi ishga tushiriladi. Shuningdek, viloyatning Forish tumanida bir qancha yillardan buyon foydalanilmasdan tashlandiq holga kelgan, strategik ahamiyatga ega “Uchquloch” konini tiklash bo‘yicha 200 mln. dollarlik Turkiya bilan shartnoma imzolash bilan burg‘ulash ishlari olib borilishiga aloxida tuxtalib o‘tildi.

Viloyatning qurilish materiallari sanoatida esa, 460 mln. dollarlik 31 loyiha ishga tushirilishi va bu o‘rinda G‘allaorol, Baxmal va Zomin tumanlarida volfram, litiy va boshqa nodir metallarning, noruda materillarning foydali qazilmalarni aniqlash dasturi ishlab chiqarilishi; G‘allaorol tumanidagi “Quytoch” konini o‘zlashtirish buyicha taklif kiritish yuzasidan topshiriqlar berildi. Forish klasterida sendvich panel, gazoblok kabi yangi turdagi energiya tejamkor qurilish materiallari ishlab chiqarishga qaratilgan 20 ta loyixani amalga oshirish qo‘rsatib o‘tildi.

Jizzax politexnika instituti bilan hamkorlikda institutning moddiy texnik bazasida hamda potensialidan foydalanib qurilish materiallari bo‘yicha “Tadbirkorlar maktabi”ning filiali tashkil etilishi, qurilish materiallari va buyumlarini ishlab chiqarish yo‘nalishida faoliyat ko‘rsatayotgan korxonalar mutaxassis xodimlarining zamonaviy texnologiyalardan foydalanish, maxalliy xom ashyolar asosida qurilish materillari ishlab chiqarish bo‘yicha malakasini oshirish ko‘zda tutilgan.

Respublikamizni iqtisodiy rivojlantirish borasida qabul qilinayotgan tadbirlarni amalga oshirishda xar bir fuqaroning vatan oldidagi burchi hisoblanib, xar bir soxada davlatimizning rivojlangan davlatlar qatoridan o‘rin egallashiga o‘z hissamizni qo‘shishimiz zarurdir.

A.A.Baxodirov

**O‘zsanoatqurilishmateriallari uyushmasi
boshqaruv raisining ilm-fan va innovatsiyalar bo‘yicha
birinchi o‘rinbosari Т.Ф.Д., профессор**

**1-SHO'BA ARXITEKTURA VA QURILISH SOHASIDA KADRLAR
TAYYORLASH, EKOLOGIK VA IQTISODIY MUAMMOLAR, AKT DAN
FOYDALANISH.**

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОХИЯТЛИ ЕТУК КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ -
КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ ПОЙДЕВОРИ.**

**Мирзабеков Миркомил Сайдахматович.
“Қурилиш материаллари ва кимёвий
технология” факультети декани.**

“Биз рақобатдош давлатга айланишини мақсад қилиб қўйдик. Бундан буён олий таълимни тизимли ислоҳ қилишининг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш муҳимдир” Ш.Мирзиёев.

Бугунги кунда қурилиш соҳасида ҳам кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Илм-фан ёрдамида уларнинг самарадорлигини ошириш масаласи ҳам ҳар қачонгидан долзарб ҳисобланади. Бу эса биз, олимлар олдида сифатли қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, саноат чиқиндиларини қайта ишлаш орқали фойдали маҳсулотларни олиш бўйича илмий тадқиқот ишларини кенг қўламда олиб бориш вазифаларини қўймоқда.

Маълумки, қурилиш сифати ва муддати кўп жиҳатдан ишлатилаётган материалларга боғлиқ. Қурилиш соҳасини янада ривожлантириб унда замонавий материалларни ишлатиш ҳисобига қурилиш муддатини 30 фоизга, таннархни эса 20 фоизга камайтириш мумкин. Бундай вазифаларни бажаришга оид 2019 йил 23 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-4335-сонли қарори қабул қилинди. Қарорда Республикамизда рақобатбардош маҳаллий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича барқарор ўсиш суратларини таъминлаш, шунингдек, қурилиш корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган қурилиш материаллари саноатидаги таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилиши назарда тутилган.

Ҳозирги даврда аҳолини янги уй-жойлар билан таъминлашда ва қурилиш объектларида янги деворбоп ва пардозбоп замонавий қурилиш материалларини етказиб бериш жараёнида нафақат вилоятдаги ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотлари етакчи мутахассисларининг саъйи ҳаракатлари, балки институт профессор-ўқитувчилари ва изланувчан иқтидорли талабаларининг ҳам илмий тадқиқот ишлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

“Қурилиш материаллари ва кимёвий технология” факультетида ўқув жараёни, илмий-тадқиқот фаолиятларини такомиллаштириш, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, иқтидорли талаба-ёшлар билан ишлаш, илмий-тадқиқот натижаларини жорий этиш борасида 2022-2023 ўқув йили давомида бир қанча ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Факультет Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-

3151-сон Қарори ижроси доирасида “Зийнаткор” МЧЖ, Жиззах пластмасса АЖ, Жиззах нефт баъза МЧЖ, Ўзбекистон илмий-синов ва сифат назорати маркази ДУК Жиззах филиали “Фориш кластер” билан ҳамкорликда кафедра филиаллари очилди.



Факультетимиз бугунги кунда қуйидаги ишлаб чиқариш корхоналари билан:

- “Huaxin cement Jizzax” Ўзбекистон - Хитой қўшма корхонаси,
- “Peng sheng” Ўзбекистон - Хитой қўшма корхонаси,
- “Жиззах аккумулятор заводи” АЖ,
- “Жиззах пластмасса” АЖ,
- “Жиззах нефт база” МЧЖ,
- “Мега инвест индустриал” МЧЖ,
- Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Навоий бўлими,
- “Кнауф гипс Бухоро” МЧЖ,
- “Олмалик тоғ кон металлургия комбинати” нинг Жиззах цемент заводи,
- “Imorat ADA” кўп тармоқли илмий ишлаб чиқариш фирмаси,
- “Zenatkor ТВВ” МЧЖ,
- “Ecoclimate” Ўзбекистон - Хитой қўшма корхонаси,
- “Ирригация инвест” МЧЖ ва бошқа кўплаб қурилиш корхоналари билан ҳамкорлик

шартномалар тузилган бўлиб, ушбу корхоналар билан инновацион ҳамкорликдаги ишлари, талабаларнинг малакавий амалиётларининг ўташлари, малакали мутахассисларнинг дарс жараёнига кенг жалб қилинганлиги ва битирувчи курс талабаларининг иш билан таъминлаш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш йўналишида муайян ишлар амалга оширилиб, таълим сифатини янада ошириш мақсадида факультетда 3 та компьютер синфи, катта хажмдаги 43 дюмли 12 дона телевизорлар ҳамда 8 та кўчма проектор таълим жараёнида кенг фойдаланилиб, дарс машғулотлари олиб борилмоқда. Факультет ва кафедралар интернет тармоғига уланган, компьютер дастурлари асосида лойиҳалаш бўйича 7 та фан тўғрақлари фаолият олиб бормоқда.

Бугунги кунда факультетда жами 110 нафар профессор-ўқитувчилар (асосий ва ўриндошлар) жумладан, факультетда 6 нафар профессор, 39 нафар фан номзоди ва доцентлар, 26 нафар катта ўқитувчи, 39 нафар ассистентлар фаолият кўрсатмоқда, илмий салоҳият - **36 %** ни ташкил этади.

Факультетдаги амалий дарс машғулотлари ўтилишининг сифатини янада ошириш бўйича;

- Қурилиш материаллари ва конструкциялари кафедрасида жами **64** номда,
- “Кимёвий технология” кафедрасида **48** номда,
- “Умумтехника фанлари” кафедрасига **78** номда,

- “Кимё” кафедрасига 54 номдаги лаборатория жихозлари мафжуд бўлиб, ушбу лаборатория жихозларидан амалий дарсларда кенг фойдаланилмоқда.



Лаборатория жихозлари.

Факультетда “Иқтидорли талабалар” клуби фаолият юритиб, ушбу клубга 200 га яқин талаба аъзо бўлиб, ушбу талабаларнинг ҳар бирига тажрибали устозлар бириктирилган бўлиб, ўз мутахассислиги бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориб бормоқдалар. 2022-2023 ўқув йилида клуб аъзоларидан қуйидаги иқтидорли талабалар яхши натижаларга сазовар бўлишди.

ZAMONAVIY ELEKTROENERGETIKA BILAN BOG‘LIQ EKOLOGIK MUAMMOLAR VA ULARNI HAL QILISH YO‘LLARI

Do‘satova O‘g‘iloy Kamol qizi
JizPI, I-bosqich 401-22 EE guruh talabasi
Xolmo‘minova Dilorom Anvarovna
JizPI, “Kimyo” kafedrasida katta o‘qituvchisi

XX asrning ikkinchi yarmidan boshlab, global ekologik muammolarga jiddiy ahamiyat berila boshlandi. Bunga fan-texnika, iqtisodiyotning jadal sur‘atlar bilan rivojlanishi, shuningdek, tabiatga antropogen omillar ta’sirlarining kuchayishi natijasida biosfera ekotizimlarining buzilishi, cho‘llanish va Yer yuzida haroratning oshib borishi va shu kabi muammolar asos bo‘la oladi. Bugungi kunda Yer sayyorasida ekologik muammolarning keskinlashuvi yerdagi hayotga xavf tug‘dirmoqda. Ana shunday muammolardan biri muqobil elektr energiyasini ishlab chiqarish jarayonida yuzaga keladigan muammolar hisoblanadi.

Insoniyatning rivojlanish tarixi turli xil energiya turlari ishlab chiqarish bilan bevosita bog‘liq. Bu yo‘lda birinchi qadam ovqat tayyorlash va uyni isitish uchun g‘orlarda gulxan yoqish edi. Energiya ishlab chiqarish va iste‘mol qilish suratlarning keskin o‘sishi bir necha asrlar oldin, ya’ni sanoatlashtirish davrida boshlangan. Bugungi hayotni elektr energiyasidan foydalanmasdan tasavvur qilish qiyin.

Shunday ekan, har bir mamlakat iqtisodiyotidagi asosiy va tayanch tarmoqlardan biri elektroenergetikadir. Fan-texnika rivojlangan davrda xalq xo‘jaligi barcha tarmoqlarining elektrlashtirilishi va avtomatlashtirilishi elektroenergetika tamog‘iga bo‘lgan ehtiyojni yanada oshirdi.

Elektr energiyasi ishlab chiqarish manbalariga ko‘ra energetika sanoati uch turga bo‘linadi, bular: issiqlik, gidro- va atom energetika tarmoqlaridir. Mamlakatimiz energetika tizimining umumiy quvvati 11,3 million kilovatt bo‘lgan 37 ta issiqlik va gidravlik elektr stansiyalaridan

iborat. O'zbekistonda ishlab chiqarilayotgan elektr energiyagining 85 % ini IES lar beradi. Aksariyat IES larda elektr energiya va issiqlik energiyasi (bug') ishlab chiqariladi.

Elektr quvvatidan xalq xo'jaligi tarmoqlarida foydalanish balansida sanoat va qurilish yetakchi o'rinni egallaydi. Ular butun energiyaning salkam 60 % ni iste'mol qiladi. Qishloq xo'jaligida ishlatilayotgan elektr energiya esa 20 % dan ortiq.

Mamlakatimiz yagona energiya tizimiga ega bo'lib, u Markaziy Osiyo mamlakatlari bilan ham bog'langan. Bu tizim tashqariga elektr energiyani eksport qilish imkonini beradi. Zarur hollarda elektr energiya olish ham mumkin bo'ladi. Eng muhimi yangi energiya tizimida barcha turdagi elektr stansiyalar o'zaro bog'langan bo'ladi, issiqlik va suv elektr stansiyalarining mavsum davomida ishlab turishi tartibga solib boriladi.

Elektr energiya hosil qilishda AES lar, shamol, to'lqin, qalqish, geotermal, quyosh elektr stansiyalarining ham ahamiyati katta. Ammo bizning mamlakatimizda ularning ahamiyati uncha katta emas. Respublikamiz bitmas-tuganmas quyosh energiyasiga boy. Undan foydalanishda yirik ilmiy tadqiqotlar olib borilmoqda. Shulardan eng yirigi Parkent tumanida joylashgan Markaziy Osiyoda yagona bo'lgan "Fizika-Quyosh" inshootidir.

Atom energetikasi borasida ham Toshkent shahri yaqinidagi Ulug'bek shaharchasida ilmiy tadqiqotlar olib borilmoqda. Ammo, O'zbekistonda yaqin kelajakda AES lardan foydalanish rejalashtirilmagan. O'zbekistonda geotermal (yerning ichki issiqligi) va shamol energiyasidan ham foydalanish imkoniyatlari katta. Shamol yil bo'yi ko'p esadigan Yangiyer, Bekobod, Xovos tumanlarida shamol energiyasidan foydalanish mumkin va zarur.

Aholining ko'payib borishi yillar o'tishi bilan energiya inqirozini keltirib chiqarishi mumkin. Shuning uchun yangi turdagi ekologik toza energiya manbalarini topish kerak. Respublikamizning tabiiy iqlim sharoiti Quyosh energiyasidan qayta foydalanishga imkon beradi. Bunday energiya turlarini tugamaydigan va abadiy deb hisoblash mumkin. Quyosh nuridan energiya olish uchun mo'ljallangan stansiyalar O'zbekiston, Turkmaniston, Qrim, Qozog'iston Respublikalarida yaxshi yo'lga qo'yilgan.

Bugungi kunda Yaponiyada vodoroddan energiya olish ustida tadqiqotlar olib borilmoqda. Agar elektr energiyasidan suvni parchalash uchun foydalanib, hosil bo'ladigan vodorodni esa quvurlar orqali iste'molchiga yetkazib berilsa, energetik xarajatlarni kamaytirish mumkin. Vodorod ekologik sof ideal yoqilg'i va kimyoviy reagent hisoblanadi. Vodorodning issiqlik hosil qilish xususiyati toshko'mirnikidan 4 baravar yuqori. Vodorod energetikasining muhim tomoni vodorod hosil qilishda yadro reaktorlaridan foydalanish imkoniyatining borligidir. Quyosh elektrostansiyalari yordamida barcha xildagi turar joy va jamoat binolarini elektr bilan ta'minlash mumkin.

Bunday inshootlardan chet el mamlakatlarida va Markaziy Osiyo shaharlarida foydalanish uni katta afzallikka ega ekanligini amada isbotladi. Shaharlardagi yirik jamoat binolari tomida agar gelioukunalar o'rnatilsa, shu binolarga sarf bo'layotgan qancha-qancha energiya tejalishi mumkin. Yana bir tabiiy tunganmas energiya manbai bu shamol, Respublikamizdagi iqlim sharoit bunga imkon berishini yuqorida ham aytib o'tdik, endi amalda foydalanish kerak. Lekin ushbu sohada yuzaga keladigan ekologik muammolar borasida ham to'xtalib o'tish lozim.

Elektr energetikasidagi ekologik muammolar yoqilg'i qazib olish bosqichida ham, energiya ishlab chiqarish va tashish jarayonida ham yuzaga keladi. Elektr stansiyalaridagi avariya, Chernobil AES va Fukusima-1 AES da bo'lgani kabi ekologik ofatlarga olib kelishi mumkin.

Ushbu sohadagi ekologik muammolar elektr energiyasini ishlab chiqarish jarayonida ishlatiladigan yoqilg'i turiga bog'liq bo'lib, ular quyidagilardan iborat:

1. Ko‘mir va torfni ochiq usulda qazib olish landshaftning o‘zgarishiga olib keladi, bu o‘z navbatida o‘simliklar va hayvonlarning tabiiy yashash muhitini buzadi.

2. Ishlab chiqarish yoki tashish jarayonida to‘kilgan neft quruqlikda ham, okeanda ham flora va faunani o‘ldiradi.

3. Daryolarda qurilgan gidroelektr to‘g‘onlar unumdor yerlar va o‘rmonlarning keng maydonlarini suv bosishiga olib keladi.

4. Qushlarning migratsiya yo‘liga tortilgan yuqori voltli elektr uzatish liniyalari ularning elektr toki natijasida halok bo‘lishiga olib keladi.

5. Elektr inshootlari va o‘tkazgich liniyalarida qisqa tutashuvlar yong‘iniga olib kelishi mumkin, bu esa o‘rmonlar va ularda yashovchi hayvonlarning o‘limiga olib keladi.

6. Issiqlik elektr stansiyalarida ko‘mir, neft va gazni yoqish jarayonida atmosferaga zaharli moddalar, jumladan mishyak, simob, qo‘rg‘oshin va kadmiy hamda tonnalab oltingugurt oksidi, azot oksidi va kul chiqadi. Havoga kiradigan uglerod oksidi o‘rtacha haroratning oshishiga olib keladi, buning natijasida esa yerda global isish jarayoni kuzatiladi.

Bunday sohalarida yuzaga keladigan ekologik muammolarni hal qilishning muhim yo‘li energiya tejavchi texnologiyalarni ishlab chiqishdir. Elektr energiyasiga bo‘lgan ehtiyojni kamaytirish uni ishlab chiqarishni qisqartiradi, bu esa tabiiy muhitga ijobiy ta‘sir qiladi. Elektr energiyasini ishlab chiqarish jarayonini nazorat qilishga alohida e‘tibor qaratish lozim.

Atmosfera ifloslanishiga qarshi kurash quyidagi yo‘llar bilan amalga oshirilishi mumkin: keyingi paytlarda keng qo‘llanilayotgan quyosh elektr stansiyalari shovqinli emas, ular havo va tuproqni chiqindilar bilan ifloslantirmaydi. Ammo ularning quvvati elektr energiyasiga bo‘lgan ehtiyojni qoplash uchun yetarli emas.

Mutaxassislar energiya ishlab chiqarishning muqobil turlarini rivojlantirishni tabiiy resurslarni muhofaza qilishning istiqbolli yo‘li deb hisoblashadi. Quyosh, shamol, suv oqimi va geotermal elektr stansiyalari atrof muhitga salbiy ta‘sir ko‘rsatadi. Ammo ular nisbatan kam elektr energiyasi ishlab chiqaradilar va ularning ishlashiga ob-havo omillari ta‘sir qilishi mumkin. Shu sababli muqobil energiya turlarini ishlab chiqarishda eng avvalo ekologik muammlari keltirib chiqarmaydigan energiya ishlab chiqarish usullaridan foydalanish maqsadga muvofiqdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Siddikov I.X. Aloqa qurilmalari qayta tiklanuvchi elektr ta‘minoti manbaalari fanidan uslubiy qo‘llanma – Toshkent, TATU, 2016-92 b.

2. Shefter Ya. I. “Ispolzovanie energii vetra” – 1975.

3. Alibekov L.A, Nishonov S.A. “Fan-texnika taraqqiyoti, tabiat va inson” Toshkent. 1984.

4. Sattorov.A, Allanov.Q, Abduno‘minov B. “Global iqlim o‘zgarishi, uning oqibatlarini va unga moslashish”. Termiz 2019.

GLOBAL EKOLOGIK MUAMMOLAR VA ULARNING YECHIMLARI

Zayniddinova Nargiza Abulqosim qizi

JizPI, I-bosqich 402-22 EE guruh talabasi

Xolmo‘minova Dilorom Anvarovna

JizPI, “Kimyo” kafedrasida katta o‘qituvchisi

Bizning zamonaviy dunyomizda sayyoramiz farovonligini xavf ostiga qo‘yadigan ko‘plab omillar mavjud. Bazi odamlar “Ekologik muammolar shunchaki tabiiy hodisa”, degan fikrda bo‘lsa, boshqalari “Inson atrof-muhitga katta ta‘sir ko‘rsatadi”, deb hisoblashadi. Insonlarning nuqtai

nazaridan qat'iy nazar, bizning atrof-muhitimizni va Yer sayyorasini xavf ostiga qo'yadigan bir qator omillar mavjud.

Iqlim inqirozi tropik bo'ronlar, issiqlik to'lqinlari va suv toshqini kabi boshqa ob-havo hodisalarini avvalgidan ko'ra kuchliroq va tez-tez sodir bo'lishiga olib keladi. Oxirgi marta sayyoramizda karbonat ангидрид darajasi 4 million yil oldingi kabi yuqori bo'lgan. Issiqxona gazlari chiqindilarining ko'payishi global haroratning tez va barqaror o'sishiga olib keldi, bu esa o'z navbatida butun dunyoda halokatli hodisalarni keltirib chiqarmoqda – Avstraliya va AQShdan hozirgacha qayd etilgan eng halokatli o't o'chirish mavsumlarini boshdan kechirmoqda, chigirtkalar Afrika, yaqin Sharq va Osiyoning ayrim qismlarida to'planib, ekinlarni yo'q qiladi va Antarktidada harorat birinchi marta 20 °C dan oshganini ko'rgan issiqlik to'lqini. Olimlar doimiy ravishda Sayyora Arktika mintaqalarida abadiy muzlik erishi, Grenlandiya muz qatlami misli ko'rilmagan tezlikda erishi va Amazon o'rmonlarida o'rmonlarning kesilishini ko'paytirish kabi halokatli oqibatlariga olib kelishi mumkin bo'lgan bir qator burilish nuqtalarini kesib o'tgani haqida ogohlantirmoqda.

Havoning ifloslanishi, birinchi navbatda, karbonat ангидридning havoga ortiqcha va tartibga solinmagan chiqindilari natijasida yuzaga keladi. Ifloslantiruvchi moddalar asosan kimyoviy moddalar, toksik moddalar va chiqindilarni noto'g'ri utilizatsiya qilishdan tashqari qazilma yoqilg'ining yonishi natijasida paydo bo'ladi. Havoni ifloslantiruvchi moddalar atmosferaga singib ketadi va ular vodiylarda tutun, tutun va tuman birikmasini keltirib chiqarishi hamda ifloslanish manbasidan uzoqda joylashgan joylarda kislotali yog'ingarchilik hosil qilishi mumkin. Ko'pgina hududlarda odamlar va mahalliy hokimiyatlar o'zlarining tabiiy resurslaridan barqaror foydalanmaydilar. Tabiiy gazlarni qazib olish, o'rmonlarni kesish va hatto suv resurslaridan noto'g'ri foydalanish atrof-muhitga katta ta'sir ko'rsatishi mumkin. Ushbu strategiyalar ko'pincha mahalliy iqtisodiyotni rivojlantirishga harakat qilsa-da, ularning ta'siri neftning to'kilishiga, hayvonlarning yashash joylarining uzilishiga va qurg'oqchilikka olib kelishi mumkin.

Global isish yoki iqlim o'zgarishi atrof-muhitga zarar etkazadigan asosiy omil hisoblanadi. Global isish tufayli biz muzliklarning erishi, dengiz sathining ko'tarilishi va yangi ob-havo shakllarining shakllanishini ko'rdik. Ushbu ob-havo sharoitlari ilgari sodir bo'lmagan joylarda kuchli bo'ronlar, qurg'oqchilik va toshqinlarni keltirib chiqardi. Olimlar kamida 25 yil davomida qilingan kuzatuvlarni qo'shib mazkur mintaqadagi yirik muzliklar balandligi yiliga 7 metrqa qisqarayotganini aniqlashdi. . Hozirda Antarktida muzliklari okeanga 120-140 milliard tonna muz tashlayapti. Bu miqdor global suvlarni yiliga 0,34-0,40 mmga ko'tarishga qodir, bu umumjahon suratlardan 10 % ko'p degani. Muzliklarning qisqarishi oxirgi o'n yilliklarda Antarktika atrofida qayd etilgan iliq dengiz suvlarining oqibati bo'lishi mumkin. "Muzliklar tezlashar ekanlar, ular o'z tezligi uchun o'z ichlaridan ko'proq muzni ishlatishga majbur bo'ladilar. Bu degani ular ozib, bo'ylarini yo'qotadilar. Biz buni samodan qayd qilyapmiz", - deya Britaniyaning Qutbni kuzatish markazi olimi Doktor Hann Konrad bu borada o'z fikrini bildirdi.

Doktor Konrad taqdim etayotgan kuzatuvlar 1992 yildan beri bugungacha Evropa va Amerika fazo agentliklari tomonidan boshqarilgan beshta sun'iy yo'ldoshlardan olingan kuzatuvlarni ilk marta uyg'unlashtirmoqda. Olimlarga ko'ra, Antarktikaning bu qismidagi muzliklar erishini to'xtatishga endi kech bo'lishi mumkin va ularning bari kelgusi asrlarda qulaydilar. Ammo ayni damda muzliklarning erishi turlicha yuz beryapti - misol uchun Qarag'ay oroli to'xtovsiz va tez suratlarda eriyotgan bo'lsa, Tueyts erishi qandaydir muddatga to'xtab, keyin yana avj oladi.

Yuqorida keltirilgan ekologik muammolarning bari antropogen, ya'ni inson omili bilan bog'liq.

Xo'sh, biz nima qilishimiz kerak? Qanday choralar ko'rishimiz zarur? Albatta inson tabiatni ifloslash bilan chegaralanib qolayotgani yo'q. Insoniyat tomonidan uni bartaraf etish chora-tadbirlari ham amalga oshirmoqda. Jumladan, ko'plab davlatlarda ekologik siyosat olib borilmoqda. Masalan:

Hozirgi kunda dunyoning 27 mamlakatida, shu jumladan Evropa Ittifoqining turli mamlakatlarida, Kanada, Singapur, Yaponiya, Ukraina va Argentinada milliy uglerod solig'i amalga oshirilmoqda. Biroq, 2019 yilgi OECD soliq energiyasidan foydalanish hisobotiga ko'ra, amaldagi soliq tuzilmalari energiya manbalarining ifloslanish profiliga mos kelmaydi. Masalan, OECD uglerod solig'i ko'mir qazib olishda etarlicha qattiq emasligini taxmin qilmoqda, garchi u elektr energiyasi sanoati uchun samarali ekanligini isbotladi. Shvetsiyada uglerod solig'i samarali amalga oshirildi; uglerod solig'i tonna uchun 127 dollorni tashkil qiladi va 1995-yildan buyon chiqindilarni 25 % ga kamaytirdi, shu bilan birga uning iqtisodiyoti 75 % ga kengaydi.

Bundan tashqari, Birlashgan Millatlar tashkiloti kabi tashkilotlar iqlim inqirozi bilan kurashishga yaroqsiz: u boshqa jahon urushining oldini olish uchun yig'ilgan. Birlashgan Millatlar Tashkilotining iqlim o'zgarishi bo'yicha doiraviy Konvensiyasi doirasidagi tarixiy bitimda aytilishicha, mamlakatlar issiqxona gazlari chiqindilarini sezilarli darajada kamaytirishi kerak.

Oxir oqibat, zamonaviy dunyoning atrof-muhitga ta'siri ko'plab muammolarga olib kelishi mumkin. Insonlar ekologik barqaror odatlarni o'rnatishda materiallarni kamaytirish, qayta ishlatish va qayta ishlashga harakat qilib, o'z harakatlarining oqibatlarini hisobga olishlari kerak. Agar atrof-muhitni muhofaza qilish choralari ko'rilmasa, biz xavf ostida bo'lgan turlarning yo'q bo'lib ketishiga, dunyo bo'ylab ifloslanishga va umuman yashashga yaroqsiz sayyoraga guvoh bo'lishimiz mumkin.

Bizning davlatimizda ham atrof-muhitni muhofaza qilish, tabiiy resurslardan oqilona foydalanish sohasidagi munosabatlarni tartibga soluvchi mustahkam yaxlit qonunchilik bazasi yaratilgan. Jumladan, O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 50-moddasida "Fuqarolar atrof tabiiy muhitga ehtiyotkorona munosabatda bo'lishga majburlar", 55-moddasida – "Yer, yer osti boyliklari, suv o'simlik va hayvonot dunyosi hamda boshqa tabiiy zahiralalar umummilliy boylikdir, ulardan oqilona foydalanish zarur, ular davlat muhofazasidadir" deya ta'kidlangan. Darhaqiqat, o'zimiz yashab turgan ona yerni asrab, tabiat in'om etgan ne'matlardan oqilona foydalanish, nafas olayotgan atmosfera havosini musaffo saqlash har birimizning burchimizdir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Алибеков Л.А., Нишонов С.А. Фан-техника тараққиёти, табиат ва инсон. Тошкент, 1984.
2. A.Sattorov, Q.Allanov, B.Abdumo'minov Global iqlim o'zgarishi, uning oqibatlari va unga moslashish. Termiz 2019.
3. Беличенко Ю.П., Лаптев И.П. - Проблема охраны водных ресурсов. Томск, 1978.
4. Бостонджогло А.А., Эпштейн Л.В. - Как морю напиться? Журн. Природа и человек. 11/1988.
5. Буриев О. - Авесто: табиат, инсон ва қонун. Журн. қонун ҳимоясида. Тошкент, 9/2000.
6. Воронцов Н.Н., Сухорукова Л.Н. -Эволюция органического мира. М. 1991

ЭКОЛОГО – ЭКОНОМИЧЕСКОЙ АСПЕКТЫ ПРИМЕНЕНИЯ МИНЕРАЛЬНЫХ УДОБРЕНИЙ В ЗЕМЛЕДЕЛИИ

**Назаров Ортик Турсунович
Болтаева Хилола 313- 21 гурух талабаси
Жиззах политехника институту. Жиззах, Узбекистон**

В условиях интенсификации сельского хозяйства охрана окружающей среды становится неотъемлемым звеном системы земледелия. Современное сельскохозяйственное производство требует достаточно экологических и экономических знаний. Не только специалисты но и простые рабочие должны знать и соблюдать правила рационального, бережного использования земли и охраны природы, уметь прогнозировать последствия применения минеральных удобрений, ядохимикатов, эксплуатация сельскохозяйственной техники.

Эколого - экономической аспекты необходимо учитывать, в частности, при проведении такой важнейшей операции, как удобрение почвы. Работников сельского хозяйства надо в теории и на практике учить ее грамотному осуществлению. Они должны знать и отвечать на следующие вопросы:

1. Какое вредное воздействие на человека и животных может оказать неграмотное внесение минеральных удобрений?
2. Какие минеральные удобрения применяются на полях базового хозяйства?
3. Правильно ли их подготавливают к внесению?
4. Каковы последствия неравномерного внесения удобрений (комками, в сухую почву)? Наблюдали ли вы такие факты?
5. Соблюдается ли в базовом хозяйстве рациональная технология применения удобрений?

Для повышения продуктивности земли применяются органические и минеральные удобрения, химические мелиоранты (известь, гипс) и др. Хорошо заправленная удобрениями почва способна устоять против разрушения и истощения, что резко сокращает зависимость урожая от запасов в ней питательных веществ, повышает его устойчивость к неблагоприятным погодным условиям и позволяет создать плодородие почв, значительно превышающее природное.

Исторически прослеживается тенденция повышения урожайности сельскохозяйственных культур в связи с расширением применения удобрений. Так, если этот показатель у зерновых в XV-XVII вв. составлял в среднем 6 – 7 ц/га, то в XIX в. – уже 16, а концу XX в. Достигнет 60-70 ц/га. Первозданная природа, как считают ученые, могла прокормить всего 10млн. человек. Преобразованная людьми, она уже обеспечивает продуктами питания в сотни раз больше. Уже сегодня каждый четвертый житель планеты кормится благодаря применению туков.

Строгий контроль за соблюдением научно обоснованных агротехнических рекомендаций по эффективному использованию минеральных удобрений и исключению возможности их потерь при транспортировке и хранении;

Рациональное размещение сельскохозяйственных угодий с учетом рельефа местности, создание водоохраных и буферных зон с целью предотвращения возможности попадания минеральных удобрений в водоисточники;

Преимущественное использование трудновываемых минеральных удобрений – гранулированных, капсулированных и т.д. – с наименьшим содержанием балластных веществ;

Всемерное расширение площадей посева многолетних бобовых трав – гороха, сои, люцерны и других – с целью обогащения почв биологически связанным азотом;

Выноса и миграции питательных веществ удобрений в условиях орошаемого земледелия;

Влияния различных доз видов удобрений на продуктивность сенокосов и пастбищ:

Влияния снижения содержания ряда микроэлементов в эродированных почвах на качество урожая и т.д.

Для расчета экономической эффективности применения минеральных удобрений можно пользоваться следующими формулами: Себестоимость 1 ц урожая при использовании удобрений (С, руб.): $C = \frac{Z_o}{Y}$, где Z_o – общие затраты (на приобретение и внесение удобрений, охрану окружающей среды от возможного загрязнения ими, выращивание, уборку, перевозку, хранение, реализацию продукции, горюче-смазочные материалы, ремонт, обслуживание техники и др.); Y – урожайность культуры при использовании удобрений, ц/га.

Чистый доход от реализации продукции, полученной при использовании удобрений (Д, руб/га): $D = Y \cdot Ц - Z_o$, где $Ц$ – цена 1 ц продукции, руб.

Рентабельность производства (Р, %): $P = \frac{D}{Z} \cdot 100$.

Величина дополнительного урожая (Y_d , ц/га): $Y_d = Y - y$, где y – урожайность культуры без применения удобрений, ц/га.

Стоимость дополнительного урожая (К, руб/га): $K = Y_d \cdot Ц$.

Дополнительный урожай на 1 кг / га удобрений, $ц$: $\frac{Y_d}{H}$ где H – количество внеенного удобрения на 1 га посева, кг.

Дополнительные затраты на применение минеральных удобрений (Z_d , руб.): $Z_d = Z_o - Z_k$ где Z_k – общие затраты на выращивание сельскохозяйственной культуры без применения удобрений.

Снижение себестоимости продукции благодаря использованию удобрений, %: $\frac{c - C}{C} \cdot 100\%$, где c – себестоимость 1 ц урожая без применения удобрений, руб.

Повышение рентабельности производства (P_n , руб.): $P_n = P - p$, где P – рентабельность при внесении удобрений; p – рентабельность без применения удобрений.

Экономическая эффективность от внесения удобрений на всей площади земельного участка (\mathcal{E} , руб.): $\mathcal{E} = (D - d) \cdot П$, где d – доход от реализации продукции, полученной без применения удобрений; $П$ – площадь посева сельскохозяйственной культуры, га.

Для всех этих расчетов следует использовать конкретные данные, полученные в базовом хозяйстве, в ходе опытнической работы.

Отдача от удобрений во многом зависит от того, под какую из выращиваемых сельскохозяйственных культур они вносятся. Например, овес, однолетние травы на зеленый

корм дают наименьшую выгоду при внесении туков, тогда как овощи, картофель, лен и силосные культуры – наибольшую. Затраты на удобрения составляют, как правило, не более 2 – 9% общей стоимости расходов на получение той или иной сельскохозяйственной продукции и благодаря значительному росту урожайности, особенно на поливных угодьях, быстро окупаются, давая при этом значительную прибыль.

Литература:

1. Штефан В.К. Жизнь растений и удобрений. – М.; Московский рабочий;
2. Каюмов М.К. Удобрения под запрограммированный урожай зерновых культур – М.; 1981, с.82;
3. Журбицкий З.И. Теория и практика вегитационного метода. М. 1968;
4. Агеев П. Ключ к экологии. Л.: Гидрометеоиздат, 1982;
5. Михеев А.В. и др. Охрана природы. М.: Просвещение, 1989.

OZON QATLAMI HIMYOYAGA MUXTOJ

Karimova Feruza Sattarovna - erkin tadqiqotchi

Usmonova Elnoza Karim qizi - talaba

Jizzax politexnika instituti

Anatatsiya: Ushbu maqolada ozon qatlami va uning insonyat uchun ahamiyati haqida yozilgan bo'lib, tabiatni asrash va unga ehtiyotlik bilan muomilada bo'lish haqida ma'lumotlar mavjud.

Kalit so'zlar: Ozon qatlami, gologenlar, gaz, radiatsiya, ultrabinafsha nurlari, filtr, teri kasalliklari.

Dunyoda ekologik muammoda juda ko'p bo'lib, ulardan biri ozon qatlamining yemirilishi hisoblanadi. Ozon qatlamining ahamiyati shundaki, u yer yuzidagi mavjudotlarni quyosh va kosmosning salbiy nurlari ta'sirida himoya qiladi va filtr vazifasini bajaradi. U biosferani va yer yuzidagi jamiyki odamzodni to'g'ridan-to'g'ri quyosh nurlaridan himoya qiladi. Dunyoda biologik muvozanatini saqlaydigan, atmosferadagi eng muhim gazlardan biri hisoblanadi, havoni tozalash orqali dunyo hayoti davom etirishiga xissa qo'shiladi. Ko'p asirlar davomida odamlar ozon qatlami bilishmagan, ammo ularning faoliyati atmosfera faoliyati atmosfera faoliyatiga zararli ta'sir ko'rsatgan. Ozon qatlami yerdan 15-20 kilometr uzoqlikda stratosferada joylashgan kislorod turli hisoblanadi. Oddiy sharoitda o'ziga hos hidli, ko'k rangli gazdir. Ozon qatlami hozirgi kunda yemirilib tuynuklar hosil qilib, insoniyatni yangi global muammo biri hisoblanadi. Ozon qatlni yemirilishiga yamash texnologiyalari, yong'in o'chirish vositalari tarkibi galogenlar (xlor, ftor va brom) bo'lgan kimyoviy moddaning sanoat va qurilish sohasida keng qo'llanilishi asosiy sabab bo'ladi. Yana vulqonlarning uyg'onishi yer qobig'idagi gazlarning ajralib chiqishi ozon qatlamidagi tuynuklarni kengayishiga sabab bo'lyapti. Bu tuynuklar yemirilishi natijasida ko'pgina muammolar keltirib chiqaradi. Tabiatda kislorod tomonidan energiya yutish natijasida hosil bo'ladi. Ozon kislorodning atmosferasining yuqori qatlamlarida ultrabinafsha nurlari va pastki qatlamlarida chaqmoq hosil qilgan elektr toklari natijasida parchalanishi natijasida hosil bo'ladi. U qisqa vaqt ichida oddiy muhitda uchraydi va qoldiq qoldirmasdan kislorodgacha o'tadi. Organik moddalari bor joylarda ozon o'zini parchalaydi. Yerning issiqlik muvozanatini ta'minlovchi ozon iqlim sharoitiga ham ta'sir qiladi. Ozon o'zi nimaligini bilasizmi? Ozon bu osmonni ko'k rangda ko'rinishini keltirib chiqaradigan gazdir. U atmosferaning yuqorisidagi quyoshning ultrabinafsha nurlarini keltirib chiqaradi. Dengizlarda o'rmon hududlarida va baland joylarda ayniqsa yomg'irli va

chaqmoqli ob-havodan keyin seziladigan toza havo hidi ozondir. Havodagi ozon miqdori oshgani sayin u yonib ketadi. Ozonni saqlash yoki yig'ish mumkin emas. Ozon asosan ozon ishlab chiqarish texnologiyalari rivojlanib bormoqda. Asosan ozon muqobil tibbiyotda va sog'liq uchun turli xil dasturlarida juda tez- tez ishlatiladi. Kuchli oksidlanish xususiyati tufayli kimyo sanoatida muhim rol o'ynaydi. Ozon nafas olish tanadagi oksidlanishni keltirib chiqarish uchun har doim ham yetarli bo'lmasligi mumkin. Masalan :ozon qatlami yemirilishi natijasida katta miqdorda quyosh radiatsiyasi yer yuziga yetib keladi, insonlardagi teri kasalliklari bilan kasallanish ortib boradi.insonlar bu kasalliklar bilan qarshi kurashuvchi immunitet susaya boshlaydi; hosildorlik pasaya boshlaydi o'simliklar barglari kichrayib , o'z navbatida kislorod bo'lgan barglari fotosintez jarayoniga salbiy ta'sir ko'rsatadi. Ultirabinafsha nurlari jonzotlar va o'simliklarni zararlaydi, oziq zanjirini yetakchi bo'g'inda muhim o'rin tutadigan radiatsiya juda ta'sirchan bo'lgan planktonlar ko'p nobud bo'ladi va boshqa shu kabi muammolar keltirib chiqadi.Bir shu muammolarni kelib chiqishini oldini olishimiz darkor. Ushbu ekologik xavfni oldini olish maqsadida 1985-yil dunyoning 147 mamlakati ishtirokida ozon qatlami muhofaza qilish to'g'risida Vena konfensiyasi qabul qilindi.Oradan ikki yil o'tgach 1987-yil 16-sentyabirda ozon qatlamini yemiruvchi moddalar bo'yicha. Monrel pratakoli imzolgan. Ozon qatlamini himoya qilish uchun butun dunyodagi hukumatlar ushbu zararli gazlar chiqindilarni kamaytirish chora tadbirlarini ko'rilmogda. Aks holda ko'plab o'simliklar quyosh nurlaridan aziyat chekishi mumkin. Atmosfer havosini musaffoligini saqlash uchun avvalambor barcha insonlarni ekologik ta'lim -tarbiya berishni yo'lga qo'yish, korxonalarda ekologik jihatdan sog'lom texnologiya yo'natishi, transport vositalarini chiqindisiz ishlashni ta'minlash, shahar va qishloq ko'chalarida korxonalar atrofida yashil iqtisodiyotni ya'ni ko'kalamzorlashtirishni yanada kuchaytirish lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar

- 1.Mirziyoyev Sh.M “Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash -yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi”
- 2.G.J.Miesler, P.J.Fisher . D.A.Tarr. Inorganic Chemistu. New York.
- 3.N.A.Parpiyev , A.G'.Muftaxor. Anorganik kimyoning nazariy asoslari.

EKOLOGIYAGA TA'SIR ETUVCHI OMILLAR VA ULARNI BARTARAF ETISHDA MUQOBIL ENERGIYA MANBALARIDAN FOYDALANISH

Xotamboeva Sevara-talaba
Karimova Feruza Sattarovna-erkin tadqiqotchi
Jizzax politexnika instituti

Annotatsiya:Ushbu maqolada hozirgi kunning dolzarb masalasi bo'lgan tabiat resurslaridan to'g'ri foydalanish va ekologiyaga ta'sir etuvchi omillarni bartaraf qilish yo'nalishida amalga oshirilishi muhim bo'lgan vazifalar haqida so'z yuritilgan.

Tabiatni asrash, ekologiyani qiynayotgan muammolar hozirgi kunning dolzarb masalasidir. Tabiat, atrof-muhitni asrash esa, har bir insonning vazifasidir.XXI asrga kelib, tabiat resurslaridan foydalanish, ularni qayta ishlash tizimi keskin oshdi. Jamiyatning ma'lum rivojlanish davri davomida tabiiy resurslaridan foydalanishi ularni real va potentsial resurslarga ajratiladi.

Real resurslar, jamiyatning ayni paytdagi rivojlanish bosqichida qidirib topilgan, zahiralari aniqlangan va jamiyat tomonidan faol ishlatilayotgan resurslari hisoblansa, potentsial tabiiy resurslar, jamiyat tarraqqiyotining hozirgi boqichida qidirib topilgan, qisman va miqdoran aniqlangan resurslardir. Ulardan foydalanish uchun texnik vositalar yetarli bo'lmagan, xom

ashyolarni qayta ishlash texnologiyalari ham ishlab chiqilmagan yoki umuman yaratilmagan bo'lishi mumkin. Yer sayyorasining potentsial yer resurslariga cho'l, tog'liklar, botqoqliklar, sho'rlangan hududlar, doimiy muzliklar ham kiradi. Potentsial resurslariga bir qator kosmik resurslar – quyosh energiyasi, dengiz suvlarning ko'tarilishi va qaytishi, shamol energiyasi va boshqalar ham kiradi.

Hozirgi kunda eng ko'p foydalanib kelinayotgan tabiat resurlaridan biri bu energetik resurslardir. Ushbu resurlarning asosini tashkil etuvch elektr stantsiyalar va elektr korxonalarida elektr energiyasi ishlab chiqarish murakkab ekologik muammolar bilan bog'liqdir. Energiyaning zarurligi – insonning asosiy ehtiyojlaridan biridir. Energiya nafaqat hozirgi zamondagi murakkab inson jamoasining normal hayotiy faoliyati uchun, balki har bir insonning yashashi uchun ham juda zarurdir. Hozirgi vaqtda elektr energiyasi asosan gidroelektr stantsiyalar, issiqlik va atom elektr stantsiyalarda olinadi.

Gidroelektrstansiyalar tabiatga zarar keltirmaydigan ekologik toza korxonalar hisoblanadi. Odamlar katta daryolarda ko'plab yirik gidroelektrstansiyalar qurdi. Endilikda esa, bu yirik inshootlarning ham tabiat va insonga katta zarar keltirgani ma'lum bo'lib qoldi. Misol uchun, daryoning katta oqimlarida to'g'onlar qurish suv havzalari ostida katta hududlar - foydali yerlar qolib ketishiga olib keldi. Ko'plab odamlar o'z joylaridan ko'chirildi va yaylovlardan mahrum bo'ldilar. Daryolar to'sib qo'yilib, to'g'onlar baliqlar migratsiyasiga xalaqit berdi. Shu bilan birga, havzalarda suv to'planib uzoq turib qoldi va sifati pasaydi. Suv havzalarining mustahkamligi kamayib borib, daryo va daryo yaqinida yashovchi organizmlarga xavf tug'dirdi, ma'lum ta'sirlar ko'rsatdi, mahalliy suvning ko'payishi tuproq suviga ta'sir qildi. Buning oqibatida esa yerlarni suv bosishi, qirg'oqlar ko'chishi, har xil eroziya sodir bo'lishi ham kuzatilmoqda.

Issiqlik elektr stantsiyalari (IES) ham har bir mamlakatning elektr energiyaga bo'lgan ehtiyojlarini qondirishda muhim o'rin tutadi. Ko'mir ma'lum darajada radioaktivlik xususiyati mavjudligini hamma ham bilavermaydi. IESda katta miqdorda yoqilg'i yonadi va ko'p miqdorda radioaktiv chiqindilar havoga chiqadi. Shuningdek, organik yoqilg'ilar yonishi tufayli ham tabiatga juda ko'p zarar keltiriladi. IESda yonilg'i sifatida mazut va gazdan foydalaniladi. Ekologik nuqtai nazardan suyuqlik va ayniqsa gaz bilan ishlaydigan energetik qurilmalar qattiq yoqilg'ilar bilan ishlaydiganlariga qaraganda tozaroq hisoblanadi. IESlarni gaz bilan ishlashga o'tkazish energetik qurilmaning foydali ish koeffitsiyenti (FIK)ni ancha oshiradi va ekologik holatni yaxshilaydi.

Radioaktiv ifloslanish boshqa ifloslanishlardan ancha farq qiladi. Radioaktiv nuklidlar - bu nobarqaror kimyoviy elementlarning yadrosidir. Ular o'zlaridan zaryadli zarralar chiqaradi va qisqa to'liqlik elektromagnit nurlanishlar tarqatadi. Aynan xuddi ana shu zarralar va nurlanishlar inson organizmida turli xastaliklar, xususan, nurlanish kasalligini keltirib chiqarishi mumkin. Biosferada hamma joyda radioaktivlikning tabiiy manbalari mavjud. Inson ham boshqa tirik organizmlar singari hamisha tabiiy nurlanishlarga duchor bo'ladi. Tashqi nurlanish kosmosdan tarqalgan nurlar va atrof - muhitda mavjud bo'lgan radioaktiv nuklidlar hisobiga sodir bo'ladi. Ichki nurlanishni havo, suv va oziq moddalari orqali inson organizmiga kirib qolgan radioaktiv elementlar keltirib chiqaradi. Eng xatarlisi biosferaning antropogen radioaktiv, ya'ni inson faoliyati natijasida ifloslanishidir. Hozirgi vaqtda radioaktiv elementlardan turli sohalarda keng foydalaniladi. Ularni saqlashda va tashishdagi e'tiborsizliklar tufayli jiddiy radioaktiv ifloslanish yuz beradi. Chernobil atom stansiyasidagi portlash tufayli yadro yoqilg'isining atigi 5% atrof - muhitga tarqalgan edi. Bu ko'plab kishilarning nurlanishiga sabab bo'ldi. Katta hudud radiatsiya bilan shu darajada ifloslandiki, u joylarda yashash salomatlik uchun xavfli bo'lib qoldi. Radiatsiya halokat joyidan yuzlab va minglab kilometr uzoqlikka tarqaldi. Hozirgi vaqtda harbiy sanoat va atom elektr

stansiyalari chiqindilarini to'plash va saqlash keskin muammo bo'lib bormoqda. Har yili ular borgan sari atrof – muhit uchun katta xavf - xatar tug'dirmoqda. Shunday qilib, yadro energiyasidan foydalanish insoniyat oldiga yangi jiddiy muammolarni qo'ydi.

Shunday qilib, energetika, aftidan, insoniyat oldiga hal etilishi lozim bo'lgan muammolar qo'yadi. Bu muammolarni hal etish borasida bir necha yo'nalishlarda ishlar olib borilmoqda. Ekologlar noan'anaviy, qayta tiklanadigan energiya manbalaridan foydalanishning istiqbolli ekanini ta'kidlaydilar. Bular, eng avvalo, quyosh va shamol energiyasi, yer bag'rining issiqligi, okeanning mexanik va issiqlik energiyasidir. Mamlakatimizda ham quyosh (issiqlik) energiyasidan foydalanish borasida katta ishlar qilinmoqda.

Dunyo miqyosida elektr energiyasiga bo'lgan ehtiyojimiz kun sayin oshib borayotganligi hammamizga ayon. Agar oxirgi besh yillikni oladigan bo'lsak, dunyo bo'yicha har yili elektr energiyaga bo'lgan ehtiyoj 50 % ga oshib bormoqda. Bu esa muqobil energiya turlarini ko'paytirish va rivojlantirishni taqozo etmoqda. Xalqaro energetika agentligi ma'lumotlariga e'tibor qaratsak, agar Quyosh energiyasidan foydalanish shunday sur'atlarda rivojlanib borsa, 2050-yilga kelib, dunyoning elektr energiyasiga bo'lgan ehtiyojining 25 % ini Quyosh energiyasi hisobiga qondirish mumkin bo'ladi va yiliga atrof-muhitga chiqariladigan karbonat angidrid gazini 6 milliard tonnaga kamaytirishga erishiladi. Shunday ekan, bugungi kunga kelib Quyosh energiyasidan foydalanish eng maqbul va ekologik jihatdan toza energiya turi hisoblanadi. Nazariy jihatdan Quyosh energiyasi atrof muhitga nisbatan zararsiz hisoblansa-da, undan foydalanish Yer sirti albedosini o'zgartirish ehtimolligi ham mavjud. Hozirgi kunda Quyoshdan olinayotgan energiya salmog'i albedoni o'zgartirish ehtimolligi yo'q, chunki Quyosh energiyasi hisobiga is'temol qilinayotgan energiya miqdori juda oz. Yer sayyoramizdan 1 astronomik uzunlik birligi uzoqlikda turgan Quyosh markazidan kelayotgan yorug'lik oqimining nurlanishi unga perpendikulyar joylashgan 1m² yuzaga 1360 W/m² ga teng. Agar Quyosh nurlanishining Yer atmosferasi massasiga yutilishini inobatga olsak, u holda yorug'lik oqimi nurlanishi dengiz sathida 1m² yuzaga 1020 W/m² ga teng. O'rtacha yorug'lik oqimi nurlanishining sutkalik qiymati taxminan 3-martacha kam bo'ladi, bunda kecha va kunduzning almashinuvi hamda Quyoshning gorizontga nisbatan burchak o'zgarishlari sabab bo'ladi. O'zbekiston sharoitida bir yilga taxminan 270 kun Quyoshli bo'ladi va bu quyoshli kunlar taxminan 8÷10 soatga davom etishini inobatga olsak, Quyosh energiyasidan maksimal darajada foydalanish imkoniyatlarimiz bor. Dunyoda rivojlanishning bugungi bosqichida energiyaga bo'lgan talabning ortishi, energiya narxlarining doimiy oshib borishi tufayli zamonaviy, ekologik toza, energiya tejamkor texnologiyalar hamda qayta tiklanuvchi energiyalardan foydalangan holda yashil energetika rivojlantirish dolzarb ahamiyatga ega.

Hukumatimiz tomonidan qabul qilingan Yangi O'zbekistonning 2022-2026-yillarga mo'ljallangan Taraqqiyot strategiyasida yurtimizda "yashil" energetikani rivojlantirishga ham alohida e'tibor qaratilgan. Bu yo'nalishdagi amaliy ishlar orqali tabiat, atrof-muhit va ekologiyani asrashda muhim o'rin tutadi.

Xulosa: Bugungi kunda ekologiyaga salbiy ta'sir etuvchi omillarni har tomonlama bartaraf etish uchun muqobil energiya resurslaridan foydalanishning yangicha usullarini ishlab chiqish, shu bilan birga ularni amaliyotga tadbiiq etish, nafaqat tabiatni, balki, insonlar sa'lomatligini asrash uchun ham muhim rol o'ynaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. S.Buriyev, D.Maxkamova, V.Sherimbetov – "Ekologiya va atrof muhit muhofazasi"
2. Navoiy davlat pedagogika institute rasmiy sayti <http://nspi.uz/>
3. <http://ziyonet.uz/>

РОЛЬ ПРЕДМЕТА «КОМПЬЮТЕРНЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ПРОЕКТИРОВАНИИ СТРОИТЕЛЬНЫХ КОНСТРУКЦИЙ» В ПОДГОТОВКЕ ИНЖЕНЕРОВ-СТРОИТЕЛЕЙ.

**Испандиярова Углой Эркин кизи -
ассистент кафедры «Строительство зданий и сооружений»,
Давронов Бегзод Ахмаджон угли –
студент группы 201-21 «С 3 и С», ДжизПИ. +99893 352-32-12.**

Аннотация: в статье рассматривается роль, цель и задачи преподавания предмета “Компьютерные технологии при проектировании строительных конструкций” в подготовке инженеров-строителей и общие правила проектирования. Излагается информация о строительных конструкциях современных зданий.

Ключевые слова: компьютерные технологии, строительные конструкции, современные программы, строительные материалы.

Изучение предмета «Компьютерные технологии при проектировании строительных конструкций» позволяет студентам, обучающимся по строительным направлениям высших учебных заведений, получить необходимые сведения и навыки проектирования строительных конструкций, расчетов и поиска конструктивных решений, в области строительства учит рациональному использованию нормативных документов, технической и информационной литературы и сети Интернет. Студентам необходимо уметь создавать и рассчитывать расчетные схемы элементов строительных конструкций, определять конструктивные схемы зданий и сооружений, различать их по достоинствам, владеть в этой связи инженерным мышлением.

Целью преподавания предмета является ознакомление студентов с компьютерными программами для расчета и проектирования зданий и сооружений, научить выбирать поверхности поперечного сечения элементов конструкций и эффективно использовать современные методы при их проектировании.

В результате изучения науки студенты изучают современные вычислительные методы и умеют создавать компьютерную модель процесса проектирования и имеют возможность их решения, в то же время имеют возможность решать собственные задачи с помощью стандартных программ, современных практические программы, они должны уметь решать с их помощью инженерно-экономические задачи, овладевать методами эффективного использования компьютерных технологий при решении специальных задач.

Задача науки состоит в том, чтобы научить студентов, изучающих ее, уметь рассчитывать и проектировать экономически эффективные строительные конструкции.

Строительными конструкциями являются здания и сооружения и их части (подвижные и стационарные), размеры которых определяются расчетом на прочность, приоритет, долговечность, трещиностойкость и деформацию, и которые рассчитаны на восприятие различных нагрузок и воздействий (неагрессивные) не говорит.

Строительные конструкции изготавливаются из стали, алюминия, бетона, железобетона, камня, газопластика и др.

Литература:

1. Мирзаев Ш.Р., Вохитов М.М. Архитектура часть II. Гражданские здания. Учебник. Ташкент, 2010. -256 р.
2. Асатов Н.А. Технология строительных процессов - Учебное пособие 2021.

3. Алиев М.Р. Учебник "Оценка технического состояния зданий и сооружений", 180 стр. Джизак – 2021.
4. Испандиярова У.Э., "Введение в специальность" – Учебное пособие 2022., 135 стр. Джизак-2022.

UDK 691.328

**SHEMENT VA GIPSNI EGILISHGA VA SIQILISHGA MUSTAHKAMLINI
ANIQLOVCHI TAKOMILLASHGAN YANGI JIHOZ**

**Abduraxmonov Avazbek Abdusaid o'g'li – JizPI, 802-20 QMB va KICH gurux talabasi,
Parsaeva Nodira Jur'atovna -JizPI, dotsent v.b.**

Annotatsiya: Maqolada 4x4x16 sml sememtdan tayyorlangan namunalarining egilishga va siqilishga mustahkamligini o'rganishni yangi qurilmada aniqlash ko'rsatilgan.

GOST 30744-2001 asosida yaratilgan qurilmaning analoglari Rossiyaning "Matest" va Turkiyaning "Atom texnik" firmalari tomonidan yaratilgan qurilmadan afzalligi har ikki sinov bitta qurilmada gidravlik press yordamida bajarilishi ifoda etilgan.

Ushbu qurilma Jizzax politexnika institutida yaratilgan bo'lib, unga intellektual mulk agentligidan guvohnoma olish uchun hujjatlari tayyorlanmoqda.

Kalit so'zlar: "Atom Texnik", "Matest" MII-100 yoki P 2035 rusumli qurilmalari, gidravlik press, siqilishga mustahkamlik va egilishga mustahkamlik.

Xozirgi davrda mamlakatimizning ishlab chiqarish sanoatiga zamonaviy texnologiyalar kirib kelmoqda. Ayniqsa, qurilish materiallari ishlab chiqarish, juda tez sur'atlar bilan rivojlanib, zamonaviy qurilish materiallari sifati yaxshilanib, ularning turlari ko'paymoqda va yangi texnologik usullar joriy etilmoqda. Yangi texnologiya asosida ishlab chiqarilgan qurilish materiallarini eksport qilish imkoniyati kengaymoqda. Shu munosabat bilan respublikamiz davlatlararo standartlarga a'zo bo'lib, maxsulot sifatini yaxshilashga erishilmoqda. Bu esa, bo'lajak muxandis-texnologlarning yuqori saviyali bilimga ega bo'lishini taqozo etadi.

O'zbekiston Respublikasining 2017-2021 yillarda rivojlantirishning beshta ustivor yo'nalishlari, Harakatlar strategiyasining "Ijtimoiy sohani rivojlantirishning ustivor yo'nalishlari" bo'limining 4.4 bandida "Ilmiy tadqiqot va innovatsiya faoliyatini rag'batlantirish, ilmiy va innovatsiya yutuqlarini amaliyotga joriy etishning samarali mexanizmlarini yaratish, oliy o'quv yurtlari va ilmiy tadqiqot institutlari huzurida ixtisoslashtirilgan ilmiy-eksperimental laboratoriyalar, yuqori texnologiya markazlari va texnoparklarni tashkil etish" to'g'risidagi da'vatlarni o'rganib chiqqan institut professor-o'qituvchilari, yangi innovatsion g'oyalar yaratishga o'zlarining bor bilim va imkoniyatlarini qaratishdi.

Muqaddam institutlar va ishlab chiqarish laboratoriyalarida sementning egilishga mutaxkamligini aniqlaydigan MII-100 yoki P 2035 rusumli qurilmalar o'rniga, Jizzax politexnika institutidagi sementning egilishga va siqilishga mustahkamligini aniqlaydigan GOST 30744-2001 (Цементы методы испытаний с использованием полифракционного песка) talabiga javob beradigan, qurilma loyhasini yaratib, sertifikat olindi va institutning laboratoriyasida ishlab chiqarishga tadbiiq etildi. Sementning fizik-mexanik xossalarini GOST 310.1-79, 310.2-79, 310.3-79 va 310.4-81 bo'yicha amalga oshirilib kelingan edi, hozirgi kunda respublikamizda harakatda bo'lgan yangi davlatlararo GOST 31108-2003 (Цементы общестроительные. Технические условия) da ko'rsatilgan texnik talablarni amalga oshirish uchun GOST 30744-2001 da sementlarning xossalarini o'rganishga ko'plab o'zgartirishlar kiritilgan.

Ushbu GOST lar ishlab chiqarilgan hamma sementlarga ta'liqli bo'lib, ularni sinashda yarim fraksiyali qumdan foydalaniladi. GOST 30744-2001 ishlab chiqaruvchining mahsulot sifatini o'rganish bilan birgalikda ishlab chiqaruvchi sementni shartnoma bo'yicha EN 197-1 me'yoriy hujjat harakatda bo'lgan davlatlarga, buyurtmachining talabiga binoan va EN 197-1 talabi javob berishi kerak bo'lgan sertifikat olish kerak bo'lgan hollarda ham foydalaniladi. Shuning uchun mualliflar yuqorida keltirilgan GOST talablariga javob berishi kerak bo'lgan qurilma tayyorlashni maqsad qilib olishdi.

Bu qurilma o'zining o'xshashlari (anologlari)dan farqi namunalarni egilishga va siqilishga sinash bir qurilmada gidravlik pressda amalga oshiriladi. Turkiyaning "Atom texnik" va Rossiyaning "Matest" firmalari tomonidan ishlab chiqilgan qurilmalarda sementning egilishga mustahkamligi aniqlanadi, siqilishga mustahkamligi boshqa qurilmada gidravlik pressda yarimtalil namunalarni o'lchamlari 40x62,5 mm (yuzasi 25 sm²) bo'lgan po'lat plastinkalar orasida siqilib aniqlanadi. Mualliflar tomonidan yaratilgan qurilmada yuqoridagi xar ikki jarayonlarni bitta qurilmada bajarishga erishildi.

Sementni egilishga mustahkamligi o'xshash qurilmalardagi kabi bajarilsada, undan hosil bo'lgan yarimtalil namunalarni siqilishga mustahkamligi GOST 30744-2001 talabi asosida o'lchamlari 40x40 mm yuzasi 16 sm² bo'lgan po'lat plastinkalar orasida sinaladi (1-rasm).



1-rasm. Sementning egilishga va siqilishga mustahkamligini aniqlovchi qurilma.

Qurilma detallarining ishlash jihati ham oddiy bo'lib, ikkita qo'g'almas tayanch-2; tepadan harakatlanuvchi o'zak va tayanch-3; pastki asosda qo'zg'almas 40x40 mm li plastinka-1; tepadan tayanchga o'rnatiladigan siqilishga mustahkamlikni aniqlash uchun ishlatiladigan 40x40 mm li harakatlanuvchi po'lat plastinka-4 va pastki aylana asos rama-5 dan iborat.

Yangi qurilma va o'xshashlarining ishlash usullari 40x40x160 mm.li sement namunasining egilishga mustahkamligini aniqlash bo'yicha olingan natijalar bir xil. Mualliflar tomonidan yaratilgan qurilmaning o'xshashlaridan afzalligi, egilishga sinalgan yarimtalil namunalarning siqilishga mustahkamligi, bir vaqtning o'zida shu qurilmada gidravlik pressda aniqlanadi. Qurilmaning bu xususiyati vaqt tejamlorligi oxirgi GOST talabiga javob berishi bilan analoglardan bir muncha afzal (2-rasm).



2-rasm. a) Rossiyaning “Matest” firmasining jihozi;
b) Turkiyaning “Atom texnik” firmasi jihozi.

Qurilma energiya tejankor texnologiyaga asoslangan bo‘lib, har tomonlama zamon talablariga javob beradi. Laboratoriya qurilmasini qurilish va qurilish materiallari mutaxassisliklarini tayyorlovchi oliy ta‘lim muassasa laboratoriyalarida, sement zavodlari va qurilish materiallarini ishlab chiqarish korxonalari laboratoriyalariga tavsiya qilinadi.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. *Xarakatlar strategiyasi 2017- 2021 yy.*
2. *GOST 30744-2001.*
3. *Krivenko P.V. i dr. Stroitelnoe materialovedenie. Kiev. «Osnova», 2007.*

KIMYO FANINING ATROF-MUHITNI HIMOYA QILISHDAGI VA EKOLOGIK MUAMMOLARNI HAL QILISHDAGI ROLI

Rustamjonova Shahzoda-talaba

Ummatova Madina-talaba

Karimova Feruza Sattarovna-erkin tadqiqotchi

Jizzax Politexnika instituti

e-mail:f.karimova.85@mail.ru

Annotatsiya: Ushbu maqolada kimyo fanining atrof-muhit va inson omili uchun ahamiyati va kimyo fanining atrof-muhitni himoya qilishdagi shuningdek ekologik muammolarini hal qilishdagi o‘rni haqida so‘z boradi.

Kalit so‘zlari: Ekologik muammolar, atrof-muhit kimyosi, optimal muhit.

Mamlakatimizda bugungi kunda boshqa sohalar qatorida ekologiya va ekologik muammolarni hal qilish eng muhim va dolzarb muammolaridan biriga aylanmoqda. Bu sayi-harakatlarning orasida turli fanlar yordamida ekologiya muammolarini hal qilishga ko‘maklashish va shu bilan birgalikda ushbu muammolarni kelib chiqishini oldini olish eng muhim masalalardan biriga aylanib kelmoqda. Bu yo‘lda bizga kimyo, biologiya, geografiya va ekologiya fanlari birgalikda yordamga keladi. Kimyoviy jarayonlar hayotning asosidir va ular butun atrof-muhitning mavjudligini qamrab oladi. Hech shubhasiz, insoniyatning zamonaviy ekologik muammolari, uni falokat yoqasiga olib kelgan qoidabuzarlik tufayli atrof-muhitdagi kimyoviy va biologik muvozanat buzuladi va afsuski, vaziyat yomonlashishda davom etmoqda va shoshilinch uni tuzatish bo‘yicha samarali harakatlar amalga oshirish zarur. Shuning uchun "atrof-muhit kimyosi" nomli maxsus fanlar tashkil qilinadi. Ushbu fan quyidagilarni o‘z ichiga oladi:

- hayot va atrof-muhitdagi kimyoviy jarayonlar;
- atrof-muhit monitoringi va sanoatni zararsizlantirish;
- atrof-muhitga chiqindilarning zarari.

Ifloslantiruvchi moddalarning asosiy sinflarining xususiyatlarini ko'rib chiqish bilan bir qatorda atrof-muhit va ularning tirik mavjudotlarga ta'sirini o'rganish uchun mo'ljallangan organizmlar, analitik aniqlash usullari, shuningdek kamaytirish yo'llari atrof-muhitga chiqindilar chiqishini kamaytirish kabi usullardan ko'p qo'llaniladi. Shuningdek yurtimizda bugungi kunda bu borada chiqindilarni qayta ishlash texnikasi va texnologiyasi ham mukammallashmoqda.

Havo okeani, suv havzalari va tuproqning turli zararli moddalar bilan muntazam ifloslanib borishi natijasida viloyatda yetishtirilayotgan oziq-ovqat, meva, sabzavot va poliz mahsulotlarining sifat tarkibi kun sayin yomonlashib bormoqda. Masalan, bundan 50 yil oldin Hazoraning anjiri, Jaloirning bo'rikalla qovuni, Zarmetanning qatig'i, Xatirchining uzumi va

Nurotaning go'shtidan ta'tib ko'rgan kishi ulardan yana bir ta'tib ko'rish istagida yayov kelishga rozi bo'lar edi yoki kasal yotgan bemor ulardan yeganida tuzalib ketishi muqarrar desak hech ham mubolag'a qilmagan bo'lar edik. «Ming afsusuki hozirgi vaqtda yetishtirilayotgan oziq-ovqat, meva sabzavot va poliz mahsulotlarining tarkibi pestidsidlar qoldiqlari va zaharli kimyoviy elementlar bilan yuqori darajada ifloslangan. Ularning aksariyati davlat standartlariga javob bermaydi». Havo, tuproq, ichimlik suvi va oziq-ovqat mahsulotlarining ifloslanganligi viloyat aholisi ayniqsa, yosh bolalar orasida kasalliklarning ko'payishiga sabab bo'lmoqda. Shu bilan birgalikda asosiy ifloslantiruvchi moddalarni aniqlashning va atrof-muhit obyektlari namunalari tayyorlashning o'ziga xos usullari mavjud.

1. Qila olish: optimal sharoitlarni tanlash bo'yicha hisoblash muammolarini hal qilish, shuningdek ajratish jarayonlarini o'tkazish va moddalarning konsentratsiyasi, optimal va eng samarali aniqlash usulini tanlash va tahlil qilinayotgan obyektning tarkibi.

2. Egalik qilish: kimyoviy-analitik laboratoriyada ishlashning asosiy usullari, cho'kma, titrlash, tortish operatsiyalarini o'z ichiga oladi, ekstraksiya, namuna tayyorlash.

O'zbekiston Respublikasi Davlat sanitariya epidimologiya nazorati bergan ma'lumotga ko'ra hozirda Respublikamiz sanoati va qishloq xo'jaligi tarmoqlarida milliondan ortiq kishi band bo'lib, shuning qariyb 1 millionga yaqini zararli sharoitlarda (chang, shovqin, titrash, ultra- va infratovushlar ta'sirida) mehnat qilmoqda. Zararli mehnat sharoitlari hisobiga kasb-patologiya kasalliklari ko'payishi kuzatilmoqda. Jumladan, Respublikamizda so'nggi besh yil davomida bu kasallik (har 10000 ishchiga nisbatan) 20% dan to 76% gacha ko'paygan, Navoiy tog'-metallurgiya kombinatida bu ko'rsatgich bir barobardan to uch barobargacha oshgan. Ekologik muammo deganda, butun insoniyatga xavf soladigan, ilmiy asoslangan muammolarni tushunish maqsadga muvofiq. "Kimyoviy ekologiya" fanini o'rganishda u bilan o'zaro uzviy bog'liq fanlarni ham o'rganish, bu fanlar to'plagan bilimlardan xabardor bo'lish kerak bo'ladi. «Kimyoviy ekologiya» fanining boshqa fanlar bilan aloqadorligini quyidagicha ifodalash maqsadga muvofiqdir. Ekologik muammoni hal etish barcha xalqlarning manfaatiga mosdir. Rivojlanishni hozirgi kuni va kelajagi ko'p jihatdan ekologik muammoning hal qilinishiga bog'liqdir. Hozir sayyoramizda quyidagi global ekologik muammolar o'z yechimini kutmoqda. O'zbekiston respublikasi dunyodagi barcha mamlakatlar, jumladan Markaziy Osiyo mintaqasidagi davlatlar bilan hamkorlik va hamjihatlikda tabiatni, atrof-muhitni himoya qilish, tabiiy zaxiralardan oqilona foydalanish masalalariga katta e'tibor va ahamiyat berib kelinmoqda. Buning natijasi sifatida, atrof-muhitni muhofaza qilishni ta'minlashga qaratilgan qonun hujjatlari Respublikamizda ko'plab qabul qilindi. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 50-moddasida belgilab qo'yilganidek «Fuqarolar atrof tabiiy muhitga ehtiyotkorona munosabatda bo'lishga majburlar». Insoniyatning kelajakdagi taqdiri va har birimizning hayotimiz hozirgi davrda mavjud ekologik muammolarni qanday hal qilishga, ekologik muammolardan aholini, tabiatni qanday muhofaza qilishga bog'liq bo'lib qoldi. Bunday deyishimdan sabab, tarixiy zaruriyat, obyektiv muhtojlik borligidir. Chunki ekologik muammo

zamidida alohida xalqlar, millatlar va mintaqalarnigina emas, balki butun insoniyatning kelajak taqdiri yotibdi. Shu bilan birgalikda barcha mamlakatlarda ekologik muammolarga turli usullar bilan yechimlar qidirilmoqda. Yer yuzidagi chiqindilarni turli xil usullar bilan tozalash, ularni qayta ishlab chiqarish bo'yicha turli mamlakatlarning ilg'or texnologiyalaridan foydalanib kelinmoqda. Turli mamlakatlarda Yaponiya, Hindiston, Singapur va Osiyo xalqlarida ushbu masalaning yechimi sifatida turli noodatiy usullardan foydalangan holda chiqindilardan foydalanilmoqda. Misol tariqasida Yaponyaning chiqindilardan qurilgan oroli va Hindistonning chiqindilardan ishlab chiqarilayotgan qurilish xom-ashyolarini keltirish mumkin.

Xulosa qilib aytganda tabiatni muhofaza qilish inson va tabiatning o'zaro munosabatlarida muvozanatga erishish asrimizning eng dolzarb muammolaridan hisoblanadi. «Ekologik xavfsizlik» kishilik jamiyatining buguni va ertasi uchun dolzarbligi juda zarurligi bois eng muhim muammolar jumlasiga kiradi. Ekologiya hozirgi zamonning keng miqyosdagi keskin ijtimoiy muammolaridan biridir. Uzoq yillar davomida eski ma'muriy buyruqbozlik tizimi sharoitida Markaziy Osiyo mintaqasidagi ekologik muammolarga e'tibor berilmadi. Tabiatni muhofaza qilish tadbirlariga arziyas darajada kam mablag' ajratilardi. Bu mablag' tabiatni himoya qilish uchun yetarli bo'lmagan. Mening fikrimcha, ekologik muammolarni hal qilish uchun har birimiz, yosh-u qari barchamiz mas'ulmiz. Shu sababli barchamiz bu muammolarni yechish uchun kurashishimiz lozim!

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Э.А.Турдыкулов. «Экологическое образование и воспитание учащихся Ташкент. «Укитувчи». 1991.
2. Sh. Otaboyev, T. Iskandarov. «Konununol gigiyena». Toshkent, «Ibn Sino nomidagi nashriyot-matbaa birlashmasi», 1994.
3. I. Xolliyev, A. Ikromov. «Ekologiya». Toshkent, «Mehnat», 2001.
4. A. Ismoilov. «Ekologik ta'lim-taibiyat». Toshkent, «O'qituvchi», 1997.
5. A. To'xtayev. «Ekologiya». Toshkent, «O'qituvchi», 1998.
6. Mirzayev, Z. G'oforov. «Tabiatni e'zozlash umumbashariy muammo». Toshkent, «Yangi asr avlodi», 2001.

QURILISH SOHASIDAGI EKOLOGIK MUAMMOLAR VA ULARNING YECHIMLARI

**Kuchimov Sardorbek Ulug'bek o'g'li,
Boyturayev Hojiakbar Abduraim o'g'li
Q M va K T fakul'teti 801-21 talabalari
Ismoilov Dilshod Jo'raqul o'g'li
Qurilish materiallari va konstruksiyalari
kafedrasasi assistenti**

Annatsiya: Ushbu maqolada qurilish sohasida kelib chiqayotgan ekologik muammolar, ularning sabablari va omillari hadiqa so'z olib borilgan. Shu bilan birga ekologik muammolarga samarali va oson yechimlari qurilish natijasida atrof-muhitni ifloslantiruvchi moddalar. Qazish tuproqlari, qurilish va buzilish chiqindilarini boshqarishning umumiy tamoyillari borasidagi fikrlar berilgan.

Kalit so'zlar: Qurilish tizimlari, atrof muhit, SES. maqbul mikroiklim.

Ekologiya jamiyat va atrof-muhit o'rtasidagi o'zaro ta'sir qonuniyatlarini, shuningdek biosferani muhofaza qilishning amaliy muammolarini o'rganadi. Jamiyat taraqqiyotining hozirgi bosqichida materiallar ishlab chiqarish va sanoat chiqindilari hajmi sezilarli darajada oshdi,

tabiiy xom ashyo manbalari kamaymoqda, ularni qayta ishlashning an'anaviy texnologiyalari bilan sun'iy materiallardan foydalanish kengaymoqda. Biosferada Yerda hayot mavjudligiga tahdid soladigan o'zgarishlar ro'y beradi. Ular texnik, iqtisodiy va ijtimoiy jihatlari bilan ekologik muammoning paydo bo'lishiga olib keldi. Qurilish sohasida atrof-muhitning ifloslanishini hisobga oladigan bo'lsak, biz nimaga duch kelamiz? Qurilish sanoatining atrof-muhit ifloslanishiga ta'siri qanday? Maqolamizda biz qurilish va ekologiya sohasi bilan chambarchas bog'liq bo'lgan ko'plab savollarga javob izlab, ogohlikni oshirishga harakat qilamiz. Afsuski, o'tmishdan hozirgi kungacha bo'lgan jarayonda qurilish sohasida erishilgan muvaffaqiyat ko'rsatkichlari qatorida atrof-muhitga yetkazilgan zarar ham kam emas. Umumiy qabul qilingan muvaffaqiyat mezonlari; vaqt, narx va sifat. Bugungi kunda ular orasida atrof-muhitni boshqarish zaruriy o'rin olgan deb aytish mumkin emas. Biroq, o'tgan yillarga nisbatan bu boradagi ogohlik oshgani inkor etilmaydigan haqiqatdir. Qurilish loyihalarida atrof-muhitga zarar odatda qurilish chiqindilarining noto'g'ri ajratilishi tufayli yuzaga keladi. Qurilayotgan qurilish loyihalarida atrof-muhitni to'g'ri boshqarish uchun hech qanday ekologik bosim o'tkazilmasligi, loyiha hududidagi o'simliklar imkon qadar zarar ko'rmasligi, aksincha, atrof-muhit sifatini o'tmishdagiga nisbatan oshirish kerak. Shunga qaramay, tugallangan loyihalarda yomg'ir suvini qayta ishlashni boshqarishni to'g'ri rejalashtirish, tuproqni himoya qilish va iloji boricha qayta tiklanadigan energiyaga e'tibor qaratish kerak. Masalan, binolardagi oqava suvlarni tozalash va qayta ishlatish kerak; quyosh va shamol energiyasidan foydalanish kerak. Qurilish tufayli atrof-muhitni ifloslantiruvchi materiallar odatda eski binolardan qolgan qazishmalardir. Yuqorida aytib o'tganimizdek, ushbu qazilmalarni qayta ishlash orqali atrof-muhitga yetkaziladigan zararni sezilarli darajada kamaytirish mumkin.

Quyida yashil texnologiyalarni sanab o'tishga harakat qilamiz: a)ekologik toza qurilish materiallaridan foydalanish, b)energiya tejamkor texnologiyalarni qo'llash, c)uyda **maqbul mikroiklimni** yaratish, d)kommunal vositalardan (suv, elektr, gaz, isitish) oqilona va tejamkor foydalanadigan bunday aloqalarni rivojlantirish, e)qurilish jarayonida axlat va chiqindilar miqdori kamaytirish. Qazish tuproqlari, qurilish va buzilish chiqindilarini boshqarishning umumiy tamoyillari quyidagilardan iborat; 1)Chiqindilarni manbada minimallashtirish zarur. 2) Ushbu chiqindilarni boshqarish uchun mas'ul bo'lgan shaxslar, muassasalar/tashkilotlar chiqindilarning atrof-muhit va inson salomatligiga zararli ta'sirini kamaytirish uchun zarur choralarni ko'rishlari shart. 3) qazish tuproqlari va qurilish chiqindilarini qayta tiklash va ayniqsa, ularni infratuzilma material sifatida qayta ishlatish zarur. 4) Qazilgan tuproqni qurilish/vayronalar chiqindilari bilan aralashtirmaslik kerak. 5) Sog'lom qayta ishlash va yo'q qilish tizimini yaratish uchun chiqindilarni manbada ajratish va "tanlab yo'q qilish" muhim ahamiyatga ega. 6) qazilgan tuproq va qurilish/xarajat chiqindilarini ishlab chiqaruvchilar o'z chiqindilarini yo'q qilish uchun zarur xarajatlarni qoplashlari shart.

Aynan shu nuqtada, qonunchilikda "**Qazilgan tuproq**, qurilish va buzish chiqindilarini nazorat qilish to'g'risida" gi nizom mavjud. Ko'rib chiqilayotgan tartibga solishga qaratilgan muhim qismlar "qazilgan tuproqni va qurilish va buzish chiqindilarini atrof-muhitga zarar etkazmaydigan tarzda qayta tiklash, baholash va manbada yo'q qilish" deb ta'kidlangan.

Xulosa qilib aytganda, loyihalar nafaqat qurilish bosqichida, balki hayotni ta'minlash jarayonida ham atrof-muhitga etkazilgan zararni minimallashtirishga qaratilgan bo'lishi kerak. Xamma korxonalar zararli chiqarishlar miqdorini kamaytirishlari, chiqindilarni tozalash kurilmalarning samarali va betuxtov ishlashini ta'minlashlari, SES talablari va shartlarini bajarish uchun ularni nazorat qilish, suv, tuproq va boshqa tabiiy ob'ektlarning ifloslanishiga yul kuymaslik zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar

- 1) G.A.Novikov “Osnova obshey ekologii i ohrana prirodi”.
- 2) A.Xo`jaxonov “Atrof muhitni muhofaza qiling” Toshkent “Ibn Sino” 1985 yil
- 1) Блинов Л.Н., Оркина Т.Н., Тансура Н.П. – Санкт-Петербург: Основы экологической химии. Санкт-Петербургский Государственный политехнический университет, 2007. -75 с. Internet saytlar:

1) <https://emsal.com/>

2) <https://uz.thinkfirsttahoe.org/>

QURILISH SANOATIDAGI EKOLOGIK MUAMMOLARI

**Usmonov Sarvarbek G’ogur og’li,
O’sarov Samandar Baxodir o’g’li
Q M va K T fakul’teti 802-21 talabalari
Ismoilov Dilshod Jo’raqul o’g’li
Qurilish materiallari va konstruksiyalari kafedrası assistenti**

Annatatsiya: Ushbu maqolada qurilish sohasida kelib chiqayotgan ekologik muammolar, ularning sabablari va omillari haqida so’z olib borilgan. Shu bilan birga ekologik muammolarga samarali va oson yechimlar, qurilish natijasida atrof-muhitni ifloslantiruvchi moddalar. Qazish tuproqlari, qurilish va buzilish chiqindilaridan chiqadigan zaharli moddalarva ularni boshqarishning umumiy tamoyillari borasidagi fikrlar berilgan.

Kalit so’zlar: Ekologiya, havo ifloslanishi.

Qurilish sohasidagi ekologik vaziyat va insonning ilmiy va iqtisodiy faoliyati o’rtasidagi bog’liqlikni aniqlash.

- bino va inshootlarni qurish va ulardan foydalanish jarayonida yuzaga keladigan ekologik muammolarni o’rganish;

Bino va inshootlarni qurish va ulardan foydalanish jarayonida yuzaga keladigan ekologik muammolarni hal qilish usullari va usullarini o’rganish;

- talabalarni qurilish industriyasining hozirgi tendentsiyalari va uning istiqbollari bilan tanishtirish.

"Ekologiya" atamasi 1866 yilda joriy etilgan. Bu organizmlar va ular o’zlari va atrof-muhit o’rtasidagi o’zaro bog’liqlik haqidagi fan.

O’tgan asrda insonning tabiatga ta’siri kuchayib borishi munosabati bilan ekologiya tabiatdan oqilona foydalanishni ilmiy asosi sifatida alohida ahamiyatga ega bo’ldi.

Shaharlar Rossiyaning iqtisodiy rivojlanish markazlari bo’lib, mamlakat aholisining 70% dan ortig’i ularda joylashgan, shuning uchun qulay muhitni saqlash zarurati shaharlarda eng dolzarb masala hisoblanadi. Cheklangan hududlardagi aholi, transport va sanoat korxonalarining yuqori zichligi shaharlardagi ekologik muammolarning asosiy sababidir, ularning asosiylari:

- Havo ifloslanishi.
- Er usti suv manbalarining ifloslanishi.
- Er osti suvlarining ifloslanishi.
- Tuproqning unumdor qatlamini buzish va yo’q qilish, erlarning sho’rlanishi, botqoqlanishi va cho’llanishi.
- Maishiy chiqindilar bilan chiqindilar joylashgan maydonning ko’payishi.

- Yashil maydonning etishmasligi

Dunyo rivojlanayotgan sanoat, yangi qurilgan shaharlar va tezkor aholining soni kamayib bormoqda. Ekologik muammolar bir xil sur'atlarda o'sib bormoqda. Har yili dunyoda 20 milliard tonna kislorod yonib ketadi.

Tropik o'rmonlar tufayli uning muvozanati hali ham Yerda saqlanib kelinmoqda. Ammo ular yil sayin kamayib bormoqda. Umuman olganda, bugungi kunda dunyo miqyosida yiliga 100 milliard tonnadan ortiq turli moddalar ishlatilmoqda. Olimlarning hisob-kitoblariga ko'ra, so'nggi yuz yil ichida atigi 1,5 million tonna mishyak, 1 million tonna nikel, 1,35 million tonna kremniy, 900 ming tonna uglerod oksidi, 600 ming tonna rux atmosferaga chiqarildi. Bitta o'rtacha issiqlik elektr stantsiyasi kuniga 800 tonnagacha kul va 125 tonna oltingugurt dioksidi chiqaradi.

Atmosferaga antropogen ta'sir o'tkazadigan narsalarning to'liq ro'yxati emas. Dengiz va okean suvlari qattiq ekologik stress ostida, bu dengiz suvlarining tozalovchi xususiyatlarining pasayishiga va ularning biologik mahsuldorligining pasayishiga olib keladi. Sayyoramizning tuproq qoplami endi texnogen chiqindilar bilan kurasha olmaydi, aksariyat hollarda tabiat hali unga begona bo'lgan ifloslanish jarayoniga moslashmagan. Tabiat uning zulmi va o'limiga olib keladigan haddan tashqari yuklarni boshdan kechiradi. Qurilish sanoatining ushbu yorqin tasvirida sezilarli hissa qo'shiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

- 1.G.A.Novikov “Osnova obshey ekologii i oxrana prirodi”.
- 2.A.Xo`jaxonov “Atrof muhitni muhofaza qiling” Toshkent “Ibn Sino” 1985 yil

Internet saytlar:

- 3.<https://emsal.com/>
4. <https://uz.thinkfirsttahoe.org/>

“XO’JAI SAROB OTA” ZIYORATGOHI

**Jizzax politexnika instituti 231-22 Arxitektura
guruhi talabasi Abdullayeva Surayyo Zoir qizi
Jizzax politexnika instituti Arxitekturaviy loyihalash
kafedrasi o’qituvchisi Narziyev Alisherbek Qahramon o`g`li**

Jizzax viloyati Zomin tumani hududida joylashgan «Xo’jai Sarob ota ziyoratgohi» hududi 2,0 gektarni tashkil etadi.

Zomin tumanidagi so’lim Pishag’or qishlog’ining yuqorirog’ida bir ziyoratgoh maskan bor. Bu qadamjoni mahalliy aholi «Xo’jai Sarob ota ziyoratgohi» (*«Suv boshining egasi»*) deb atashadi. Atrofni yashilliklar va obi-hayot o’rab turgan bu dargohga qadam qo’yganingiz hamono, ko’ngilni ajib bir osoyishtalik qamrab oladi. Go’yoki, g’am-tashvishga to’la dunyo orqada qolib, betashvish olamga kirgandek his qilasiz, o’zingizni. Teparoqda maqbara. Maqbara ro’parasida masjid qad ko’targan bo’lib, ziyoratgohning xushhavo tabiatiga o’zgacha ulug’vorlik baxsh etganday.

Bu yerda qabri muqim bo’lgan inson, asli ulug’ olim bo’lib, ismlari Mavlono Muhammad Peshog’ariy ekan. U kishi 1321 yilda tavallud topgan ekanlar. Bu zot to’g’risida va u kishining ilmiy faoliyati haqida Faxriddin Ali ibn Voiz al Koshifiyning «Rashxatu aynul hayot» nomli tazkirasining 215-216 betlarida bir muncha ma’lumotlar keltirilgan. Ushbu ma’lumotlarga qaraganda Mavlono Muhammad silsilai Xojagon yo’nalishidagi «Naqshbandiya» tariqatining zabardast vakillaridan bo’lib, ilmi zohir va ilmi botinda mashhuri jahon ekanlar. Tug’ilgan yillari hijriy sanada 700 – yil, taxallusi «Xojai Ser-ob», yoki «Xojai Sar-ob».

Aytishlaricha, shu inson olis yurtlardan bizning yurtimizga sayohat qilib kelib qolibdilar. Morguzar tog'idan o'tayotganlarida ittifoqo, so'lim va bahavo joyga ko'zlari tushib, bu maskanda muqim qolish istagi tug'ilibdi.

Shu istak bilan bir kulba qurib, istiqomat qila boshlabdilar va o'zlariga «Peshog'ariy», ya'ni «pishag'orlik» degan taxallus ham tanlabdilar.

Xo'jai Sarob ota umrining oxiriga qadar ushbu maskanda yashab, bog'dorchilik, uzumchilik bilan shug'ullanib, halol mehnat ila kun kechirgan, shu bilan birga mahalliy aholi farzandlarini ilmu ma'rifatli qilgan komil inson ekanlar.

Xalq orasida bu yerdagi buloqning shifobaxshligi, kimki undan yaxshi niyat bilan ichsa dardiga davo topishi, ham niyatiga yetishi haqidagi rivoyatlar hali hamon mashhur.

Hozirda shu buloqning suvidan Pishag'or va Qangli qishlog'ining 3 mingdan ziyod aholisi suv ichmoqda.

Darhaqiqat, buloq oyna-ko'l bo'lib oqib, qanchadan-qancha tashna dillarning chanqog'ini qondiradi. Ko'ldagi ilohiy baliqlar esa sho'x-sho'x o'ynab, ziyoratchilar tashlagan non ushoqlarini «kim o'zar»ga ilib yeyishadi. Bu holatlarning barchasi ziyoratgohning obodligidan, bu obodlikka hech kim daxl qilmayotganidan dalolat edi.

Mustaqillik yillarida ziyoratgoh obod etildi. Bunda Pishag'or qishlog'ining Abdug'ani Ilashev, Yunusxon Ahmedov, Sa'dulla Qarshiboyev kabi fidoiy farzandlarining xizmatlari beqiyos. Ularning bevosita tashabbusi bilan 1997-2001 yillarda ziyoratgoh qayta ta'mirlandi, obodonlashtirildi.

Darhaqiqat, Istiqlol bizga shu kabi ziyoratgohlar tarixini o'rganish, ularni obod qilish, bobolarimizning kim ekanliklarini anglash baxtini ham berdiki, sho'ro davrida xarobaga aylangan bu kabi dargohlar bugun gullab-yashnamoqda, xalqimizga xizmat qilmoqda.

Adabiyotlar:

1. Karimov I. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. «Ma'naviyat». Toshkent. 2008.
2. Yusuf Xos Hojib. Qutadg'u bilig (*Saodatga yo'llovchi bilim*). «FAN», Toshkent, 1972.
3. Temurnoma (*Amir Temur Ko'ragon jangnomasi*). «Cho'lpon», Toshkent.1990.
4. Hofiz Tanish ibn Mir Muhammad Buxoriy, Abdullanoma (Sharafnomayi shohiy), 1-2 jildlar, «FAN», Toshkent, 1966. 1969.
5. Boynazarov F. Qadimgi davr tarixi. «Sangzor». Jizzax. 2002.
6. Berdimuradov Amridin Ergashevich. Rannesrednevekovnye arxeologicheskkiye pamyatniki Djizakskogo oazisa (Severo-zapadnoy Ustrushany V-X vv.n.e.). Avtoreferat dissertasii na soiskaniye uchenoy stepeni kandidata istoricheskix nauk. Moskva. 1985.
7. Jizzax viloyat Tarixiy va madaniy yodgorliklarni saqlash va ulardan foydalanish Davlat Inspeksiyasi Arxivi. 2004-2008 yillar.

“QOPLON OTA” ZIYORATGOHI

**231-22 Arxitekturaguruhi talabasi Abdullayeva Surayyo Zoir qizi
kafedrasi o'qituvchi Narziyev Alisherbek Qahramon o'g'li**

Qoplontov bag'rida Qovunkesdi va Beshbuloq qishloqlari oralig'ida joylashgan yashil go'sha ming yillar ilgari ham shunday yashilligi, shunday bokiraligi bilan aziz-avliyolar nazarini tortgan bo'lsa ajab emas!

Bul manzilda so'nggi makon tutgan aziz zotning ismlari Ahmad ibn Sayf Burhoniddin (Alloh undan rozi bo'lsin!) bo'lib Hazrat Alining lashkarida sopqon otuvchi bo'lgan ekanlar. Kechasimi, kunduzimi mo'ljallab otgan toshi nishonga tegmay qolmas ekan. Qah-qah podsho shu atroflarda

hukmdorlik qilar ekan. Uni islomga kiritish uchun jangu jadallarga yo'l olingan bir paytda mazkur zot vujudida og'irlik paydo bo'ladi va shu joyda qolishni ixtiyor etadilar. Endi mening safarim oxirlab qolganga o'xshaydi, Sizlar boraveringizlar, - deydi sheriklariga. Atrof chilqiy toshdan iborat bo'lib biron bir suv yo'q ekan. «Ey qodir Xudo, huzuringga meni betahorat borishimni hohlaysanmi...» deb nola qilgan ekanlar. G'oyibdan «qilichingni toshga suq!» degan imdod kelibdi. Qilichini toshga suqqan ekan, bir buloq chiqibdi...

Alqissa, ul zot shu yerda jon beribdilar, falakdan oqqush qiyofasidagi malaklar tushib uni kafanlab ko'mibdilar...Bir cho'pon bu voqyeani olisdan ko'rib, kuzatib turgan ekan. «Bu odam avliyo zot ekan, mayitini hur-u g'ilmonlar kafanlayaptimi, bu yerda bir xislat bor» debdi-da shu aziz joyga bir qo'zini xudoyi qilishni niyat qilibdi...

Tarixchi olim Aleksey Grisina "Qoplon ota" ziyoratgohi paydo bo'lishi haqida shunday afsonani keltiradi. Shu obrovda yashaydigan bir cho'pon «qashqasi bor bir qo'zini xudoyi qilish»ni ko'ngliga tugibdi.

Bir qancha vaqt o'tib, qo'zi katta bir qo'chqorga aylanibdi-yu cho'ponning ko'nglida "men qo'zi xudoyi qilishga va'da beruvdim axir, shuning uchun bu qo'chqorni bozorga olib borib sotib ikkita qo'zi olaman-da birini xudoyi qilaman-u, birini qo'tonga qo'shib yuboraman" degan o'y o'tibdi.

Qo'chqorni sotgani bozorga haydab yo'lga tushibdi. (Shu obrovga yaqin joyda «Qo'chqor ota» degan joy ham bor. O.B.) «Qoplon ota»ga kelganida qayoqdandir zabt bilan paydo bo'lgan bir qoplon haligi qo'chqorni o'ngarib toqqa chiqib ketibdi-ku!

Kapalagi uchib ketgan cho'pon qo'rqib-pisib uyiga qaytib kelib ko'rgan-bilganini qishloqdoshlariga aytib beribdi. Uch-to'rtta botir qishloqdoshlar aytilgan manzilga kelib qarashsa... haligi qo'chqor mo'jaz buloq bo'yida kekxa tut daraxti ostida bo'ynidan bog'log'li-ik turgan emish! Qora qoplon esa hiech joyda ko'rinmasmish...

Shu kuni qishloqdoshlar yig'ilib o'sha joyda qo'chqorni so'yishib xudoyi qilishibdi. Cho'ponning ishi shu kundan boshlab o'nglanibdi, shu atrofning eng boy kishisiga aylangan ekan..."

«Qoplon ota» ziyoratgohida sag'ana bor – Ahmad ibn Sayf Burhoniddinning qo'nim topgan manzillari – qablari shu joy...

Manzilgoh mo'jazgina mo'jizaviy va shifobaxsh buloq atrofida, ming yillik kekxa tut va tol daraxtlari soyasida joylashgan. Mazkur manzildagi shifobaxsh buloqqa niyat qilib bir tanga tashlasangiz va qo'l suqib bir tosh yoki tanga olsangiz, niyatingiz albatta ijobat bo'lishi bor gap.


Bugun bu maskanda go'zal bog' yaratilgan, yurtdoshlar xayru saxovati evaziga tog' ustida juda go'zal manzara bag'rida xonaqoh tiklangan. Ziyoratgoh hududi 2,3 gektarni tashkil qiladi.

Adabiyotlar:

1. Karimov I. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. «Ma'naviyat». Toshkent. 2008.
2. Yusuf Xos Hojib. Qutadg'u bilig (*Saodatga yo'llovchi bilim*). «FAN», Toshkent, 1972.
3. Temurnoma (*Amir Temur Ko'ragon jangnomasi*). «Cho'lpon», Toshkent.1990.
4. Hofiz Tanish ibn Mir Muhammad Buxoriy, Abdullanova (Sharafnomayi shohiy), 1-2 jildlar, "FAN", Toshkent, 1966. 1969.
5. Boynazarov F. Qadimgi davr tarixi. "Sangzor". Jizzax. 2002.
6. Berdimuradov Amridin Ergashevich. Rannesrednevekovyye arxeologicheskiye pamyatniki Djizakskogo oazisa (Severo-zapadnoy Ustrushany V-X vv.n.e.). Avtoreferat dissertatsii na soiskaniye uchenoy stepeni kandidata istoricheskix nauk. Moskva. 1985.
7. Jizzax viloyat Tarixiy va madaniy yodgorliklarni saqlash va ulardan foydalanish Davlat Inspeksiyasi Arxivi. 2004-2008 yillar.

MAKTAB MATEMATIKA DARSLARIDA O'QUVCHILARNI O'RTA OSIYOLIK OLIMLARINING ILMIY ISHLARI BILAN TANISHTIRISH

Shonazarov Maxmud, 541-22 MS va MSM guruh talabasi,
Bultakov Tursunqul, Jizzax Politehnika instituti.

Tarixdan ma'lumki, VIII-asr ikkinch yarmining boshlarida Bag'dod arab xalifaligi-Abbosiyning poytaxtiga aylandi. Xalifa Ma'mun hukmronligi davrida bu yerda ilm-fan rivojlandi. Bir guruh borgan samarali ijodiy keldi. Bu yerda arablar va  o'zbek olimlarining olib ishlari ham shu davrga to'g'ri boshqa turli xalq vakillari bilan birga o'zbek olimlaridan mashhur Abu Abdullo Muhammad bin Muso Xorazmiy, Farg'onalik Ahmad bin Muhammad Farg'oniy, marvlik Ahmad bin Abdullo Marvoziy, taniqli olim Habash Xosib va uning o'g'li Abu Ja'far, Abbas bin Said Javhariy va boshqalar "Donishmandlik uyi" ning ilmiy faoliyatida g'oyat muhim ro'l o'ynadilar. Ular orasida ulkan olim Al Xorazmiyning ilmiy faoliyati ayniqsa diqqatga sazovordir.

Istiqlol yillarida o'sib-ulg'ayib kelayotgan yoshlarimizning matematika, geometriya kabi aniq fanlar sohasida buyuk ajdodlarimiz – Muhammad Muso al-Xorazmiy, Abu Rayhon Beruniy, Mirzo Ulug'bek, Qozizoda Rumi, Jamshid al-Koshiy, Faxriddin ar-Roziy va boshqa ulug' mutafakkirlar erishgan yutuqlarga munosib vorislar bo'lib yetishishlarini ta'minlash har-bir o'qituvchining orzusi hisoblanadi.

Al Xorazmiyning tug'ilgan va vafoti sanasi aniq emas, manbalarda 783-857, 780-830 deb taxmin qilinadi. Al Xorazmiy birinchi bo'lib algebrani kashf etib, umummatematikadan ajratib olgan olimdir, u munosabat bog'lanishlar hamda masalani hal qilish qonun qoidalarini aniqladi.

Al Xorazmiyning ilmiy ijodiyoti o'zining xilma-xilligi bilan ajralib turadi. U geografiya, nazariy va amaliy astronomiya, matematika va boshqa fan sohaslarida ham tadqiqotlar olib borib, puxta, asosli natijalarga erishishdi. Unig "Hind arifmetikasi haqidagi kitob"i jahon arifmetikasi tarixida ulkan ro'l o'ynadi. Yevropa xalqlari XII-asrda undan foydalanishga erishdilar va hozirgacha ham hammamiz kundalik hayotimizda ana shu hisobdan foydalanib kelmoqdamaiz (hisoblashning o'nlik sistemasi). Matematikaning boshlang'ich rivojlanish tarixiga katta hissa qo'shgan va biz arab raqamlari deb biladigan belgilar - aslida hind raqamlaridir. Bu 1,2,3,4,5,6,7,8 va 9 hind raqamlari qatoriga vatandoshimiz Al-Xorazmiy no'lni (0) qo'shib, fikrini arab alifbosida ifodalaganligi uchun, ular arab raqamlari deb nom olgan. Aslida, hind raqamlari quyidagi ko'rinishda bo'lgan:

Hind olimlari bu raqamlarni belgilashda figurada hosil bo'ladigan (180^0 dan kichik) burchaklar soniga qarab tartiblashtirishgan. Masalan: 1 sonining belgisida-bitta burchak, 2 da - ikkita burchak va hakoza 9 da- to'qqizta burchakni ko'rsata olishgan. Bu haqda Al-Xorazmiyning quyidagi gaplarini keltiramiz: "Hindlarda to'qqizlik sanoq tartibi joriy bo'lib, ular "1" raqaming ahamiyatini tushunmagan edilar. Mening hind hisobiga kiritgan yangiligim shulki, "1" raqami yoniga bir xalqa, ya'ni nol qo'yib, uni "o'n" (10) deb o'qidim. O'nlik sanoq tartibi bilan katta sonlarni jam (qo'shish) va tarx (ayirish) qilish, zarb (ko'paytirish) va taqsim (bo'lish) etish oson". E'tibor bergan bo'lsangiz, o'nlik sanoq tartibi o'sha Al-Xorazmiy yashagan davrda, ya'ni, IX-asrning birinchi yarmida joriy etilgan.

Mazkur asarda ilk qo'llanilgan "aljabr" jumlasida algebra fanining nomi bo'lib qoldi. Al Xorazmiy lotincha talaffuzda "Algoritmus", so'ngroq "Algoritmi" tarzida hisoblashning yangi

tizimini anglatadigan bo‘ldi. Ana shu so‘zdan “algorifm” yoki “algoritm” kabi matematik jumlar kelib chiqdi.

Al Xorazmiyning ikkinchi matematik asari “Hisob aljabr val muqobala” algebrning mustaqil fan sifatida rivojlanishiga asos bo‘ldi. Jahonga mashhur matematiklar Fibonachchi, Pachioli, Tartal, Kardan va boshqa olimlar ham o‘z davrida Al Xorazmiyning lotinchaga tarjima qilingan bu asaridan foydalanishgan.

O‘rta asr sharqi matematiklari yassi va sferik trigonometriyani ilk bor mustaqil matematik ilmga aylantirishga muvaffaq bo‘lishdi. Bu olimlar orasida dastlab, Abul Vafo, Beruniy, Nasriddin Tusiy kabi O‘rta Osiyolik ilm-fan sohiblarini ko‘rsatish lozim. Ularning asarlarida sferik trigonometriya rivoji nihoyasiga yetkazilgan.

Astronomiya bilan bog‘liq amaliy masalalarni yechish uchun zarur bo‘lgan trigonometrik jadvallar tuzish IX-XV asrlarda Sharq matematiklari ijodida g‘oyat muhim o‘rin egalladi. Bunda ham O‘rta Osiyolik olimlar yetakchi bo‘ldilar. Xususan, Al Xorazmiyning sinuslar jadvallari paydo bo‘ldi. IX-asr O‘rta Osiyo matematiklaridan Al Farg‘oniy va Al Marvaziylar tomonidan tuzilgan jadvallar ham juda mashhur edi. Abul Vafo sinuslar jadvalini hisoblash metodiga asos soldi. Shuningdek, O‘rta Osiyolik matematik olimlar hisoblashning mutlaq oltmishlik sistemasini yaratishda ham yetakchilik qilishdi. Ushbu tizim XVI-asrgacha Sharq va Yevropa astronomiyasida qo‘llanilib kelindi. XV-asrda G‘iyosiddin Jamshid al Koshiy o‘nli kasrlarni kashf etdi. Parallellik nazariyasini aslida Umar Xayyom XI-asrda isbotlagan edi, lekin bu teoremani hozirgacha “Sakkeri teoremasi” nomi bilan noevklid geometriyasiga kiritilib kelinmoqda. “O‘lchovsiz miqdorlarning nisbati – son tushunchasi”ni Nasriddin Tusiy XIII-asrda kashf qilgan edi, lekin buni Isaak Nyuton XVII-XVIII asrda qayta takrorlagan.

Nasriddin Tusiyning “Paxta va tuproq yordamida arifmetikadan to‘plam” degan asarida butun va kasr sonlar arifmetikasi bir tartibda bayon qilinadi. Bundan tashqari, umumiy holda binomning natural darajasini yoyish qoidasi $[a+b]^n$ (bunda n -natural son) ham tavsiflab beriladi. Keyinchalik bu qoida “Nyuton binomi” nomini oldi. Uning “Tusiyning algebra va almuqobaladagi foydasi” deb ataluvchi algebraic asarida kvadrat va chiziqli tenglamalarning yechilishiga oid turli xil masalalar haqida so‘z yuritiladi. U sferik trigonometriyaning rivojlanishiga ham katta hissa qo‘shdi. Bu fan Beruniy va uning ustozlari Abu Nasr ibn Iroqning ilmiy ishlarida muhim rol o‘ynadi.

Nasriddin Tusiy o‘zining “Tekis to‘rt tomonlik haqida kitob” nomli mashhur asarida o‘zigacha qilingan trigonometriya sohasidagi ishlarga yakun yasadi, uni astronomiyadan ajratib mustaqil fan sifatida bayon qildi.

O‘rta Osiyolik buyuk matematik G‘iyosiddin Jamshid Mas‘ud (koshiy) ga teng keladigan bironta (oldingilari va zamondoshlari ichida) olim bo‘lmagan- deb e‘tirof etildi. U Ulug‘bek astronomiyasi maktabi namoyondasi bo‘lib hisoblanadi. Uning matematikaga oid asarlaridan biri “Aylana haqidagi risola” deb ataladi. Arximedday olim buyuk matematik “Pi” ning aniq qiymatiga borib yetolmagan edi. Faqat Jamshidgina, fan tarixida birinchi bo‘lib, “Pi”ning verguldan keyingi 16 ta haqiqiy qiymatini topishga muvaffaq bo‘ldi.

Jamshidning bu kashfiyotidan bexabar holda keyinchalik “Pi”ning aniqroq qiymatini toppish ustida g‘arblik mashhur matematiklar Metsiy, Lambert, Viyet, Gyugens va Lejandlar ish olib borishgan.

Jamshidning matematika sohasidagi eng muhim va katta asari “Miftahul hisobi” (“Arifmetika kaliti”) dir. Unda u binom hadlarini topish formulasini keltirgan. Bundan ko‘rinadiki, binom Nyutondan ancha oldin Jamshidga (1429 yilda vafot etgan) ma‘lum bo‘lgan. Jamshid matematikadan dastlabki saboqni Tusiy (1201-1274) ning shogirdlaridan olgan. Shuningdek

kitobda sonni ildizdan chiqarishning Ruffini-Gorner usuli ham ko'rsatilgan. Xolbuki, bu usul fanda Jamshiddan uch asr keyingina qo'llanila boshlangan.

G'iyosiddin Jamshid "Pi" ning qiymatidan tashqari, binomni buyuk ingliz olimi Isaak Nyutondan, o'nli kasrlarni niderlandiyalik yirik matematik Simon Stivendan, to'rtinchi darajali tenglamalarni atoqli italyan algebraisti Ludoviko Ferraridan, to'rtinchi darajali natural qator sonlarning yig'indisini mashhur fransuz matematigi Pyer Fermadan ancha oldin bilgan O'rta Osiyolik tengsiz olimdir.

Xulosa qilib, Sharq olimlarining Yevropada lotin tiliga tarjima qilingan asarlari orasida O'rta Osiyolik matematiklarning asarlari faxrli o'rinni oladi. Ayniqsa Al Xorazmiy, Al Farg'oni, Ibn sino qalamiga mansub tadqiqotlar yevropa ilm ahllari orasida katta qiziqish uyg'otdi. Bu zabardast olimlarning lotincha talaffuzdagi ismlari (Algoritmus, Alfragamus, Avitsenna) Yevropa fanida tez vaqt ichida mashhur bo'lib ketdi.

Adabiyotlar:

1. Axmedov S.A O'rta Osiyoda matematika taraqqiyoti va uni o'qitish tarixidan.- Toshkent. "O'qituvchi", 1977 y.
2. Mardonov E.J., Ostonov Q. Matematika tarixi.-Samarqand: Sam DU nashri, 2004 y.

ЧИЗЕЛЬНАЯ ОБРАБОТКА - ЗАЛОГ ХОРОШЕГО УРОЖАЯ

Студент группы 702-20 КТ Сайдуллаева Мадина

Научный руководитель Ё.Т.Кувандиков

Сельское хозяйство сегодня является одной из самых перспективных сфер, так как здесь внедряются самые новые технологии. Применение тяжелой техники играет важную роль при выполнении всех видов операций.

Глубокое рыхление почвы чизельными культиваторами-какие основные задачи оно решает в современном сельском хозяйстве? Сейчас чизельные культиваторы вызывают большой интерес у земледельцев. Их используют практически во всех регионах Узбекистана.

Обработка почвы чизельным культиватором способствует сохранению и накоплению продуктивной влаги-поверхностный сток переводится во внутрипочвенный, что увеличивает влагозапасы и снижает смыв почвы. Разрыхленная чизельным культиватором почва «всасывает» и накапливает влагу, а разрушение «плужной подошвы» позволяет корням растений получать влагу из нижележащих горизонтов, богатых влагой. Чизелование также предупреждает водную и ветровую эрозию и улучшает воздушный режим почвы.

Все виды работ с почвой сегодня направлены на получение максимального урожая с минимальным повреждением ее структуры. Многие специалисты разрабатывают новые способы обработки почвы, среди которых одним из самых популярных вариантов считается безотвальная технология.

Чизель представляет собой специальное устройство, которое выполнено в виде лапы культиватора, выполняющее безотвальную обработку почвы. Это позволяет получать максимальный эффект, не нарушая сильно структуру этого основания.

Чизельные культиваторы применяются уже очень давно многими заграничными компаниями, тогда как в нашей стране они используются относительно редко, но постепенно набирают обороты.

Состоит чизель из нескольких основных частей:

Режущий элемент или стрелчатая лапа представляет собой, что-то наподобие стрелы, которая направлена в одну сторону. Выполняются зачастую съемными могут иметь несколько разных форм.

Почему именно такая конструкция, и что дает использование чизельного культиватора в обработке почвы?

Основные задачи процесса обработки почвы-создание оптимальных почвенных условий для развития корневой системы растений, сохранение плодородия почвы путем эффективной защиты ее от эрозии, переуплотнения и, в конечном итоге, повышение урожайности сельскохозяйственных культур. В настоящее время в мировой сельскохозяйственной практике применяется две системы обработки почвы – отвальная (традиционная) и безотвальная.

Периодическое глубокое рыхление применяют на почвах с уплотненным подпахотным горизонтом, оно уменьшает плотность сложения почвы и расширяет возможность использования минимальных обработок в севооборотах.

Уплотненные почвенные горизонты являются механической преградой для проникновения корневой системы растений в нижележащие, более влагообеспеченные почвенные горизонты, ухудшают условия их развития. Толщина их может составлять 12–17 см. Этот слой («плужная подошва») содержит минимальное количество пор, по которым к растениям поступают вода и воздух, а корни не могут его пробить, чтобы получить влагу из более глубоких слоев (рис-1).

Необходимость разуплотнения почвы, улучшения ее структуры и условий для развития корневой системы обуславливает нынешнюю популярность глубокого безотвального рыхления почвы чизельными орудиями.

Такая обработка почвы наиболее благоприятна для культур, чувствительных к твердости и объемному весу почвы, а также с глубоко проникающей корневой системой – кукурузы, ячменя, пшеницы, сахарной свеклы, хлопчатника, рапса и т.д.




Рисунок-1

Сам чизельный культиватор не создает плужной подошвы – профиль дна борозды после прохода чизельного культиватора остается неровным, с чередованием разрыхленных и

неразрыхленных участков. Это разрушает плотные связи структуры подпахотного горизонта без выноса на поверхность малоплодородных нижних слоев.

Стойки рабочих органов чизельных культиваторов компании «Алмаз» оснащены оборотными долотьями, обтекателем и парой подрезающих крыльев.

Обтекатель уменьшает сопротивление почвы и забивание культиватора растительными остатками, а оборотные долотья из износостойкой стали обладают высоким ресурсом, в том числе из-за возможности «повторного» использования: вместо замены отработавшее свой ресурс долото оборачивают, и дальнейшая обработка производится неизношенной частью долота. Крылья врезаются в почву на заданную глубину, таким образом, происходит глубокое рыхление почвы со сдвигом пласта, дренаж. Крепления стоек к рамам защищены срезными болтами.

Не менее важно выполнить глубокое рыхление в оптимальные сроки при рекомендуемой влажности почвы.

Целесообразно его выполнять при влажности почвы в разрыхляемом слое 60% от предельной полевой влагоемкости. Глубокое рыхление при влажности почвы выше оптимальной приводит к ухудшению качества рыхления и к резкому увеличению тяговых усилий.

Чизельный культиватор обеспечивает качественное рыхление как по вспаханному слежавшемуся полю, так и по стерне высотой до 20 см. Расход топлива на единицу площади снижается на 17–18%, удельное сопротивление – на 19%. При возделывании хлопчатника, кукурузы на зерно лучший способ основной обработки почвы – обработка на глубину 18-20 см. Опыт работы многих фермерских хозяйств подтверждает, что использование глубокорыхлителей – важный инструмент в земледелии, и их внедрение дает существенный экономический эффект.

Литературы:

1. Ниловский И.А. Составные лемеха плугов и лапы культиваторов // Сборник. Повышение долговечности рабочих деталей почвообрабатывающих машин. – М.: Машгиз, 1960. – С. 55-61.

2. Нуриев К. К., Нуриев М. К. Аналитическое определение общего сопротивления лемеха при затуплении лезвия. – 2022.

QURILISH KORXONALARIGA INVESTITSİYALARNI JALB QILISH VASAMARADORLIGINI OSHIRISH

**JizPI 3-kurs talabasi Nurboeva Z,
JizPI Umarova Zevi Odilovna**

Annotatsiya: Ushbu maqolada qurilish korxonalariga investitsiyalarni jalb qilish va unga innovatsion yondashish, bugungi kundagi respublikamizda qurilish va u bilan bog'liq faoliyat haqida, shuningdek, qurilishning samaradorligini oshirish borasida fikr-mulohazalar bayon etilgan. Qurilish sohasidagi islohotlar, loyihalar, farmon va qaror, ularning samaradorligini oshirishga oid nazariy qarashlar imkon qadar yoritilgan bo'lib, qurilish sohasini yanada rivojlantirish haqida xulosaviy takliflar ilgari surilgan.

Kalit so'zlar: qurilish, farmon va qarorlar, investitsiya, loyiha, raqamlashtirish, islohotlar, statistika.

Mamlakatimizda bunyodkorlik ishlari yildan yilga kengayib borayotganligi, uzoqni o'ylab qilinayotgan islohotlar, jumladan, mamlakatimizning barcha hududlarida qurilish jarayonlarining

bosqichma-bosqich va tizimli amalga oshirilishi fikrimizni tasdiqlaydi. Buning natijasi o'laroq qishloq joylarda qurilish ishlarining jadal rivojlanib borayotganligi, sohani keng rivojlantirish, kadrlarda shaffoflikni ta'minlashni taqozo etmoqda.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoevning 40 ga yaqin qarori qabul qilindi. Bu sa'y-harakatlarning izchil davomi sifatida davlatimiz rahbarining 2020-yil 13-martdagi Farmonida qurilish sohasidagi islohotlarni yanada chuqurlashtirish, unga investitsiyalarni jalb qilish, byurokratik to'siqlarni cheklash, barcha bosqichlarda shaffoflikni ta'minlash, innovatsion ishlanmalar va ilg'or axborot texnologiyalarini keng qo'llash chora-tadbirlari belgilandi. Xususan, 2021-yil 22-fevraldagi 87-sonli "Kapital qurilishda iqtisodiy islohotlarni chuqurlashtirish chora-tadbirlari to'g'risida, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarori kuchga kirdi.

Qurilish korxonalarida ishlab chiqarish xalq xo'jaligining eng yetakchi tarmoqlaridan biri bo'lib, u o'zining bir qancha xususiyatlari bilan boshqa sohalardan tubdan farq qiladi. Bu avvalo, qurilishning sermehnat, serashyo va yaratilgan mahsulotlarning o'z joyida qolishi bilan xarakterlanadi. Qurilish deganda, faqat yangi turdagi mukammal binolar yoki inshootlar qurilishinigina ko'z oldimizga keltirmay, balki mavjud inshootlarni kengaytirish yoki yangi texnologiyani joriy qilish maqsadida binolarni qayta qurish, foydalanish davrini oshirish ularni ta'mirlash ham nazarda tutilishi lozim.

2022 yilda qurilish materiallari sohasida ishlab chiqarish hajmi real o'sishi 5% ga, tashqi savdo 14,9% ga ortdi. Shuningdek, ushbu sohada o'tgan yil jami 1,8 mlrd dollar investitsiyalar o'zlashtirildi, shundan to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar va kreditlar 1,1 mlrd dollarni tashkil etdi. 2022 yil 11 oyi davomida qurilish sohasida erishilgan natijalar va yil yakuniga qadar belgilangan vazifalar O'zbekiston Respublikasida qurilish ishlari hajmi 2021 yilda 95,2 trln. so'mni tashkil etgan bo'lsa, 2022 yilning 11 oyi davomida 115,1 trln. so'mga yetib, 2021 yil 11 oyiga nisbatan 105,7 foiz o'sishga erishildi.

Jami qurilish ishlarining 58,7% qismi yoki 79,1 trln. so'm qurilish ishlari aynan iqtisodiyotda yangi ishlab chiqarish quvvatlari, turar-joy va boshqa ijtimoiy ob'yektlarni yaratishga qaratilgan. Yangi qurilish ishlarida yirik qurilish tashkilotlarining hissasi 31,8% ni, kichik korxonalar va mikrofirmalarning ulushi 45,1% ni tashkil etdi. Norasmiy sektor jami yangi qurilish hajmining 23,1% qimini tashkil etdi. Amalga oshirilgan qurilish ishlarining 67,8% qismi bino va inshootlar qurish, 21,7% qismi fuqarolik ob'yektlarini qurish va 21,7% qismi esa ixtisoslashtirilgan qurilish ishlari hisoblanadi.

2023 yilda amalga oshirilishi rejalashtirilgan ishlar O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 20 dekabr kunida bo'lib o'tgan Oliy Majlis va O'zbekiston xalqiga Murojaatnomasida qurilish sohasida 2023 yilda amalga oshirilishi ko'zda tutilgan muhim vazifa va yo'nalishlar ko'rsatib o'tildi. Unga asosan:

- Yangi uy-joylar qurish hajmlari 1,5 barobarga oshirilib, 90 mingga yetkaziladi.
- Ikki yil oldin boshlagan imtiyozli shartlarda ipoteka berish davom ettiriladi;
- Birinchi navbatda turar-joyga ehtiyoji bor hamda yosh oilalar uchun eng qulay shartlar asosida uy-joylar barpo etiladi.

2023 yil 1 yanvardan boshlab ushbu tizim to'liq joriy etilishi ko'zda tutilgan. Unga asosan, inson omilisiz elektron tender savdolari o'tkaziladi, hududlarda amalga oshirilayotgan ishlar holati ustidan jamoatchilik nazorati o'rnatiladi, ma'lumotlar real vaqt rejimida jamoatchilik uchun ochiq e'lon qilinadi, insofsiz ijrochilarning reyestri ham ushbu platforma bilan integratsiyalashadi, "shaffof qurilish" milliy axborot tizimining mobil ilovasi ham tashkil etiladi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “2022-2023 yillarda mahallalar infratuzilmasini yanada yaxshilash bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qaroriga asosan, Respublikamizdagi 5284 ta mahallalarda 6007 ta ijtimoiy soha va infratuzilma ob‘yektlarida qurilish-ta‘mirlash ishlari olib borilib, unga 7046,8 trln.so‘m mablag‘ o‘zlashtirilishi rejalashtirilgan. Dastur ichki yo‘llardan tortib gaz va yo‘l infratuzilmalari kabi dolzarb masalalarni o‘z ichiga olgan. Ichki yo‘llar bo‘yicha 2602 ta ob‘yektga 3,3 trln. so‘m mablag‘ yo‘naltiriladi. Bundan tashqari, 1848 ta ichimlik suvi ob‘yektlari, 498 ta elektr energiya bilan ta‘minlash ob‘yektlari hamda 72 ta gaz ta‘minoti ob‘yektlari ko‘zda tutilgan. 2022 yil davomida Jizzax viloyatida jami qurilish ishlari hajmi 3431,3 mlrd. so‘mni tashkil etib, ushbu ko‘rsatkich o‘tgan yilga nisbatan 106,5%ga oshdi. Qurilish sohasining yalpi hududiy mahsulot (YaHM)dagi ulushi 13%ni tashkil etdi. Ushbu sohasida mehnat faoliyati bilan shug‘ullanuvchi ishchi xodimlarning 2022 yilgi o‘rtacha oylik ish haqi 2,524 mln.so‘mni tashkil etdi.

Yuqoridagi nazariy va tahliliy mulohazalardan xulosa qilishimiz mumkinki, qurilish sohasiga zamonaviy yondashuvlar inson hayotining farovon kechishi uchun xizmat qiladi. Shunday ekan, barcha rivojlanayotgan sohalar kabi qurilish korxonalariga investitsiya ajtash, innovatsion texnologiyalarni qo‘llash iste‘molchiga ham, ishlab chiqaruvchiga ham qulaylik yaratadi. Jahon andozalariga mos inshootlarni yaratishda qurilish sohasini raqamlashtirish va menejmentni innovatsion tashkil etish mazkur faoliyatni amalga oshirishdagi qiyinchiliklarni yengillashtirish va tez hamda oson rivojlantirishga imkon beradi.

Shunday qilib, qurilish sohasi hozirgi kun mamlakatimiz iqtisodiyotining isloh qilinishi kerak bo‘lgan tarmoqlaridan biridir, yil sayin ortib borayotgan aholini uy-joy bilan ta‘minlash davlat miqyosidagi siyosiy masalaga aylandi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Mamlakatni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning strategik vazifalari amalga oshirilishi samaradorligi uchun O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar mahkamasining ma‘suliyatini oshirishga doir birinchi navbatdagi chora tadbirlar to‘g‘risida O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni Jizzax haqiqati. 2019 yil 2 fevral
2. Юсупова Н. Инвестиционно-инновационная стратегия регионов республики Узбекистан//Иктисод ва молия. №5, 2020. с.22-28;
3. Obidova, F., and Z. Umarova. "FOREIGN EXPERIENCE OF SMALL BUSINESS DEVELOPMENT." Экономика и социум 5-1 (2021): 376-379.
4. Obidova, Feruza Yaxyoevna, and Madina Muminova. "РОЛЬ ИННОВАЦИОННЫХ ПРОЕКТОВ В РАЗВИТИИ НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ." Актуальные научные исследования в современном мире 3-8 (2019): 44-
5. <https://lex.uz/docs/-4689640/>

QURILISH SOHASINI MODERNIZATSIYALASH SHAROITIDA KORXONALAR BOSHQARUV SAMARADORLIGINI BAHOLASHUSLUBIYOTI

**JizPI 4-kurs talabasi Shukurova M ,
JizPI Obidova Feruza Yaxyoevna**

Annotatsiya. Mazkur maqolada mamlakatimiz faoliyat olib borayotgan soha va tarmoqlarning samaradorligini oshirish, ayniqsa, iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida qurilish sanoati korxonalarida boshqaruv samaradorligini baholash uslubiyotini takomillashtirish bo‘yicha ilmiy- nazariy asoslangan taklif va tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Kalit so‘zlar: qurilish sanoati, korxonalar, raqamli iqtisodiyot, boshqaruv samaradorligini baholash.

Respublikada iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida qurilish sanoati korxonalarida boshqaruv samaradorligini baholash uslubiyotini takomillashtirish, qurilish sanoatida boshqaruv samaradorligini baholash mezonlarini ishlab chiqish va uning imkoniyatlarini oshirish maqsadga muvofiq. Bu borada O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 21 fevraldagi "Uy-joylar qurilishini va qurilish materiallari sanoatini qo'llab-quvvatlashning qo'shimcha chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-139-sonli Qarori asosida, uy-joy qurilish tarmoqlarini rivojlantirish, sohaga raqamli texnologiyalarni jalb qilish, smart uylarni barpo etish, qurilish materiallari sanoatini takomillashtirishga oid vazifa va topshiriqlar belgilab berilganligi, ushbu sohada qilinishi lozim ishlarni yanada oshirmoqda. Qolaversa, sohada raqamli texnologiyalarni joriy etishning yangi bosqichiga olib chiqish ham qurilish sohasida boshqaruv jarayonlarining samaradorligini oshirishga imkoniyaratadi.

Qurilish sanoatida "Shaffof qurilish" milliy axborot tizimida o'tkazilgan tender (tanlov) savdolari yakuni, shuningdek, qonunchilik hujjatlariga muvofiq to'g'ridan to'g'ri muzokaralar bo'yicha buyurtmachi bilan loyiha-qidiruv va qurilish-pudrat tashkilotlari o'rtasidagi loyiha-smeta hujjatlarini ishlab chiqish va pudrat ishlarini bajarish to'g'risidagi shartnomalar mazkur tizimda elektron raqamli imzo orqali tuzilsin hamda ro'yxatdan o'tkazish yoki hisobga olish uchun Moliya vazirligining Davlat moliyasini boshqarish axborot tizimiga elektron shaklda yuborish belgilangan.

Tasdiqlangan manzilli ro'yxatlarga kiritilgan har bir obyekt identifikatsiya raqami berilgan holda, "Shaffof qurilish" milliy axborot tizimiga kiritilsin hamda ular bo'yicha har qanday o'zgartirish yoki qo'shimchalar mazkur axborot tizimida aks ettirish imkoniyati mavjud.

Xavf-xatar toifasidan qat'i nazar, barcha obyektlar qurilish-montaj ishlarini boshlash uchun vakolatli organda ro'yxatdan o'tkazilishi va nazoratga olinishi ta'minlanadi.

Qurilish yuqori investitsion soha bo'lib, uzoq ishlab chiqarish tsikliga ega. Qurilish hajmlari ham hududning, ham butun mamlakatning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish dinamikasini bevosita aks ettiradi. Qurilish sanoati mamlakatimizni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning eng muhim strategik yo'nalishi bo'lib, mamlakatimiz yalpi ichki mahsulotining qariyb 6 foizini tashkil etadi. Sanoat Rossiya iqtisodiyotining o'sishi uchun asosiy vositalardan biriga aylanish uchun barcha imkoniyatlarga ega.

Iqtisodiy keskinlik, birinchi navbatda, qurilish kompaniyalari tomonidan qabul qilingan buyurtmalar sonining keskin kamayishi tufayli qurilish sohasiga salbiy ta'sir ko'rsatdi.

Qurilish bozoridagi tendensiyalarni o'rganayotganda, QMRA (Qurilish Majmuasi Reyting Agentligi) ma'lum bir mintaqada qurilishdagi o'zgarishlar dinamikasini ko'rsatadigan qurilish sanoatining raqobatbardoshlik indeksini aniq hisoblab chiqadilar.

2022 yil yakunlari bo'yicha Reyting agentligi ICSO ko'rsatkichlarining qisqacha mazmunini tayyorladi. Umuman olganda, 2022-yilda mamlakat iqtisodiyotida ushbu indeks sezilarli darajada pasayib, 20 foizni tashkil etdi.

Yuqorida keltirilgan jadval ma'lumotlari asosida quyidagi meyoriy-huquqiy hujjatlar asosida sohani yanada rivojlantirish ishlari mavjudligini ko'rishimiz mumkin. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasi qurilish sohasini modernizatsiyalash, jadal va innovatsion rivojlantirishning 2020- 2025 yillarga mo'ljallangan Strategiyasi to'g'risida"gi farmoyishi e'lon qilingan bo'lib, sohani rivojlantirish bo'yicha ilmiy-amaliy loyihalar, sohaga raqamli texnologiyalarni jalb qilish bo'yicha aniq vazifalar belgilangan.

Strategiyada asosiy yo'nalishlari sifatida quyidagilar belgilangan:

- hududlarni shaharsozlik jihatidan rivojlantirish va ushbu darayonda jamoatchilikning samarali ishtirokini ta'minlash;

- shaharsozlik faoliyatining sifati va xavfsizligini oshirish;
- shaharsozlik faoliyati sohasidagi ma'muriy tartib-taomillarning samaradorligi, oqilonaligi va shaffofligini ta'minlash, shuningdek qurilish tarmog'i tashkilotlari faoliyatining samaradorligini oshirish;
- shaharsozlik faoliyatini raqamlashtirish, tarmoqqa zamonaviy axborot- kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish;
- shaharsozlik faoliyati sohasida kadrlarni tayyorlash, qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish, ilmiy salohiyatni rivojlantirish;

Tadqiqot natijalari asosida shuni qayt qilish kerakki, Qurilish sohasida amalga oshirilgan ishlarining 73% qismi kichik va mikrokorxonalar tomonidan, 6% - yirik korxonalar va 21% - norasmiy sektor tomonidan amalga oshirilgan.

Jizzax viloyatida amalga oshirilgan jami qurilish ishlarining 38% qismi Jizzax shahrida, 17% - Sh.Rashidov tumanida, 11% - Zomin tumanida amalga oshirilgan. Qurilish ishlari eng kam Yangiobod, Arnasoy va Zafarobod tumanlarida amalga oshirilgan.

Jizzax viloyatida jami 2194 ta qurilish korxonalari faoliyat yuritib, ularning soni o'tgan yilga nisbatan 8% ga o'sgan. Qurilish korxonalarining 81% qismi bino va inshootlar qurilishi, 12% - fuqarolik ob'yektlari va 7% - ixtisoslashtirilgan qurilish ob'yektlari qurilishi bilan shug'ullanishadi. Qurilish firmalarining aksariyati Jizzax shahri (42%), Sh.Rashidov (16%) tumanida joylashgan. Zafarobod (1%), Yangiobod (2%) va Arnasoy (2%) tumanlari qurilish firmalari soni eng kam hududlar hisoblanadi.

Bajarilgan qurilish ishlarining katta qismi yangi bino va inshootlarni qurishga tegishli. Jami qurilish ishlarining 68,6 % i yoki 71 729,7 mlrd. so'm qurilish ishlari aynan iqtisodiyotda yangi ishlab chiqarish quvvatlari, turarjoy va boshqa ijtimoiy obyektlarni yaratishga qaratilgan.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, sohani raqamli texnologiyalar asosida rivojlantirish masalalarini shaffolashtirish, aqlli shahar loyihasini davom ettirish asosida, shaharlarda raqamli texnologiyalarni tadbiq qilish, raqamli texnologiyalardan foydalanish asosida xavfsizlik tizimini mustahkamlash, raqamli texnologiyalarni joriy etish negizida ishlab chiqarish va qurilish xarajatlarini kamaytirish va boshqalar.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Mamlakatni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning strategik vazifalari amalga oshirilishi samaradorligi uchun O'zbekiston Respublikasi Vazirlar mahkamasining ma'suliyatini oshirishga doir birinchi navbatdagi chora tadbirlar to'g'risida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni Jizzax haqiqati. 2019 yil 2 fevral

2. Iqtisodiy ta'limning o'qitish texnologiyalari G` Akademik S.S. G`ulomov taxriri ostida mualliflar jamoasi. - T.: TGEU, 2005.

3. Kudratov E.O` Korxonaning ishlab chiqarish fondlari samaradorligini oshirish yo'llari («Fayz» ochiq xissadorlik Xolding kompaniyasi misolida). Toshkent, TDIU, BMI, 2004.

4. Obidova, F., and Z. Umarova. "FOREIGN EXPERIENCE OF SMALL BUSINESS DEVELOPMENT." Экономика и социум 5-1 (2021): 376-379.

5. <https://lex.uz/docs/-4689640/>

6. <https://xalqso'zi.uz/qurilish-sanoatiga-qancha-investitsiya-jalb-etilmoqda/>

ATROF-MUHIT EKOLOGIK MUAMMOLARI VA ULARNI BARTARAF ETISH

Sobirov Og‘abek Sobir o‘g‘li
JizPI, I-bosqich 402-22 EE guruh talabasi
Xolmo‘minova Dilorom Anvarovna
JizPI, “Kimyo” kafedrası katta o‘qituvchisi
Abdullayev Alisher Abulqosimovish
JizPI, “Kimyo” kafedrası assistenti

Ekologiyaning g‘oyalari muhim ahamiyatga ega. Ular bizga atrof-muhitda o‘z o‘rnimizni aniqlash, tabiiy boyliklardan to‘g‘ri va oqilona foydalanishga yordam beradi. Insoniyat tomonidan tabiiy boyliklardan foydalanishda tabiat qonunlarini bilmaslik natijasida qayta tiklab bo‘lmaydigan noxush oqibatlar keltirib chiqaradi. Bunga misol qolib Orol dengizini ko‘rsatish mumkin. Orol fojiasi inson tomonidan Sirdaryo va Amudaryo suvlaridan noto‘g‘ri foydalanish hamda uning xavfini ancha kech tushunib yetilganligi natijasida kelib chiqadi.

Ekologiya tabiat bilan tirik organizmlarning uzviy bog‘lanishlarini atrof- muhitni muhofaza qilishning ilmiy asosini tashkil etadi. Bugungi kunda respublikamizning ba‘zi viloyatlarida nafaqat tabiatni muhofaza qilish, balki normal hayot sharoitini tiklash muammo bo‘lib qolmoqda. Zamonaviy dunyoda ekologik muammolar nafaqat jamiyatning texnologik taraqqiyoti, balki tabiatga, atrof-muhitga, o‘simlik va hayvonot dunyosiga befarq munosabatda bo‘lish natijasida ham paydo bo‘lishi mumkin.

Ekologik muammolarning mohiyati shundaki, inson faoliyati natijasida tabiiy yashash muhiti buziladi. Jamiyat va tabiat o‘rtasidagi munosabatlarda inson ishlab chiqarish uchun mehnat resurslaridan ham, ishlab chiqarish vositalaridan ham, tabiiy muhitdan ham foydalanadi. O‘sib borayotgan ehtiyojlar tufayli tabiiy resurslardan foydalanish ortib boradi va bu o‘z navbatida ularning tugashiga, shu bilan birga atrof-muhitga kiruvchi chiqindilar miqdorining oshishiga olib kelishi mumkin. Atrof-muhit holati ko‘pincha atrof-muhitning o‘zgarishi bilan bog‘liq bo‘lgan tendensiyalarni ham o‘z ichiga oladi.

Avvalambor, atrof-muhitni tiklash uchun tabiat qonunlarini bilish zarurdir. Ekologiya bizning uyimiz – Yer kurrasiga taalluqli asosiy qonuniyatlarini har bir kishi bilishi kerak. Ekologiya sayyoramizdagi barcha tiriklikni saqlash va atrof- muhitning yomonlashuviga yo‘l qo‘ymasligi uchun xizmat qiladi. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 49-moddasida “Har kim qulay atrof-muhitga, uning holati to‘g‘risidagi ishonchli axborotga ega bo‘lish huquqiga ega” ekanligi haqida bejiz aytib o‘tilmagan.

Davlat fuqarolarning ekologik huquqlarini ta‘minlash va atrof-muhitga zararli ta‘sir ko‘rsatilishiga yo‘l qo‘ymaslik maqsadida shaharsozlik faoliyati sohasida jamoatchilik nazoratini amalga oshirish uchun shart-sharoitlar yaratadi.

Shaharsozlik hujjatlarining loyihalari qonunda belgilangan tartibda jamoatchilik muhokamasidan o‘tkaziladi.

Davlat barqaror rivojlanish tamoyoliga muvofiq, atrof-muhitni yaxshilash, tiklash va muhofaza qilish, ekologik muvozanatni saqlash bo‘yicha chora-tadbirlarni amalga oshiradi.

Davlat Orol bo‘yi mintaqasining ekologik tizimini muhofaza qilish hamda tiklash, mintaqani ijtimoiy va iqtisodiy jihatdan rivojlantirish yuzasidan choralar ko‘radi» va 62-moddasida “Fuqarolar atrof tabiiy muhitga ehtiyotkorona munosabatda bo‘lishga majburdirlar” degan jumalarning qayd etilishi ham mamlakatimizda ekologik ta‘lim-tarbiyaga davlat miqyosida ahamiyat berilayotganligining yaqqol ifodasidir.

Insoniyat hayoti va uning faoliyati har doim uni o'rab turgan tabiat bilan chambarchas bog'liq bo'lib qoladi. U doimo o'simlik va hayvonot dunyosi, ularning hayot tarzi bilan bog'liqdir. O'simlik va hayvonlarning hayoti bilan bog'liq, xususiyatlarni kundalik turmushda o'rganib borilishi dastlabki ekologik bilimlarni keltirib chiqargan.

Bugungi kunda O'rta Osiyodagi ekologik muammolardan eng muhimi Orol va Orolbo'yi ekologik muammosidir. Orol dengizi yaqin vaqtlargacha eng yirik suv havzalaridan biri hisoblangan. Sug'oriladigan dehqonchilikning rivojlanishi natijasida, shuningdek qurg'oqchilik yillari Amudaryo va Sirdaryo suvlarining Orolga quyilishi 1970 yilga kelib 37,8 km³, 1980 yilda esa 11,1 km³ gacha kamayib ketdi. 80-yillarning boshlarida ushbu daryolarning dengizga quyilishi butunlay to'xtab qoldi. Suvning sho'rlanish darajasi 9-10 g/l dan 34-37 g/l gacha ortdi. Hozirgi kungacha dengiz satxining yillik o'rtacha pasayishi 80-110 sm. Orol dengizining qurigan tubi yirik chang-to'zon maydoniga aylandi. Aholi ichadigan suv pestisidlar bilan ifloslangan. Shu hududlarda keyingi 10 yil ichida aholi o'limi 2 martaga ortgan. Ayollarning 80 % dan ortig'i kamqonlik kasalligiga duchor bo'lgan. Bolalarning 90 % da siydik tarkibidagi tuzlar miqdori ko'payib ketgan. Ushbu hududda yuqumli kasalliklar tez-tez takrorlanib turadi.

So'nggi yillarda yuqorida qayd etilgan muammolarning oldini olish maqsadida respublikamizda bir qator ijobiy ishlar amalga oshirilmogda.

Jumladan, himoya o'rmonzorlarni barpo qilish 2018 yil 17 dekabrda boshlanib, Qoraqalpog'iston Respublikasidan 217, respublikaning 11 viloyatidan 290, jami 507 muhandislik va qishloq qurilish texnikalari Orolning qurigan maydoniga safarbar qilindi. Mo'ynoqdan 45 kilometr uzoqlikda, Orolning qurigan tubida shtab tashkil qilindi. Shu kunga qadar 77 ming 997 gektar maydonda qum saqlovchi ariqlar tortildi. 27 ming 215 gektar maydonga saksovul urug'lari sepildi va ko'chatlari o'tkazildi. Bundan tashqari, samolyotlar yordamida 18 parvoz amalga oshirilib, jami 4 ming 400 gektar maydonga saksovul urug'lari sepildi. Ushbu ishga tegishli olimlar ham jalb qilinib, tuproq tahlillari olinmogda. Orolning qurigan tubida o'tkazilayotgan tadbirlarga 1 ming 300 dan ortiq kishi jalb qilingan, ulardan 900 tasi urug' terishga va qolganlari ekishda ishtirok etmogda. 2018 yil bu yerda 500 ming gektar maydonga ekilgan saksovul, 2019 yil esa 800 ming gektar maydonga ekilgan saksovul kelajakda hududda chorvachilik rivojlanishiga, bioxilma-xillik ortishiga ishonch uyg'otmogda [6-7].

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi 2022-2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi PF60-son farmoniga asosan 80-maqсад: Ekologiya va atrof muhitni muhofaza qilish, shahar va tumanlarda ekologik ahvolni yaxshilash, "Yashil makon" umummilliy loyihasini amalga oshirish belgilab qo'yilgan.

Xulosa o'rnida shuni ta'kidlash joizki, atmosfera va atrof-muhitga ifloslantiruvchi moddalarning chiqarilishi, ularni zararsizlantirish choralarining ko'rilmaligi, tabiiy suv manbalari va boshqa resurslardan tartibsiz foydalanish ekologik tizimga va shu orqali insoniyat salomatligi hamda hayvonot olamiga salbiy ta'sir ko'rsatadi. Agarda hozirdan jiddiy choralar ko'rilmasa, ekologik halokatga, eng asosiysi insonlarning hayoti va salomatligiga jiddiy xavf tug'diradi.

Foydalanilgan dabiyyotlar:

1. O'zbekiston respublikasi Konstitutsiyasi, 2023 yil.
2. Ўзбекистонда атроф-муҳит ҳолатини экологик кўрсаткичлар асосида баҳолаш атласи. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси. "Картография" илмий-ишлаб чиқариш давлат корхонаси. Т.: 2008. – 63 б.
3. Мухитдинов М.М., Потапов А.И. "Экология", Ташкент. "Фан", 2009, 432 б.

АКТУАЛЬНОСТЬ ВНЕДРЕНИЯ И ПЕРСПЕКТИВА РАЗВИТИЯ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В ОБУЧАЮЩИХ СИСТЕМАХ

Хурамова Фарангиз Учкун кизи

В настоящее время развитие образовательных технологий проходит экспоненциально. Понятия «обучающие компьютерные системы», «автоматизированное обучение», «адаптивное обучение», «машинное обучение», «тренажер виртуальной реальности», «искусственный интеллект» стали обыденными тенденциями в области обучения и образования.

Актуальной и наиболее популярной технологией, используемой в образовании, является искусственный интеллект (ИИ). История использования ИИ в учебных исследованиях и образовательных приложениях насчитывает более 50 лет. За последние несколько лет во всем мире возникло несколько общих тем, связанных с ИИ, таких как обучение роботов, интеллектуальные обучающие системы (ИОС), онлайн-обучение и обучающая аналитика. Такие модели обучения широко предлагаются и используются на всех уровнях образовательных систем с помощью сложных систем управления обучением, которые включают синхронное, а также асинхронное обучение и инструменты адаптивного обучения. На рисунке 1 представлена структурная схема автоматизированной обучающей системы.




Рисунок 1. Структурная схема АОС

На рисунке 1 приведена схема работы обучаемого с автоматизированной обучающей системой. На заданный вопрос информационная программа получает ответ обучаемого, где он анализируется и фиксатор ошибок выдает положительный или отрицательный результат. За последние несколько лет искусственный интеллект сделал большой шаг вперед благодаря новому методу вычислений и передовым технологиям. Возможности вычислительных машин выросли, чтобы обеспечить анализ огромного количества данных, которые могут быть сегментированы или визуализированы для пользователей, чтобы поддерживать, оценивать или собирать даже слабые сигналы, чтобы предотвратить отсев из обучения и образования. Машинное обучение выходит далеко за рамки того, что было возможно раньше, благодаря отслеживанию путей обучения пользователей. Что бы понять, как новые возможности ИИ могут стать реальностью в образовании и что следует учитывать при планировании:

- восприятие с помощью нескольких датчиков и способность распознавать сложные наборы функций (например, использование камер и детекторов движения для распознавания определенных лиц, входящих в здание);
- представление и рассуждение, построение моделей людей и их поведения, а также выводы на основе этих моделей о том, что может произойти дальше;

- изучение и обнаружение значимых закономерностей в больших объемах данных;
- естественное взаимодействие (например, взаимодействие посредством речи или жестов);
- воздействие на общество, использование инфраструктуры для выполнения всего вышеперечисленного в массовом масштабе и способами, которые непосредственно влияют на жизнь людей.

Возможности для поддержки обучения огромны, но ИИ должен быть интегрирован с педагогикой и потребностями человеческого обучения. ИИ может поддерживать обучение с участием группы людей и ресурсов, расширения человеческих способностей в области обучения, расширения естественного взаимодействия между учащимися и технологиями ИИ, определение опыта, выявляющие связи обучения, недоступные ранее.

ИИ в обучении может привести к огромным инновациям в обучении, но для этого нам нужны инвестиции в исследования, в которых сочетаются человеческое обучение и интеллектуальное машинное обучение. Необходимо больше фундаментальных и прикладных исследований ИИ с использованием глубокого мульти модального обучения. Однако обучение всегда происходит в социальном и культурном контексте, и нам также необходимо лучше понимать, как преподаватели могут интегрировать инструменты на основе ИИ в свою педагогику таким образом, чтобы учащиеся имели свободу действий, а преподаватели имели возможность управлять различными цифровыми инструментами, включая ИИ.

Список литературы:

1. Алешева Л.Н. Интеллектуальные обучающие системы // Вестник университета. 2018. № 1. С. 149-155.
2. Голенков В. В. Виртуальные кафедры и интеллектуальные обучающие системы / В. В. Голенков, В. В. Емельянов, В. Б. Тарасов // Новости искусственного интеллекта. 2001. № С. 3–13.
3. Бемянская О.В., Привалов А.Н. Модели интеллектуальной обучающей системы по техническим дисциплинам // Известия ТулГУ. 2022. №2. С. 126-132.

JIZZAX SHAHRINING MUSTAQILLIK YILLARIDAGI BUNYODKORLIK ISHLARI

Jizzax politexnika instituti 232-21 Arxitektura guruhi talabasi Albekova Durdona Shavkat qizi
Jizzax politexnika instituti Arxitekturaviy loyihalash kafedrası o‘qituvchisi Yesbergenov Begzod Yerjanovich

Jizzax shahar bosh rejasi O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasining 2013 yil 30 sentyabrdagi “Jizzax shahrining 2030 yilgacha bo‘lgan davr uchun bosh rejasini tasdiqlash to‘g‘risid” gi 266-sonli qarori bilan tasdiqlangan bo‘lib, shaharning madoni 9640 ga ni tashkil etadi. Aholisi 172454 ta, shaharda bugungi kunda 34 ta mahalla fuqarolar yig‘ini mavjud. Shuningdek shaharning tasdiqlangan bosh rejasiga asosan “O‘zshaharsozlik LITI” DUK tomonidan markaziy ko‘chalari Mustaqillik A.Navoiy ko‘chasining batafsil rejalashtirish loyixasi ishlab chiqilib, ushbu hududlarda hozirda tasdiqlangan batafsil rejalashtirish loyixasiga asosan ko‘p qavatli turar va noturarar joy binolari qurilishi ishlari yakunlanmoqda. Shu bilan bir qatorda O‘zbekiston ko‘chasining batafsil rejalashtirish loyihasi shahar hokimining 2017 yil 7 sentyabrdagi

1647-sonli va viloyat hokimining 2018 yil 5 iyundagi 442-sonli qarorlari bilan tasdiqlangan, Islom Karimov ko'chasining batafsil rejalashtirish loyihasi shahar hokimining 2017 yil 7 sentyabrdagi 1648-sonli va viloyat hokimining 2018 yil 5 iyundagi 441-sonli qarorlari bilan hamda Toshkent va Temiryo'lchilar ko'chasini bog'lovchi ko'cha va Jizzax shahar Temir yo'l vokzali oldi maydonining batafsil rejalashtirish loyixasi Jizzax shahar hokimining 2017 yil 15 iyundagi 1111-sonli qarori bilan tasdiqlangan.

Joriy yilda shahar xududida mahallasi xududida 3 ta xar biri 30 xonadonli Xarbiy xizmatchilar uchun, "Yoshlik" mahallasi hududidan 1 ta 30 xonadonli, "Ittifoq" mahallasi hududidan 2 ta xar biri 30 xonadonli, "Obod" mahallasi hududida 1 ta 30 xonadonli, "Sayljoyi" mahallasi hududida 2 ta 30 xonadagil 5 qavatli turar-joy binolari va 2018 yil dasturi bo'yicha shaharning "Navro'z" mahallasi hududidan 8 ta 0,04 ga yer maydoniga ega ijroiya xokimiyati va davlat idoralarining hududiy bo'limlari rahbarlariga xizmat uy-joylari qurilmoqa.

Jizzax shahar xududida ijtimoiy soha obyektlaridan Viloyat Endokrinologiya dispanseri qurilishi (Yildan-yilga o'tuvchi) yangi qurilish, Jizzax shahar tibbiyot birlashmasini rekonstruksiya qilish, Jizzax shahridagi ko'p tarmoqli tibbiyot markazi tarkibida 20 o'rinli intervension kardiologiya bo'limini qurish, Respublika shoshilinch tez tibbiy yordam ilmiy markazi Jizzax filialini rekonstruksiya qilish ishlari olib borildi.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar mahkamasining 05.07.2017 yildagi "Axoli punkitlarini qurishda shaharsozlik va yer to'g'risidagi qonun hujjatlariga qat'iy rioya etilishini ta'minlashga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risi"dagi 467-sonli qarorining ijrosini ta'minlash borasida shaharda tashkil etilgan ishchi komissiya tomonidan o'zboshimchalik bilan noqonuniy ravishda qurilish ishlari olib borayotgan va olib borgan jismoniy shaxslar vaqtida ogoxlantirilib, qurilgan noqonuniy qurilishlar ishchi komissiya va ijrochi sud organlari tomonidan bartaraf etilgan va muntazam nazoratga olingan. 2017-2018 yillarda 395 ta fuqarolar tomonidan noqonuniy qurilmalar qurilganligi aniqlanib, shundan 371 tasi ishchi urux tomonidan bartaraf etilgan, 25 tasi chora ko'rilishi davom etmoqda.

O'zbekiston Qahramonlari – mirishkor fermerlar Parda Ziyotov, Anorboy Eshmatov, mohir pedagog Marat Zokirov, tajribali temir yo'lchi Erkin Ummatovning el-yurt oldidagi xizmatlarini viloyat ahli yaxshi biladi va yuksak qadrlaydi.

Bundan tashqari Prezidentimiz Shavkat Miromonovich Mirziyoyevning o'tgan bir yarim yil ichida Jizzax viloyatigi qilgan uch marta tashriflari viloyat aholisining ko'p yillardan beri orzusiga aylanib kelayotgan qurilish ishlari, arzon uy-joylar ko'priklar qurilishi, yo'llarni kengaytirishi evaziga Jizzax shahar o'zgacha qiyofa kasb etdi.

Shu o'rinda muhtaram yurtboshimizning tashabbuslari qayta qurilgan Do'stlik tumani "Manas" qishloq fuqarolar yig'inida amalga oshirilgan ulkan bunyodkorlik ishlari "Manas" aholisining katta quvonchiga sabab bo'lganligini alohida ta'kidlash lozim.

Jizzax shahri shaharsozligi qadimiy davrlarga borib taqalsada lekin mustaqillik yillarida erishilayotgan misli ko'rilmagan yutuqlarini aloxida etirof etish joizdir.

Har bir fuqaro qulay yashash va faoliyat ko'rsatish muhiti bilan ta'minlanish huquqiga ega. Shaharsozlik faoliyatining amalga oshirilishida fuqarolarning qulay yashash va faoliyat ko'rsatish muhiti bilan ta'minlanish huquqi mavjud.

Hozirgi zamonda uy-joy tushunchasining chegarasi ancha kengaygan bo'lib, u hozir aholiga zarur xizmat ko'rsatish tashkilotlarining to'liq majmuasini o'z ichiga oladi. Hozirgi kunda xonadon ichidagi qulay yashash sharoitlarini yaratish shartlari aholi yashash tumanlaridagi ijtimoiy-madaniy va maishiy ehtiyojlarni yuqori darajada qondirish shartlari bilan qo'shib ketadi. Bunday keng ko'lamda aholi uchun qulay yashash sharoitini yaratish uy-joy binolarining turli ijtimoiy

xizmat ko'rsatish tashkilotlari bilan uzviy qo'shilib ketishini taqozo etadi. Uy-joy binolarining ijtimoiy xizmat ko'rsatish tashkilotlari bilan uzviy bog'lanishi Respublikamiz shaharlari aholisining ijtimoiy va tarkibiy tuzilishini shakllantirishning asosiy taomili hisoblanadi.

Adabiyotlar

1. Professor O'.Nosirovning "Jizzaxdan aytar so'zim" kitobidan olindi (T., "Extremum Press", 2011y.)
2. O'rol Nosirov va Raya Nurqulova "Jizzax viloyati" O'zME. Birinchi jild. Toshkent, 2000-yil
3. O'zbekiston Milliy ensiklopediyasi
4. "Shaharsozlik nazariyasi asoslari" fanidan ma'ruza matni "Qishloq arxitekturasi" kafedrasida assistenti: Mamatqulov O'. Samarqand 2013 yil

JIZZAX SHAHRIDAGI TARIXIY VA MADANIY MEROS OB'EKTLARINI SAQLASH USLUBIYATLARI

Jizzax politexnika instituti 232-21 Arxitektura guruhi talabasi Usmonova Sabina Alisher qizi
Jizzax politexnika instituti Arxitekturaviy loyihalash kafedrasida o'qituvchisi Yesbergenov Begzod Yerjanovich

Qadim va o'rta asrlarda Jizzax shahrida bunyod etilgan me'moriy yodgorliklar bizgacha yetib kelmagan. O'rta asrlarga oid ko'pgina qal'a qo'rg'on va karvonsaroylar tepa va qo'rg'on (Ko'ltepa, Oqtepa, Rabot, Qo'rg'ontepa, Xonimqo'rg'on, Qaliyatepa) kabi nomlar bilan ataladi. Bularning soni 100 dan ortiq. Bu kabi madaniy meroslarni saqlab qolish maqsadida Jizzax shahrida ko'plab amaliy ishlar olib borilmoqda.

Taqdim etilgan ma'lumotlarga ko'ra, Jizzax viloyati madaniy meros ob'ektlarini muhofaza qilish va ulardan foydalanish davlat inspeksiyasi boshlig'i S.Qoraboev Jizzax shahri hududida joylashgan. o'n beshta tarixiy me'moriy va arxeologik meros yodgorliklari va o'nta madaniy meros haykallari.

Me'moriy, arxeologik va madaniy merosning deyarli barcha yodgorliklari yodgorlik hududiga va qisman himoya zonalariga ega.

Afsuski, binolarni tartibga solish zonalarini va qo'riqlanadigan landshaft har doim ham ta'minlanmaydi, ayniqsa arxeologik yodgorliklar - qabristonlarda. Shaharda joylashgan tarixiy va madaniy meros ob'ektlarining ro'yxati va joylashuvi keltirilgan.

Tarixiy tashkil etilgan markazlarda tarixiy shahar merosi va ularning qadriyatlarini baholash. Shaharda joylashgan tarixiy arxitektura va arxeologik merosning bino va inshootlari va madaniy meros haykallari rasmiy ravishda ro'yxatga olingan va shahar hokimligining tegishli qarorlari mavjud.

Ob'ektlar yaxshi va qoniqarli holatda va tarixiy meros inspeksiyasining balansida. Yodgorliklarni qoniqarli va yaxshi holatda saqlash, ularning ba'zilarida ushbu tuzilmalarning texnik holatini kuzatib boruvchi shahar tashkilotlari mavjudligidir.

Bu harakatlar madaniy meroslarni asrash va kelajak avlodlar uchun namuna sifatida ko'rsatish uchun muqobil vazifa qilib belgilash mumkundir.

Biroq, bir qator yodgorliklar - asosan shaharning janubi-sharqiy qismida joylashgan yodgorliklar, masalan, Pardaqlitepa, IV-VIII asr, Yoqubbobotepa, IV-VII asr, Astontepa, V-VIII asr va boshqalar ochiq havoda bo'lib, asta-sekin yomg'ir bilan yuvilib ketmoqda. Haykal

yodgorliklari inspeksiya tomonidan ro'yxatga olinadi va qoida tariqasida ular joylashgan hududdagi maktab ma'muriyati tomonidan parvarish qilinadi.

Madaniy meros ob'ektlari bilan tarixiy ma'lumotnoma rejasi Madaniy meros ob'ektlari Jizzax shahrining bosh rejasi va bosh chizmasida chizilgan va qo'shimcha ravishda "Grafik materiallar, shu jumladan madaniy merosni saqlash bo'yicha kompleks chora-tadbirlar" bo'limida taqdim etilgan. Bu bo'lim maxsus tartibga solish shaharsozlik ob'ekti chegaralarini asoslash Loyihaviy hujjatlarning barcha turlarini ishlab chiqishda, amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq, tarixiy va madaniy yodgorliklarni muhofaza qilish va ulardan foydalanish talablari, ularni muhofaza qilish zonalarining chegaralari majburiy ravishda ko'rsatilishi kerak. Yodgorlikning himoya zonalarini tizimi ularni saqlash rejimida farq qiladigan hududlar tomonidan shakllantirilgan:

- a) Yodgorlik hududi;
- b) Yodgorliklarni himoya qilish zonasi (xavfsizlik zonasi);
- v) Rivojlanishni tartibga solish zonasi.
- d) Yodgorlik hududi - qadimgi davrlardan boshlab yodgorlikka bevosita tegishli bo'lgan joy.

a) Yodgorlik hududining chegaralarini aniqlashda, yo'qolgan elementlarni hisobga olish kerak, ularning qayta tiklanishi mumkin. Yodgorlik hududida amaldagi qonunchilik asosida davlat hokimiyati idoralari uni o'rganish, saqlash va qayta tiklash uchun imkoniyat yaratib, saqlash va foydalanish rejimini o'rnatadilar.

Yodgorlik hududida tarixiy makonni buzadigan qurilishlarga yo'l qo'yilmaydi - yo'llar, to'xtash joylari va boshqalar, qurilma elektr tarmoqlari va transformator punktlarining havo liniyalari, shuningdek, yodgorlikning saqlanishi va uning badiiy ko'rinishi shartlariga javob bermaydigan er osti kommunal tarmoqlari va boshqa obodonlashtirish uskunalari.

Yodgorlikni zamonaviy foydalanish uchun moslashtirish bo'yicha barcha ishlar yodgorlikni himoya qilish idoralari bilan kelishilgan maxsus loyiha asosida olib borilmoqda.

b) Yodgorliklarni muhofaza qilish zonasi (qo'riqlash zonasi) - yodgorlikning yonida joylashgan, yodgorlik va uning atrofidagi atrof muhitning xavfsizligini ta'minlash, undan to'g'ri foydalanish va qulay vizual idrok qilish uchun mo'ljallangan.

Yodgorlikni va uning yaqin atrofini idrok etishga imkon beradigan vizual idrok shartlari yodgorlikning himoya zonasi hududini beradi. Ushbu shartlar yodgorlikning uchta balandligidagi masofada joylashgan. Tarixiy obidalarni, shu jumladan yangi shahar sharoitida obodonlashtirishda yodgorlikni shaharni yaratuvchi omil sifatida saqlab qolish uchun shart-sharoit yaratish maqsadida qo'riqlanadigan zonaning hududida yangi qurilish va funktsional foydalanishni cheklash bilan texnik xizmat ko'rsatish va foydalanish tartibi o'rnatiladi.

Himoya zonalaridan: sanoat korxonalarini, ustaxonalar, yodgorlikka jismoniy va estetik zarar etkazadigan omborxonalar; tuproq, atmosfera va suv havzalarini ifloslantiradigan katta miqdordagi yuk oqimlariga olib keladi.

ADABIYOTLAR

1. Isamuhamedova D., Mirzaev M. Zamonaviy shaharsozlik nazariyasi. - Toshkent: TAQI, 2015, 136 b.

2. Isamuhameddova D.U., Sadiqova M.A., M o'minova K.R. Shaharsozlik loyihalash. - Toshkent: TAQI, 2015.

IQTISODIYOTNING BARQARAR RIVOJLANISHI ORQALI EKSPORTNI KENGAYTIRISH.

**I.I.Meliyev – Marketing va talabalar amaliyoti bo‘limi boshlig‘i, i.f.n.
M. Y. Siddiqov – JizPI “Iqtisodiyot va menejment” kafedrasi dotsenti v.b.
D.N.Arslanov – Servis fakulteti 531-21 BH va A guruh talabasi**

Tayanch so‘zlar: tashqi iqtisodiy faoliyat, proteksianizm yo‘nalishida davlat siyosati, davlatning tashqi iqtisodiy strategiyasi, tarif va notarif chegirmalar va to‘siqlar.

Qurilish materiallari ishlab chiqarish uchun har tomonlama qulay, tabiiy zaxiralarga ega Jizzaxda viloyat hokimligi “O‘zsanoatqurilishmateriallari” uyushmasi bilan hamkorlikda yirik investitsiya loyihalarini amalga oshirmoqda. Xususan, 2020-2022 yillar Investitsiya dasturi doirasida hududda joriy yilning o‘zida umumiy qiymati 243,0 mln dollarlik 3 ta loyihani ishga tushirildi.

Jumladan, Zafarobod tumanidagi yiliga 1,2 mln tonna sement ishlab chiqarish quvvatiga ega "Huaxin Cement Jizzakh" MChJ QKning dastlabki bosqichi ham 2020 yilda ishga tushirildi. Loyihaning umumiy qiymati 150,0 mln dollarni tashkil etiladi. Korxonada foydalanishga topshirilgach, 300 dan ortiq yangi ish o‘rinlari yaratildi. Yangi zavodda kelgusida M-400 va M-500 markadagi sifatli sement mahsulotlari ishlab chiqariladi. Buning uchun korxonaga eng so‘nggi rusumdagi energiya tejankor, ekologiyaga ta’sir kuchi kam bo‘lgan texnologiyalar joriy etilmoqda. Ayni paytda bu yerda uskunalarni sozlash va obodonlashtirish ishlari davom etmoqda.

Qayd etish kerak, viloyatda 2021-2022 yillarda ham xorijiy investitsiya hisobiga bir qator loyihalar amalga oshiriladi. Mazkur dasturga ko‘ra, hududda umumiy qiymati 145 mln dollar bo‘lgan, yiliga 810 ming tonna sement ishlab chiqarish quvvatiga ega yangi sement zavodi - "Ekosement" MChJ barpo etiladi. Hozirda yangi sement zavodini qurish va Xitoy davlatidan asbob-uskunalar olib kelish ishlari yakunlanmoqda.

Bundan tashqari, Jizzax viloyatini ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish dasturi doirasida 2020-2022 yillarda qo‘shimcha ravishda umumiy qiymati 5 trln 751 mlrd so‘mlik 54 ta qurilish materiallari ishlab chiqarish loyihasi amalga oshirilgan va 2 mingdan ortiq yangi ish o‘rinlari yaratilishi rejalashtirilgan. Jumladan, Forish tumanida yiliga 35 ming tonna bazalt tolasidan issiqlik saqlovchi materiallar ishlab chiqarishga ixtisoslashtirilgan "Basalt Wool" MChJ barpo etildi. Loyihaning umumiy qiymati 60,1 mln dollarni tashkil etdi.

Rivojlanayotgan mamlakatlarning iqtisodiy siyosatida infratuzilmani yaxshilash, telekommunikatsiyalarni rivojlantirish, davlat, moliyaviy va transport xizmatlarini yaxshilash orqali eksportni rag‘batlantirishning neytral usullari keng tarqalmoqda, bu eksport qilinadigan tovarlar bo‘yicha ichki tranzaksiya xarajatlarini sezilarli darajada kamaytiradi.

Hozirda, xususan, O‘zbekiston iqtisodiyoti uchun elementlarsiz proteksionizm, import o‘rnini bosish va import qilinadigan mahsulotlar ishlab chiqarishni mahalliyashtirish, qo‘shimcha qiymat ulushi yuqori bo‘lgan sanoat mahsulotlariga asoslangan eksportga yo‘naltirilgan modelga o‘tish amalda mumkin emas. Uning raqobatbardoshligini ta’minlash va davlatni modernizatsiya qilish strategiyasini amalga oshirish uchun zarur valyuta mablag‘larini jalb qilish davlat darajasida mavjud resurslar qanchalik samarali boshqarilishiga, iqtisodiyotning barqaror rivojlanishi uchun eksport va import hajmlari qanchalik oqilona muvozanatlanganiga bog‘liq.

1990 yilda Garvard universiteti professori Maykl Porter milliy raqobatbardoshlik sanoatning doimiy rivojlanish va yangilanish qobiliyati bilan belgilanadi degan nazariyani ishlab chiqdi. Samaradorlikning to‘rtta asosiy komponentiga e’tibor qaratiladi: omillar sharoitlari (mehnat, tabiiy resurslar, infratuzilma, bilim resursi, kapital), ichki va tashqi talab holati, turdosh (texnologik

jihatdan bir-birini to'ldiruvchi) va qo'llab-quvvatlovchi tarmoqlarning (yetkazib beruvchilar) rivojlanish darajasi, butlovchi qismlar, yarim tayyor mahsulotlar), ichki bozorda raqobat, ta'minlash kelajakda tashqi bozorda mustahkam ustunlik.

Janubiy Koreya bu nazariyani birinchilardan qo'llagan bo'lib, klasterlarni shakllantirishda oxirgi ikki komponent O'zbekiston iqtisodiyotini izchil rivojlantirish strategiyasi uchun alohida qiziqish uyg'otadi. Texnologik jihatdan bir-birini to'ldiruvchi, turdosh tarmoqlarni rivojlantirish omili aksariyat hollarda aynan import qilinadigan butlovchi qismlar va yarim tayyor mahsulotlar ishlab chiqarishni mahalliyashtirish hisobiga ta'minlanadi. Mahalliyashtirish sanoatni modernizatsiya qilish vositasi sifatida ham ishlatilgan. Bunga Xitoyning erkin iqtisodiy zonalarni yaratish va rivojlantirish tajribasi misol bo'la oladi, o'shanda investorlar oldiga qattiq shart-sharoitlar yaratilgan va yangi mahsulotlarni o'zlashtirish uchun minimal mahalliyashtirish chegaralari belgilangan.

Mahalliyashtirish sanoat siyosatining quroli sifatida nafaqat rivojlanayotgan mamlakatlar tomonidan, balki import o'rini bosish uchun ham qo'llanilmaydi. Xullas, inqiroz davrida 2008-2009 yillarda dunyoda yuzdan ortiq yirik mahalliyashtirish loyihasi amalga oshirildi. Ulardan AQShda-14, Kanadada-5. Sharqiy Osiyo mamlakatlaridagi sanoat siyosati import o'rini bosuvchi modeldan eksportni kengaytirish modeliga o'tish oson va tez sodir bo'lmasligini ko'rsatadi, modellar orasidagi chegarani aniq ajratish juda qiyin.

O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyoti aynan mana shu o'tish bosqichida joylashgan. Sanoatning yangi tarmoqlarini rivojlantirish zarurati, yuqori texnologiyali tarmoqlarni shakllantirishga qiziqish, axborot texnologiyalari, qayta tiklanadigan energiya manbalari va boshqalar. Ushbu pozitsiyalardan kelib chiqib, mahalliyashtirish nafaqat import o'rini bosish usuli sifatida kengroq ta'sir ko'rsatadi. Bu ish o'rinlari yaratish, yuqori qo'shimcha qiymatli mahsulotlar ishlab chiqarish uchun xorijiy sarmoya va texnologiyalarni jalb etishning samarali mexanizmidir. Ichki bozordagi raqobat ko'proq tarkibiy muammolar bilan bog'liq sanoatda va tashqi raqobatbardoshlikni ta'minlamaydi.

Shu bois O'zbekistonning mahalliy ishlab chiqaruvchilarning raqobatbardoshligini saqlab qolish uchun zamonaviy texnologiyalarni import qilish alohida ta'kidlangan vositalardan biridir. Yana bir shunga o'xshash vosita - global qiymat zanjirlariga (yoki texnologik zanjirlarga) integratsiyalashuv uchun to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilish. Ilmiy-tadqiqot va tajriba-konstruktorlik ishlarini joriy etish, ta'lim tizimini rivojlantirish va klasterlar formatida faoliyat yurituvchi ishlab chiqarish majmualarini yaratish bo'yicha joriy siyosatning maqsadi ham shundan iborat.

O'zbekistonda xomashyoni chuqur qayta ishlash hisobiga tayyor mahsulot eksportini kengaytirishga alohida e'tibor qaratilmoqda. BMT tomonidan qo'llaniladigan milliy tarif imtiyozlari tizimi qo'llaniladi. Mahalliy ishlab chiqaruvchilar manfaatlaridan kelib chiqib, import qilinadigan mahsulotlarning aksariyat toifalariga nisbatan yuqori bojxona to'lovlari o'rnatiladi. Bunday haddan tashqari himoya choralari bilan savdo rejimining muvozanati buziladi va bu narx omillari orqali nafaqat ichki talab tovarlari, balki eksport tovarlari narxining oshishiga olib keladi.

Xalqaro amaliyotda ishlab chiqarishni subsidiyalash, soliq va moliyaviy imtiyozlar berish, kreditlar berish kabi moliyaviy vositalar keng tarqalgan. Ulardan foydalanish milliy eksportchilarning raqobatbardoshligini yuqori darajada saqlash imkonini beradi.

Milliy iqtisodiyotning raqobatbardoshligi uchun mahalliy eksportchilarning ichki raqobatini rivojlantirish uchun shart-sharoitlar zarur. Ishlab chiqilayotgan mahalliyashtirish dasturlari mahalliy eksportning raqobatbardoshligini ta'minlashga qaratilgan chora-tadbirlar bilan birga olib borilishi kerak. Ishni tashkil etish, eksportni nazorat qilish va monitoring qilishning yangi tizimi

joriy etilgani hamda ishlab chiqilgan “yo‘l xaritalari” sanoat rivojlanishini rag‘batlantirish va mamlakat raqobatbardoshligini oshirishning ko‘plab jihatlarini qamrab olgan.

Adabiyotlar ro‘yxati

- [1]. Kiseleva E.A. Makroiqtisodiyot - M.: Eksmo nashriyoti, 2007.-352 b.
- [2]. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Qurilish sohasida davlat boshqaruvi tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi farmoni, 2 aprel 2018 yil
- [3]. www.centralasian.org
- [4]. <https://centre1.com/uzbekistan/>

EKOLOGIK MA‘DANIYATNING INOVATSION TEXNOLOGIYA BILAN ALOQADORLIGI

Ismatilloev E.I., Ergasheva S.F., Toshimov U.R¹.

Abdullayev A.A., Qurbanova L.M².

¹JizPI 451-22 TJAICHA talabarlari

² JizPI “Kimyo” kafedrasi katta o‘qituvchilari

E-mail: latofatqurbanova@mail.com

+998915688007

Ta‘lim sohasida tub o‘zgarishlar bo‘layotgan bir davrda Republikamizda amalga oshirilayotgan islohatlar bu jarayonni tamomila erkinlashtirish, demokratlashtirishning bir qancha shart-sharoitlarini ko‘rsatib beradi. Ta‘lim jarayonini erkinlashtirish, uni yangicha tashkil etish, boshqarish, talaba shaxsining mustaqilligi, erkin fikr-mulohaza yurita oladigan, jaxon standartlari talablariga teglasha oladigan bilim va ko‘nikmalarni to‘liq egallashni ta‘minlovchi yangi texnologik usullardan foydalanishning imkonini beradi.

Ta‘lim sifati va samaradorligini oshirish, davlat ta‘lim standartlarining bajarilishini ta‘minlash, ta‘limning sifat ko‘rsatkichini kafolatlashda yangicha zamonaviy texnologiyada o‘qitish talab etilmoqda.

Ekologik ma‘daniyatni, ta‘limni amalga oshirilayotgan bir paytda, yoshlarning dunyo qarashlarini ekologik ta‘limga yo‘naltirish ruxida tarbiyalash zamonamizning dolzarb muammolaridan biri hisoblanadi.

Yoshlarning hayotiy faoliyati ekologik ta‘lim hamda tarbiya darajasining samaradorligi bilan bog‘liq, shuningdek ekologik ongi va madaniyatining takomillashuvi ta‘lim tizimi davomida mustahkamlanib, ulug‘vorligi kuchayib boradi.

Davlatimizning, jamiyatimizning rivojlanishi uchun har bir inson yashab turgan mahalla, ish joylari, o‘qish joylaridagi hududda mavjud bo‘lgan hayotiy omillarni barchasini, tabiiy muhitning ekologik sifatiga ma‘suldir. Buning uchun jamiyatimizning har bir a‘zosi ekologik madaniyat, ekologik tarbiya bilan tanishgan bo‘lishlari lozimdir. O‘z vatanini sevgan ardoqlagan insongina yashab turgan joyini, tabiatni ham sevadi va uning tozaligiga befarq bo‘lmaydi. Shu sababli ham mamlakatimizda ekologik tarbiyaga alohida e‘tibor berilmoqda.

Shunday ekan, ekologik tarbiya berish jarayonida pedagogik texnologiya usullaridan foydalanishga e‘tiborimizni kuchaytirishimiz lozimdir. Ta‘limga alohida e‘tibor berilayotgan bir paytda innovatsion jarayonlar ta‘limni sifat jihatidan yangi pog‘onaga ko‘tarish bilan ta‘lim va tarbiyani yangi texnologiyaga asoslangan muhitni yaratishimiz lozimdir.

Ta‘lim jarayonida inovatsion texnologiyalardan foydalanish ekologik madaniyatni shakllantirishda qo‘shimcha vosita hisoblanadi. Yangi pedagogik texnologiyalar usullari va mul‘timediyali vositalar asosida vertual videoroliklarda yoritilgan har bir mavzu talaba yoshlarning ongida saqlanib qolish jarayoni uzoqroq va ijobiy bo‘ladi. Kompyuter animatsiyalari ekologik

muhit va hodisalarning har tomonlama kuzatish, o'rganish va esda saqlab qolish, qolaversa amal qilish uchun qulaylik tug'diradi.

Xulosa qilib aytishimiz mumkinki, yangi pedagogik texnologiyalardan foydalanish ta'limning nafaqat faolligini, sifat va samaradorligini ham oshiradi. Yoshlarni mustaqil fikrlashga, muammolar yechimini topishga, ijodkorlikka, vatanimizning yangi tarmoqlarini rivojlanishiga yo'l ochib beradi.

Foydanilgan adabiyotlar

1. J.Yo'ldoshev., "Ta'lim yangilanish yo'lida" Toshkent 200 y. 111-115 b.
2. A.Ergashev., "Umumiy ekologiya" Toshkent 2003 y 35-41 b.

KARMANADAGI CHARM-GAR CHORBOG' SAROYINING QURILISH TARIXI ARXITEKTURASI VA QURILISH MATERIALLARI

Stajyor-o'qituvchisi Imamov Suxrob Solexovich

Talaba: Jumaqulov Komiljon Hamroqulovich

Kalit so'zlar: Charm-Gar Chor-bog' saroyi, ayvon, naqshinkor shifti ustunlari, usta Nusratullo Tursunov, Haram, Asosiy zal, Pisarenko Semyon Kuzmich, Xazrati Qosim Shayx xonaqosi, A.Balaev, Asosiy zal.

Karmana hududida yana bir yirik, qadimgi saroy-bog'lardan birini tarixiy manbaalarda ko'rsatilishicha Charmgarchorbog'dir. U butun Buxoro amirlarining sulolasiga tegishli bo'lgan. Asosan Buxoro amiri Abdulaxadxon Karmanada Charmgarchorbog' saroyida yashab davlatni boshqargan. Og'zaki ma'lumotlarga ko'ra, Karmanadagi Charm-Gar Chor-bog' saroyi XVIII asr oxiri XIX asr boshlarida qurilgan. Chor-bog' nomi to'rt bog' degan ma'noni bildiradi. Bog' shimoli-sharqiy tomondan Ko'yna-Arkning baland devori [1975 yil xarobalari] bilan o'ralgan bo'lib, uning orqasida suv bilan to'ldirilgan chuqur xandaq bor edi. Bog' hududida amir shifokori binosi joylashgan bo'lib, hozir u zamonaviy shifoxona majmuasining bir qismidir. Saroyning keng bo'lganligini XIX asr oxiridagi ustalardan biri aytdi. usto Shirin Murodov bilan birga saroyini bezashda qatnashgan.




1-rasm Karmanadagi amir Abdulahadxon Charm Gar saroyi haramining asosiy zali 1955-63 yy va 1977 yillardagi ko'rinishi

1949-yilda Karmanga tashrif buyurgan me'mor A.Balaevning hisobotlari va kundaligiga ko'ra, bu yerda rasmiy binolardan tashqari – qabulxona va taxt xonalari, amir raqslarni tomosha qiladigan zali bo'lgan haram, ovqat xonasi ham bo'lgan. oshxona, soqchilar xonasi, turli xo'jalik xonalar hammom, qamoqxona va ot hovlisi va boshqa xonalar bo'lgan.

1977 yilgacha ko'plab binolar va binolar saqlanib qolgan. Zali bilan haram bu ikki qavatli bino bo'lib, zalni uch tomondan qoplaydi. Hovli o'rtasida daraxtlar bilan o'ralgan uy saqlanib

qolgan. Asosiy omon qolgan zal kuchli rivojlangan stalaktit boshlari bo'lgan to'rtta o'yilgan yog'och ustunlarda ochiq ayvonli baland xonadir. Hovliga kirish janubi-g'arbiy burchakda, janubi-sharqiy burchakda esa ikkinchi qavatdagi haram xonasiga va katta zalning balkoniga olib boradigan zinapoya bo'lib, u yerdan amir raqslarni tomosha qilar edi. Balkon ikkinchi qavatdagi haram binolari bilan bog'langan. Zal va ayvonning bezaklari badiiy jihatdan katta qiziqish uyg'otadi. Zal devorlari stalaktitli bezakli to'qcha-banda bo'shliqlar, o'simlik va geometrik naqshlar, ganch o'ymakorligi bilan boyitilgan.

O'yilgan yog'och ustunlar yog'och o'yilgan asoslarda ko'tariladi. Zalning yog'och shifti o'yilgan va bo'yalgan, ayvon esa stalaktit bezakida xauzak o'ymakorligi bilan yog'och panellardan yig'ilgan. O'rtadagi ayvon shifti ko'tarilgan.



2-rasm 1977 yilgacha ko'plab binolar va binolar saqlanib qolgan.


Saroyning zali bilan haramining naqshinkor devorlari

Zalning janubi-g'arbiy tomonida - yordamchi va qo'riqlash xonalari bo'lgan. Saroyning markaziy qismi bu qabul qilish uchun, shuningdek, rasmiy maqsadlar uchun mo'ljallangan binolar guruhidir. U haramdan 500 metr uzoqlikda joylashgan. Binolar shimoli-sharqiy qismida joylashgan bo'lib, ikkita sakkiz burchakli zal, taxt xonasi va bir nechta yordamchi xonalardan iborat majmuani ta'minlaydi. A. Balaev ta'rifiga ko'ra, ularning oldida ikki qavatli ayvonlar bo'lgan, hozir ayvondan asar ham qolmagan. Zallardan biri "ko'k" deb nomlanadi. Bu nom zal shiftining ko'k rangda zarhal rangli bezakli geometrik naqsh bilan bezatilganligidan kelib chiqqan. Bundan tashqari, uning orqasidagi ikkinchi sakkiz burchakli zalga o'tish - taxt xonasi bo'lgan.

Taxt xonasi g'arbiy tomonida ko'tarilgan, qirrali ark ko'rinishidagi tokcha bilan bezatilgan, taxt joylashgan xonani /7,5x8 m/ ifodalaydi.


Haramning chap va o'ng tomonida old eshikning orqa xonalari uchun teshiklar mavjud. Bu kirish faqat amir va uning zudlik bilan zarur bo'lgan xizmatkorlari uchundir. Taxt xonasining sharqiy tomonida ulashgan kommunal xonalar, shuningdek, boy bezatilgan. Endi boy bezatilgan taxt xonasi eng yaxshi saqlanib qolgan. Bu yerda ganch va yog'ochga o'ymakorlik, naqqoshlik (turli xil texnikalar) qo'llanilgan.

A. Xotamov va Sh. Xalilovlar ta'kidlashicha Charmgarchorbog' hududida Abdullahon uyi va masjidi bo'lgan. Bu saroy-bog' dastlab XVI asrning ikkinchi yarmida qurilgan bo'lib, xajmiy tuzilishi, ko'rinishi jihatdan ko'pburchakli, muhtasham, ikki qavatli qilib bunyod etilgan. Abdullahon uyining me'moriy yechimi jihatidan Mirzachorbog', Charmgarchorbog', Gulchorbog'dagi saroylarga namuna saroy me'morligiga oid masalalar ham ko'rsatilgan.




3-rasm: Karmanadagi Charm Gar Chor-Bog'ining Rejasi, Qirqimi va saroyning fasad qismining chizmasi

Hozirda saroy yo'q bo'lib ketgan.. To'plangan ma'lumotlar asosida hozirgi kunda saroy-bog'larning o'rni qayerda joylashganini aniqlash mumkin. Zarafshon daryosining asosiy o'zani biz tadqiq qilayotgan saroy-bog'lardan ancha uzoqlashgan. Hududiy geografik muhitda oldingiga nisbatan ancha o'zgarishlar bor. Olib borilgan izlanishlar yozma manbalar, bajarilgan dislokatsiya merosni batamom yo'q bo'lib ketish xavfini oldini olish imkoniyatini beradi. Shu bilan birga mavjud ma'lumotlarni yangi ma'lumotlar bilan to'ldirishga undaydi.



4-rasm: Charm gar Chorbog' saroyi ayvonidagi naqshinkor shifti va ustunlari

Hozirgi Karmana Qishloq xo'jalik kollejining g'arb tomonida (kollejning futbol stadioni, yotoqxonasi va ustaxonalari o'rnida) Charmgarchorbog' joylashgan. Bu bog' Zarafshon daryosiga yaqin bo'lganligidan g'oyat so'lim, badavo bo'lgan. Abdullaxon uyi (amir qarorgohi) va masjidi ham shu bog'da bo'lgan. Abdullaxon uyi ko'rinishi jidatidan muhtasham, ko'pburchakli, ikki qavatli bino bo'lgan. Hovlining sharq tomonida (kollejning futbol stadioni o'rnida) masjid qurdirgan, u Abdullaxon masjidi deb yuritilgan.



5-rasm Charm gar Chorbog' saroyi ayvonidagi naqshinkor shifti va ustunlari

Masjidning old tomoniga 11 ustunli aylana ayvon solingan. Masjidga sharq tomonidan kirilgan. Masjid o'z zamonasining arxitekturasi asosida shohona binolar singari qurilgan.

Mang'itlar sulolasi davrida Karmanaga e'tibor yanada kuchaygan. Mang'itlar sulolasi ikkinchi amiri Mudammad Doniyolbiy (1758—1785) nisbatan tashlandiq holga kelib qolgan amir qarorgohi va Masjidni ta'mirlab, hovli o'rtasiga hovuz va qo'shimcha binolar qurdiradi. Charmgarchorbog'ni obodonlashtiradi, chinorlar ektiradi. Bu yerda o'tgan asrning boshlarida ham kishi qulochi yetmaydigan chinorlar bo'lganligini shu joylik keksalar aytib yurishadi.

Abdullaxon uyi 1955—1956 yillarda, Masjid esa 1975—1976 yillarda buzilib, o'rniga Karmana qishloq xo'jalik kolleji uchun binolar qurildi. Eski binolarning yog'ochlari talon-toroj qilindi. Abdullaxon masjididan 4 ta ustun qoldi, xolos. Bu ustunlar Xazrati Qosim Shayx xonaqosining shimoliy tomo-nida usta Nusratullo Tursunov tomonidan qurilgan binoning ayvoniga quyildi. Qariyb 500 yil elga xizmat qilgan Abdullaxon ustunlarining umri yanada uzaytirildi.



6-rasm Charm Gar Chorbog' (ayvon shifti tafsiloti) 1975

Charm-gar chorbog' - haramning uyi amir Sayid Abdulahadxonning sevimli saroyi hisoblangan. Haram an'anaviy tartibdagi yopiq hovli bo'lib, ayvon shimolga qaragan va ayvonning oldida kichik bir hovli bo'lgan. Karmanadagi Charm-gar saroyi majmuasida, Buxoro amirining

shaxsiy hayoti shifokori Pisarenko Semyon Kuzmich ham doimiy yashab, amirning o'zi va uning o'g'li Sayid Olimga katta ta'sir ko'rsatgan.

Bu chorbog'larga turli o'lkalardan olib kelingan xushxo'r mevali daraxtlar, betakror-nafis gullar o'tqazilgan. Ayniqsa Charmgarchorbog' (hozirgi qishlok xo'jalik kasb hunar kolleji o'rni)dagi naqshin olmalar, Mirzochorbog' (oldingi pilla urug'chilik zavodi) dagi osmonga bo'y cho'zgan baland zardoli va Rossiyadan olib kelingan akatsiyalar, Gulchorbog' (hozirgi Oftobjon bolalar oromgohi) dagi salqin hovuzlar betakrorligi bilan ajralib turgan.

ADABIYOTLAR:

1. Pisarchik A.K. "Kermina yodgorliklari" to'plamida "Sitorik nazariya va arxitektura instituti aloqalari" 1944 yil 4-son.
2. R. U. Chekaevaning suratlari va chizmalari, 1975 yil Hottabychdan repost
3. Solekhovich I. S., Halimovich B. H. PALACE ARCHITECTURE IN MEDIEVAL BUKHARIAN ARCHITECTURE //Scientific Impulse. – 2023. – T. 1. – №. 7. – С. 802-805.
4. Tojiev I., Vakhitov M. Research of structure of mortars for architectural monuments of Bukhara //AIP Conference Proceedings. – AIP Publishing LLC, 2022. – Т. 2467. – №. 1. – С. 020021.
5. Vakhitov M., Tojiev I. Research of strength of modified mortars for restoration of Bukhara architectural monuments //AIP Conference Proceedings. – AIP Publishing LLC, 2022. – Т. 2467. – №. 1. – С. 020045.
6. Тожиев И. И. Химические и минералогические составы исторических строительных растворов. *Universum: технические науки: научный журнал.* № 2 (95). Часть 6. г //Москва. – 2022. – С. 5-8.
7. Вахитов М. М., Тожиев И. И. Строительные растворы памятников архитектуры Бухары. – 2020.
8. Тожиев И. И. ИЗУЧЕНИЕ СТРУКТУРЫ АРХИТЕКТУРНЫХ РАСТВОРОВ //Universum: технические науки. – 2022. – №. 2-2 (95). – С. 52-54.
9. Юнусов Г. Г., Тожиев И. И. Тарихий обидалар реставрацияси учун мўлжалланган қоришмаларнинг оптимал таркибларини топишнинг математик модели //Журнал Физико-математические науки. – 2021. – Т. 2. – №. 1.
10. Zaitov A. A., Tojiev I. I. On a metric on the space of idempotent probability measures //arXiv preprint arXiv:1006.3902. – 2010.
11. Solekhovich, I. S., & Halimovich, B. H. . (2023). ARCHITECTURE AND HISTORY OF 12 GATES OF BUKHARA АРХИТЕКТУРА И ИСТОРИЯ . *Scientific Impulse*, 1(7), 818–825. Retrieved from
12. Хожиева Р. Б., Имамов С. С. ХРОМАТОГРАФИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ МЕТИЛ И ЭТИЛМЕРКАПТАНОВ В НЕФТЯНЫХ ПРОДУКТАХ //Инновационное развитие. – 2017. – №. 3. – С. 7-8.
13. Нуруллаева З. В., Имамов С. С. КАТАЛИЗАТОРЫ ПРОЦЕССА ГОРЕНИЯ ТОПЛИВНО-ВОЗДУШНОЙ СМЕСИ //Инновационное развитие. – 2017. – №. 3. – С. 6-7.
14. Vakhitov M., Tojiev I. Research of strength of modified mortars for restoration of Bukhara architectural monuments //AIP Conference Proceedings. – AIP Publishing LLC, 2022. – Т. 2467. – №. 1. – С. 020045.
15. Tojiev I., Hamidova M. Mathematical model for determining the optimal composition of mortars for restoration of historical monuments //Journal of Physics: Conference Series. – IOP Publishing, 2022. – Т. 2373. – №. 4. – С. 042008.

JIZZAX SHAHRINI O‘RTA ASRLARDA SHAHARSOZLIGINI SHAKLLANISH YO‘LLARI

*Toshkent arxitektura-qurilish universiteti, Qurilishni boshqarish fakulteti,
"Shahar qurilishi va kommunal infratuzilmani tashkil etish va boshqarish" ta'lim yo'nalishi 1
bosqich talabasi Allamurotov Asadbek Xayrulla o'g'li.
Jizzax politexnika instituti Arxitekturaviy loyihalash
kafedrasi o'qituvchisi Yesbergenov Begzod Yerjanovich
Jizzax politexnika instituti "Muhandislik kommunikatsiyalari"
kafedrasi o'qituvchisi Pirnazarov Ilxom Islamovich*

Ma'lumki, o'rta asr mualliflarining xabarlariga ko'ra Jizzax shahri IX-X asrlarda chorvador ko'chmanchi xalqlarning talonchilik yurishlaridan musulmonchilikni qabul qilgan. Ustrushona va So'g'd o'lkalarini ximoya qiluvchi, "islom lashkari g'oziyalar" to'planuvchi asosiy qarorgox sifatida mashxur bo'lgan. "G'oziyalar"ning asosini esa Muxammad Alayxissalomning qizi Fotima va kuyovi xalifa Alidan tarqagan avlodlar, "xo'ja"lar tashkil etgan. Bu fikrlarni keltirishdan maqsad, demak "Xo'ja Roziyon" qabristoni o'z faoliyatini kamida IX-X asrlarda boshlagan va to'g'ridan-to'g'ri Jizzaxdagi "g'oziyalar faoliyati" bilan bog'liqdir. Ushbu fikrlarning tarixiy xaqiqatligi to'liq isbotlansa IX-X asrlardagi Jizzax shahri o'rniga ham aniqlik kiritiladi. Ta'kidlash joizki, bir guruh mutaxassislar Jizzax shahrining rivojlangan o'rta asrlardagi o'rnini Qaliyatepa urnida deb e'tirof etishar edi. Lekin, keyingi paytlarda M.Pardaev rivojlangan o'rta asrlardagi Jizzax o'rniga Qaliyatepa bilan birga O'rda ham "da'vogar" ekanligini ta'kidlamoqda. Muallifning bunday fikrga kelishiga Qaliyatepa madaniy qatlamlarida IX-XIII asr qurilish qoldiqdarining juda kichik mavzeyda uchrayotganligidir. M.Pardaevning bizga bergan ma'lumotlariga ko'ra "Xo'ja Roziyon" qabristonining Qaliyatepa yaqinida emas O'rda yaqinida joylashganligi ham bu masala borasida muhim ahamiyatga ega. Bundan kelib chiqadigan fikr, demak, "g'oziyalar" qarorgohi Qaliyatepada emas, O'rdada bo'lgan deb aytish mumkin. Darvoqe, "Xo'ja Roziyon"da bir qancha ko'xna qabrtoshlari saqlanib qolgan. Agar kelgusida ushbu qabr toshlari o'qib, o'rganilib mayyitlarning shaxsi aniqlansa, ularning davriy savialari belgilansa, Jizzax shahri tarixining yuqorida bayon etilgan masalalariga muhim yangiliklar kiritilishi muqarrar.

Jizzax shahri xavfsizligini ta'minlash uchun shahar atrofi devor bilan o'rab olinib, kirish-chiqish uchun Samarqand, Toshkent, O'ratepa va Buxoro darvozalari bo'lgan. Darvozalar kecha-kunduz askarlar tomonidan qo'riqlanib, himoya qilingan. Bu darvozalarning birinchisi orqali Samarkandga, ikkinchisi orqali Toshkentga, uchinchisi orqali Buxoroga boriladigan yo'lga chiqilgan. Shaharning "Kunchilik", "Jizzaxlik", "Zargarlik", „Oqqo'rg'onlik“ maxallalari aholisi savdo-sotiq, hunarmandchilik, kulolchilik, sovungarlik bilan shug'ullanishgan.

Har bir shahar dushmanlardan ximoyalangan O'rda ichkarisi ark va shahriston, ular atrofidagi maxallalardan tashkil topgan qal'a qo'rg'on bo'lgan. Tashqi dushmandan himoilanish uchun O'rda qal'asi devori tashqarisida zovur kovlanib, suv bilan to'ldirilgan. O'rda qal'asi 1866-yilda vayron qilingan va qayta tiklanmagan.

Bu esa O'rda xaqida bilishimiz mumkun bo'lgan ko'plab sirlarni bizga ochib bermaydi, ko'plab tarixiy obidalar zamonlar o'tgani sari vayron qilingan yoki o'sha joylarni odamlar butkul unitishgan.

O'rta asrlarda Jizzax ko'plab bosqinchilik qurboniga aylangan shu boisdan ham qal'alarda doimo yashirin chiqish yo'laklari bunyod etilganligini bilib olishimiz mumkun bo'ladi.

O'rda o'z davrida gullab yashnaganini uning mudofa chiziqlari, qalaning kengligi, o'z sarhatini mustaxkam himoya qila olishini yaqqol misolini topilmalar, adabiyotlar, tarixchi olimlar

asarlariidan ko‘ra olishimiz mumkin bo‘ladi.

Shu o‘rinda Jizzaxlik oqsoqollarni hikoya qilishlaricha, O‘rda mudofaa devorlari shunchalik uzun, baland va enlik bulganki, soqchilar devor ustida ot qo‘shilgan qo‘qon aravada aylanib yurishib shaharni qo‘riqlashgan. Qarami- qarshi tomondan kelgan soqchilar aravasi bir-biriga halaqit bermasdan o‘z yo‘lini davom ettirgan. Topografik plan buyicha O‘rda mudofaa devorlarining umumiy uzunligi 4 km.ga yetgan. Mudofaa devorlari tizimida ma‘lum masofada mudofaa burjlar mavjud bo‘lgan. Yarim aylanasimon shakldagi ushbu burjlar asosan O‘rdaning shimoliy va sharqiy devorlarida zich joylashgan. Bu esa azaldan O‘rdaga taxdid soluvchi kuchlarni qay yo‘nalishdan kuproq kelishganini, xarakatda bo‘lishganini ko‘rsatadi.

Topografik xarita bo‘yicha, O‘rdaning shimoliy va sharqiy darvozalari, ya‘ni Toshkent va O‘ratepa darvozalari shturm paytida butunlay vayron qilingan, faqat g‘arbiy Samarqand darvozasigina omon qolgan.

O‘rdada axoli nixoyatda zich yashagan. *Buni* axborotchilarimizni ma‘lumoti va topografik xaritadan ham bilishimiz mumkin. Maxallalar deyarli mudofaa devorlari orqasidan boshlangan, bu xududlarda deyarli ochiq maydonlar yo‘q, Ko‘chalar nixoyatda tor, bir-biri bilan tutashgan, va bu ko‘chalarniig barchasi O‘rda hokimi arki maydoniga olib chiqqan. *Ark* atrofidadagina ma‘lum sayxonlik, ochiq mavze mavjud bo‘lgan.

Adabiyotlar

5. Professor O‘.Nosirovning “Jizzaxdan aytar so‘zim” kitobidan olindi (T., “Extremum Press”, 2011y.)
6. O‘rol Nosirov va Raya Nurqulova "Jizzax viloyati" O‘zME. Birinchi jild. Toshkent, 2000-yil
7. O‘zbekiston Milliy ensiklopediyasi
8. “Shaharsozlik nazariyasi asoslari” fanidan ma‘ruza matni “Qishloq arxitekturasini” kafedrasini assistenti: Mamatqulov O‘. Samarqand 2013 yil
9. O‘zbekiston Respublikasi Shaxarsozlik kodeksi (5-modda).
10. Internet malumotlari Jizzax.uz sayti

ARXITEKTURA VA QURILISH SOHASIDA KADRLAR TAYYORLASH JARAYONIDA AR TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH

Bekchanov Humoyun Maksud o‘g‘li
Sultanova Sevara Iles qizi
Radjapova Mohira Pirnazarovna
Urganch Davlat Universiteti o‘qituvchisi
humoyunbekchanov92@gmail.com
+998 99 559 03 09

Annotatsiya: Ushbu ilmiy maqolada bugungi kunda insonlar turmush tarziga tobora keng miqyosida kirib kelayotgan AR texnologiyalar va ularni arxitektura va qurilish fanlarini o‘qitishda qo‘llash muammolari haqida to‘xtalib o‘tilgan.

Kalit so‘zlar: AR texnologiya, to‘ldirilgan reallik, Augmented Reality, zamonaviy o‘quv dasturlar.

Kun sayin taraqqiy topayotgan zamonaviy texnologiyalar hayot tarzimizga shu qadar kirib keldiki, bazi bir jabhalarda hayotimizni ularsiz tasavvur etib bo‘lmay qoldi. Axborot olish va uni uzatish tezligi shu qadar tezlashib ketdiki bir paytlari haftalik yoki oylik ma‘lumotlar to‘planadigan gazeta yoki jurnallar bugun o‘z dolzarbligini yo‘qotgandek go‘yo. Raqamli texnologiyalar, sun‘iy


intellekt qurilmalari, innovatsion gadjetlar kabi ixtirolarning hayot tarzimizga keng miqyosida tadbiiq etilishi yuqorida sanab o'tilgan sohalarni tubdan o'zgarishiga sabab bo'ldi desak mubolag'a bo'lmaydi. Zamonaviy texnologiyalar nafaqat kundalik turmush tarzimiz balki ta'lim sohasiga ham kirib keldi va ta'limda bir nechta yangi yo'nalishlarni ham ochib berdi. Masalan biz bir paytlari ma'ruza darslarini yirik hajmli kitoblar va o'quv qo'llanmalar orqali amalga oshirilishiga oddiy holdek qaraganmiz yoki sinov tajriba mashg'ulotlarini albatta maxsus jihozlangan laboratoriya xonalarida olib borilishiga normal holat sifatida qarar edik. Bu jarayon ham albatta yaxshi va samarali hisoblanadi ammo bugungi zamonaviy texnologiyalar bilan baravar katta bo'layotgan yosh avlod uchun bunday uslubdagi dars mashg'ulotlari ularda bilim olishga bo'lgan chanqoqliklarini biroz qondirmayotgandek ko'rinmoqda va bunga bir qancha ilmiy dalillar ham mavjud. Misol uchun Berlin universiteti olimlari olib borgan tadqiqotlarga ko'ra standart uslubdagi ta'lim tizimi 16-18% tinglovchi uchun normal holat sanalgan, 80% dan ortiq tinglovchi talabalar uchun esa ta'lim tizimi raqamlashishi, ta'lim jarayonlariga innovatsion texnologiyalar kirib kelishi va ularni muntazam qo'llanilishini o'zlarining shaxsiy rivojlanishida va yetuk kadr bo'lib yetishishlarida muhim ahamiyat kasb etadi deb qarashgan. Ta'lim sohasiga kirib kelishi ta'lim sifatini oshirishi muqarrar bo'lgan ana shunday zamonaviy texnologiyalardan biri bu Augmented Reality (AR) texnologiyalaridir.

Augmented Reality texnologiyalar haqida qisqacha to'xtaladigan bo'lsak - bu virtual dunyodan real dunyoga ob'ektlarni ko'chirish imkonini beruvchi to'ldirilgan reallik texnologiyasi. Bu texnologiyadan foydalanish jarayonlari asosan yevropa mamlakatlarida allaqachon mavjud va u faol rivojlanmoqda. Mazkur texnologiya asosida ishlaydigan android va ios dasturlar, o'yinlar pulli yuklab olish sharti mavjud bo'lsa ham bugungi kunda eng top ro'yxatlarda kelmoqda. Amaliyotda qo'llash qiyin bo'lgan ishlar yoki o'z yechimini real hayotda faqat sanoqli nuqtalarda topishi mumkin bo'lgan jarayonlar bugun AR texnologiyalar bilan qiziqarli tarzda amalga oshmoqda.


Bilamizki ta'lim sohasida malakali kadrlarni tayyorlash bugungi kunning eng dolzarb muammolaridan biri sanaladi. Bu borada davlatimiz rahbari Shavkat Miromonovich Mirziyoyev janobi oliylari ham o'z nutqlarida: "Biz o'z oldimizga mamlakatimizda Uchinchi Renessans poydevorini barpo etishdek ulug' maqsadni qo'ygan ekanmiz, buning uchun yangi Xorazmiylar, Beruniylar, Ibn Sinolar, Mirzo Ulug'beklar, Navoiy va Boburlarni tarbiyalab beradigan muhit va sharoitlarni yaratishimiz kerak. Bunda, avvalo, ta'lim va tarbiyani rivojlantirish, sog'lom turmush tarzini qaror toptirish, ilm-fan va innovatsiyalarni taraqqiy ettirish milliy g'oyamizning asosiy ustunlari bo'lib, xizmat qilishi lozim. Ta'lim sifatini tubdan yaxshilash maqsadida, avvalo, o'quv dasturlari, o'qituvchi va domlalar uchun metodik qo'llanmalarni ilg'or xalqaro dasturlarga moslashtirish lozim. Bolalarning tahliliy va kreativ fikrlash qobiliyatini rivojlantirish uchun ularga sermazzmun va tushunarli darsliklar yaratish zarur" deya ta'kidlab o'tgan edilar.

Yurtboshimiz tomonidan yuqorida belgilab berilgan ustuvor vazifalardan kelib chiqib arxitektura va qurilish sohasida malakali kadrlar tayyorlash jarayonini izchil isloh qilish uchun zamonaviy texnologiyalarni keng joriy etish, xususan, AR texnologiyalarni qo'llash sohada ta'lim olayotgan bo'lajak mutaxassislarda zamon bilan hamnafaslik, zamonaviy bilimlarni amaliyotda qo'llash va shu bilan birga sohada rivoj topishga bo'lgan ishtiyoqni kuchaytirishda muhim ahamiyat kasb etadi. Bilamizki arxitektura va qurilish sohasida yaxshi bilimga ega bo'lish uchun bevosita qurilish va loyihalash jarayonlari bilan hamisha yonma-yon bo'lishni taqazo etadi. Ammo bu kabi jarayonlarni ta'lim olish bilan birga olib borish qo'shimcha vaqt va mablag' talab qilishi, natijada talabanning kun davomida chet tillarini o'rganish, sport bilan shug'ullanish kabi shaxsiy rivojlanishi uchun ajratilgan vaqt meyorlari buzilishi mumkinligi bilan biroz murakkabroqdir. Aynan ushbu jihatlarni inobatga olgan holda arxitektura va qurilish sohasida ta'lim sifatini modernizatsiyalash

uchun AR texnologiyalarni joriy qilish muhim va kechiktirib bo'lmaz vazifalardan sanaladi. Tasavvur qiling siz xonada o'tirgan holatingizda ham chizmada rejaviy aksini topgan, hali qurilmagan shaxsiy uyingizni qanday ko'rinishda bo'lishini huddi real hayotdagi kabi ko'ra olishingiz mumkin (1-rasm).



Yoki qurilish materiallari darsida siz xonadan chiqmasdan turib ham ashyolarning tashqi ko'rinishi ulardagi yuz berishi mumkin bo'lgan shartli nuqsonlar, materiallarning ichki strukturasi, mustahkamlik chegarasining aniqlanish usullari va shunga o'xshash bir qancha kerakli va foydali bilimlarni auditoriyadan chiqmasdan turib o'tirgan joyingizda egallashingiz mumkin (2-rasm).



Xulosa o'rnida shuni aytishimiz mumkinki raqamli texnologiyalar, jumladan AR texnologiyalarni arxitektura va qurilish ta'lim sohasida qo'llash axborot texnologiyalari asrida dunyoga kelgan yosh kadrlarda ta'lim olishga, izlanishga bo'lgan intilishlarini yanada oshirishga xizmat qiladi va shu bilan birga davlatimiz rahbari tomonidan biz pedagog kadrlarga qo'yilgan talabning kichkina bir bajarilish bosqichi sifatida ham qarashimiz mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirmonovich Mirziyoyevning Oliy Majlisga va O'zbekiston xalqiga yo'llagan Murojaatnomasidan olingan nutqi. 2020-yil.
2. R Wojciechowski, K Walczak, M White – "Building virtual and augmented reality museum exhibitions" Scopus article.
3. Sultanova Sevara, Humoyun Bekchanov - Application of 4D technologies in teaching technical sciences. Canada Wide Science Fair Journal-Ottawa. 2019

ОСОБЕННОСТИ ПЕРЕВОДА НАУЧНО-ТЕХНИЧЕСКИХ И ГАЗЕТНО-ИНФОРМАЦИОННЫХ МАТЕРИАЛОВ

Якубов Фазлиддин Утаганович

ст.преп. Джизакского политехнического института

Хаитбоев Шохжахон Содик угли

студент Джизакского политехнического института

Аннотация: *в данной статье анализируются проблемы, возникающие при переводе научных, технических, газетных и информационных материалов.*

Ключевые слова: *перевод, теории перевода, переводоведение, переводческая наука, термин, газетно-информационном стиле, научно-технических материалов*

Раскрывая специфику отдельного подвида перевода, специальная теория перевода изучает три ряда факторов, которые должны учитываться при описании переводов этого типа. Во-первых, сама по себе принадлежность оригинала к особому функциональному стилю может оказывать влияние на характер переводческого процесса и требовать от переводчика применения особых методов и приемов. Во-вторых, ориентированность на подобный оригинал может предопределить стилистические характеристики текста перевода, а, следовательно, и необходимость выбора таких языковых средств, которые характеризуют аналогичный функциональный стиль уже в ПЯ. И, наконец, в результате взаимодействия этих двух факторов могут обнаруживаться собственно переводческие особенности, связанные как с общими чертами и различиями между языковыми признаками аналогичных функциональных стилей в ИЯ и ПЯ, так и с особыми условиями и задачами переводческого процесса этого типа. Иными словами, специальная теория перевода изучает воздействие на процесс перевода языковых особенностей определенного функционального стиля в ИЯ, аналогичного ему функционального стиля в ПЯ и взаимодействия этих двух рядов языковых явлений. В газетно-информационном стиле, наряду с важной ролью политических терминов, имен и названий, это особый характер заголовков, широкое использование газетных клише, наличие элементов разговорного стиля и жаргонизмов и т.п. Помимо таких общих особенностей, в каждом языке аналогичный функциональный стиль обладает и специфическими языковыми чертами. Характерными особенностями научно-технического стиля являются его информативность (содержательность), логичность (строгая последовательность, четкая связь между основной идеей и деталями), точность и объективность и вытекающие из этих особенностей ясность и понятность. Отдельные тексты, принадлежащие к данному стилю, могут обладать указанными чертами в большей или меньшей степени. Однако у всех таких текстов обнаруживается преимущественное использование языковых средств, которые способствуют удовлетворению потребностей данной сферы общения. В области лексики это прежде всего использование научно-технической терминологии и так называемой специальной лексики. Под термином обычно понимается слово (или группа слов), имеющие в пределах данной отрасли или специализации конкретный и единственный смысл, исключающий всякую возможность иного, отличающегося от предусмотренного автором понимания или толкования.

Так, например, приведенные ниже слова и группы слов являются терминами:

1. *cost – затраты;*

2. *stock exchange* – товарная биржа;
3. *computer-aided design system* – система автоматизированного проектирования;
4. *very high-speed integrated circuit* – интегральная схема со сверхвысоким быстродействием;
5. *light amplification by stimulated emission of radiation* – квантово-механическое усиление или генерация света.

Процесс строительства сложного термина может быть представлен в следующем виде:

system – система;

control system – система управления;

aircraft control system – система управления самолетом;

fly-by-wire aircraft control system – электродистанционная система управления самолетом, ЭДСУ;

digital fly-by-wire aircraft control system – цифровая электродистанционная система управления самолетом, цифровая ЭДСУ.

Процесс дальнейшего развития сложного термина отражает этапы последующей разработки или модификации конкретной бортовой системы, агрегата или технологического процесса их изготовления. Перевод сложной терминологической группы представляет собой ряд логически обусловленных операций, выполняемых в следующей последовательности:

1. Идентификация терминологической группы, заключающаяся в выявлении ключевого слова и определении границ слева и справа, т.е. крайне левого (последнего уточняющего) определения и крайне правого (предложного) определения.
2. Перевод ключевого слова как первичного значащего элемента группы. При переводе ключевое слово переходит с характерного для английского языка крайне правого положения на левое или крайне левое положение, характерное для структуры русских терминологических групп.
3. Перевод ключевого слова совместно с первым уточняющим, т.е. наиболее близким к базовому слову левым определением (ЛО₁). Если базовым словом группы является широкий термин "*система*" (см. выше), то для совместного перевода к нему надо поставить вопрос "Какая система?" Ответом будет "Система управления".
4. Перевод уточненного значения ключевого слова совместно со вторым уточняющим левым определением (ЛО₂). Для этого ставится вопрос "Система управления чем?" Ответом будет "Система управления самолетом".
5. Перевод дважды уточненного значения ключевого слова совместно с третьим уточняющим определением (ЛО₃) и т.д.

Таким образом, перевод английской терминологической группы производится в порядке ее строительства, т.е. справа налево. Перевод входящих в состав группы простых терминов должен быть адекватным и соответствовать принятым среди специалистов отрасли значениям. Имевший место в рассмотренных выше примерах транслитерационный перевод некоторых терминов (например, *laser* – лазер) является редким исключением в практике технического перевода. В курсах грамматики рассматривается обширная группа слов и терминов, получивших название "ложные друзья переводчика" (таких, как *contribution, data, decade, instance, simulation, etc.*), транслитерационный перевод которых приводит к грубым искажениям смысла. В качестве терминов могут использоваться как слова, употребляемые почти исключительно в рамках данного стиля, так и специальные значения

общеупотребительных слов. Такие, например, лексические единицы, как *coercivity*, *keratophone*, *klystron*, *midosyuni* т.п., широко употребляемые в текстах по электронике, трудно встретить за пределами научно-технических материалов. В то же время в этих текстах выступают в качестве терминов и такие слова, как *dead*, *degeneracy*, *ripple*, *rope* и др., имеющие хорошо всем известные общеупотребительные значения.

Термины должны обеспечивать четкое и точное указание на реальные объекты и явления, устанавливать однозначное понимание специалистами передаваемой информации. Поэтому к этому типу слов предъявляются особые требования. Прежде всего термин должен быть точным, т.е. иметь строго определенное значение, которое может быть раскрыто путем логического определения, устанавливающего место обозначенного термином понятия в системе понятий данной области науки или техники. Если какая-то величина называется *scalar* – *скаляр*, то значение этого термина должно точно соответствовать определению понятия (*a quantity that has magnitude but no direction*), которое связывает его с другими понятиями, содержащимися в определении (*magnitude*, *direction*) и противопоставляет понятию *vector* (*a quantity which is described in terms of both magnitude and direction*). Если какая-то деталь оптического прибора именуется *viewfinder* – *видоискатель*, то этот термин должен обозначать только эту деталь, выполняющую определенные функции, и никакие другие части данного прибора или какого-либо иного устройства.

По тем же причинам термин должен быть однозначным и в этом смысле независимым от контекста. Иначе говоря, он должен иметь свое точное значение, указанное его определением, во всех случаях его употребления в любом тексте, чтобы пользующимся термином не надо было каждый раз решать, в каком из возможных значений он здесь употреблен. Непосредственно связано с точностью термина и требование, чтобы каждому понятию соответствовал лишь один термин, т.е. чтобы не было терминов-синонимов с совпадающими значениями. Понятно, что точная идентификация объектов и понятий затруднена, когда одно и то же именуется по-разному. Термин должен быть частью строгой логической системы. Значения терминов и их определения должны подчиняться правилам логической классификации, четко различая объекты и понятия, не допуская неясности или противоречивости. И, наконец, термин должен быть сугубо объективным наименованием, лишенным каких-либо побочных смыслов, отвлекающих внимание специалиста, приносящих элемент субъективности. В связи с этим термину "противопоказаны" эмоциональность, метафоричность, наличие каких-либо ассоциаций и т.п.

Список использованных источников:

1. Комиссаров В.Н. теория перевода (Лингвистические аспекты) Теория перевода (лингвистические аспекты): Учеб. для ин-тов и фак. иностр. яз. - М.: Высш. шк., 1990. - 253 с
2. Якубов Ф.У. Актуальные вопросы современной науки Материалы XXII Международной научно-практической конференции (25 января 2014 г.) Сборник включен в Научную электронную библиотеку (РИНЦ) Москва 2014 Секция 14. Вопросы филологии и лингвистики Ст 237-241.
3. <https://studfile.net/preview/1101426/page:8/>

РОЛЬ ИНДИВИДУАЛЬНОЙ РАБОТЫ НА УРОКЕ

Якубов Фазлиддин Утаганович

ст.преп. Джизакского политехнического института

Нусратов Бехруз Санъатович

студент Джизакского политехнического института

Аннотация: *Эта статья знакомит студентов со знаниями, способностями, убеждениями и духовностью практических занятий от учителя к ученику, но затрагивает только слова. Этот процесс проверяет знакомство, восприятие, индивидуальную обработку, понимание этих способностей и концепций.*

Ключевые слова: *индивидуальной работы, знания, умения, убеждения, духовность, домашняя работа, внеклассную работу, индивидуальную работу.*

Организация и управление индивидуальной работой является ответственной и сложной работой каждого учителя. Воспитание активности и индивидуальности необходимо рассматривать как составную часть обучения учащихся. Говоря о формировании индивидуальности студентов, необходимо иметь две задачи, которые тесно связаны между собой. Первый из них - развить индивидуальность учащихся в познавательной деятельности, научить их индивидуально овладевать знаниями, формировать кругозор; второе - применять имеющиеся знания индивидуально в практической деятельности. Актуальность этой проблемы бесспорна, потому что невозможно передать знания, умения, убеждения, духовность от учителя ученику, прибегая только к словам. Этот процесс включает в себя знакомство, восприятие, индивидуальную обработку, понимание и принятие этих способностей и концепций. И, возможно, главная функция индивидуальной работы - формирование высококультурной личности, потому что человек может развиваться в интеллектуальной и духовной деятельности.

Образовательная деятельность включает в себя выполнение заданий в классе, домашнюю работу, внеклассную работу и индивидуальную работу по предмету. Индивидуальная работа является одной из важных и широко обсуждаемых проблем в методике преподавания. Индивидуальная работа является свободной для выбора и внутренне мотивированной деятельности для ученика. Индивидуальная работа вызывает активность учеников. Индивидуальная работа может выполняться в разных формах: индивидуально, парами, небольшими группами и всем классом. Существуют следующие уровни индивидуальной работы:

- воспроизводящее
- полу- творческой
- творческий

Уровень воспроизведения индивидуальной работы очень важен в изучении иностранного языка, он отвечает за лексическую и грамматическую базу произношения, за создание образцов в памяти студентов.

Второй уровень осуществляет передачу полученных знаний, навыков и умений другим, здесь требуется большая мыслительная деятельность. Третий уровень связан с формированием навыков и умений, он осуществляет поиск решения более сложных коммуникативных задач как в устной, так и в письменной речи. Для выполнения индивидуальной работы предлагаются следующие дидактические средства: задания к упражнениям, инструкции, наводящие вопросы, подставки и ключи. Мы рассмотрим один из них. В современной технике выделяются следующие виды зачеркивания:

- наброски алгоритмов, в которых все действия достаточно жестко зафиксированы;
- написание инструкций, в которых указывается необходимость определенных действий;

- давать советы, в которых ученики получают только рекомендации о том, при каких условиях те или иные действия будут выполнены успешно;

3. Ekologiya va atrof muhitni muhofaza qilish asoslari. P. Sultonov

ENERGETIKA SOHASIDAGI EKOLOGIK MUAMMOLAR

JizPI kata o'qituvchisi: G.X.Xudoyberdiyeva

JizPI talabasi: N.Xudoyberdiyeva

Energiya misli ko'rilmagan darajada rivojlanayotgan ishlab chiqarish tarmog'idir. Agar zamonaviy demografik portlash sharoitida aholi soni 40-50 yil ichida ikki baravar ko'paygan bo'lsa, unda energiya ishlab chiqarish va iste'mol qilishda bu har 12-15 yilda bir marta sodir bo'ladi. Aholi va energetikaning o'sish sur'atlarining bunday nisbati bilan energiya ta'minoti nafaqat umumiy hisobda, balki jon boshiga ham qor ko'chkisi kabi ortadi.

Hozirgi vaqtda energiya ehtiyojlari asosan uch turdagi energiya manbalari hisobiga qondiriladi:

1. organik yoqilg'i (gaz, ko'mir, mazut, koks, o'tin va boshqalar)
2. suv resurslari
3. atom yadrosi

Suv va atom energiyasidan odamlar uni elektr energiyasiga aylantirgandan so'ng foydalanadilar. Shu bilan birga, fotoalbom yoqilg'ida mavjud bo'lgan katta miqdordagi energiya issiqlik shaklida ishlatiladi va uning faqat bir qismi elektr energiyasiga aylanadi. Biroq, har ikkala holatda ham, qazilma yoqilg'idan energiya chiqishi uning yonishi bilan bog'liq, shuning uchun yonish mahsulotlarining atrof-muhitga kirishi bilan bog'liq.

Jahon miqyosida gidro resurslari taxminan 5-6% elektr energiyasi, atom energiyasi bilan ta'minlaydi, 17-18% elektr energiyasi bilan ta'minlaydi. Bundan tashqari, bir qator mamlakatlarda bu energiya balansida ustunlik qiladi.

Issiqlik elektr stantsiyalaridan chiqadigan chiqindilar benzopiren kabi kuchli kanserogenning muhim manbai hisoblanadi. Onkologik kasalliklarning ko'payishi uning harakati bilan bog'liq. Ko'mir bilan ishlaydigan elektr stantsiyalaridan chiqadigan emissiya tarkibida kremniy va alyuminiy oksidlari ham mavjud. Ushbu oksidlar o'pka to'qimalariga zarar etkazishi va silikoz kabi kasalliklarga olib kelishi mumkin.

Gidroenergetikaning eng muhim ta'sirlaridan biri unumdor yerlarning muhim maydonlarini suv omborlari uchun ajratib qo'yish bilan bog'liq. Elektr energiyasining 20 foizdan ko'prog'i gidro resurslaridan foydalanish hisobiga ishlab chiqariladigan Rossiyada GES qurilishi paytida kamida 6 million gektar yer suv ostida qoldi. Ularning o'rnida tabiiy ekotizimlar yo'q qilindi. Ko'payishi natijasida suv omborlari yaqinidagi muhim maydonlarni suv bosmoqda. Shuning uchun suv omborlarini qurish daryolarning gidrologik rejimini, ularning o'ziga xos ekotizimlarini va gidrobiontlarning tur tarkibini keskin buzilishi bilan bog'liq.

Yaqin vaqtgacha atom energetikasi eng istiqbolli hisoblanadi. Bu yadroviy yoqilg'ining nisbatan katta zaxiralari bilan ham, atrof-muhitga past ta'sir bilan ham bog'liq. Afzalliklar qatoriga atom elektr stantsiyasini manba konlariga bog'lanmasdan qurish ham kiradi, chunki ularni tashish kichik hajmlar tufayli katta xarajatlarni talab qilmaydi. Shuni ta'kidlashning o'zi kifoya: 0,5 kg yadro yoqilg'isi 1000 tonna ko'mir yoqish bilan bir xil energiya ishlab chiqarishi mumkin.

Hozirgi kunda bu usullarni sanoat va ishlab chiqarish korxonalarida hamda energetika sohasida keng miqyosida qo'llash eng samarali hisoblanadi va tavsiya etiladi.

Adabiyotlar

1. Makarov A.A. Rossiyada energetikani rivojlantirish bo'yicha nauchno-texnologik prognozlar // Energetika akademiyasi. 2009. No 2 (28). S. 4-12.

2. Rodionov V.G. Energetika: bugungi kun muammolari va kelajak imkoniyatlari. M.: ENAS, 2010 yil.
3. Fortov V.E., Makarov A.A. Dunyo va Rossiyada energetikani innovatsion rivojlantirish yo'nalishlari // Uspekhi fizicheskikh nauk. 2009. T. 179. № 12. S. 1337–1353.
4. Rossiya va dunyo mamlakatlari: stat. Shanba M.: Rosstat, 2012 yil.
5. BP Jahon energetikasining statistik sharhi 2012 yil iyun. N. p.: Pureprint Group Limited, 2012 yil.

TUPROQDA ORGANIZMLAR TARQALISHINIUNG EKOLOGIK OMILLARGA BOG'LIQLIGI

JizPI o'qituvchisi: G.X.Xudoyberdiyeva

JizPI talabasi: N. Norpolvonov

O'simlik ildizlarning asosiy qismi ana shu zona bo'ylab joylashgan. Tuproqning ana shu qismi va gumus bo'lgan zona qancha kuchli rivojlangan bo'lsa o'simliklarning ildiz sistemasi shunchalik chuqur va eniga yaxshi tarqaladi, chunki bu gorizontlarda suv va oziqa moddalar miqdori ko'p bo'ladi. Tuproq aeratsiyasi va harorati o'simliklar uchun muhim ahamiyatga ega bo'lib, past haroratli tuproqlarga nisbatan yuqori haroratli tuproqlarda o'simlik ildizlari suv va mineral tuzlarni ko'proq va tez shimib oladi. Chunki, past haroratli tuproqlarda suvni shimib oluvchi ildiz va ildiz tukchalarining o'sishi susayadi, bu organlar hujayrasi sitoplazmasining suv o'tkazuvchanlik xususiyati pasayadi va natijada o'simliklarning yuqoriga ko'tariluvchi oqimi, ya'ni suvning o'simlik bo'ylab yuqoriga ko'tarilishi kamayadi. Tuproq tarkibida gumus moddasi miqdori ko'p bo'lsa, bu tuproqlar unumdor hisoblanadi.

Mikroorganizmlar kul moddasi va azot ko'p bo'lgan bog'-rog'lar va shunga o'xshash madaniy tuproqlarda juda ko'p miqdorda bo'ladi. Ildiz va uning atrofidagi tuproqlar mikroorganizmlarga, ayniqsa, boydir (rizosfera). Mikroorganizmlar miqdori faqatgina tuproq strukturasi gagina emas balki o'simlik turiga ham bog'liq. Lyupin, beda, sebarga, no'xat va shu kabi dukkakli o'simliklar rizosferasi, ayniqsa, mikroorganizmlarga boy hisoblanadi. Masalan, beda etishtiriladigan 1 g tuproqda 50-100 mlrd gacha bakteriyalar bo'ladi (M.A.Krasilnikov, 1958). O'sha muallifning aytishicha g'o'za ildizida azotobakteriyalar beda ildizidagiga qaraganda ancha kam bo'ladi. Lekin uning ildizida vilt kasalligini ko'zfatuvchi zamburug'lar (*Verticillium dahliae*, *Fusarium fasinfectum*) ko'p uchraydi. Timofeevka, javdar kabi o'simliklar ildizlarida esa diatom suvo'tlari, lyupin, sebarga rizosferalarida yashil suvo'tlari, kartoshka rizosferasida esa ko'k yashil suvo'tlari yashaydi. Rizosferalardagi mikroorganizmlar miqdori o'simliklarning yashashiga va rivojlanish fazalariga ham bo'liq bo'ladi.

Yosh o'simliklarning gullash davridan oldin mikroorganizmlar, ayniqsa, ko'p bo'ladi. Chunki, aynan shu davrda mikroorganizmlarning o'sishini va rivojlanishini tezlatuvchi organik moddalar ildizlar tomonidan ko'p hosil bo'lib turadi. SHuni ta'kidlash lozimki, tuproqning gumusli qavatida mikroorganizmlar ko'p bo'ladi. A.N.Krasilnikovning yozishicha (1958) tuproqning haydaladigan qavatida gektariga 10 t. ga to'g'ri keladigan bakteriyalar, zamburug'lar, suv o'tlari, aktinomitsetlardan tashkil topgan tirik massa uchrar ekan.

Tuproq zarrachalarining donadorligi ham hayvonlar uchun ekologik ahamiyatga ega. Ba'zi hayvonlar tuproqni kovlab hayot kechiradi. Hasharotlarning lichinkalari toshloqli tuproqlarda yashay olmaydi. Kovlash xususiyatiga ega bo'lgan pardaqaotlilar tuxumlarini yer osti bo'shliqlarga, ko'pchilik chigirtkalar ham tuxumini g'ovak tuproqqa qo'yishga moslashgan.

Tuproq ostida yashovchi hayvonlar uchun yorug'lik uncha katta ahamiyatga ega emas. Tuproqning chuqur qatlamlarida harorat ham o'zgarmaydi. Kislorodning miqdori esa kamayib uglerod ikki oksidi ortib boradi.

Tuproqning iflosligini ko'rsatuvchi kimyoviy va bakteriologik ko'rsatkichlar

Tuproqning ta'rifi	Anaerob titri (ko'rsatkich)	Sanitariya soni
Toza	0.98-1.0	0.1 va yuqori
Oz ifloslangan	0.85-0.98	0.1-0.001
Ifloslangan	0.70-0.85	0.001-0.0001
Kuchli ifloslangan	0.70 dam kam	0.0001 va past

Mikroorganizmlar gumusning hosil bo'lishida azot to'planishi va tuproq havosi tarkibining o'zgarishi singarilarda katta rol o'ynaydi. Tuproq paydo qiluvchi ona jinslar. Ana shu jinslarning moddiy tarkibi tuproqning mexanik va mineral tarkibiga, uning fizikaviy va fizik-mexanik xossalriga, suv-havo, issiqlik va oziq rejimlari, hamda shular orqali unumdorligiga katta ta'sir etadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. N.G.Pevnev, A.P.Yelgin, L.N.Buxarov, "Texnicheskaya ekspluatatsiya gazobalonnix avtomobiley".
2. Axmetov L.A., Ivanov V.I., Erosov V.I. "Ekonomicheskaya effektivnost I ekspluatatsionnie kachestva gazobalonnix avtomobiley"

FREYMLI O'QITISH MODELINING MAZMUN JIHATI, FREYMLI TEKNOLOGIYANING VAQTGA BOG'LIQ JIHATI

Eshonqulov Sh.U. – Jizzax politexnika instituti v.b., dotsent
Lapasov D.T.- Jizzax politexnika instituti 451-20 guruh talabasi

Annotatsiya. Ushbu maqolada hozirgi zamon ishlab chiqarish sharoitida texnika va texnologiyaning uzluksiz yangilanish jarayoni ketayotgan bir vaqtda mutaxassis tayyorlash masalasi, freymli o'qitish modelining mohiyati yoritilgan.


Kalit so'zlar: Slot, belgilar, iyerarxik, bilimning mobilligi harflar, raqamli-sonli, simvolik, piktogrammalar, kroklar, texnik.

Idrok qilish, axborotni saqlash, fikrlash va asosiy muloqot shakllariga ishlov berish jarayonlarini kuchaytirish uchun poydevorni tashkil qiluvchi asosiy tarkibiy qismlar ancha yirikroq bo'lishi va yanada aniqroq tuzilmaga ega bo'lishi lozim; inson tafakkurining kuchi va —tez ishlash fenomenini tushuntirish imkoniga ega bo'lish uchun ularning faktik va amalga oshirilish tartibiga oid mazmunini bir-biri bilan yaqindan muvofiqlashtirish kerak[1]. Bu yo'nalishlarni amalga oshirish imkoniyatlaridan biri freymli pedagogic texnologiyadir. —Inson o'zi uchun yangi bo'lgan vaziyatni bilish yoki odatiy narsalarga yangicha nazar solishga harakat qilib, xotirasidan ma'lumotlarning freym deb ataluvchi ma'lum tuzilmasini (obrazini) tanlab olishi ushbu nazariya uchun tayanch jihat bo'lib xizmat qiladi. Ko'pchilik mualliflar o'zlarining ilmiy asarlarida bilimlarni freymli taqdim etishga nisbatan ham, uning imkoniyatlariga nisbatan ham fikrlarini bayon qilganlar. Bilimlarni freymli taqdim etishning didaktik shartlari va didaktik imkoniyatlarining yana bir jihatini ko'rib chiqishni taklif etamiz:

- 1) o'quv axborotini tizimga solish va strukturalash vositasi sifatida;
- 2) o'quv faoliyati ssenariysi sifatida.

Ba'zi o'quv fanlaridagi o'quv materialining mavzularini tahlil qilib, bo'limning barcha mavzularida o'rganiladigan va takrorlanadigan o'sha bir xil negizni (funktsiyalar, jarayonlar, xossalari, xususiyatlar va h.k.) ajratish mumkin. Ushbu bir xil negizni freym yordamida ajratish mumkin.

Freym deb didaktikada nazariy materiali —zichlashtiriladigan, ya'ni chizmalar, rasmlar, yirik blokli tayanchlar va h.k. ko'rinishida ifodalash mumkin bo'lgan hamda o'quv jarayonida asosiy axborot materiali sifatida ishlatiladigan o'quv fanlari uchun o'quv materialini (konseptni) va o'quv vaqtini tashkil qilish usuliga aytiladi. Bunday kurslar sirasiga qit'alar geografiyasi, biologiyada ovqat hazm qilish a'zolarini tizimga solish va h.k. kiradi. Freym o'qituvchi tomonidan chizmalar, jadvallar, algoritm, tuzilmalar va h.k. ko'rinishida, ya'ni o'quvchilar ifodali idrok qilishi uchun qulay bo'lgan shaklda ishlab chiqiladi. Bu freym o'quv materialining ramka, sinch yoki oddiy tuzilmasi ko'rinishida bo'lib, unga keyingi hamma mavzularni, bo'limlarni tushirish mumkin.



Bunda iyerarxik tuzilma hosil bo'ladi. Freym odatda tasniflovchi iyerarxik tuzilmasi bo'lgan umumiy tushuncha tasavvuriga mos keladi. Bunday tuzilmaning o'ziga xosligi shundaki, yuqori darajadagi freym ega bo'lgan alomatlar (atributlar)

haqidagi axborot ularga aloqador quyi daraja freymlarining hammasi tomonidan birgalikda foydalaniladi. Ushbu tuzilma katta hajmdagi axborotni tizimga solishga imkon berib, uni inson uchun imkon boricha qulay holatda qoldiradi. Har bir freym turli xil axborot bilan, masalan, ushbu freymni ishlatish usullari axboroti, unda bajarish zarur bo'lgan harakatlar va boshqalar bilan to'ldirilishi mumkin. Har qanday freym aniq mazmun yoki ma'lumotlar bilan to'ldirilishi shart bo'lgan slotlardan (terminallardan) tarkib topadi. Bitta tizimda freymlar bir xil slotlarga ega bo'lishi mumkin, bu esa ushbu freymlarda mavjud bo'lgan ma'lumotlar o'rtasida aloqalarni o'rnatish uchun zarur. Freymlar yordamida o'quv axborotini strukturalashga taqqoslash jarayoni, ya'ni slot tanlanishining to'g'riligi tekshiriladigan jarayon xosdir. Boshqacha aytganda, freym slotning ahamiyatini cheklovchi shartlarga ega. Har bir freym mazkur freymlar tuzilmasida yagona bo'lgan o'z nomiga (identifikatoriga) ega bo'lishi kerak.

Adabiyotlar

1. Минский М. Остроумие и логика когнитивного бессознательного // Новое в зарубежной лингвистике. —М.: Прогресс, 1988.
2. Чошанов М.А. Что такое педагогическая технология? // Школьные технологии, -1996. №3. —С. 8-13.
3. Балабан М.А. От «продуктивной» к «редуктивной» этике образования // Школьные технологии.-2000.-№5. —С. 11-16.
4. Aripov M., Axmedov A.B., Ikramov X.Z., Irmuxammedova R.M.va boshq. Informatika. Axborot texnologiyalari. 2-qism. -Toshkent, 2003.
5. Aripov M. Internet va elektron aloqa asoslari. — Toshkent: —Universitetl 2000.

БЎЗ ТУПРОҚ ВА КАЛИЙГА БОЙ ТУПРОҚ ТУРЛИ ШАРОИТЛАРДА ТОЖИК КОВРАГИ (*FERULA TADSHIKORUM* (PIMEN) НИНГ УРУҒЛАРИНИ УНИБ ЧИҚИШИ

Халкузиева М.А. Тиркашева М.Б. Кувондиқова Д.Б.

Кейинги йилларда сассиқ коврак (*Ferula foetida* (Bunge) Regel.), тожик ковраги (*F.tadshikorum* Pimen) илдизларидан смола тайёрланиб, четга экспорт қилиниши ва смола тайёрловчилар ўсимликдан смола олиш қоидаларига амал қилмасликлари натижасида уларнинг табиий захиралари йил сайин кескин камайиб бормоқда.

Ferula L. турларининг систематикаси Е.П. Коровин (1947) ва замонавий таҳлили М.Г. Пименов (1983) томонидан ўрганилган.

Ўсимликларнинг ҳаётий шакллари И.А. Раменский (1935), И.А. Раменский ва б. (1956), эколого-морфологик белгилари И.Т. Серебряков (1962) ва И.Т. Серебряков ва б. (1967) методларида аниқланди.

Турларни аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти гербарий маркази (Тошкент ш.) материалларидан ҳамда («Определитель растений Средней Азии» (Т. I-X. 1968-1993), Е.П. Коровин (1947), А.Л. Тахтаджян (1978), С.П. Черепанов (1981; 1995), М.Г. Пименов ва б. (1993) маълумотларидан фойдаланилди.

Ferula tadshikorum М. Pimen. - Тожик (улжан) ковраги - кўп йиллик монокарп, баландлиги 1,5 - 1,8 метргача борадиган, пояси 1 баъзан 2 та дан шохланган, кўланса, саримсоқ ҳидли ўсимлик. Илдизи шакли, цилиндрсимон, урчуксимон, барглари пояга 45 градусда жойлашади. Гултожбарглари сарғиш, узунлиги 2-2.5 мм, чўзинчок, учи ичкарига қайрилган. Уруғи(мерикарпийси) узунлиги 1,5-2.0 см, эни-0.8-1.0 см, абсолют (минг донасининг) оғирлиги 35-40 гр, У фақат Жануби-ғарбий Помир-Олойда-Бойсун, Боботоғ ва Кўхистон тоғларида тарқалган.

Турли таркибли тупроқларда, табиий ва намлиги сақланган шароитда тожик коврагининг унувчанлигини аниқлаш мақсадида биз Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод ўрмон хўжалиги худудидан, 2019 йилнинг августида йиғилган уруғлардан фойдаландик.

Уруғлар алоҳида кумли, оч бўз ва калий ўғитига бой бўлган тупроқларга 100 тадан, 0.5-1.0 см чуқурликда декабр ойида 2 хил вариантда экилди, *биринчи назорат варианты* – Уруғ ташқи табиий шароитда(муҳитда) ундирилди. Тожик ковраги калийга бой бўлган тупроқда уруғлар униб чиқиши бошқа тупроқларда қараганда анча юқори(62 %)бўлиб, энг кам униб чиқиш(32 %) кумли тупроқда кузатилди. *Иккинчи назорат варианты* - Тожик коврагининг сув билан намлаб турилганда уруғларнинг униб чиқиши ўрганилди. Сув билан таъминланган муҳитда ундирилганда калийга бой бўлган ва органик ўғитда уруғлар униб чиқиши анча юқори(80%) бўлиб, кумли тупроққа экилган уруғлар энг паст(26 %) кўрсаткич берди. Тожик ковраги табиий ва сув билан таъминланган муҳитда экилганда, 80 кунда уруғларни асосий қисми униб чиқди.

Тожик ковраги уруғларининг униб чиқиш даражаси иккала вариантда ҳам калийли тупроқларда анча юқори(62- 80 %) эканлиги аниқланди. Тожик коврагини уруғларидан экиб плантациялар ташкил қилинганда тупроқларга калийли ўғитлар солишни таклиф этамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Перельсон М.Е., Скляр Ю.Е., Вандышев В.В., Веркшовска-Ренке К., Веселовская Н.В., Пименов М.Г. Новые терпеноидные кумарины из *Ферула таджикорум* // Химии природ. соед. — 1976. — № 5. — С. 592-593.

2. Сафина Л.К., Пименов М.Г. Ферулы Казахстана. — Алма-Ата: Наука Казахской ССР, 1984. — 100 с.
3. Коровин Е.П., Пименов М.Г., Кинзикаева Г.К. Флора Таджикистана (Сем. *Umbelliferae*). — Л.: Наука, 1984. — Т. 7. — С. 10-214.
4. Серебрякова Т.И. Морфогенез и эволюция жизненных форм злаков. — М.: Наука, 1971. — 359 с.
5. Rahmonqulov U., O.N. Avalboyev. O'zbekiston kovraklari (Biologiyasi, resurslari va ulardan oqilona foydalanish). –Т., 2016.
6. С. Рахимов, Г.Р. Денсова “Некоторые особенности подземных органов *FERULA TADSHIKORUM M. PIMEN*” (*FERULAL.*) Вестник Алтайского государственного аграрного университета № 8 (154), 2017 87.

КОМПЬЮТЕРНЫЕ МОДЕЛИ КОМБИНИРОВАННЫХ СИСТЕМ, ХАРАКТЕРНЫХ ДЛЯ КОНСТРУКЦИЙ ВЫСОТНЫХ ЗДАНИЙ.

**Джураев У.У.ст.преподаватель,
Мусурмонкулов Султонбек студент**

Построение конечно-элементной модели, как и любой расчетной схемы, начинается с идеализации конструкции. Этот этап настолько привычен и естественен для инженера, что, как правило, он выполняется подсознательно, хотя полезно иногда осмыслить выполняемые действия. При решении практических задач часто возникают вопросы, связанные с выбором типа элемента. Ведь для решения одной и той же задачи существует целый набор конечных элементов, имеющих различные свойства.

Расчет пространственных систем может выполняться методом сил и перемещений. В настоящее время, в связи с развитием численных методов, фундаментальным становится метод конечных элементов (МКЭ).

По методу конечных элементов конструкция представляется в виде совокупности отдельных конечных элементов (дискретных систем), взаимодействующих между собой в конечном числе узловых точек. Замена исходных конструкций совокупностью дискретных систем подразумевает равенство энергии конструкции и ее дискретной модели.[2]

При составлении компьютерной модели комбинированных систем (плита, подпертая ребрами, плоские или пространственные рамно-связевые системы, плита, опирающаяся на вертикальные стержни, балка-стенка, опирающаяся на плиту или наоборот и многие другие) могут возникнуть различные трудности. Трудности возникают при стыковке конечных элементов, имеющих различные базисные функции или различный набор узловых неизвестных.[1]

Стыковки рамного стержня с диафрагмой.

Здесь трудность обусловлена тем, что конечные элементы плоского напряженного состояния (балки стенки) не имеют степени свободы соответствующей углу поворота относительно оси ортогональной плоскости диафрагмы. Попытки ввести эти степени свободы, например в виде $\frac{\partial u}{\partial x} - \frac{\partial v}{\partial x}$, ни к чему не приводили, так как конечные элементы с такого типа степенями свободы не имели сходимости. Поэтому узел А (рис.а) без каких-либо дополнительных мер будет для стержня шарнирным. Для организации защемления рамного стержня в теле диафрагмы можно рекомендовать введение дополнительного стержня между узлами А и В. С одной стороны введение такого стержня будет вносить некоторые

возмущения в локальной области диафрагмы в районе узла А, но с другой стороны в ряде случаев это будет моделировать конструктивное решение узла (заведение арматуры примыкающего стержня с целью анкеровки).




Рис.а Опираение плиты на точечную опору.

Такого же типа проблема возникает в задаче опирания плиты на одиночную колонну при необходимости восприятия крутящих воздействий относительно вертикальной оси колонны. В этом случае рекомендовать введение абсолютно жестких вставок (рис.б) А-В, жестко связанного со стержнем колонны.

Такое решение с одной стороны, решает проблему учета «тела» колонны, то есть «срезки» пика моментов, возникающего при моделировании опирания на колонну как на точечную опору. С другой стороны, обеспечивает восприятие колонной крутящих деформаций. В большинстве же случаев, когда имеется по крайней мере хотя бы две колонны, этого не требуется, так как в этом случае крутящий момент от деформации в плоскости плиты будет восприниматься парами поперечных сил в колоннах, а крутящие моменты в этих случаях будут пренебрежимо малы и их наличие просто можно не учитывать (эффект пренебрежения моментами в законструированных жестких узлах ферм, когда в расчет были введены шарнирные узлы).

Аналогичный эффект наблюдается при моделировании диафрагм конечными элементами плоского напряженного состояния, хотя на самом деле плиты перекрытий, как правило, жестко связаны с диафрагмами и в последних возникают изгибающие моменты.

Опираение плиты на стену (диафрагму).

В этом случае необходимо иметь ввиду, что вдоль верхнего канта диафрагмы имеет место нестыковка базисных функций КЭ плиты (балочные функции) с базисными функциями КЭ плоского напряженного состояния, моделирующими работу диафрагмы (полилинейные функции – см. рис.в) такие нестыковки не являются препятствием для адекватности расчетной схемы, так как при сгущении сетки параметры НДС плиты и диафрагмы будут приближаться к точному решению (конечно, при использовании правильных конечных элементов) а совместность работы плиты и диафрагмы будут обеспечиваться одинаковыми линейными перемещениями в узлах стыковки.

Использование типов конечных элементов, кинематические характеристики которых наиболее близко соответствуют характеристикам реальных конструкций, приводит к более точной реализации расчета конструкции сооружения в целом.

Литература.

1. А.С.Городецкий, И.Д.Евзеров. Компьютерные модели конструкций. – Москва: Изд.Ассоциации строительных вузов, 2009.-360с.
2. Б.У.Узакпаев. Строительная механика конспект лекций, Ташкент,2001.-53с.

ЖИЗЗАХ ШАҲРИДАГИ ШАРОФ РАШИДОВ ШОҲ КУЧАСИДА ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ҲАРАКАТ МИҚДОРИ ВА ТАРКИБИНИ ТАҲЛИЛИ


**Қорақулов Холмели Мирзаевич,
катта ўқитувчи, Икромова Сайёра Бахриддин қизи-магистр**

Аннотация. Ушбу мақола Жиззах шаҳрининг асосий бош кўчаси бўлган Ш.Рашидов шоҳ кўчасида ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш, шоҳ кўчада ҳаракатланувчи транспорт воситаларининг ҳаракат миқдори ва таркибини тадбиқ қилиш ишлари назарда тутилган. Мустақил давлатимизнинг куҳна ва ҳамisha навқирон шаҳарларидан бўлмиш Жиззах шаҳри мустақиллик йилларида мислсиз даражада ўзгариб, янгиланиб, энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналар, гўзал бинолар ва иншоотлар, турар жойлар, магистрал кўча ва шоҳ кўчалар, мухташам кўприклар барпо этилмоқда. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Халқ депутатлари Жиззах шаҳар кенгашининг сессиясида сўзлаган нутқида айтиб ўтганидек “Республикамиздаги шаҳарларни жадал суръатда ривожланиб бориши жамиятни иқтисодий юксалишига ижобий таъсир этади” [1]. Шу билан бирга шаҳар магистрал кўчаларида транспорт воситаларининг ҳаракат миқдорининг ортиши қатор салбий оқибатларни жумладан, йўл-транспорт ҳодисаларини кўпайишига ва унинг натижасида моддий ва маънавий зарарларни келиб чиқишига, транспортларни ушланиб қолишлари ва ҳаракат тезликларини кескин тушиб кетиши каби ҳолатларини вужудга келтиради. Бу ҳолатлар ўз ўрнида ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш мутахассислари олдига муҳим вазифаларни қўяди.

Шаҳар кўча ва йўлларида ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш асосий вазифалардан бири бўлиб, уни ҳал этишда йўл ҳаракатининг асосий тавсифловчи кўрсаткичлари, яъни транспорт воситаларининг ҳаракат миқдори ва таркибини ўзгаришини тадқиқот қилиш катта аҳамиятга эгадир.


Жиззах шаҳридаги Шароф Рашидов шоҳ кучасида транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатини таъминлашни ўрганиш мақсадида, ҳаракат миқдори ва таркибини аниқлашнинг кузатиш (визиуал) усулидан фойдаланиб, Ш.Рашидов-У.Тўрақулов кўчалари, И.Каримов-Ш.Рашидов кўчалари ва Ш.Рашидов-Р.Исаев кўчалари чорраҳаларида тадқиқот ишларини амалга оширдик. Кузатиш ишлари ҳафта кунлари давомида эрталабки соат 8⁰⁰дан кеч 19⁰⁰гача амалга оширилди. Транспорт воситаларининг ҳаракат миқдори ва таркибини аниқлашда махсус жадвал асосида, ҳар беш минутда ўзгаришини ҳисобга олиб, улар қайта ишланди, тўпланган маълумотлар умумлаштирилиб график ва циклограмма шаклида таҳлил қилинди. Қуйида 1-расмда транспорт воситаларининг ҳаракат миқдори ўзгариши графиги келтирилган.

Гистограммадан кўриниб турибдики, Шароф Рашидов шоҳ кўчасининг Расул Исаев кучаси олдида ҳаракат миқдорининг тиғиз вақтлари 8:00-9:00 ва 18:00-19:00 да кузатилди. Бунда ҳаракат миқдори 5500 авт/соатни ташкил қилди. Соат 10:00 дан 15:00 гача ҳаракат миқдори 2900 авт/соатгача камайиб борганлигини кўришимиз мумкин. Шароф Рашидов шоҳ кўчасининг Заргарлик маҳалласи олдида эса ҳаракат миқдори ўртача 4500 авт/соатни ташкил этиши аниқланди. Кузатувни И.Каримов-Ш.Рашидов кўчалари чорраҳасида олиб борганимизда, ҳаракат миқдорининг ўртача 3500 авт/соатда ўзгариб бориши маълум бўлди.



1-расм. Транспорт воситаларининг ҳаракат миқдори ўзгаришининг таҳлили. 1. Ш.Рашидов-У.Тўрақулов кўчалари чорраҳасида; 2. И.Каримов-Ш.Рашидов чорраҳасида; 3. Ш.Рашидов-Р.Исаев кўчалари чорраҳасида

Шароф Рашидов шоҳ кўчасида транспорт воситаларининг таркиби бўйича ўзгаришини аниқганимизда, енгил автомобилларнинг ўртача улуши – 95,3 фоизни, автобусларнинг улуши – 1,6 фоизни, юк автомобилларининг улуши – 0,4 фоизни ва микроавтобуслар ўртача 2,7 фоизни ташкил этди (2-расм).



2-расм. Транспорт воситаларининг ҳаракат таркибини ўзгариши

Демак, Шароф Рашидов шоҳ кўчасида олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра айтиш мумкинки, транспорт ҳаракатининг асосий кўрсаткичлари бўлган ҳаракат миқдори ва таркиби ўзгарувчан кўрсаткич эканлигини ҳисобга олиб, йўлларда ҳаракатни ташкил этиш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда ҳаракат миқдори ва таркибини тадқиқ қилишни доим олиб борилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Халқ депутатлари Жиззах шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқидан. 2017й.
2. Қ.Ҳ.Азизов “Ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш асослари”, “Fan va texnologiya”, 2009, 244 б.
3. ШНК 02.05.02-07 «Автомобильные дороги» Ташкент-2008

СРЕДСТВА ЭЛЕКТРОНИКИ ПРИ ДИАГНОСТИКЕ МОСТОВ В УЗБЕКИСТАНЕ

Хусанова Мадинабону Эркин кизи студент ДжизПИ,
madinabonuh5@gmail.com, +998 95 904 95 59
Мурадов Зухриддин Мухитдин угли преподаватель ДжизПИ,
zuhriddin.m999@mail.ru, +998 91 207 90 10

В настоящее время в узбекском мостостроении изучаются новые современные методы проектирования и строительства, применяются новые приемы и технологии, постепенно отказываясь от принципов типового проектирования и строительства. Для выявления научно-обоснованных технико-экономических показателей сооружения мостов различных систем в зависимости от величины пролета, ширины моста, высоты опор, способа производства работ и других конструктивных и технологических факторов. Для определения влияния сборности, уровня механизации и других факторов на продолжительность строительства.

Исходя из возможностей мостостроительной индустрии Республики Узбекистан, возможность проектирования и строительства неразрезных железобетонных монолитных мостов и путепроводов в городах требует конкретных исследований и разработки рационального решения.

Следует отметить, что за последние годы в строительстве мостов стали применять различные новые техники и технологии. За последние годы большие масштабы и сложность возводимых новых видов железобетонных сооружений влекут за собой рост неопределенности в оценке их надежности, требует значительного развития численных методов их расчёта. Бурное развитие вычислительной техники и электроники, а также новых методов открывает широкие перспективы в этом направлении.

Для учёта нелинейных свойств железобетона в практических расчетах, помимо создания более сложных программ, становится, необходимыми уделять внимание более тесной оценки основополагающих, фундаментальных свойств железобетона.

Широкая гамма использования различных бетонов и многообразие факторов влияющих на их свойства а так же воздействия сложных режимов нагружения применяемых в каждом конкретном случае методы расчета с использованием систем имперических формул и коэффициентов не имеющих общей основы перестают удовлетворять современным требованиям проектирования.

Физические явления, сопровождающие вес период, присутствующий разрушению конструкции нуждаются в дальнейшем углубленном изучением. Необходимо развивать представление о сущности разрушения материала конструкции развивающимся во времени и имеющегося свои характерные этапы.

Сопротивление бетона и железобетона все еще традиционно рассматривается без учета особой роли и значения микро- и макротрещин, в значительной мере обуславливающих поведение конструкции.

Приборы для электронного измерения прочности отличаются:

- высокой точностью;
- способностью зафиксировать до 5 тысяч измерений одновременно;
- возможностью получения сведений по заранее введенным параметрам;
- наличием функции передачи информации на компьютер;

- способностью сортировки данных по заданным характеристикам.

Классифицируются электронные механизмы по принципу воздействия. Основанные на отрыве упругого типа предназначены для измерения прочности образцов толщиной более 10 см.

В некоторых случаях от правильности измерений зависит очень многое, особенно если дело касается ремонтных работ и мероприятий по укреплению конструкции. Только корректные данные гарантируют, что будет выбран нужный вариант дальнейших действий.

Прочность бетона определяют на участках поверхности соответствующей площади, не имеющих видимых повреждений и аморфных отслоений, при плюсовой температуре окружающего воздуха.

Чтобы убедиться в надежности бетонных конструкций необходимо проводить их тестирование. Контроль прочности бетона заключается в измерении однородности, прочности материала, а также других показателей ЖБК. Подобные исследования, как правило, проводят без прерывания эксплуатационного процесса неразрушающим методом, что значительно сокращает расходы, снижает трудоемкость и практически исключает какие-либо повреждения.

Литература.

1. Бобриков Б. В., Русаков И. М., Царьков А. А. Строительство мостов. — М., 1978.
2. Евграфов Г. К. Богданов Н. Н. Проектирование мостов. — М., 1966
3. Ефимов П. П. Архитектура мостов. — М.: Изд-во ФГУП «Информавтодор», 2003
4. Ильясевич С. А. Металлические коробчатые мосты. — М., 1970
5. Надёжин Б. М. Мосты и путепроводы в городах. — М., 1964.

СОВРЕМЕННЫЕ СРЕДСТВА ЭЛЕКТРОНИКИ, ПРИ ДИАГНОСТИКЕ МОСТОВ

**Олейникова Снежана Евгеньевна студент ДжизПИ,
oleynikovasnejana13@gmail.com, +998 97 641 35 55**

**Мурадов Зухриддин Мухитдин угли преподаватель ДжизПИ,
zuhriddin.m999@mail.ru, +998 91 207 90 10**

Определить, насколько эффективно бетонная конструкция будет противостоять внешним нагрузкам, позволяют специальные приборы. С их помощью можно узнать величину прочностных показателей бетона разными способами.



Измеритель прочности бетона используется для расчета предельных нагрузок, которые способен выдержать бетон или кирпич в определенных условиях. Для установления прочностного параметра применяются два метода:

1. Разрушающий способ позволяет определить величину прочности путем раздавливания образцов в форме кубика, полученных из поверхности бетона, в специальном прессе.

2. Неразрушающий метод позволяет получить этот параметр без механического разрушения.

Второй способ более популярен. Для этого применяются приборы ударного импульса, упругого отскока, ультразвуковые и с частичным разрушением.

Виды и характеристики

Портативные измерители прочности бетона позволяют точно определить соответствующий параметр с минимальными затратами времени. Существует несколько разновидностей таких механизмов, отличающихся по принципу действия. Приборы наделены определенным набором функций.

Электронные

Приборы для электронного измерения прочности отличаются:

- высокой точностью;
- способностью зафиксировать до 5 тысяч измерений одновременно;
- возможностью получения сведений по заранее введенным параметрам;
- наличием функции передачи информации на компьютер;
- способностью сортировки данных по заданным характеристикам.

Классифицируются электронные механизмы по принципу воздействия. Основанные на отрыве упругого типа предназначены для измерения прочности образцов толщиной более 10 см. Измерители параметров по импульсу удара отличается низким процентом погрешности — 7%. Двухпараметрическая модификация передает измерения и от удара, и от отрыва. Двухцилиндровые гидропрессы комплектуются специальными измерительными опорами, куда вмонтирована вся электронная система. Электронным измерителем вымеряется отрыв со скалыванием.



Склерометры

Проверка может понадобиться в самых различных случаях: от определения надежности конструкции до расчета динамики застывания бетонного материала. Если будет осуществляться резка железобетона алмазными кругами, также желательно измерить прочность и подобрать оптимальный тип круга по бетону.

Приборы могут иметь самую различную конфигурацию, важно, чтобы точность измерений была как можно выше

В некоторых случаях от правильности измерений зависит очень многое, особенно если дело касается ремонтных работ и мероприятий по укреплению конструкции. Только корректные данные гарантируют, что будет выбран нужный вариант дальнейших действий.

Видео в этой статье поможет разобраться в некоторых особенностях использования измерительных приборов.

Неразрушающие испытания бетона

Испытание готовых бетонных конструкций на сжатие, является одним из факторов оценки состояния зданий и сооружений. С помощью тех или иных технологий проверяется фактическая прочность нового или старого бетонного сооружения.

По результатам испытаний принимается решение о возможности дальнейшей эксплуатации конструкции, возможности ее ввода в эксплуатацию, необходимости усиления и т.п. Неразрушающие испытания бетона – самый популярный и перспективный вид проверки прочности, характеризующийся высокой производительностью, приемлемой точностью, низкой трудоемкостью, невысокой себестоимостью и простотой.

- Электронные измерители. Погрешность полученных результатов – менее 5%. Данное оборудование можно подключить к компьютеру. Электронный склерометр (с системой измерения: удар – отскок) «Оникс 2-6» в зависимости от комплектации (с пирометром или без) стоит 11.886.000-12.300.000 сум.

- Ультразвуковые измерители (на основе измерения времени распространения импульсных ультразвуковых колебаний на установленной базе прозвучивания). Модель «Пульсар 2-1» в зависимости от комплекта датчиков (поверхностного, сквозного или обоими) стоит 12.000.000-12.500.000 сум.

При сомнениях в качестве индивидуально изготовленных железобетонных конструкций, особенно фундаментов для возведения зданий, стоит взять прибор для контроля прочности бетона в аренду. Например, аренда электронного склерометра стоит 60.000-75.000 сум на сутки, зато вы будете уверены в прочности вашей конструкции.

Литература

1. Прибор соответствует обыкновенному исполнению изделий третьего порядка по ГОСТ Р 52931.
2. Прибор имеет дополнительную функцию вычисления класса бетона по схеме Г п. 4.3 ГОСТ 18105.
3. Прибор предназначен для определения прочности бетонов методом ударного импульса по ГОСТ 22690 при технологическом контроле изделий и конструкций, обследовании зданий и сооружений, на стройплощадках и гидротехнических сооружениях.
4. Прибор соответствует обыкновенному исполнению изделий третьего порядка по ГОСТ 52931-08.

QURILISH KORXONALARI PRINSIPLARI VA UNING TEJAMKORLIK REJIMINI AMALGA OSHIRISHDAGI RO‘LI

Usanov Bahrom Safarboy o‘g‘li
Samandarov Abbos Yusuf o‘g‘li
Ilmiy rahbar: Xoliqov Davlat Raxmat o‘g‘li

Annotatsiya: *Korxonalariga planli rahbarlik qilish metodi xo‘jalik hisobi zarurligini sotsialistik xo‘jalik taraqqiyotining iqtisodiy shart-sharoitlari va tovar-pul munosabatlari saqlanib qolishi bilan shartlagan edi.*

Kalit so‘zlar: *Xo‘jalik, qurilish, iqtisodiy, rag‘batlantirish, tovar, kategoriya, resurslari.*

Korxonalar va tashkilotlar o‘zlariga yuklatilgan funksiyalarni bajarish chikimlariga ko‘ra smeta-byudjetli hamda xo‘jalik hisobi korxonalar va tashkilotlariga bo‘linadi. Smeta-byudjetli muassasalar Davlat, tashkilotlar va korxonalarda barcha sarflar tasdiqlangan smetalar bo‘yicha byudjet mablag‘lari hisobiga qoplanadi. Xo‘jalik xisobi korxonalar esa o‘z sarflarini xo‘jalik faoliyati natijasida olingan pul mablag‘lari xisobiga qoplaydilar. Barcha sotsialistik korxonalar o‘z iqtisodiy mohiyatiga ko‘ra xo‘jalik xisobi korxonalar hisoblanadi. Hozirgi vaqtda qariyb barcha davlat korxonalar xo‘jalik xisobiga o‘tkazilgan.

Korxonalariga planli rahbarlik qilish metodi xo‘jalik hisobi. Sovet hokimiyatining dastlabki yillaridayoq amal qila boshlagan edi. V. I. Lenin asarlarida xo‘jalik hisobiga katta e‘tibor berilgan. xo‘jalik hisobi zarurligini sotsialistik xo‘jalik taraqqiyotining iqtisodiy shart-sharoitlari va tovar-pul munosabatlari saqlanib qolishi bilan shartlagan edi. Sotsializm rivojlangani sari xo‘jalik hisobi munosabatlari asta-sekin takomillashib boradi. Planlashtirish va iqtisodiy rag‘batlantirishning yangi sha roitlarida iqtisodiy rivojlantirishning ishlab chiqarish samaradorligini oshirishga qaratilgan eng muhim instrumenti bo‘lgan xo‘jalik hisobiga katta axamiyat berilmoqda.

Tovar-pul munosabatlari sharoitidagi iqtisodiy kategoriya bo‘lgan xo‘jalik hisobi qiymat qonuniga muvofiq ravishda amal qiladi, ishlab chiqarish jarayonida mexnat unumdorligi oshishiga va moddiy-pul mablag‘lari tejallishiga yordam beradi. Uning yordamida natijalar olinishiga eng kam sarflar bilan erishiladi, u mahsulotni arzon va yaxshi sifatli qilib ishlab chikarishga undaydi, ishlab chiqarish resurslarini hisoblash hamda tejashga o‘rgatadi.

Bunga xo‘jalik hisobi korxonalarining ishlab chiqarish faoliyati ma‘muriy-buyruqbozlik metodi bilan boshqarib kelingani asosiy sabab buldi. ishning muhim jixati xo‘jalik hisobi, o‘z xarajatlarning o‘zi qoplash ilm fannidan pul bilan ta‘minlash sharoitida ishlashga konkret korxonalar, birlashmalar, ministrliklar hamda idoralarni o‘tkazishgina emas, balki har bir korxonalar o‘z ishlab chiqarish-xo‘jalik faoliyatini o‘zi ishlab topgan puli xisobiga amalga oshirishi kerakligida ekanligi ta‘kidlandi. Hozirgi vaqtda ichki xo‘jalik hisobining brigada kollektiv, oila va nixoyat ijara pudrati singari turlari keng tarqaldi. Xo‘jalik hisobi xo‘jalik yuritishdagi iqtisodiy vositalar rolini oshiradi.

Foyda, kredit, narx, fondlar. sr. suv va mexnat resurslari haqi singari kategoriyalardan ishlab chiqarish samaradorligini oshirish uchun to‘la foydalanilmokda. Xo‘jalik hisobi asoslarida ishlayotgan korxonalar va tashkilotlar iqtisodiy ishining metod hamda prinsiplari sotsialistik davlat ishlab chikarish korxonasi to‘g‘risida nizomda o‘z ifodasini topgan. O‘z xarajatlarini o‘zi qoplash xo‘jalik-operativ mustakillik moddiy manfaatdorlik va ishlab chiqarish kollektivlarining ish natijalari uchun javobgarligi, korxonalar moliya-xo‘jalik faoliyatini pul bilan kontrol qilish xo‘jalik xisobining asosiy prinsiplaridir.

Sarflar o'rnini qoplash har bir korxonada uz xarajatlarini realizatsiya qilingan mahsulot uchun olingan pul tushumlari hisobiga qoplashini va glandi foyda olishini anglatadi. Hozirgi vaqtda foyda va rentabellikka ishlab chiqarish samaradorligining asosiy ko'rsatkichlari sifatida qaralmoqda. Foyda nima hisobiga va qanday sharoitda ko'payib borishiga sotsialistik jamiyat befarq qaray olmaydi. Bu jamiyat foyda mahsulot tannarxi kamayishi va mehnat unumdorligi oshishi asosida ko'payishidan manfaatdordir. Ishlab chikarish rentabelligi darajasiga tejam- korlik rejimiga rioya qilishgina emas, balki mahsulotning iktisodiy jihatdan asoslangan narxlari ham ta'sir o'tkazadi. Shuning uchun xo'jalik hisobi, avvalo, narxlar sistemasini takomillashtirishni ko'zda tutadi.

Direktiv ko'rsatkichlar orasida ishlab chiqarish faoliyatining pirovard natijalari va uning samaradorligini aks ettiruvchi ko'rsatkichlarga qolmoqda. Korxonalariga yuqoridan quyidagi planli ko'rsatkichlar yetkaziladi va ishlab chiqarish bo'yicha yalpi, normativ, sof va tovar maxsuloti ishlab chiqarish hajmi: mehnat bo'yicha ish haqi umumiy fondi va mehnat unumdorligining oshishi; moliya bo'yicha - foyda, byudjet mablag'lari umumiy summasi, fondlar va resurslar haqi, rag'batlantirish fondlari summasi; kapital qo'yilmalar bo'yicha-markazlashgan kapital qo'yilmalarning umumiy miqdori va markazlashgan kapital qo'yilmalar hisobiga asosiy fondlarni ishga tushirish; ishlab chikarishni takomillashtirish bo'yicha yangi ishlab chikarishlarni va yangi texnikani uzlashtirish; moddiy-texnika ta'minoti bo'yicha yuqori tashkilotlar taqsimlaydigan texnika, uskuna, qurilish materiallari va boshqa vositalarni yetkazib berishlar hajmi yillik planning boshqa ko'rsatkichlarini korxonaning o'zi ishlab chiqadi.

Korxonalar va xodimlarning ishlab chiqarishni rivojlantirish hamda uning pirovard natijalaridan moddiy manfaatdorligi xo'jalik hisobini rivojlantirish hamda mustahkamlash uchun katta ahamiyatga egadir. Xo'jalik hisobida shaxsiy manfaatlar korxonada manfaatlari bilan nihoyatda to'la uyg'unlashadi. Ishlab chiqarishni rivojlantirishdan shaxsiy va ijtimoiy manfaatlarning bir-biriga uzviy muvofiq kelishi, tejamkorlik rejimi hamda mahsulot tannarxini kamaytirishga rioya qilish kuzatilmoqda.

Xo'jalik hisobi korxonalariga va tashkilotlarida quyidagi jamoat va shaxsiy moddiy rag'batlantirish maxsus fondlari yaratilmoqda; moddiy rag'batlantirish fondi; sotsial-madaniy tadbirlar va uy-joy qurilishi fondi; ishlab chikarishni rivojlantirish fondi. Iqtisodiy rivojlantirish fondlari hisoblangan foyda xisobiga tuzilmoqda. Foydadan ajratmalar miqdori hisoblangan rentabellikka bog'liq bo'ladi. Korxonada va xodimlarning moddiy manfaatdorligi bu fondlarga pul tushumlari miqdorining xo'jalik faoliyati natijalariga bog'likligiga asoslanadi. Ish yaxshilanishi bilan moddiy rag'batlantirish fondlariga ajratiladigan foyda ulushi ko'payadi.

Bunda moddiy manfaatdorlik ma'naviy ragbat bilan birgalikda ko'rib chikilishini hisobga olmoq kerak moddiy va ma'naviy rag'batlar o'zaro bir-birini mustahkamlaydi xamda yagona maksadga erishishga qaratilgan bo'ladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Scientific and Technical Research. – 2022. – c. 349-352.
2. Mahkamovich S. A., Parmanovich I. A. Korxonada faoliyati samaradorligini ta'minlashda transformatsiyalashning o'rnini va roli //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2021. – T. 1. – №. 5. – C. 800-805.
3. Abduhamidovich A. H., Baxriddinovich O. R. F., Parmanovich I. A. Mehnatni motivatsiyalashning maqbul tizimini loyihalashtirish tamoyillarini shakllantirish //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2021. – T. 1. – №. 5. – C. 768-774.
4. D.R.Xoliqov Muhandislik va kompyuter grafikasi 2023. – T. 1. – №. 4. – C. 774-777.

СУВ ХЎЖАЛИГИ ТИЗИМИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ ЕЧИМЛАРИ

Султонов А.О. - Phd
"МК" кафедраси

Бугунги кунда дунё мамлакатларида, жумладан, Ўзбекистонда сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш масалалари долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Глобал иқлим ўзгариши, аҳоли сонининг ва иқтисодий тармоқларининг, сув ресурсларига бўлган талабнинг йил сайин ошиб боришини тақозо қилади ва шу туфайли, сув ресурсларининг тақчиллиги йилдан-йилга кучайиб боради. Бу муаммоларни ҳал этиш сув ресурсларидан самарали фойдаланиш механизмларини ҳамда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштиришни, сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш ва ривожлантириш бўйича изчил ислохотларни талаб этади.

Мазкур муаммода барча турдаги ресурслар танқислиги мавжудлигида уларни баҳолаш бўйича замонавий технологиялар ишлаб чиқиш ва бошқарув тизимлари масалаларини қўллаш биринчи даражали аҳамиятга эга. Буларга, жумладан, иқтисодий – математик усуллар ва тизимли таҳлил усуллари асосида бошқарув иерархиясининг барча поғоналаридаги сув тақсимланишини оптималлаштириш услубияти; ахборот технологияларини қўллаш ҳисобига сувдан фойдаланишни режалаштириш технологиясини такомиллаштириш; табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳит муҳофазаси масалаларининг комплекс ечимига ёрдам берадиган мураккаб объектларни янада мукамалроқ бошқариш тизимини яратиш; таҳлил қилинаётган ҳудудда хўжалик юритишнинг замонавий шароитларида тупроқ-иқлимий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий омилларни янада тўлиқроқ инобатга олиш масалалари киради.

Муаммони ҳал қилишда, сувдан фойдаланишнинг дастлабки режалаштириш масалаларини ечишда сувдан фойдаланишнинг тизимли режасини тезкор ва аниқ ҳисоблаш, кўпгина умумлашган қайдномалар тузиш, сув таъминоти балансини сув манбаи режими билан боғлаб келтириб чиқариш, режаларни ўзгартиришни ўз вақтида амалга ошириш ирригация тизими бошқармалари ходимлари томонидан қарор қабул қилиш тизими (ҚҚҚТ)дан, информацион технологиялар, математик ва имитацион моделлаштириш имкониятларидан фойдаланишга асосланган бўлиши керак.

Дунёнинг иқтисодий ривожланган давлатларида охириги йилларда турли сув хўжалиги объектларида ахборот-коммуникация технологиялари ва тизимларидан кенг фойдаланиб келинмоқда. АҚШда сув хўжалиги ахборот тизимлари маълумотлар ва ахборотлар таҳлилига, сув ҳуқуқи, сув ресурсларини ҳимоялаш, сув сифати, дарё оқими характеристикасини олдиндан айтиш имконияти ва бошқа шу каби маълумотларни таҳлил қилиш, бошқариш ҳамда ахборотлар таҳлили асосида ташкил этилган.

Сув хўжалиги соҳасига замонавий ахборот-коммуникация ва инновацион технологияларни жорий этишнинг 2019 йилгача бўлган ва 2030 йилда бўлиши керак бўлган кўрсаткичларини таҳлил қиладиган бўлсак, 2019 йилгача сув хўжалиги объектларини бошқариш жараёнларини автоматлаштириш умуман бўлмаган, 2030 йилгача эса бў кўрсаткични 100 донагача кўтариш кераклиги белгилаб берилган. Насос станцияларида сув миқдорини “онлайн” режимда мониторинг қилишда ҳам шу вақтгача АКТлар қўлланилмаган, бу кўрсаткични 2030 йилгача 100% ёки 1821 донага етказиш ва сув хўжалиги иншоотларини реал вақт режимида сувни назорат қилиш ва унинг ҳисобини юритиш учун “ақлли сув” тизимини жорий этишни 61 донадан 18576 донагача ошириш кўзда тутилган. Бу

кўрсаткичларнинг ошириб борилиши соҳада ахборот тизимларидан фойдаланишни кўзда тутувчи амалий дастурий таъминотларни минтақага мослаштириш муаммоларини вужудга келтиради.

Сув хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация ва инновацион технологияларни жорий этиш²

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2019 йилгача	Келгуси йилларда эришиладиган кўрсаткичлар			
				2020 йил	2021 йил	2025 йил	2030 йил
1	Дарё ва сойларда:						
1	гидрологик постларни рақамли технологиялар асосида автоматлаштирилган ускуналар билан жиҳозлаш	Та	2	3	4	10	14
2	гидрологик постларни қайта тиклаш ва сувни тезкор назорат қилиш	Та	-	-	-	7	18
3	Сув хўжалиги иншоотларида реал вақт режимида сувни назорат қилиш ва унинг ҳисобини юритиш учун «Smart Water» («Ақлли сув») тизимини жорий этиш	Дона	61	151	3 250	18576	-
4	Сув хўжалиги объектларини бошқариш жараёнларини автоматлаштириш	Дона	-	10	20	50	100
5	Мелиоратив кузатув кудукларини автоматлаштирилган мониторинг тизимига ўтказиш	Дона	66	2000	4022	8500	27270
		%	0,25	7,3	30	50	100
6	Насос станцияларида электр энергияси истеъмоли ва сув миқдорини «онлайн» режимда мониторинг қилиш тизимини жорий этиш	Дона	-	100	327	1821	-
		%	-	4,6	15	100	-

Хулоса қилиб айтганда барча соҳалар каби сув хўжалиги тизимида ҳам ахборот коммуникация тизимларини жорий қилиш бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бўлиб келмоқда, чунки ривожланган мамлакатларда бирон соҳанинг ахборот технологияларсиз амалга оширилмаётганлигини кўришимиз мумкин.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. Scientific Information Center of the Interstate Commission for Water Coordination “Yearbook of Water in Central Asia and the World” Prepared with the support of the UN Regional Center for Preventive Diplomacy for Central Asia. - 2020.

2. Bobomurodov, U.S., Sulonov, A.O. “Methods for improving reagent water softening in clarifiers.” - International Scientific Journal “Young Scientist”, Moscow 2016. No. 7 (111), pp.51-53.

³¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10-июлдаги “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 - 2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-6024 сонли Фармони иловаси.

YO'L XO'JALIGI BILAN BOG'LIQ EKOLOGIK MUAMMOLAR

Talaba: N. Olimova (Jizzax politexnika instituti)

Ilmiy rahbar: G.X.Xudoyberdiyeva

(Jizzax politexnika instituti) (tel : +998919410242 e-mail:

xonzoda0208@mail.ru)

Yo'l qurilishi va boshqaruvining uchta eng zararli ta'siri shovqin, chang va tebranishlardir. Shovqin asosan yo'l qurilishi jarayonida sodir bo'ladi, lekin u transport vositalari harakati vaqtida ham kamroq darajada bo'lishi mumkin. Chang shag'al yo'llar va bog'lanmagan agregat qatlamlarni qurish paytida hosil bo'ladi.

Ushbu tezes shovqin, chang, tebranish va boshqa ekologik xavotirlarning ekologik ta'siriga qaratiladi va ularni qanday kamaytirish mumkinligi haqida takliflar beradi.

1.1. Shovqin

Shovqin tinglovchi uchun nomaqbul bo'lgan tovush sifatida tavsiflanadi. Tovushdan kelib chiqadigan buzilish darajasi uning miqdori va intensivligiga va ta'sirlangan shaxslarning sezgirligiga bog'liq bo'ladi. Shovqin odatda Shimoliy atrof-muhitdagi yo'llar uchun katta muammo emas, chunki mintaqada odatda nisbatan kam aholiga ega va yo'l tarmoqlari umuman yashamaydigan yoki yengil aholi punktlari orqali ishlaydi. Notekis yo'llar yonida joylashgan uylar tebranish va shovqin muammolaridan aziyat chekishi mumkin.

Yo'llarning holati shovqin darajasiga ta'sir ko'rsatadi. Misol uchun, agar yo'l yomon holatda bo'lsa va avtomobillar qatnovi ko'p bo'lsa, bu yo'l ko'proq shovqinga olib kelishi mumkin. Shovqin darajasi yuqori bo'lganda yaqin atrofdagi hayvonlarning stresga tushishiga olib keladi, shuning uchun chorvachilik, parrandachilik kabi komplekslarni serqatnov yo'llardan uzoqda tashkillashtirish maqsadga muvofiqdir.

1.2 tebranishlar

Vibratsiyalar binolarga va uskunalarga zarar yetkazishi mumkin.

Titrash sathi qishda yozga nisbatan yer muzlaganda har xil bo'lishi mumkin. Tadqiqotlarning ko'rsatishicha, yomon yo'l sharoitidan kelib chiqadigan tebranishlar haydovchilar salomatligi uchun ham xavf tug'dirishi mumkin.

Yo'lning tekisligi, xolatining yaxshiligi titrashni birmuncha kamaytiradi.

Yuqorida aytib o'tilganidek, yo'lning holati ham tebranishga ta'sir qilishi mumkin. Misol uchun og'ir yuk mashinalari katta tebranishi yaratadi, aholi yashash joylarida transport vositalarining sekin harakatlanishi titrashni kamaytiradi.

1.3 chang

Гидроизоляция ишларини ҳажмини камайтириш йўллари бу конструктив ва ташкилий-технологик тадбирлардан иборат бўлиб, конструкциялар юзасини сув ёки бошқа суюқликлар билан контакта бўлмаслигини таъминлашдир. Бундай тадбирларнинг асосийлари қуйидагилардир: дренаж системасини ўрнатиш; тиксотропик диафрагмалар яратиш; лойли қулфлар барпо этиш; ер ости сув сатҳини пасайтириш; майдонни текислаш ва бино атрофида атмосфера барпо қилиб ер усти сувларини қочириш; грунт мустаҳкамлигини силикатлаш, цементлаш ва битумлаш йўллари билан амалга оширилади.

Гидроизоляция ишларини бошлашдан олдин ҳимояланувчи юзалар тайёрланади. Битум асосли гидроизоляция материаллари иссиқ ҳолда суртилганда юзалар кир ва ёғли доғлардан, қиш вақтида эса қор ва муздан тозаланади. Юзадаги нотекисликлар кесилиб ёки қоришма билан текис-ланади. Чиқиб турган арматура учлари кесилади. Чуқурликлар цементли қоришма ёки битумли-таркиблар билан текисланади.

Грунтовка қатлами юзаларни тайёрлашдаги доимий бажариладиган жа-раён бўлиб, бу битум ва эритувчининг 1:3 нисбатдаги аралашмаси ёки бошқа таркиблардан иборатдир. Грунтовка қатлами қалинлиги 0,2 мм гача бўлиб, бир текисда суртилади. Грунтовка қатлами асос билан мустаҳкам бирикиши учун одатда икки қатлам суртилади: биринчи қатлам совуқ битум-керосин ёки битум-дизел ёқилғиси аралашмаси, иккинчи қатлам битум ва бензин аралашмаси. Иккинчи қатлам биринчи қатлам тўлиқ қуригач суркалади.

Тайёргарлик ишларига иш жойини тайёрлаш, асбоб-ускуналар билан таъминлаш, керакли механизмларни олиб келиш ва ўрнатиш, сўрилар, ҳавозалар ва ҳом ашё билан таъминлашдан иборатдир.

Тол-картондан тайёрланиб тошқўмир ёки сланецли-қатронли қоришма-лар билан тўйдирилади сўнгра икки томонига кварц қуми сепилади. Уларнинг маркалари ТП-350, ТП-300 ва ш.к бўлиб, асосан тахта қурилма-ларни чириш, намликдан ҳимоялашда кенг қўлланилиб, кўп ҳолларда мастика билан елимланади.

Полиэтилен плёнка-рулонли материал бўлиб қалинлиги 0,06-0,02 мм эни 130-200 см. Елимлаш йўли билан бириктирилади ва қурилмаларни ер ости сувларидан ҳимоялайди.


Винипластик-турли хил рангда бўлиб қалинлиги 0,5 мм, рулон шаклида бўлади. Бу материал кислота ва ишқорларга чидамли бўлади, сув ўтказмайди, пайвандлаш йўли билан бириктирилади. Қурилмалар устига мастикасиз ётқизилади ва сувдан яхши ҳимоялайди.

Асбествилли суртмалар-лак, майда асбест ва смолали пластификаторлар-дан тайёрланиб, суяқ бўёвчи қатлам сифатида ишлатилади. Асосан пўлат қурилмаларни намликдан, кислота ва ишқорлар таъсиридан ҳимоялашда қўлланилади.

Қаттиқ гидроизоляция қопламалар (пластмассали, винипластикли ва х.к материаллардан) юқори мустаҳкамлик ва чидамлик даражага эга бўлиб, юқори гидростатик босимга бардош бера олиши билан, зарарли мўҳитга турғунлиги билан бир қаторда, сермехнатлиги ва тан нархининг юқорилиги билан фарқланади. Сувоқли сувдан ҳимояовчи қатламлар, динамик юклар таъсир қилмайдиган конструкцияларда қўлланилади. Бундай қатлам бино ва иншоотнинг чўкиши тўлиқ тўхтагандан сўнг бажарилади. Листли гидроизол-яция қопламаси конструкцияларга динамик юклар таъсир қиладиган хол-ларда, яъни қурилмаларни мураккаб ишлатилиш шароитларида қўлланилади.

Сувоқ ёрдамида сувдан ҳимоялашнинг: цемент-қумли ва асфалтли турлари мавжуд.

Торкретлаш усулида қоришма 1.5...2 атм босм остида юзага чапланади. Жараён махсус ускуна ёрдамида амалга оширилади (1-расм).



1-расм. Торкретлаш ускунаси жихозларнинг жойланиш схемаси. 1-хаво компрессори; 2-хаво узатувчи шланглар; 3-тақсимловчи клапан; 4-цемент-пушка; 5-материаллар шланги; 6-форсунка; 7-сув узатиш шланги; 8-сув идишии.

Цемент-қумли қоришмани юза сувлангандан кейин юзага зич қилиб ҳосил бўлган цементли қатлам сувдан ҳимоя қатлами ҳисобланади. Бундай қоришма кум, портланцемент ва сувни керакли миқдорда танлаб олиниб тайёрланади. Қоришмага кўшилган темир хлори аралаштирилса сувдан ҳимоялаш хусусиятини яхшилаш мумкин. Бунда темир хлор миқдори

цемент массасига нисбатан 1:26; 1:22; 1:16 миқдорда олинади. Қоришма тез қотиши сабабли, улар полиэтилин қопларда ёки ёпиқ идишда сақланади. Қоришманинг қотиш вақтини секинлаштириш мақсадида таркибига цемент массасига нисбати 0,2% миқдорида сулфит-дрожали баражка (СДБ) қўшилади.

Торқретлаш ускунаси таркибига цемент-пушка, ҳаво компрессор, (ҳаво бергич) сув идиши, ишчи шланглар ва форсунка киради.

Қуруқ қоришмани тайёрлаш учун мажбурий аралаштирувчи қоришма қоригич қўлланилади. Тайёр қуруқ қоришма цемент-пушканинг шлюз камерасига солинади. Камерадан сиқилган ҳаво ёрдамида резина шланглар орқали форсункага узатилади. Сув эса 0,5...1,5 атм босим остида шланг орқали форсункага берилади. Натижада сув форсункада қуруқ қоришмани хўллайди, хўлланган қоришма форсункадан 120-140 м/сек тезликда отилиб чиқади ва ҳимояланувчи юзага катта куч билан бир ёки бир неча қатлам қилиб чапланади. Бундай технология ётқизилган қатламга юқори зичлик, сув ўтказмаслик, музлаш даражасини ошириш ва зарарли мўхитга турғунлик хусусиятлари беради.

Қоришма тайёрлашда 400 маркали портландцемент қўлланилиб (тез қотувчи цемент ёки қотишни тезлатувчи қўшимчалар қўшилган), қум зарралари 1-3 мм, энг йириги 5 мм гача бўлиб, намлиги 8% гача бўлиши талаб қилинади.

Сув ва намликдан ҳимоялаш ишларини бошлашдан олдин юзаларни тайёрлаш талаб қилинади. Юзаларни тайёрлаш ишларига қуйидагилар киради: юзани лойли доғлар ва ифлосликлардан тозалаш: ғадир-будурликларни текислаш; арматураларнинг чиқиб турган қисмларини қирқиб ташлаш; чуқурликларни цемент-қумли ёки битумли қоришма билан тўлдириб, текислаш; қирра ва тўғри бурчакли чиқиш жойларни 45⁰ бурчак шаклига келтириш; эни 3...5 см бўлган супалик ҳосил қилишдан иборат.

Цемент қумли қоплама ётқизилинадиган юза бетондан қуйилганда бетон 70% мустахкамлигини эгаллагач, юзага сувоқни яхши ёпиштириш учун ўйикчалар ҳосил қилиниб, босим остидаги сиқилган ҳаво билан тозаланиб, юзаси намланади.

Цемент-қумли сувдан ҳимоя қатламлар иншоотнинг қайси томонидан қопланиши ундаги ҳосил бўладиган гидростатик босимга боғлиқ. Босим катта бўлса сувоқ босим тушаётган юза томонидан, босим кичик бўлса қайси томондан сувалишининг аҳамияти йўқ.

Битумли ҳимоялаш асосан юзаларни капилляр намликдан ҳимоялашда қўлланилади. Бунда сувоқли битумлаш сувоқ битум қоришмани 2...4 мм қалинликда, бўёвчи ҳимоялаш эса 0.2...0.8 мм қалинликда, бир-неча қатламли қилиб бажарилади. Қатламлар қўлда ролик ёки механизациялашган усулда-форсункали бўёқ-пуркагич ёрдамида бажарилади (17.2 а-расм).

Гидроизоляция ҳимоялаш ишлари юзани тозалаш ва грунтвокалашдан бошланади. Грунтвокаланган юза қуригач, 1...1,5 мм қалинликда биринч қатлам битум суртилади, сўнгра битум совуб қотгач иккинчи қатлам 1.5...2 мм қалинликда суртилади. Қатламлар эни 3 м гача бўлган поласа шаклида суртилади.

Асфалтли сувдан ҳимояловчи қатлами қурилмаларни капилляр намлик-дан ҳимоялаш талаб қилинганда ва юқори мустахкамлик талаб қилинадиган юзаларда қўлланилади

Иссиқ асфалтли ҳимояловчи қатлам иссиқ ҳолда ётқизилганда унинг ҳарорати 160⁰...180⁰ С бўлади. Совуқ ҳолда барпо қилинадиган қатлам эмулсия пастаси ёки мастикаси тарзида қопланади. Иссиқ асфалтли қатлам ўзининг ҳимоялаш хусусиятларига совугандан сўнг эришади, совуқ ҳолда ётқизилган қатламлар эса қуригандан сўнг.

Иссиқ асфалтли қатлам 2...6 мм қалинликда суртилиб, асосий ишлар механизациялашган ускуналар ёрдамида бажарилади .

Механизациялашган мосламада электр исситқичли соплодан 4 атм босимдаги сиқилган хаво ёрдамида иссиқ асфалтли қоришма отилиб чиқади. Мастика қатлами бир-бирининг устига 150 мм ўтказилиб ётқизилади. Асфалт пуркагич соплоси ҳимояланган юзага нисбатан перпендикуляр ҳолда 50 см масофада ушланади.

Совуқ ҳолда суваладиган асфалтли эмульсия пастаси ва мастикаларни диафрагмали қоришма насослар ёрдамида ётқизилади. Бу ускуна таркибига аралаштиргичли сувок агрегати, диафрагмали қоришма узатиш насоси, компрессор, шланг ва сополлар комплекти киради . Бу ускуна ёрдамида 15 метргача баландликда бўлган юзаларни ҳимоялаш имконияти мавжуд. Ҳимояланадиган юзани баландлиги 15 метрдан катта бўлса люлкага қўшимча диафрагмали насос ўрнатилади.

Ҳимояланадиган юза нам ва зах жойларда бўлганда битум массасига нисбатан 3...4% цемент қўшиш тавсия этилади.

Совуқ асфалтли мастикаларни қўллаш технологияси соддалиги, тез ва ихчамлиги шунинингдек, арзонлиги билан самарадор ҳисобланади.

Гидротехник иншоотларида ўрама гидроизоляция ҳимояланувчи юзага тўлиқ елимланиб сув ўтказмайдиган қатлам ҳосил қилинади. Ўрама материаллардан ташқари эгилувчи листлар 1...4 қатлам ётқизилиши ҳам мумкин. Ҳимояланувчи қатлам ётиқ, тик ва қия ҳолда бўлади, махсус елим ёки мастикалар ёрдамида елимланади тол-тери ва ш.к; эпоксид смола асосли клейлар-полихлорвинилли ва бошқа пластмасли ўрама ва листли материалларни елимлашда қўлланилади. Мастика тайёрлашдаги қўлланиладиган битум маркаси ишлатилиш жойидаги ҳароратга асосан танланади. Хамма ҳолда битумни юмшаш ҳарорати 20-25⁰ С, атроф мўҳит ҳароратидан юқорироқ бўлиши, бу эса ўз навбатида елимланган қоплама материалларини сирпаниб тушишидан сақлайди.

Қия ва ётиқ текисликларнинг гидроизоляция қатламини елимлашга грунтотка қатлами тўлиқ қуригандан сўнг киришилади. Тўлиқ қуриган грунтотка қатлами устига 1...1,5 мм қалинликда мастика қатлами суртилади, сўнгра устига 1 қават ўрама ашё учини ёпиштириб олинади. Ўрама материал ёзилиш йўналиши текшириб, тўғрилигига ишонч ҳосил қилинган қолган қисмига мастика суркалиб текисланган ёпиштирилади .

Ўрама материал чоклари 10...12 см устига ўтказилади, улар учларида ҳосил қилинган чоклар ўрама узунлиги бўйича силжитилиши, кўп қаватли ўрама елимланганда кейинги қатор энини ½ энига силжитилади. Ётиқ ва қия текисликларнинг узунлиги 10 м дан кўп бўлган ҳолларда ўрама материаллар махсус мослама ёрдамида елимланади .

Тик юзалардан ҳимоя қатламининг сирпаниб тушиши олдини олиш мақсадида деворга айлана бўйлаб горизонтал ўйиқлар ҳосил қилиниб, у ушбу ўйиқларга арматуралар ёрдамида қоплама таранглаштирилади . Сўнгра эса ўйиқ бетон қоришмаси билан тўлдирилади.

Ҳимоя қатламларни трубалар билан бирикиш жойи кўрсатилган.

Елимланадиган қатламларнинг қурилмалар билан бирикиш жойларини сифатли бажарилиши талаб қилинади. Ўрама елимланадиган материаллар-нинг учки қисми қурилма ташқарисига чиқарилиб, шикасланишдан сақланиши талаб қилинади. Чиқарилган ўрама материаллар учлари 10...12 см қум билан кўмилади, 2...3 см қалинликда цементли стяжка қопланади ёки тахта тўшама билан бостирилади. Тик жойлашган қатламларни елимлашдан олдин вақтинча ҳимоялар ясалади. Очилган ўрама материал учлари тозаланади ва деворга мастика билан елимланади ва яхшилаб зичланади. Ҳимоя қатлами елимланиб бўлган бетон ёки ғиштли ҳимояловчи девор барпо қилинади. Елимланиб ётқизилинадиган ҳимоялаш қатламлар кўп меҳнат талаб қилади, чунки кўп жараёнлар қўл кучи билан бажарилинади. Қўлланиладиган асосий асбоб ва жихозлар .

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ochilova N.T. Technology of painting works in construction. International bulletin of engineering and technology, | Volume 2, Issue 10, October.2022 P. 115-121 (<https://doi.org/10.5281/zenodo.7249088>).
2. Ochilova N.T., Ismailov A.A. Modern technologies of varnish production. Eurasian journal of academic research. Innovative Academy Research Support Center. Volume 2 Issue 12, November 2022. P 247-254. (<https://doi.org/10.5281/zenodo.7307865>).
3. Ochilova N. T. TECHNOLOGY OF PAINTING WORKS IN CONSTRUCTION 9124 AND TECHNOLOGY UIF = 8.1 | SJIF = 5.71 IBET 10 October 2022 p 115-121 <https://doi.org/10.5281/zenodo.7249088>
4. Очилова Н. Т. «Табиий тош материалларини ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш “Международный научный журнал № 7(100), часть 2 «Новости образования: исследование в XXI веке» февраль, 2023 г 285-290
- 5 Ochilova N.T. O‘ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI 13-SON 20.11.2022 ISSN:2181-3302. SOPOL MATERIALLAR TURLARI VA XUSUSIYATLARI TYPES AND CHARACTERISTICS OF CERAMIC MATERIALS 343-348 b

SHOLI QIPIQLARI QO‘SHILGAN QURILISH QORISHMASINING SIQILISHGA MUSTAHKAMLIGI

Maxmudov Mirzadjon, t.f.n., dotsent, SamDAQU, maxmudov_1948@mail.ru, 93-7270727, Marupova Gulmira Raufovna, katta o‘qituvchi, SamDAQU, gulmira19857@mail.ru,

Sholi qipiq-lari qo‘shilgan qurilish qorishma tarkibini tashkil qiluvchi komponentlarning optimal miqdorini o‘zgartiruvchan texnologik parametrlarni maqbul diapozonlarni aniqlash maqsadida, to‘liq faktorli reja asosida matematik modellashtirish metodidan foydalanib, chiziq-li uch faktorli matematik reja bo‘yicha tajribalar seriyasi o‘tkazildi. Bunda, eksperimentlardan kutilgan funksional natija sifatida sholi qipig‘i asosidagi qurilish qorishmasining siquvchi kuchlar ta‘siriga mustahkamlik chegarasi-(markasi) qabul qilindi. Sholi qipig‘i asosidagi qurilish qorishmadan tayyorlangan yangi tarkibli qorishmaning mustahkamligini GOST 31377-2008 ga muvofiq, universal gidravlik preslarda, sinov-nazorat tajribasi uchun maxsus tayyorlangan 40x40x160 mm o‘lchamli balkacha namunalarini MI-100 eguvchi mashinasida sinab ko‘rib, sindirilgan bo‘laklarni siquvchi kuchi ta‘sirida buzish orqali aniqlandi.

Sinov-nazorat tajribalarni rejalashtirishda o‘zgaruvchan kirish faktorlari sifatida quyidagi ko‘rsatgichlar qabul qilindi:

- qurilish qorishma tarkibidagi organik qo‘shimcha miqdori, sement massasiga nisbatan %;
- yetarli yoyiluvchanlikka ega bo‘lgan qorishma hosil qilish uchun suv va qurilish qorishmaning nisbati S/Q;
- 0,315 mm to‘r o‘lchamiga ega bo‘lgan elakdagi qoldiq miqdori % (1-jadval).

Tanlangan X_1 , X_2 , X_3 eksperimental faktorlarga ko‘ra, qurilish qorishmaning siquvchi kuchlar ta‘sirida mustahkamligining maksimal qiymatlarini belgilab beruvchi optimal tarkib parametrlarini aniqlash uchun korrelyasion bog‘liqligini va vaqt o‘tishi bilan siqilish kuchining o‘shish kinetikasini tavsiflash uchun chiziq-li approssimasiya tenglama formulasini tahlil qilish kifoya qiladi.

O'zgaruvchan kirish faktorlarning o'zgaruvchanlik intervallari va darajalari

O'zgaruvchan kirish faktorlari		O'zgarish darajasi			O'zgarishlar inter-vali
Nomlanishi	Код	-1	0	+1	
Qurilish qorishmasi (QShA) tarkibidagi organik qo'shimcha miqdori, massa, %	X ₁	2	5	8	3
Normal quyuqlikdagi qorishma hosil qilish uchun suv va qurilish qorishmaning nisbati, S/QA;	X ₂	0,50	0,57	0,65	0,08
0,315mm o'lchamiga ega bo'lgan elakdagi qoldiq miqdori,%	X ₃	20	30	40	10

1-jadvalda keltirilgan shartlar asosida eksperimentlar rejasi tuzildi. Unga ko'ra, tarkib komponentlar miqdori mo'ljallangan o'zgarishlar intervalida tanlangan. Qurilish qorishmasining tarkibi qat'iy ravishda tajriba rejasi matrisasiga muvofiq tanlandi. Tayyorlangan qorishma bilan silikat g'isht siqilishdagi mustahkamligi aniqlandi. Keyinchalik, ushbu tajriba namunalarida qurilish qorishmasining siquvchi kuchlari GOST 31376-2008 da belgilangan ko'rsatmaga amal qilgan holatda aniqlandi.

Biz o'tkazgan sholi qipig'i qo'shilgan qurilish qorishmasining siquvchi kuchlar ta'sirini tadqiq qilish boyicha har bir tajriba-sinov 3 martadan takrorlangan (2-jadval).

2-jadvalda keltirilgan eksperiment natijalarining $s_1^2, s_2^2, \dots, s_8^2$ dispersiyalarning ozodlik darajalari f_i lar bir xil ($f_i = 2$) bo'lganligi uchun dispersiyalarni taqqoslashni Koxran kriteriyasi yordamida amalga oshirish mumkin. Bunda maksimal dispersiyaning boshqa barcha dispersiyalar yig'indisiga nisbatini tekshirishni quyidagi formula tavsiya etiladi [1]:

$$g_x = \frac{\max S_i^2}{S_1^2 + S_2^2 + \dots + S_k^2} \cdot \quad (1)$$

Sholi qipiqlarini qurilish qorishmasiga qo'shishning siqilishga bo'lgan mustahkamligiga ta'sirini tadqiq qilish bo'yicha to'liq faktorli 2³ tajriba–sinov rejasi va olingan natijalar

T/r	O'zgaruvchan kirish faktorlari kodi va matrisasi							O'zgaruvchan kirish faktorlarning nomlanishi			Silikat g'isht namunalari yuzalarga ilashishning mustahkamlik chegarasi (adjeziya) Y, MPa;			
	X ₁	X ₂	X ₃	X ₁₂	X ₁₃	X ₂₃	X ₁₂₃	QShA tarkibida-gi organik qo'shim-cha miqdori, massa X ₁ , %	Normal quyruqlidagi qorishma hosil qilish uchun suv va qurilish qorishmaning nisbati X ₂ , S/QA;	0,315mm o'lchami-ga ega bo'lgan elakdagi qoldiq miqori X ₃ , %	Takroriy tajribalar natijalari			O'rta-cha qiymat \bar{y}_i
1	2	3	4	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18
1	-	-	-	-	+	+	-	2	0,50	20	7,80	7,60	6,50	7,30
2	+	-	-	+	-	+	+	8	0,50	20	4,75	4,65	4,10	4,50
3	-	+	-	-	+	-	+	2	0,65	20	6,12	6,74	6,80	6,5533
4	+	+	-	+	-	-	-	8	0,65	20	3,80	3,90	3,70	3,80
5	-	-	+	+	-	-	+	2	0,50	40	6,24	6,08	5,20	5,84
6	+	-	+	-	+	-	-	8	0,50	40	3,80	3,72	3,28	3,60
7	-	+	+	-	-	+	-	2	0,65	40	4,90	5,39	5,44	5,2433
8	+	+	+	+	+	+	+	8	0,65	40	4,18	4,29	4,07	4,1866
9	0	0	0	0	0	0	0	5	0,57	30	5,20	5,30	4,89	5,13

Bunda berilgan ishonchlilik ρ uchun $g_h > g_{1-\rho}$ sart bajarilsa, dispersiyalar orasidagi farqni qiymatdor deb hisoblash kerak bo'ladi va ularni umumlashtirish mumkin emas, xatolikka olib kelishi mumkin. Dispersiyalar orasida statistik qiymatdor farq bo'lmasa, ya'ni $g_h > g_{1-\rho}$ shart bajarilmasa, ularni (2) formula yordamida umumlashtirish mumkin:

$$s_{\varepsilon}^2 = \frac{\sum_{i=1}^k f_i \cdot s_i^2}{f} \quad (2)$$

Sholi qipig'i qo'shilgan qurilish qorishmasining siquvchi kuchlar ta'siriga mustahkamlik chegarasi MPa qiymatlarida eksperiment qiymatlari aniqlangan (2-jadval). Dispersiyaning qiymatlari QShA tarkibidagi organik qo'shimcha miqdoriga bog'liq holda o'zgaradi degan taxmin asosida dispersiyalarni tekshirib ko'ramiz. Tajriba ma'lumotlari va yordamchi hisoblashlar natijalari 3-jadvalda keltirilgan.

Bu yerda siqilishga mustahkamlikning o'rtacha qiymatlari \bar{x}_i lar oldindan ma'lum bolgan

$$\bar{x} = \frac{x_1 \cdot n_1 + x_2 \cdot n_2 + \dots + x_n \cdot n_k}{n} = \frac{\sum_{i=1}^k x_i \cdot n_i}{n}, \quad (3)$$

va disperssiyaning qiymatlari s_i^2 lar

$$s_{\varepsilon}^2 = \frac{1}{n-1} \cdot \left[\sum x_i^2 - \frac{(\sum x_i)^2}{n} \right] \quad (4)$$

formula yordamida hisoblangan. Maksimal dispersiyaning boshqa barcha dispersiyalar yig'indisiga nisbatini (1) formula yordamida hisoblaymiz:

$$g_x = \frac{0,49}{0,49 + 0,1225 + 0,1417 + 0,01 + 0,3136 + 0,0784 + 0,0841 + 0,01002} = 0,392$$

Koxran taqsimotining kvantilini qiymatdorlik $1-\rho=0,05$, ozodlik darajasi $f=2$ va dispersiyalar soni $k=8$ bo'lgan hol uchun aniqlaymiz: $g_{1-\rho} = 2,776$

3-jadval

Qurilish qorishmaning siquvchi kuchlar ta'siriga mustahkamlik chegarasining qiymatlari, MPa

O'lchash-lar, i	Eksperiment raqami							
	1	2	3	4	5	6	7	8
1	7,8	4,75	6,12	3,8	6,24	3,8	4,9	4,18
2	7,6	4,65	6,74	3,9	6,08	3,72	5,39	4,29
3	6,5	4,1	6,8	3,7	5,2	3,28	5,44	4,09
\bar{x}_i	7,3	4,5	6,5533	3,8	5,84	3,6	5,2433	4,18
$\sum x_i$	21,9	13,5	19,66	11,4	17,52	10,8	15,73	12,56
$\sum x_i^2$	160,85	60,995	129,122	43,34	102,944	39,0368	82,656	52,6046
s_i^2	0,49	0,1225	0,1417	0,01	0,3136	0,0784	0,0841	0,01002

Ko'rinib turibdiki, Koxran kriteriysining tajriba natijalari bo'yicha aniqlangan qiymati

$$g_x = 0,392 < g_{1-p} = 2,776.$$

Demak, eksperiment natijalari asosida aniqlangan s_i^2 dispersiyalar bir jinsli, ularni yuqorigagi (2) formula yordamida umumlashtirsa bo'ladi va u

$$s_\varepsilon^2 = \frac{1}{k} \cdot \sum_{i=1}^k s_i^2 = \frac{1}{8} \cdot (0,49 + 0,1225 + 0,1417 + 0,01 + 0,3136 + 0,0784 + \\ + 0,0841 + 0,01) = 0,1563$$

ga teng.

Qurilish qorishmaning siquvchi kuchlar ta'siriga mustahkamligini tadqiq qilishda faktorlar soni 3 ta bo'lganligi sababli korrelyasion va regression analizni matematik model yordamida amalga oshirildi. Matematik model sifatida

$$\tilde{y} = b_0 + b_1 \cdot X_1 + b_2 \cdot X_2 + b_3 \cdot X_3 + b_{12} \cdot X_1 \cdot X_2 + b_{13} \cdot X_1 \cdot X_3 + \\ + b_{23} \cdot X_2 \cdot X_3 + b_{123} \cdot X_1 \cdot X_2 \cdot X_3 \quad (5)$$

ko'rinishidagi ko'phadni qabul qilamiz.

Mazkur regressiya tenglamasining noma'lum koeffitsiyentlarini aniqlash uchun EXCEL dastur ta'minotining "ЛИНЕЙН" dasturidan foydalandik. Natijalar va regressiya koefitsientlari va ularning o'rtacha kvadratik chetlanishlarini quyida keltirilgan:

$b_0 = 11,6638$	$S_{b_0} = 0,1468$
$b_1 = 0,04183$	$S_{b_1} = 0,00252$
$b_2 = -3,5698$	$S_{b_2} = 0,25317$
$b_3 = -0,0446$	$S_{b_3} = 0,00464$
$b_{12} = 1,203667$	$S_{b_{12}} = 0,043418$
$b_{13} = -0,0267$	$S_{b_{13}} = 0,00079$
$b_{23} = -0,0756$	$S_{b_{23}} = 0,00801$
$b_{123} = 0,06278$	$S_{b_{123}} = 0,00137$
$R^2 = 0,99999$	$S_{y_{ocr}}^2 = 0,00007634$
$\Delta y = 0,00874$	$S_y^2 = 12,6607$

Ma'lumki, korrelyasiya koeffitsiyentini

$$r = \sqrt{R^2} = \sqrt{0,99999} = 0,9999949.$$

Sholi qipig'i qo'shilgan qurilish qorishmasi uchun silikat g'isht yuzalarga ilashishning siqilishga mustahkamlikga faktorlar orsidagi bog'lanish juda kuchli.

Regressiya tenglamasidagi koeffitsiyentlarini qiymatdorligini Styudent t -taqsimotining kvantillari bo'yicha aniqlaymiz ($1-p=0,05, f=2$) - $t_{0,05;7} = 2,365$.

Regressiya tenglamadagi koeffitsiyentlarini ishonch oralig'ini quyidagi formula orqali tuzamiz $\Delta b_i = t_{0,05;7} \cdot S_{b_i}$ [2]. Shunda

$$\Delta b_0 = 2,365 \cdot 0,1468 = 0,347173 \leq b_0 = 11,6638$$

$$\Delta b_1 = 2,365 \cdot 0,00252 = 0,00252 \leq b_1 = 0,005954$$

$$\Delta b_2 = 2,365 \cdot 0,25317 = 0,598738 \leq b_2 = 3,5698$$

$$\Delta b_3 = 2,365 \cdot 0,00464 = 0,010979 \leq b_3 = 0,0446$$

$$\Delta b_{12} = 2,365 \cdot 0,043418 = 0,1026833 \leq b_{12} = 1,203667$$

$$\Delta b_{13} = 2,365 \cdot 0,00079 = 0,0018829 \leq b_{13} = 0,0267$$

$$\Delta b_{23} = 2,365 \cdot 0,00801 = 0,018934 \leq b_{23} = 0,0756$$

$$\Delta b_{123} = 2,365 \cdot 0,00137 = 0,00324 \leq b_{123} = 0,06278$$

$|\Delta b_i| \leq |b_i|$ shart bajarilgan regressiya tenglamasidagi koeffitsiyentlar qiymatdor hisoblanadi. Demak regressiya tenglamadagi koeffitsiyentlarini qiymatdor deb (5) regressiya tenglamasini chiqaramiz.

$$\begin{aligned} \tilde{Y} = & 11,6638 + 0,04183 \cdot X_1 - 3,5698 \cdot X_2 - 0,0446 \cdot X_3 - 1,203667 \cdot X_1 \cdot X_2 + \\ & - 0,0267 \cdot X_1 \cdot X_3 - 0,0756 \cdot X_2 \cdot X_3 + 0,06278 \cdot X_1 \cdot X_2 \cdot X_3 \end{aligned} \quad (5')$$

(5') regressiya tenglamasining adekvatligini tekshirish uchun zarur yordamchi hisoblashlar 4-jadvalda keltirilgan.


4-jadval

Qurilish qorishmaning siquvchi kuchlar ta'siriga mustahkamlik chegarasida 3 ta faktorning bog'liqligi haqidagi tajriba ma'lumotlari va bajarilgan yordamchi hisoblar

Tajriba №	O'zgaruvchan kirish faktorlar			\bar{y}_i ,	\tilde{y}_i	$\tilde{y}_i - \bar{y}_i$
	X ₁	X ₂	X ₃			
1	2	0,50	20	7,3	7,2989	0,0011
2	8	0,50	20	4,5	4,4989	0,0011
3	2	0,65	20	6,5533	6,55234	0,00096
4	8	0,65	20	3,8	3,79904	0,00096
5	2	0,50	40	5,84	5,8389	0,0011
6	8	0,50	40	3,6	3,5989	0,0011
7	2	0,65	40	5,2433	5,24234	0,00096
8	8	0,65	40	4,18	4,17904	0,00096
9	5	0,57	30	5,13	5,13824	0,00824

Qoldiq dispersiya S_0^2 qiymati deyarli 0 ga teng. Olingan (5') regressiya tenglamasining adekvatligi ko'rinib turibdi.

Demak, (5') regressiya tenglamasi sholi qipig'i qo'shilgan qurilish qorishmaning siquvchi kuchlar ta'siriga mustahkamlik qiymatlarini bashorat qilish uchun yaroqli, ya'ni (5') tenglama adekvat tenglama deb xulosa chiqarish mumkin. Bu xulosani eksperiment natijalari regressiya tenglamasi bo'yicha hisoblangan natijalarni taqqoslash grafigi ham ko'rsatib turibdi (1-rasm).



1-расм. Sholi qipig'i qo'shilgan qurilish qorishmasi uchun siquvchi ta'sirning mustahkamligining o'zgarish grafigi: • - nuqtalar – eksperiment natijalari;

— - regressiya tenglamasi bo'yicha hisoblangan natijalari.

XULOSALAR

5-jadvaldan hisoblangan \bar{Y} qiymatlar rejaning barcha nuqtalarida regressiya koeffitsientlari aniqlangan tajriba natijalariga to'liq mos keladi $(|Y_j - \bar{Y}| \approx 0)$. (5') funksiya

aniqlashi mumkin bo'lgan boshqa sohalarda, masalan, rejaning markazida ($x_1=0$, $x_2=0$ va $x_3=0$ bo'lgan nuqtada) haqiqiy va bashorat qilingan qiymatlar katta farq qilmagani ko'rinib turibdi $(|Y_j - \bar{Y}| = 0)$. Shunga asosan, sholi qipig'i qo'shilgan qurilish qorishmasi uchun siqilishga mustahkamligi bilan o'rganilgan faktorlar orasidagi bog'liqlik chiziqli qonuniyatga ega degan xulosa qilish mumkin.

Birinchi factor - qorishmaning tarkibida sholi qipig'i x_1 ning miqdori ko'payganda qurilish qorishmasining siqilishdagi mustahkamligi pasayishi kuzatiladi. Ikkinchi factor – suv va quruq qorishma nisbati x_2 ning qiymati kattalashganda, ya'ni suvning miqdori ko'payganda siqilishdagi mustahkamlik kattalashishini ta'kidlashimiz mumkin. Uchinchi faktor - sholi qipig'i bog'lovchining 0,315 mm elakdagi qoldiq x_3 ning miqdori ko'payganda qorishmaning siqilishga mustahkamligi kamayish yo'nalishda o'zgarishi kuzatiladi.

Sholi qipig'i qo'shilgan qurilish qorishmasi uchun siqilishga mustahkamligiga faktorlarning o'zaro ta'sirlari ham ahamiyatga ega ekanligini ta'kidlashimiz mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Maxmudov, M. Eksperimentni rejalashtirish va natijalariga ishlov berish [Matn] : O`quv qo`llanma / M. Maxmudov. Samarqand : Zarafshon, 2019. – 192 b.
2. Шепелев И.Г. Математические методы и модели управления в строительстве / И.Г. Шепелев.-Москва: Высш.шк., 1983,-213 с.
3. Рахимов Р.З. Керамический и силикатный кирпич в строительстве // Строительные материалы.-2009,№,-С
4. Пустыльник Е.И. Статические методы анализа и обработки наблюдений / Е. И. Пустыльник. –Москва: Наука, 1969. -288с.

SANOAT CHIQUINDILARI ASOSIDAGI G'OVAK TO'LDIRUVCHILAR

Sh. O. Erboyev.

Dotsent, Jizzax politexnika instituti

A. A. Abdujafforov.

Magistr. Jizzax politexnika instituti

Mamlakatimizda sanoat va fuqarolik qurilishi hajmining oshishi munosabati bilan samarali qurilish materiallariga ehtiyoj tobora ortib bormoqda. Qurilish materiallari sanoatini rivojlantirishning asosiy yo'nalishlaridan biri-bu assortimentni kengaytirish, mahsulot sifatini yaxshilash va chiqindisiz ishlab chiqarish ob'ektlarini yaratishdan iborat. Respublikamizda qurilish materiallari sanoatida iqtisodiy islohotlarni yanada chuqurlashtirish va tarmoqni jadal rivojlantirish, yangi zamonaviy qurilish materiallari, konstruksiyalari va buyumlari ishlab chiqarishni ko'paytirish hamda uning turlarini kengaytirish bo'yicha keng qamrovli chora-tadbirlar amalga oshirilib, muayyan natijalarga erishilmoqda. Ishlab chiqarilayotgan qurilish materiallarining turlarini kengaytirish, mahalliyashtirish dasturi asosida zamonaviy, sifatli mahsulotlar ishlab chiqarish ulushini oshirish, import ulushini kamaytirish, sanoat chiqindilari asosida termik bardosh devorbop materiallarni olish energosamarador bino inshootlar qurilishida foydalanish bugungi kunning muxim masalalaridan biridir.

Sanoat chiqindilaridan foydalanib qurilish materiallari ishlab chiqarish atrof-muhitning ifloslanishi muammosini hal etishga ko'maklashadi va chiqindilar bilan band bo'lgan foydali er maydonlarini kengaytirilishga imkoniyat yaratiladi.

Zamonaviy qurilish materiallari ishlab chiqarishni takomillashtirish maqsadida ko'plab yangi loyihalar hayotga tatbiq etilib, ishlab chiqarishni modernizatsiyalash va rekonstruksiya qilish tadbirlari amalga oshirilmoqda. shu bilan bir qatorda, chet el texnologiyalarini va investorlarni jalb qilish orqali joylarda korxonalar faoliyati yo'lga qo'yildi. buning natijada tizimda gazobeton va ko'pikbeton, sendvich panellar, polistiroil asosida bezaklovchi panel va uning qismlari, tom yopma materiallari, plastik profil, namga chidamli gipsokarton, quruq qurilish qorishmalari, klinker, portlandsement va uning turlari, sopol plitkalar, zamonaviy yo'lak plitalari kabi import o'rnini bosuvchi mahsulotlar tayyorlash o'zlashtirildi. Ishlab chiqarilayotgan mahsulotlar qurilish ob'ektlarida keng qo'llanilib, import sifatida respublikamizga kirib kelayotgan qurilish materiallari import hajmini bir necha barobar kamaytirish imkonini berdi.

Hozirgi kunda ham mazkur sohadagi islohotlar davom ettirilishi natijasida, O'zbekiston Respublikasi prezidentining 2019 yil 20 fevraldagi «qurilish materiallari sanoatini tubdan takomillashtirish va kompleks rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi pq-4198-sonli qarori qabul qilinganida ham ko'rish mumkin. mazkur qaror asosida «o'zqurilishmateriallari» aksiyadorlik jamiyati faoliyati tugatilib, «o'zsanoatqurilishmateriallari» uyushmasi tashkil etildi va alohida vazifa-funksiyalar belgilab berildi.

G'ovak betonlar – bu qotib qolgan bog'lovchi modda va to'ldiruvchidan tashkil topgan sun'iy tosh material bo'lib, undagi havo g'ovaklari tekis taqsimlangandir. g'ovak (yacheykali) betonning o'zaro g'ovak olish usullari, bog'lovchi modda turlari, qotish sharoiti va boshqa xususiyatlari bo'yicha farqlanuvchi ko'pgina turlari mavjud.

G'ovak hosil bo'lish usullari bo'yicha g'ovak betonlar gazobeton va ko'pikbetonlarga bo'linadi. ayrim hollarda g'ovak betonlar g'ovagiga katta miqdordagi suvning bug'lanishi hisobiga erishiladi[1].

O'zining issiqlik o'tkazuvchanlik xossalari bilan g'ovaklikka ega materiallar boshqa

materiallardan avzalligi bilan ajralib turadi. ushbu material o'zining qurilish xususiyatlari bilan mineral va shisha tolali paxta, polistirool va polistiroolbeton, ko'pikli izolyasiya, ko'pik shisha kabi ko'plab an'anaviy issiqlik izolyasion materiallardan ustunlik jixatlari mavjuddir. bunday materiallardan tayyorlangan mahsulotlar keskin iqlim va iqtisodiy qiyin sharoitlarga yaxshi natija beradi va quyidagi bir qator muhim avzalliklarga ega: issiqlik o'tkazuvchanligi, zichligi, suvni singdirish ko'rsatkichlarining past ko'rsatkichlarga egaligi, yuqori haroratga chidamliligi ortishi, ekspluatatsiya muddatining uzoqligi, yuqori chidamlilik, ekologik tozaligidir. 1.1 jadvalda turli materiallardan barpo etilgan devorlarning ayrim ko'rsatkichlarini ko'pikbeton devorlari bilan taqqoslash keltirilgan.

1.1-jadval

Turli materiallardan tashkil topgan devorlarning tavsifi

№	material nomi	o'rtacha zichligi, kg/m ³	issiqlik o'tkazuvchanligi, vt/m °s	mustaxkamlik, mpa	devorning qalinligi, sm
1	keramzitobetont	1150...1200	0,42...0,5	5,5	60...80
2	bo'liqsiz keramik	1700	0,7...0,81	15,0	120...130
3	bo'liqli keramik g'isht	1400	0,58...0,64	10,0	80.90
4	silikat g'isht silikat	1800	0,76...0,87	20,0	130-140
5	gazobeton	700	0,28...0,3	3,9	58
		600	0,22...0,26	3,0	50
6	penobeton	700	0,28...0,3	3,5	54
		600	0,22...0,26	2,7	42

Bog'lovchi modda turi bo'yicha g'ovak betonlarning quyidagi turlarini olish mumkin:

- sementli – gazbeton va ko'pikbeton;
- ohak bog'lovchini – gazzilikat, ko'piksilikat;
- magnezial bog'lovchili - gazzmagnezit va ko'pikmagnezit;
- gipsli (yuqori mustahkamli)-gazzgips va ko'pikgips.

G'ovak – engil betonlar vermikulit, keramizit, perlit yoki boshqa ko'pchitilgan materiallar ko'rinishida 20-30% miqdoridagi havoli yirik to'ldiruvchiga ega. qotish usuli bo'yicha g'ovak betonlar tabiiy va sun'iy qotish usuliga ega. birinchisi atmosfera sharoitida, ikkinchisi esa uni suv bug'i bilan issiklik va namlik bilan qayta ishlov sharoitida qotadi[2].

Ko'pikpolistirool, mineral tolali paxta va boshqa issiqlik izolyasiyalovchi materiallardan foydalangan holda, ko'p qatlamli konstruksiyalarga o'tish har doim binolarning ekspluatatsiya xizmat muddati odatdagi ishlash muddatidan sezilarli darajada oshib ketganligi sababli har doim ham oqlanmaydi. bunday inshootlardan foydalanishning kengayishi, shuningdek, ularning yong'inga chidamliligi, atrof muhitning odamlarga zararli ta'siri va boshqa bir qator omillar bilan cheklanadi. bunday vaziyatda bino devor konstruksiyalarini issiqdan himoya qiluvchi xususiyatlarini oshirish va ularni tannarxini pasaytirishda, issiqlik izolyasiyalovchi yacheykali betonlarni ishlab chiqarish va ulardan foydalanish masalasi optimal echim bo'lishi mumkin[3].

So'nggi yillar ichida, monolit tarzda binolar qurilishining ko'payishi oqibatida boshqa devorbop materiallari qatorida avtoklavli gazobetonlarning iste'mol ulushini kengaytirib, g'ishtli va panelli uylarni qurish esa uy joy qurilishidagi xissasining kamayishi an'anaga aylanib borishi kuzatilmoqda[4].

Adabiyotlar.

1. Алёхин И.С, Люсов В.Н. Экономическая эффективность использования вторичных ресурсов в промышленности строительных материалов
2. Горлов Ю.П. Технология теплоизоляционных и акустических материалов и изделий, с Учебное пособие. Москва, "В. школа", 1989г. -384
3. Технологический регламент Технологический регламент производства асбестоцементных изделий комбината АЦИ «Красный строитель» г. Воскресенск.
4. Переработка промышленных отходов в строительные материалы. Экологическая технология. -М.: 1979

QURILISHDA ISHLATILADIGAN G'ISHTLARNING TURLARINING TAXLILI.

Asqarov X.A., Askarova M.

Assistent, Andijon iqtisodiyot va qurilish inistituti

Mamasoliyev M.

Talaba, Andijon iqtisodiyot va qurilish inistituti

Elektron pochta:asqar.xasanjon7413gmail.com

Bugungi kunda O'zbekistonda uy-joyga bo'lgan talab juda yuqori. Namunaliy uy-joylarni orzon narxlarda qurib bitkazib axoliga topshirish esa davlat siyosati darajasiga ko'tarilgan. Buni isboti sifatida qurilish vazirligining 2017-2021 yillarga rejalashtirilgan namunaviy uy-joylarni qurish to'g'risidagi qaror va farmonlar shu jumladan. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "2017-2021 yillarda qishloq joylarda yangilangan namunaviy loyihalar bo'yicha arzon uy-joylar qurish dasturi to'g'risida" 2016 yil 21 oktyabrdagi 2639-son qaroriga asosan.

Respublikamizda 2017 yilda 14 587 ta, 2018 yilda 21 550 ta, 2019 yilda 355 ta ko'p qavatli, 15 ming 10 ta arzon uylar, 2020 yil 13 ming 750 ta kvartirali turar joylar qurilishini amalga oshiradi. Bundan ko'rinib turibdiki sifatli g'ishtga bo'lgan talab juda yuqori shu bois gishlarni sifat darajasini taxlil qilinishi slozim.

G'ishtlar tabiiy va sun'iy (mineral) materiallardan tayyorlanadi. Xom va pishiq turlarga bo'linadi. Xom g'isht tabiiy sharoitda quritiladi. Pishiq g'ishtni tayyorlashning "ho'l" va "yarim quruq" usullari bor. Oddiy pishiq g'ishtni "ho'l" usulda tayyorlash uchun sog'tuproqdan loy tayyorlanadi, yaxshilab pishiriladi, qoliplanadi, quritiladi va xumdonda pishiriladi. "Yarim quruq" usulga ko'ra, 8-10% namliqdagi tuproq massasi 120-150 kg/sm² bosim ostida po'lat qoliplarda maxsus presslarda presslanadi, keyin 1000° ga yaqin temperaturada aylanma yoki tunnel xumdonlarda pishiriladi. Bu usul g'ishtning o'lchamlari aniq va shakli to'g'ri bo'lishini ta'minlaydi. Siqilishga mustahkamlik chegarasi bo'yicha g'ishtlar 5 markaga bo'linadi: 150; 125; 100; 75; 50. "Ho'l" usul bo'yicha tayyorlangan g'ishtlarning hajmiy og'irligi o'rtacha 1700 kg/m³ "yarim quruq" usulda tayyorlangan g'ishtniki esa 1900 kg/m³ni tashkil etadi. Hajmiy og'irligi 1400 kg/m³ dan kam bo'lgan yengil g'ishtlar ham binokorlikda keng ishlatiladi. Siqilishga mustahkamlik chegarasi 50-100 kg/sm² va hajmiy og'irligi 1000- 1400 kg/m³ bo'lgan g'ishtlar imoratlarning yuk ko'taruvchi devorlarini tiklashda qo'llanadi. Siqilishga mustahkamlik chegarasi 35-50 kg/sm²va hajmiy og'irligi 700-1000 kg/m³ bo'lgan yengil g'ishtlar oddiy devorlarda, issiq-sovuqni o'tkazmaydigan (izolyatsion) material sifatida hamda sinchli binolarda sinchlar orasini to'ldirishda ishlatiladi. Hajmiy og'irligi 500-700 kg/m³ va mustahkamlik chegarasi past (6-15 kg/sm²) bo'lgan g'ishtlar qozon, quvur va pechlarga qoplash uchun qo'llanadi.

G'ishtlarning g'ovakli, ko'p teshikli, kislotaga, o'tga chidamli maxsus xillari mavjud. Silikat g'ishtlar ham ishlab chiqariladi. Silikat g'ishtlar tayyorlash uchun kvarts qumi (92-95%), ohak (5-8%) va suv aralashmasidan iborat massa yuqori bosim va temperatura ostida avtoklavlarda qotiriladi. Silikat g'isht sarg'ish kulrang ko'rinishda bo'ladi. Uning hajmiy og'irligi 1700–1900 kg/m³ Bunday g'ishtlar fuqaro va sanoat binolarining yuk ko'taruvchi devorlari va ustunlarini tiklashda ishlatiladi. Silikat g'ishtlar namga, yuqori temperatura (500° dan ortiq) ga uncha chidamli bo'lmagani uchun pech va mo'rilarda, poydevor va sokollarda ishlatilmaydi.

O'zbek milliy me'morligida kvadrat shaklidagi (24x24x5 sm) "mu-sulmon" g'ishtlar keng qo'llanilgan. O'zbekistonda 19-asr 2-yarmidan to'rtburchak shaklli (28x13x7 sm va 37x23x9 sm o'lchamli) "nikolay" g'ishtlari ishlatilgan. Hozir asosan 25x12x6,5 sm o'lchamli va bir yarimtali (25x12x8,8 sm) pishiq g'isht ishlatiladi.

Adabiyotlar.

5. Askarov, X., & Mamajonov, M. (2023). INSHOOT VA BINOLARGA ZILZILA TA'SIRI NATIJASIDA YUKLAR TAHLILI. *GOLDEN BRAIN*, 1(6), 12-14.
6. ФУНДАМЕНТОВ, М. Г. О. И., & ГРУНТОВ, С. И. Р. (2021). Махмудов Саид Махмудович. Н34 Наука и инновации в XXI веке: Материалы Международной, 316.
7. Askarov, X. (2023). SILIKAT MATERIALLARDAN TAYORLANGAN G'ISHTLARDAN BINO INSHOOTLARINI QURISH TAHLILI. *GOLDEN BRAIN*, 1(8), 162-164.
8. Askarov, X., & Mamajonov, M. (2023). INSHOOT VA BINOLARGA ZILZILA TA'SIRI NATIJASIDA YUKLAR TAHLILI. *GOLDEN BRAIN*, 1(6), 12-14.
9. LEGO G'ISHT ISHLAB CHIQRISH TEXNOLOGIYASINI TADQIQ QILISH X Askarov, B Mirzayev - *GOLDEN BRAIN*, 2023
10. Askarova M, Askarov X, Axmadaliyev U, BINO VA INSHOATLARNI QURISHDA ISHLATILADIGAN G'ISHTLARNING TAHLILI. «SCIENTIFIC PROGRESS» Scientific Journal ISSN: 2181-1601 VOLUME #2, ISSUE #1, MAY 2021 Uzbekistan.
11. 12. Kh Fayziev, Sh Rakhimov, M Tashtanova, O Yalgashev, G Adkhamova Building properties of phosphogypsum as a material of sludge dumps of enclosing dams International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology ISSN: 2350-0328 Страницы 10270-10277 1-том Vol. 6, Issue 7 , July 2019 год.

YOG'UCH MATERILLAR

Anvarjonov Isomiddin

Saydullaev Nodir

Sanayev Komil

Jizzax politexnika inistituti

asisstenti Ismoilov Dilshod

Annotatsiya

Yog'och qadimdan qurilish sohasida qurilish homashyosi sifatida foydalanilgan. Yog'och materiallar tabiiy yog'ochdan tayerlanadigan taxta, hari, xoda va b.; tabiiy yog'ochga bog'lovchi moddalar (sintetik smolalar) shimdirib va yuqori harorat, bosim ostida ishlov berib, yelimlab olinadigan qurilish, mebelsozlik, kemasozlik materiallari. Tayyorlanish usuliga ko'ra tilingan va tilinmagan, presslangan, modda shimdirilgan, qatlamqatlam qilib yelimlab yopishtirilgan yog'ochlarga, yog'och plastika va plitalarga bo'linadi.

Абстрактный

Древесина использовалась в качестве строительного материала в строительстве с древних времен. Деревянные материалы изготавливаются из натурального дерева, такого как доски, хари, брус и т. д.; строительные, мебельные и судостроительные материалы, которые приклеиваются к натуральной древесине путем пропитки и обработки под высокой температурой и давлением (синтетические смолы). По способу приготовления она делится на строганую и нестроганную, прессованную, пропитанную, послойно склеенную древесину, древесно-пластиковую и плитную

Abstract

Wood has been used as a building material in the construction industry since ancient times. Wooden materials are made of natural wood such as planks, hari, beams, etc.; construction, furniture, and shipbuilding materials that are glued to natural wood by soaking and processing under high temperature and pressure (synthetic resins). According to the method of preparation, it is divided into sliced and unsliced, pressed, impregnated, layer-by-layer glued wood, wood plastic and plates.

Kalit soʻzlar: Makrostrukturasi, mikrostrukturasi, yillik xalqalar, yogʻochli kambii, lakqatlam

Ключевые слова: Макроструктура, микроструктура, годовые кольца, древесный камбий, смазочный слой

Keywords: Macrostructure, microstructure, annual rings, woody cambium, lube layer.

Yogʻoch eng qadimgi qurilish materiali boʻlib, er sharida notekis tarqalgan. Oʻrmon qayta tiklangani uchun yogʻoch bitmas-tuganmas qurilish materiallari va buyumlari zaxirasidir. Yogʻoch tayyorlanadigan oʻrmonlar Rossiya, Xitoy, Ukraina, Kavkaz, Qozogʻiston kabi mamlakatlarda koʻplab uchraydi.

Yogʻoch yuqori mustahkamlik, qayishqoqlik, issiqlik izolyasiyalovchi, suv va organik erituvchilarga chidamlilik xususiyatlariga ega. YOgʻoch oson qayta ishlanadi, elimlash, mix qoqish mumkin. Ammo tolasimon tuzilishi tufayli xossalarning turiligi, namlikdan deformatsiyalanishi, yonuvchanligi, chirishi kabilar yogʻochning kamchiligidir. Qurilishda yogʻoch xari, taxta, shpal, brus, xollarida ishlatiladi. Yogʻochni qayta ishlaganda hosil boʻlgan payraxa va qipiqdan fibrolit, arbolit, yogʻoch tolali va yogʻoch payraxali plitalar tayyorlash mumkin.

Daraxt ildiz, tana va shox-shabba qismlaridan iborat boʻlib, ularning koʻlami daraxtning turiga bogʻliq boʻladi. Daraxtning tana qismi 60-90% tashkil etib, sanoatda qayta ishlash ahamiyatiga egadir. YOgʻochning makrostrukturasi oddiy koʻz yoki lupa yordamida, mikrostrukturasi esa, faqat mikroskop yordamida oʻrganish mumkin.

Yogʻoch makrostrukturasi. Makrostrukturani tanani tangensial, radial va koʻndalang qirgimlar yordamida oʻrganiladi. Daraxt tanasi oʻzak, yogʻochlik kambii va poʻstloq qismidan iborat boʻladi

Oʻzak juda boʻsh bogʻlangan xujayralardan iborat boʻlib, kichik mustahkamlikka ega va namlik taʼsirida tez chiryadi. Poʻstlogʻi tashqi qobiq va ichki lub qatlamlaridan tashkil topgan boʻlib, daraxtning tashqi muhit taʼsiri va mexanik shkastlanishlardan saqlaydi. Lub qatlami orqali oʻsayotgan daraxt oziqlanadi. Lub qatlami ostida yupqa kambii xujayra qatlami joylashgan. Har yili daraxtning oʻsish davrida kambii poʻstloq va ichki tomonga yogʻoch xujayralarini suradi va yogʻochlik kengayib boradi. SHu sababli, daraxtning koʻndalang kesimida yillik xalqalar hosil boʻladi.

Yillik xalqalar ikki qatlamdan iborat.

Fizik xossalari. YOgʻoch tarkibi asosan sellulyozadan iborat boʻlgani uchun uning zichligi oʻzgarmas boʻlib, qiymat jihatidan 1,54 g(sm³ teng).

Yogʻochning oʻrtacha zichligi esa, uning turiga nisbatan oʻzgaruvchan boʻladi. Xatto bir turdagi yogʻochning oʻrtacha zichligi daraxtning oʻsgan joyi, obhavosi, tuprogʻi tarkibiga qarab

o'zgaruvchan bo'lishi mumkin. YOg'och namligining oshishi uning o'rtacha zichligining oshishiga olib keladi. SHuning uchun yog'ochning standart o'rtacha zichligi nisbiy namligi 12% bo'lganda aniqlanadi.

Tekstura-yog'ochning yillik xalqalari, nurlari, yog'ochligidan iborat tabiiy chizgilardir. Dub, buk, yasen, chinor, nok, yong'oq daraxtlari teksturasi chiroyli hisoblanadi. Tropik yog'ochlar-ebek qora, bakut qo'ng'ir rang, qizil va temir daraxtlari juda chiroyli teksturaga ega bo'ladi. Zich yog'ochlar qayta ishlaganda yaltiraydi, namlik ta'sirida chirish bu xususiyatni kamaytiradi.

Yog'ochning nuqsonlariga daraxt tanasining shakli o'zgarishi, tuzilishining normal holatdan farqlanishi, biologik omillar ta'sirida buzilishi kiradi. Yog'ochning nuqsonlari uning sifatini pasaytiradi va ishlatish soxasini keskin kamaytiradi. SHartli ravishda yog'och nuqsonlarini quyidagi guruxlarga bo'lish mumkin: ko'zlar, yoriqlar, yog'och tanasi normal shaklining va yog'och tuzilishining buzilishi, rangining turlanishi, chirishi, qurtlashi va shkaslanish.

Ko'zlar. Ko'z daraxt tanasidagi kesilgan shoxdan qolgan asosdir. Daraxt qancha sershox bo'lsa, undan tayyorlangan yog'och ham shunchalik ko'zli bo'ladi. Ko'zlar yog'ochni qayta ishlashni qiyinlashtiradi va mexanik xossalarini yomonlashtiradi. Ayniqsa, yog'och cho'zilishga ishlaydigan joyda ko'zlar katta xavf tug'diradi. Ko'zlar qirqimi doira, oval, cho'zinchoq shaklida bo'ladi.

Yoriqlar. YOriqlar ichki omillar (mag'zi qurishib) va tashqi omillar (shamol va sovuq ta'siri) ta'sirida yog'ochning tolalari bo'ylab yorilishi natijasidir. YOriqlarni shartli ravishda chatnoq, ajroq, sovuqdan yorilish va qurib yorilish xillariga ajratish mumkin.

Fanera. Fanera uch va undan ortiq shponlarni (yog'och tasmalar) ustma-ust elimlab hosil qilingan materiallardir. SHponlarni ustma-ust elimlaganda bir qatlamdagi shponlarning tolalari keyingi qatlam shponlarining tolalariga nisbatan perpendikulyar holatda joylashishi kerak. Odatda ko'zli shponlar o'rta qismlarga joylashtiriladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. В.А. Мирбобоев. Конструкцион материаллар технологияси. –Т.: Ўқитувчи, 1991 й.
2. А.Н. Дальский. и др. «Технология конструкционнўх материалов». –М.: ЗМашиностроение, 1990 г. 3. С.А. Тўрахонов. Металлар технологияси. –Т.: Ўқитувчи, 1991 й.

SEMENTNI KIMYOVIY TARKIBI VA QURILISH JARAYONLARIDAGI AHAMIYAT.

T.f.d. (PhD) Egamberdiyeva Shaxnoza Abdurashidovna
Assistent Jurayev Tulqinjon Ermaxammadovich
Assistent Abdurakhmonov Akhmatjon Maxammadovich
Andijon iqtisodiyot va qurilish instituti,
O'zbekiston Respublikasi, Andijon sh.
akhmadjon00@gmail.com
[+998932435780](tel:+998932435780)

***Annotatsiya:** Sementni kelib chiqish tarihi va O'zbekistonda dastlabki qorishmalarni ishlatilish tarihi Hozirda qurilish sohasida strategik ahamiyatga ega bo'lgan abiyektlarda sementni komyoviy tarkibini ahamiyati.*

Kirish.Zamonaviy sementlarning rivojlanishi Buyuk Britaniyada 1750-yillarda boshlangan. Muhandislar va tadqiqotchilardan tortib kimyogar olimlar va tamirchilargacha bo'lgan ko'plab odamlar keyingi asrlarda asta-sekinlik bilan sement formulalarni ishlab chiqdilar va takomillashtirdilar[1]. Ularning aralashmalari loy, slanets, shifer yoki bo'r bilan aralashirilgan qizdirilgan ohak yoki maydalangan ohaktoshning turli xil birikmalaridan tashkil topgan. 1824 va

1853 yillar orasida Lidslik Jozef Aspdin va uning o'g'li Uilyam shu davrdagi yuqori aniqlikdagi formula va jarayonni ishlab chiqdilar. 1860-yillarda Qo'shma Shtatlar va Germaniyada aylanma pechlarning joriy etilishi kimyoviy tarkibni yaxshilash kabi muhim ahamiyatga ega bo'ldi. Bu yangi qurilmalar ancha yuqori navli sement mahsulotini amalda uzluksiz ishlab chiqarish imkonini berdi[2-3].

Yuqori haroratlarda xom ashyo bir-biri bilan yuqori xaroratli pechlarda reaksiyaga kirishadi. Molekulyar tarkibi yuqori xaroratli pechlarda kalsiylash orqali qayta tuziladi. Natijada bir qator murakkab kimyoviy birikmalar hosil bo'ladi.

Sementning asosiy birikmalari, ularning nomlanishi va faraziy vazni

Nomlanishi	Formulasi	Qisqartirilgan formulasi	Ilmiy nomlanishi	Massa og'irligi(%)
Kalsiy silikat	$3\text{CaO}\cdot\text{SiO}_2$	C_3S	Alit	45-60
Kalsiy silikat	$2\text{CaO}\cdot\text{SiO}_2$	C_2S	Belit	15-30
Uchkalsiy alyuminat	$3\text{CaO}\cdot\text{Al}_2\text{O}_3$	C_3A	Selit	5-15
To'rtkalsiy aluminoferrit	$4\text{CaO}\cdot\text{Al}_2\text{O}_3\cdot\text{Fe}_2\text{O}_3$	C_4AF	Selid	5-8

Ba'zi bir sementlar tarkibida MgO Na₂O K₂O birikmasini massa jihatdan juda oz holatda uchratishimiz mumkin.

Sement tarkibidagi oksidlarni massa jihatdan og'irligi (%)

Oksidlar	Tarkibi massa(%)
CaO	63
SiO ₂	20
Al ₂ O ₃	6
Fe ₂ O ₃	3
MgO	1.5
Na ₂ O K ₂ O	1
SO ₃	2

Uch kalsiyli silikat

- Uni eng yaxshi sementlash materiali deb hisoblash mumkin.
- Bu sement klinkerlarini maydalashni osonlashtiradi
- Bu muzlash va eritishga qarshilikni oshiradi
- Dastlabki bosqichda gidratlanganligi sababli, u sementning erta kuchini ta'minlaydi
- Uning gidratatsiyasi va hosil bo'lgan gel xususiyati sementning 7 kunlik mustahkamligi bilan birga sementda qattiqlikni keltirib chiqaradi
- Uning tarkibini belgilangan chegaralardan tashqariga oshirish gidratsiya issiqligini sezilarli darajada oshirishi va sementning suvda eruvchanligini oshirishi mumkin.

Ikki kalsiyli silikat

- Uning gidratsiyasi vaqt talab etadi, shuning uchun qattiqlashuv keyingi bosqichda sodir bo'ladi
- Mustahkam qotishi bir yildan keyin rivojlanadi
- Kimyoviy ta'sirga chidamliligini ta'minlaydi
- Uning tarkibini ko'paytirish klinkerlarni maydalashni qiyinlashtiradi, erta kuch va gidratatsiya jarayonida issiqligini pasaytiradi

-Bir yil o'tgach, C_2S ning mustahkamlik va qattqlikka qo'shgan hissasi C_3S ga deyarli teng bo'ladi.
-Birgalikda tsement birikmalarining 70-80% ni tashkil qiladi. tsementning kuchining katta qismi faqat shu ikki birikmadan olinadi. Hidratsiyadan so'ng ular $C_3S_2 H_3$ va $Ca(OH)_2$ ni beradi. Ammo C_3S erta kuch beradi, C_2S esa yakuniy kuch uchun javobgardir.

Uchkalsiy aluminat

-Suv bilan tezda reaksiyaga kirishishi mumkin
-Bu sement pastasini zudlik bilan qotib qolishi natijasida mayda maydalangan klinkerning chaqna ketishiga olib keladi. Buning oldini olish uchun sementni maydalash vaqtida 2-3% gips qo'shiladi
-U dastlabki sozlash, gidratatsiyaning yuqori issiqligi va volumetrik o'zgarishlar uchun tasirchandir; shuning uchun u sementni yorilishdagi sabablaridan biri
-Uning tarkibini ko'paytirish sozlanish vaqtini, sulfat ta'siriga qarshilikni, yakuniy quvvatni va gidratatsiyada issiqligini pasaytiradi.

To'rt kalsiy aluminoforit

-Bundan tashqari, u C_3A bilan birga sementning porlashi uchun javobgardir, lekin u kamroq issiqlik hosil qiladi.
-Uning sementlash ulushi hammasidan kam
-Uning tarkibini oshirish kuchini pasaytirishga olib keladi

Hozirda yurtimizga qurilish ishlari jadal ravishda rivojlanib boryapti va yuqori sifatli sementlarga ehtiyoj yildan yilga o'sib boryapti. Bu qurilish ishlariga sement hom ahyosi juda muhim rol o'ynashini hisobga olgan holda sementga qo'yiladigan talablar yuqori bo'ladi. Ko'p qavali uy qurish va boshqa davlatni strategik ahamiyatga ega bo'lgan murakkab konstruksiyali qurilishlarda sementga quydagi talablar talab etiladi: erroziyaga chidamlilik, sovuqqa chidamlilik, issiqqa chidamlilik, yuqori balli yer qimirlashlarga chidamli bo'lishi kerak. Sementni murakkab qurilishlarga maqsadli yo'naltirish uchun sementni kimyoviy tarkibini to'liq o'rganish muhim ro'l o'ynaydi.

Foydalanilgan adabiyoti.

1. Sharipbayeva, Y. M., & Askarova, M. R. (2022, November). ANALYSIS OF SOIL NEMATODES OF PLANTATIONS GROWN IN MELILOTUS OFFICINALIS DESCR. In *INTERNATIONAL CONFERENCES* (Vol. 1, No. 10, pp. 18-20).
2. D. Sh. Kadirva "Bog'lovchi moddalar" (Bog'lovchi moddalar va maxsus sementlar) \\Tashkent 2019 №3 21-28 bet.
3. A. X. Mamirov, Z. H. Qurbonov "Bog'lovchi moddalar fanidan o'quv uslubiy majmua" Jizzah 2021 №4 43-51 bet.


DEVORBOP QURILISH MATERIALLARI ISHLAB CHIQRISH

Iqtidorli talaba: Murodova Muhayyo Laziz qizi
Termiz muhandislik-texnologiya instituti

Bugungi kunda qurilish materiallari ishlab chiqarish va juda ko'p tarqalgan kaolin, giltuproqlarning o'zi va qo'shimchalar bilan ishlatiladigan giltuproqlar sopol buyumlar ishlab chiqarish uchun zarur xom ashyodir. Giltuproq suv bilan aralashirilganda u xohlagan shakl berish mumkin bo'lgan plastik loyga aylanadi. Keramika - maxsus tuproq (gil, kaolin) yoki tuproq bilan turli minerallar aralashmasidan hosil qilingan aralashmani pishitib, undan tayyorlangan va keyin qattiq qizdirib hosil qilingan mahsulotdir. Barcha keramik materiallar g'ovakligiga qarab massasiga ko'ra suv shimuvchanligi 5% dan ko'p (odatda, 10 .. 20% chegarasida) bo'lgan g'ovakli va suv

shimuvchanligi 5% dan kam bo'lgan zich materiallarga bo'linadi. Keramikadan qurilishda (g'isht, cherepitsa, plita, qoshiq, quvur, sanitar-qurilish buyumi va boshqalar), uy-ro'zg'orda (sopol va chinni idishlar) va texnikada (elektr izolatori va boshqalar) keng foydalaniladi.

Devorbop sopol buyumlar qurilishda ishlatiladigan devorbop buyumlarning 50% ni tashkil etadi. Zichligiga ko'ra devorbop sopol buyumlar (g'isht, sopol tosh) 3 qismga bo'linadi: -effektiv - zichligi 1400 - 1450 kg/m³ dan ko'p emas, issiqni yaxshi ushlab tura oladigan; - shartli effektiv - 1450 - 1600 kg/m³; - oddiy - 1600 kg/m³ dan katta. Oddiy pishiq g'ishtning o'lchamlari 250x120x65 mm bo'lib, qirralari to'g'ri, aniq, yuzasi silliq va tekis bo'lishi kerak. Tomonlari 3 mm gacha farq qilishi mumkin.



1
-
Ras
m.
Oddi
y
pishi

q g'ishtning o'lchamlari 250x120x65 mm.

Qurilishda ishlatiladigan sopol ashyolar zichligiga ko'ra 2 guruxga bo'linadi: g'ovak va zich. G'ovak sopol ashyolarga suv shimuvchanligi 5% dan ko'p bo'lgan buyumlar kiradi. Zich sopol ashyolarga suv shimuvchanligi 5% dan kam bo'lgan buyumlar kiradi. Bunday buyumlarga sirlanmagan, ammo eritib qoliqlangan (yo'l qurilishida va qoplama taxtachalar sifatida ishlatiladigan klinker, pol va qoplama sopol taxtachalar), sirlangan (binoning old qismini qoplashda ishlatiladigan pardozbop g'ishtlar, qoplama sopol taxtachalar, kanalizatsiya quvurlari) sopol buyumlar kiradi. Devorbop keramikaga oddiy keramik g'isht, turli effektiv keramik materiallar (kovakli, g'ovakli va kovakli-g'ovakli g'ishtlar, yengil, kovakli keramik toshlar, bloklar va plitkalar) hamda yirik o'lchamli bloklar va g'isht, keramik tosh asosidagi panellar kiradi. G'isht va tosh normal pishirilgan bo'lishi kerak. Yetarli darajada kuydirilmasa (alvon rangli) mustahkamligi past, suvga va sovuqqa chidamli bo'lmaydi, o'ta pishgan g'isht va tosh esa juda zich, mustahkam, lekin issiq o'tkazuvchanligi yuqori bo'ladi. Keramik g'isht va toshlar tashqi nuqsonlari quyidagicha izohlanadi: o'lchamlardagi o'zgarishlar, qirra va qovurg'alarining notekisligi, uchganligi, darzlar va boshqalar. Nuqsonli g'ishtlar umumiy g'ishtlar sonining 5% oshmasligi kerak.

Modulli g'ishtlar o'lchamlari 250x120x88 mm va dumaloq yoki to'rtburchak kovakli bo'ladi. Devorbop qurilish materiali g'ishtning siqilishdagi va egilishdagi mustahkamlik chegarasi bo'yicha g'isht quyidagi markalarga bo'linadi: 75; 100; 125; 150; 175; 200 va 300. G'isht va toshlarning sovuqqa chidamliligi 15, 25, 35 va 50 sikl bo'ladi. Suv shimuvchanligi 150 markadagi to'liq g'isht uchun 8% kam emas, yuqori markadagi to'liq g'ishtlar uchun 6% kam bo'lmasligi



shart.

2-Rasm. Modulli g'ishtlar o'lchamlari 250x120x88 mm.

G'isht va toshlarning kovaklari yuzaga nisbatan parallel yoki perpendikulyar bo'lishi va kovaklar ikkala tomoni yoki bir tomoni ochiq bo'lishi mumkin. Ochiq silindrik kovaklarning diametri 16 mm gacha, tirqishsimon kovaklarning eni 12 mm gacha bo'lishi kerak. Effektiv g'isht va toshlarning ishlatilishi tashqi devor qalinligini kamaytiradi va material sarfini 40% pasaytiradi, bino zaminiga tushadigan kuchni va transport xarajatlarini qisqartiradi.

Zavoddan iste'molchiga yuborilayotgan g'isht partiyasi pasportida g'ishtning turi, o'rtacha zichligi, sovuqqa chidamliligi va bu ko'rsatkichlar aniqlangan Davlat standarti (DSt) ko'rsatiladi.

Xulosa qilib aytganda, oddiy va modulli to'liq plastik presslangan g'ishtlar ichki va tashqi devorlar, sokol va poydevorlar, pollar qurilishida ishlatiladi. Yarim quruq usulda olingan to'liq g'isht va kovakli g'ishtlar sokol va poydevorlarning doimo suv tegib turadigan qismida ishlatilmagani ma'qul.

Foydalanilgan adabiyotlat ro'yhati:

1. To'laganov A.A., Kamilov X.X., Vohidov M.M., Sulonov A.A. Zamonaviy qurilish materiallari, buyumlari va texnologiyalari. O'quv qo'llanma, Toshkent, TAQI, 2014 b.
2. Qosimov E. Qurilish ashyolari. T.: Mehnat, 2004.

POLIMER CHIQINDILAR ASOSIDA SHO'RGA VA ISSIQQA CHIDAMLI QOPLAMA QURILISH MATERIALLARI ISHLAB CHIQRISH TEXNOLOGIYASINI YARATISH

Ismoilova H.M., Abdullayeva U.K., Yuldasheva Z.X.,

Urganch davlat universiteti dosent, Urganch sh.

Urganch davlat universiteti magistrant, Urganch sh.

Urganch davlat universiteti magistrant, Urganch sh.

E-mail: himoyat2018@mail.ru Tel:+998942300846

1. Kirish.


Bugungi kunda Xorazm viloyatining suv resurslari va tuproq sistemasi respublikamizdagi sho'rlanish darajasi yuqori bo'lgan hudud hisoblanadi. Shuning bilan birgalikda ayniqsa yoz paytlarida xavo haroratining noodatiy tarzda isib ketishi, qishning quruq sovuq bo'lishi hamda suvlar va xatto xavo xam sho'rlanishi natijasida qurilish materallari va yodgorliklarning poydevorlarida to'plangan tuz qatlamlari natijasida qurilish materallarining sifatining pasayishiga olib keladi. Hozirgi kunda respublikamizning iqlim muhitidan kelib chiqib polimer-qum kompozitlarga bo'lgan talab juda yuqori va respublikamizda sanoat miqyosida ishlab chiqarish dolzarb muammo hisoblanadi. Shu muammolarni inobatga olgan holda talab etilgan polimer-qum qurilish material turlarini kengaytirish, ichki bozorni import o'rnini bosuvchi, raqobatbardosh masulotlarni ishlab chiqarish va ichki bozorni ular bilan to'ldirish muhimdir. Polimer-qum kompozitdan tayyorlangan plitkalar ekologik toza material, -50 dan +70 haroratlarga hamda atmosfera yog'inlariga chidamli, yengil vazni tufayli tashish oson, og'ir yuk yoki zarba ta'sirida sinmaydigan yangi avlod innovasion materialdir.

Rossiya Fanlar akademiyasi Sibir bo'limi olimlari S.S. Davaasenge, O.N.Bureninalar tomonidan polietilen chiqindilarini mahalliy gil materiallari bilan aralashmasidan g'isht ishlab chiqarish taklif qilingan, ushbu tadqiqotlar natijasida 75 markali g'isht olingani e'tibor etiladi [1]. V.A. Grushko ishlarida linoleum ishlab chiqarish chiqindilari asosida qurilish materiallari olish texnologiyasi ko'rib chiqilgan, bunda chiqindi miqdoriga bog'liq ravishda qurilish eritmalarini qotish tezligi, turli omillarni qurilish materiallari xossalari ta'siri o'rganilgan [2]. Hüs-nügöl

Yilmaz Atay, Muhammet Türkmen tadqiqotlarida yog‘och qirindilarini polipropilen chiqindilari bilan birgalikda ishlab polimer-yog‘och granulalar olingani va ular asosida tolalar shakllantirilgani keltirilgan[3.].

2. Tadqiqotning maqsadi va materallari.

Bugungi kunda yengil, mustahkam va bardoshli polimer-qum mahsulotlari bozordan beton va metallardan tayyorlangan eskirgan analoglarni asta-sekin almashtirilmog‘da. Va bu ajablanarli emas – nisbatan arzon narxda polimer qum plitka yoki lyuklari suvdan, iqlim yog‘inganchiliklaridan va og‘irlik yuklardan qo‘rqmaydi. Shu bilan birga, har bir bunday komponentning kutilayotgan xizmat muddati eng qiyin sharoitlarda kamida 50 yil ishlaydi. Xozirgi kunda ishlab chiqarishimizda polimer qum mahsulotlari jarayoni eng kichik detalrigacha mukammal o‘rganilgan. Polimer qum materiallar ishlab chiqarishda afzalligi arzon ikkilamchi polimer xom ashyosi (sumkalar, issiqxona plyonkasi (ishlatilgan), polimer ishlab chiqarishdan olingan sanoat chiqindilari) mavjudligi, buyurtmachini talabiga ko‘ra istalgan rangga bo‘yalishi, yuqori rentabillik darajasi hamda uzoq yil xizmat qilishi bilan boshqa qurilish materallardan ustun turadi[4]. Xorazm muhitiga mos yangi turdagi qurilish materiallarni sanoat miqiyosida ishlab chiqarish texnologiyasini yaratish asosiy maqsadimizdir.



Xulosa.

Polimer-qum aralashmalarining afzalliklaridan biri bu polimer qum aralashmasining tarkibiy qismlari soddaligi. Standart resept yo‘q, har bir ishlab chiqaruvchi uni tarkibiy qismlarning mavjudligiga qarab zavodda mustaqil ravishda ishlab chiqadi. Ushbu mahsulotlarni yaratish texnologiyasining butun nomutanosibligi va o‘ziga xosligi shundaki, polimer qum mahsulotlarini ishlab chiqarishda ishlatiladigan xom ashyo deyarli bepul - oyoq ostida yotib, ba‘zan bizning yashash joyimizni axlatga aylantiradi. Bular turli ko‘rinishdagi polimer chiqindilari: qadoqlash, plastik idishlar, yaroqsiz holga kelgan uy-ro‘zg‘or buyumlari. Xo‘sh, nega odamlar har kuni axlatga tashlaydigan narsalarni qishloq uylarini obodonlashtirish uchun ishlatmaslik kerak? Chiqindilarni polimerlardan tashqari, mahsulot ishlab chiqarishda qum talab qilinadi xolis. Bugungi kunda ekologik texnologiyalar eng ko‘p talabga ega bo‘lib, ular yordamida bir vaqtning o‘zida ikkita eng muhim vazifa hal qilinadi: uzoq xizmat qiladigan tashqi ta'sirlarga chidamli talab yuqori bo‘lgan mahsulotlarni ishlab chiqarish va polimer chiqindilarini yig‘ish va qayta ishlash orqali biz sayyoramizni toza qilishga yordam beramiz!

Foydalanilgan adabiyotlar

1. S.S. Davaasenge, O.N. Burenina. Technology of processing the polymeric waste in building materials //Известия Самарского научного центра Российской академии наук, т. 11, №5(2), 2009.

2. Грушко Виктор Аронович. Композиционные строительные материалы различного функционального назначения с использованием полимер-волоконистых, резино-технических и древесных отходов// кандидат технических наук. 2001.

3. Hüsniğül Yılmaz Atay Use of hornbeam, pine and MDF waste in wood-polymer composites as construction elements// October 2022 Journal of the Indian Academy of Wood Science 19(2012) DOI:10.1007/s13196-022-00303-w

ПРИМЕНЕНИЕ ДОБАВОК ДЛЯ БЕТОНА.

Джизакский Политехнический институт

Шодиев Абдувохид студент группы 810-20 ПСМИиК.

Азимов Б.С. старший преподаватель кафедры «СМ и К»

Аннотация: В данной статье рассмотрены виды добавок используемых при производстве бетонных работ и товарного бетона. Свойства добавок и правила использования их от требуемых свойств бетона.

Ключевые слова: бетон, товарный бетон, добавки, модификаторы, пластификаторы.

При производстве портландцемента, растворов и бетонов в качестве минеральных добавок применяют:

-тонкокомлотые кварцевые пески, мел, известняки, доломиты, гранитный отсев;

-тонкокомлотые добавки магнезита, хромита, талька, шамота, соединений бария (для производства жаростойких бетонов);

-активные силикатные и алюмосиликатные материалы: золу-унос, доменные и топливные шлаки, отходы производства ферросплавов, опоку, трепел и другие. В случае использования труднорастворимых минеральных добавок первостепенное значение приобретают реакции с участием функциональных групп (активных центров) поверхности, которые выступают инициаторами реакций твёрдое-твёрдое, твёрдое-газ и твёрдое-жидкость.

Бетон — один из самых универсальных строительных материалов. Но для того, чтобы сделанные из него конструкции обладали безупречным качеством и служили долго, для состава бетонной смеси недостаточно только правильного сочетания цемента, заполнителя из песка и щебня, и воды. Химические присадки и специальные добавки в бетон изменяют его свойства: повышают прочность, пластичность и морозоустойчивость, позволяющую работать с бетоном даже при низкой температуре. Модификаторы различаются по составу, назначению и свойствам. Отличается и технология их введения в бетон. Одни добавляются в шлам — смесь твёрдых частиц цемента, песка и воды, образующаяся на поверхности бетона. Другие примешиваются в процессе помола сырья, используемого для получения цемента, третьи — при затворении раствора. Так называется процесс смешивания сухих компонентов с водой: это одна из самых ответственных операций в производстве бетона.

Наиболее универсальным и эффективным способом моделирования структуры и регулирования свойств бетона является введение в бетонную смесь дополнительных компонентов - добавок. В настоящее время в экономически развитых странах весь выпускаемый бетон изготавливается с применением разнообразных добавок. Номенклатура известных добавок чрезвычайно многообразна. Добавки, как правило, оказывают полифункциональное воздействие на бетонные смеси и затвердевший бетон. Пока не существует общепринятой классификации добавок.

Наиболее распространенными модификаторами являются так называемые пластификаторы, позволяющие разжижить бетонную смесь для удобства дальнейшей переработки. Можно добиться такого же результата добавлением дополнительной воды, но

при этом теряется плотность, прочность бетона, имеют место усадочные трещины и длительное высыхание конструкции. Применение пластификаторов довольно универсально: с их помощью можно повысить плотность (водонепроницаемость) и прочность товарного бетона, уменьшив количество воды (до 30%) в смеси при сохранении ее подвижности, получить бетон с низкой усадкой. Химические добавки сегодня вносятся при производстве практически всех марок товарного бетона, а также при приготовлении смеси в кустарных условиях. Это современный, простой, эффективный способ улучшения свойств раствора, причем именно в требуемом направлении, или получения продукта с заданными характеристиками. Необходимость усовершенствовать состав и характеристики бетонной смеси за счет присадок возникает в связи со следующими факторами:

-Климатические – температурные перепады, атмосферные осадки, низкие и высокие температуры.

-Эксплуатационные – условия использования, требующие повышенной прочности, термо- и водостойкости.

-Технологические – ускорение или замедление застывания, улучшение подвижности, подготовка к транспортировке, исключение необходимости подачи смеси дозированно.

-Финансовые (экономия портландцемента).

-Воздействие химически агрессивной среды – грунтовые воды с содержанием разрушающих веществ, морская соль. Разнообразие модифицирующих добавок позволяет использовать их комплексно, изменяя свойства бетона в широком диапазоне.

Использованная литература:

1.Касторных Л.И. Добавки в бетоны и строительные растворы. Учебно-справочное пособие. Ростов на Дону. Феникс 2007.

2. Баженов.Ю.М. Технология бетона. Учебник. М.: Изд.АСВ.2011.

VOLFRAM KONINING IKKILAMCHI CHIQUINDISINI QURILISH MATERIALLARI ISHLAB CHIQRISHDA QO‘LLASH UCHUN XUSUSIYATLARINI O‘RGANISH

*Usanova Gulanbar, talaba,
Jizzax politexnika instituti
Parsaeva Nodira Jur‘atovna,
dotsent v.b., Jizzax politexnika instituti
n.parsaeva@gmail.com.*

Kalit so‘zlar: Peroksin chiqindisi, kimyoviy tarkib, granulometrik tarkib.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 23 maydagi PQ-4335-sonli “Qurilish materiallari sanoatini jadal rivojlantirishga oid chora tadbirlari to‘g‘risida”gi Qarorida ta’kidlab o‘tilgan qurilish materiallari sanoatini jadal rivojlantirishga yangi innovatsion materiallar texnologiyasini yaratish va ishlab chiqarishga tadbiriq etish, tarkibiy islohotlarni chuqurlashtirish va zamonaviy qurilish materiallar ishlab chiqarishini jadal rivojlantirish uchun tabiiy xom ashyolar o‘rniga mahalliy ikkilamchi sanoat chiqindilaridan foydalanib sementning markasini (sinfini) oshirish va fizik-mexanik xossalarni yaxshilash keltirib o‘tilgan.

Respublikamizda yuqori sifatli sementlar olish borasida keng qamrovli chora-tadbirlar amalga oshirilib, sementga bo‘lgan talabni ta’minlashga qaratilgan, iqtisodiyotni modernizatsiya qilish va yangi ishlab chiqarish quvvatlarini yaratishga erishilmoqda.

Qurilish materiallari sanoatida ikkilamchi mineral zahira va chiqindilarni qayta ishlash orqali atrof muhitni muhofaza qilish omillariga qo'yiladigan talablar bajariladi va sanoat chiqindilaridan turli xil ikkilamchi qurilish materiallarini yaratib qurilish sanoati iqtisodini rivojlantirish yo'llaridan biri hisoblanadi.

Ushbu tadqiqot uchun dastlabki material sifatida Jizzax viloyati G'allaorol tumanida joylashgan "Qo'yotosh" volfram konining chiqindisi olindi. Jizzax politexnika instituti "Qurilish materiallari va konstruksiyalari" kafedrasida professor-o'qituvchilari va iqtidorli talabalari chiqindining tasdiqlangan pasporti bo'yicha qo'yidagi ma'lumotlar o'rganishdi:

1. Umumiy miqdori: 1816480 tonna;
2. Kelib chiqishi : Volfram rudasini qayta ishlash natijasida hosil bo'lgan;
3. Turi: Noorganik modda;
4. Agregat holati : Qattiq
5. Holati : qum
6. O'lchami (fraksiyasi) : 0,043-1,0 mm

Chiqindining tarkibiy xususiyatlari haqida ma'lumot.

1. Zichligi : 4,5 t/m³
2. Namligi : 10-15%
3. Portlash qobiliyati : portlash xususiyati yo'q
4. Yong'in xavfi : yong'in xavfi yo'q
5. Yuqumli kasalliklar tarqatuvchanligi : yo'q
6. Radiatsiya xavfliligi: radiaktiv emas.

Piroksenitli chiqindining o'rtacha kimyoviy tarkibi quyidagi jadvalda keltirilgan.

Kremniy ikki oksidi	41-48%
Kaliy oksidi	0,5-0,9%
Natriy oksidi	0,9-1,4 %
Kalsiy oksidi	19-22 %
Magniy oksidi	0,8-1,2%
Umumiy uglerod	2,0-3,35%
Alyuminiy uch oksidi	3,7-5,0%
Umumiy temir	8-12%
Umumiy oltingugurt	0,3-1,0 %
Fosfor besh oksidi	0,05-0,07%
Titan ikki oksidi	0,1 %
Marganes	0,8-1,3%
Mis	0,01-0,02 %
Rux	0,02-0,03 %
Svines	0,08-0,013 %
Vismut	0,005-0,009%
Mishyak	0,01-0,02%
Volfram uch oksidi	0,01-0,1 %
P.p.p.	7-15%

Chiqindining sirt qatlaminin granuloimetrik tarkibi quyidagicha:

1,00 mm	- 1% dan kamroq
1,0-0,5 mm	1-2%
0,5-0,3 mm	5-10%
0,3-0,2 mm	2-3 %

0,2-0,15 mm	8-10%
0,15-0,1 mm	22% gacha
0,1-0,071 mm	5-6%
0,071-0,043 mm	12-18%
0,043 mm	35-36%

Hozirgi kungacha bajarilishi lozim bo'lgan ishlardan kalendar reja asosida bir qator ishlar amalga oshirildi. Kalendar reja asosida tajriba ishlari olib borildi sanoat chiqindisining qurilishda ishlatish uchun yaroqliligini, ya'ni mineral qo'shimchani nurlanish darajasi Jizzax viloyati SEO va JSB radialogiya laboratoriyasida aniqlandi va qurilishda ishlatish uchun yaroqliligi to'g'risida ma'lumotnoma olindi, kimyoviy tarkibi "Mega invest industrial" qo'shma korxonasi laboratoriyasida aniqlangan.

Xulosa qilib shuni aytish kerakki, Jizzax viloyati, G'ayllaorol tumani, Qo'ytosh volfram konining chiqindisini sement ishlab chiqarishda mineral qo'shimcha sifatida, beton mahsulotlari ishlab chiqarishda qo'shimchali to'ldiruvchi (napolnitel), mayda to'ldiruvchi sifatida beton buyumlar va konstruksiyalarga qo'llaniladigan sement miqdorini 1/5 dan 1/4 miqdorgacha kamaytirish imkoniyatini yaratdi va mahsulotning fizik-mexanik xossasini o'rganishga hamda ekologik muammoni echishga ham imkoniyat tug'iladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Otaqo'ziev T.A., Sement ishlab chiqarish texnologiyasi. 2018. Toshkent
2. RST Uz. 724-96. Бетонны. Правила контролю качества.
3. GOST 24545-81 Бетонны. Методы испытани на выносливост.
4. A.SHodmanov, N.Parsaeva. Beton va temir beton texnologiyasi. O'quv qo'llanma. "Fan ziyosi" nashriyoti, 2021.
5. Texnik tadqiqotlar jurnali, 1 (2018) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599>. Toshkent sh. 33-35 b.
6. Parsaeva, N. J., Kurbanov, Z. X., & Bobokulova, SH. (2021). Issledovanie fiziko-mexanicheskix svoystv betonnykh izdeliy ispolzuyemye promyshlennyye otkhody. Science and Education, 2(5), 417-423.

BINO VA INSHOOTLARDA ISHLATILADIGAN ENERGIYA TEJAMKOR LOK-BO'YOQ MATERIALLARI

Djuraev U. (jizpi katta o'qituvchi)

Musurmonqulov Sultonbek. (jizpi talaba)

Bino va inshootlarni issiqlik himoyasi bir qancha amaliy maqsadlarni ko'zda tutadi: qulaylik darajasini oshirish, issiqdan va tovushdan himoya, yoqilg'i resurslarini tejash va foydalanish sarf-harajatlarini qisqartirish.

Hozirgi kunda qo'llanilayotgan issiqlikdan himoya materiallariga qo'yiladigan talablar tinimsiz oshmoqda, issiqlik o'tkazuvchanlik me'yorlari ayrim qurilish konstruksiyalari, uningdek barcha bino va inshootlar uchun ham shiddatlashdi.

Bugungi kundagi qurilish materiallaridan biri lok-bo'yoq materiallar bo'lib, bino va inshootlar qurilishida ularni bezash va atmosfera, agressiv muhitlaridan himoyalash maqsadida ishlatiladi.

Respublikamiz hududida joylashgan arxitektura yodgorliklari qurilgan vaqtda ichki va tashqi tomondan lok-bo'yoq bilan bezak berilgan. Ushbu bo'yoq tarkiblari asosan tabiiy moylardan, pigmentlar va bo'yoq xossalari yaxshilovchi komponentlardan tashkil topgan.

Bo'yoq tarkiblariga rang beruvchi pigmentlar tabiiy toshlar, giltuproq, tuzlar va minerallarga ishlov berib tayyorlangan va shu sababli ular ob-havo, quyosh nuri taʼsiriga chidamli bo'lgan.

Bo'yoqlar sifatini va issiqlik saqlashini oshirish maqsadida tarkibiga turli organik yog'lar, sut zardobi, o'simliklar qaynatmalari, quritilgan hashoratlar talqoni va boshqalar aralashtirilgan. Arxitektura obidalari bezak qatlamining bir necha yuz yillar davomida sifatini yo'qotmasligi va energiya samaradorligining sababi aynan lok-bo'yoqlar tarkibining tabiiyligidadir.

Butun dunyoda lok-bo'yoq materiallar turlarini ko'paytirish, ishlab chiqarish hajmini oshirish, sifatini yaxshilash sohasida ilmiy-amaliy ishlar olib borilmoqda. Ayniqsa, namlik va haroratning o'zgarishi taʼsiriga bardoshli, energiya tejankor, bino va inshootlarning fasadlarini bezashda ishlatiladigan bo'yoq tarkiblarini yaratish asosiy muammolardan hisoblanadi. Bezak ishlarini olib borishda bo'yoq tarkiblarining tannarxi 80% tashkil etadi. Tarz bo'yoqlariga odatda havoni to'la yoki qisman o'tkazish, ob-havo sharoitiga va nurga chidamlilik talab qilinadi.

Yig'ma va monolit temirbeton binolar tarzlarini bezashda oq va rangli sementlar va ohaktosh, granit, marmar, rangli shisha kukuni va shu kabi kukun to'ldirgichlar asosida tayyorlangan bo'yoq tarkiblarini ishlatish samaralidir. Bo'yoq tarkiblarining asosga nisbatan yuqori darajada yopishishi bezak qatlamining uzoq muddat xizmat qilishiga kafolat beradi.

Bo'yoq tarkiblar klassifikatsiyasi

1-jadval

Bo'yoq tarkibining ishlatilish sohasiga ko'ra nomi	Ishlatilish guruhi	Ishlatilish sharoiti
Atmosfera muhitiga chidamli	1	Ochiq maydonda ishlatiladigan turli klimatik taʼsirlarga chidamli qoplamalar
Atmosfera muhitiga chegaralangan darajada chidamli	2	Isitilmaydigan xonalar va yopmalar ostida ishlatiladigan qoplamalar
Konservatsiyalovchi	3	Bo'yaladigan yuzalarga vaqtinchalik ishlatilgan qoplamalar
Suv muhitiga chidamli	4	Suv va suv bug'i taʼsiriga chidamli qoplamalar
Maxsus	5	Maxsus xossalarga ega bo'lgan qoplamalar: rentgen nurlariga chidamli, nurlanadigan, biologik muhitiga chidamli va boshq.

Bo'yoq tarkiblari qoplama usuliga nisbatan mo'yqalamda suriladigan, pulverizatorida sepiladigan, qurish sharoitiga ko'ra sovuq va issiq sharoitda qoplama qatlami hosil qiladigan turlarda bo'ladi.

Bo'yoq tarkiblari konsistensiyasiga (quyuqligi) ko'ra suyuq, qovushoq, pastasimon, reologik xususiyatlarga nisbatan strukturalanuvchi tizimga taʼluqlidir. Ularning quyuqlik darajasi sepish usuliga mutanosib ravishda tayyorlanishi kerak.

Bo'yoq tarkiblarning xossalari aniqlash uchun metall yoki shisha yuzasida yupqa qattiq qatlam hosil qilinadi. Bo'yoq qoplamasi hosil bo'lishi fizik-kimyoviy va kimyoviy jarayonlar borishi, tarkibdan erituvchining bug'lanishi yoki suvli dispersiyalarning parchalanishi va boshqa jarayonlar bilan bevosita bog'liq bo'ladi.

Lok-bo‘yoqlar tayyorlashda asosiy komponentlar sifatida organik va noorganik bog‘lovchilar, pigmentlar, kukun to‘ldirgichlar, plastifikatorlar, erituvchilar, sikkativlar hamda yordamchi materiallar-stabilizatorlar, dispergatorlar, suyultirgichlar, qotiruvchilar va boshqalar ishlatiladi.

Bo‘yoq tarkiblarning asosiy fizik-mexanik, kimyoviy va texnologik xossalari bog‘lovchi moddalarning turi va xossalariga bevosita bog‘liq bo‘ladi.

Oliflar. Oliflar tabiiy (natural) bog‘lovchi modda bo‘lib, zig‘ir, kanop kabi o‘simliklar moylariga maxsus ishlov berib olinadi. Olif atmosferadan kislorodni biriktirib qurish, ya‘ni qotish xususiyatiga ega. Oliflarning qotish jarayonini tezlashtirish uchun tarkibiga sikkativlar qo‘shiladi.

Elimlar. Hayvonot dunyosi chiqindilari va o‘simliklardan tayyorlanadigan sun‘iy va sintetik elimlar suvli bo‘yoq tarkiblar olishda ishlatiladi.

Hayvon elimi suyak va mezdra (go‘shparda) elimiga bo‘linadi. Elim plitka, donachalar va kukun holda ishlab chiqariladi. Elim nam tortib buzilmasligi uchun quruq joyda saqlanadi.

Bugungi kunda zamonaviy qurilishda bo‘yoqlardan keng foydalanib kelmoqda. Bo‘yoqlar binoning ko‘rinishini va boshqa binolar bilan bir xillashuvini ta‘minlashga xizmat qilmoqda.

Adabiyotlar ro‘yxati

1- Д.П.Айрапетов Архитектурное материаловедение. –М., 1983.

изделия и конструкции: Справочник.-М, : Высшая школа, 1990.

2- E.Qosimov Qurilish materiallari.-Toshkent “O‘qituvchi”-1982

MAYDALANGAN ESKI BETONLAR ASOSIDAGI TO‘LDIRUVCHILARNING FIZIK-MEXANIK XOSSALARI

PhD, dots.Sh.T. Raximov, mag. J.Nusratov

Toshkent arxitektura-qurilish universiteti

Annotatsiya. *Maqolada maydalangan eski beton asosidagi olingan to‘ldiruvchining fizik-mexanik xossalarini aniqlash bo‘yicha olingan tadqiqot natijalari keltirilgan.*

Kalit so‘zlar: *chiqindi, ikkilamchi to‘ldiruvchi, fizik, mexanik tadqiqot, chaqiq tosh, konstruksiya, zichlik, g‘ovaklik, suv shimuvchanlik, eski beton, maydalangan.*

Abstract. *The article presents the results of the research on determining the physical and mechanical properties of the obtained filler based on crushed old concrete.*

Key words: *waste, secondary filler, physical, mechanical research, crushed stone, construction, density, porosity, water absorption, old concrete, crushed.*

Hozirgi jadal rivojlanayotgan jamiyatda ko‘plab sohalar kabi qurilish sohasi ham tez suratlarda rivojlanib bormoqda. Shaharlar kengayib aholi soni ortib borishi, turar-joy, jamoat va sanoat binolari ko‘payishiga sabab bo‘lmoqda. Shahar markazlarida qat rostlagan, yaroqlilik muddatini o‘tagan turar-joy, jamoat binolari, ishlab chiqarish korxonalarini buzib tashlash va o‘rnida yangi, zamonaviy, energiya tejamkor ko‘p qavatli turar-joy, jamoat joylarini qurish, shahar infrastrukturasi zamonaviy yechimlar orqali hal qilib, aholiga qulayliklar yaratish asosiy vazifalardan hisoblanadi [1, 2].

Maydalangan eski betonlar asosida olingan ikkilamchi to‘ldiruvchilardan foydalanish uchun to‘ldiruvchilarning fizik-mexanik xossalarini chuqurroq tadqiq etish zarur. Maydalangan eski betonlar asosida olingan ikkilamchi to‘ldiruvchilar olish texnologiyasini yanada mukammallashtirib, tabiiy to‘ldiruvchilardan qolishmaydigan ikkilamchi to‘ldiruvchilarni olish, beton va temir-beton konstruksiyalari ishlab chiqarishda foydalanish, tabiiy resurslarni saqlab qolgan holda iqtisodiy samaradorlikka erishga olib keladi [3, 4].

Binolarning beton va temir-beton elementlarining burdalanishi mahsulotlaridan olingan umumlashma namunani GOST 8269.0-97 “Zich tog’ jinslaridan va sanoat ishlab chiqarish chiqindilaridan qurilish ishlari uchun chaqiq tosh va shag’al. Fizik-mexanik sinashlar metodlari”ga muvofiq sifat ko’rsatgichlarini aniqlash ishlari olib borilmoqda. Ushbu maydalangan eski betonlar asosida olingan ikkilamchi to’ldiruvchilarni sifat ko’rsatgichlarini aniqlash davomida olingan tadqiqot natijalari 1-jadvalda keltirilgan.

Maydalangan eski betonlar asosida olingan ikkilamchi to’ldiruvchilarni sifat ko’rsatgichlari

1-jadval

№	Ko’rsatgichlar nomi	Fraksiyalar, mm		
		10-20	5-10	5-0.063
1	To’kilma zichlik, kg/m^3	1090	1050	1025
2	Haqiqiy zichlik, g/sm^3	2.08	2.08	2.08
3	Bo’shliqlari hajmi, %	52	50	49
4	Changsimon va gilsimon zarrachalar miqdori, %	1.07	0.25	3.0
5	Suv yutuvchanligi, %	10-14	10-14	20-23
6	Plastiksion va ignasimon shakldagi donalarining miqdori, %	22	27.3	-

Maydalangan eski betonlar asosida olingan ikkilamchi to’ldiruvchining o’ziga xos tomonlaridan biri shundaki, ikkilamchi to’ldiruvchi donalari qisman yoki to’liq sement qorishmasi bilan o’ralgan qobiqqa ega bo’ladi. Ushbu qobiqning ma’lum darajada g’ovakligi mavjud bo’lgani uchun bu to’ldiruvchining ko’proq suv shimuvchanligiga sabab bo’ladi. Beton maydalash yo’li bilan ikkilamchi to’ldiruvchi olinayotganda beton bo’laklarining yemirilishi sodir bo’ladi va bunda sement toshining yangi fizik-kimyoviy faol sirtlarining ochilishi yoki hosil bo’lishi kuzatiladi. Ushbu sirtlarning gidratatsiyaga uchramagan qismi keyinchalik gidratsiyalanishi mumkin [5].

Natijada ikkilamchi to’ldiruvchi beton qorishmasi tarkibida yuqori suv talabchanlik va suv shimuvchanlikka ega bo’lgan to’ldiruvchi beton qorishmasining muayyan strukturasi hosil bo’lishiga sababchi bo’ladi. Bunday ikkilamchi to’ldiruvchi beton qorishmasida ancha yuqori g’ovaklikka ega bo’lib, suv-sement nisbati (S/Sem) ning oshishi beton tarkibida g’ovakliklar ko’payishi va beton mustahkamligiga ta’sir qilishi kuzatildi.

Ikkilamchi to’ldiruvchilar birlamchi to’ldiruvchilarga nisbatan sifat jihatdan pastroq, avvalam bor zarrachalarining shakli bo’yicha. Ularda bundan tashqari zichligi, bir birlik hajmning massasi va zich jismdagi hajmining foizi ham pastroq, suv shimuvchanligi, yedirilishda yo’qotishlar yuqoriroq. Ushbu barcha o’zgarishlar maydalangan eski betonlar asosida olingan ikkilamchi to’ldiruvchilardagi qorishma qismining mavjudligi bilan bog’liq.

Yangi beton olish uchun ishlatiladigan eski betonning xavfli, toksik yoki radioaktiv moddalar bilan zararlangan bo’lsa u holda uni chuqur tadqiq etish yoki iloji bo’lsa ishlatmaslik kerak. Maydalangan eski beton asosida olingan ikkilamchi to’ldiruvchilar tarkibidagi bitum kabi organik materiallar yangi beton xususiyatlarini yomonlashtiradi. Bundan tashqari metal qo’shimchalar va tashqi yuzadagi bo’yoqlar va shisha bo’laklari to’ldiruvchining ishqoriy reaksiyaga olib keladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Sh.T.Raximov, N.A.Maxmudova “Beton to‘ldiruvchilar texnologiyasi”. Darslik. T.: Nizomiy nomidagi Toshkent Davlat Pedagogika universiteti bosmaxonasi, 2020. -108-110 betlar.
2. Rakhimov, S., Gaziev, U., Babakulova, N., & Khudoynazarova, Q. (2021). Backfill mixtures based on industrial waste. In E3S Web of Conferences (Vol. 264, p. 01012). EDP Sciences.

CHIQUINDISIZ TEXNOLOGIK JARAYONLAR

**Jo‘rayeva O. X., katta o‘qituvchi,
Axmedov J.E., talaba
O‘rolova S.Sh., talaba**

Bugun ishlab chiqarishda ekologik muammolarni hal qilish, chiqindilarni qayta ishlash texnologiyalarini joriy etish, ekologik xavfsiz qurilish materiallarini ishlab chiqarish asosiy masalalardan biri hisoblanadi.

Qurilish materiallari sanoati tabiiy resurslarni eng ko‘p iste‘mol qiluvchi soha hisoblanadi. Qurilish materiallarini tayyorlash uchun yiliga 3 mlrd. tonnaga yaqin xomashyo – qum, tuproq, gips, ohaktosh, granit, bazalt kabi cho‘kindi va otqindi jinslar qazib olinadi hamda qayta ishlanadi. U atmosfera va yerni ifloslantiruvchi eng asosiy manbalardan hisoblanadi. Atmosfera havosini chang bilan ifloslantirish bo‘yicha qurilish materiallari sanoati birinchi o‘rinda turadi.

Biroq qurilish materiallari sanoati boshqa sanoat tarmoqlarining chiqindilaridan ham samarali foydalanadi. Hozirgi vaqtda bu tarmoqda har yili boshqa sanoat tarmoqlarida hosil bo‘ladigan 300 mln. tonnadan ziyod turli xil chiqindilardan foydalanilmoqda hamda ulardan ko‘p miqdorda sement, yumshoq qoplama materiallar, shisha, keramik buyumlar hamda boshqa qurilish materiallari olinmoqda.

Issiqlik elektr stansiyalarida hosil bo‘lgan qurum va toshqollar asosida 115 turdagi qurilish materiallari ishlab chiqarilmoqda. BMTning Yagona Ekologik Hay‘ati ma‘lumotlariga ko‘ra, bunday chiqindilardan foydalanish Germaniyada 80 foizni, Fransiyada 65 foizni, Buyuk Britaniyada 53 foizni va Belgiyada 44 foizni tashkil etadi. Umuman, qurilish materiallari sanoati boshqa sanoat tarmoqlaridan farqli o‘laroq, o‘zining xomashyo bazasini tog‘-kon va qayta ishlash tarmoqlari chiqindilari asosida tashkil qilishi maqsadga muvofiqdir.

Qurilishi sanoati korxonalariga xos muhim ekologik muammolaridan yana biri ishlab chiqarish jarayonida ko‘p miqdorda chang ajralib chiqishi bilan bog‘liq. Bu boradagi ko‘rsatkich sement ishlab chiqarish korxonalarida ayniqsa yuqori. Ishlab chiqarilayotgan sementning 20 foizga yaqini chang tozalash qurilmalarining yaxshi ishlamasligi tufayli atrof-muhitga chiqarib yuborilmoqda. Bunday chang aylanma pechlardan ajralib chiqayotgan chiqindi gazlar bilan birga tarqaladi. Shu bilan birga, xomashyoni maydalash, quritish va kukunlashda hamda klinkerni sovitishda, omborlardagi yuklash-tushirish ishlarida ham ko‘p miqdorda chang ajralib chiqishini kuzatish mumkin. Chang hosil bo‘lishini kamaytirish uchun chang hosil qiluvchi materiallarning tushish balandligini kamaytirish, tashilayotgan va sochilayotgan materiallarni namlash ham lozim bo‘ladi. Aylanma pechlarga birlashtirilgan chang tortgichlar, quritish barabanlari hamda shamollatish qurilmalari yordamida so‘rib olingan havo va gazlar chang yutish qurilmalariga yuboriladi.

Hozirda atrof-muhit ifloslanishining oldini olish va xomashyo resurslaridan samarali foydalanish chiqindisiz texnologiyalarni joriy etish orqali amalga oshiriladi. Chiqindisiz texnologiyada tabiiy resurslardan oqilona foydalaniladi va natijada atrof-muhit muhofazasi birmuncha yaxshilanadi. Chiqindisiz texnologik jarayonlarni va ularga asoslangan ishlab chiqarishni yo‘lga qo‘yish kimyoviy texnologiyaning eng dolzarb muammolaridan biri hisoblanadi.

Bu muammo aholining iqtisodiy imkoniyatlari va turmush darajasini oshirishda katta ahamiyatga ega. Chiqindisiz ishlab chiqarishda moddiy va energetik oqimlarning yopiq optimal texnologik sxemalari yaratiladi. Chiqindisiz texnologik jarayonlarni yaratish bir necha yo‘nalishda olib boriladi. Bunda minimal solishtirma suv iste‘molini ta‘minlovchi, boshlang‘ich xomashyoni zararsiz xomashyoga almashtirish bilan bog‘liq texnologik jarayonlar ishlab chiqiladi va uchish xossasiga ega bo‘lgan erituvchilar texnologik jarayondan chiqarib yuborishga harakat qilinadi. Shu taxlit energotexnologik sxemalarni yaratish va oqava suvlarni tozalashning yuqori samarali usullarini joriy etish, chiqindilarni minimal darajaga keltirish imkonini beradi.

Bunday ishlab chiqarish jarayonlarida xomashyo va energiyadan maksimal darajada to‘liq foydalanish, oraliq mahsulotlar va chiqindilarni o‘shlab qolish va zararsizlantirish, texnologik jihozlarni takomillashtirish va moddiy oqimlarni qaytadan ishlab chiqarishga qaytarish uchun mahalliy tozalash usullaridan foydalanish imkoni tug‘iladi.

Bu borada tabiiy xomashyo resurslari tarkibidan foydali mahsulotlarni maksimal darajada to‘liq ajratib olish uchun ularga ishlov berishning kompleks sxemalarini ishlab chiqish bo‘yicha keng ko‘lamli ishlar olib borilmoqda.

Qurilish chiqindilarini qurilish maydonida qayta ishlashning afzallik tomonlari quyidagilardan iborat:

- Qurilish jarayonidagi chiqindilarni bir joydan ikkinchi joyga ortish, tushirish va tashish xarajatlari kamayadi.
- Qurilish maydonidagi chiqindilar uchun maxsus joyga to‘lanadigan xarajatlar bo‘lmaydi.
- Qurilish jarayonining atrof-muhitga salbiy ta‘sirini va chiqindilarning miqdorini kamaytirish uchun ularni yig‘ib, tarkibi bo‘yicha taqsimlab, qayta ishlashga jo‘natish eng samarali yo‘l hisoblanadi. Chiqindilarni qayta ishlash jarayoni ishlab chiqarishning o‘shishiga, shu bilan birga uning tabiatga, ekologiyaga bo‘lgan ta‘sirini kamaytirishga yordam beradi. Bunday qayta ishlangan materiallardan foydalanish qurilish materiallarini tejashga va chiqindilar miqdorining kamayishiga imkon yaratadi.

Adabiyotlar ro‘yxati

1. Sattorov Z. Qurilish ekologiyasi T., 2018.
2. Izzatullayev Z., Botirov X., Fayzullayev B. Ekologiya asoslari. O‘quv qo‘llanma. Samarqand 2013.
3. Tursunov X.T., Raximova T.U. Ekologiya. O‘quv qo‘llanma. N., 2006.
4. Ergashev A.E., Sheraliyev A.Sh., Suvonov X.A., Ergashev T.A. Ekologiya va tabiatni muhofaza qilish. T., 2009.

ТЕХНОЛОГИЯ УЛУЧШЕНИЯ ДОЛГОВЕЧНОСТИ БЕТОНОВ В УСЛОВИЯХ СУХОГО ЖАРКОГО КЛИМАТА УЗБЕКИСТАНА

Жураев Кенжа Юлдашевич-кандидат технисеских наук, доцент

Студент 810-20 группы Savurov Xushro‘z Norbek o‘g‘li

Студент 810-20 группы Toxirov Umidjon Abdunabi o‘g‘li

(Джизаксий политехнический институт)

Оновы современной технологии изготовления бетона, а также бетонных и железобетонных изделий и конструкций разрабатывались многими узбекскими и зарубежными учёными. Однако труды их посвящены в основном вопросам технологии бетона в так называемых “нормальных” условиях (температура среды 15-20⁰ с и относительная влажность более 50%) или в условиях зимнего бетонирования. В то же время почти четвертая часть железобетонных изделий производится в районах с сухим жарким

климатом, который существенно влияет на технологию изготовления бетона, вызывая интенсивное испарение влаги из бетонной смеси и изменяя характер физико-химических процессов, происходящих при твердении бетон. При бетонировании конструкций в летнее время температурный перепад между наружными и внутренними слоями бетона достигает 50-60⁰С, что вызывает термонапряженное состояние и растрескивание поверхности.

Природно-климатические условия Средней Азии отличаются от средневропейских продолжительностью жаркого сухого периода года, наличием обширной зоны пустынь и полупустынь, где отсутствует крупный заполнитель, а мелкий совершенно не удовлетворяет требованиям стандартов, а также высокой сейсмичностью. Эти факторы вносят существенные коррективы в теорию и практику производства бетона и железобетона.

Летняя засуха сопровождается интенсивной жарой; среднее температуры июля в Ташкенте -26,9; Термезе 30,7⁰С. Средние максимальные температуры наружного воздуха составляют 29,5-39,8, а абсолютные максимальные достигают 42-50⁰с. В теплое полугодие над полупустынными и пустынными пространствами Узбекистана создается область слабо пониженного давления, что вызывает образование горячего сухого ветра, средние скорости которого в июле равны 1,2-2,4м/с. Относительно большой силой обладают ветры, дующие из долины. Иногда в предгорьях возникает порывистый и теплый ветер-фен (6,37). Большое влияние на климат Узбекистана оказывает рельеф местности; по мере подъема в горы температура понижается примерно на 1⁰с на каждые 200м.

Поскольку погодные условия предопределяются многолетними климатическими показателями местности, целесообразно дифференцированно учитывать их при определении технологии бетона. В связи с этим территорию среднеазиатских республик с точки зрения идентичности условий для производства бетонных работ можно разделить на четыре природно-климатические зоны.

В условиях сухого жаркого климата, особенно при изготовлении изделий в открытых цехах и на полигонах без тепловой обработки, усадочные явления из-за контракции и сушки цементного теста протекают наиболее интенсивно. Происходит уменьшение объема бетона, сопровождающееся образованием в нем значительного количества пор и увеличением внутренних напряжений, снижающих несущую способность конструкции. При подборе состава бетона серьезное внимание следует уделять возможности формирования плотной скелетной части за счет правильного определения доли крупного (гравий или щебень) и мелкого (песок) заполнителя. При правильно подобранном отношении песка к цементу эти напряжения частично воспринимаются жестким скелетом, уменьшающим деструктивные процессы. Чем ниже доля песка, тем меньше водо потребность бетонной смеси. Заполнители, применяемые в бетонах, должны удовлетворять требованиям соответствующих ГОСТов.

При возведении конструкций из монолитного бетона без тепловой обработки надземных частей, подвергающихся частному циклическому нагреву, рекомендуется применять портландцементы с содержанием не менее 50% трехкальциевого силиката СзS и не более 8% трехкальциевого СзА. Цементные заводы Узбекистана выпускают несколько разновидностей вяжущих, портландцемент, быстротвердеющий портландцемент, сульфатостойкий портландцемент, пуцоллановый портландцемент и др. Для производства бетонных и железобетонных изделий, подвергающихся тепло влажностной обработке при атмосферном давлении и температурах до 100⁰С, в качестве вяжущих материалов используют портландцемент, шлакопортландцемент, пуцоллановый

портландцемент и их разновидности, а также другие виды вяжущих, удовлетворяющие специальным техническим условиям и обеспечивающие получение заданных свойств бетона.

В Узбекистане в качестве пластифицирующих добавок используются комплексные добавки, состоящие из двух и более веществ. Экспериментальные работы узбекских ученых показали, что при возведении зданий из монолитного бетона весьма эффективны добавки CaCl_2 , NaCl , FeCl_3 в сочетании NaNO . Комплексные добавки рекомендуется вводить в количествах, указанных в таблице.

Вид конструкции	Предельно допустимая дозировка добавок, % от массы цемента		
	$\text{CaCl}_2 + \text{NaNO}$	$\text{NaCl} + \text{NaNO}$	$\text{FeCl}_3 + \text{NaNO}$
Неармированные	2,0+2,0	3,0+3,0	2,0+2,0
Малоармированные	1,5+1,5	2,0+2,0	1,0+1,0
Густоармированные	1,0+1,0	1,5+1,5	1,0+1,0

Для ускорения бетонных работ, а также для повышения качества поверхностного слоя бетона (при бетонировании полов, дорожных покрытий, гидротехнических сооружений и др.) производится вакуумирование уложенного бетона. Обработка поверхности бетона вакуумированием создает наиболее благоприятные условия для твердения бетона, так как препятствует испарению воды затворения. Однако следует иметь в виду, что цементы с малым водоотделением поддаются вакуумированию хуже, чем цементы с низкой водоудерживающей способностью.

Уход за бетоном – трудоемкая и сложная технологическая операция, затраты на которую зависят от местных условий (наличия воды, соответствующих материалов и т.д), а также от вида и состава бетона, вида применяемого вяжущего и других факторов и существенно влияют на себестоимость 1м^3 монолитного бетона. В очень жаркие дни (дневная температура $42-45^{\circ}\text{C}$) работы по бетонированию желательно производить в конце второй половины дня и в ночные часы, что позволит значительно улучшить условия укладки бетона.

Наиболее рациональным методом ухода за бетоном в безводных пустынных районах является применение готовых полимерных пленок преимущественно светлых тонов. Поверхности конструкций необходимо укрывать сразу же после завершения отделки. При этом рекомендуется:

- сваривать отдельные куски полимерных пленок в больше полотнища и укрывать ими поверхности по всей площади;
- края полотнищ закреплять досками, присыпать песком или грунтом;
- обеспечивать плотное прилегание полотнищ к поверхности заглаженного бетона без складок и морщин;
- предохранять пленку от механических повреждений;
- по завершении ухода за бетоном снимать пленку в вечернее время.

Сроки выдерживания бетона под полимерными пленками назначают строительные лаборатории для конкретных климатических условий.

Таким образом, для условий Узбекистана наиболее эффективно применение предварительного разогрева изделий до достижения ими распалубочной прочности, равной 30-40% от проектной, с последующим выдерживанием под пленочным покрытием. Это позволяет за счет использования на второй стадии ухода тепла окружающей среды резко

повысить производительность строительных предприятий и тем самым снизить себестоимость продукции. Производительность предприятий за счет ускорения оборачиваемости с 1,5 до 2,4 раза в сутки может возрасти на 50%, а экономический эффект за счет сокращения энергозатрат может достигнуть 10,5-20,3 тыс.сум на 1м³ изделий.

Литературы:

1. Баженов Ю.М. «Технология бетона» 1979. Москва
2. Заседателев Е.П. «Пути оптимизации методов и режимов теплового воздействия на твердеющих бетон». Строительство и архитектура Узбекистана. 1980. Ташкент.
3. Ступаков Г.И; Кулик Л.И. «Климатическое зонировании Средней Азии по условиям производства бетонных работ». Строительство и архитектура Узбекистана. 1980. Ташкент.
4. Аминов Э.Х. «Климат и бетон». Ташкент 1988.
5. Ступаков Г.И. «Технология бетона для гражданского и промышленного строительства в условиях сухого жаркого климата». Ташкент 1983

METALL BUYUMLAR VA QUVURLARNI KORROZIYADAN SAQLASH

Ilmiy rahbar Saydullayev S.R.

JizPI "MK" kafedresi dotsenti,

Qurbonboyev S. JizPI MKK 213-20-guruh talabasi.

Elektrokimyoviy korroziyada ishqorlar va namlik ta'sirida galvanik juftlik hosil bo'lib, past kuchlanishdagi elektr to'ki paydo bo'ladi va quvurlarda katod va anod zonalari hosil bo'ladi. Bu zonalar oralig'ida elektr to'kning xarakati vujudga keladi. Bu to'k katod zonada metallga kiradi, anod zo'nada esa undan chiqadi. Tokning quvuridan chiqish jarayonida u o'zi bilan metall ionlarini olib chiqadi. Buning natijasida quvur devorida kichkina "yara" hosil bo'ladi. Keyinchalik u kengayib, chuqurlashib quvurlarning teshilishiga olib keladi. Shuning uchun quvurlardagi anod zonalari korroziya jihatdan xavfli hisoblanadi.

Korroziyadan ximoya qilish ikki xil bo'ladi: passiv ximoya, aktiv ximoya. Passiv ximoyada metall buyumlar va quvurlar korroziyaga qarshi izolyatsiya bilan qoplanadi yoki bo'yoq bilan bo'yaladi. Aktiv usullarga esa elektr ximoya usullari kiradi. Izolyatsiyalashda asosan neft bitimidan foydalaniladi. Bitimning mexanik mustaxkamligini oshirish uchun unga 10-15% miqdorda kaolin, sement va mayda asbest kukunlari qo'shiladi. Izolyatsiyani kuchaytirish maqsadida brizol, gidroizol, steklotkan va polixlorvinil yopishqoq lentalar ishlatiladi.

Gidroizol - bu qalin asbest qog'oziga 15-20% selluloza qo'shib, bitum shimdirilgan lentadir.

Brizol - bu eski avtomobil balonlarini maydalab bitum bilan qaynatib tayorlangan rulonli materialdir.

Gruntovkaning tarkibi uch qism benzin va bir qism eritilgan bitumdan iborat bo'ladi, benzina sekin-asta 160-180 °C da eritib, 70 °C gacha sovutilgan bitum quyiladi va aralashtirib turiladi. Buning aksini qilish, yani eritilgan bitumga benzin quyish mumkin emas, chunki benzin yonib ketishi mumkin va bitum benzin bilan yahshi aralashmaydi. Gruntovkalashdan maqsad – undan keyin quvur suriladigan bitum quvurga yahshi yopishadi va yorilib ketmaydi.

Normal izolyatsiya tarkibi:

1. Gruntovka; Eritilgan bitum; Kkraft qog'oz;
2. Qoplamaning umumiy qalinligi 3 mm bo'ladi.

Kuchaytirilgan izolyatsiya tarkibi:

1. Gruntovka; Eritilgan bitum;
2. Kuchaytiruvchi qatlam;(gidroizol,brizol yoki steklotkan)
3. Eritilgan bitum; Kkraft qog'oz;
4. Izolyatsiyaning umumiy qalinligi 6 mm bo'ladi.

O'ta kuchaytirilgan izolyatsiya tarkibi:

1. Gruntovka; Bitum; Kuchaytiruvchi qatlam;
2. Bitum; Kuchaytiruvchi qatlam; Bitum; Kkraft qog'oz;

Qolgan xolatlarda esa o'ta kuchaytirilgan izolyatsiya qo'llaniladi. Shahar sharoitida tuproqning korroziyon faolligi qanday bo'lishidan qat'iy nazar, faqat o'ta kuchaytirilgan izolyatsiya qo'llaniladi. Chunki shaharlarda erning tarkibi xar xl bo'lishi mumkin va bundan tashqari shahar erlarida daydi toklar mavjud bo'ladi. Qoplama sifatida polixlorvinil lentalar qo'llanganda quvur yahshilab tozalanadi. So'ngra unga gruntovka surilib polixlorvinil yopishqoq lenta mashinalar yordamida o'raladi. Lentalarning qalinligi 0,3 mm, eni esa 0,4-0,5 m bo'ladi. Gaz quvurlarini korroziyadan saqlashning faol usullariga quyidagi elektr ximoya usullari kiradi:

Elektr drenaj;

Katod ximoyasi;


Protektor ximoyasi.

Elektr drenaj ximoyasi deganda gaz quvurlariga kelib tushgan daydi toklar manbai bo'lgan relsga yoki tortish podstansiyasining manfiy shinasiga etkazib berish tushuniladi. Toklarning kabel yordamida chiqishi natijasida elektr korroziya to'xtaydi.


Korroziyadan saqlash choralari

Uzatish tizimi uskunalari ham ichki ham tashqi korroziyaga moyil bo'ladi. To'g'ri material tanlovi orqali bu korroziyani kamaytirish mumkin. Har bir material tanlashda materialga qanday tashqi ta'sirlar bo'lishi mumkinligi va materaillar qanday korroziya xususiyatlariga egaligiga qarab ishlov berish mumkin.

Zanglamas po'lat, misga nisbatan ko'proq yumshoq va xlorli suvlarga chidamli boladi. Mislar esa ruxlangan po'latga nisbatan, ko'proq kislorodga boy suvga chidamli bo'ladi. Plastmassa materiallar esa har qanday suvlarga va tashqi korroziyani keltiruvchi ho'l qurumlarga va betonga chidamli bo'ladi, lekin shu bilan birga unchalik mustahkam bo'lmaydi.



1-rasm. Kombinatsiyalashgan quvur



2-rasm. Zararlangan ruxli qatlam po'latni o'zi chirib ketgunga qadar saqlaydi. Nikel qatlam esa chirishga olib keladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Abralov M.A., Abralov M.M. Payvandlash ishi asoslari: o`quv qo`llanma.- Toshkent - "Talqin"- 2003 –272 b.
2. Bekmuratova R. Payvandlash ishlari. (Amaliy mashg`ulotlar). 2-qism. o`quv qo`llanma. Toshkent-„Mehnat“- 2002 - 237 b.
3. Zokirov O`T., Bo`riyev E.S. Suv ta`minoti va oqova suv tizimlarining asoslari: o`quv qo`llanma.- Toshkent - "Bilim"- 2004 –200 bet.
4. Rashidov Yu.K. Gaz ta`minoti: o`quv qo`llanma, TAQI, Toshkent, 2000-70 b
5. Rashidov Yu.K. Gazdan foydalanish: Oliy o`quv yurtlarining qurilish mutahassisliklari uchun o`quv qo`llanma. TAQI, 2003- 72 b.
6. Rashidov Yu.K., Saidova D.Z Issiqlik, gaz ta`minoti va ventilyatsiya tizimlari Toshkent 2002.

MAHALLIY QURILISH MATERIALLARINING ISSIQLIK O`TKAZUVCHANLIGI PAST BO`LGAN HOLAT TAHLILI

**N.U.Toshmatov (Jizzax politexnika instituti, dotsent),
B.Xoljigitov (magistr)**

Hozirgi davrda bino va inshootlarning, quvurlarning energiya samaradorligini oshirish dolzarb muammo bo`lib qolmoqda. Butun dunyoda issiqlikni samarali saqlovchi materiallarga bo`lgan talab yildan yilga ortib bormoqda. Issiqlik saqlovchi materiallarning turlari, qo`llanish soxasi, tayorlash usullari, ularning ko`rsatkichlari ham turli tumandir. Ushbu materiallar qat`iy talablar asosida tayyorlanadi. Ular eng avvalo energiya tejamkor bo`lishi, kichik xajm xosil qilishi, yengil, ekologik toza, moslashuvchan, ovoz va shovqinga chidamli, yonuvchan bo`lmasligi, suv va bug' o`tkazmaydigan, temir maxsulotlariga surilganda yemirilishga (korroziyaga) qarshi, bino va inshootlarga qo`llanilganda issiqlik yo`qotilishi kamaytirish va mog'orlashdan ximoya qilish kabilar kiradi. Xozirda ishlab chiqarish va yirik sanoat korxonalarida issiqlikni saqlab qolish, energiya sarfini kamaytirib ish olib borish dolzarb va muxim masalalardan biri xisoblanadi.

Issiqlik energiyasidan unumli foydalanish va uni tejash uchun asosan steklovatalardan (minvata) foydalaniladi. Shahar IESlar misolida ko`radigan bo`lsak quvurlardagi issiqlikni saqlash uchun dastlab quvurga saqich (bitum) suriladi so`ngra steklovata o`ralib ustidan tunika (rux) qoplanadi. Bularni iqlisodiy taraflama hisoblasak ancha qimmatga va vaqtdan yutqazishga olib keladi.

Taklif etayotgan issiqlik tarmoqlarida issiqlikni saqlovchi innovatsion material nafaqat bino va inshootlar, issiqlik quvurlariga balki sanoatning barcha tarmoqlariga birdek qo`llanila olishi bilan xam diqqatga sazovordir. Ushbu material mikrosfera va akril bo`yoqlari (yana bir nechta kimyoviy moddalar) asosida tayyorlanadi. Yuqori yopishqoqlikka egaligi (xar qanday materialga birdek g`isht, shisha-oyna, matell, plastmassa, gips, sement-qumli joylar, beton, yog'och va xokazo), sovuq yuzalarda korroziya xosil bo`lishini oldini olishi va xar qanday yuzaga birdek yotqizilishi bilan ajralib turadi.

G`adir-budur, notekis yuzalarga issiqlikni saqlovchi materiallarni qoplash ancha murakkab jarayon, chunki yuzasi noodatiy ya'ni issiqlik saqlovchi odatdagi materialga (steklovata) mos emas. Shu qoplanmay qolgan notekkis yuzalarda yo`qolayotgan issiqlikni xisoblasak sezilarli raqamlarga duch kelamiz. Biz ilmiy izlanish olib borayotgan innovatsion issiqlikni saqlovchi qolama murakkab yuzalarga xam moslasha oladi.

Eng avvalo chet mamlakatlarda ishlab chiqarilib yurtimizga olib kelinayotgan issiqlini saqlovchi qoplamalar ishlab chiqarilayotgan mazkur bo`yoqlarni issiqlik ostkazuvchanlik

koeffitsientini nihoyatda pastligi bilan izohlash mumkin. Masalan, sinov natijalari asosida tuzilgan texnik xulosada, issiqlik xarakteristikalarini aniqlash usullari va “Korund” bo‘yog‘ining issiqlik o‘tkazuvchanlik koeffitsientining qiymati - 0,001 Vt/m·°S ga, «Bronya» bo‘yog‘iniki-0,001 Vt/m·°S ni tashkil etadi. Albatta, bunday issiqlik o‘tkazuvchanlik koeffitsienti an’anaviy isitgichlarga (ekstrudirovkalangan qilingan ko‘pik polistirol, mineral paxta va boshqalar) nisbatan issiqlik izolyatsiyalovchi bo‘yoqlarga ustunlik beradi, binobarin, ekstudirlangan ko‘pik polistirolni issiqlik o‘tkazuvchanlik koeffitsienti 0,030 Vt/m·°S ga teng.

Olingan natijalar orasidagi tafovutlarni birinchi navbatda mikrosferalar asosida olinadigan yangi o‘ta yupqa qoplamalarni issiqlik o‘tkazuvchanlik koeffitsientini aniqlashning me‘yoriy usullari mavjud emasligi bilan izohlash mumkin. Bunday bo‘yoqlarning barchasining strukturasi akril plenka hosil qiluvchi moddalar bilan o‘zaro bog‘langan ichi bo‘sh mikrosferalarning panjaralaridan iborat. Shularni e‘tiborga olib, suyuq issiqlik izolyatsiyasi qoplamalarining issiqlik o‘tkazuvchanlik koeffitsientining qiymati iste‘molchilarda ham, tadqiqotchilarda ham qiziqish uyg‘otdi, natijada ushbu bo‘yoqlarning issiqlik xususiyatlarini va samaradorligini aniqlash bilan bog‘liq ko‘plab tajribalar o‘tkazila boshlandi. Oddiy sharoitda havoning issiqlik o‘tkazuvchanlik koeffitsienti 0,026 Vt/m·°S. Havo eng yaxshi tabiiy issiqlik saqlovchidir.

Tajribalar davomida mavjud bo‘lgan usullarni tahlil qilish asosida, suyuq issiqlik izolyatsiyasi qoplamalarning issiqlik o‘tkazuvchanlik koeffitsienti aniqlashning standart usulidan foydalangan holda issiqlik o‘lchagichni issiqlik o‘tkazuvchanlik koeffitsienti aniq bo‘lgan material qatlami bilan almashtirish ko‘zda tutildi. Bunday almashtirish issiqlik jarayonlarini tadqiq qilish nazariyasiga zid kelmaydi. Issiqlik izolyatsiyasi qoplamasini issiqlik o‘tkazuvchanlik koeffitsientini aniqlash tartibi:

Suyuq issiqlik izolyatsiyasi qoplamasini issiqlik o‘tkazuvchanlik koeffisienti quyidagi formula bo‘yicha hisoblandi:

$$\lambda = \frac{d_u}{\frac{\Delta T_u}{q_u} - 2R_L}$$

Bu yerda: d_u — namunani sinash vaqtidagi qalinligi, m;

ΔT_u - sinalayotgan namunani sirtlaridagi haroratlar farqi, °S;

q_u - sinalayotgan namunadan o‘tayotgan stasionar issiqlik oqimini zichligi, Vt/m²;

R_L - sinalayotgan namuna (bo‘yoq) surkalgan mis plastinkani termik qarshiligi (m²·°S)/Vt;

Namunadan o‘tayotgan stasionar issiqlik oqimini Zichligi q_u , quyidagi formuladan topiladi:


$$q_u = \frac{\lambda_{z qatl\ o\ m} (t_1 - t_2)}{\delta_{z qatl\ o\ m}}, \text{ Vt/m}^2$$

bu erda: λ va δ - orgstekloni issiqlik o‘tkazuvchanlik koeffisienti va qalinligi

t_1, t_2 - mos ravishda “issiqlik manbasi — orgsteklo qatlami” va “orgsteklo qatlami sinalayotgan namuna” chegaralaridagi harorat.

Qalinligi $\delta=0,5\text{mm}$. bo‘lgan mis plastinkani issiqlik o‘tkazuvchanligi — $\lambda=384$ Vt/(m²·°S)ga teng.

Tadqiqot davomida uskuna ko‘rsatkichlarini barqarorlashtirish uchun uning barcha qismlarini "qizitib olish" va issiqlik oqimining uzatilishini stasionar holga keltirish uchun termopara datchiklari ko‘rsatkichlarini 0,5 soat davomida 5 minut oralig‘ida o‘lchab ko‘rildi. 2 - rasmda berilgan grafikdan uskuna ko‘rsatkichlari 15 minutdan so‘ng stasionar holga kelganligini ko‘rish mumkin. Termopara datchiklarining individual xatosini hisoblash uchun, tajribalar boshlanishidan avval, eritilgan muz bilan to‘ldirilgan Dyuar idishiga botirilgan har bir datchikning harorat o‘lchandi va



1-rasm. Suyuq issiqlik izolyatsiyasi qoplamasini issiqlik o'tkazuvchanlik koeffitsientini aniqlash uskunasi sxemasini.

1-statsionar issiqlik oqimi manbai; 2-qalinligi va issiqlik o'tkazuvchanlik koeffitsienti aniq material qatlami (orgsteklo $\delta=3,2$ mm, $\lambda=19$ Vt/(m²·°S)); 3-issiqlik izolyatsiyasi qoplamasi qatlami; 4-issiqlik izolyatori (penoplast); 5-“sovutgich” (suv to'ldirilgan sig'im); 6-qalinligi $\sigma=2$ mm. simdan tayyorlangan «xromel kopel» termoparalari; 7-kommutator; 8-termoparalar ko'rsatgichlarini o'lchov haroratning 0°C dan og'ishi tajribalar davomida hisobga olindi.

Issiqlik izolyatsiyalovchi bo'yoqning issiqlik o'tkazuvchanligini o'lchash uskunasi ishonchligini aniqlash uchun dastlab tekshirish ishlari olib borildi.


$$\Delta = \frac{0.19 - 0.186}{0.19} \cdot 100 = 2.1\%$$

Qurilmadagi 3-qatlam o'rniga (1-rasm) o'lchamlari, qalinligi va issiqlik o'tkazuvchanligi bo'yicha 2 - qatlamdagi plastinkaga o'xshash orgsteklo plitasi joylashtirildi va uning issiqlik o'tkazuvchanligi o'lchandi. O'lchov natijalari sinalgan orgsteklo plitasining issiqlik o'tkazuvchanligi $\lambda = 0,186$ Vt/(m²·°C)ga teng ekanligini ko'rsatdi. Demak issiqlik o'tkazuvchanlikni aniqlash usulining xatoligi 2,1% ga teng ekanligi va bu xatolik GOST t 31 da berilgan xatolik (Y = 3%) dan ko'p emasligidan dalolat beradi hamda, tanlangan tadqiqot sxemasining to'g'riligini ko'rsatadi.

Olib borilgan izlanishlarga asoslanib quyidagi afzalliklarni keltirishimiz mumkin:

- surkash (qoplash) oson (shetka, valik va kompressor bilan sepish orqali amalga oshirsa bo'lishi);
- xajmi katta emasligi, ixchamlikni aks etishi;
- Tabiatga va inson salomatligiga zarar etkazmasligi;
- ishqorlarga xam, kislotalarga xam yaxshi qarshilik ko'rsata olishi;

Suyuq izolyatsiyaga xos bo'lgan yana ikkita qarshilik turi mavjud. Harorat va namlik va ultrabinafsha nurlanishiga qarshilik. Suyuq issiqlik izolatsiyasining tarkibi faqat ekologik toza komponentlarni o'z ichiga oladi, bu esa uni bino ichida va tashqarisida, bolalar muassasalarida, umumiy ovqatlanish korxonalarida va boshqalarda ularning funktsionalligida cheklolrsiz foydalanishga imkon beradi.



2-rasm. Uskunani uchala termoparalari datchiklarini ko'rsatgichlari

Murakkab joylarga ham qo'llash juda oson. Siz tanlagan sirtga suyuq issiqlik izolatsiyasini qo'llashning bir necha usuli mavjud. Siz faqat sizga eng mos keladiganini tanlashingiz kerak. Siz turli xil vositalardan foydalanishingiz mumkin: cho'tkalar, valiklar va xokazo.

Issiqlik izolyatsiyalovchi qoplama qo'llashdan avval sekin xarakatlanuvchi mikserlar bilan yaxshilab aralashtiriladi, surkash turiga qarab ozroq oddiy disterlangan suv yoki akril bo'yoq qo'llaniladi. Qoplamani qo'llashdan avval sirt oldindan tozalanadi, kerak bo'lganda kimyoviy vositalardan foydalaniladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. N.Toshmatov, Sh.Mansurova. Study and analysis of the energy saving potential using new exterior wall paint coatings. International journal of innovations in engineering research and technology ISSN: 2394-3696 website: ijiert.org Volume 9, Issue 12, Dec. -2022.
2. Баходиров А.А., Бозоров И., Абдусаматов К.Б., Саноат чиқиндиси асосида тайёрланган фиброгазобетоннинг механик хоссаларини ўрганиш, СамДАҚИ, Меъморчилик ва курилиш муаммолари илмий-техник журнал, 2020 йил №2, 1046.
3. N.A.Maxmudova, Pardozlash va issiqlik izolyasiya materiallari, o'quv qo'llanma, T., Noshir nashryoti, 2010.
4. J. Sim, C. Park, D.Y. Moon. Characteristics of basalt fibre as a strengthening material for concrete structures. Compos Part B, 36 (2005), pp. 504-512.

YUQORI MUSTAHKAM BETONLARNI XOSSALARINI TAHLIL QILISH

**JizPI dotsenti .Hakimov Orziqul Melievich
821-21 M va YMT guruxi talabasi. Xalilov Xayrulla**

Аннотация: So'nggi yillarda yuqori mustahkamli betonni qo'llash kulami kengayib bordi va u hozirgi kunda dunyoning ko'plab mintaqalarida qo'llanilmoqda. Texnologiyaning rivojlanishi va yuqori mustahkamli betonga bo'lgan ehtiyojning paydo bo'lishi tufayli, yuqori mustahkamli betondan foydalanish kengayib bormoqda. Ushbu maqola ko'p qavtli binolarni barpo etishda qo'llanilayotgan beton va konstruksiyalari va ularning xususiyatlari to'g'risida bayon etilgan..

Калит сўзлар: osmono'par turar-joy binosi, yuqori mustahkamli beton, quvur-beton, yuqori sifatli beton

Bugungi kunda Amerika Qo'shma Shtatlarda balandligi 20 dan 80 qavatgacha bo'lgan 100 dan ortiq binolar yuqori mustahkamli beton yordamida qurilgan. 1933 yilda Chikagoda temir-beton karkasga ega bo'lgan Janubiy Vaker (South Wacker) osmono'par binolari dunyodagi eng baland bino bo'lgan. Yotqizilgan betonning umumiy hajmi 84 ming m³ ni va o'rtacha mustahkamligi 84 MPa tashkil etdi.

O'zbekistonda so'nggi yillarda barcha sohalar kabi qurilish sohasini rivojlantirishga ham alohida e'tibor berilmoqda. Tizimni yanada takomillashtirishga qaratilgan hukumat va davlat rahbarining farmon hamda qarorlari, qabul qilingan davlat dasturlari, ular ijrosini ta'minlash, tarmoqda islohotlar samaradorligini oshirish bo'yicha olib borilayotgan tadbirlar natijada bunyodkorlik ko'lamlari tobora kengayib bormoqda.

"Nest One" – bu O'zbekistondagi ilk noyob osmono'par turar-joy binosi. "Nest One" – bu O'zbekistondagi balki.. Markaziy Osiyoda eng baland bo'lishi kutilayotgan ilk noyob osmono'par turar-joy binosi Nestone, ya'ni "Birinchi uya" bo'ladi.

Bunday binolarni qurish yuqori mustahkamli, tejamkor va xavfsiz vertikal tayanch inshootlaridan foydalanishni nazarda tutadi. So'nggi paytlarda Xitoy, AQSh va Yaponiyada

osmono'par binolar qurilishida tobora muvaffaqiyatli qo'llanilib kelinayotgan quvur-beton ustunlar keng foydalanmoqdalar.

Quvur-beton - bu beton bilan to'ldirilgan po'lat qobiqdan (metall trubadan) iborat bo'lgan konstruksiya (TBK). Po'lat qobiq (metall truba) yuk ko'taruvchi armatura vazifasini bajaradi, u holda ichki beton yadrosi armaturalanmaydi yoki u doimiy qolip sifatida ishlatiladi.

Quvurli betonning konstruktiv va qurilish-texnik xususiyatlari AQSh, Frantsiya, Germaniya, Yaponiya, Avstraliya, Xitoy va dunyoning boshqa mamlakatlari quruvchilariga uni qurilishning turli sohalarida, xususan, ko'prik qurilishi, metro qurilishi, shuningdek savdo, madaniy, sanoat va turar-joy binolarini qurishda foydalanishlariga imkon beradi. Shunday qilib, 1988 yilda Sietlda (AQSh) quvurli betondan 58 qavatli bino qurilgan, unda asosiy vertikal yuk kutaruvchi konstruksiyasi po'lat quvurli to'rtta ustundan iborat bo'lib, ustun yuqori mustahkamli beton bilan to'ldirilgan. (56 kunlik betonning siqilishdagi mustahkamligi 133 MPa).[2]

Nashr qilingan ma'lumotlarga ko'ra, so'nggi o'n yil ichida Xitoyda quvur-beton karkaslari yordamida 40 dan ortiq osmono'par binolar qurilgan. Ular orasida Shenchjendagi Sayj maydonidagi osmono'par bino hozirda dunyodagi eng baland binolardan biri hisoblanadi. Yer usti qismi 72 qavat, yer osti qismi - 4. Binoning umumiy balandligi 291,6 m, uning umumiy maydoni 160 ming m² dan oshadi. Ushbu ko'p funksiyali murakkab inshoot etti balli zilzila ehtimolini hisobga olgan holda ishlab chiqilgan va qurilgan.

Quvurli beton konstruksiyalarni (TBK) amalda qo'llash bo'yicha jahon tajribasi shuni ko'rsatadiki, TBK dan foydalanilganda po'lat tejankorligi (metall konstruksiyalarni ishlab chiqarish bilan taqqoslaganda) 56% gacha, narxi 1,74 baravargacha kamayadi va xarajatlar 62 foizga kamayadi. Quvurli beton ustunlar massasi temir beton bilan taqqoslaganda 83% gacha kamayadi. Yaponiyalik tadqiqotchilarning fikriga ko'ra, bunday betonlarning taxmin qilingan xizmat muddati taxminan 500 yil.

Yuqori sifatli betonning asosiy mezonlari qo'yidagilardan talablar:

- yuqori mustahkamligi, shu jumladan muddatdan oldingi yuqori mustahkamligi
- (R28 = 60 ... 120 MPa va undan ko'p, R1 - kamida 25 ... 30 MPa);
- sovuqqa chidamliligi yuqori (F400 va undan yuqori);
- suv va kimyoviy ionlar uchun past o'tkazuvchanlik (W12 va undan yuqori);
- ishqalanishga yuqori qarshiligi (0,4 g / sm² dan ko'p bo'lmagan);
- suv shimuvchanligi past (og'irligi bo'yicha 2,5% dan ko'p bo'lmagan);
- kimyoviy agressiv moddalarga qarshilik yuqori;
- gazlar ta'siriga chidamliligi yuqori;
- suv o'tkazmasligi yuqori;
- elastiklik modulining yuqoriligi va boshqa muhim xususiyatlardan iborat bo'lishi kerak.[3]

Yuqori mustahkamli va sifatli betonlarning va ulardan tayyorlangan konstruksiyalarning taxmin qilingan ko'rsatkichlarini olish uchun yangi materiallar, beton va temirbetonning yangi texnologiyasi, yangi ishlab chiqarish va fikrlash madaniyati zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Шевченко, В. А. Ш379 Технология и применение специальных бетонов: учеб. пособие / В. А. Шевченко. – Красноярск: Сиб. федер. ун-т, 2012. – 202 с.
2. И.А. Дуванова Трубобетонные колонны в строительстве высотных зданий и сооружений ФГАОУ ВО «Санкт-Петербургский политехнический университет», 195251, Россия, Санкт-Петербург
3. https://rep.bntu.by/bitstream/handle/data/39809/Primenenie_trubobetonnyh_konstrukcij_v_zdaniyah_i_sooruzheniyah.pdf?sequence=1&isAllowed=y

БЕТОНЛАР ВА ҚОРИШМАЛАР УЧУН КИМЁВИЙ ҚЎШИМЧАЛАР

Магистрант Б.Садуллаев, Доцент А.Ғаниев
Жиззах политехника институти

Кимёвий қўшимчалар бетон хоссаларини такомиллаштиришнинг энг оддий ва осон эришилувчан технологик усулларида бири ҳисобланади. Унинг қўлланилиши темирбетон конструкцияларни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган харажатларни кескин камайтириш, маҳсулот сифатини ва хизмат қилиш муддатини сезиларли ошириш имкониятларини беради. Шунинг учун кимёвий қўшимчалар қўшилган бетон технологиясини қурилиш амалиётида қўллашга дунёнинг етакчи мамлакатларида катта аҳамият берилади. Ҳозирги кунга келиб кимёвий қўшимчалар қўшилган бетоннинг улуши Японияда 80% дан, АҚШ, Германия, Франция, Италияда 70% дан ортиқни ташкил қилади.

Охириги йилларда Ўзбекистон Республикаси катта қурилиш майдонига айланди десак муболаға бўлмайди. Республикаимизнинг қайси бир вилоятини олманг уларнинг барчасида катта қўламдаги саноат, уй-жой ва жамоат бинолари қурилиши юқори суръатлар билан олиб борилмоқда. Шунинг учун замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, шу жумладан, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш – давр талаби ҳисобланади.

Ҳозирги кунда дунё миқёсида цементли қоришма ва бетонлар учун кимёвий қўшимчаларнинг ягона таснифланиши қабул қилинмаган. Турли мамлакатларда кимёвий қўшимчаларнинг турлича таснифланиш схемаси қабул қилинган. МДХ мамлакатлари билан бир қаторда Ўзбекистонда ҳам ГОСТ 24211-103 га мувофиқ бетон ва қоришмалар учун кимёвий қўшимчалар қуйидаги 2 гуруҳга бўлинади:

Биринчи гуруҳ – тайёр қурилиш қоришмаси ва бетон қоришмасининг хоссаларини ростловчи қўшимчалар. Уларга пластификацияловчи (суперпластификаторлар, кучли пластификаторлар, пластификаторлар) қўшимчалар, стабилизацияловчи қўшимчалар, ҳаракатчанлигини сақлашни ростловчи қўшимчалар, ғоваклаштирувчи (ҳаво олиб кирувчи, кўпик ҳосил қилувчи, газ ҳосил қилувчи) қўшимчалар киради.

Иккинчи гуруҳ – қотган қурилиш қоришмаси ва бетоннинг хоссаларини ўзгартирувчи қўшимчалар. Уларга қотиш кинетикасини ростловчи (тезлаштирувчи, секинлаштирувчи) қўшимчалар, мустаҳкамликни оширувчи қўшимчалар, ўтказувчанлигини камайтирувчи қўшимчалар, арматурага нисбатан ҳимояловчи хусусиятини кучайтирувчи, музлашга чидамлилигини оширувчи қўшимчалар киради.

Ҳар қандай кимёвий қўшимчани у ёки бу гуруҳга тааллуқлигини ГОСТ 30459 га мувофиқ самарадорлиги мезони бўйича аниқланади.

Замонвай суперпластификаторларнинг энг самаралиси поликар-боксилат асосидаги суперпластификаторлардир. Масалан GLENIUM суперпластификатори (BASF, Германия) ана шундай энг самарали кимёвий қўшимчалардан ҳисобланади. Уларнинг цементли системаларга таъсири механизми келтирилган.

Бетон ва темирбетоннинг хоссаларини такомиллаштириш учун кимёвий қўшимчаларни танлаш оддий бўлмаган масала ҳисобланади. Шунинг учун уларнинг таснифланиши ва цементли системаларга таъсир кўрсатиши механизмларини билиш мутахассислар учун жуда ҳам зарурдир.

“Betong strong-17” қўшимчасини бетоннинг сиқилишга бўлган мустаҳкамлигига таъсири.

1-жадвал

№	Намуналар номлари	Бетон қоришмасининг харакатланувчаниги ОК, см	Ўртача зичлик, г/см ³	Қўшимчан и цемент массасига нисбатан миқдори, %	Бетоннинг сиқилишга бўлган мустаҳкамлиги (МПа), суткалар			
					R _c	R _c	R _c	R _c
					3	7	14	28
1	Қўшимчасиз (контрольные)	4,5	2.27	0	14.8	25.7	26.6	26.9
2	“Betong strong-17”	5.8	2.30	1	15.3	26.3	27.8	28.0

Хулоса қилиб айтганда, бетоннинг механик хоссаларини яхшилашга кўпгина чоратадбирлар қаратилган. Бетон технологиясига суперпластификаторлар, гиперпластификаторлар ва янги авлод комплекс кимёвий қўшимчалар асосида технологик жараёнларни муддатини қисқартириш, махсулот сифатини таъминлаш ва умрбоқийлигини ошириш каби тадбирлар темир-бетон ишлаб чиқариш соҳасида илмий технологик ривожланишнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бетон таркибига суперпластификаторларни киритилиши бетон қоришмасини қулай жойлашувчанлигини кескин оширади ва бетоннинг физик-механик хусусиятларини, эксплуатацион хоссаларини яхшилайди.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Ҳ.А.Акрамов, Ҳ.Н.Нуритдинов “Бетон ва темир бетон буюмлари ишлаб чиқариш технологияси” Тошкент 2011.
2. Н.А.Самигов “Энергия ва ресурс тежамкор қурилиш материаллари ва технологиялар” Дарслик. Тошкент 2016.
3. Н.А.Самигов “Бино ва иншоотларни таъмирлаш материалшунослиги” Дарслик. – Т.: Файласуфлар миллий жамияти, 2011.

ТЕБИНБУЛОҚ ВЕРИМКУЛИТИ КОНЦЕНТРАТИНИ ЮҚОРИ ҲАРОРАТДА КЎПЧИТИБ ОЛИНИШИ ВА УНИНГ ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**иқтидорли талабалар: Абдурахмонов И.М., Набиев А.Н.,
таянч докторант: Тиллаев М.А., ассистент: Шавқиев А.Н.
Жиззах политехника институти**

Қорақалпоғистон Республикасида мавжуд вермикулит хом ашё ресурсларидан самарали фойдаланиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қуллаб-қувватлаш асосида вермикулитдан юқори қўшилган қийматли янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда вермикулит табиий фойдали қазилма сифатида геологлар томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Қораўзак тумани худудида жойлашган Тебинбулоқ конида аниқланган бўлиб, унинг захираси 3,944 млн. тоннани ташкил этади. Маҳаллий хомашёлар асосида кўпчилган вермикулит-ни гидрофоблаш ва енгил иссиқлик сақловчи материаллар технологиясини ишлаб чиқилган бўлиб, кўпчилган вермикулит асосида сувга чидамли қуруқ қоришмалар асосида композицион гипс-вермикулитли иссиқлик сақловчи сувоқ учун

курук қурилиш аралашмаларини олиш ва саноат усулида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш “THERMOZON” МЧЖда ишлаб чиқаришга жорий этилган. Илмий-техник адабиётларнинг таҳлили қурилиш саноатида, хусусан вермикулит плиталар ишлаб чиқаришда эришилган ютуқлар билан бирга соҳада мавжуд муаммоларни ҳали ўз ечимини топмаганлигини кўрсатди. Ўзбекистон минерал хом ашёлари ва саноат чиқиндиларидан фойдаланиб самарадор технологиялар ишлаб чиқишга қаратилган.

Шу билан бирга тармоқда ҳали ишга солинмаган резервлар, ишлаб чиқаришдаги мавжуд муаммолар, жиҳозларнинг эскирганлиги, баъзи конлар захираларидан самарали фойдаланилмаётганлиги, айниқса, саноат чиқиндиларидан самарали фойдаланилмаётганлиги кузатилди. Республика тадқиқотчи олимлари ва мутахассислари томонидан самарадор техник ечимлар ва технологиялар ишлаб чиқилиб саноатга тавсия этилганлигига қарамасдан, мазкур ишланмалар амалда вермикулит асосида вермикулит плиталарининг ишлаб чиқарувчи корхоналарда жорий этилмаган. Бу эса ушбу соҳада аниқ йўналтирилган комплекс изланишлар олиб боришнинг долзарблигини яна бир бор исботлайди.

Тебинбулоқ вермикулит хом ашёсини кўпчителишнинг юқори ҳароратда термик усулда кўпчителиш усулига нисбатан энергосамарадор бўлган муқобил шаклда энергия сарфи бир неча баробар бўлган кимёвий усулда кўпчителиб олиш, шу йўл билан вермикулит хом ашёсидан бошқа вермикулитли тайёр қурилиш материалларига нисбатан таннарҳи ва ишлаб чиқаришнинг технологик жиҳатдан янгии, самарадор ва рақобатбардош усулини ишлаб чиқиш, вермикулит плиталарининг таркибий компонентларни танлаш, мақбул таркибини ва олиш усулларни ишлаб чиқиш



а)

б)

в)

1-расм. Тебинбулоқ вермикулит конидан олинган вермикулит рудаси (а) , руданинг майдалангани (б) ва бойитилган майда ўлчамли концентрати

Вермикулит концентратининг фракцияларга ажратишда кумуш рангли йирик фракцияли – майда $0,6\div 1,6$ ва $1,6\div 2,2$ мм, ўртача фракцияли – $2,2\div 3,0$ ва $3,0\div 4,0$ мм, 5,0; 6,0; 7,0 мм ўлчамдаги ҳамда тилла рангли вермикулит концентрати 2 та майда фракцияли $0,6\div 1,6$ ва $1,6\div 2,2$ мм ўлчамдаги вермикулит концентратидан фойдаланилди.



2-расм. Майда ва йирик фракцияли вермикулит концентратлари ва уларнинг кўпчитилган ҳолатдаги намуналари

Кўпчитилган вермикулит кумуш ва олтин рангда бўлади. Вермикулит минералини майдалаш ва кўпчитиш йўли билан олинган тангача заррали (доналар) кўринишидаги сочилувчан иссиқлик изоляция материалдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ganiev, A., Tursunov, B. A., & Kurbanov, Z. K. (2022). Prospects for the use of multiple vermiculitis. *Science and Education*, 3(4), 409-414.
2. Akramov, X. A., & Ganiyev, A. (2022). To Produce an Effective Composition of Vermiculite Plita and to Study the Coefficient of Thermal Conductivity. *The Peerian Journal*, 8, 29-37.
3. Акрамов Х.А., Турсунов Б.А., Тиллаев М.А., Ахматов Д.А. Тебинбулоқ кони кўпчитилган вермикулити мисолида майда ва йирик тўлдирувчиларнинг зарравий таркибини аниқлаш учун ҳисоблаш дастури // “Ishlab chiqarishning texnik, muhandislik va texnologik muammolarining innovatsion yechimlari” mavzusidagi xalqaro miqyosidagi ilmiy-texnik anjumani materiallari to‘plami. Jizzax.1-qism 2022 y. 610-613 б.
4. Сабиров Б.Т., Тиллаев М.А., Турсунов Б.А., Тебинбулоқ вермикулити асосида иссиқлик ҳимояловчи ва оловбардош плиталарнинг физик-механик хоссаларини тадқиқ этиш. ME’MORCHILIK va QURILISH MUAMMOLARI (ilmiy-texnik jurnal) 2023, №1 (2-қисм) 3-6 б

ТЕБИНБУЛОҚ КОНИ ВЕРМИКУЛИТИ НАМУНАСИНING ФИЗИК-КИМЁВИЙ ВА МИНЕРАЛОГИК ТАРКИБИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

**таянч докторант: Тиллаев М.А.,
Жиззах политехника институти**

Вермикулит – гидрослюда гуруҳидаги қатламли структурага эга бўлган табиий минерал бўлиб, кумушранг,сарғиш ёки олтин-сарик ҳамда жуда кам ҳолатларда жигарранг тусга эга бўлади. Ушбу минералнинг “вермикулит” (лотинча “vermikulite”- “чувалчанг”) деб аталишига сабаб, унинг юқори ҳароратда худди маккажўҳори дони каби кескин равишда кўпчиб ҳажмини 10-15 мартотабага ошириб, зичлиги камайиши ҳисобига гормошка ёки чувалчанг шаклидаги пўқақдек енгил ҳолатга келишидир.

Вермикулит минерали ҳароратни кескин равишда 400-1000 °С ҳарорат оралиғида термик таъсир кўрсатилганида ўзининг дастлабки ҳажмидан 15 мартотабагача кўпчиш хусусиятига эга. Вермикулит асосан кондан қазиб олинган бошлангич норуда сифатида эмас, кўпроқ кўпчитилган ҳолда саноат, кишлоқ хўжалиги ва қурилиш тармоқларида кенг фойдаланилади. Кўпчитилган вермикулит яна “зонолит” деб ҳам аталади.

Кўпчитилган вермикулит саноат ва маҳаллий қурилишда, қора ва рангли металлургияда, ўтга чидамли материал сифатида, нефтни қайта ишлаш саноатида, атом электр станцияларида ҳамда қурилиш соҳаларида ҳам кенг қўлланилади. Электр кабеллари, пол, том, темир бетон, ёғоч иншоотларни иссиқликдан ва оловдан ҳимоя қилишга қодир. Бундан ташқари вермикулитли плита турли йўналишларда, жумладан ёнғинга чидамли вермикулит плитасидан фойдаланиш, ёнғин хавфсизлиги юқорилиги учун жамоат, ишлаб чиқариш ва турар-жой биноларини барпо этишда қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасида вермикулит рудаси фақатгина Қорақалпоғистоннинг Қораўзак туманида (Нукус шаҳридан 70 км узоқликда) топилган бўлиб, вермикулит рудасининг бошқа конлари ҳозирча геологлар томонидан аниқланмаган. Бу эса ҳозирча республикада ягона ҳисобланаётган Тебинбулоқ кони вермикулит ҳам ашёсидан фойдаланишнинг оқилона ва технологик ҳамда иқтисодий жиҳатдан энг мақбул

технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этишни тадқиқотчилар олдига муҳим вазифа қилиб қўяди.

Тебинбулоқ кони вермикулит рудасининг доналарининг қолган қисми 30-40 мм гача бўлган ўлчамларига эга вермикулитнинг гидробиотит навлари киради. Ташқи кўринишига кўра, вермикулит рудасининг кумуш ва олтин тусли учрайди. Намлиги ўртача 2% дан кўп бўлмаган вермикулит рудасининг ўртача зичлиги $2200-2300 \text{ кг/м}^3$ ни ташкил қилади

Айни вақтда Тебинбулоқ конида вермикулит хом ашёсини бир нечта корхона махсус лицензия асосида қазиб олиш ва қайта ишлаш билан шуғулланмоқда. Тебинбулоқ вермикулит конида қазиб олиш ва қайта ишлаш фаолияти билан шуғулланувчи “Triumf Vermikulit” МЧЖнинг таъсисчиси эса Навоий вилоятида рўйхатдан ўтган “Triumf Gornyak” МЧЖдир. “Triumf Gornyak” МЧЖ Навоий вилоятида саноат зонасида ўзининг вермикулитни чуқур қайта ишлаш, жумладан вермикулитли плиталар ва иссиқхона шароитида кўчат етиштириш учун вермикулитли биопарчаланувчан идишчалар ишлаб чиқаришга мўлжалланган икки алоҳида ишлаб чиқариш участкасига эга.

Корхонада мавжуд технологияга асосан, вермикулит рудасини майдаланганда кумуш ёки олтин туслилигига кўра қуйидаги фракцияларга ажратилади: кумуш тусли концентрат: $0,6 \div 1,6 \text{ мм}$; $1,6 \div 2 \text{ мм}$, $2,3 \div 3,0 \text{ мм}$; $3,0 \div 4,0 \text{ мм}$; 5 мм ; 6 мм ; 7 мм . Олтин тусли вермикулит концентрати эса $0,8 \div 1,6 \text{ мм}$ ва $1,6 \div 2,2 \text{ мм}$ ўлчамдаги фракцияларга ажратиб олинади. Тебинбулоқ конидан олинган вермикулит концентратини юқори ҳароратда кўпчилиш билан ГОСТ 12865-87 “Кўпчитилган вермикулит” га мувофиқ 100, 150, 200, 300 маркалари талабларига жавоб беради.

Лаборатория тадқиқотлари ва тажриба-синов ишлари Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги Тебинбулоқ вермикулит конидан саноат усулида қазиб олинган вермикулит рудасида бўйича бажарилди. Қазиб олинган вермикулит концентратининг тадқиқотлар белгиланган тадқиқот вазифалари асосида қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилди

Кумуш тусли вермикулит концентратлари



0,6 ÷ 1,6 мм



1,6 ÷ 2 мм



2,3 ÷ 3,0 мм



3,0 ÷ 4,0 мм



5 ÷ 6 мм



7 мм

Олтин тусли вермикулит концентратлари



0,8÷1,6 мм



1,6÷2,2 мм

**1-расм. Тебинбулоқ вермикулит кони рудасидан майдалаш
ва бойитиш йўли билан олинган турли донаторлик ўлчамларига
эга қумуш ва олтин тусли вермикулит концентратлари**

Тадқиқот ишида, шунингдек. Корхонада вермикулит хом ашёсини майдалаш ва бойитиш натижасида олинган майда, ўртача ва йирик донаторлик ўлчамларига эга бир нечта вермикулит концентратларидан ҳам фойдаланилди

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Сабилов Б.Т., Тиллаев М.А., Турсунов Б.А., Тебинбулоқ вермикулити асосида иссиқлик ҳимояловчи ва оловбардош плиталарнинг физик-механик хоссаларини тадқиқ этиш. ME'MORCHILIK va QURILISH MUAMMOLARI (ilmiy-texnik jurnal) 2023, №1 (2-қисм) 3-6 б
2. Ganiev, A., Tursunov, B. A., & Kurbanov, Z. K. (2022). Prospects for the use of multiple vermiculitis. Science and Education, 3(4), 409-414.

КО'ПИК-SHISHANING TARKIBINI O'RGANISH.

**Maxramov Mirxodi Abdusattor o'g'li
Eshqulov Nuriddin O'ktam o'g'li
Jumanov Ilyos Boborajab o'g'li**

Аннотация: Мақоллада ко'пик-шishaning ishlab chiqarish jarayoni va kopik shishani qo'llash sohalari haqida yozilgan.

Аннотация: В статье описан процесс производства пеностекла и области применения пеностекла.

Annotation: The article describes the production process of foam glass and the scope of foam glass.

Ко'пик-шisha ishlab chiqarish uchun qo'llaniluvchi kukunli usul kukun qilib maydalangan shishaga gaz hosil qiluvchi qo'shib, qizitishga asoslangan. Yuqori haroratda ajralib chiquvchi gaz yumshoq shishamassasini ko'pchitadi va unga sovitish jarayonidagi yumshatish yo'li bilan mustahkamlanuvchi g'ovak tuzilish beradi. Ba'zi, zavodlarda ko'pik-shisha ishlab chiqarishning texnologik sxemalari, asosan, bir-biridan xomashyoni tayyorlash va shisha shixtalarini pishirish ("ko'pirtirish") rejimlari bilan farqlanadi.

Qo'llaniluvchi xomashyo turiga ko'ra, ko'pik-shishani ikki asosiy texnologik sxemalari bo'yicha ishlab chiqarish mumkin: a) kengaytirilgan ishlab chiqarish sxemasi bo'yicha, ya'ni avval

shisha granulatlari, soʻngra esa koʻpik shisha olinadi; b) ishlab chiqarishning qisqartirilgan sxemasi boʻyicha, yaʼni koʻpik shishani bevosita shisha siniqlaridan ishlab chiqariladi. Shisha siniqlarini tayyorlash uni maydalash va gaz hosil qiluvchi bilan aralashtirishdan tashkil topgan. Odatda, bu ikki jarayon birgalikda sharsimon tegirmonda amalga oshiriladi: shisha kukuni va gaz hosil qiluvchilar maydaligi bir xil boʻlishi kerak. Shisha kukunining maydaligi, pishish jarayoni va koʻpik shisha xususiyatlariga taʼsir koʻrsatadi: shisha kukuni zarralari qanchalik mayda boʻlsa, shunchalik gʻovaklar kattaligi va shakli bir xil, materialda gʻovaklar bir xil taqsimlangan va material mustahkamroq boʻladi. Kukun maydaligi maydalangan shisha turiga bogʻliq: shisha siniqlari va zavod chiqindilari 3000 sm²/g gacha maydalanadi, shisha granulati esa 4000—4500 sm²/g gacha nozikroq maydalanadi. Ishlab chiqarish sharoitlarida 10000 teshik/sm² li elakdagi kukun qoldigʻi bilan kukun maydaligi aniqlanadi, u 8—10% dan oshmasligi kerak, maydalash chegarasi maydalash uchun sarf qilingan energiya bilan chegaralanadi. Maydalash uchun CM-14 yoki CM-436 sharli ikki kamerali tegirmonlar qoʻllaniladi. Granulatlaridan koʻpik-shisha tayyorlashda xomashyo materiallari oddiy shisha ishlab chiqarish uchun qoʻllaniluvchi xom ashyo materiallari kabidir, masalan, kvarts qumi, ohaktosh, dolomit, soda va sulfat. Kvarts qumi quritish barabanida quritiladi va soʻngra elakdan oʻtkaziladi. Ohaktosh va dolomit yanchiladi, quritish barabanida quritiladi, bolgʻachali tegirmon yoki dezintegratorida maydalanadi va elakdan oʻtkaziladi. Soda va sulfatni ham dezintegratorida elakdan oʻtkaziladi. Shu usulda tayyorlangan shisha shixtasi komponentlari tarelkasimon va boshqa aralashtirgichlarda aralashtiriladi. Shixta tarkibi oyna shishasi kabi boʻladi. Shixtani eritish va shishamassasini qaynatish vanna pechlarida amalga oshiriladi, ular oʻz konstruksiyasi boʻyicha boshqa shisha turlarini qaynatish uchun moʻljallangan shisha qaynatish pechlaridan farqlanmaydi. Bunday pechlarda olov yoʻnalishi koʻndalang yoki taqasimon tuzilishiga ega boʻladi, masalan, Kuchinsk keramika pardozlash materiallari kombinatida (Moskva shahri yaqinida) shisha granulatlari qaynatish uchun tabiiy gaz bilan ishlovchi irmoqli (protokli) va regeneratordagi vanna pechlari ishlatiladi. Pech basseynining maydoni 37 m², uzunligi 6,4 m, eni 1,2 m, chuqurligi 1,2 m. Shishamassaning solishtirma olinishi kuniga 1,2 t/m². Mahsuldorlik — 45 t/kun. Bunday pech yiliga 65 ming m³ ga yaqin miqdorda koʻpik-shisha ishlab chiqarishni taʼminlaydi. 1,2 m. Shishamassaning solishtirma olinishi kuniga 1,2 t/m². Mahsuldorlik — 45 t/kun. Bunday pech yiliga 65 ming m³ ga yaqin miqdorda koʻpik-shisha ishlab chiqarishni taʼminlaydi.

Koʻpik-shishani qurilishda qoʻllash. Koʻpik-shishani xususiyatlariga koʻra issiqlik izolatsion, akustik va bezak materiali sifatida qoʻllash mumkin. Koʻpik-shishani qoʻllash sohasiga koʻra, uni ishlab chiqarish jarayonida ushbu maqsad uchun muhimroq boʻlgan xususiyatlariga kuchaytiriladi (gʻovaklik turi, rangi va hokazo). Sanoat va fuqaro qurilishida koʻpik-shisha devorlar, toʻsiqlar, pollar, tomlar va binolaming boshqa qismlarini isitish uchun ishlatilishi mumkin. Koʻpik-shishaning yaxshi fizik-mexanik xususiyatlariga qaramasdan, uni temir-beton panellarini isitish uchun qoʻllash, boshqa issiqlik izolatsiya materiallariga qaraganda, iqtisod jihatdan uncha samarali emas. Bunga sabab, uni ishlab chiqarishdagi mehnat, elektr energiyasi va yoqilgʻining boshqa isituvchilar tayyorlashga qaraganda koʻproq sarfidir. Koʻpik-shisha texnologiyasining bosh vazifalaridan biri — bu uni ishlab chiqarish samarasini oshirish, hamda isituvchi qatlamda choklar uzunligini qisqartirish uchun koʻpik shisha mahsulotlari oʻlchamlarini oshirishdir, bunda devor panellarining issiqlik himoya xususiyatlari yaxshilanadi. Koʻpik-shishaning gigroskopikligi va yetarlicha sovuqqa chidamliligi uni muzlatgichlar uskunalarida ishlatishga imkon beradi. Kichik issiqlik oʻtkazuvchanlik past suv yutish va maʼlum darajadagi mustahkamlik bilan birga koʻpik-shisha issiqlik tarmoqlarini yerosti kanalsiz yotqizishdagi izolatsiyalash uchun samarali material hisoblanadi, chunki koʻpik-shisha tuproq bosimini koʻtarish va tuproq suvlari bilan namlanmaslik

xususiyatlariga ega. Yaxshi tovush yutish va bezak xususiyatlari ko‘pik-shishani auditoriyalar, konsert zallari va kinoteatrlar uchun tovush yutuvchi hamda bezak materiali sifatida ishlatishga imkon beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. N.A. Mahmudova, H.N. Nuritdinov Pardoqlash va issiqlik izolatsiya materiallari o‘quv qo‘llanma “NOSHIR” T. 2010-y.

ZAMONAVIY QURILISH MATERIALLARIDAN ISHLAB CHIQRISH TEXNOLOGIYALARI.

Asqarov X.A., Assistent, Andijon iqtisodiyot va qurilish inistituti
Maxmudov Z.Sh.314-20-guruh talabasi, Andijon iqtisodiyot va qurilish inistituti
Nuramamatov N.R. Assistent, Jizzax politexnika inistituti
821-21 guruh talabasi, Yusufova S.R Jizzax politexnika inistituti
Elektron pochta: asqar.xasanjon7413gmail.com

Qurilish qorishmalarini ishlab chiqarish sanoatini rivojlantirishning asosiy yo‘nalishlari qo‘yidagilar: sohaga ilmiy yangiliklarni qo‘llash; qurilish qorishmalari va quruq qurilish aralashmalari sifat darajasi va samarasini oshirish; ishlab chiqarishda mehnat sarfini kamaytirish, yuqori sifatli qurilish qorishmalarini ko‘plab ishlab chiqarishni tashkil etish, qurilish qorishmalari va quruq qurilish aralashmalari ishlab chiqarish texnologiyasini tubdan yaxshilash uchun eng zamonaviy texnologik jarayonlarni keng ko‘lamda tadbiq qilish; yuqori unumdor avtomatik uskunalarni ishlatish; qurilish qorishmalari hossalarni aniqlashda xomashyo mahsulotlarning sifatini boshqarish va nazorat sistemasini eng sifatlisini qo‘llash; hisoblash texnikasidan keng foydalanish; chiqindiga chiqarmaydigan va resurslarni tejash texnologiyasini qo‘llash; sanoat chiqindilari va ikkilamchi mahsulotlarni keng ko‘lamda qo‘llash; ishchi, energiya va material resurslarini tejamkorligini oshirish maqsadida ishlab chiqarish rezervlaridan keng foydalanish.



Qurilish qorishmalari va quruq qurilish aralashmalari bu asosiy qurilish materiallaridan biri bo‘lib, ularni ishlab chiqarish kun sayin o‘sib bormoqda. Kapital qurilishdagi asosiy masalalardan biri, bu qurilish materiallarini ishlab chiqarish va qo‘llashni takomillashtirish, sifatini yaxshilash hamda ilmiy-texnik yutuqlarni qurilishda qo‘llash hisoblanadi.

Quruq qurilish aralashmalari tarkiblarida mineral bog‘lovchi va to‘ldirgichdan tashqari, mineral bog‘lovchining qotishi va mustahkamligini boshqarish va qorishma qotgandan keyingi zarur fizik-mexanik xossalarga erishishini ta‘minlash maqsadida kimyoviy qo‘shimchalar kompleksi mavjuddir.



Quruq qurilish aralashmalarining asosi sifatida ohak, yoki gips, yoki sementdan foydalaniladi. Qurilish qorishmalariga zarur xossalarni berish uchun qo‘shimchalardan foydalaniladi. Polimer qo‘shimchalar yopishish qobiliyatini oshiradi. Quruq qurilish aralashmalari yordamida yuqori ishlov berish mumkinligini ta’kidlash zarur. Bundan tashqari ular quyidagilarni imkonini beradi:

- vaqt va joyni iqtisod etish, ya'ni hamma komponentlarni xarid qilish, saqlash va murakkab bo‘lgan tarkiblarni aralastirib tayyorlashdan voz kechiladi;
- har qanday murakkablikdagi tarkiblarga buyurtma berish imkonining mavjudligi, chunki quruq qurilish aralashmalari zamonaviy uskunalar yordamida tayyorlanadi;
- nobudgarchilikning yo‘qligi, ya'ni xohlagan vaqtda zarur miqdordagi qorishmani tayyorlash mumkin;
- transport xarajatlarning iqtisodi, ya'ni quruq qurilish qorishmalaridan foydalanish qurilish maydoniga doim tayyor qorishmani tashib keltirishdan voz kechish imkonini beradi;
- yuqori sifat kafolatining mavjudligi, ya'ni tarkib komponentlarini aniq o‘lchash hisobiga qorishma retseptining aniqligi (quruq qurilish qorishmalarining sifatini qurilish maydonida komponentlarni o‘lchab tayyorlangan qorishmalarning sifati bilan solishtirib bo‘lmaydi). Zamonaviy quruq qurilish aralashmalarining nomenklaturasi juda kengdir. Qurilish materiallari bozori hozirgi vaqtda suvoq, shpaklyovka, zatirka, yelim, gruntovka va boshqalarning xilma-xil turlarini taklif etmoqda. Hozirgi vaqtda respublikamizda 60 yaqin kichik va o‘rta biznes tadbirkorlari tomonidan quruq qurilish aralashmalari ishlab chiqarilmoqda. O‘zbekiston quruq qurilish aralashmalari bozorida o‘zimizning mahalliy quruq qurilish aralashmalarini ishlab chiqaruvchilarimizdan KNAUF, «Alimix Production», OOO "REAL BUILDING MATERIALS" OOO "Eleron Elit Servis", SP "BAUPLAST", «Rademus-servis» xususiy kompaniyasi, VENTUM, OOO "New Live Buildis", «RAHNAME» kompaniyasi, MeGAMIX kompaniyasi, OOO «ZeNGeR IMPeX», OOO "RAZATA", OOO "BI Vermikulit Grup" va boshqalar yetakchilik qilmoqda. Ushbu mini zavodlarning quruq qurilish qorishmalari mahsulotlari ishlatilish uchun qulay xisoblanib sifatligi yaxshi xisoblanadi.

Adabiyotlar.

1. Askarov, X. (2023). SILIKAT MATERIALLARDAN TAYORLANGAN G ‘ISHTLARDAN BINO INSHOOTLARINI QURISH TAHLILI. *GOLDEN BRAIN*, 1(8), 162-164.
2. LEGO G ‘ISHT ISHLAB CHIQRISH TEXNOLOGIYASINI TADQIQ QILISH X Askarov, B Mirzayev - *GOLDEN BRAIN*, 2023
3. <https://www.gazeta.uz/oz/2021/04/06/road/>
4. <https://www.uzavtoyul.uz/uz/>

ҚУРУҚ ИССИҚ ИҚЛИМ ШАРОИТЛАРИДА БЕТОННИНГ ФИЗИК ва МЕХАНИК ХУСУСИЯТЛАРИ.

Азимбоев З.С. ТАҚУ БИҚФ талабаси
Саидазимов М.Р. БИФ кафедраси доценти

Ўзбекистон Республикасининг иқлим шароити кескин континенталлик билан ажралиб туради. Ёзги даврда ҳаво ҳарорати $+40^{\circ}\text{C}$ дан ошиши мумкин, нисбий намлик эса 10-15% ёки ундан пастроққа тушади. Кун ва йил давомида ҳаво ҳарорати ва намлигининг ўзгариши (ёз ва қиш) бетон конструкциянинг шаклланишига салбий таъсир қилади, бу унинг мустаҳкамлиги ва эластиклик модулининг пасайишига олиб келади. Ушбу мақолада лаборатория ва назарий тадқиқотлар асосида оғир бетоннинг структурасининг ўзгариши, оғир бетоннинг механик ва деформатив хусусиятларининг ўзгаришининг қонунийлиги келтирилган.

Қуруқ иссиқ иқлим шароитида бетоннинг қотиши нормал ҳарорат ва намлик шароитида бетоннинг қотиши учун олинган шунга ўхшаш характеристикага эга бўлган пайвандлаш кучининг ўзгаришига олиб келади. Бу ўзгаришлар, асосан, мустаҳкамловчи бетонда содир бўладиган физик-кимёвий жараёнлар билан боғлиқ бўлиб, унинг давомида мустаҳкамлик хусусиятларининг намоён бўлишининг қонунийлигини белгилайди. Ҳарорат, қуёш радиацияси ва паст нисбий намликнинг биргаликдаги ўзгарувчан таъсири кучининг ўзгаришига олиб келади. Бундай ҳолда, қайд этилган ўзгаришлар бетоннинг ёшига боғлиқ. Вақт ўтиши билан бетоннинг мустаҳкамлиги ўзгариши характери аниқлаш учун, қуёш нурлари таъсирида очик ҳавода қотиб қолган ва қуёш нурларидан ҳимояланган намуналарни цехда 7 кун нам талашларда нам сақлашдан кейин синов натижалари таҳлил қилинди. Намуналар июл ойида, ҳаво ҳарорати 35°C ва намлик 20% бўлган пайтда олинган. Жадвалда. 1 қисқа муддатли юк остида вақт ўтиши билан бетоннинг мустаҳкамлиги ва деформация хусусиятларининг ўзгариши кинетикасини кўрсатадиган экспериментал тадқиқотлар натижаларини кўрсатади. Жадвалда келтирилган маълумотларни қиёсий таҳлил қилиш. 1-расмда 28 кунлик ёшда қуёш нури таъсирида очик ҳавода қотиб қолган бетоннинг цехда қотиб қолган ва қуёш нурланишидан ҳимояланган бетонга нисбатан 5-10% оралиғида кубик ва призма мустаҳкамлиги етишмаслиги кўрсатилган. Ушбу кўрсаткичлар бўйича билимларнинг камайиши, эҳтимол, қуруқ иссиқ иқлим шароитида бетоннинг қотиши пайтида юзага келадиган ҳалокатли жараёнлар билан боғлиқ. Кўтарилган ҳароратларда қуруқ иссиқ иқлим шароитида бетоннинг эрта ёшида бетоннинг мустаҳкамлиги одатдаги шароитларга қараганда анча интенсив ўсади. Йил давомида қуёш нурлари таъсирида очик ҳавода сақлаш вақтида мустаҳкамликнинг ўсиши цехда 8% га, бетоннинг мустаҳкамлиги 28 кун ичида 11% га етди (1-жадвал).

Шу билан бирга, жадвалдаги маълумотлардан қуруқ иссиқ иқлим шароитида табиий шароитларда сўнгги қаттиқлашув давларида бетоннинг мустаҳкамлиги сезиларли даражада ошмаганлигини ҳам кўриш мумкин.

Қуёш нурланишига таъсир қиладиган бетоннинг призма мустаҳкамлигининг ўсиши цехда бетоннинг призма мустаҳкамлиги ошишига қараганда камроқ интенсив бўлиб, йилига мос равишда 6% ни ташкил этди. Қуёш нурлари таъсирида қуруқ иссиқ иқлимда бўлган йил давомида бетоннинг призматик мустаҳкамлиги куб кучига қараганда камроқ даражада ошди.

Қотиш шартлари	Бетоннинг ёши (кунлар)	$R, \frac{\text{МПа}}{\%}$	$R_b, \frac{\text{МПа}}{\%}$	K_{bc}	$R_{br}, \frac{\text{МПа}}{\%}$	$E, \frac{\text{МПа}}{\%}$	$\varepsilon_{bc} \times 10^{-5}$
Қуёш радиацияси таъсирида (2016 йил июл - 2017 йил июл)	28	16,6/100	14,4/100	0,86	1,81/100	20400/100	125/100
	60	17,5/106	14,9/103	0,85	1,7/94	20600/100,9	128/102
	180	17,8/106	15,1/104	0,84	1,78/98	21000/102	133/100
	360	18,0/108	15,3/106	0,85	1,81/100	21800/103	136 /108
Цехдаги сояда $T = 25 \dots 35^{\circ} C$ $W \square 25 \dots 35\%$	28	19,8/100	17,5/100	0,88	2,03/100	24600/100	118/100
	60	20,9/105	18,1/105	0,86	2,2/108	25200/102	120/101
	180	21,4/108	18,8/107	0,87	2,3/113	26000/105	123/104
	360	22,1/111	19,0/108	0,86	2,5/123	26400/107	126/106

Призма мустаҳкамлиги K_{bc} коэффициентини аниқлаш натижалари амалий қизиқиш уйғотади. Шундай қилиб, масалан, ҚМҚ 2. 03.01-21 га биноан, K_{bc} қиймати енгил ва оғир бетонлар учун бир хил деб ҳисобланади ва 0,72 дан кам бўлмаслиги керак.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. 2017-2021 yillarda O'zbekiston respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalashi bo'yicha Harakatlar Strategiyasi- O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoev Toshkent sh., 2017-yil 7-fevral, PF-4947-son. Farmoni.
2. В. А.Шевченко Технология и применение специальных бетонов: учеб. пособие Красноярск: Сиб. федер. ун-т, 2012.
3. Н.А.Акрамов, М.Тураров . Beton va temirbeton texnologiyasi. Darslik. T., 2019.
4. А.Ҳу.Шодмоннов, Н.Ҳ.Парсаева Beton va temirbeton texnologiyasi o'quv qo'llanma Jizzax 2020 yil
5. Akramov X.A. Nuritdinov K.N. Beton va temirbeton buyumlari ishlab chiqarish texnologiyasi. Darslik. T., Uzbekiston faylasuflari milliy jamiyati, 2011.

ҲАРОРАТ ВА НАМЛИК ОМИЛЛАРИНИНГ БЕТОННИНГ СТРУКТУРАВИЙ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИРИ

**110-20 ТВМ талаба Буриев Илёс
доц.Худойбердиев Абдуазиз**


Иссиқ ва қуруқ об-ҳаво бетон технологиясига жиддий асоратларни келтириб чиқаради ва кўплаб салбий оқибатларга олиб келади. Шунинг учун, қуруқ иссиқ ҳавода интенсив сувсизланиш туфайли бетоннинг пластик қисқариши жараёнида юзага келадиган вайрон қилувчи жараёнларни блокировка қилиш бетонни самарали парвариш қилиш орқали эришилади.

Маълумки, бетон конструкциянинг шаклланишига унинг қаттиқлашишининг дастлабки даври, турли физик-кимёвий ва физик жараёнлар жадал давом этадиган давр энг катта таъсир кўрсатади. Кўпгина ишлар бетоннинг сувсизланиши, аниқроғи, кунлик намлик йўқотишлари ва бетоннинг структураси ва мустаҳкамлиги шаклланишига боғлиқ бўлган пластик қисқариш қийматининг таъсирига бағишланган. Ушбу ишларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, юқори ҳароратларда ва атроф-муҳитнинг паст нисбий намлигида қотиб қолганда бетон

структурасини шакллантиришнинг асосий мезонлари тадқиқотчилар иссиқлик кенгайиши каби жисмоний жараёнларнинг катталиги ва табиатини олдилар. бетон, унинг пластик қисқариши ва намликни йўқотиш катталиги.

Қуёш иссиқлик билан ишлов бериш жараёнида янги ётқизилган бетонда содир бўладиган жисмоний жараёнлар орасида унинг сувсизланиши алоҳида ўрин тутати. Биринчи сутка давомида иссиқ, қуруқ ҳавода қуёш иссиқлик билан ишлов бериш технологияси бузилган ёки нотўғри парвариш қилинган бетон аралаштириш сувининг 50-70 фоизини йўқотади, унинг асосий қисми биринчи 6-да бетондан чиқарилади. 7 соат қаттиқлашув.

Яқуний давр бетоннинг маълум бир намлигида содир бўладиган буғланиш интенсивлигининг пасайиши билан тавсифланади. Шу билан бирга, ташқи муҳит билан масса алмашинуви ички масса ўтказиш жараёни билан чекланади, бетоннинг буғланиш ва сувсизланиш зонаси перифериядан марказга чуқурлашади. Кўпгина ишларда қуруқ иссиқ ҳаво шароитида янги ётқизилган бетоннинг қотиб қолиши натижасида намликнинг йўқолиши икки гуруҳ омиллар билан аниқланиши аниқланган. Биринчи гуруҳга цементнинг тури, минералогик таркиби, агрегатларнинг тури ва хусусиятлари, бетоннинг таркиби, маҳсулотларнинг ўлчамлари, иккинчисига - ҳарорат, нисбий намлик, қуёш нурланишининг интенсивлиги, шамол кучи ва ёъналиши каби омиллар киради. , ёгингарчилик, шунингдек, қабул қилинган усул ва конкрет парвариш. Атроф-муҳит параметрларининг янги ётқизилган бетондан намликни йўқотишига таъсирини тавсифловчи кўплаб адабиёт маълумотлари мавжуд. 1-расмга [3] мувофиқ, бетоннинг сувсизланишининг интенсивлигини қуйидаги дастлабки параметрлар бўйича баҳолашга имкон берувчи номограммалар берилган: бетон аралашмаси ҳарорати, атроф-муҳит ҳарорати, ҳавонинг нисбий намлиги ва шамол тезлиги.



1-расм - Бетон ва ҳаво ҳароратининг таъсири, нисбий намлик ва шамол тезлиги бетон юзасидан намлик буғланишининг интенсивлиги бўйича: а) нисбий намлик, %; б) бетоннинг ҳарорати, °С; в) шамол тезлиги, км/соат

Янги ётқизилган бетондан намликнинг интенсив буғланиши сезиларли даражада пластик қисқаришга олиб келади, бу иссиқ ва қуруқ ҳавода бетоннинг пайдо бўлган тузилишини бузадиган, физик-механик хусусиятларини сезиларли даражада ёмонлаштирадиган ва эрта ёрилиш сабабларидан бири бўлган жисмоний ҳалокатли жараён дир. қаттиқлаштирувчи бетондан. Бетон ва оҳакнинг пластик қисқариши намликнинг буғланиши билан ҳам, материалнинг реологик хусусиятлари билан ҳам аниқланади. Бетон ва оҳакларнинг пластик сиқилишдан ёрилишини ўрганиб, улар унга асосий таъсираралаш сувнинг тез буғланиши эканлигини тасдиқладилар (буғланиш тезлиги қанчалик юқори бўлса, сиқилиш тезлиги шунчалик юқори бўлади).

Фойдаланадиган адабиётлар рўйхати

1. Асқаров Б.А. Курилиш конструкциялари. Дарслик. Т., Ўзбекистон., 1995.
2. Асқаров Б.А. Новые легкие бетоны и конструкции на их основе. Дарслик. Т., Фан.1995.

УДК 691.327.32:666.97.035.4 (045/046)

МЕЛКОЗЕРНИСТЫЕ БЕТОНЫ НА ОСНОВЕ КОМПОЗИЦИОННЫХ ВЯЖУЩИХ С ЗОЛОШЛАКОВОЙ СМЕСЬЮ И ЗАПОЛНИТЕЛЕ ИЗ ШЛАКА

Болотов Таалайбек к.т.н., доцент
Раимкулова Сабина Студент гр. ПСК-1-19

Аннотация:

Статья посвящена проблеме использования отходов БТЭС. Исследованы основные физико-механические свойства и разработаны оптимальные составы мелкозернистого бетона. Подобран оптимальный гранулометрический состав золошлаковых отходов для использования их в качестве заполнителей для бетона.

Ключевые слова: золошлаковая смесь; фракции; плотность; подвижность смеси; водоцементное соотношение; шлак; грубый шлак; мелкозернистый заполнитель; тепловлажностная обработка; прочность.

На данный момент учеными доказано, что вторичное использование зол позволяет улучшить экологическую ситуацию, возникающую после выработки энергии ТЭС [2]. Также выявлено, что химический состав такого вида отходов увеличивает технологические свойства некоторых строительных материалов, что является существенным преимуществом в строительном процессе. По вопросу применения золошлаков при производстве бетонов были рассмотрены работы [3, 4, 5, 6]. В связи с этим возникает острый вопрос переработки золошлаковых отходов.

Данную проблематику в своих работах рассматривали многие учёные Пащенко А.А., Мясникова Е.А., Горшков В.С., Бутт Ю.М. и другие [1-4].

В Кыргызстане только Бишкекская ТЭЦ вырабатывает около 1 млрд кВт-часов электро- и более 2 млн. гигакалорий тепловой энергии. Помимо газовых выбросов, работа ТЭС, использующих твердое топливо, сопровождается образованием большого количества золошлаковых отходов.

Цель исследований является оптимизация составов и свойств мелкозернистого бетона на заполнителях и композиционных вяжущих из топливных отходов Бишкекской ТЭС. ЗШО состоят из зольной составляющей (частицы золы и шлака размером менее 0,315 мм) и шлаковой, включающей песок – 0,315 до 5 мм и шлаковый щебень – зерна свыше 5 мм и соответствуют ГОСТ 25592-91 «Смеси золошлаковые тепловых электростанций для бетонов».

В исследованиях были использованы топливные отходы, которые в зависимости от отбора, горения и хранения были разделены: зола гидроудаления, золошлаковая смесь и топливный шлак, которые в свою очередь использовались в качестве наполнителя в цемент М300.

Топливный шлак ТЭЦ представляет собой плотную массу высокой прочности, который предварительно подвергался дроблению в щековой дробилке и классифицировался на крупную и мелкую фракции для использования в качестве заполнителя в мелкозернистые бетоны.

Для исследования основных характеристик МЗБ на основе композиционного вяжущего - совместно измельченного цемента и золошлаковой смеси (ЦиЗШВ) были рассмотрены различные соотношения и фракции мелкого заполнителя из шлака и природного песка.

Номера составов с различным соотношением к вяжущему ЦиЗШВ и содержанием заполнителей разных фракций в МЗБ показано в таблице 1.

Таблица 1. – Содержание заполнителей в вяжущем ЦиЗШВ

№ состава	Соотношение компонентов МЗБ
1	ЦиЗШВ :Ш (5-10мм) :П - 1:2:1
2	ЦиЗШВ : Ш (5-10мм) - 1:2
3	ЦиЗШВ : Ш (5-10мм) - 1:3
4	ЦиЗШВ : Ш (0-5мм) - 1:3
5	ЦиЗШВ :Ш (5-10мм) :Ш(0-5мм) - 1:3:1
6	ЦиЗШВ : Ш (смесь фр.0-5 и 5-10 мм) - 1:2
7	ЦиЗШВ : Ш (смесь фр.0-5 и 5-10 мм) 1:3

Результаты испытаний МЗБ семи составов с различным наполнением вяжущего ЗШС 10, 30, 50% показаны в таблице 2,3.

В составах заполнители шлака заменена природным песком подвижность смеси и В/Ц изменялись по мере введения количества ЗШС 10, 30, 50 % в вяжущее ЦиЗШВ. Для вяжущего с 10 % ЗШС подвижность составила 6 см при В/Ц - 0,65. При таком В/Ц - 0,65 подвижность 3 см при 30 % ЗШС в вяжущем. Для вяжущего с 50 % ЗШС подвижность составила 4,5 см при В/Ц - 0,77. Плотность образцов данного состава в зависимости от содержания ЗШС составила 1600, 1740 и 1970 кг/м³.

Прочность после ТВО $R_{сж}^{ТВО}$ снижается при увеличении в вяжущем ЦЗШС_и от 5,7 до 4,41 МПа, т.е. на 22,6 %. Но при твердении в нормальных условиях 28 суток прочность $R_{сж}^{Т28}$ снижается незначительно от 8,81 до 7,35 МПа, что обусловлено пуццолановой активностью ЗШС.

Кам сув талабчан боғловчи асосидаги вермикулитли енгил, энергия самарадор бетонларни ишлаб чиқаришда таъсир этувчи омиллари, реотехнологик хусусиятлари назарий жихатдан ўрганилиб, тадқиқод қилиш учун оптимал таркиб танлашни амалий тарафлари қўлланганда, ҳамон ечимини топмаган муаммолар борлиги аниқланди. Бетон қоришмаси ва бетон намуналари тайёрлаш учун боғловчи модда сифатида “Қизилқумцемент” ОАЖнинг шлакли портландцементи ишлатилди. Унинг сиқилишдаги мустаҳкамлиги $R_{ц}=41,4$ МПа, эгилишдаги мустаҳкамлиги $R_{эп}=5,6$ МПа, тутиб қолиш муддати бошланиши 2 соат 50-минут, тугаши 5 соат, ҳақиқий зичлиги $\rho=3,15$ г/см³, уйма зичлиги $\rho_m=1,79$ кг/м³, солиштира юзаси, 2900 г/см², майинлик даражаси 2,5 %, сув талабчанлиги 28 %. Цемент фаоллиги $R_{ц}=41,4$ МПа (М400). Енгил бетон тайёрлашда йирик тўлдирувчи сифатида вермикулит шағалини ишлатилди. Вермикулитбетон тайёрлаш учун йирик тўлдирувчи сифатида донадорлиги 5...20 мм бўлган вермикулит шағали ишлатилди. Вермикулит шағалининг ҳақиқий зичлиги $\rho=1,1$ г/см³, уйма зичлиги $\rho_t=245$ гк/м³, ғоваклиги 88 %, намлиги 6,23 % ни ташкил этади. Жумладан, кам сув талабчан боғловчи ва майин майдаланган цементлар фаоллигига минерал қўшимча сифатида бархан куми, микрокремнезем ва суперпластификаторлар миқдорларини ўзгартириши, боғловчи фаоллигига жиддий таъсир этгач, юқори концентрацияли компакт структурани ҳосил қилиш биринчи муаммо бўлиб қолди. Бунда тан нархи арзон, сифатли ва юқори маркали боғловчилар олиш ҳамда реотехнологик

хусусиятларнинг номоён бўлиши ижобий натижа бўлди, аммо юқори зичлик, бир турлик каби хусусиятлар ҳамон эришиб бўлмайдиган амалий тадқиқотлардан бири бўлиб қолди.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. “Технология бетона” учебные пособие для вузов М.Ю.Баженов
2. Н.Башкатов “Минеральных вяжущих вещества” Москва 2015.
3. Н.С. Ступень канд. техн. наук, доц., “Композиционные магнезиальные вяжущие на основе кремнеземсодержащих твердых отходов”. 2018
4. Еленова Аурика Алмазовна “Разработка комплексной добавки для ускоренного твердения цементного камня”, Москва 2017.
5. В.В. Русина, “Минеральные вяжущие вещества на основе многотоннажных промышленных отходов”, Братск 2007


YUQORI MUSTAHKAM BETON OLIHDA BETON TARKIBIGA METAKAOLIN QO‘SHIMCHASINING TA’SIRI

Sultanova Sevara Iles qizi
Urganch Davlat Universiteti o‘qituvchisi
Samandarov Abbas Islomboy o‘g‘li
Urganch Davlat Universiteti o‘qituvchisi
Bekchanov Humoyun Maksud o‘g‘li
Urganch davlat universiteti o‘qituvchisi
humoyunbekchanov92@gmail.com
+998 99 559 03 09

Annotatsiya: Ushbu ilmiy maqolada yuqori mustahkamlik xususiyatiga ega bo‘lgan beton olishda, metakaolin qo‘shimchasining beton mustahkamligiga ta’siri haqida so‘z boradi.

Kalit so‘zlar: Metakaolin, mineral qo‘shimcha, mustahkamlik, umrboqiylik.


Beton ishlab chiqarishning oxirgi yillarda rivojlanish tendensiyalariga nazar tashlaydigan bo‘lsak, beton tarkibiga turli hil qo‘shimchalarni qo‘shish orqali beton qorishmasining qotishi tezlashtirish yoki sekinlashtirish, beton qorishmani ancha plastik va qulay quyiluvchan qilish, qotish jarayoni tezlashtirish, uning mustahkamligi va sovuqqa chidamliligini ko‘tarish mumkinligini bilan ahamiyatga molikdir. A. V. Usherov-Marshak tomonidan “Zamonaviy beton va uning texnologiyalari” maqolasida taklif qilingan beton tarkibiy rivojlanishining retrospektiv sxemasiga (1-rasm) qaraydigan bo‘lsak o‘tgan asrning ikkinchi yarimining o‘rtalarida qurilish industriyasida plastifikatorlar va mikroremnizem kabi mikroqo‘shimchalarning paydo bo‘lishi tufayli beton texnologiyasining rivojlanib zamonaviy tus olishida keskin burilish bo‘la oldi.



1-rasm. Beton tarkibiy rivojlanishining retrospektiv sxemasi.

Metakaolin - kaolin loyi (tabiiy gidroalyumosilikat)ni suvsizlantirishdan hosil bo'ladigan mahsulot turidir. Kaolin loyini 650 – 850 °C haroratda kuydirish va keyinchalik maydalash orqali olinadi, mahsulotdan qurilishning juda ko'p jabhalarida foydalanish mumkin, masalan, o'zini-o'zi zichlashtiruvchi betonlarda qo'shimcha sifatida, shuningdek quruq qurilish aralashmalarini ishlab chiqarishda qo'llanilishi mumkin.

Metakaolinni beton qorishmasi tarkibiga qo'shish orqali beton tarkibidagi sement toshining tuzilishini o'zgartirishga erishiladi, ya'ni uning yanada zichlashishiga olib keladi.



2-rasm. Metakaolin yordamida olingan tsement toshining strukturasi.

Ushbu 2-rasmdan ko'rinib turibdiki oddiy beton tarkibidagi hatto eng mayda sanalgan qo'shimchalar ham beton strukturasi o'ta zich bo'lishi uchun yetarli emas, tarkibiga metakaolin kiritilgan betonning qotish strukturasi nazar tashlaydigan bo'lsak mineral qo'shimcha sifatida qo'shilgan ushbu qo'shimcha nafaqat ichki strukturani zich qilibgina qolmay balki butun struktura bo'ylab bir hilda yoyila olishi va natijada ushbu betonni oddiy og'ir betonga nisbatan o'zini-o'zi zichlashtirish xususiyatiga katta hissa qo'shishini ko'rishimiz mumkin.

Metakaolinni o'zini-o'zi zichlashtiradigan beton qorishmasi tarkibiga qo'llashning zaruriy sharti shundaki: "plastifikator + ingichka dispersiyali aktiv mineral qo'shimcha" larini kompleks holatda qo'shish kerakligidir, bunday qilishimizga sabab bo'lsa metakaolinni plastifikator bilan birgalikda ishlashi betonning reologik xossalarini o'zgartirib, qorishmaning xususiyatlarini yaxshilab, sement sarfini kamaytirishga va qotgan betonning ish sharoiti koeffitsientini yaxshilash

imkonini beradi. Yuqorida aytib o'tganimizdek ushbu mineral qo'shimchanning homashyo bazasining ko'pligi ham bizni ushbu qo'shimchadan ko'proq foydalanishimizga undaydi, kaolinit homashyosining dunyo bo'yicha aniqlangan zahiralari taxminan 16 milliard tonnani tashkil etadi. Betonga qo'shimcha sifatida ishlatishimizni inobatga olib aytadigan bo'lsak bu juda katta bo'lgan homashyo zahirasidir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

4. Баженов, Ю.М. Модифицированные высококачественные бетоны: [науч. изд-е] / Ю.М. Баженов, В.С. Демьянова, В.И. Калашников. – М.: Издво АСВ, 2006. – 368 с.
5. Ахметов, Д. А. Опыт применения самоуплотняющихся бетонов в строительной индустрии Республики Казахстан / Д. А. Ахметов, Е. Н. Ротт. — Текст: непосредственный // Молодой ученый. — 2017. — № 48 (182). — С. 11-14. -URL: <https://moluch.ru/archive/182/46775/>

MAHALLIY XOMASHYOLAR ASOSIDAGI OLOVBARDOSH G'ISHT ISHLAB CHIQRISHNI TAKOMILLASHTIRISH

Solijonov Hojiakbar Solijon o'g'li
Farg'ona politexnika instituti, "QMBKICH" kafedrasida assistenti
Yo'ldasheva Muhayyo Alisher qizi
Farg'ona politexnika instituti, 81a-20 QMBKICH guruhi talabasi

Annotatsiya: Respublikamizda keramik olovbardosh g'isht ishlab chiqarishni rivojlantirishda, mahalliy xomashyolarni qo'llashning ahamiyati juda yuqori hisoblanadi. Ushbu ilmiy maqolaning asosi ham, yurtimizdagi xomashyolardan foydalanib yuqori haroratga chidamli olovbardosh keramik g'isht ishlab chiqarishdir.

Kalit so'zlar: Korundli, magnezitli, dolomitli, xromli, kvarts yoki dinas, ekzotermik sintez, bog'lovchi, olovbardoshlilik, issiqlikka chidamlilik, mullit, shamot g'ishti.

Zamonaviy metallurgik pechlar qurilishida ko'p miqdorda turli materiallar qo'llash talab qilinadi, ulardan asosiylari: issiqlikka va o'tga chidamli materiallar, metallar, metall qotishmalar va oddiy qurilish materiallari. Issiqlikka va o'tga chidamli materiallar pechlarning ishchi qismlarini, ya'ni yuqori haroratli jarayonlar boradigan ishchi bo'limlarni yig'ishda ishlatiladi. Metall va metall qotishmalari pechning tashqi qoplamalarini, mahkamlash ustunlarida, harakatlanuvchi qismlarda, sovitish sistemalarida qo'llaniladi. Oddiy qurilish materiallari - g'isht, sement, qum, xarsangtosh va shag'allar asosan pechlarning fundamentini tayyorlashda, texnologik gazlar harakatlanuvchi qismlarni yig'ishda foydalaniladi.

Olovbardosh keramik materiallarning tarkibini ishlab chiqish, strukturasi va xossalarini yaxshilash muammolari bilan jahondagi yirik tadqiqotchilar jumladan: Chan Txi Txui Ziong, D.V. Akst, I.V. Gladkix, G.F. Averina, M.A. Kostitsin, B.S. Djamolzoda, V.A. Gureva, A.A. Terre, A.A. Skripnikov, A.V. Cherevatova, A.M. Slavina, A.G. Arxipov, Yu.N. Trepalina, T.V. Bayandina, S.A. Yastrebova, A.Yu. Pronyakin, A.A. Porsukov, Sh.M. Sharafiev, D.S. Tyulkin, P. P. Budnikov, K.K. Strellov, A. K. Karklit, I. D. Kashcheyev, R. Y. Popilskiy, S. A. Suvorov, S. S. Ordanyan, V. A. Perepelitsin, G. Rouchka, X. Vutnau, Ya. Inamura, A. G. Evans, T. G. Langdon, S. Arakilar olovga chidamli materiallarni olish jarayonlari borasida rus va xorijiy olimlar tomonidan keramika materiallari sohasi chuqur o'rganilgan va ushbu masalalarni hal qilishga katta hissa qo'shganlar³.

³ Д.С. Тюлькин. Разработка составов и технологии получения огнеупорных материалов на основе корунда и мullита с повышенной стойкостью к высокотемпературным деформациям., Новосибирск – 2016

Yurtimiz olimlari qurilish materiallari tarkibini ishlab chiqish, strukturasi va xossalarini yaxshilash masalalarini o'rganishda bir qator tadqiqotlar olib borganlar, xususan: A.I.Odilxodjaev, E.U.Qosimov, M.Q.Toxirov va boshqalar bu sohada turli yillarda o'z tadqiqotlari asosida muhim natijalarga erishganlar.

“GOST 390-2018”-“Shamotli olovbardosh materiallar va yarimkislotalilar (texnik shartlar)” da belgilanganidek, shamotli olovbardosh g'ishtlar quyidagi darajalarga bo'linadi.

Jadval-2

Olovbardosh g'isht turi	O'lchami (mm)	Ishlatilish sohalari
ШУС-3	200x150x100x98	1200 ⁰ C dan yuqori bo'lmagan haroratli sanoat pechlarining qoplama zonalari uchun
ШУС-4	200x150x68x66	1200 ⁰ C dan yuqori bo'lmagan haroratli sanoat pechlarining qoplama zonalari uchun
ШУС-7	230x150x92	1200 ⁰ C dan yuqori bo'lmagan haroratli sanoat pechlarining qoplama zonalari uchun
ШУС-9	200x150x65	1200 ⁰ C dan yuqori bo'lmagan haroratli sanoat pechlarining qoplama zonalari uchun

Uglerodli o'tga chidamli materiallar. Ularning uchta turi bo'lib, ularga korborundli, grafitli va uglerodlilar misol bo'ladi. Korborundli material tarkibida 85-90% SiC₄ bo'lib, ulardan tayyorlangan materiallar oksidlanish reaksiyasiga chidamli va mufil pechlari uchun o'tga chidamli plitalar tayyorlashda ishlatiladi. Bunday materiallar 2000⁰C haroratda ham o'zining fizik xususiyatini saqlab qoladi.

Sun'iy issiqlik o'tkazmaydigan materiallar, ya'ni yengil, o'tga chidamli materiallar shamotdan, oksidlardan va qisman dinasli materiallaridan tayyorlanadi. Bu tayyorlangan materiallarning g'ovakligi 50-85% ni tashkil etadi, oddiy o'tga chidamli materiallarniki esa 5-30% ni tashkil qiladi. Yengil, o'tga chidamli materiallarning zichligi 0,27-1,3 kg/sm² bo'lib, issiqlik o'tkazish koeffitsiyenti 0,09-0,7 kkal/(m. soat. grad.). Bu materiallar qo'llanilishiga qarab ikki sinfga bo'linadi, ya'ni ichki izolyatsiyada qo'llaniluvchi va tashqi izolyatsiyada qo'llaniluvchi materiallar.

Yengil o'tga chidamli materiallar pechlarning turli konstruksiyasida qo'llaniladi, jumladan shamotlilari pechlarning kam mexanik kuch ta'sir qiluvchi, shlak ta'siriga uchramaydigan, harorati 1200-1350⁰C dan oshmaydigan joylarida qo'llaniladi. Pechlar qurilishida issiqlik o'tkazmaydigan materiallar sifati shuningdek shlakli paxtalardan foydalaniladi. Shlakli paxtalar rangli va qora metallurgiyada chiqayotgan erib turgan shlakka havo purkash yo'li bilan olinadi. Ulardan to'ldiruvchi sifatida, yengil, o'tga chidamli blok plitalar tayyorlashda qo'llaniladi.

Литература:

1. Д.С. Тюлькин. Разработка составов и технологии получения огнеупорных материалов на основе корунда и муллита с повышенной стойкостью к высокотемпературным деформациям., Новосибирск – 2016.
2. Залкин, И. Я. Огнеупоры и шлаки в металлургии / И. Я. Залкин, Ю. В. Троянkin.-М. : Металлургия, 1964. -288 с.
3. ГОСТ 2409-95(ИСО 5017-88) Огнеупоры. Метод определения кажущейся плотности, открытой и общей пористости, водопоглощения.
4. ГОСТ 2642.0-86 Огнеупоры и огнеупорное сырье. Общие требования к методам анализа.

**КУЙДИРМАЙ ОЛИНАДИГАН ҒИШТНИНГ ФИЗИК-МЕХАНИК
ХОССАЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

талаба Н.Валиев, доц.И.Ахмедов, проф А.Хамидов¹

Наманган муҳандислик-қурилиш институти

¹профессор, +998902148822; эл.почта: adxamjon1954@gmail.uz

Аннотация. Мақолада энергосамадардор куйдирмай олинадиган ғишти хомашё таркиби, техник-иқтисодий кўрсаткичлари аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Таянч сўзлар: куйдирмай олинадиган ғишт, хомашё, таркиб, техник-иқтисодий кўрсаткичлар.

Аннотация. В статье приведены результаты исследований по определению состава, технико-экономических показателей безобжигового кирпича.

Ключевые слова: безобжиговый кирпич, сырьё, состав, технико-экономические показатели.

Бугунги кунда мамлакатимизни ўлкан қурилиш майдонига таққослаш мумкин. Бино ва иншоотлар асосан якка тартибдаги лойиҳалар асосида қурилмоқда ва бунда янги меъморий ечимдаги конструкциялар қўлланилмоқда.

Ўзбекистонда якка тартибдаги турар – жойлар, фуқаро ва саноат объектлари қурилиши ҳажми ошиб бориши қурилиш материалларга бўлган талабни оширмоқда.

Лойиҳаланаётган турар жойларида қурилиш материали сифатида кўпинча сопол ғишт қўлланилмоқда. Қурилиш сопол ғиштини тайёрлаш 5000 йил олдин бошланган. Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистонда милодан 3-2 минг йил олдин сопол буюмлар меъморчиликда декоратив элементлар сифатида фойдаланилгани маълум. Кўп асрлар мобайнида сопол асосий қурилиш материали бўлиб хизмат қилган ва унинг сифати ва ишлаб чиқариш технологияси такомиллаштирилиб борилган. Қадимда сополдан буюмлар тайёрлаш санъати ривожини Самарқанд, Бухоро, Хивада қурилган обидалар мисолида кўриш мумкин. Сопол плиталар сиртини оқ, мовий ва бошқа ранглар билан қоплаш таркиби ва технологияси Марказий Осиёда Европадан анча олдин ишлаб чиқилганлиги тарихдан маълум. Бу соҳада қурилишда тўпланган тажриба шуни кўрсатмоқдаки ғиштли бинолар пухта, кўпга чидайдиган ва эксплуатацияда ишончлидир.

2019 йилнинг 23 май куни “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПК-4335 сонли Қарори эълон қилинди [1].

Қарорга асосан янги энергосамадардор қурилиш материаллар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш белгилаб қуйилган.

Хусусан, фақатгина 2020 йилнинг 9-ойида қурилиш материаллари саноати соҳасида 16 триллион 500 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди [2].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилда “2025 йилгача қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш Концепцияси” ID-4086– сонли қарори қабул қилиниши қурилиш индустрия саноатини янада ривожлантириш бўйича дастур бўлиб хизмат қилади [3].

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда қурилиш комплексини асосий қурилиш материаллари билан таъминловчи 7 мингдан ортиқ корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда бир йилда 3 млрд дона пишган ғишт ишлаб чиқарилмоқда. 713 та ғишт заводларнинг 424 таси табиий газда, 289 таси кўмир ёқилғисида ишлайди.

Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришда энергияни тежаш учун Концепцияда босқичма-босқич куйдирилган ғиштни ишлатилишини камайтириш, унинг ўрнига энергосамарадор материаллар турини кенг қўллаш назарда тутилган.

Энергосамарадор қурилиш материаллар турига куйдирмай олинадиган ғишт киради [4].

Сопол ғишти - гил ва унинг аралашмаларини ғишт хумдонларида 1000°C ҳароратда куйдириб олинадиган махсулотдир.

Қурилиш амалиётида сопол ғиштни тайёрлашни иккита усули мавжуд.

Биричиси энг кенг тарқалган усул –пластик усулидир. Бу усулда гилли масса (17 - 30% намликдаги) лентали пресдан сиқиб чиқарилиб олдин қуритилади ва сўнг куйдирилади. Иккинчи ярим-қуруқ усули хомашёни тайёрлаш жараёни билан фарқ қилади - 8 - 10% намликдаги гилли масса кучли пресс босимида қолипланади.

Хозирги вақтда, янги, ғишт ишлаб чиқаришнинг учинчи усули - сопол ғиштни куйдирмай олиш технологияси ишлаб чиқилди. Бу технологияга асосан куйдирмай олинадиган ғиштни турли ўлчамларда, 1,5-2 маротаба кам энергоресурсларни сарф қилиб олиш мумкин.

Маълумки, классик усулда ишлаб чиқариладиган сопол ғишт учун карбонат қўшилмалари (ғишт сифатига салбий таъсир этадиган) кам бўлган “ёғли” гил тупрок ишлатилади. Куйдирмай олинадиган сопол ғишт учун гил тупроқларнинг барча турлари (юқори пластик, қониқарли пластик, кам пластик, пластик бўлмаган) ишлатилади ва бунда карбонат ва бошқа қўшилмалари бор-йўқлиги инобатга олинмайди.

Куйдирмай олинадиган ғишт турли ташқи салбий таъсирларга чидамлидир.

Куйдирмай олинадиган ғишт ишлаб чиқариш учун хомашё:

- портландцемент (ёки оҳак);
- минерал тўлдирувчилар (гил, кум, шлак, керамзит ва б.);
- ноорганик минерал пигментлар (ранг бериш учун);
- сув (сопол ғишт ишлаб чиқаришда сув ҳом ашёни пластификатлаш учун ишлатилади, куйдирмай олинадиган ғишт ишлаб чиқаришда сув сунъий тошнинг шаклланишда фаол иштирок этади – гидравлик боғловчи компонентини гидратлайди).

Куйдирмай олинадиган ғишт ишлаб чиқариш технологияси оддий бетон буюмлар ишлаб технологиясига ўхшаш. Бироқ, технологияси хомашё тайёрлаш ва қолиплаш усулида фарқланади.

Тўлдирувчи сифатида ишлатиладиган материал преслашда яхши зичланиши керак.

Сув талабчанлик даражаси ҳам кам - цемент гидратацияси учун етарли бўлиши керак холос.

Куйдирмай олинадиган ғишт ишлаб чиқариш технологияси босқичлари:

- компонентларни тайёрлаш;
- керакли таркибда меъёрлаш, аралаштириш ва намлаш;
- махсус пресс-қолипга жойлаш (тайёр ғишт ўлчамларига мос);
- гидравлик пресда кучли босим остида қолиплаш (ҳар кв см га бир неча тонна босим тушади).

Гидравлик пресда кучли босим остида қолиплаш жарёнида ғовакли тўлдирувчи керакли ўлчамларгача зичланади (хатто тўлдирувчилар зарраларини бир-бирига ишқаланиши

жараёнида “совуқ пайвандлаш” ни кузатиш мумкин). Шундай усулда олинган ғишт омборга ёки иссиқлик ишлов бериш камерасига йўналтириш учун етарли мустаҳкамликка эга бўлади.

Куйдириш жараёни керак эмаслиги бу усулни юқори самарадорлигини белгилаб беради.

Куйдирмай олинадиган ғишт физик-механик хоссаларини тадқиқ қилиш учун Наманган муҳандислик-қурилиш институти Қурилиш материаллари ва буюмлари кафедраси лабораториясида тажриба ишлари олиб борилди.

Тадқиқотлар натижалари 1-3 жадвалларда берилди [5].

1-жадвал. 1000 дона куйдирмай олинадиган ғишт ишлаб чиқариш учун хомашё таркиби

Таркиб т.р.	Цемент (маркаси 400), кг	Кварц куми (йириклик модули 2,5), кг	Шлак ёки керамзит (фракцияси 5-10 мм), кг	Умумий массаси, кг	5 дона ғишт ишлаб чиқариш учун, кг
1	350	600	3400	4450	22,25
2	380	550	3520	4450	22,25
3	400	500	3550	4450	22,25

2-жадвал. Куйдирмай олинадиган ғиштнинг техник кўрсаткичлари

Кўрсаткичлари	1-таркиб	2-таркиб	3-таркиб
Ташқи кўринишини кўздан кечириб сифатини аниқлаш:			
Рухсат этилган			
узунлиги (150 мм) бўйича ± 5;	± 5	± 5	± 4
эни (120 мм) бўйича ± 4;	± 4	± 4	± 4
баландлиги (65 мм) бўйича ± 3.	± 3.	± 3.	± 3.
Сув шимувчанлиги бўйича (ДАСТ 7025-91 бўйича 8-15%), %	10,3	10,5	10,1
Массаси бўйича (ДАСТ 7025-91 бўйича 4,5 кг дан ошмаслиги керак)	4450	4450	4450
Сиқилишдаги мустаҳкамлиги бўйича ғишт маркаси (ДАСТ 8462-85 бўйича 75 дан кам бўлмаслиги керак) , кгс/см ²	76,1	77,2	79,8

2-жадвалдан кўриниб турибтику, куйдирмай олинадиган ғиштларнинг барча таркиблари техник кўрсаткичлари бўйича стандарт талабларига жавоб беради.

3-жадвал. Пардозбop куйдирмай олинадиган ғиштни техник-иқтисодий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Пардозбop сопол ғишт	Сопол ғишт	Пардозбop куйдирмай олинадиган ғишт
Сиқилишда мустаҳкамлик чегараси, кг/см ²	75... 150	75...300	75... 300
Эгилишда мустаҳкамлик чегараси, кг/см ²	15...25	25...35	25...35
Совуққа чидамлилиги, циклда	25...35	50...100	100...150
Сув шимувчан-лиги, % да	10...15	5...15	5...6
Иссиқлик ўтказувчанлиги, Вт/м ⁰ С	0,3..0,5	0,71 ... 0,82	0,3...0,8
Ўртача зичлиги, кг/м ³	1600...1800	1600...1900	1900...2100
Ғишт массаси, кг	3,0-4,0	2,6-3,5	2,6-3,5
Куйдириш ҳарорати, °С	900-1100	900-1100	-
Тахминий нархи, 1000 донаси, минг.сўм	380	310	170

Куйдирмай олинадиган ғиштни ишлатиш соҳалари:

- ✓ юк кўтарувчи ва тусиқ деворларни тиклашда;
- ✓ фундаментлар ётқизишда;
- ✓ бинолар ташқи ва ички безак қопламалари учун ва б.

Хулоса қилиб таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистонда энерготежамкор қурилиш материали турига кирувчи - куйдирмай олинадиган ғиштни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, ғиштни самарали қўллаш имкониятини янада оширади.

Адабиётлар:

1. “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПК-4335 сонли Қарори. Тошкент, 2019 йил 23 май.
2. А.А.Баходиров. Ўзбекистон республикасида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами, СамДАҚИ, Самарканд, 2020 й 16-17 октябрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилда “2025 йилгача қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш концепцияси” ID-4086– сонли Қарори.
4. Ф.Ф.Ахметов, Р.З.Хамитов. Безобжиговый керамический кирпич. Москва, 2016 г
5. А.Хамидов. Куйдирмай олинадиган ғиштни оптимал таркибини аниқлаш. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами, НамМҚИ, Наманган, 2020 йил.

БЕТОН ҚОРИШМАСИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ПЛАСТИФИКАТОРЛАРНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ

талаба Н.Валиев, ўқит. С.Хакимов, проф.А.И.Хамидов,
Наманган муҳандислик-қурилиш институти

***Аннотация.** Мақолада бетон қоришмаси учун тавсия этилган пластификаторлар тахлил қилинган. Бетон қоришмаси физик-механик хоссаларига суперпластификатор С-3 таъсири аниқланган.*

***Таянч сўзлар:** бетон, бетон қоришмаси, пластификатор, суперпластификатор, хосса, ёйилувчанлик, сув ўтказмаслик, мустаҳкамлик.*

***Аннотация.** В статье анализированы пластификаторы, рекомендуемые для применения в строительстве. Определены влияния суперпластификатора С-3 на физико-механические свойства бетонной смеси.*

***Ключевые слова:** бетон, бетонная смесь, пластификатор, суперпластификатор, свойство, подвижность, водонепроницаемость, прочность.*

Бугунги кунда мамлакатимизни ўлкан қурилиш майдонига таққослаш мумкин. Қурилаётган бино ва иншоотларда, катта ҳажмда бетон қулланилмоқда. Ўзбекистонда бетон физик-механик хоссаларини пластификаторлар қўшиб яхшилашга қаратилган кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Бетон учун пластификаторлар — бетон қоришмасини тайёрлаш жараёнида қўшиладиган материал бўлиб, унинг пластиклигини оширади. Пластификаторларни қўллаш, қоришма тайёрлашдаги қўшиладиган сув миқдорини камайтиришга имконини беради, чунки қоришма тайёрлашда, технологик мақсадда, сув сарфини 2-3 маротаба ошириш талаб этилади. Ортиқча қўшилган сув бетон мустаҳкамлиги ва музга чидамлилиги салбий таъсир этади. Шунинг учун, сув сарфини камайтириш ва бетон қоришмасини пластиклигини ошириш учун пластификаторлар қўшиш зарур. Пластификаторлар таркибига лигносульфонатлар, нафталинсульфонатлар, поликарбосилатлар ва бошқа бирикмалар кириши мумкин.

Пластификаторлар қўллаш афзалликлари:

- бетон қоришмаси ҳаракатчанлиги (яхши ётқизувчанлиги) бўйича маркасини оширади (ГОСТ 7473-2010 бўйича);
- бетон қоришмаси оқувчанлиги ва пластиклиги ошади;
- бетон зичлиги ошади;
- бетон мустаҳкамлиги, музга ва свга чидамлилиги ошади;
- чўкиш деформациялари камаяди;
- қоришма адгезияси ошади;
- цемент сарфи камаяди ва б.

Охирги йилларда бетон қоришмаси физик-механик хоссаларини яхшилаш учун, хусусан, ҳаракатчанлигини ошириш учун кенг қўлламада пластикловчи қўшимчалар - суперпластификаторлар ишлатилмоқда.

Суперпластификаторлар – кўп компонентли универсал қўшимчалар, улар бетон қоришмаси ҳаракатчанлиги (ёйилувчанлиги) ни кескин оширади ва интенсив қотиш суръатини ошириб, бетонни талабда (лойихада) ги мустаҳкамлигини олишини таъминлайди. Оддий пластификаторларга нисбатан суперпластификаторлар қўлланилганда, бетон қоришмаси оқувчанлик кўрсаткичи анча юқори.

Суперпластификаторлар турлари:

- ❖ С-3. Формальдегид ва нафталинсульфокислота (натрий тузи) конденсация маҳсулотлари. Кукун ёки суюқ бўлиши мумкин;
- ❖ 10-03. Сульфурланган триметилмеламини олигомер маҳсулоти. Сарғиш рангдаги суюқлик;
- ❖ ДФ. Нафталин сулфокислотасини формальдегид билан конднсацияси асосида тайёрланади. ;
- ❖ МФ-АР. Меламин, формальдегид ва натрий сульфанилатиларни поликнденсация йўли билан тайёрланади. Сарғиш рангдаги суюқлик;
- ❖ 40-03. Нефт маҳсулотларини крекингида ажралиб чиқадиган сульфурланган ароматик углеводородлар формалдегидини поликонденсацияси маҳсулотини натрий тузлари билан ҳосил бўладиган аралашма;
- ❖ СМФ. Ўткир натрий билан нейтрилланган, нафталин сулфакислотаси ва фенолсулфакислотаси конденсация жараёнида олинадиган аралашма.

Суперпластификаторлар қўлланилиши.

Суперпластификаторларни қўллашдан асосий мақсад – суперхаракатчан бетон қоришмасини олиш. Шу билан бирга, Суперпластификаторлар қўлланилганда бетон конструкцияларни мустаҳкамлик кўрсткичларини яхшилашга эришилади, бетон ишлари бажарилиши анча енгиллашади.

Суперпластификаторларни қўллашни бошқа афзалликлари:

- ❖ бетон қоришмасини вибрация қилмай ётқизиш мумкинлиги;
- ❖ бетон қоришмаси қотиши бошланиш даврини икки соатгача узайтириш мумкинлиги;
- ❖ қатламланиши ҳавфи камайиши;
- ❖ ёриқлар пайдо бўлиши олдини олиш;
- ❖ бетон ишлар бажарилишини осонлаштиради ва б.



1-расм. бетон қоришмасини пластификаторлар қўллаб ётқизилиши

С-3 суперпластификаторини қўллаш, бетон қоришмаси сув талабчанлигини 10-20% га камайтиради (сув-цемент нисбати const. бўлиши сабабли цемент сарфи ҳам камаяди) ва бетон қопламани ишлаш даврини икки-уч мартаба оширади.

Бетон қоришмаси тайёрлаш учун тавсия этиладиган таркиб 1-жадвалда берилган.

1-жадвал. Бетон қоришмаси тайёрлаш учун тавсия этиладиган таркиб

Бетон маркаси	Бетон ҳажми	Цемент, кг	Кум кг	Чақиқ тош кг	Сув л	Қўшимча л.	
М150 ПЗ	1 куб	230	790	1250	140	2,3	3
85л	20	67	106	12	0,2	0,25	
М200 ПЗ	1 куб	280	730	1250	160	2,8	3,5
85л	24	62	106	14	0,25	0,3	
М250 ПЗ	1 куб	320	690	1240	175	3,2	4
85л	27	59	105	15	0,3	0,3	
М300 ПЗ	1 куб	375	610	1240	190	3,8	5
85л	32	52	105	16	0,3	0,4	

Изоҳ: ПЗ бетон қоришмасини ҳаракатчанлиги бўйича маркаси.

Тадқиқотлар.

Суперпластификаторларни бетон қоришмаси ёйилувчанлигига таъсири.

Суперпластификаторларни бетон қоришмаси ёйилувчан-лигига таъсирини ўрганиш учун 2 партия қоришма тайёрланди: биринчиси оддий - қўшимчасиз, иккинчиси - суперпластификатор С-3 қўшилмали. Стандарт методика асосида бетон қоришмалари ёйилувчанлиги аниқланади.

2-жадвал. Кимёвий қўшилмаларни бетон қоришмаси ёйилувчанлигига таъсири

Т.р.	Бетон	Қўшимча миқдори	Бетон қоришмалари ёйилувчанлиги, см
1	Қўшимчасиз бетон	-	4
2	Суперпластификатор С-3	0,15+0,2	6

Қўшилмасиз бетон қоришмаси чўкиш конуси - 4 см, С-3 қўшилмали бетон қоришма чўкиш конуси - 6 см ни ташкил этди.

Бетон сув ўтказмаслиги

Бетоннинг сув ўтказмаслиги - материалнинг босим остида сув ўтказмаслик хоссасидир. Бетон сув ўтказувчанлигига кимёвий қўшимчалар таъсирини ўрганиш учун 2 партия бетон

цилиндр намуналари (баландлиги ва диаметри 150 мм) тайёрланади. Биринчиси оддий таркибда, иккинчиси суперпластификатор С-3 кимёвий қўшилма қўшилган (0,1% -0,2 цемент массасига нисбатан). Бетон намуналари 28-сутка нормал шароитда ($t=20\pm 2^0\text{C}$, $W>95\%$) ушлаб турилди. Намуналарнинг сув ўтказувчанлиги стандарт методика асосида аниқланди. Тажриба натижалари 3-жадвалида берилди.

3-жадвал. Суперпластификатор С-3 нинг бетон сув ўтказувчанлигига таъсири

Т.р.	Бетон	Қўшимча миқдори	28 суткадан кейин сув ўтказувчанлиги, МПа (маркаси)
1	Қўшимчасиз бетон	-	0,2 (В2)
2	Суперпластификатор С-3	0,15+0,2	0,4 (В4)

Бетон таркибига суперпластификатор С-3 кимёвий қўшимчаси қўшилганда бетон сув ўтказувчанлиги қўшилмасиз намуналарига нисбатан 50 %га камайган.


Бетоннинг сув ўтказувчанлиги пасайишини қоришмаларни ёйилувчанлиги яхшиланиши ва чўкиш деформатсияларни камайиши билан аослаш мумкин.

Бетонни сиқилишга мустаҳкамлиги

Сиқилишга мустаҳкамлиги бетон механик хоссаларининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. У, бетон қоришмасидан тайёрланган ва синашга қадар меъёрий шароитларда 28 кун давомида қотган 150x150x150 мм ўлчамли стандарт намуна-кублар сиқилгандаги мустаҳкамлик чегарасини аниқлаш орқали топилади.

Оғир бетонлар учун сиқилишга мустаҳкамлик чегараси бўйича қуйидаги маркалар (синфлар) белгиланган: М 100 (В 7,5), М 150 (В 10), М 200 (В 15), М 250 (В 20), М 300 (В 25), М 350 (М 27,5), М 400 (В 30), М 450 (В 35), М 500 (В 40), М 600 (В 45), М 700 (В 55), М 800 (В 60).

Тадқиқотлар натижалари – 2-расмда келтирилган. Расмдан кўриниб турибдики бетон



таркибига суперпластификатор С-3 қўшилган бетон намуналарининг сиқилишга бўлган мустаҳкамлиги, қўшилмасиз намуналарга нисбатан 10-15% га юқори.

Намуналар сақлаш вақти, суткада

2-расм. Бетон мустаҳкамлигига суперпластификатор С-3 таъсири

1-қўшилмасиз намуна. 2- суперпластификатор С-3 - қўшилмалли.

Суперпластификатор С-3 нинг бетон мустаҳкамлигига таъсирини ўрганиш учун 2 партия куб-намуналари (150x150x150мм ўлчамдаги) тайёрланди. Биринчиси оддий таркибда, иккинчиси суперпластификатор С-3 - кимёвий қўшилма қўшилган (0,1+0,2% цемент массасига нисбатан). Бетон намуналари 28-сутка нормал шароитда сақланди ($t=20\pm 2^0\text{C}$,

W>95%). 28-суткадан сўнг намуналар қолипдан ажратилди ва гидравлик пресс ёрдамида сиқилишга бўлган мустаҳкамлиги аниқланди.

Келтирилган графикдан кўриниб турибтики бетон таркибига суперпластификатор С-3 қўшилганда, қўшилмасиз бетонга нисбатан бетонни сиқилишга бўлган мустаҳкамлиги 10-15% га ошган.

Тадқиқотлар натижалари - 4 - жадвалда келтирилди.

4- жадвал. Бетон суперпластификатор С-3 қўшимчаси қўшилганда физик–механик хоссалари

Т.р.	Кўрсаткич	Бетон таркибига суперпластификатор С-3 қўшилганда	Қўшимчасиз бетон
1	Бетон қоришмаси ёйилувчан-лиги, см да	6	4
2	Бетон сув ўтказувчанлиги, МПа, да (маркаси)	0,4 (В4)	0,2 (В2)
3	Бетонни сиқилишга бўлган мустаҳкамлиги, МПа да	35	30

Хулоса. Ўтказилган тажрибаларга кўра хўлоса қилиш мумкинки - бетон таркибига суперпластификатор С-3 қўшилганда қўшилмасиз бетонга нисбатан:

1. Бетон қоришмаси ёйилувчанлиги 50 % га ошди. Талаб этилган ёйилувчанликка эга бетон қоришмасини олиш учун сув-цемент нисбатини камайтириш ва натижада цемент сафини камайтириш мумкин.
2. Бетон сув ўтказувчанлиги 50%га камайди
3. Бетонни сиқилишга бўлган мустаҳкамлиги 10-15% га ошди.
4. Бетон тузилиши шаклланишига суперпластификатор С-3 ижобий таъсир этди.

Суперпластификатор С-3 қўшилганда, бетон қоришмасини тайёрлаш, ташиш, ётқизиш ва зичлаш учун кетадиган меҳнат сарфи камаяди ва бетонинг асосий физик-механик хоссалари яхшиланади.

Адабиётлар:

1. Хамидов А.И. Бетон қоришмасини тайёрлашнинг айрим масалалари. Наманган вилояти 50-йиллигига бағишланган НСТИ XII илмий-амалий конференцияси материаллари. Наманган, 1991 йил.
2. Хамидов А.И., Эшматов Р. Қуриқ-иссиқ иқлимда бетон сифатин яхшилаш муаммолари. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш вазифаларини бажаришга бағишланган магистрантлар -инг 4-илмий-амалий конференцияси материаллари. Наманган, 2004 йил.
3. Хамидов А.И., Ахмадиёров У. Яхлит бетон сифатини оширишда кимёвий қўшилмалар ўрни. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш вазифаларини бажаришга бағишланган магистрант-ларинг 5-илмий-амалий конференцияси материаллари. Наманган, 2005 йил

KO'PIKLI BLOKLARNING YANGI TARKIBI

Abdumuxtorov Saidislombek Furqatn o'g'li

Abdug'aniyev Sardorbek Abduvoxid o'g'li

Ikromjonov Izzatbek Ibroximjon o'g'li


"Bin ova inshootlar qurilishi" yo'nalishi talabasi. Andijon iqtisodiyot va qurilish instituti,
Andijon vil. O'zbekiston. E. mail: diydor.foto1610@gmail.com

Izoh; Ushbu maqola Qurilish materiallarini ishlab chiqarish uchun ko'pikli bloklarni yangi tarkibi haqida ko'rsatib o'tilgan

Kalit so'zlar; ko'pikli blok, suv, pena, sement, albaster, penablok, qurilish, mustaxkamlik.

Kirish: Ko'pik bloklari noyob qurilish materiallari bo'lib, ular ta'sirchan izolyatsion fazilatlari, shuningdek, ishlov berish va qulayligi tufayli qurilish sanoatida keng qo'llaniladi. Ko'pikli bloklarning tarkibi va ularni ishlab chiqarish jarayonini ko'rib chiqamiz. Munozarada ko'pik bloklarini tayyorlash uchun ishlatiladigan asosiy komponentlar taqdim etiladi va har bir komponentning yakuniy qurilish materialiga aylanishi haqida umumiy ma'lumot beriladi. Ushbu insho qurilish sanoati va uning konstruksiyalarini qurish uchun ishlatiladigan materiallar haqida chuqurroq tushuncha berishga qaratilgan.

Ko'pik bloklarining tarkibi va tannarxi : Penabloklar bir qator ehtiyotkorlik bilan tanlangan materiallarni o'z ichiga oladi, shunda yakuniy mahsulot yuqori izolyatsion xususiyatlarga ega va u bilan ishlash oson. Penablokning asosiy komponenti suyuq sovun va kopirtirish kukuni xisoblanadi. Penabloklarni ishlab chiqarishda ishlatiladigan boshqa tarkibiy qismlarga sement, suv va albaster kiradi. Ushbu ingredientlar bir hil aralashmani yaratish uchun oldindan belgilangan nisbatda aralashtiriladi, Masalan; 3 dona 60mm*30mm*20mm o'lchamli penablokni ishlab chiqarish uchun; albaster 30 kg narxi 14500 sum, sement 4 kg 3200 sum, suv 55 litr, pena 50 litr 1000 sum, umumiy massasi 110 litrni tashkil qilsa, umumiy narxi 18700 sum, shunda xar bir penablok bizga 6234 somdan, 1m³ maxsulot esa 56672 somga tayyor bo'ladi.



Ko'pik bloklarini ishlab chiqarish: Penabloklarni ishlab chiqarish jarayoni aralashtirish, shakllantirish va quritishni o'z ichiga olgan bir qator bosqichlarni o'z ichiga oladi. Albaster birinchi navbatda katta aralashtirish idishida suv, sement va boshqa qo'shimchalar bilan aralashtiriladi songra, pena kopigi bilan qayta aralashtiriladi. Muayyan vaqtdan so'ng, aralash turli shakl va o'lchamlarda bo'lishi mumkin bo'lgan shakllarga quyiladi. Keyin qoliplar quritish uchun qoldiriladi, shu vaqt ichida aralashma qattiqlashadi va yakuniy qurilish materialini hosil qiladi. qurish bosqichi juda muhim, chunki u ko'pikli bloklarning mustahkam va bardoshli bo'lishiga imkon beradi va ko'pikli to'plarning izolyatsion xususiyatlarini saqlab qolishini ta'minlaydi.

Ko'pik bloklarining afzalliklari: Ko'pikli bloklar ko'plab afzalliklari tufayli quruvchilar uchun ajoyib tanlovdir. Birinchidan, ular yengil va oson ishlaydi, bu esa tashish va o'rnatishni osonlashtiradi. Bundan tashqari, ko'pikning izolyatsion xususiyatlari qurilish materialini juda tejamkor qiladi, bu esa uy egalari uchun isitish va sovutish xarajatlarini kamaytirishga olib kelishi mumkin. Qolaversa qoshilgan albaster ko'pikli blokni mustaxkamligini oshiradi. Va nihoyat, penabloklarni tayyorlash qulayligi va arzonligi tufayli ularni dunyoning ko'plab mintaqalarida ishlab chiqarish imkonini beradi.

Ko'pik bloklarining kamchiliklari: Qurilishda penabloklardan foydalanishning kamchiliklari ham mavjud. Masalan, ushbu qurilish materiali suv ta'siriga chidamli emas,. Bu esa mog'or va chirishning potentsial o'sishiga olib kelishi mumkin. Ushbu omil maxsulotdan foydalanish vaqtini qisqartirishi mumkin

Xulosa: Xulosa qilib aytish mumkinki, penabloklar ko'plab afzalliklarga ega bo'lgan innovatsion va ko'p qirrali qurilish materialidir. Penabloklarning tarkibi va ishlab chiqarish jarayoni bardoshli, mustaxkam, engil va juda energiya tejaydigan materialni yaratadi. Ko'pikli bloklardan foydalanishning ba'zi kamchiliklariga qaramay, ular hali ham quruvchilar va uy egalari uchun mashhur tanlovdir. Ko'pikli bloklarning tarkibi va ishlab chiqarish jarayonini tushunib, biz qurilish sanoatining shakllantiradigan tuzilmalarni yaratish uchun ishlatiladigan materiallarni yaxshiroq tushunishimiz mumkin.

Foydalaning adabiyotlar ;

- QURILISH MATERIALLARI E.A Odilxo'jayev. Toshkent 2020yil
- Bin ova inshootlarni ta'mirlash materialshunosligi. Darlik. N.A.Samigov Toshkentm 2013yil
- <https://tinywow.com/>
- <https://greensector.ru/>

IKKILAMCHI MAXSULOT SIFATIDA ISHLATILIB KELINAYOTGAN ENG OMMABOP METERIAL

*Kamoldinova Odina Baxtiyarovna
Andijon Mashinasozlik Instituti Mashinasozlik texnologiyasi
fakulteti talabasi*

Kirish qism. Zamonaviy dunyoda odamlar soni yildan yilga oshib bormoqda, sanoat natijasi b'olgan chiqindi miqdori ham ortib bormoqda. Harorat, muhit, atmosfera kislorodi, turli nurlanish, namlik ta'sirida ishlatilgan polimerlar, bu ta'sirlarning davomiyligiga qarab, o'z xususiyatlarini o'zgartiradi. Uzoq vaqt davomida ishlatilgan va poligonlarga tashlangan katta miqdordagi polimer materiallar atrof-muhitni ifloslantiradi, shuning uchun polimer chiqindilarini qayta ishlash muammosi o'ta dolzarbdir. Nazariy jihatdan bu hech kimni bezovta qilmaydi, garchi buni hamma bilsa xam. Plastmassa o'z-o'zidan erimaydi, u asrlar davomida saqlanib qoladi, asta-sekin parchalanadi va atrof -muhitga zarar keltiradi. Hayotimizda har kuni plastmassa b'olgan mahsulotlar, narsalar iste'moli ortib bormoqda. Agar plastik chiqindilar qayta ishlanmasa 100-200 yil ichida sayyoramiz bilan nima b'olishini tasavvur qilish xam qiyin. Dunyoning rivojlangan davlatlarida har bir axoli chiqindilarni oqilona ishlatish, axlat qutisiga tashlashda ajratish qoidalariga amal qiladi. Maxsus korxonalar esa har kuni tonnalab ikkilamchi xom-ashyoni atrof-muhitni ifloslantirmasdan qayta ishlaydilar. Bir qator mamlakatlar o'z shaxarlarida toza muhitni saqlashdan tashqari, qayta ishlangan arzon materiallarni ham olib, mablag' bilan birgalikda hatto energiyani xam tejashadi. Masalan, Angliya chiqindilarni qayta ishlash masalasiga aql bilan yondashgan birinchi mamlakat b'olsa, chiqindilarni muvaffaqiyatli qayta ishlaydigan mamlakatlar ro'yxatida yetakchilik qiladigan davlat - Shvetsiyadir (umumiy miqdordan 52%). O'zbekistonda esa 2018-yil 1-avgustdan boshlab, maishiy

chiqindilarni to'plash olib chiqish faoliyatini amalga oshirish uchun "Toza hudud" DUK, "Maxsustrans" DUK tashkil etildi.

Garbologiya-chiqindini qayta ishlash usullarini organadigan fan. Har soniyada sayyorada tabiatga zarar keltirmaydigan 3kg dan ortiq tabiiy chiqindi. 13% shisha, 11% plastmassa, 4% metall, 18% boshqa turdagilarni tashkil qiladi. Bazida plastmassa chiqindilarni to'gridan to'gri dengizga uloqtiriladi. Buning natijasida dengiz mavjudodlari katta zarar ko'rishadi, chunki polietilen paketlar suvni 10-12yil davomida ifloslantirib turadi. Bunday zararlarni oldini olishning samarali usullaridan biri ularni qayta ishlashdir.

Asosiy qism. Polimerlarni qayta ishlash-maxsus uskunalar narxini talab qiladigan ekologik toza faoliyat turi. Ishga intilayotgan tadbirkorlar plastikni qayta ishlash murakkab jarayon deb oylashadi. Aslida, bunday emas, chunki hamma ishni o'zi bajaradigan zamonaviy texnologik liniyalar mavjud. Asosiysi, to'gri uskunalar tanlash, sozlash va ishga tushurish. Qayta ishlash jarayoni 3 bosqichga bo'linadi.

1. Plastik chiqindilarni maydalash.

2. Polimer fraktsiyalarini yuvish, ifloslanishdan tozalash.

3. Aglomeratsiya yoki granulyatsiya (tanlangan texnologiyaga bog'liq).

Plastmassani qayta ishlashga kirishishdan oldin, bir-biridan farq qiladigan polimerlar ming bir nechta navlari borligini bilish kerak. Shuning uchun ular sifatini va xususiyatlarini buzmaslik uchun alohida ishlov berishga to'gri keladi.

-LDPE yoki yuqori bosimli polietilen. Qayta ishlanganda u shaffof bo'ladi, tutun va hid chiqarmaydi. Tashqi ko'rinishidan u muzlab qolgan kerosinga oxshaydi.

-HDPE past bosimli polietilen. U bardoshli lekin mo't.

-PET yoki polietilen tereftalat. Yuqori haroratga chidamli, eritmalar va kislotalarga bardoshli, juda yengil va qattiq material.

-Polistirol-juda yumshoq, egilish bikirligi katta, Ishlov berish jarayonida kuchli tutun chiqaradi.

Qayta ishlab chiqariladigan biologik polimerlar (kraxmal, sellyuloza, Xuroson, oqsil) asosidagi plastmassalarni polimerlar ming xom ashyo bazasi deyish mumkin. Qayta ishlashning xar bir bosqichida polimer termik halokatga uchraydi, mahsulot ishlaganda fotooksidlovchi yo'q qilinadi, chiqindilarni silliqlash va aglomeratsiyalashda mexanik yo'q qilinadi. Polimer zanjirlarning keyingi parchalanishiga va o'zaro bog'lanishiga peroksid va karbonil birikmalar xissa qoshadi. Shunday qilib, bunday konsentratlar tarkibiga birlamchi va ikkilamchi antioksidantlar va yoruqlik stabilizatorlari kiradi. Polimerlarda to'plangan faol radikallarni neytrallashtirish va peroksid birikmalarni parchalaydigan fosfitlar yoki fosfonitlar, shuningdek plastifikatsiya qiluvchi va birlashtiruvchi qoshimchalar kiradi. Qayta ishlangan materialning fizik-mexanik xususiyatlarini yaxshilash va ularni birlamchi polimer darajasiga yaqinlashtirish kerak. Shu bilan birga bu chiqindilar turli maqsadlar uchun, buyumlar ishlab chiqarish uchun kompozitsiya vazifasini ham bajaradi. Termoplastiklarning maishiy chiqindilarini turlari bo'yicha ajratishni quyidagi turlari mavjud. Flotatsiya, suyuq muhitda ajratish, aroreparatsiya, elektr ajratish, chuqur sovutishning kimyoviy usullari. Eng ko'p qollaniladigan usul-flotatsiyadir. Bunda mahsulotning tozaligi 96% dan kam bo'lmaydi. Birlamchi materialga 20-30% miqdorida ikkilamchi xom ashyo qoshilishi, shuningdek, polimer tarkibiga plastifikatorlar, stabilizatorlar, plomba moddalarining 40-50% gacha kiritilishi yanada foydalidir. Bularni esa bosimli quvurlar, qadoqlash plyonkalari, qayta ishlatiladigan transport konteynerlari va boshqalarda ishlatish mumkin.

Polimerlar-bu plastmassa bo'lib, mahsulotga aylantirilgandan so'ng, qayta ishlash qobiliyatini saqlab qoladi. Ular qizdirilganda ko'p marta yumshatsa bo'ladi va sovuganida o'z xususiyatlarini

yóqotmasdan qattiqlashishi mumkin. Polimerlarning maishiy va sanoat chiqindilarini qayta ishlashga bólgan katta qiziqishning sababi shu.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. I. Asqarov A.S. Rafiqov "Polimerlar fizikasi va kimyosi." Toshkent-2020
2. Sh. Mirkomilov. "Polimer kimyosi." Toshkent-2010
3. Xalq sózi. Chiqindilarni qayta ishlash: dolzarb muammo va takliflar.
4. Internet saytlar.

MAXALLIY BARXAN QUMI ASOSIDA MIKRO TO'LDIRGICHLI SEMENT BOG'LOVCHISI

t.f.n., dots. Qodirova D.Sh. magistr Baxritdinova S.B.
(Toshkent arxitektura-qurilish universiteti)

Barxan qumi, klinker, gipsni toshini birgalikda sharli tegirmonda tuyib olgan sement asosidagi qorishmaning optimal tarkibi ishlab chiqildi. Quyidagi jadvalda sementimizning fizik xossalari keltirib o'tilgan.

1-jadval:

Zichligi	To'kma zichligi	Solishtirma sirt yuzasi		008 nomerli elakdagi qoldiq %
		sm^2/g	D=MkM	
2.7 g/sm^3	0,85 g/sm^3	3484.1	6.4	2.9

Sement "Hamirining normal" quyuqligini aniqlash.

Narmal quyuqlikni aniqlash, sement suv nisbatini bildiradi. Suv miqdori % da o'lchanadi. Asbob va uskunalarni tanlashda. Vika asbobi, tarozi, qorishtirgich. Sement hamirining normal quyuqligi Vika asbobida GOST 310.3-76 ga muvofiq aniqlanadi. Buning uchun asbobning ignasi o'rniga diametri 10 mm va uzunligi 50 mm keladigan metall sopcha (keli) o'rnatiladi. Harakatlanadigan sterjenning metall sopcha bilan birgalikdagi massasi 300 ± 2 g ni tashkil etishi lozim. Sinash oldidan sterjenning bemalol surilishini, metall sopchaning tozaligini, o'zak miliniig vaziyatini tekshirish kerak xalqa va plastinkani mashina moyi bilan yupqa qilib moylash zarur.

Tekshiriladigan sementdan tarozida 400 g tortib olinib, xo'l latta bilan artilgan metall kosaga solinadi, sementning o'rtasi uyiladi, hosil bo'lgan chuqurchaga normal quyuqlikda hamir qorishga yetadigan miqdorda o'lchab quyilgan suv quyiladi. Sementdan birinchi marta hamir qorib qurish uchun taxminan $110-112 sm^3$ (sement massasining 25-28% i miqdorida) suv olinishi kerak. Suv quyilgan chuqurchaga po'lat kurakcha bilan sement to'ldiriladi va 30 sekunddan keyin ehtiyotlik bilan aralastiriladi, hosil bo'lgan hamir kurakcha yordamida iylanadi va kosa vaqt-vaqti bilan 90° ga aylantiriladi. Hamir qorish va uni iylash jarayoni sementdagi chuqurchaga suv quyilgan paytdan hisoblab 5 minut davom etishi lozim. Qorilgan hamirni shisha plastinka ustidagi xalqaga bir yo'la joylash, xalqani besh-olti marta silkitish uni plastinkaga bosib turgan holda, plastinkani stolga sekin-sekin urish lozim. Sement hamirining ortiqchasi xo'l latta bilan artilgach pichoqda sidirib tashlanadi. Xalqa plastinkasi bilan birga Vika asbobining sterjeni tagiga qo'yiladi, metall sopcha xalqaning qoq o'rtasida hamirga tekkiziladi va qisish vintini burab shu vaziyatida mahkamlanadi. Shundan keyin qisish vinti burab bo'shatiladi, shunda sterjen bilan birga sopcha ham hamirga botadi. Sterjen bo'shatilgach paytdan 30 sekund o'tgach, metall sopchaning hamirga botish chuqurligi asbob

shkalasidan yozib olinadi. Agar sopchani uchi shisha plastinkaga 5-7 mm yetmagan bo'lsa, unda hamirning quyuqligi normal hisoblanadi. Agar xamirga botirilgan sopcha 5-7 mm dan balandroqda to'xtagan bo'lsa, tajribani takrorlash uchun kuproq suv qo'shib xamir qorishga to'g'ri keladi. Agar metall sopcha bundan pastrokda to'xtasa, sinaladigan hamirga suv kamroq qo'shilishi lozim. Xullas, hamirning normal quyuqligi topilgunga qadar suv miqdori o'zgartirilaveradi. Normal quyuqlikdagi hamir hosil bo'lishi uchun talab qilinadigan suv miqdori (%) sementning massasi bo'yicha 0,25% gacha aniqlikda hisoblab chiqarilishi lozim.

Sementning qotish muddatlarini aniqlash.

Portlandsement erish muddati 45 minutgacha, 45 minutdan boshlab kolloid holatiga o'tish davri ya'ni 12 soatgacha, so'ng kristallanish 28 kun. Portlandsement, mineral qo'shimchali portlandsement, toshloq portlandsement, pussolan portlandsement xamiri qorilgan paytdan hisoblanganda 45 minutdan keyin qota boshlaydi va 10 soatdan keyin toshday qotib ketadi.

Tajriba sinov jarayonida asbob va uskunalari. Vika asbobi, tarozi, moy, xalqacha, shisha plastinka.

Sement xamirining qotish muddatlari GOST 310.3-76 ga muvofiq, Vika asbobi yordamida aniqlanadi, lekin bunda sterjenning pastki qismiga metall sopcha o'rniga ko'ndalang kesimi 1 mm² va uzunligi 50 mm keladigan po'lat nina o'rnatiladi. Sopcha o'rniga nina o'rnatish natijasida sterjenning umumiy massasi, ya'ni asbobning sinash chog'ida sement hamiriga ta'sir ko'rsatadigan harakatlanuvchi qismining umumiy massasi kamayadi, shunga ko'ra sterjenning yassi kallagiga qo'shimcha yuk qo'yib, uning massasini 300 g ga to'g'rilash kerak. Yuqorida aytib o'tilgan usulda qorilgan hamirning quyuqligi normal bo'ladi. Tayyor hamir darhol Vika asbobining shisha plastinkasi ustidagi xalqaga joylanadi. Hamir ichidagi havo pufakchalarini chiqarib yuborish uchun xalqa besh-olti marta silkitiladi. Hamirning yuzi xalqaning cheti bilan bir tekislikda yotishi uchun ortiqcha hamir pichoq bilan sidirib tashlanib, yuzi tekislanadi. Shisha plastinka xalqa bilan birga asbob stoliga o'rnatiladi. Sterjen pastga tushirilib, ignasi hamirga tekkizib qo'yiladi, siquvchi vintni burab, o'zak shu holatida mahamlanadi.

So'ngra vintni darhol burab bo'shatish kerak, shunda sterjenning uchidagi igna sement hamiriga bemalol botadi. Ignani hamirga avvalo har besh minutda (to hamir qota boshlaguncha), keyinchalik har 15 minutda (to hamir qotib bo'lguncha) botirish kerak. Igna hamirning faqat bir joyiga emas, balki turli joylariga botirilishi, buning uchun xalqa surib turilishi, igna esa har gal botirish oldidan xo'l latta bilan artilishi lozim. Sement suvda qorilgan paytdan to igna shisha plastinkaga 1-2 mm yetmay to'xtaydigan paytgacha o'tgan muddat sement hamiri qota boshlash vaqti, deb qabul qilinadi. Sement suvda qorilgan paytdan to igna sement hamiriga 1-2 mm dan sal ko'proq botgan paytgacha muayyan vaqt o'tadi, ana shu vaqt mobaynida hamir obdon qotadi. Portlandsement, mineral qo'shimchali portlandsement, toshqol portlandsement va pussolan portlandsement hamiri qorilgan paytdan hisoblaganda, faqat 45 minutdan keyin qota boshlaydi va 10 soatdan keyin toshdek qotib qoladi.

2-jadval:


Normal quyuqlik	Tishlashish muddatini boshlanishi	Tishlashish muddatini tugashi
29 %	1:29	4:01

Mikro to'ldirg'ichli sementdan olingan namunalimizning mexanik ko'rsatkichlari

3-jadval:

	7 sutka	14 sutka	28 sutka
Egilishga mustahkamligi MPa	2.77	5.08	5.98

Siqilishga mustahkamligi MPa	30.67	40.5	53.9
---------------------------------	-------	------	------



FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. Отақо‘зиёв Т.А., Отақо‘зиёв Е.Т. Mineral bog‘lovchi moddalar kimyo texnologiyasi. “Cho‘lpon” nashriyot. Toshkent. 2005.
2. Филимонов Б.П. Отделочные работы. Современные материалы и новые технологии. Изд. “Ассоциация строительных вузов”. Москва. 2004.
3. Василев С.М., Козлов С.А. и др. Мастер сухого строительства (комплект учебной документации по профессии). ООО Кнауф сервис. Москва. 2005,
4. Qodirova D.Sh. Dissertatsiya “Бетоны на барханных песках и отсевах дробления порфиритов”. Toshkent-1987.

ШЛАК ЩЕЛОЧНЫЕ ВЯЖУЩИЕ ВЕЩЕСТВА ДЛЯ ЛЕГКИХ БЕТОНОВ

**Профессор: Б.Ризаев, ўқитувчи: С.Нўманова, талаба: Э.Бўлишев
(Наманган муҳандислик-қурилиш институти)**

Одним из направлений повышения технико-экономической эффективности строительства является комплексное использование легких бетонов. Основное применение находят бетоны на пористых заполнителях естественного и искусственного происхождения.

Решению задач получения легких бетонов, отвечающих требованиям строительства, посвящены работы Ахвердова И.Н. Бужевича Г.А., Иванова И.А., Попова Н.А., Путляева И.Е., Рыбьева И.А., Симонова М.З. и других ученых. Их работы внесли значительный вклад в развитие исследований легких бетонов на минеральных пористых заполнителях.

Использование легких бетонов постоянно увеличивается, так как их внедрение в практику строительства позволяет не только снизить массу возводимых зданий и сооружений, но и более широко использовать в производстве строительных материалов попутно добываемое сырье, утилизировать отходы промышленности и сельского хозяйства. Это, с одной стороны, способствует оздоровлению окружающей среды, снижению

топливных и энергетических затрат на производство изделий и эксплуатацию зданий, а с другой, приводит к снижению стоимости и повышению качества строительства.

В результате этих работ получены и исследованы различные виды легких бетонов, которые широко применяются в строительной практике как в ограждающих, так и в несущих конструкциях зданий. Их используют в междуэтажных перекрытиях и кровельных покрытиях, при возведении стен и каркасов производственных сооружений и жилых домов, а также в монолитных бетонных массивах при строительстве мостов, опор линий электропередач и т.п.

Perlit qumi, vazifasiga ko'ra, turli dona tarkibiga ega bo'lishi mumkin: issiqlik izolatsion betonlar va suvoq qorishmalar uchun qum mahsulot qoliplashtirish uchun ishlatiluvchi qumdan yirikroq va og'irroq bo'ladi. Bevosita to'kma issiqlik izolatsiya sifatida ishlatiluvchi qum mayda va yengil bo'lishi kerak. Ko'pchitilgan perlit qumi 75—250 bo'lgan markalarga mos kelishi va 0,035—0,6 kkal/m • soat • grad chegaralarda issiqlik o'tkazuvchanlik koeffitsiyentiga ega bo'lishi lozim. Issiqlik loyiha ma'lumotlari bo'yicha, issiqlik o'tkazuvchanlik A, ning hajmiy og'irlik $<p_0$ ga bog'liqligi quyidagi formula bilan ifodalanadi: Perlit qumi tovushni yaxshi yutadi. Uning tovush yutish koeffitsiyenti 100—1110 Hz gacha intervaldagi tovush chastotasida, chastota oshishiga mos ravishda oshgan holda, 0,1—0,95 chegaralarda tebranadi. Perlit qumini, asosan, undan mahsulotlar tayyorlash uchun yarim fabrikat sifatida qabul qilish kerak. Yengil betonlar uchun to'ldiruvchi sifatida qum donalar o'lchami bo'yicha mayda - 1,2 mm gacha va yirik — 1,2—5 mm gacha turlarga bo'linadi.

Perlit shag'alining o'zi issiqlik izolatsiya materiali emas. Uni yengil va issiqlik izolatsiya betonlarda g'ovak to'ldiruvchi sifatida ishlatiladi. Shag'al qumdan o'zining bo'laklari kattaligi bilan farq qiladi: mayda fraksiya 5-10 mm, o'rtachasi – 10-20 mm, yirigi – 20-40 mm o'lchamga ega. Ko'pchitilgan perlitdan perlit kukuni va perlit pudrasi ham olish mumkin. To'kma ko'pchitilgan perlit kukunining hajmiy ogirligi 80 kg/m³ dan oshmasligi kerak. Uni uzoq muddatli sovitish uskunalari izolatsiyasi uchun ishlatiladi. Ko'pchitilgan perlitdan olingan mahsulotlarning eng yengil turi "perlital" deb ataladi. Bu mahsulotning donalari 0,01 mm yiriklikdagi perlit kukuni va aluminatli bog'lovchi moddadan tayyorlanadi.

Xomashyo materiallari. Ko'pchitilgan perlit olish uchun xom ashyo sifatida shishavand tuzilishga ega bo'lgan va erigan suv deb nomlanuvchi ko'pgina yer ostidan otilib chiqqan tog' jinslari xizmat qiladi. Perlit va shishavand tuzilishli boshqa vulqon jinslari "yosh vulqonlik" geologik rayonlarida bo'ladi. Turli kon perlitlari qizitilganda bir xil bo'lmagan ko'pchitish imkoniyatiga ega. Perlit ko'pchishining asosiy omili - qizitilganda perlit yumshab, tarkibidagi suvning bug'ga aylanishidir. Shuning uchun, perlit va boshqa vulqon shishalari tarkibidagi suvning miqdori, uning material bilan aloqasi shakllari va qizdirilgandagi holati ko'pchitilgan perlit ishlab chiqarish uchun katta amaliy ahamiyatga egadir. Shishavand tog' jinslarida namlik hosil qilish manbalari – bu vulqon lavalari va yuza gidrotatsiya suvlaridir. Otilib chiqqan lavaning tez sovushi sharoitida unda kristallizatsiya jarayoni va minerallar hosil bo'lishi yuz berib ulgurmagan bo'ladi. Bunday sharoitlarda sovigan lava u yoki bu darajada shaffof bir jinsli massa - vulqon shishasiga aylanadi. Tez sovish natijasida vulqon lavasi tarkibidagi bug' ko'rinishidagi namlik alohida "erigan" holatdagi suvga aylanadi. Namlikning ayrim qismi minerallar lavasida qisman hosil bo'lgan kristallashgan suvga aylanadi. Va nihoyat, keyinchalik bunday jinslar yuza gidrotatsiyasida gigroskopik namlikka ega boiganlar. Ko'pchitilgan perlitda g'ovaklik hosil bo'lish jarayonida asosiy rol erigan suvga tegishli. Perlitlarda g'ovaklar hosil bo'lishi suvning qizdirilganda o'zini qanday tutishiga bog'liq. Perlitlarning asosiy texnologik xususiyati bu - uning yuqori haroratlarda ko'pchishi bo'lib, u quyidagicha tushuntiriladi: jins bunda yumshaydi, uning tarkibidagi erigan holatdagi suv esa bug'ga aylanib, materialning yumshoq massasini ko'pchitadi. Perlitlarda suvning umumiy tarkibi 2-9% chegaralarda tebranadi. Ammo, "samarali" suv deb, 1—3% miqdordagi erigan suv hisoblanadi. Perlitlar kimyoviy jihatdan qum tupqorli (kremnezemli) tog' jinsi bo'lib, tarkibida 2-10 % ishqor bo'ladi.

Ko'pchitilgan perlitni qo'llash va uning mahsulotlari

Ko'pchitilgan perlitni qurilish maqsadlari uchun qo'llash jarayonida uni qurilishning ko'pgina sohalarida ishlatish mumkinligi va issiqlik izolatsion texnikada qo'llashning texnik-iqtisodiy samarasi kattaligi aniqlandi. Ko'pchitilgan perlit va uning mahsulotlari binolarning qurilish konstruksiyasilari va turli sanoat uskunalari issiqlik izolatsiyasi montajida ishlatiladi. Ko'pchitilgan perlit qumi issiqlik izolatsiya konstruksiyalarni juda keng harorat chegaralarida: +(850-900) dan to - (180-200)° C gacha uyib ko'mishda xizmat qiladi. Perlit-betonlar temir-beton binolar panellarini tayyorlashda hamda sanoat pechlar va tutun quvurlarini terishda ishlatiladi. Perlit qumi issiqlik izolatsiyasi va tovush yutish to'siqlari uchun gips-perlit va sement-perlit suvoq qorishmalarda to'ldiruvchi sifatida xizmat qiladi. Gips-perlit suvoq qatlamining issiqlik o'tkazuvchanlik koeffitsiyenti 0,15 kkal/m - soat - grad ga yaqin, tovush yutish koeffitsiyenti esa 600-800 Hz da 0,5 ga yaqin, AQSH da ishlab chiqarilayotgan barcha ko'pchitilgan perlitning 70 % ga yaqini issiqlik izolatsiya va tovush yutuvchi gips-perlit suvoq qorishmalar tayyorlash uchun, 25 % ga yaqini yengil va issiqlik izolatsiya betonlarida to'ldiruvchi sifatida va faqat 5-6 % boshqa issiqlik izolatsiya maqsadlari uchun qo'llaniladi. Xususan, perlit Nyu-Yorkdagi Birlashgan Millatlar Tashkiloti Saroyi qurilishida ishlatilgan.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. N.A. Mahmudova, H.N. Nuritdinov Pardoqlash va issiqlik izolatsiya materiallari o'quv qo'llanma "NOSHIR" T. 2010-y.

MINERAL BOG'LOVCHI MODDALARNING ASOSIY XOSSALARI

Rasulova N.B., Ibrayev O.

Annotatsiya

Havoyi bog'lovchilar haqida umumiy ma'lumot, havoyi ohak, ohak ishlab chiqarish, ohakni so'ndirish, ohak bog'lovchisining asosiy xossalari, ohakni tashish, saqlash va ishlatish.

Kalit so'zlar: havoyi ohak, bog'lovchi modda, opoka, diatomit, pemza, gliej, mineral, noorganik, dolomite, tegirmon, ohaktosh.

Mineral (noorganik) bog'lovchilar kukunsimon bo'lib, suv bilan aralashtirilganda plastik qorishma hosil bo'ladi va fizik-kimyoviy jarayonlar natijasida sun'iy toshsimon materialga aylanadi. Mineral bog'lovchilar strukturasi va qotish mexanizmiga ko'ra havoyi va gidravlik bog'lovchi turlariga bo'linadi. Havoyi bog'lovchilar qotish jarayoni, mustahkamligining o'sishi faqat havoda yuz beradi. Havoyi bog'lovchilarga havoyi ohak, gips, magnezial bog'lovchilar, suyuq shisha va boshqalar kiradi. Gidravlik bog'lovchilar qotish jarayoni boshlanishi havoda yuz berib, suv yoki o'ta nam sharoitda davom etadi va mustahkamligi ortadi. Gidravlik bog'lovchilar jumlasiga gidravlik ohak, romansment, portlandsement va uning turlari, giltuproqli sement, putssolanli va shlakli portlandsementlar, kirishmaydigan va kengayuvchan sement va boshqalar kiradi. Mineral bog'lovchilar xossalari yaxshilash uchun tarkibiga aktiv mineral qo'shimchalar-trepel, opoka, diatomit, pemza, gliej, vulqon tufi va kuli hamda toshko'mir kuli, shlaklar va boshqalar qo'shilishi mumkin. Mineral bog'lovchilar asosida g'isht, tosh terish va suvoqchilik qorishmalari, beton va temirbeton buyum va konstruksiyalar, armotsement konstruksiyalar, avtoklav buyumlar, yelimlovchi va bo'yoq kompozitsiyalar va boshqa mahsulotlar tayyorlash mumkin. Havoyi ohak tarkibida 6% gacha giltuproq bo'lgan kalsiyli va magniyli karbonat tog' jinslari: bo'r, ohaktosh, dolomitlashgan ohaktosh va dolomitlarni kuydirib olingan bog'lovchi materialdir. Ohak bog'lovchisi (kipelka) oq va kul rangida bo'lib, bo'lak-bo'lak holda hosil bo'ladi. Havoyi ohak bog'lovchisi quyidagi turlarda bo'ladi: so'ndirilmagan maydalangan, so'ndirilgan gidrat (pushonka), ohak qorishmasi va ohak suti. Ohak bog'lovchisi tarkibidagi SaO miqdoriga nisbatan kalsitli, magnezialli va dolomitli bo'lishi mumkin.

Ohak ishlab chiqarish. Havoyi ohak homashyosi asosini kalsiy karbonat (CaSO_3) tashkil etadi, shuningdek ozgina miqdorda dolomit, gips, kvars, giltuproq va boshqalar aralashgan bo'lishi mumkin. Ohaktosh $900-1200^{\circ}\text{C}$ haroratda kuydirilib, imkoni boricha SO_2 gazi chiqarib yuboriladi. Homashyo tarkibidagi magniy karbonat (MgSO_3) kuydirish jarayonida parchalanadi. Ohaktoshni kuydirish natijasida 56% havoyi ohak hosil bo'ladi, qolgan 44% karbonat angidridi (SO_2) havoga chiqib ketadi. Ohak bog'lovchisi tarkibida asosiy oksidlar (SaO/MgO) miqdori yuqori bo'lsa, ohak qorishmalari shunchalik mayin (plastik) va sifatli bo'ladi. Havoyi ohak tarkibidagi chala kuygan yoki o'ta kuygan bo'laklarning meyordan ortiq bo'lishi bog'lovchi xossalari yomonlashtiradi. Chala kuygan ohak bo'laklar deyarli bog'lovchilik xususiyatiga ega bo'lmaydi, o'ta kuydirilgan ohak esa juda sekin suv ta'sirida gidratlanadi va hajmi kengayadi. Buning natijasida ohak bog'lovchisi asosidagi mahsulotlarda yoriqlar hosil bo'lishi mumkin. Ohaktoshni odatda shaxtali xumdonda kuydiriladi. Mayda bo'lakli ohaktoshlar aylanma xumdonda kuydirilishi mumkin. Ohaktoshni kuydirish uchun ko'mir, tabiiy gaz va boshqa yoqilg'ilar ishlatiladi. Ko'mir yoqilganda ohakka kul aralashishi mumkin, gaz yoqilganda esa bog'lovchi toza holda hosil bo'ladi. Bundan tashqari gaz bilan ishlaydigan xumdonlarni mexanizatsiyalash va avtomatlashtirish mumkin.

Ohakni so'ndirish. Havoyi ohakni so'ndirish uchun suv bilan aralashtiriladi. Ohak so'ndirilganda 950 KJ/kg miqdorda issiqlik ajrab chiqadi. Ohakni so'ndirish jarayoni o'ta shiddatli

kechadi, ohak donachalari o'ta mayda dispers holga keladi. Ohak mineral bog'lovchilar ichida kimyoviy reaksiya natijasida disperslanadigan yagona bog'lovchi xisoblanadi. So'ndirilgan ohakning o'ta dispers bo'lishi uning yuqori darajada suv ushlab turishlik xususiyatini va plastikligini ta'minlaydi. So'ndirilgan ohakning bu xususiyati undan qurilish qorishmalari va boshqa mahsulotlar tayyorlashda katta ahamiyatga egadir. So'ndirishda olingan suv miqdoriga nisbatan gidrat ohagi (pushonka), ohak qorishmasi va ohak suti hosil bo'ladi.

Ohak bog'lovchisining asosiy xossalari. Sifatiga qarab havoyi ohak sanoatda 3 xil navda ishlab chiqariladi. Havoyi ohak 1-jadvalda keltirilgan talablarga javob berishi kerak. So'nish tezligiga qarab havoyi ohak tez so'nadigan (8 minutgacha), o'rtacha tezlikda so'nadigan (25 minutgacha) va sekin so'nadigan (25 daqiqadan ko'p) turlarga bo'linadi. To'yingan so'ndirilmagan ohakning maydalik darajasi №02 va 008 nomerli elaklardagi qoldiqlari bilan belgilanadi. Elaklardagi qoldiqlar 1,0 va 15% bo'lishi kerak. Havoyi ohakka qo'yilgan texnik talablar

Ko'rsatkichlar	Kalsitli ohak navlari			Magneziilli va dolomitli ohak navlari			Gidratli ohak navlari		
	1	2	3	1	2	3	1	2	3
Aktiv SaO/MgO miqdori	90	80	70	85	75	65	67	60	50
So'nmagan zarrachalar miqdori	7	11	14	10	15	20	-	-	-

Ohakni tashish, saqlash va ishlatish. So'ndirilmagan donador ohak temir yo'l vagonlari va avtosamosvallarda to'kilgan holda tashiladi. Bunda ohakni namlik ta'siridan saqlash zarur. Ohak pushonka va kukun ohak jips yopiladigan metall konteynerlarda, maxsus polietilen katta qoplarda va bitumlangan yoki yog'langan qog'oz qoplarda tashiladi. Ohak qorishmasi maxsus kuzovli avtosamosvallarda, ohak suti esa avtotsisternalarda tashiladi. Ohak-shlakli bog'lovchilar donador domna shlaki va havoyi ohakni (20-30%) birgalikda maydalab tuyib olinadi. Bog'lovchining qotish jarayonini yaxshilash uchun tarkibiga 3-5% gips qo'shiladi. Bunday bog'lovchilar normal sharoitda sekin qotadi, lekin issiq nam havo bilan ishlanganda qotishi tezlashadi. Ohak-putssolanli bog'lovchilar ohak va aktiv minerallar-trepel, opoka, diatomit, gliej va boshqalarni birgalikda kukun holiga keltirib olinadi. Ohak-shlakli va ohak-putssolanli bog'lovchilar asosidagi qorishma va betonlar namlikka va qisman suvli muhitga chidamli, ammo sovuqqa chidamliligi past bo'ladi. Havoyi ohakning katta qismi silikat g'ishti va bloklari, g'ovak, yengil va og'ir silikat betonlari tayyorlashda ishlatiladi. Havoyi ohakni tashish, saqlash va ishlatishda texnika xavfsizligi choralariga rioya qilish zarur, chunki ohak bog'lovchisi ishqoriy muhit bo'lib, terini, nafas olish a'zolariga salbiy ta'sir etishi mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:


1. Otaqo'ziyev T.A., Otaqo'ziyev E.T. Mineral bog'lovchi moddalar kimyoviy texnologiyasi. "Cho'lpon" nashriyoti. Toshkent. 2005. 252 b.
2. Filimonov B.P. Otdelochные работы. Современные материалы и новые технологии. Изд. "Assotsiatsiya stroitelных vuzov". Moskva. 2004. 173 s.
3. Vasilev S.M., Kozlov S.A. i dr. Master suxogo stroitelstva (komplekt uchebnoy dokumentatsii po professii). OOO Knauf servis. Moskva. 2005, 155 s.

YENGIL BETONLAR ISHLAB CHIQRISHDA MIKROKREMNEZEMDAN FOYDALANISH BO‘YICHA EKSPERIMENTAL TADQIQOT ISHLARI

Rasulova N.B., magistr Islomova N.I., O‘razmatov E.

Annotatsiya: Ushbu maqolada mikrokremnezem qo‘shimchali yengil betonlarning fizik-mexanik xossalarini o‘rganish, G‘ovak strukturaga ega bo‘lgan yengil beton bloklarni qurilish induksiyasi uchun mahalliy xom ashyolar asosida olish, fizik-mexanik va issiqlik o‘tkazuvchanlik xossalarini o‘rganish.

Mikrokremnezem qo‘shimchali yengil beton ustida o‘tkazilgan tajribalar uning optimal tarkibini tanlash imkonini yaratdi. Mikrokremnezem qo‘shimchali yengil betonning tanlangan tarkibi: Portlandsement, Qum, Mikrokremnezem, Gips, Oxak, Alyumin kukuni, Suv. Yengil betonlar portlandsement (ko‘pincha ohak yoki o‘yuvchi natriy qo‘shilgan), kremnezemli komponent va gaz hosil qiluvchi modda aralashmasidan tayyorlanadi. Kimyoviy reaksiyaning turiga ko‘ra gaz hosil qiluvchi moddalar quydagi xillarga bo‘linadi: bog‘lovchi yoki uning xosilalari bilan reaksiyaga kirishuvchi (alyuminiy pudrasi); gaz hosil qilib parchalanuvchi (pergidrol); o‘zaro reaksiyaga kirishib gaz hosil qiluvchi (masalan, maydalangan ohaktosh va sulfat kislota). Ko‘pchilik hollarda gaz hosil qiluvchi sifatida alyuminiy pudrasi ishlatiladi, ushbu moddaning kalsiy gidroksidi bilan reaksiyaga kirishishi natijasida vodorod ajralib chiqadi:



Alyuminiy pudrasining zichligi 600 – 700 kg/m³ ga teng bo‘lgan 1 m³ gazobeton ishlab chiqarish uchun sarflanishi 0,4 – 0,5 kg ni tashkil yetadi.

Gazosilikat avtoklavda qotiriluvchi material bo‘lib gazobetonidan farqli ohakli-kremnezemli bog‘lovchi asosida tayyorlanadi.

Bunda mahalliy arzon materiallar: ohak, qum, kul va metallurgiya shlakidan foydalaniladi. Gazabetonning boshqa qurilish materiallaridan asosiy farqi bu yuqori issiqizolyatsiyali sifatlaridir. 30 smli ko‘pikbeton o‘z issiqlik izolyatsiya sifatlariga ko‘ra 75-90 smli keramzitbetonga yoki 150-180 smli g‘ishtga teng. Bu ishlanmalar asosida O‘zbekistonda penobetonidan qurilish materiallari: bloklar, to‘siqlar, devor panellari, ishlab chiqara boshlandi, ular o‘zlarining issiq izolyatsiya xossalariga ko‘ra g‘isht va og‘ir betonlardan 3-5 marta yuqori turadi. Lekin ajoyib issiqlik izolyatsiya xossalariga qaramay bu qurilish materiali birdaniga kirishib ketmadi. Ko‘pikbetonning asosiy kamchiliklaridan biri ayniqsa yacheykali betonlarning, foydalanilayotgan sementga bog‘liq past mustahkamligi hisoblanadi. MDH da issiq saqlovchi materiallar va buyumlar ishlab chiqarish keyingi yillarda yanada rivoj topdi. 1980 yillarda sobiq SSSRda ularning umumiy ishlab chiqarish yiliga 3 mln.m² dan ziyodni tashkil yetgan. Gazobeton — bu zamonaviy qurilish materiali, gazlangan betonning bir turi, ya'ni sferik, yopiq, ammo diametri 1-3 mm bo‘lgan birlashtiruvchi, butun hajm bo‘ylab teng ravishda taqsimlanadigan sun‘iy tosh. Yakuniy ishlov berish texnologiyasiga ko‘ra, gazlangan beton “avtoklavlangan” gazbeton va “avtoklavsiz” ga bo‘linadi. Bundan tashqari, gazlangan beton bloklar odatiy g‘ishtlarga qaraganda yengilroq, bu sizga zarur poydevor ishlarining harajatlarini kamaytirish va qurilish ishlari tezligini an'anaviy g‘isht qurilishiga nisbatan 40% ga oshirishga imkon beradi. Tayyor binoning issiqlik yo‘qolishi oddiy g‘ishtdan qilingan bino bilan solishtirganda 3 baravar kam bo‘ladi. Hozirgi kunda butun dunyoda mashhur bo‘lgan gazobeton (gazli beton) 1922 yilda Shvesiyada qurilishda ishlatiladigan zamonaviy avtoklavlangan gazbeton asoschisi hisoblangan ixtirochi Yerikson tomonidan patentlangan. G‘ovakli gazobetonlarni ishlab chiqarish va ulardan foydalanish 1929-yilga borib taqaladi. U alyuminiy kukuni va Ca (OH) 2 bilan reaksiyaga kirishib, nozik bo‘lingan kremniy komponentlari va sement qo‘shilishi (10%) bilan ohakning mobil aralashmasini

kengaytirishni taklif qildi. Shu bilan birga, texnologiya 1880 yilda Michaelis tomonidan patentlangan ohak-kremniy kompozitsiyalarining avtoklavlarida issiqlik-namlik bilan ishlov berish (HMT) usuliga asoslangan yedi. U kislotalar va karbonat yoki xlorid tuzlarini harakatlanuvchi sement va gips yeritmalari bilan aralashtirdi, bu kimyoviy o'zaro ta'sir paytida gazni chiqaradi, bu yesa qotib qolgan yeritmalarda g'ovakli tuzilishni hosil qiladi. Rossiya va boshqa joylarda bunday betonlar 1950-1960 yillardan boshlab ishlab chiqarila boshlangan. G'ovakli betonlarning yengilligi, yetarlicha mustaxkamligi va qolaversa, nisbatan arzonligi ularga bo'lgan talabni va yetiborni tobora kuchaytirib kelgan. Shunday qilib, keltirilgan ma'lumotlar va issiq saqlovchi materiallar va xususan, yacheykali tuzilishga yega materiallar sohasidagi tadqiqotlar natijalari haqidagi adabiyotlarda mavjud ma'lumotlar tahlili shuni ko'rsatadiki, an'anaviy kalsiy birikmalar asosida past markali yacheykali betonlar olinadi. Bu olinayotgan materiallarning yuqori bo'lmagan musmtahkamlik ko'rsatkichlari va ularning yetarlicha suvga chidamga yemasliklari bilan bog'liq. Bunday materiallarning foydalanish xarakteristikalarini oshirish ko'pincha ko'p energiya va mehnat xarajatini hamda texnologiyani murakkablashtirishni talab yetadi. **Portlandsementning mineralogik tarkibi**

Uch kalsiyli silikat - $3\text{CaO} \cdot \text{SiO}_2 = 52,03\%$

Ikki kalsiyli silikat - $2\text{CaO} \cdot \text{SiO}_2 = 24,35\%$

Uch kalsiyli alyuminat - $3\text{CaO} \cdot \text{Al}_2\text{O}_3 = 9,62\%$

To'rt kalsiyli alyumoforit - $4\text{CaO} \cdot \text{Al}_2\text{O}_3 \cdot \text{FeO} = 13,71\%$

Mikrokremnezem qurilishning barcha tarmoqlarida betonga qo'shimcha sifatida ishlatiladi. Ushbu material qo'shilgan beton temir-beton buyumlar ishlab chiqarishda, fuqarolik ob'ektlarini monolit qurishda, kommunal va sanoat infratuzilmasini, shu jumladan suv ta'minoti liniyalarini qurishda qo'llaniladi. Material turli plastifikatorlar va boshqa beton qo'shimchalar bilan birgalikda ishlatiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati:

1. Samig'ov N.A. Energiya va resurs tejankor qurilish materiallari va texnologiyalari.- Toshkent "Mehnat", 2016

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 23 mayda PQ-4335-sonli "Qurilish materiallari sanoatida jadal rivojlantirishga oid qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi qarori.

BITUM ASOSLI RULONLI MEMBRANALARDAN KO'P QAVATLI BINOLAR VA XONADONLARNING TOMLARINI TASHQI OMILLARDAN HIMOYALASH USULLARI

Assistent: Tilavov E., Jizzax politexnika instituti

Talaba: Qosimova D. Jizzax politexnika instituti

Email. tilavovbek7202@gmail.com

Anatatsiya: Tom uchun qo'llaniladigan materiallar turli xilma xil va ulardan ajralib turadigan rulonli qolamalar ish unumdirligi va kam sarf xarajatli hisoblanadi hamda ularning xossalari har qanday iqlim sharoitlarga bardoshi hisoblanadi.

Kalit so'zlar: Bitum, bog'lovchi material, neft, slyuda, ruberoid, po'lat list, ekarbit, shisha tola, pergamin, qatron-bitum, slanets qatron.

Tomga yopiladigan rulonli materiallar maxsus karton yoki shisha toladan uni organik bog'lovchilar bilan shimdirish yo'li bilan tayyorlanadi, keyin esa bitta yoki ikkala tomondan to'ldirgichli qiyin eriydigan neft yoki qatronli bog'lovchilar surtiladi xamda sepiladi. Ular eni turlicha, uzunligi 10-30 m bo'lgan o'ram ko'rinishida chiqariladi. Xozirgi zamon qurilishida tomga

yopiladigan o'ram materiallar keng ishlatiladi. Ular 3-5 qatlam qilib yopishtirilganda tomda suv o'tmaydigan quyma tom gilami yuzaga keladi. Ular yengil, tomni ozgina qiyalatib qurish imkoniyatini yaratadilar, kimyoviy ta'sirlarga masalan, ximiya va metallurgiya korxonalarida foydalanilganda qarshilik ko'rsatish xususiyatiga ega.

Bundan tashqari o'ram materiallardan tom qilinganda qurilishda metall sarfi (po'lat list) ancha qisqaradi va bir yo'la po'lat yopmalardan foydalanishdagi xarajatlari nisbatan kamayadi. Lekin ijobiy xossalari bilan bir qatorda ko'rib o'tilayotgan materiallarning katta kamchiliklari ham bor: ular uzoq chidamaydi, oson yonadi, tom yopishda sidirg'asiga panjara qilish talab etiladi. Shimdirish turiga qarab tomga yopiladigan o'ram materiallar bitumli, qatronli, qatronbitumli, gudrokamli va boshqa materiallarga bo'linadi. Tomga yopiladigan bitumli materiallar juda turli-tuman bo'lib, bitumli o'ram materiallar orasida eng keng qo'llaniladigani ruberoid va pergamindir. Ruberoid – tomda ishlatiladigan neft bitumi shimdirilgan kartondan tayyorlangan o'ram material. Uning yuzasi ikkala tomondan qiyin eriydigan neft bitumlari va sepma-mayda tuyilgan tal k yoki boshqa mineral kukun (yirik donador yoki slyuda sepmadan ham foydalanish mumkin) qatlami bilan qoplangan. Yirik mineral sepma turli ranglarda bo'lishi mumkin.



Vazifasiga qarab ruberoid tomga yopiladigan (tom gilamining ustki qatlamini yopish uchun) va ostqo'yma (pastki qatlamlarni yopish va qurilish qurilmalarini suvdan himoyalash uchun) ruberoidlarga bo'linadi. Ruberoidning to'rtta markasi chiqariladi: RKK-500A, RKK500B va V, RKM-350B va V, RPM va RPP-300A,B va V, RKCh-350B va V. R harfi – ruberoid, K va P harflar – tomga yopiladigan va ostqo'ymani ifodalaydi. Uchinchi harf sepma turini: K – yirik donador, M – mayda donador, P – changsimon, Ch – tangachasimon. Harflardan keyingi raqam karton markasini ifodalaydi. Masalan, RKK-400V – yirik donador sepmali tomga yopiladigan ruberoid, 400 V (1 m² ning massasi 400 g) markali kartondan tayyorlangan. Texnik shartlarni qoniqtiradigan ruberoidning qirqimi shimdirilmagan och rangli qatlamlarsiz qora rangga ega bo'ladi, o'ramda polotno yopishib qolmaydi, chetlari tekis bo'ladi. Polotnosining eni 1000, 1025 va 1050 mm o'ramdagi polotnoning umumiy yuzasi 7, 5, 10 va 15 m². Tomga yopiladigan gilam sifati qatlamlar soniga, gilamni asosga va qatlamlarni bir-biriga

puxta yopishtirilishiga bog'liq bo'ladi. Odatda tomlar ostqo'yma ruberoidning ikki-to'rt qatlami va tangachasimon sepmali tomga yopiladigan ruberoidning bitta qatlamidan qilinadi.



Tangachasimon (slyuda) sepma – quyosh nurlarini qaytarib o'ram gilamini atmosferaga yuqori darajada chidamli qiladi. Birinchi qatlamni asosga so'ngra esa keyingi qatlamlarni yopishtirish uchun qaynoq va sovuq bitum mastikalari ishlatiladi. Ruberoid polotnosi ustma-ust, ya'ni qo'shni polotnoni 7-10 sm qoplab yopishtiriladi. Suyuqlantirib qoplanadigan ruberoid – tomga yopiladigan material bo'lib, qalin bitum qatlami zavodda suyuqlantirib qoplanadi. Vazifasiga qarab tomga yopiladigan suyuqlantirib qoplanadigan ruberoid (RK420-1,0, RK-500-2-2,0 markali) va ostqo'yima (RM3501,0, RM-420-1,0, RM-500-2,0 markali) ruberoidlarga bo'linadi. Tomni suyuqlantirib qoplanadigan o'ram ruberoid bilan yopishda uning yuzasi isitiladi, bitum qatlami eritiladi va ruberoid yuzasiga tom mastikasi yuritilmasdan yelimlanadi. Bu materialdan foydalanilganda mexnat unumdorligi 50% ortadi, tom yopish ishlarining narxi pasayadi va ishchilarning mexnat sharoitlari yaxshilanadi. Ekarbit – suyuqlantirib qoplanadigan polimerbitum ruberoid bo'lib, tomga yopiladigan kartonga yumshoq neft bitumi bilan shimdirish va keyinchalik ikkala tomoniga qoplama qatlam surtish yo'li bilan olinadi.

Qoplamalar tarkibiga bitum, butilkauchuk, moy va to'ldirgich kiradi. Sepma turiga qarab (yirik donador yoki mayda mineral) u tomga yopiladigan gilamning ustki qatlami yoki pastki qatlamlari uchun qo'llaniladi. Ekarbitning haroratga chidamliligi taxminan 70o S, suv shimishi esa ko'pi bilan 40 g/m² . Ekarbit suyuqlantirib qoplanadigan ruberoid kabi yopishtiriladi. Shisha ruberoid - tomga yopiladigan va namdan himoyalash o'ram materialidir (51-rasm). U shisha tolali matoga ikkala tomondan bitumli bog'lovchi surtish yo'li bilan olinadi. Sepma turi va vazifasiga qarab shisha ruberoidning quyidagi markalari chiqariladi: S-RK (yirik donador sepmali), S-RCh (tangachasimon sepmali) va SRM (mayda donador sepmali namdan himoyalash). Polotno eni 960 va 1000 mm bo'lganda shisha ruberoid o'ramining yuzasi taxminan 10 m bo'ladi. Bu material tomga to'shama to'shahda va yelimlanadigan suvdan himoyalashli shaklda ishlatiladi. Pergamin – neft bitumlari shimdirilgan karton asosida tayyorlanadigan tomga yopiladigan o'ram materialidir.

Pergamin ruberoiddan farqli o'laroq qoplama bitum qatlami va sepmaga ega bo'lmaydi. Pergamin ikkita: P-300 va P-350 markali o'ramlar shaklida chiqariladi. Polotnosining eni 1000, 1025 va 1050 mm. O'ram yuzasi 20 yoki 40 m² . Pergamin ruberoid qaynoq mastikalarga yotqizilganda uning ostiga qo'yiladigan taglik material sifatida, shuningdek bug'dan himoyalash uchun ishlatiladi. Tomga yopiladigan qatronli materiallar tomga yopiladigan kartonni toshko'mir yoki slanets qatronlari bilan shimdirib va qoplab, bir yoki ikkala tomoniga mineral uvoqlar sepmasdan yoki sepib tayyorlanadi. sepiladigan narsaning turiga va vazifasiga qarab tomga yopiladigan qatronli materiallar yirik donador sepmali tomga yopiladigan tolga (TKK-350 va TKK-400 markalar), tomga yopiladigan qum sepmali tol (TKP-350 va TKP-400 markalar) va namdan himoyalash tolga (TG-300 va TG-350 markalar) bo'linadi. Tolning eni 1000, 1025 va 1050 mm, yuzasi 10 m o'ramlarda chiqariladi. Yirik donador sepmali tol nishab tomlarga yopiladigan gilam

shaklli tolning ustki qatlamini qaynoq qatronli mastikalarda ishlash yo'li bilan qo'llaniladi. Tol polotnosining ikkala tomonida tarkibida mineral to'ldirgich bo'lgan qiyin eriydigan qatronli maxsulotlarning qatlami bo'lishi kerak, bundan tashqari o'ng tomonida esa mayda tuyilgan mineral modda sepilgan bo'lishi kerak. Qum sepmali tol uzoq chidamasligi tufayli vaqtinchalik inshootlarning tomini yopish uchun mo'ljallangan. Tayyorlayotganda polotnning ikkala tomoniga singdirilgan tarkibli qoplama parda va kvarts qum qatlami yuritiladi. Qoplama pardali namdan himoyalash tol qurilish qurilmalari va tomga yopiladigan gilam shaklli yopmaning pastki qatlamlarini gidro va bug'dan himoyalash uchun ishlatiladi. Bu tol tomga yopiladigan kartonni toshko'mir yoki slanets qatronli materiallar bilan singdirib, keyin esa o'ng va pastki tomonlarini mayda donador mineral sepma bilan sepib tayyorlanadi. Tomga yopiladigan o'ram materiallar (ruberoid, pergamin, tol) ni isitilmaydigan yopiq xonalarda yoki bostirma ostida saqlash, mexanik shikastlanishdan va atmosfera ta'sirlaridan himoyalash tavsiya etiladi. O'ramlar markalari bo'yicha navlarga ajratilgan va balandligi bo'yicha ko'pi bilan ikki yarusli qilib cheti bilan tik vaziyatda o'rnatilgan bo'lishi kerak. Qish vaqtida ruberoid va tolning mo'rtligi ortadi, shu sababli manfiy haroratda o'ramni yozish tavsiya qilinmaydi – ularni oldin issiq xonada isitish zarur. Qatron-bitumli o'ram materiallar tomga yopiladigan kartonni qatron ma'xsulotlariga shimdirib va keyin ikkala tomondan neft bitumi bilan qoplab tayyorlanadi. Qatron-bitumli materiallar o'ramlarda chiqariladi, umumiy yuzasi 20 m² ga teng. Ular ko'p qatlamli yassi va suv quyiladigan tom yopmalari uchun, shuningdek yopishtirma suvdan himoyalash uchun mo'ljallanadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Qosimov E.U. Qurilish ashyolari. Darslik. - T.: Mexnat, 2004.
2. Samig'ov N.A. Bino va inshootlarni ta'mirlash materialshunosligi. Darslik. – T.: Faylasuflar milliy jamiyati, 2011.
3. Odilxo'jaev A.E., Toxirov M.K. Qurilish materiallari. O'quv qo'llanma. - T.: 2002.
4. Akramov, X. A., & Ganiyev, A. (2022). To Produce an Effective Composition of Vermiculite Plita and to Study the Coefficient of Thermal Conductivity. *The Peerian Journal*, 8, 29-37.

SIFATI YAXSHILANGAN QURILISH G'ISHTINI OLISH USULLARI VA YO'LLARI

Baratov Elyor Baxrom o'g'li

Jizzax politexnika instituti 1-kurs talabasi

Ilmiy rahbar: Muxitdinov Abduvaxob Abduvaliyevich

Jizzax politexnika instituti assistenti

Annotatsiya: Ushbu maqolada pishiq g'isht ishlab chiqarishdagi asosiy texnologik jarayonlar, shu jumladan, pishirish jarayonini takomillashtirish va keramik shixta tarkibiga qo'shimcha va chiqindilar qo'shish yo'li bilan g'ishtning g'ovakligi va mustahkamligi kabi asosiy ko'rsatkichlarini yaxshilash bilan mahsulot sifatini oshirish, hamda iqtisodiy samaradorlikka erishish nazarda tutilgan.

Kalit so'zlar: Sopol g'isht, qurilish materiallari, pishiq g'isht, sangzor soz tuprog'i.

Bugungi kunda butun dunyoni tashvishga solayotgan Turkiya misolidagi zilzila oqibatlarini boshqa mamlakatlar kabi bizning mamlakatimizda ham qurilgan uy-joylarni qaytadan yana bir bor mustahkamlik jihatidan seysmik bardoshlilikini tahliliy sinovdan o'tkazishni, shuningdek, yangi barpo etiladigan bino va inshootlarni esa sifatli qurilish materiallaridan foydalangan holda bunyod etishni o'ta dolzarb masalalardan biri sifatida kun tartibiga qo'yimoqda.

Maqolani tayyorlashda massa qo‘shilmalarning kimyoviy tarkibini, shuningdek, shixtaning kimyoviy tarkibini aniqlash uchun fizik-kimyoviy tahlil usullaridan, ishlab chiqarilayotgan materialning texnik hisobini olish hamda sexning material balansi hisob-kitob qilish uchun esa, fizik-mexanik sinov usullaridan, massaning shixta tarkibidan shamotni 100% chiqarib tashlangandan keyingi hisobida maqbullashtirish usuli va tizimli tahlil usullaridan foydalanildi.

Mazkur tadqiqotni sinovdan o‘tkashishda tadqiqot obyekti sifatida dastlabki sinov jarayonlari sifatida Jizzax viloyati Baxmal tumanidagi “Baxmal g‘isht servis” KTXF g‘isht ishlab chiqarish kichik korxonasi qatnashdi.

O‘tkazilgan dastlabki sinov tadqiqotlariga, shuningdek, hisob–kitoblarga ko‘ra, massa tarkibidan shamot chiqazib tashlanishi maqsadga muvofiq deb topiladi, chunki u kimyoviy tarkibi bo‘yicha massaning kimyoviy tarkibi bilan amaliy jihatdan bir xildir.

1. Massaning shixta tarkibidan shamotni 100% chiqarib tashlangandan keyingi hisobi bo‘yicha soz tuproq – 96,77%, yog‘och qirindisi – 3,23%, qayta hisoblash koefitsienti: $\Sigma = 84,85 + 2,83 = 87,68\%$, $K = 100/87,86 = 1,14$

2. Shixtaning kimyoviy tarkibi:

Massa qo‘shilmalarning kimyoviy tarkibi, % da

1.1 -jadval

Qo‘shilmalar nomi	SiO_2	Al_2O_3	TiO_2	Fe_2O_3	CaO	MgO	SO_3	$Na_2O + K_2O$	p.p.p.
Soz tuproq	58,65	19,16	1,22	9,16	1,28	1,28	0,10	2,66	6,94
Yog‘och qirindisi	0	0	0	0	0	0	0	0	100

Shixtaning kimyoviy tarkibi, %

1.2 jadval

SiO_2	Al_2O_3	TiO_2	Fe_2O_3	CaO	MgO	SO_3	$Na_2O + K_2O$	p.p.p.
56,76	18,54	1,18	8,86	1,24	1,24	0,10	2,57	8,72

$$SiO_2 \text{ (shixta)} = 58,65 \cdot 0,9677 = 56,76\%$$

Qizdirishdagi yo‘qotishlar:

$$PPP = 6,94 \cdot 0,8485 + 100 \cdot 0,0283 = 8,72$$

Ilmiy-texnik adabiyotlarning tahlili keramika sanoatida, xususan qurilish g‘ishti ishlab chiqarishda erishilgan yutuqlar bilan birga sohada mavjud muammolarni hali o‘z yechimini topmaganligi ko‘rsatdi. Bu esa ushbu sohada izlanishlar olib borish g‘oyat dolzarbligini yana bir bor isbotlaydi. Respublika tadqiqotchi olimlari va mutaxassislari tomonidan g‘oyatda samarador texnik yechimlar va texnologiyalar ishlab chqilib sanoatga tavsiya etilganligiga qaramasdan, mazkur ishlanmalar amalda g‘isht ishlab chiqaruvchi korxonalarda oxirigacha joriy etilmagan.

Keramika sanoatida mineral xom ashyolar va boshqa qo‘shimcha materiallar va sanoat chiqindilarni zamonaviy fizik-kimyoviy usullarining nazariy asoslari yoritilgan. Bulardan mikroskopriya, elektron mikroskopiya, rentgenofazaviy analiz, differensial-termik analiz, IQ-petroskopiya usullari keng qo‘llaniladi. Ushbu usullarning o‘ziga xos jihatlari, ularni qo‘llashdagi o‘ziga xos ba‘zi afzalliklar mavjud. Bir ob‘ektni tahlil etishda ularni birgalikda qo‘llash orqali aniq darajadagi natijalarga tayanib, yanada to‘liq ma‘lumotlar olish mumkin. Bu ma‘lumotlar esa keramika sanoatini taraqqiyotida muhim ilmy asos bo‘lib xizmat qiladi.

Ishlab chiqarish uchun zarur bo‘lgan asosiy va yordamchi texnologik asbob-uskuna va jihozlarning unumdorliklari bo‘yicha tanlangan va ularning texnik ko‘rsatkichlari bo‘yicha keyingi

bosqich hisoblashlar bajarilgan. Korxonaning yillik ishlab chiqarish quvvati 13 mln. tashkil etgandagi talab etiladigan xom ashyo, elektr energiya sarfi, tabiiy gazga bo‘lgan ehtiyoj hisoblangan.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Курязов З.М., Шерназарова М.Т. Сув омборларида йиғилган илларнинг физик-механик хоссалари. Актуальные проблемы аналитической химии. Тезисы докладов И Республиканской научно-практической конференций посвященной 70-летию академика А.Г.Ганиева, 2002, Термез, стр. 164
2. Kuryzov Z.M., Shernazarova M.T., Hodjaev N.T., Hujamberdiev M.I. Using Silt from Uzbekistan to Manufacture Ceramic Building Materials. Interceram, 2004, vol.53, N 4, p.246-248. (Germany).
3. Эминов А.М. Нанотехнологии и наноматериалы. Сб. трудов Респ.научно-практ.конф. «Теория и практика композиционных строительных материалов» ТАСИ, Ташкент, 2008 г, стр. 46-49.
4. Курязов З.М., Шерназарова М.Т., Ходжаев Н.Т.. Лицевая строительная керамика на основе гидрослюдистых легкоплавких глин. Узбекский химический журнал, 2000, № 5, с.47-49.
5. Курязов З.М., Шерназарова М.Т., Ходжаев Н.Т. Бентонитовый подобные глины – в производстве стеновой керамики. Вестник ОшГУ, серия.хим.и хим.техн., 2001, № 2, с.191-193.

АЧИТҚИЛАР СКРИНИНГИ

Халқузиева М. А., Қувондиқова Д.И., Усмонова Б.Р.

Жиззах политехника институти

Телефон: +998933000976

E-mail-asatullayevnamohira@gmail.com

Углеводларнинг, айниқса, қандлар ва қандли қиёмларни тўғридан тўғри “карамелланиш” деб номланган реакция коплексини ҳосил қилади. Реакцияни кислоталар, ишқорлар ва баъзи тузларнинг кичик концентрацияси ёрдамида тезлаштириш мумкин. Бунда карамель хушбўйлигига эга жигарранг маҳсулотлар ҳосил бўлади. Қандли эритмаларини бошланғич қиздириш давомида аномер ўзгаришларлар кузатилади, гликолид боғлари узилиб, янги гликозид боғлари ҳосил бўлади. Ангидрохалдаларнинг ҳосил бўлиши дегидратция реакцияси ёки иккиламчи боғларнинг холига кириши асосий жараён бўлиб ҳисобланади. Натижада дигидрофуранонлар, циклопентанолонлар, циклогексанолонлар, пиронлар ва бошқа комплекслар ҳосил бўлади. Иккиламчи боғлар маълум тўлқин узунлигидаги ёриғини адсорбсия қилиб, маҳсулотларга жигарранг тус беради. Карамель ранги ва хушбўйлигини ҳосил қилиш учун сахароза ишлатилади. [6].

Карамелли пигментларда хилма-хил гидроксил, кислотали, карбонил, енол, фенол ва бошқа гуруҳлар мавжуд. Карамелли пигментларнинг ҳосил бўлиш реакция тезлиги ҳарорат ва рН ёрдамида кучаяди. Буфер тузлари бўлмаса, нордон таъмли гумин полимер бирикмаси ҳосил бўлади (ўртача формуласи $C_{125}H_{188}O_{80}$). Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда бу моддани ҳосил бўлишига йўл қўймаслик зарур [3].

Меланоидин туган муҳит ачитқи замбуруғлари кўпайиши ва ривожланишига қийинчилик келтирганлиги сабабли меланоидинга чидамли ачитқи замбуруғини танлаб олиш

3 босқичда амалга оширилди: ачитқи културасини тайёрлаш, арпа солоди суслосида ўстириш, меланоидин тутган суслосига ўтказиш ва ўсиш жараёни кузатиш

Биринчи босқичда сусло-агар (Муҳит №1) муҳити қўлланилди. Сусло-агарли косяк (қийшиқ) агардан бошқа сусло-агарли косякга ўтказилди. Муҳит № 1 га ачитқилар экилди ва икки сутка давомида ачитқи замбуруғлари ўстирилди ва “газон” ҳосил қилди.

Иккинчи босқичда улар 20 мл ҳажмли 12 агрономик пробиркаларга (5 мл, муҳит №2) пиво суслосига экилади. 20 °С ҳароратда ўстирилди ва ҳосил бўлган муҳит кейинги тадқиқотларда инколюм вазифасини бажарди.

Меланоидинлар ачитқилар кўпайишига салбий таъсир қилади, натижасида спиртли бижғиш жараёни жуда секин кечади ёки охиргача бормайди.

Учинчи босқичда инколюм вазифасини бажарувчи ачитқи замбуруғларини 12 та 10 мл (муҳит №3) солинган 20 мл ҳажмли агрономик пробиркаларга 12 ҳилдаги ачитқи замбуруғлари экилди ва ҳар икки сутка давомида уларнинг кўпайиши, кўпинча жадаллиги билан кузатилади. Натижалар 1-расмда кўрсатилган

Abbey Ale ва *Rkatsiteli* ачитқи замбуруғлари эса пиво суслосида ривожлана олмади. Бошқа ачитқиларга нисбатан *Dry English Ale* ачитқи замбуруғини яхши натижа берди. Шунинг учун *Dry English* ачитқи замбуруғи танлаб олинди.

Фойдалиниланган адабиётлари рўйхати

1. Дамберг Б.Э. Реакция меланоидинообразования и ее биологическое значение. “Известия АН Латвиской ССР”, 1976, т. 1, с. 97.
2. Zavalin, A.; Collins, W.E.; Morgan, S. In A Compensation Zone of Multipolar System of EM Fields Stimulates Bacterial Growth, Proceeds of the 24th Meeting of Bioelectromagnetics Society, Quebec, Canada, 2002; pp. 8–9.
3. Zavalin, A.; Lensky, V.; McCarrol, P.; Westbrook, R.; Collins, W.E.; Morgan, S. Biostimulation of microorganisms exposed to multipolar systems of mutually compensated EMF.// Bioelectromagnetics 2009, in review.
4. Хиврич Б.И., Роздобудько Б.В. Спектр веществ, формирующих вкус и аромат пива// <http://kyivminibrewery.com/vkus-i-aromat-piva.html/>

ПОЛУЧЕНИЕ АЦЕТИЛЕНА В СОВРЕМЕННЫЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ.

Хусенов Абдурасул Уктамович, студент

Косимов Сардор Фахриддин угли, ассистент, ЖизПИ.

Тангяриков Нормурод Сайитович, т.ф.д., профф, ЖизПИ.

Роль химических превращений в современной промышленности очень велика и продолжает возрастать ускоренными темпами — катализ становится основным средством существования химических превращений, управления их скоростью и направленностью. Изыскание катализаторов, как для новых процессов, так и для усовершенствования уже используемых является одним из ведущих факторов технического прогресса. Если бы стали известны оптимальные составы катализаторов для осуществления всех потенциально возможных химических превращений, это привело бы к грандиозному подъему экономики. Поэтому создание научных основ предвидения каталитического действия должно рассматриваться как важнейшая задача химической науки.

В начале XX века ацетилен использовали как горючий газ для освещения, для сварки и резки металлов и для получения различных сортов сажи. Вместе с тем появление доступного ацетилена дало начало промышленному органическому синтезу, который развивался в первой половине века главным образом на основе ацетилена как углехимический синтез ($C \rightarrow CaC_2 \rightarrow C_2H_2 \rightarrow$ органические продукты). Первыми промышленными продуктами были тетрахлорэтан, ацетальдегид, уксусная кислота, ацетон, этиловый спирт. Затем были разработаны методы получения таких важнейших мономеров, как изопрен, винилхлорид, винилацетат, акрилонитрил, хлоропрен и акрилаты. Возникновение промышленной химии ацетилена связано с именами М. Г. Кучерова, А. Е. Фаворского, Ф. Клаттэ, Ю. Ньюленда, У. Карозерса, В. Реппе, А. Л. Клебанского и многих других исследователей [Кнунянц И. Л.; Ньюленд Ю., Фогт Р.; Темкин О. К., Флид Р. М.].

Ацетилен как один из ключевых видов химического сырья, заметно потесненный в 60-х годах нефтехимическим этиленом и пропиленом, сейчас вновь обращает на себя внимание исследователей и технологов [Haines A. H.]. Причина - прогрессирующее удорожание нефти и газа на мировом рынке.

Благодаря развитию плазменной, лазерной и ультразвуковой техники дешевый ацетилен скоро можно будет получать не только из нефтяного сырья, но также из различных видов углей и горючих сланцев [Kent J. A.]. Развертываются научно-исследовательские программы, направленные на создание плазменной технологии прямого синтеза ацетилена из угля. Проводятся успешные исследования по использованию жидкого ацетилена для технологических целей. Как известно, большинство химических реакций ацетилена не требует подвода энергии, а наоборот, сопровождается ее выделением. Имеется много предпосылок для того, чтобы ацетилен стал в будущем важнейшим сырьем промышленного органического синтеза.

Внимание к химии ацетилена обусловлено еще и тем, что ацетилен и его производные могут являться одним из основных сырья для промышленного органического синтеза [Kent J. A.; Miller S. A.]. Ацетилен продолжает служить основой для получения мономеров, реагентов и промежуточных продуктов, которые ранее были неизвестны или их было трудно синтезировать. Реакции ацетилена с нуклеофилами протекают более успешно в суперосновных средах [Трофимов Б. А.]. Количество новых реакций с ацетиленом (гидратация, олигомеризация, реакции с амидами и др.) могут протекать в присутствии гидроксидов щелочных металлов.

Несмотря на существующие многочисленные теории по подбору катализаторов [Боресков Г. К.] в настоящее время для сложных, параллельно-последовательных процессов катализаторы подбираются в основном эмпирически.

Реакция гидратация ацетиленовых соединений относится к сложным параллельно-последовательным реакциям, включающая реакции присоединения воды к тройной связи, изомеризации, дегидрирования и др. Сочетание всех этих процессов возможно в паровой фазе при наличии катализаторов, обладающих полифункциональными свойствами.

Согласно положениям, развитых Р. М. Флидом и сотрудниками относительно подбора активных и селективных катализаторов, ацетилен и его производные реагируют с катализатором по типу донорно-акцепторного взаимодействия, т.е. активация ацетилена характеризуется как поляризацией молекулы за счёт смещения электронной плотности p -электронов на свободные s -орбитали иона металла, и как следствие, протонизацией молекулы ацетилена в комплексе, так и за счет образования дативной π -связи, заключающейся в переходе d -электронов металла на разрыхляющую орбиталь ацетиленовой связи. Способность к обра-

зованию дативной π -связи зависит от подвижности d -электронов металла и может быть охарактеризована величиной потенциала ионизации иона.

Катализатор так же должен быть активным к присоединяемой ацетиленовой молекуле. В результате на поверхности катализатора образуется тройной комплекс, перераспределение внутри которого приводит к продуктам присоединения.

Каталитические свойства различных веществ в реакциях ацетилена определяются механизмом реакций - механизмом активации реагентов и реакционной способностью промежуточных соединений [Rutledge T. F.]. В химии ацетилена применяются металлокомплексные и кислотно основные катализаторы, соли и оксиды металлов, а также металлические катализаторы. В жидкофазных реакциях широкое применение нашли комплексы ртути, меди, кобальта, никеля, палладия, родия, молибдена, хрома, титана и ряда других металлов. В парофазных превращениях ацетилена применяются соединения ртути, соединения цинка, кадмия и ряда других металлов. Реакция гидратации ацетилена и его производных относится к сложным параллельно-последовательным реакциям, включающим присоединение нуклеофильного реагента (воды) к тройной связи (винилирования воды), изомеризацию, конденсацию (альдольная и кротоновая), циклизацию (образование паральдегида и др), дегидрирование, декарбоксилирование и др.

СОВРЕМЕННЫЕ МЕТОДЫ ПОЛУЧЕНИЯ АЦЕТАЛЬДЕГИДА И АЦЕТОНА


Аликабулова Нафиса Холмирзаевна, магистр
Хаджибаев Диёр Асадуллаевич, (PhD), доц, ЖизПИ
Тангяриков Нормурод Сайитович, д.т.н., профф, ЖизПИ

Хотя существуют несколько методов получения ацетальдегида, его производят в развитых странах в основном гидратацией ацетилена и частично окислением этилена в присутствии хлористого палладия. Другие методы окисление и дегидрирование этанола, гидролиз 1,1-дигалогенэтанола не нашли промышленного применения.


Ацетон в развитых странах в основном производится тремя способами: окислительным дегидрированием изопропилового спирта, кумольным методом и окислением пропилена.

В странах СНГ ацетон окислением пропилена не производят.

При получении ацетона окислительным дегидрированием изопропилового спирта в паровой фазе смесь паров спирта и воздуха пропускают над металлическим катализатором при высокой температуре.



В процессе окисления протекают также побочные реакции:



Данный процесс подробно изучен различными исследователями и внедрен в производство [1–2].

Одним из наиболее перспективных методов получения ацетона является кумольный метод [2–3]. При этом в качестве основных продуктов образуется и фенол и ацетон.

Хотя получение ацетона окислительным дегидрированием и кумольным методом изучено достаточно хорошо, из-за отсутствия сырьевой базы не позволяет широко внедрить эти методы в промышленность.

В случае Узбекистана наибольший интерес представляет получение ацетона прямой гидратацией ацетилена, разложением уксусной кислоты или этилового спирта. Однако отсутствие сырьевой базы уксусной кислоты и этилового спирта в достаточном количестве также препятствует покрытию нужд Республики на основе местного сырья.

На ОАО «Навоиазот» с 1964 г функционируют пиролизные установки получения ацетилена мощностью 30 тыс. тонн в год. В связи с этим самым перспективным является получение ацетона условиях Узбекистана прямой гидратацией ацетилена.

После 1995 года в литературе появился ряд работ, посвященных получению ацетилена прямой гидратацией ацетилена в присутствии гетерогенных катализаторов. Были исследованы в основном соединения кадмия и цинка с добавками оксидов хрома и железа [3–4].

Катализаторы готовили методом мокрого смешения активных компонентов с носителем, формованием, проваливанием, сушкой и прокаливанием. В качестве носителя были использованы оксид алюминия и бентонит. Хорошие результаты были получены при использовании в качестве пептизатора плавиковой кислоты. Реакцию гидратации ацетилена проводили при температурах 320–420°C, объемной скорости ацетилена 150–200 ч⁻¹ и в соотношении ацетилен:вода = 1:(5÷10,0) моль. Катализаторы с постоянной активностью работали 72–144 часов и после регенерации восстанавливают свою первоначальную активность. Вышеуказанные катализаторы проверены только в лабораторных условиях. Общий ресурс работы не определен.

В свете выше изложенного можно сделать следующие выводы:

1. Реакция гидратация ацетилена в паровой фазе изучена недостаточно. Используемому в настоящее время кадмий-кальций фосфатному катализатору присущ ряд недостатков: средний выход ацетальдегида, чувствительность к температурным изменениям, малый срок службы (3 месяцев) и т.д.

2. Разработка новых стабильных бифункциональных катализаторов, обеспечивающих хороший выход ацетальдегида и ацетона, внедрение их в промышленность является весьма актуальной задачей.

Литература.

1. Тангяриков Н.С., Уралова Н.К., Икрамов А., Юсупов Д. Конденсация аминов и амидов с альдегидами и получение композиционных материалов на их основе. Композиционные материалы. 2009, №3. С. 30–36.

2. Туробжонов С.М., Юсупов Д., Кучкаров А.Б. Каталитическая гетероциклизация аллилового спирта с аллиламином и аммиаком. Узб. хим. журнал. 1992, №3–4. С. 49–51.

PILLA QURTI CHIQTILARIDAN KERAkli KIMYOVIY MAHSULOTLAR OLISH TEKNOLOGIYASINI YARATISH.

**Sayitova Yulduz Normurod qizi, talaba
Xoldorov Bahodir Baratovich, (PhD) dots.**

Respublikamiz pillachiligida pilla qurtini boqish davrida katta miqdorda yig'ilib qoladigan chiqitlarni qayta ishlab ulardan foydali mahsulotlar olish mintaqamiz uchun dolzarb muammo hisoblanadi. Xitoy va Hindistondan keyin dunyoda pilla ishlab chiqarish bo'yicha yetakchi o'rinlarda bo'lgan respublikamizning faqat 2010 yildagi rejaga muvofiq pilla yetishtirish 25 ming tonna atrofida bo'lgan. Qayta tiklanadigan katta miqdordagi organik xomashyoni mavjudligi undan turli birikmalarni olishga imkon yaratadi. Biroq pilla qurti chiqiti (PQCh)ning ko'p foydali tomonlarini bilganimiz holda undan to'liq foydalanish darajasi juda past holatda bo'lib kelgan.

. Hozirgacha biz uchun aniqlanmagan hodisa a va b xlorofillarning tut bargidagi foiz miqdorining PQChdagi miqdori bilan mos kelmasligi hodisasi kuzatilgan. PQChdan porfirinlar va ularning metallokomplekslarini ajratib olish muammosining yechimini topganlar. Ajratib olingan mahsulotlarning fan, texnika, texnologiya, tibbiyot va biologiya uchun muhimligi inobatga olinadigan bo'lsa kelgusida biologik faol moddalar ajratib olish uchun PQChni qayta tiklanuvchi istiqbolli organik xomashyo sifatida qarash mumkin.

Tabiiy xomashyolardan biologik faol moddalar ajratib olish kimyoviy texnologiyaning qadimdan qo'llanib kelinadigan usullaridan biri sanaladi. Hozirgi zamonda o'simlik xomashyosini qayta ishlash jarayoni undan faqat bir mahsulot ajratib olishga qaratilgan. Texnologiyaning tarixiy evolyusion rivoji o'simlik xomashyosini to'lasiga qayta ishlashga qaratilgan bo'lib, uni kompleks qayta ishlab bu xomashyo tarkibidagi boshqa foydali mahsulotlarni ajratib olishni maqsad qilib qo'yilmagan.

Quyosh energiyasidan foydalanish uchun qayta miqdordagi mablag'lar sarflangan holda jamiyat bu energiyaning o'simliklar tomonidan tabiiy assimilyasiya mahsulotlaridan rasional foydalanmaydi, shu sabab 90%-gacha bo'lgan o'simlik biomassasi hozirda foydalanilayotgan texnologiyalarda ishlab chiqarish chiqindilari sifatida tashlab yuboriladi.

Shuni tan olish kerakki har qanday tabiiy xomashyodan foydalanishning samaradorligini oshirish quyosh energiyasidan foydalanishga adekvat bo'lib ko'pchilik hollarda texnologiyani bu yo'nalishini takomillashtirish tabiiy xomashyodan noyob mahsulotlar olishni sezilarli arzonlashtiradi.

-Климатические – температурные перепады, атмосферные осадки, низкие и высокие температуры.

-Эксплуатационные – условия использования, требующие повышенной прочности, термо- и водостойкости.

-Технологические – ускорение или замедление застывания, улучшение подвижности, подготовка к транспортировке, исключение необходимости подачи смеси дозированно.

-Финансовые (экономия портландцемента).

-Воздействие химически агрессивной среды – грунтовые воды с содержанием разрушающих веществ, морская соль. Разнообразие модифицирующих добавок позволяет использовать их комплексно, изменяя свойства бетона в широком диапазоне.

Использованная литература:

- 1.Касторных Л.И. Добавки в бетоны и строительные растворы. Учебно-справочное пособие. Ростов на Дону. Феникс 2007.
2. Баженов.Ю.М. Технология бетона. Учебник. М.: Изд.АСВ.2011.

КЕРАМИКА МАҲСУЛОТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ.

Бакдурди Матниязов т.ф.н.доцент ЖизПИ,

Ботиржон Сулаймонов

2-курс, 803-21 КБ ва КИЧ гуруҳи талабаси ЖизПИ.

Республикада сўнги йилларда фуқароларни арзон ва қулай уй-жой билан таъминлаш борасидаги давлат дастурини амалга оширилиши бўйича олиб борилаётган тадбирлар муносабати билан нафақат қонуний ва норматив-ҳуқуқий база, молиявий механизмлар, балки қурилишнинг моддий - техник базаси ҳисобланган қурилиш материаллари саноати ривожланиши учун ҳам асосий роль ўйнади. Давлат даражасида улуши йилдан-йилга ортиб бораётган яқка тартибдаги уй-жой қурилишига устувор аҳамият берилишини ҳисобга олсак, улардан фойдаланиш мураккаб техника ва кўтариш механизмларини талаб қилмайдиган экологик тоза, энергия тежайдиган бардошли қурилиш материаллари ишлаб чиқариш алоҳида аҳамиятга эга. Бу донабай деворбоп қурилиш материалларни ишлаб чиқариш соҳасининг фаол ўсишининг сабабларидан биридир, булардан - керамик девор материаллари яхши техник, иқтисодий ва эксплуатацион хусусиятларга эга материаллардир.

Деворларни қуриш учун керамик материалларидан фойдаланиш чидамлик, юқори термал ҳимоя хусусиятлари, ўраб турган иншоотларнинг оптимал намлик шароитлари ва шунга мос равишда ички микроклимнинг юқори сифат хусусиятларининг комбинациясини таъминлайди. Қурилиш тажрибасининг кўп асрлик тарихидан маълумки, Осиё ва Европада керамик ғиштни бинолар қурилишида ишлатилиши буни аниқ тасдиқлайди. Ўзбекистон ҳам соҳа олимлари, қурувчилар ҳар доим керамика материалларининг афзалликларини қадрлашган ва ишлаб чиқарувчилар уларни яхшилаш учун тинимсиз меҳнат қилиб келишмоқда.

Керамика материалларини ишлаб чиқариш жараёнларида ҳам, ишлаб чиқаришни бошқариш жараёнларида ҳам инновацион технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқарувчи корхона ривожланишининг доимий стратегик йўналиши ҳисобланади.

Ушбу мақолада амалга оширилган инновацияларнинг таҳлили кўриб чиқилган ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини ошириш ва яхшиланган иссиқлик-техник хусусиятларига эга материалларни олиш йўналиши бўйича ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг кейинги йўллари таъкидланган.

Девор керамикасининг энг истиқболли турларидан бири бу конструктив ва иссиқлик изоляцион материал сифатида ишлатиладиган ичи бўш ғовакли маҳсулотлардир.

Юқори мустаҳкамлик ва термофизик хусусиятларни бирлаштирган керамик материалларни олиш учун замонавий корхоналарда илмий мутахассислар томонидан оптимал қуришиш ва киздириш режимини аниқлаш учун, шихтанинг таркиби ва майдалиги маҳсулот хусусиятларига таъсирини аниқлаш мақсадида кенг қамровли тадқиқотлар ўтказилган.

Ўтказилган кўплаб тадқиқотлар натижасида пардозбоп ғишт ва ғовакли тошнинг сифат барқарорлигини таъминлашга эришилган. Яъни, янги ташкил қилинган заводнинг дастлабки уч йилида ишлаб чиқариш жараёнининг статистик параметрлари динамикасини ўрганиш, босим бериш кучининг ўзгариш коэффициентининг 25% дан 5% гача пасайишини кўрсатган

бўлиб, бу натижага лойларни ўртача ҳисоблаш ва технологик режимни барқарорлаштириш орқали эришилган.

Керамик энергия тежайдиган материалларни яратиш учун органик ва ноорганик қўшимчалардан фойдаланиб, маҳсулотларнинг мустаҳкамлиги ва иссиқлик - физик хусусиятларига таъсири бўйича тадқиқотлар ўтказилган. Органик қўшимчалар (қипиқ, қоғоз ишлаб чиқариш чиқиндилари) печни иситишнинг биринчи босқичида маҳсулотни дастлабки ғоваклашувига, минерал қўшимчалар кул, кўмирни бойитишдаги чиқиндилар қўшимча ғоваклашувига ва оксидловчи газ муҳитини тикловчи муҳитга ўзгартиришга ёрдам беради. Ўрганилган гилларда 5% гача темир оксиди мавжуд бўлиб, у тикловчи муҳитда осон эрийдиган ва юқори реактивликка эга темир оксиди (II) шаклига ўтади. Икки валентли темир ионларининг лой минералларининг сувсизланган қолдиқларига тез тарқалиши иккинчисининг йўқ қилинишига олиб келади, яъни аморфизацияга, шу билан қаттиқ фазада олдинги реакцияларни олдинроқ ўтишига ва янги фазаларнинг пайдо бўлиши учун шароит яратади (дала шпати, гематит, аморф фаза ва б.).

Келиб чиқиши органик бўлган қўшимчалар билан олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидагилар аниқланган, керамиканинг мустаҳкамлиги ва иссиқлик-физик хусусиятларининг оптимал комбинациясига лой хом ашёсини ўта юпқа майдалаш ва ёнувчи қўшимчалар заррачаларининг катталиги 1 мм дан ортиқ бўлмаганда эришилади.

Минерал қўшимчалар сифатида, кўмирни бойитишдаги майда майдаланган чиқиндилари кўриб чиқилиб, уларнинг таркиби 24 % Al_2O_3 ва 20 % углероддан ташкил топган аргилитлардан иборат. Тажрибалар шуни кўрсатадики, шихтага атиги 5 % қўшимча қўшилса қиздириш хароратини 40–50 °С камайтириш мумкин ва бўш-ғовакли маҳсулотларнинг 0,72 г / см³ зичликда мустаҳкамлигини 11 МПа ошириш имконини беради. Бундай хусусиятлар турар-жой биноларининг деворлари бутунлай ичи бўш керамика ва пардозбон ғиштлардан тикланишига имкон яратади.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики ҳамма жойда учрайдиган лой хомашёси ва техноген чиқиндилардан, иссиқлик электр станцияларида қаттиқ ёқилғининг ёниб бўлган кул қолдиқлари микросфераларидан юқори самарали керамик деворбоп материалларни ишлаб чиқаришни режалаштириш имконини беради.

Ишлаб чиқаришни бошқаришда замонавий инновацион технологиялардан фойдаланмай туриб барқарор сифатни таъминлаш мумкин эмас.

Йирик донадорли композицияларга асосланган анъанавий технологиялардан воз кечиш учун ҳозирги вақтда етарли билим ва амалий тажриба тўпланган ва инновацион технологиялар ёрдамида юпқа майдаланган массалар асосида энергия самарадор маҳсулотлар ишлаб чиқаришга имкон беради.

Қурилишда юқорида келтирилгандай керамика маҳсулотларидан фойдаланиш уй эгаларига оптимал нарх ва ишончлилик уйғунлигига, кафолатланган ёнғин хавфсизлиги, чидамлилиқ, замонавий дизайн кўринишга эга биноларни жозибадорлиги ва савлатли кўринишига эга бўлиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар ва бошқа манбалар рўйхати:

- 1.Баженов Ю.М., Алимов Л.А., Воронин В.В., Трескова Н.В. Проектирование предприятий по производству строительных материалов и изделий”. М. Изд-во АСВ, 2005, - 472с.
- 2.Матниязов Б.И. Лойихалаш асослари. Дарслик, Тошкент. “Фан зиёси” Нашриёти 2023 йил.
- 3.<http://www.bibliotekar.ru/>
- 4.www.google.com

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ИЧКИ ВА ТАШҚИ МУҲИТ ОМИЛЛАРИНИНГ ТАСНИФИ

**Мамирова Зохида Фурқат қизи,
Бердикулов Аззам Мардонович,
Сағатов Баходир Ўктамович**
Жиззах политехника институти

Қурилиш материаллари саноати корхоналарининг ҳозирги фаолиятида реструктуризациялаш – хўжалик тизимининг, шунингдек уни шакллантирувчи элементлар таркибини ички ва ташқи муҳит омилларининг таъсири остида ўзгартириш мажбурий амалиётга айланиб бормоқда.

Бозор муҳитида муваффақиятли фаолият кўрсатиш учун улар ички ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўзда тутиб, ишлаб чиқаришни доимий тарзда модернизациялаш, унга янги техника ва технологияларни жорий этиш, бошқаришнинг илғор усулларини мунтазам қўллаб боришлари лозим.

Ушбу тавсифлар миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ва барқарор ўсишини таъминлаш мақсадида туб ўзгаришларни амалга ошириш зарурлигини белгилаб беради. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга 5 мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сонли Фармонида муҳим ҳаётий масалалар белгиланган⁴, Жумладан;

-Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 бараварга кўпайтириш;

-Саноат тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш дастурларини кенг жорий қилиш.

Корхоналарни реструктуризациялашга нисбатан тизимли ёндашув ва унинг илмий-методологик базасини ишлаб чиқиш корхонанинг бозордаги ўрнини белгилаб берувчи омиларни аниқлашни ва таснифлашни талаб қилади. Тасниф умуман инсон амалиётида ва хусусан, тизимли тадқиқотларда муҳим ҳодиса ҳисобланади. Илмий тасниф ўзида акс эттирилган воқелик соҳасига хос бўлган қонунлар тизимини ифодалайди.

Биз корхона фаолияти соҳасининг ўтказилаётган таҳлилга, мақсадга эришиш учун реструктуризациялаш стратегияси ва турларига мос келишининг таснифини ишлаб чиқдик.

Вазифаларни ҳал этишнинг мантиқий изчиллиги, уларнинг глобаллиги ва амалга оширишнинг мураккаблиги тасниф даражаси билан 1 дан 5 гача кўрсатилган. Биринчи тасниф даражасига маркетинг, молия, ишлаб чиқариш операциялари, инжиниринг ва ИТТКИ, бошқарувнинг ташкилий тузилишини ўз ичига олувчи тасниф соҳалари киритилган.

Иккинчи тасниф даражаси тасниф соҳасининг унсурларини таҳлил қилишни белгилаб беради: маркетинг соҳаси учун – товарлар / хизматлар ассортиментини, товарлар ва хизматлар нархларини, тақсимлаш ва сотишни, коммуникация ва силжитишни таҳлил қилиш; молия соҳаси учун – молиявий коэффициентларни таҳлил қилиш; пул оқимининг қимматини, баланс моддаларининг фойдалилигини, молиявий қарорларни таҳлил қилиш; ишлаб чиқариш операциялари соҳаси учун – машиналар ва ускуналарнинг миқдорий ва сифат таркибини оптималлаштириш учун уларнинг параметрларини таҳлил қилиш;

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони.
2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси

ходимлар сонини оптималлаштириш ва технологик жараёнларни оптималлаштириш учун тизим ва жараёнларни таҳлил қилиш; хомашё ва материалларни муқобил етказиб бериш учун етказиб берувчилар реестрини таҳлил қилиш; инжиниринг ва ИТТКИ соҳаси учун – янги маҳсулотлар ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, маҳсулот параметрлари ва умуман корxonани оптималлаштириш; бошқарувнинг ташкилий тузилиши соҳаси учун – бошқарувнинг барча даражаларида ахборот таъминоти, ўрта ва қўйи бўғин менежерлари ишининг самарадорлигини ошириш, рағбатлантириш ва иш ҳақи тизими, ишлаб чиқариш ходимлари ва ишчилар ишининг самарадорлиги, ишлаб чиқариш ходимларини ёллаш ва ўқитиш тизими.

Учинчи тасниф даражасига стратегияни белгилаб берувчи таснифий белгилар мос келади: маркетинг соҳасида товарлар (хизматлар) рақобатбардошлигини ошириш, товарни муваффақиятли сотиш учун фойдали шоҳобчаларни танлаш, коммуникация ва силжитиш воситаларини оптималлаштириш; молия соҳаси учун – молиявий барқарорликка эришиш ва молиявий тузилмани оптималлаштириш, таннархни ва дебиторлик қарзларини пасайтириш, даромадларни ошириш ва хатарларни пасайтириш, молияни тезкор бошқариш жараёнида активлар ва айланма маблағларни оптималлаштириш; ишлаб чиқариш операциялари соҳаси учун – машиналар ва ускуналар таркибини реструктуризациялаш, ишлаб чиқариш жараёнларини узлуксиз такомиллаштириш ва оптималлаштириш мақсадида уларни реструктуризациялаш; инжиниринг ва ИТТКИ соҳаси учун – илмий тадқиқотлар ва илғор менежментни жорий этиш асосида корxonанинг ишлаб чиқариш, иқтисодий ва рақобатбардош салоҳиятини ошириш; бошқарувнинг ташкилий тузилиши соҳаси учун – корxonани бошқариш ташкилий тузилмасининг барча унсурларини оптималлаштириш.

Тўртинчи тасниф даражасига реструктуризациялаш ва бошқа тадбирлар мос келади: маркетинг соҳаси учун – товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни такомиллаштириш, нарх/сифат нисбатини оптималлаштириш, тақсимлаш ва сотиш шоҳобчаларини оптималлаштиришни тадқиқ этиш, амалиётга жорий этиш, коммуникация ва силжитиш воситаларини оптималлаштириш тадқиқ этиш, амалиётга жорий этиш; молия соҳаси учун – дебиторлик қарзлари ва молиявий тузилмани реструктуризациялаш, активлар, капитал (капитални қайта инвестициялаш), қарзни реструктуризациялаш, молиявий менежментни такомиллаштириш; ишлаб чиқариш операциялари соҳаси учун – машиналар ва ускуналар таркибини реструктуризациялаш, ишлаб чиқариш жараёнларини узлуксиз такомиллаштириш ва оптималлаштириш мақсадида уларни реструктуризациялаш; инжиниринг ва ИТТКИ соҳаси учун – стратегик режалаштириш, корxonани узлуксиз такомиллаштиришнинг илмий асосланган базасини ишлаб чиқиш, иқтисодий эксперт тизимлари ва математик моделлаштиришдан фойдаланиш; бошқарувнинг ташкилий тузилиши соҳаси учун – бошқарув тузилмасини ўзгарган бозор шароитларига мувофиқ реструктуризациялаш, корxonанинг барча ходимларини “фойда” ва “даромад”га йўналтириш, мукофотлаш ва иш ҳақи тизимларини такомиллаштириш.

Бешинчи таснифий даражага узлуксиз такомиллашувчи ва ривожланувчи корxonани ташкил этиш мақсади мос келади. Корxона фаолияти соҳасининг ўтказилаётган таҳлилга, мақсадга эришиш учун реструктуризациялаш стратегияси ва турларига мос келишининг ишлаб чиқилган таснифи методологик илмий ва амалий қимматга эга.

Биз таклиф этган тасниф қуйидагиларни такомиллаштириш имконини беради:

1) Яқуний мақсадга эришиш – узлуксиз такомиллашувчи ва ривожланувчи корxonани ташкил этиш учун фаолият кўрсатиш мақсади, таркиби, мезонлар, чекловлар, ташқи ва ички алоқаларни тўғри аниқлаш, шунингдек ўзаро алоқалар ва таркибий унсурлар (маркетинг,

молия, ишлаб чиқариш операциялари ва б.) кичик мақсадларини кўриб чиқиш учун корхона тўғрисида умуман тизим тўғрисидаги каби тасаввур.

2) Тизимли ёндашув, у корхонанинг таркибий бўлинмалари фаолиятининг соҳасидан бошлаб, улар стратегиясини таҳлил қилиш, реструктуризациялаш ва олдинга қўйилган мақсадга эришиш бўйича бошқа тадбирларгача таснифий белги бўйича таснифий даражани тузишнинг мантикий таркибида ўз ифодасини топади.

3) Корхона фаолиятининг ҳар бир соҳаси бўйича уни такомиллаштириш босқичларини ташхис ҳилиш.

4) Корхонанинг ривожланишига нисбатан ёндашувлар, унинг асосини корхона таркибий бўлинмалари фаолиятининг соҳаларидан «каркас» ташкил этади, уларнинг ҳар бири ўзининг муайян кичик мақсадларини ҳал қилади.

Ушбу тасниф корхона фаолиятининг ҳар бир соҳаси учун корхонани такомиллаштириш ва ривожлантириш босқичини кўрсатади ва корхона қайси таснифий даражада турганини аниқлаш ҳамда такомиллаштириш ва ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш имконини беради. Шунингдек, у корхона фаолияти соҳаларининг барча таркибий қисмларида ислоҳ қилишнинг изчиллигини ва ўзаро боғлиқлигини кўрсатади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармонида 1-илова 2022–2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ.
2. Ганиев К.Б., Ганиева Г.И, Бердикулов А, Сиддиков М. Экономика и организация реконструкции при реструктуризации предприятия . // Учебное пособие. Издательство Фан АН РУЗ 2010 г.
3. Реструктуризация – основа оздоровления предприятия // Экономический вестник Узбекистан. – Ташкент, 2002. - №1 -2. -С 14-16
4. Бердикулов А.М., Ганиев К.Б., Сафин Ф.Г. Методические рекомендации по реструктуризации строительных предприятий // - Тошкент, Изд-во Фан АНРУЗ, 2007 , 96 с.

КОНЦЕПЦИЯ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СТРОИТЕЛЬНОГО ТЕПЛОВИЗОРА

Мелиев Бахтиёр Уктамович - к.т.н.,

Холжигитов Бекзод Муратқасим угли - магистрант,

Джизакский политехнический институт.

В настоящее время в нашей стране многое делается для развития строительной отрасли. В последние годы в Узбекистане, как и во всех отраслях, уделяется особое внимание совершенствованию сферы инженерных коммуникаций. Но использование тепловизионного оборудования в нашей стране не так уж и усовершенствовано. В коммунальной сфере России и стран Европы для устранения потерь тепла широко используются тепловизоры, с помощью которых определяются участки интенсивного теплового излучения зданий и сооружений. До настоящего времени данный прибор не нашёл широкое применение в отраслях Узбекистана. Этой зимой в течение примерно двух недель, во время аномально холодной погоды, тысячи людей в Узбекистане столкнулись с перебоями в поставках энергии и отсутствием надежного источника электроэнергии. Отключения энергоресурсов выявили уязвимость устаревшей инфраструктуры и недостаточность предпринимаемых энергосберегающих мероприятий.

В некоторых регионах страны люди перешли на использование угля и других видов твёрдых топлив для отопления своих домов из-за нехватки таких энергоресурсов, как



природный газ или электричество. Это приводит к таким негативным последствиям, как ухудшение качества воздуха и увеличение выбросов парниковых газов. Одним из основных методов экономии тепла является определение и устранение потерь тепла наружных ограждающих конструкций зданий и сооружений. Для контроля того, как температура распределяется на поверхности различных объектов, существует специальное устройство, называемое тепловизором. Такое устройство оснащено дисплеем для отображения теплового излучения поверхностей, выбранных для осмотра. Оно отображает на экране разноцветные зоны. Определенный уровень температуры имеет необычную свою цветовую гамму. Назовем мы этот прибор тепловизором. Тепловизор - это специальное устройство для наблюдения за распределением температуры поверхности исследуемого тела или объекта. Распределение температуры отображается на дисплее в виде цветного изображения, и здесь разные температуры соответствуют разным цветам. С другой стороны, изучение полученных тепловых изображений называется термографией. Остановимся на истории создания тепловизоров. Первые тепловизоры были созданы в 1930-х годах. Современные системы тепловой визуализации начали свое развитие в 60-х годах XX века. Исторически первыми тепловизорами для визуализации были электронно-вакуумные датчики. Такие приборы были крайне неэффективны ввиду того, что позволяли наблюдать изменения температуры, происходящие на объекте, на очень низких скоростях. Разновидность, основанная на видеоканалах с пироэлектрическими мишенями, начала быстро развиваться. В этих устройствах электронный луч сканирует поверхность цели. Наиболее перспективным направлением развития современных тепловизоров является метод применения технологии болометров, принимающих неохлаждаемое тепловое излучение, основанный на сверхточном измерении изменения сопротивления тонких

Тепловизор Рис. 1.

пластин под теплового излучения во всем спектральном диапазоне. Эта технология широко используется во всем мире для создания тепловизоров нового поколения, отвечающих самым высоким требованиям мобильности и безопасности эксплуатации. Поэтому в настоящее время коммерческие болометры, как правило, производятся без охлаждения, чтобы снизить стоимость и размер оборудования.

Различают наблюдательные и измерительные тепловизоры. Наблюдательные тепловизоры показывают только градиенты температур объекта. Измерительные же

тепловизоры позволяют измерить значение температуры заданной точки объекта с точностью до коэффициента излучения материала объекта.

Тепловизоры широко применяются для различных целей, как на крупных промышленных предприятиях, где необходимо контролировать утечку энергоресурсов, находить теплопотери, внимательно следить за тепловым состоянием объектов, так и в небольших организациях, занимающихся устранением неисправностей в сетях.

Хотя наши глаза не видят излучения тел, наша подкожная нервная система воспринимает это излучение в виде тепла. Чем горячее объект, тем больше теплового излучения он излучает. Инфракрасное излучение, исходящее от объекта, фокусируется линзой тепловизора в инфракрасном детекторе.

Все тела, температура которых выше абсолютного нуля, согласно закону планка, излучают электромагнитные тепловые лучи. Спектральная плотность мощности теплового излучения (функция Планка) имеет максимальное значение, а его длина волны зависит от температуры на шкале длины волн. Положение максимума в спектре теплового излучения смещается в сторону меньших длин волн с повышением температуры (закон смещения Винна). Все тела, нагретые до температуры окружающей нас среды (от -50 °С до +50 °С), имеют максимальное тепловое излучение в среднем инфракрасном диапазоне (длина волны 7-14 микрон). Подводя итог, можно сказать, что тепловизор является современным устройством для повышения энергоэффективности зданий, устранения и обнаружения потерь тепла. Использование тепловизоров на пути определения теплопотерь ограждающих конструкций и повышения энергоэффективности зданий является перспективным в коммунальном хозяйстве Республики Узбекистан.

Литература:

1. Xolboyev Yu. A. o', Meliyev B. O' «Termal tasvirchi - teplovizor qurilmasi haqida tushuncha». 2022.10.28-29 - JizPI. Xalqaro miqyosidagi ilmiy - texnik anjuman. "Ishlab chiqarishning texnik, muxandislik va texnologik muammolarining innovatsion yechimlari".
 2. M. Dimovska, UNDP Uzbekistan Resident Representative. Узбекистан на пути достижения климатических целей, продвигая энергоэффективность и солнечную электроэнергию в жилом секторе.
 3. Masharipovich Q. U. Laboratory Equipment of Overpressure Determination on Standard // International Journal of Development and Public Policy.–2021.– Т. 1. – №. 6. – С. 138-143.
 4. Masharipovich, Q. U., & Karimovich, T. M. (2022). FACTORS OF DAMAGE CAUSED BY MOTOR VEHICLES TO THE ENVIRONMENT. *British Journal of Global Ecology and Sustainable Development*, 11, 187-195.
 5. Makhmudov I. et al. Optimal Management Of Water Resources Of Large Main Canals With Cascades Of Pumping Stations //Journal of Positive School Psychology. – 2022. – С. 6878-6884.
 6. Musayev S. M., Tolliboyev I. I. O. G. L. Groundwater use in Jizzakh region problem //Science and Education. – 2021. – Т. 2. – №. 12. – С. 238-245.
 7. Shukurov G. Musaev Sh //M., Egamova MT, Xajimatova MM “Thermal conductivity of lightweight concrete depending on the moisture content of the material” International Journal of Psychosocial Rehabilitation. – 2020. – Т. 24. – №. 08. – С. 6381-6387.
 8. Mahmudov I. E. et al. Probability-Statistical Model Of Reliability And Efficiency Of Irrigation Channels //Journal of Positive School Psychology. – 2022. – С. 2956-2960.
- U.M. Qutlimurodov, M.K. Tursunov. (2022). FACTORS OF MODERN METHODS IN WASTE WATER TREATMENT PROCESSES. *Eurasian Journal Of Academic Research*, 2(10), 88–93. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7114920>.**

QURUQ ISSIQ IQLIMLI SHAROITLARDA BETON VA TEMIR BETON KONSTRUKSIYALARNI HOLATI

*dots. I.G'.Axmedov, o'qit. I.I.Umarov
(Namangan muxandislik-kurilish instituti)*

Quruq issiq iqlimli sharoitlarda qurilgan va foydalanayotilgan betonli va temirbeton konstruksiyalarni holati bir xilda emasligi kuzatilgan.

20 yil va undan ko'proq vaqt ishlatilayotgan va qoniqarli holatlarda bo'lgan inshootlar bilan bir qatorda yangi parpo qilingan bazi konstruksiyalar remont talab qiladi yoki qaytadan tiklashni taqozo qiladi.

Tadqiqotlarda ko'rsatilishicha haroratning yuqori bo'lishi, yoriqlarni erta hosil bo'lishiga sabab bo'lib, egiluvchan temir-beton elementlarni bikrligini kamaytiradi. Tadqiqotlarda ko'rsatilishicha harorat 60⁰S gacha qizdirilganda yoriqlar hosil bo'lish momenti 30% ga kamaygan. Egiluvchi temir-beton qurilmalarda yoriqlarni erta hosil bo'lishi sababi beton kesimi bo'yicha haroratning notekis tarqalishidagi haroratli zo'riqishlardir.

Tadqiqotlar shuni ko'rsatdiki, ora tom yopma plitalar quruq issiq iqlim sharoitiga xos bo'lgan iqlimiy haroratlar ta'siridan faqatgina harorat ta'siridagi salqilik, butun yuklamalar ta'siridan bo'ladigan salqilikni 20% ni tashkil qilar ekan. Shu institutda olib borilgan temir-betonli o'ramasiz tomlarni tadqiqot qilish shuni ko'rsatadiki, harorat-namlik deformatsiyalari betonning yoriqbardoshligiga vaqt davomida ta'sir qilib turadi. Tekshirishlardan yana shu narsa aniqlandiki quruq issiq iqlim sharoitida ishlatilayotgan panellardagi betonlarning qisilishga bo'lgan mustahkamligi 5 . . . 15 yillik muddat ichida kamayib boradi, vaholanki betondagi karbonlashuv jarayoni konstruktiv xarakterga ega bo'lib, betonning tashqi qatlamlari zichligi ortib borishi lozim edi. Olib borilgan eksperimental tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, quruq issiq iqlim sharoitida foydalanilayotgan temir-beton qurilmalarda iqlim ta'siri tufayli normal qiyshiq yoriqlar qo'shimcha ravishda ortib boradi. Quruq issiq iqlim sharoitidagi egiluvchan temir-beton elementlarda yoriqlar kengligi, normal sharoitdagiga qaraganda 1,2 barovar ko'payib ketadi. Qoburg'ali yopma plitalar tadqiqoti shuni ko'rsatadiki, quyosh radiatsiyasidan saqlanmagan qurilmalarda yoriqlar erta hosil bo'ladi. Yopma plitalarning salqiligi, me'yorlar bo'yicha aniqlanganda ular tajribalaridagi salqilikka nisbatan 20 dan 40% ni tashkil qildi.

M.M. Selimov va Sh.Nizamov tadqiqotlarining natijalari shuni ko'rsatdiki, quruq issiq iqlim sharoitida tayyorlangan egiluvchi temir-beton elementlarda bikrligi kamayishi va yoriqbardoshligi etarlicha emasligi kuzatilgan.

Plitalarda yoriqlar hosil bo'lish haqiqiy kuchlanishi, nazorat kuchlanishiga qaraganda 12,3 . . . 25,4 %ni tashkil etdi.

O'rta Osiyo hududidagi temir yo'llaridagi temir-beton shpallari 7-9 yildan keyinoq buzilib keta boshladi. Toshkent viloyatida joylashgan Salor suv tozalash inshootining temir-betondan qilingan rezervuarlari, Toshkent to'qimachilik kombinatini binosidagi temir-beton qurilmalari, harorat va namlikdan kelib chiqadigan yoriqlar tufayli tuzatib bo'lmaydigan holga kelib qolgan.

Respublikamizdagi ba'zi avtomobil yo'llarining beton yuzasi, bir yillardayoq buzilib ketmoqda. Bu hodisa quruq issiq iqlim sharoitida bo'lgan chet el mamlakatlarida ham kuzatilmoqda.

Tadqiqotlarda mayda zarrali yuqori mustahkamli shlakbetondan tayyorlangan ustunlarni sinash natijalari keltirilgan.

Muallif shunday xulosaga keldiki nomarkaziy qisilgan mayda zarrali yuqori mustahkamli shlakbetondan tayyorlangan nomarkaziy qisilgan ustunlarni yoriqlar hosil bo'lishi momentini hisoblashda shlakbetonning kuchli cho'kishidan kelib chiqadigan armaturadagi zo'riqishlarni hisobga olish ko'rsatilgan bo'lib, quruq issiq iqlim sharoiti uchun bu juda muhimdir. SHlakbetonning yuqori qurib cho'kish deformatsiyasi, yoriqlarni kengligini oshib ketishiga sabab bo'ladi

Ustunlarni yoriqlarni hosil bo'lishini hisoblashda shlakbetonni qurib cho'kishdan hosil bo'ladigan zo'riqish formulalari kiritilishi tavsiya etilgan

Haroratni oshishi bilan armatura po'lati kengayadi va uning haroratli deformatsiyasi betonning haroratli deformatsiyasiga yaqin buladi

Temirbeton elementda haroratli kengayishdan betonda cho'zilish deformatsiyasi, armaturada qisilish deformatsiyasi vujudga keladi. Armatura betonga nisbatan kengayganligi uchun, armatura ba'zan uni yorib chiqdi. Betonda yoriqlar paydo bo'ladi. Yoriqlar paydo bo'lgach beton va armaturadagi zo'riqish tushib ketadi va temirbeton element ko'proq cho'zila boshlaydi va uning cho'zilishi armatura cho'zilishiga yaqinlashib qoladi

Haroratli zo'riqishdan vujudga keladigan yoriqlar hosil bo'lishi hisobi, betonning qalinligi orasida farq statik noaniq konstruksiyalarda 30^0 S dan, statik aniq konstruksiyalarda 50^0 S dan ortiq bo'lganda olib boriladi. Bunday haroratlar farqi quruq issiq iqlim sharoitlarida bo'lishi ehtimoli kamroqdir. Shu sababli quruq issiq iqlim sharoitida temirbeton elementlarini haroratli deformatsiyalarni beton elementlari kabi hisoblashga yo'l qo'yiladi.

ADABIYOTLAR

1. Милованов А. Ф. Влияние климатических воздействий на железобетонные конструкции. /Совершенствование конструктивных форм методов расчета и проектирование железобетонных конструкций. -НИИЖБ. Госстроя СССР. 1988. 73-77 с
2. Милованов А. Ф., Камбаров Х У. Расчет железобетонных конструкций для условий жаркого климата, -Ташкент: Укитувчи, 1991. 176 с,
3. Низамов Ш.Р., Прочность, жесткость и трещиностойкость железобетонных изгибаемых элементов из аглопоритобетона в условиях сухого жаркого климата, Автореф. дисс. канд. техн. наук., -М, : 1983

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЎСИМЛИКЛАРИ АСОСИДА ОЛИНАДИГАН ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОР МАТЕРИАЛ ВА КОНСТРУКСИЯЛАР

Эргашев Ф.Ж.- талаба (ТерДУ)
Ахмедов З.Ж. –ўкитувчи (ТерДУ)

Арболит 1930-йилларда голландлар томонидан ихтиро қилинган. Durisol материали ва технологияси Европа, Канада ва Ақшда кенг шухрат қозонди.

Дурисолнинг совет эквиваленти Durisol-арболит материали-1960-йилларда ишлаб чиқилган, техник синовлардан ўтган ва стандартлаштирилган. Уни ишлаб чиқариш билан 100 дан ортиқ заводлар шуғулланган.

Саноат уй-жой қурилишида, 1990-йилларнинг ўрталарига қадар, кўприк қурилишга қаратилганлиги сабабли кенг қўлланилмади ва унинг юқори энергия тежайдиган, иссиқлик тежайдиган, овозни ютувчи хусусиятлари ҳисобга олинмади.

Турли мамлакатларда арболитнинг аналоглари ўз номига ега: дурисол - Голландия ва Швеция; ёғочтош (вудстоун)— АҚШ ва Канада; пилинобетон-Чехия; чентери-боад—Япония; дюрпанел—Германия; велокс-Австрия. Ушбу материал нафақат хусусий уйларни, балки турли саноат мақсадларида кўп қаватли биноларни қуришда ҳам қўлланилади.

Ишлаб чиқариш технологияси

Органик агрегат сифатида майдаланган ёғоч (ёғоч чиплари), зиғир олови ёки Кеневир гулханлари майдаланган гуруч сомони ёки майдаланган пахта сопи. Тўлдиргични минераллаштириш учун алюминий сульфат (озик-овқат қўшимчаси E520), калций хлорид (озик-овқат қўшимчаси E509), калций нитрат, суюқ шиша ёки органик моддаларнинг цементнинг қаттиқлашишига салбий таъсирини тўсиб қўядиган бошқа моддалар ишлатилади. Арболит ишлаб чиқариш МДХ мамлакатлари ҳудудида давлатларaro стандарт бўлган ГОСТ 19222-84[1], шунингдек Арболитдан девор блоклари шаклида, ҳам қопламали, ҳам қопламасиз тайёрланган маҳсулотлар СН 549-82 талабларини ҳисобга олган ҳолда тайёрланиши керак.

Ташқи ва ички ёпиқ тузилмалар учун девор блокларини ишлаб чиқаришнинг бир неча усуллари мавжуд. Арболит ишлаб чиқаришнинг ушбу усулларининг ҳар арболит бири ўзига хос технологик хусусиятларга эга.

Девор блоклари асосан вибропрессинг (вибробладинг) ёки тўғридан-тўғри пресслаш орқали амалга оширилади.

Тўғридан-тўғри зичлаш технологияси нисбатан янги ва ишлатилган ускуналар нуқтаи назаридан арзонроқ. Тўғридан-тўғри босиш арболит аралашмасини қолипда бир кунгача ушлаб туришни ўз ичига олади. Шу билан бирга, маҳсулотни шакллантириш жараёнида аралашмадаги ёғоч чипларининг фазовий йўналиши билан боғлиқ бир қатор камчиликларга эга, бу эса тайёр блокда ички стрессларга олиб келиши мумкин.

Вибробластинг (ёки вибропрессинг) технологияси — бу 1960-йилларда кенг тарқалган анъанавий ишлаб чиқариш бўлиб ушбу технологиянинг асосий афзаллиги арболитли цемент ўрнатилгандан сўнг тайёр блокда ички стресслар бўлмаганда маҳсулотда бир хил арболит массасини олишдир.

Хусусиятлари

Арболитнинг энг муҳим хусусияти, ҳар қандай қурилиш материаллари сингари, сиқилишга мустаҳкамлик чегарасига эга. Арболитнинг босим кучи иссиқлик изоляцияси учун М5—М10 дан М25—М50 гача ва ҳатто структуравий учун М100 гача ўзгаради.

Иссиқлик изоляцияси (зичлиги 400 дан 500 кг/м³ гача) ва структуравий (зичлиги 500 дан 850 кг/м³ гача) навлари мавжуд.

Арболит эгилишга чидамли, товуш тўлқинларини жуда яхши сингдиради. Арболитнинг иссиқлик ўтказувчанлиги 0,07-0,17 Вт/(м * К).

Арболит ёнишни қўллаб-қувватламайди ва қайта ишлаш учун қулайдир. Структуравий турлар эгилувчанлик кучининг юқори индексига эга ва максимал юқлардан вақтинча ошиб кетганидан кейин ўз шаклларини тиклаши мумкин.

Арболитнинг камчиликлари намликка қаршилиги паст. Атмосфера намлиги билан алоқа қиладиган арболит тузилмаларининг ташқи юзаси ҳимоя пардозлаш қатламига эга

бўлиши керак. Арболит деворларини ҳаво намлиги 75% дан юқори бўлмаган ҳолларда сақлаш тавсия этилади.



- Сиқилишга мустаҳкамлик кучи, 0,5-3,5 Мпа
- Эгилишга мустаҳкамлик чегараси, 0,7-1,0 МПа
- Эластиклик модули, 250-2300 МПа
- Совуққа чидамлилиги, 25-50 цикл
- Сувни сингдириш, 40-85 %
- Киришиши, 0.4-0.5 %
- Биотурғунлиги V гуруҳи
- Ёнғинга қаршилиқ кўрсаткичи, 0,75-1,5 х
- Овоз ютиш, 126-2000 Хз 0.17-0.6

Дастур

Арболит турар-жой, маиший ва саноат қурилиши мақсадларида ишлатилади.

Одатда ўз-ўзини қўллаб-қувватлайдиган деворларни ёки биноларнинг ички қисмларини қуриш учун тайёр қурилиш блоклари ёки плиталар шаклида шунингдек иссиқлик изоляцияси ва овоз ютиш изоляцияси материаллари сифатида ишлатилади. Мамлакатимизнинг турли минтақаларида, шунингдек, хорижий мамлакатларда органик целлюлоза агрегат материалларидан тайёрланган бино ва иншоотларнинг узок муддатли ишлаши Арболитнинг мустаҳкамлигини ишончли тасдиқлайди. У девор панеллари, блоклар, плиталар ва комбинацияланган томлар учун қопламалар тайёрлаш учун ишлатилади.

Монолит қурилиш технологиясида арболитдан кенг қўлланилади. Ушбу технологиянинг афзалликлари-девор бўғинларининг тўлиқ йўқлиги ва натижада совуқ кўприкчаларнинг йўқлиги, шунингдек, ҳар қандай қалинлик ва архитектура деворларини ўрнатиш имконияти борлиги.

Арболитдан ясалган ташқи ёпиқ иншоотларни (бинонинг ташқи деворлари) ташкил қилишда арболит иссиқлик изоляцияловчи девор аралашмасидан фойдаланиш тавсия этилади масалан, ТКС-0,2. Бундай ҳолда, арболит девори совуқ кўприкларга эга бўлмайди ва бутун девор бўйлаб иссиқлик ўтказувчанлигига бир хил қаршилиқ коэффициентига эга бўлган тузилмани ҳосил қилади, чунки арболитнинг иссиқлик ўтказувчанлиги ва ткс аралашмасининг иссиқлик ўтказувчанлиги-0,2 деярли бир хил.



Арболитли уй (Вологда вилояти)

Фойдаланилган адабиётлар

1.ГОСТ 19222-84 "Арболит ва ундан тайёрланган маҳсулотлар. Умумий техник шартлар".

2.ГОСТ Р 54854-2011 " келиб чиқиши органик тўлдирувчилар асосидаги енгил бетон. Техник хусусиятлари".

3.СН 549-82"арболитдан тайёрланган буюмлар ва маҳсулотларни лойиҳалаш, ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар".

4.ГОСТ 19222-2019"Арболит ва ундан тайёрланган маҳсулотлар".

DEKORATIVLIK XUSUSIYATNI OSHIRISH UCHUN BUYUMLAR SIRTINI KIMYOVIY USULDA NIKELLASH

Alikabulova Nafisa Xolmirzayevna

Jizzax politexnika instituti, magistr

Vaqqosov Sobir Sayfullayevich

Jizzax politexnika instituti

Kimyoviy texnologiya kafedrasida katta o`qituvchi

www.sobirvak@mail.ru

Annotatsiya: Metall sirtlariga himoyali, himoya-dekorativ va maxsus xususiyatlar faqatgina metall qoplamalar qoplash yo'li bilan amalga oshirilmaydi. Shu maqsadda nometall noorganik qoplamalardan keng miqyosda foydalanilmoqda. Bu jarayonlarga qora va rangli metallarni oksidlash va fosfatlash jarayonlari kiradi. Murakkab uskunalarda talab etmaydigan, nisbatan oddiy bo'lgan bunday jarayonlardan sanoatning turli tarmoqlarida foydalaniladi. Lekin metal buyumlarning sirtini nikellash yo'li bilan olingan qoplamalar metal buyumlarga eng yaxshi dekorativlik xususiyatini beradi. Nikellash kimyoviy hamda elektrokimyoviy usullarda amalga oshiriladi.

Kalit so'zlar: galvanotexnika, galvanostegiya, dekorativ qoplash, nikellash, kimyoviy va elektrokimyoviy usullar, korroziya, antifriksion qoplamalar.

Sanoatda metallashning 3 turi mavjud: suyuq metall bilan purkash; metallarni vakuumda purkash; kimyoviy-elektrolitik metallash. Suyuq metall bilan purkash usuli siqilgan havo ta'sirida

suyuq metallarni purkash yo`li bilan olinadi. Qoplama qalinligi har xil, qoplangan metall qavati dagal, yuza bilan purkalgan metall qatlami zich birikmagan [1].

Vakuum metallash usuli vakuum qurilmalarida metall parlarini qoplanayotgan yuzada erishiga asoslangan. Bu usul barabanda ishlov berilayotgan kichik buyumlarga juda yupqa (0,1—1,0 mkm) metall qatlamini berish uchun mo`ljallangan. Bu usulda materiallar va elektrenergiya sarfi ancha ko`p.

Kimyoviy-elektrolitik metallash usuli plastmassa detallarni eritmalarda ishlov berishga va bunda metall qoplamalari eritmadagi metall ionlarini qaytaruvchi yordamida qaytarilishi hisobiga olinadi. Qaytarilgan metallning yupqa qatlami keyinchalik galvanik (elektrolitik) usulda kerakli qalinlikkacha o`stiriladi. Bu usul katta miqdorda qoplamalarni turi va qalinligi bo`yicha olish imkoniyatini beradi, bunda yetarlicha uskunalar bilan xohlagan qalinlikdagi va asos bilan yaxshi birikkan qoplamalarni olishni ta`minlaydi [2].

Plastmassa yuzasida metallarni kimyoviy qaytarish tok o`tkazuvchi qatlamni olishda asosiy jarayon hisoblanadi. Sanoatda bu maqsad uchun mis, kumush, nikel va kobalt ishlatiladi. Bu jarayonlar o`z navbatida kimyoviy mislash, kimyoviy nikellash va boshqalar deb yuritiladi.

Kimyoviy metallash o`tkazishdan oldin qoplanishi zarur bo`lgan yuza yogsizlantiriladi, yediriladi va aktivlashtiriladi. Ayniqsa, aktivlashtirish jarayoni juda muhim; buning natijasida plastmassa yuzada mikroskopik yadrochalar paydo bo`lib, ular asosan bir necha o`n angstrom (50—100 A) diametrdagi palladiy yoki kumushdan iborat bo`lib, ular keyingi metallarni kimyoviy qaytarilishida katalizator bo`lib xizmat qiladi. Ushbu kimyoviy qaytarilgan metallar (mis, kumush)ning birlamchi qatlamini tashkil etib, unga elektrokimyoviy usul bilan asosiy metall qoplamasi vazifasini bajaruvchi mis qatlami yuritiladi [3].

Shunday qilib, plastmassa buyumlarni kimyoviy-elektrolitik metallash jarayoni kuyidagi asosiy jarayonlardan iborat: yuzani tayyorlash; yuzani aktivlashtirish; kimyoviy nikellash; galvanik mislash, galvanik qoplama olish.

Qoplama yuritish yuzasini tayyorlash bosqichlari [4]:

1. Mexanik tayyorlash.
2. Yogsizlantirish.


Eritma tarkibi	№ 1	№ 2
NaOH	-	40 - 50
Na ₃ PO ₄	15-20	40 - 50
Na ₂ CO ₃	15-20	50 - 80
“Progress” yuvuvchi vositasi	5-10	-
SAM OS-20	-	3 - 8
eritma harorati	50-60° S	60 - 70 ° S
ishlov berish davomiyligi	5 - 15 min	10 - 15 min

3. Yedirish.

4. Sensibilizasiyalash.

Eritma tarkibi	Miqdori
SnCl₂*2H₂O	20—25 g/l
HCl	40 - 60 g/l
Davomiylilik	0,5 - 15 min

5. Aktivlashtirish



№ 1 eritma

Palladiy xlor Pd Cl ₂	0,5—1,0 g/l
Xlorid kislota HCl	12 – 18 g/l

№ 2 eritma

Palladiy xlor Pd Cl ₂	0,5—1,0 g/l
Trilon B	12 g/l
NH ₄ OH (25%-li eritma)	350 g/l


Metall buyumlarni kimyoviy nikellash ancha murakkab tuzilishga ega bo`lgan buyumlarda tekis qoplamalar olish hamda ularni yeyilishga va korroziyaga qarshi turish maqsadida qo`llaniladi. Kimyoviy mislashdan ko`ra kimyoviy nikellash yuqori qoplash tezligiga egaligi, ba`zi plastmassalar, masalan, epoksid materiallari) bilan yaxshi yopishqoqligi, eritmalarni o`zgarmas ekanligi bilan ajralib turadi.

Quyidagi jadvalda nikel metali bilan qoplash elektrolitlarining tarkibi va rejimlari ko`rsatilgan.

1-jadval

Kimyoviy nikellash elektrolitlarining tarkibi va rejimlari

Tarkibi va rejimlari (g/l)	Elektrolitlar turi	
	Ishqoriy elektrolit	Kislotali elektrolit
NiSO ₄ *7H ₂ O	20-30	20
NiCl ₂ *6H ₂ O	20-30	
CH ₃ – CH ₂ – COONa*3H ₂ O		10
NH ₄ Cl	30-40	
Na ₂ HPO ₂	15-20	10
Ammiak eritmasi pH = 8-9	8-9	
CH ₃ – CH ₂ – COONa (98% li)		6,0-6,5
CS(NH ₂) ₂		0,002-0,003
pH		4,5-5,0
Harorat °S	80-90	90-95
Davomiyligi, min	10-12	10-15
Yuklash zichligi	1-2 dm ² /l	1 dm ² /l
Qalinligi	2-3 mkm Ni	2-3 mkm Ni



1– rasm. Kimyoviy nikellashning laboratoriya qurilmasi:

1 – kimyoviy nikellash vannasi (reaktor); 2 – teploobmennik; 3– nasos; 4 – filtr; 5 – korrektirovka baki; 6, 7, 8 – eritma haroratini, kislotalik darajasini va eritma tarkibini nazorat qiluvchi avtomatlar; 9 – eritmani to`xtovsiz yetkazib beruvchi quvurlar.

Avtomatlashtirilgan kimyoviy nikellash qurilmasi bir vaqtda harorat, kislotalik va eritma tarkibini nazorat qiluvchi qurilmalar kiritiladi. U reaktor (kimyoviy nikellash vannasi)1, teploobmennik 2, nasos 3, filtr 4, korrektirovka baklari 5, eritma tarkibi 6, harorati 7, avtomatik elektron potensiometr (kislotalik darajasi) 8 va eritmani to`xtovsiz yetkazib beruvchi quvurlar 9 lardan iborat. Eritma yopiq sistemada to`xtovsiz aylanib turadi. 88 °S gacha qizdirilgan eritma teploobmennikka kirib u yerda 55 °S gacha sovitiladi va EKI-1 elektron datchigi orqali elektron pH metrda kislotalik darajasi to`g`rilanadi.

Bu usulda detallarni nikel tuzlari asosida tayyorlangan elektriolitlar bilan qoplashda olingan qoplamalar yaltiroqliligi, mexanik mustahkamligi, yupqaligi bilan boshqa usullarda olingan nikel qoplamalaridan ustun turadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Pozilov M.N., Aliyeva R.A., Vaqqosov S.S. “Nazariy elektrokimyo” – Jizzax: JizPI, 2022. –236 b.
2. Avalboyey A.A., Vaqqosov S.S. “Metall va kompozitsion qoplamalar”, Jizzax: JizPI, 2015. - 310 b.
3. Грилихес, С.Я. Обезжиривание, травление и полирование металлов. учеб. пособие/ С.Я. Грилихес - Л.: Машиностроение, 2006. - 101 с.
4. Гамбург Ю.Д. «Гальванические покрытия». Справочник по применению. – М.: Техносфера, 2006. – 215 с.

QURILISH SANOATIDA KERAMZIT BETON TO'SQICHLAR TAYORLASH INNOVATSION TEXNOLOGIYASI

**Assistent, Asqarov X.A.
Inomjonov M 301-guruh talabasi,
Sh.Egamberdieva. t.f.f.d (PhD) kafedra mudiri,
Andijon iqtisodiyot va qurilish instituti
Elektron pochta:asqar.xasanjon7413gmail.com**

Bugungi kunda qurilish materiallari energiyaning turli tuman toifalari orasidan faqatgina issiqlik energiyasining eng qimmat energiya sinfiga kiritilishi bejizga emas, chunki issiqlik energiyasi boshqa energiyalardan farqli o'laroq bir turdan ikkinchi turga o'tmaydi, umuman qayta tiklanmaydi, u faqat yonadi va tugaydi. Aynan shuning uchun ham biz rivojlangan deb tan olgan yevropa qit'asi mamlakatlari bugungi kunda issiqlik izolyasion qurilish materiallaridan foydalanmay turib bino yoki inshoot qurishni qonun normativlari bilan taqiqlab qo'yishgan.

Bino yoki inshootlar qurilishida qurilish uchun ketadigan muddatni kamaytirish, qurilayotgan bino yoki inshoot tashqi va ichki devorlarini issiqlikdan himoyalash, buning uchun samarador sinfga kiruvchi qurilish materiallari ishlab chiqarishni yo'lga qo'yish zarurdir. Samarador sinfga kiruvchi qurilish materiallari ishlab chiqarishni yo'lga qo'yishning resursbop yo'llaridan biri bu g'ovak to'ldiruvchili yengil betonlardan samarali foydalanish eng ma'qul yo'nalishlardan biridir. Bir necha yillar muqaddam keramzit bino qurilishining asosi hisoblanib, qurilish hajmining ortishi, mehnat sarfining kamayishi hamda qurilish muddatlarining qisqarishiga olib kelganligi ilmiy izlanuvchilar tomonidan ko'p bora e'tirof etilib kelingan. So'nggi yillarda keramzitni bino yoki inshootlar qurilishida qo'llash doirasi kamayib ketdi. Bunga asosiy sabab, keramzit ishlab chiqarish uchun xom ashyo bazasining kamligi asosiy faktor sifatida e'tirof etiladi. Shunga qaramay so'nggi yillardagi ilmiy izlanishlar keramzit uchun xom ashyo bazasi O'zbekiston hududida yetarli ekanligini va bu borada ayniqsa Navoiy viloyatida keramzit ishlab chiqarish uchun asosiy hom ashyo sanalgan bentanit qumining yetarlicha uchrashini ko'rsatibgina qolmay balki shu bilan birga uning ekologik sof material ekanini ham yana bir bor isbot qila oldi. Ayniqsa, ushbu materialning issiqlik izolyasion xarakteristikasi respublikamiz iqlim sharoiti uchun muhim jihatlardan biri hisoblanadi. Issiqlik va sovuqdan izolatsiyalash keskin iqlimli O'zbekiston hududida katta ahamiyatga egadir. Chunki, yozning jaziramakunlarida havo harorati 42–48°C, qishda esa 20–30°C haroratgacha sovuq bo'lishi bino, konstruksiyalar hamda agregatlarni samarali va ishonchli materiallar bilan izolatsiyalashni taqozo etadi.


Bugungi kunga kelib qurilish ishlab chiqarish hajmlarining ortishi, bino va inshootlar qurilishida samarali sinfdagi issiqlikdan himoyalashni yaratish bilan bir qatorda, binolarining havfsizligiga ham alohida e'tibor berish lozim. Chunki keramzit betondan barpo qilingan bino yoki inshoot odatdagi og'ir betondan qilingan binodan vazn jihatdan ancha yengil bo'ladi, birgina shu sababning o'zi ham bino yoki inshootlarning zilzilabardoshlik koeffisientini bir necha barobarga oshirishi isbotlangan faktdir.

Keramzit aosidagi betonning yuqorida keltirib o'tgan bir qancha jihatlari bilan boshqa turdagi materiallarga nisbatan samarali bo'lishiga asosiy sabab bu uning g'ovak strukturasi.



1-rasm. Keramzit to'ldiruvchili beton na'munasining ko'rinishi

Hozirgi paytda qurilish materiallari ishlab chiqarish sanoatida materiallarning o'rtacha zichliklarini kamaytirish ikki xil bosqichda amalga oshiriladi va bu usullar bir biridan tubdan farq qiladi: birinchi bosqich mahsulotni qoliplash jarayonida mahsulot xajmida g'ovakliklar hosil qilish yo'li bo'lsa; ikkinchi usulda materialni bir nechta texnologik usullar orqali g'ovaklikini oshirish orqali erishiladi. Yana shuni ham aytish joizki ichki havo konveksiyasi tufayli mahsulotning hajmiy strukturasi juda katta bo'shliqlarni hosil qilish mumkin ammo bu jarayon faqat materialning issiqlik o'tkazuvchanlik xususiyatlariga yomon ta'sir o'tkazishiga olib kelishi ham mumkin. Amalyotda 40% dan ortiq bo'shliqli materiallarni olish mumkinligi lekin bu jarayon katta texnologik qiyinchiliklar bilan amalga oshirilishi isbotlangan. Aynan shuning uchun ham yengil beton ishlab chiqarish uchun to'ldiruvchi sifatida aynan keramzitning tanlanishi biz yuqorida keltirib o'tgan o'rtacha zichlikni kamaytirish vazifani yechish uchun xizmat qiladi Aynan keramzitning bo'shliqli ichki strukturasi orqali biz yengil beton ishlab chiqarish imkoniyatiga ega bo'lamiz.



2-rasm. Keramzitning ichki strukturasi

Shu bois keramzitning qo'llanilish sohasi juda keng qamrovli bo'lib, uning zichligi, mustahkamligi, granulometrik tarkibi kabi xossalarni o'zaro mujassamlantirib, qurilish sohasida undan turli-tuman buyumlar tayyorlash imkonini beradi

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. N.A. Samig'ov "Qurilish materiallari va buyumlari" darslik. Toshkent Cho'lpon 2013-yil.

QOTISHMALARNING QURILISH BUYUMLARI ISHLAB CHIQUARISHDAGI XUSUSIYATLARI

Rahmatillayev Sh.H., Berdiyev M.X., Boshmonov M.B.¹.

Abdullayev A.A., Kurbanova D.S., Kurbanova L.M.².

¹JizPI 451-22 TJAICHA talabalari

²JizPI “Kimyo” kafedrasi katta o‘qituvchilari

E-mail: latofatqurbanova@mail.com

+998915688007

O‘zbekiston Respublikasi prezidentining 2020 yil 28-noyabrdagi “O‘zbekiston Respublikasi qurilish tarmog‘ini modernizatsiya qilish, jadal va inovatsion rivojlantirishning 2021-2025 yillarga mo‘ljallangan strategiyasini tasdiqlash” to‘g‘risida farmoniga ko‘ra Qurilish tarmog‘ini yanada takomillashtirish, arxitektura hamda qurilish organlari va muassasalarini izchil rivojlantirish mexanizmlarini shug‘ullantirish, davlat boshqaruv tizimining samaradorligini ta‘minlash, sohaga raqamli texnologiyalarni ilg‘or joriy etish maqsadi olg‘a surilgan[1].

Ikki va undan ortiq metallardan tashkil topgan sistemalar qotishmalari deyiladi. Qotishmalarning xossalari, tarkibi turlicha bo‘lib o‘zini tashkil etgan metallardan farq qiladi. Qotishmalarni o‘rganishda Kurnakov I.S katta hissa qo‘shgan. Tajribalar orqali kislota va ishqorlarga bardoshli, issiqbardosh, o‘ta qattiq va boshqa qorishmalarni olish imkoni bor. Qotishmalar suyuqlantirilgan metallarga boshqa metallarni yoki metalmaslarni erishidan hosil bo‘lgan eritmalaridir. Ular kristall tuzlarga ega. Qotishmalar: yumshoq, qattiq, qiyin va oson suyuqlanadigan, kislota va ishqorlarga bardoshli, chidamlilarga bo‘linadi[2-3].

Qotishmalar tarkibiga ko‘ra: gemogen, geterogen, intermetal qotishmalarga bo‘linadi. Qotishmalarning xossalari turlicha bo‘lishligi bilan sanoat karxonalarida va maishiy turmushda keng qo‘llanilib kelmoqda. Bundan tashqari qotishmalarni tarkibiga ko‘ra yana quyidagilarga bo‘lish mumkin:

Po‘lat. Tarkibi 1,7% gacha C va qo‘shimchalardan Mn, Si, S, P bor bo‘lgan qotishma hisoblanadi. Ular sof temirga qaraganda ancha qattiq hisoblanadi. Tarkibidagi moddalarga qarab quyidagilarga ajratish mumkin: marganesli po‘lat; Fe 83%, Mn 12%, C1% – sistemalar tayyorlashda va maydalashda; xrom po‘lati -Fe83,7%, Cr 12%, C 0,3% – zanglamaydigan po‘lat sifatida; volframli po‘lat Fe 70-85%, W 12-23%, Cr 2-6%, C 0,5-0,6% – tez kesar asboblar tayyorlashda ishlatiladi.

Cho‘yan. C 2% dan yuqori, Si, P, S, Mn bilan hosil qilgan qorishmalar kiradi. Bu qotishma temirga nisbatan ancha qattiq lekin mo‘rt. Undan turli uskunalar, stanok va dvigatellarning kompuslari, kanalizatsiyalari va vodoprovod trubinalari, qozonlar, tovalar, plitalar tayyorlashda ishlatiladi.

Bronza. Misning metallar bilan qotishmasi kiradi. Tarkibiga ko‘ra qalayli bronza, alyuminiy bronza, kremniy bronza, qo‘rg‘oshinli bronzalarga bo‘linadi. Bulardan badiiy quyma buyumlar tayyorlanadi.

Latun. Mis va ruxning 30-35% gacha rux bo‘ladi qotishmasidan tayyorlanadi. U nihoyatda katta plastik xususiyatga ega. Undan uy-ro‘zg‘or ashyolari, asboblari, mashinalarni detallari tayyorlanadi.

Babbit. Qo‘rg‘oshinli babbitt tarkibi Pb 80-82%, Sn 16-18%; qalayli babbitt tarkibi Sn 82-84% surma 10-12%, mis 6% boshqa metallar qo‘shib tayyorlanadi. Podshibniklar, mashinasozlikda, turli quymalar tayyorlashda ishlatiladi.

Nixrom. Tarkibi nikel 67,5%, xrom 15%, temir 16% va marganes 45% dan iborat bo‘lgan qotishma. Bu qotishma elektr qarshiligi katta va issiqqa bordoshli bo‘lganligi sababli elektr asboblari tayyorlashda ishlatiladi.

Kavshar «Tretnik» qalay 50% va indiydan 50% iborat bo‘lib, shisha va metallarni kavsharlashda ishlatiladi.

Pobidit. U qattiqligi jihatdan olmos yaqin turadi. Tarkibi; uglerod volfram va kobaltdan iborat. Metallurgiyada tog‘-kon sanoatida tog‘ jinslarini burg‘ulashda ishlatiladi.

Duraluymn. Alyuminiy 95%, magniy va mis marganes qotishmasidan iborat. U juda yengil va mustahkam, po‘latdan 3 marta yengil, mustahkamligi jihatidan po‘latga teng. Samaliyotsozlikda ishlatiladi.

Xulosa o‘rnida shuni aytish lozimki, qotishmalarning turli sohadagi o‘rni ayniqsa qurilish obektlaridagi o‘rnini alohida aytib o‘tish lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Q.Axmedov, A.Jalilov, R.Sayfutdinov. «Umumiy va anorganik kimyo» Toshkent. 2003 y. «O‘zbekiston» nashriyoti
2. Parpiev N.A., Raximov X.R., Muftaxov A.G. «Anorganik kimyo nazariy asoslari» Toshken, 2000 y, «O‘zbekiston» nashriyoti
3. www.Chem.msu.ru/rus/elibray/

KELAJAK MATERIALI DEB TARIF ETILAYOTGAN GRAFIT VA UNING XUSUSIYATLARI.

Magistranti: Kolyigitov Damir Nayim o‘g‘li

Tayanch doktorant O‘roqboyev Ollayor Bolbek o‘g‘li

damirxolyigitov99@gmail.com.

1,4-1,7 баробар ортади. Бундай салбий таъсирни камайтириш учун махсус тадбирларни амалга ошириш кейинги йилларда ўтказилган илмий тадқиқот ишларида кўрсатиб ўтилган. Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг иқлимида ҳам маълум ўзгаришлар кузатилмоқда. Жумладан баҳор ва куз ойларидаги ўртача температура бошқа ҳудудларга қараганда юқорироқ бўлганлиги сабабли, монолит бетон ва темир бетондан фойдаланиш имкониятлари кенгаймоқда. Баҳор ва куз ойларида бетон ва темир бетон тайёрлашнинг афзаллик томонлари шундаки, бетоннинг қотиш даврида ҳавонинг температураси нормал шароитдаги температурага яқин бўлиши билан бирга унинг нисбий намлиги нормал шароитдагига жуда яқин бўлиши кузатилмоқда. Қурилиш меъёрлари ва қоидалари ҚМҚ 2.03.01.96 (Бетон ва темир бетон конструкциялар)да куруқ иссиқ иқлим шароитида бетоннинг мустаҳкамлик ва деформатив хоссалари ўзгаришини ҳисобга олувчи коэффицентлар кўрсатилган. Лекин у ерда асосан ёз ойларидаги юқори температура ва паст нисбий намлик эътиборга олинган. Шунингдек бошқа фаслларда тайёрланган темир бетон конструкцияларни ҳисоблаш учун алоҳида коэффицентлар киритилиши мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун куруқ иссиқ иқлим шароитида эксплуатация қилинадиган темир бетон конструкцияларни ҳисоблашда иқлим шароитини ҳисобга олиш зарур. Шунга қарамай Ўзбекистон шароитида монолит темир бетондан фойдаланиш аксарият ҳолларда самаралироқ ҳисобланади. Жумладан йилнинг уч фаслида бетон тайёрлаш, яъни бино ва иншоотларни тиклаш ишларини амалга ошириш имконияти мавжуд. Юқорида таъкидланганидек, баҳор ва куз ойларида бетоннинг қотиш шароити нормал шароитдагига яқин бўлганлиги учун, унинг мустаҳкамлиги ва деформатив хоссалари ҳам йиғма темир бетондагига қараганда яхшироқдир. Маълумки мустаҳкамликнинг юқори бўлиши бетон ва темир бетоннинг узоқ муддатларга чидамлилиги ҳам юқори бўлишини билдиради. Ундан ташқари, монолит темир бетон конструкцияларидан тикланган биноларда уларнинг асосий юк кўтарувчи конструкциялари бир- бири билан бикр бирикма ҳосил қилганлиги учун, биноларнинг фазовий бикрлиги ҳам юқори бўлади. Агар Республикамиз ҳудуди сейсмик фаол ҳудудда жойлашганлигини ҳисобга олсак, бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини кескин ортиши ижобий натижа беради. Монолит темир бетондан бино ва иншоотлар тиклашнинг ўзига яраша камчилик томонлари ҳам мавжуд. Жумладан, бино ёки иншоотларнинг смета қиймати сезиларли даражада ортиб кетади. Лекин кейинги йилларда дунёнинг қатор мамлакатларида рўй берган ер силкинишлари бинонинг фазовий бикрлигини ошириш учун кўпроқ маблағ сарфланса ҳам унинг ишончлилиги даражасини ошириш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатмоқда. Бино ва иншоотларнинг узоқ муддатга чидамлилиги ҳамда унинг зилзилабардошлиги ортишини ҳисобга олсак юқорида таъкидлаб ўтилган камчиликларнинг аҳамияти кескин камаяди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон шароитида қурилаётган биноларда монолит темир бетоннинг улушини кўпайтириш энергия сарфини тежашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. СА Холмирзаев Температурные изменения в керамзитобетонных колоннах в условиях сухого жаркого климата Журнал «Бетон и железобетон 2001г.
2. СА Холмирзаев, НХ Комилова. Влияние сухого жаркого климата на ширину раскрытия трещин внецентренно-сжатых железобетонных элементов. Приволжский научный вестник, 43-45 2015
3. X.S.Abdujabbarovich, AA Rustamovich, OA Rustam o'g'li Fibrobeton and prospects to be applied in the construction. Web of Scientist: International Scientific Research Journal 3 (6), 1479-1486 2022

4. S.J Razzakov, SA Kholmiraev, AS Abdurahmonov Experimental study of heat-resistant reinforced concrete slab. Nauchno-tehnicheskij journal FerPI 1, 71-78 2020й.

5.С.А Холмирзаев, АР Ахмедов, Б Мақсуд. Базальт толаси билан цемент тош таркибини оптималлаштириш Барқарорлик va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali 2 (9), 256-264 2022

6. С.Ж Раззаков, ЛВ Ильина, СА Холмирзаев. Температурные деформации бетона в условиях сухого жаркого климата. Труды Новосибирского государственного архитектурно-строительного ...2018г

SUVLARNI ELEKTROKIMYOVIY USULDA TOZALASH QURILMALARINING KONSTRUKTIV YECHIMLARI


Alibekova N.N - ass.kaf."MK"

Egamnazarova M - talaba

Jizzax politexnika instituti

Loyqa suvlarni elektrokimyoviy usulda tozalash texnologik tasviriga muvofiq tizimda ikkita asosiy element mavjud. Bular bosimli elektrokoagulyator hamda aralashtirish va momiq hosil qilish kamerasi.

Elektrokoagulyatsiya jarayoni elektrokoagulyator qurilmasida olib boriladi. Suvlarni elektrokoagulyatsiya yo'li bilan tozalashda amaliyotda elektrokoagulyator qurilmalarini montaj qilishning juda ko'plab hilma-xil konstruktiv yechimlari mavjud. Masalan, Abramkin tomonidan suvlarni tozalashda temir elektrodlardan foydalaniladi va anod gorizontal yotqiziladi, katod esa silindrik ko'rinishda vertikal joylashtiriladi (1-rasm).



1-rasm. Elektrolitik apparat

1-korpus; 2-gorizontal po'lat anod; 3-silindrik katod; 4-markaziy quvur; 5-yig'ish arig'i.

Elektrokoagulyator qurilmasida koagulyatsiyalangan suvni aralashtirish va momiq hosil qilish jarayoni gidravlik yoki mexanik kameralarda amalga oshiriladi. Gidravlik tipdagi kameralarda aralashtirish jarayoni kamera tushayotgan suv energiyasi hisobiga, mexanik tipdagi kameralarda esa elektr energiyasi orqali amalga oshiriladi.

Suv tayyorlash texnologiyasida suvni aralashtirish va momiq hosil qilish gidravlik tipdagi qurilmasini hisoblashda quyidagi usullardan foydalaniladi. Gidravlik tipdagi kameralarda

aralash tirish jarayoni kameraga tushayotgan suv energiyasi hisobiga amalga oshiriladi va tezlik gradienti quyidagicha aniqlanadi:

-to'sinli kameralar uchun

$$G = \left[\frac{(n \cdot V_1^2 + (n-1)V_2^2)Q\rho}{2 \cdot W_K \cdot \eta} \right]; c^{-1}$$

-aylanma suv va suv girdobi hosil qiluvchi kameralar uchun

$$G = \left(\frac{\rho \cdot V^2 \cdot Q}{2 \cdot W_K \cdot \eta} \right)^{0.5}; c^{-1}$$

Loyqa suvlarni elektrokimyoviy usulda tozalash bo'yicha taklif va muloxazalar

Daryo suvlari tarkibining qisqacha taxlili natijasida shu narsa ma'lum bo'ldiki suv tarkibiga kam miqdorda tabiiy faktorlar, ko'p miqdorda ishlab chiqarish, kommunal-maishiy va kollektor-drenaj oqova suvlari bilan bog'liq antropogen ta'sir ko'rsatadi. Daryo suvining loyqaligi o'rtacha 194,1-582,2mg/l ni tashkil qiladi. Lekin toshqin vaqtida maksimal 4600 mg/l gacha ko'tariladi va shu sababli suvni tozalash texnologik tizimini loyihalashda suvni dastlabki tindirish inshootini tarkibga kiritish maqsadga muvofiqdir.

Tabiiy suvlarni elektrokimyoviy usulda tozalashda suyuqlikka doimiy elektr maydoni ta'sir qilganda unda murakkab elektrokimyoviy va fiziko-kimyoviy jarayonlar kechadi: elektroliz, elektrokoagulyatsiya, elektroflotatsiya, elektroforez, elektrodli oksidlanish-kaytarilish xolati va xakoza. Ma'lum bir sharoitda bu jarayonlardan ba'zilar asosiy xisoblanadi.

Elektrokimyoviy korroziya nazariyasiga asosan elektr toki o'tganda metall anod ion ko'rinishda suyuqlikka o'tadi va keyinchalik metall ionining gidrolizi kuzatiladi. Hosil bo'lgan metall gidrooksidi momiqlari aktiv sorbsiya xususiyatiga ega. Natijada metall gidrooksidi va suyuqlik tarkibidagi ifloslantiruvchi moddalarning o'zaro ta'siri kuzatiladi. Hosil bo'lgan momiq birikma keyingi inshootda suv yuzasiga qalqib chiqishi (flotatsiya) yoki chukishi (tindirgich) mumkin.

Suvlarni elektrokimyoviy yo'l bilan tozalashda metall sarfi asosiy iqtisodiy ko'rsatkichlardan biri bo'lib hisoblanadi. Elektrokoagulyator asosan aluminiy yoki temir plastinkali elektrodlardan tayyorlanadi. Bu materiallarning tanqisligi va qimmatligi sababli ulardan elektrokimyoviy koagulyant sifatida foydalanilganda iloji boricha metall sarfini kamaytirishga harakat qilinadi. Undan tashqari, har bir muayyan sharoitda elektrokoagulyatsiyaning qo'llanishi qat'iy asoslab berilishi zarur, aks holatda ko'p miqdorda metall va elektroenergiya sarflanishiga olib kelishi va kutilgan natijani bermasligi mumkin. Shuning uchun xam suvlarni elektrokimyoviy yo'l bilan tozalashda dastlab tozalanayotgan suvning fizik-kimyoviy parametrlari, qurilmaning geometrik o'lchamlari hamda tozalashning elektrik va gidrodinamik faktorlarining erigan metall konsentratsiyasiga, elektroenergiya sarfiga va tozalash samarasiga ta'siri eksperiment tadqiqot orqali maxalliy sharoitdan kelib chiqqan holda aniqlanishi lozim.

Suvlarni elektrokimyoviy yo'l bilan tozalashda aluminiy elektrodlarida tok zichligi $i = 35$ A/m² gacha oshirilganda $t = 0,5$ min xolatida G_{Al} qiymati tok zichligiga deyarlik proporsional ravishda ko'payib boradi. Mazkur oralikda erigan aluminiyning xakikiy qiymati uning nazariy xisoblangan miqdoriga nisbatan yuqori bo'ladi. Tok zichligi yanada oshirilganda aluminiyning erish jarayoni sekinlashadi va G_{Al} qiymat nazariyga nisbatan kamayadi.

Suvga elektr ishlov berish davomiyligining uzayishi natijasida erigan aluminiy miqdori ko'payadi. Lekin elektr ishlov berish davomiyligining katta qiymatlarida bu bog'liklik fakatgina tok zichligi $i = 25$ A/m² gacha va $t = 1$ min xamda $i = 14$ A/m² gacha va $t = 1$ min bo'lganda saqlanib qolinadi. Tindirilgan suvdagi muallaq zarrachalar konsentratsiyasi elektr ishlov berishning barcha

rejimlarida tok zichligi oshishi bilan kamayadi. Lekin shuni xam ta'kidlab o'tish lozimki tok zichligining bir xil qiymatida suvning tozalanish darajasi elektr ishlov berish davomiyligining ko'payishi bilan oshadi.

Tashqi kamerada suvning bo'lish vaqti qancha ko'p bo'lsa suvning tozalanish darajasi shuncha yuqori bo'ladi. Bu bog'liklik ayniqsa uncha loyqa bo'lmagan suvlarni tozalashda yaqqol ko'zga tashlanadi. Boshlang'ich loyqaligi 400mg/l dan yuqori bo'lgan suvlarni tozalashda aralashtirish davomiyligi yanada oshirilganda suvning tozalanish darajasi kam o'zgaradi.

Suylarni elektrokoagulyatsiya yo'li bilan tozalash texnologik tasvirida aralashtirish va momiq hosil qilish kamerasini (KPiX) qo'llash suvning tozalanish darajasini 10-15% ga oshirishi va shu bilan birga suv tindirgichda suvning tindirilish vaqtini 3 martagacha qisqartirishi mumkin;

KPiXni xisoblashda tozalanayotgan suvning loyqaligi va qo'shiladigan metall dozasiga bog'liq ravishda ichki kamerada aralashtirish davomiyligini 0,8-2,0 minut, tashqi kamerada esa – 2,0-5,0 min oralig'ida qabul qilish maqsadga muvofiqdir.

Adabiyotlar:

1. Alibekova, N.N. (2020). Suvdan foydalanish jarayonlarida axborot tizimlarini qo'llash. Scienceand Education, 1(3).
2. Кутлимуродов У.М. Загрязнение атмосферы вредными веществами и мероприятия по его сокращению //Экология: вчера, сегодня, завтра. – 2019. – с. 249-252.
3. Sultonov, A. (2019). Water useplanning: a functional diagramof a decision making systeman ditsmat hematical model. International Financeand Accounting, 2019(5),
4. Alibekova, N.N.(2020).U seofin format i on system sin water useprocesses. Scienceand Education,1
5. Алибекова, Н.Н.(2020).Зонирование вдопроводных сетей. Science and Education.Scientific journal.

SANOAT OQOVA SUVLARINI TOZALASHDA ZAMONAVIY, LOKAL TOZALASH INSHOOTLARINING QO'LLANISHI

*Ochilov Farrux Murotqosim o'g'li
Jizzax Politexnika Instituti, magistranti,
ilmiy rahbar A.O.Sultonov*

Atrof muhitni ifloslanishdan saqlash va tabiiy resurslardan oqilona foydalanish hozirgi davrning asosiy muammolaridan biri hisoblanadi. Yetarli darajada tozalanmagan yoki umuman tozalanmagan oqova suvlarni suv havzalariga tashlash, suv resurslarini ifloslanishiga olib keladi. Oqova suvlar tarkibidagi organik moddalar tez chirishi hisobiga, suv havzalarida har xil kasalliklar keltiruvchi mikroorganizmlar paydo bo'ladi. Havza esa, shu mikroorganizmlar yashashi uchun yaxshi muhit bo'lib, suvdagi kislorodni miqdorini kamaytiradi va har xil jonivorlarga hamda aholiga yomon ta'sir ko'rsatadi. Shuning uchun, har qanday oqova suvlarni suv havzalariga tashlashdan oldin, sanitar talablarga rioya qilish zarur. Sanitar talablarga rioya qilish uchun, har qanday oqova suvlarni yig'ish va ularni shahardan tashqarida tozalash, iloji boricha qayta ishlatish zarur. Bu bo'yicha mamlakatimizda ko'plab islohatlar olib borilmoqda.

Xususan, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 30-noyabrdagi «O'zbekiston Respublikasida ichimlik suvi ta'minoti va kanalizatsiya tizimlarini rivojlantirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi PQ-4040-son qarori topshiriqlari bilan suv ta'minoti va

kanalizatsiya sohasidagi xizmatlar sifatini, tarmoq korxonalarini faoliyatining samaradorligini yanada oshirish, to'g'ridan-to'g'ri, avvalambor, xorijiy investitsiyalarni jalb qilish, shuningdek, davlat-xususiy sheriklikni rivojlantirish asosida ishonchli moliyalashtirish manbalarini tashkil etish maqsadida sohaga xususiy sektorni jalb qilish belgilangan.

Qaror yuzasidan har viloyatlardagi tozlash stansiyalari qayta rekonstruksiya qilindi. Ko'plab viloyatlardagi tozlash stansiyalariga yangi zamonaviy inshootlar olib kelindi. Bu tozlash stansiyalari samarali va uzoq vaqt xizmat ko'rsatish uchun sanoat korxonalaridan chiqayotgan oqova suvlarga katta e'tibor qaratish kerak. Tozalash stansiyalariga sanoat oqova suvlarni chiqarishdan oldin sanoat binosining o'zida birlamchi ya'ni lokal tozalash inshootidan o'tkazilishi kerak. Endi sanoat oqova suvlarni tozalashni ko'rib chiqadigan bo'lsak;

Quyosh radiatsiyasi va iflos suvga toza suv kelib quyilishi natijasida suv qaytadan tozalanadi. Turli bakteriya, zamburug' va suv o'tlari suvni qayta tozalashda faol hisoblanadi. Suv turli iflos moddalarga haddan tashqari to'yingan bo'lsa, u holda uni tozalash uchun turli mustaqil yoki kompleks usullardan foydalaniladi. Suv ta'minotining yopiq tizimini hosil qilish uchun sanoat oqova suvlari mexanik, kimyoviy, fizik-kimyoviy, biologik va termik tozalash usullari orqali korxonalar turiga qarab suvning zarur sifatiga qadar tozalanadi. Bundan tashqari, qayd qilingan usullar rekuperatsion va destruktiv usullarga bolinadi. Rekuperatsion usullar oqova suv tarkibidagi barcha qimmatbaho moddalarni ajratib olib, so'ngra qayta ishlatishga qaratilgan. Destruktiv usulda suvni ifloslantiruvchi moddalardan oksidlash yoki qaytarish usullari yordamida parchalantiriladi. Parchalash mahsulotlari suvdan gaz yoki cho'kma ko'rinishida ajratib olinadi. Tozalash usullarini tanlash quyidagi omillarni hisobga olgan holda olib boriladi: 1) qayta ishlatishni hisobga olgan holda tozalangan suvga qo'yiladigan sanitar va texnologik talablar; 2) oqova suv miqdori; 3) korxonada zararsizlantirish jarayoni uchun zarur bo'lgan energetik va moddiy resurslar miqdori (bug'l, yoqilg'i, siqilgan havo, elektr energiya, reagent, sorbentlar), shuningdek, tozalash qurilmasi va inshootlari uchun zarur maydon. Sanoat oqova suvlarni tozlashning usullari. 1. Mexanik (suzish, tindirish, cho'ktirish, filtrlash, sentrifugalash va h.k.). 2. Fizik-kimyoviy (adsorblash, koagullash, flokullash, flotasiya, ion-almashinish, ekstraklash va h.k.). 3. Kimyoviy (neytrallashtirish, oksidlanish, qaytarilish). 4. Biokimyoviy (aerob, anaerob sharoitlarda). 5. Termik (yuqori harorat ishtirokida).

Bu tozalash usullaridan har bir sanoat korxonalaridan chiqayotgan oqova suvlarni tozalash uchun qo'llanilsa foydadan xoli bo'lmaydi. Bu har tamondan maqsadga muvofiq bo'ladi. Har bir sanoat korxonasidan chiqayotgan oqova suvlar chiqib markaziy kanalizatsiya tarmog'iga qo'shilishidan oldin tozalab yuborilsa tozalash stansiyasi ishlash muddati uzoq va samarali bo'ladi. Aks holda tozalash inshooti samarali ishlamaydi, ishlash jarayonlarida har xil nosozliklar vujudga keladi. Chunki sanoat binolari turli soxalarga yo'naltirilgan bo'lib ulardan turli tarkibga ega oqova suvlar chiqadi. Ayrim sanoat korxonalaridan chiqadigan oqovalar bir birlari bilan reaksiyaga ham kirishib ketishi mumkin. Buning oqibatida markaziy kanalizatsiya tarmog'iga ham katta zarar yetadi. Bundan tashqari tozalash stansiyalaridagi inshootlar barcha turdagi sanoat binolaridan chiqadigan oqova suvlarni ham tozalay olmaydi. Misol uchun "Akumliyat zavodi" dan chiqayotgan har xil turdagi "Tekstilni fabrika" lardan, "Oyna zavodi" dan chiqayotgan suvlar va shu bilan birgalikda aholidan chiqayotgan oqova suvlarni bir vaqtning o'zida tozalash mumkin emas.

Hulosa. Hulosa qilib aytadigan bo'lsak, bu tozalash usullaridan sanoat korxonalaridan chiqayotgan oqova suvlarni tozalashda foydalansak har tamondan maqsadga muvofiq. Moliyaviy jihatdan ham ekologik jihatdan ham. Chunki tozalash stansiyasi uzluksiz va uzoq muddat davomida oqova suvlarni tozalab tura oladi, qachonki yuqoridagi ishlar / yo'lga qo'yilsa. Markaziy kanalizatsiya quvurlarining ham xizmat ko'rsatish davomiyligi uzoq bo'ladi. Bu esa o'z navbati

moliyaviy samaradorlik beradi. Aks xolda bo'ladigan bo'lsa, ekologiya zarar yetadi. Atrof muxitning buzilishiga olib keladi. Buning oqibatida yuqorida aytib o'tganimizdek ya'ni insoniyat hayotiga haf soluvchi har xil yuqumli kasalliklar yuzaga kelishi mumkin. Shunday holatlar yuzaga kelmasligi uchun har bir jarayonga e'tiborli bo'lishimiz hamda to'g'ri foydalanishimiz lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Mirziyoyev Sh.M. "Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish sohasida davlat matn. boshqaruvi tizimini takomillashtirish to'g'risida"gi Farmoni. 2017-yil.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 30-noyabrdagi «O'zbekiston Respublikasida ichimlik suvi ta'minoti va kanalizatsiya tizimlarini rivojlantirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi PQ-4040.
3. A. DJalilova, A. Xamidov, M. Abduqodirova "Kanalzatsiya va oqova suvlarni tozalash" Toshkent "Voris-Nashiyot" 2012.


O'ZBEKISTONDAGI YER OSTI QUVURLARINING BUZILISHI VA ULARNING TA'SIRI

Nazirov Sanjar O'razali o'g'li - "MK" kafedراسi assistenti

O'zbekiston hududidagi yer osti quvurlari suv, neft va gazni tashish uchun muhim infratuzilma hisoblanadi. Mahalliy chuqur korroziyaning mavjudligi metall quvurlarning asosiy zo'riqish mexanizmlaridan biri sifatida aniqlangan. Tashqi yuklarga duchor bo'lganda, bu korroziyaga uchragan quvurlar korroziya joyidagi kuchlanish kuchayishi tufayli osongina ishdan chiqishi mumkin. Quvurlardagi nosozliklar nafaqat fuqarolar hayotiga jiddiy ta'sir ko'rsatmoqda, balki jiddiy iqtisodiy zarar yetkazadi va xavfsizlikka tahdid soladi. Shuning uchun yer osti quvurlarining xavfsiz loyihalash muddatini aniq prognoz qilish katta ahamiyatga ega. Ushbu tadqiqotning asosiy maqsadi korroziyaning quyma temir quvurlarning mexanik xususiyatlariga ta'sirini o'rganishdir. Agressiv loy tuproqdagi quyma temir quvurda nisbatan uzoq vaqt korroziya sinovi o'tkazilgan bo'lib uning asosida mamalakatimizdagi mavjud yer osti tarmoqlarini almashtirish vaqtlarini aniq hisoblar orqali aniqlashimiz mumkin bo'ladi. Quvurlarning korroziyaga qarshi xatti-harakatlari turli xil korroziya usullari yordamida keng qamrovli o'rganilgan. Belgilangan vaqt nuqtalarida quvur devoridan kesilgan bir qirrali egilish bilan namunalar bo'yicha sinish chidamliligi sinovlari o'tkazildi. Natijalar yer osti quvurlarining korroziya harakati va mexanik xususiyatlarning buzilishi bo'yicha samarali natijalarni ko'rsatdi. Bugungi kunda yer osti quvurlarini korroziyaga uchrashini aniqlovchi turli yangi texnologiyalardan dunyo miqyosida foydalanilmoqda. Olimlarning integral usuli quvurlar uchun kuchlanish intensivligi omillarini olish uchun 3 o'lchamli chekli elementlar tahlili bilan birgalikda ishlatilgan usullardan foydalanish qulay hisoblanadi. Korroziyaga uchragan quvurlar uchun maksimal kuchlanish intensivligi omillari ifodasi ishlab chiqilgan va yorilish ehtimoli miqdorini aniqlash uchun yuqoriga o'tish usuli qo'llaniladi. Ushbu maqolada korroziya natijasida materialning mexanik xususiyatlari ham, mikro tuzilishi ham o'zgaradi, degan xulosaga keladi. Korroziyani aniqlash uchun zo'riqishlarni intensivligi omili modeli yer osti quyma temir quvurlarining ishdan chiqishini yaxshilangan aniqlik bilan bashorat qilish uchun foydali vosita bo'lib xizmat qilishi mumkin.

Metall quvurlar suv, gaz va neftni tashish uchun muhim infratuzilma hisoblanadi. O'zbekistonda taxminan 100 000 km ko'milgan quvurlar mavjud; Ularning 60% dan ortig'i temir quvurlar, shu jumladan quyma temir, egiluvchan va po'lat quvurlar. Ko'pgina rivojlangan mamlakatlarda quyma temir quvurlar uzoq vaqtdan beri qo'llanilgan va bugungi kunda


minglab kilometr cho'yan quvurlari tarmoqlarda qolib, suv va gaz ta'minoti tizimlarida muhim rol o'ynaydi. Biroq, ish vaqtining ko'payishi va korroziy muhitga ta'sir qilishi sababli, bu quvurlar eskiradi va buning natijasida quvurlarning ishdan chiqishi soni ortadi. Ushbu tadqiqot ishi metall quvurlarning korroziyasi va mexanik xususiyatlarining buzilishi bo'yicha joriy bilimlarni yaxshilaydi va yer osti quvurlarining qoldiq xavfsiz xizmat muddatini baholashni yaxshilaydi.



1-rasm: Moslashuvchan yer osti metall quvurining nosozlik turlari

Mavjud quvurlar tarmog'ining taxminan 55 foizdan ortig'i xizmat muddati 25 yildan oshganligi taxmin qilinmoqda. O'zbekistondagi Gaz ta'minoti, Suv ta'minoti korxonalarining yillik hisoboti shuni ko'rsatdiki, so'nggi olti yil ichida suv magistralidagi uzilishlarning umumiy chastotasi yiliga taxminan 160 km uchun 11,0 dan 14,0 gacha 27 foizga oshgan. O'zbekiston hududidagi quyma temir quvurlari yorilishi 46 foizga oshgan. Suv quvurlarining taxminan 0,6% har yili baxtsiz hodisalar tufayli almashtiriladi. Natijada, O'zbekistonning hududlaridagi shahar suv sektori quvurlarni almashtirish uchun millionlab xarajat qilinishiga to'g'ri kelmoqda. Quvur liniyasidagi nosozliklar ko'pincha kutilmaganda sodir bo'ladi va quvur liniyasining haqiqiy ishlash muddati hisoblanganidan ancha kam. Toshkent shahrida yer osti suv quvuri yorilib ketdi va ko'cha suv ostida qoldi. Shuningdek O'zbekistondagi yer osti quvurlarini yorilishi tufayli yo'qotilishi taxminan uch million litrni tashkil qildi. Shuning uchun quvurlarning ishdan chiqishi nafaqat quvurlar tarmog'ining yaxlitligi va ishlashiga salbiy ta'sir ko'rsatadi va suv ta'minoti tarmoqlari va aholiga katta iqtisodiy zarar yetkazadi.

Xizmat ko'rsatishda misli ko'rilmagan yuqori chastotali quvurlar nosozliklari sanoat va foydalanuvchilarning e'tiborini tortmoqda. Sanoat va akademiya tomonidan moliyalashtiriladigan tugallangan va davom etayotgan tadqiqot dasturlari mavjud bo'lib bu keng jahon miqyosidagi hamkorlik tashkilotlari tomonidan moliyalashtiriladi va ushbu tadqiqotlarning katta qismi quvurlardagi nosozliklarni bashorat qilishga qaratilgan. Biroq, quvurlarning buzilishi, asosan, materiallarning eskirishi va ishdan chiqishi mexanizmlarini o'rganilmaganligi, shuningdek, baholash usullarida progressning yo'qligi tufayli samarali prognoz qilinmagan va oldini olish



mumkin emas. Bu **2-rasm. Quvurlarning korroziya tezligi**

quvur nosozliklari nazariyasini ishlab chiqish va aniq baholash usullarini ishlab chiqish uchun davom etayotgan tadqiqot dasturlarini rag'batlantiradi.

Yer osti trubasining korroziya tezligi bitta parametrdan ko'ra ko'plab tuproq xususiyatlarining natijasidir. Yer osti quvurlarining korroziya darajasi dastlab yuqori bo'lishi va ta'sir qilish vaqtining oshishi bilan asta-sekin kamayib borishi yaxshi ma'lum bo'lsada, o'ziga xos tuproqlarda korroziya tezligini aniqlash turli xil kimyoviy moddalar mavjudligi bilan murakkablashadi. Korroziyani o'rgangan ko'plab tadqiqotlar mavjud masalan, Gupta 1979; Mohebbi & Li, 2011; Mur & Hallmark va boshqalar. Ushbu tadqiqotlarning aksariyati sinov eritmalari yoki simulyatsiya qilingan tuproq eritmalariga yoki qisqa muddatli ta'sirga uchragan kichik namunalarga asoslangan. Misol uchun, aytilishicha, (Ferreira va boshq., 2007), tuproq eritmasi sinovlaridan olingan elektrokimyoviy ko'rsatkichlar dala kuzatuvlarida kuzatilgan. Dalada to'plangan korroziya ma'lumotlari ko'pincha turli muammolar bilan bog'liq bo'lganligi sababli (masalan, tuproq xususiyatlari haqida ma'lumot yo'qligi va quvurlar materiallari va o'lchamlari bo'yicha noaniqliklar, tuproq parametrlari va korroziya tezligi o'rtasida juda oz korrelyatsiya mavjud. Shuning uchun, ko'milgan quvurlarda korroziyaning xatti-harakatlarini va ta'sir etuvchi omillarni tushunish uchun haqiqiy tuproqda quvurlarning korroziyasini takrorlash uchun korroziya sinovlarini o'tkazish kerak. Bunda O'zbekiston hududida yangi zamonaviy texnologiyalardan foydalanishi kerak bo'ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston respublikasida ichimlik suvi ta'minoti va kanalizatsiya tizimlarini rivojlantirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida Prezident qarori PQ 40-40-son 30.11.2018
2. "Korroziyadan himoya qilish" O'quv qo'llanma H.B.Do'stov Toshkent-2019
3. Gupta, S. K., & Gupta, B. K. (1979). The critical soil moisture content in the underground corrosion of mild steel. *Corrosion Science*, 19(3), 171–178. [https://doi.org/10.1016/0010-938x\(79\)90015-5](https://doi.org/10.1016/0010-938x(79)90015-5)
4. S.M.Boboev, G'.Sh.Shukurov, Q.U.Bo'rlijev, M.R.Ismanxodjayeva "ISITISH" Toshkent «Yangi asr avlodi» 2008
5. Masharipovich, Q. U., & Karimovich, T. M. (2022). FACTORS OF DAMAGE CAUSED BY MOTOR VEHICLES TO THE ENVIRONMENT. *British Journal of Global Ecology and Sustainable Development*, 11, 187-195.

ZAMONAVIY ENERYIGA SAMARADOR BINOLAR QANDAY BO'LISHI KERAK?

Beknazarova Mahbuba Nortojoyevna
SamDAQI (doktorant 2 kurs)
Toshboyeva Hurshida Farhod qizi
Termiz muhandislik va texnologiya instituti
Arxitektura(turlari bo'yicha) 2-kurs talabasi

Har birimizga ma'lumki duyo miqyosida asosiy energiya (neft gaz va ko'mir) zaxiralari hisoblanadi. Ekspertlar hisob-kitobiga ko'ra energiya manbalari maksimal foydalanish davomiyligi 100 yilgacha davom etishi mumkin. Rivojlangan mamlakatlarda energiya iste'molining deyarli yarmi uy-joylarga to'g'ri keladi. Bino va inshootlarning energiyasamaradorligini yaxshilash resurslarni tejashning asosiy usullaridan biridir.


Dunyoda 1 kvadrat metr maydon uchun energiya sarfi yiliga 120—150 kVt/soatni tashkil etayotgan bir vaqtda, yurtimizda shuncha hajmdagi maydon uchun 390 kVt/soat energiya sarflanadi. Mutaxassislarning fikricha, kelgusi 10 yilda mamlakatimiz aholisi va iqtisodiyot tarmoqlarida elektr energiyasiga bolgan talab ikki barobar ko‘payadi. Shu bois, nafaqat elektr energiya ishlab chiqarish hajmini oshirish, balki barcha sohalarda energiyatejamkor vositalar hamda muqobil energiya manbalaridan keng foydalanishga kirishilgan. Insoniyat foydalanayotgan tabiiy energiya resurslari asta-sekin tugab boryapti, birlamchi yoqilg‘i-energetika resurslari qazib olish va qayta ishlash xarajatlari oshib, ulardan oqilona foydalanmaslik atrof muhitga salbiy ta‘sir ko‘rsatmoqda. O‘zbekistonda bu muammoning yechimi sifatida qurilishda innovatsion yondashuvlar asosida resurslardan samarali foydalanish ustuvor yo‘nalishlardan biriga aylangan. Hozirda amalga oshirilayotgan loyihalarning mazmun mohiyati shundan iboratki: bino va inshootlar konstruksiyalarining issiqlik ko‘rsatkichlarini yaxshilash, energiyatejamkor va kam uglerodli texnik yechimlarni joriy etish orqali turar joy sektorlarida energiya sarfini kamaytirish ko‘zda tutilgan. Energiyatejamkor uylar faqatgina quyosh panellari bilangina odatiy turar joylardan farqlanmaydi. Tashqi ko‘rinish jihatidan ularni standart xonadonlardan ajratish qiyin. Bunday uylarning loyihalsh tamoyili to‘liq energiya sarfini minimallashtirishga asoslangan. Bu ko‘proq qurilish jarayonida ko‘rinadi. Binoni ko‘tarishda boshidan oxirigacha issiqlik energiyasini tejovchi va qayta tiklanadigan energiya manbalari texnologiyalaridan foydalanadi. Masalan uyning tashqi devorlari bazalt tola asosidagi hamda mineral jun ko‘rinishidagi issiqlik izolyatsiyalash materiallari bilan qoplansa, polga penopleks kabi zamonaviy qurilish materiallari yotqiziladi. Uyning ichki qismi ham energiyasamarador deraza romlari, yoritish lampalari, issiqlik nasosi va rekuperatorlar bilan jihozlanadi. Binoning mustahkam izolyatsiyalangan tashqi konstruksiyasi qishda issiq, yozda esa salqinlikni saqlash barobarida, elektr energiya sarfini ham sezilarni darajada kamaytiradi. Energiyasamarador uylarda yillik energiya sarfi oddiy uylarga qaraganda 2.5 barobar kamroq hamda ekologiya va atrof-muhitni yaxshilashdagi o‘rni ham katta. Ularning kam uglerodli ekani atmosferaga tarqaladigan gazlari chiqindilarini kamaytirishga xizmat qiladi.

Bugun qurilish bozorida energiyasamaradorlik masalasi birinchi, ya‘ni eng muhim omilga aylanib ulgurdi va balki davlat ob‘yektlari qurilishida ham bu turdagi materiallardan foydalanishga katta e‘tibor qaratilmoqda. Xususan, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 14 noyabrda qabul qilingan «Qurilish sohasini davlat tomonidan tartibga solishni takomillashtirish qo‘shimcha chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi PF-5577-son Farmonida ham 2020 yil 1 yanvardan boshlab uy-joy qurilishi ob‘yektlari loyiha-tadqiqot va qurilish-montaj ishlarini bajarish bosqichida energiya-samarador va energiya-tejamkor uskunalar bilan majburiy ravishda jihozlanishi qat‘iy belgilab berilgan. Prezidentimizning 2019-yil 4-oktyabrdagi «2019-2030 yillar davrida O‘zbekiston Respublikasining yashil iqtisodiyotga o‘tish strategiyasini tastiqlash to‘g‘risida»gi qarori asosida energiyatejamkor qurilish materiallarini ishlab chiqarish bo‘yicha ishlar amalga oshirilmoqda. O‘zbekistonda ishlab chiqarilayotgan Ecover – milliy mahsulotlari uy, ofis va boshqa qurilish binolarida tom ostida ingichka qoplama, shift, devor, xonalar orasidagi devorlar, pol va podval uchun foydalaniladi hamda o‘zidan issiqlikni kam miqdorda o‘tkazishi sabab, binolarni qishda issiq, yozda salqin ushlab turishda eng zamonaviy yechim hisoblanadi. Mahsulotlari shovqinni ham yaxshi ushlaydi va namlikka bardoshli ekani bois hammom, sauna, oshxona, kafe va restoranlar, issiqxonalar, basseynlarda ham keng foydalaniladi.

Binolar issiqlik darajasi pasayishi quyidagi omillar sabab yuz beradi:

1. Tashqi devorlar 15-25%
2. Shamollatish 10-35%
3. Tom 10-15%

4. Deraza va eshiklar 15-25%
5. Kanalizatsiya 15-20%
6. Birinchi qavatning pol qismi 5-10% tashkil etadi.



Xulosa o‘rnida ushuni aytish mumkinki bugungi kunda zamonaviy texnologiyalar asosida energiyasamaradorligiga ega va tejamkor zamonaviy uylarni qurish - bu xayotiy zarurat xisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Hago Hens “Building Physics Heat, Air and Moisture”, Fundamentals and Engineering Methods with Examples and Exercises, 2nd Edition
2. Архитектурная физика : Учеб. Для вузов: Спец. Архитектура В.К.Лицкевич, Л.И.Макриненко, И.В. Мигилина и др.; Под ред, И.В. Оболепского М. : “Архитектура-С”.
3. Sagatov B. U. About transfer of effort through cracks in ferro-concrete elements //European science review. – 2016. – №. 7-8. – С. 220-221.
4. Ашрабов А. А., Сагатов Б. У. О передаче напряжений через трещины железобетонных элементах //Молодой ученый. – 2016. – №. 7-2. – С. 41-45.
5. Джураев У. У. Повышение технического состояния зданий и сооружений на основе поверочного расчета //Academy. – 2020. – №. 11 (62). – С. 70-74.

HEAT PUMPS AS ALTERNATIVE ENERGY: CHARACTERISTICS, STATUS AND PROSPECTS OF USE

Muzaffarov Abdusaid

Jizzakh polytechnic institute

Master's student of Engineering Communications

Abstract: Currently, heating and hot water supply of city buildings and objects is, as a rule, provided by centralized heating systems. In such systems, the source of thermal energy is municipal thermal power plants or district boiler houses that combine electricity and heat production. Although the advantages of centralized heat supply are widely recognized, their use also has disadvantages and limitations.

Key words: Turnstile energy, heat pumps, heat capacity, cooling capacity, energy conversion coefficient, transformation coefficient, heat pump energy balance.

Introduction: Alternative energy sources are environmentally friendly renewable resources that allow the conversion of electrical and thermal energy used for human needs. Such sources primarily include wind and sun, waters of rivers and seas, geothermal energy, as well as biofuel energy obtained from biological mass of animal and plant origin. In addition to traditional alternative energy sources, there are also the most interesting and environmentally friendly energy sources that can be recycled (according to an environmentally friendly lifestyle). Among them: 1) Energy from turnstiles. Using the flow of people as an innovative energy generator. Such generator-doors have already appeared in China and the Netherlands. Buyers visiting shopping centers, train stations, bus stations, subway passengers generate free electricity in this way. 2) Energy using road hills. Every day, hundreds of cars pass through the hills parked on the roads. The invention is a road slope generator consisting of two metal plates slightly raised above the road. An electric generator is laid under the plates, which generates current when the car goes over a slope. 3) Energy from a soccer ball. The principle of energy accumulation in a soccer ball is very simple: the kinetic energy generated by hitting the ball is transferred to a small pendulum-like mechanism that drives a generator. The generator produces electricity stored in a battery. 4) Energy of volcanoes. One of the main developments in the development of volcanic energy belongs to the researchers of the companies of AltaRock Energy and Davenport Newberry Holdings. Due to the decay of radioactive elements present in the planet's crust and the Earth's hottest mantle, salty water is poured into rocks with very high temperatures. When heated, water turns into steam, which is fed to a turbine that produces electricity. 5) Energy from human heat. The principle of thermoelectric generators working due to temperature difference has been known for a long time. A few years ago, technology began to make it possible to use the heat of the human body as a source of energy. A group of researchers from the Korea Institute of Advanced Science and Technology developed a generator built into a flexible glass plate. 6) Energy obtained from walking on pavement tiles. Each of the city's busiest streets receives up to 50,000 steps per day. With this in mind, to turn steps into useful energy, the British company Pavegen Systems Ltd. created paving slabs that generate electricity from the kinetic energy of pedestrian flow. 7) Energy from the bike. The American company Cycle Atom has launched a device that allows you to charge an external battery while cycling and then recharge your mobile devices. 8) Energy from waste water. One of the inventors of the idea was Bruce Logan, a professor at the University of Pennsylvania. The general concept is very difficult for a non-specialist to understand and is built on two pillars: using bacterial fuel cells, a reverse electrodialysis process occurs, where the bacteria oxidize the organic matter in the wastewater, and in this process, electrons are generated, resulting in an electric current. . Heat pumps are energy-efficient structures that use the renewable energy of the earth's natural resources - heat from soil, water and air (Fig. 1). By regulating the pressure through the expansion valve, such a flow of cooling water is established in the evaporator, which provides an accurately calculated boiling temperature; when boiling, the cooling water takes the heat provided by the collector from the environment. The gas formed from the cooling liquid is poured into the compressor, where it is compressed and, after heating, is released into the condenser. The condenser is the heat-returning element of the heat pump. Heat is transferred to the water in the heating circuit, the gas cools and turns into a liquid again. The refrigerant is compressed in the expansion valve and returns to the evaporator. The work cycle starts from the beginning.

The device consists of:

- external circuit with a heat carrier;
- internal circuit with cooling water;
- evaporator;

➤ compressor;

➤ condenser;

➤ expansion valve. Figure 1. The principle of operation of the heat pump The principle of operation is as follows. The non-freezing liquid moves along the outer contour of the heating system and absorbs heat from the environment.

In the pump, this liquid gives about 5 °C to the cooler and continues to circulate. Refrigerant boils (at -10 °C) and turns into a gas; the compressor compresses the gas, which increases the temperature. After entering the heat exchanger, this gas gives heat to the internal heating circuit, cools itself, turns into a liquid again and returns to the evaporator.




Figure 1. The principle of operation of the heat pump The principle of operation is as follows. The non-freezing liquid moves along the outer contour of the heating system and absorbs heat from the environment. In the pump, this liquid gives about 5 °C to the cooler and continues to circulate. Refrigerant boils (at -10 °C) and turns into a gas; the compressor compresses the gas, which increases the temperature. After entering the heat exchanger, this gas gives heat to the internal heating circuit, cools itself, turns into a liquid again and returns to the evaporator. Like a refrigerator, a heat pump consumes a certain amount of energy in a thermodynamic cycle. Depending on the type of heat pump, the method of their installation differs. For example, the air water pump does not require drilling of wells and earthworks. The system also uses freon. The external circuit of the heat pump can absorb energy from different environments: earth, water, air. Labor costs for its creation depend on the type of pump and its configuration. It is the most difficult to organize an underground water pump whose external contour is located horizontally on the ground, because it requires a large amount of earthwork. If there is a reservoir near the house, it makes sense to make a water-to-water heat pump. In this case, the outer contour is simply lowered into the pool. According to the operational functions of heat pumps, we conditionally distinguish four main categories:

- Heat pumps used year-round for both heating and air conditioning. The most common are reverse air-air machines. Heat pumps use hydraulic circuits to distribute heat and cold, and they can provide both modes of operation at the same time.

- Integrated systems based on heat pumps that provide heating, cooling, hot water, and sometimes exhaust air removal for buildings. However, the water can be heated by superheat

supplied from the gas compressor or by a combination of superheat and recovered heat from the condenser. It is recommended to use only the overheating option.

Heat pumps designed only for water heating. Most often, they use ambient air as a heat source, but they can equally use exhaust air. Heat pumps differ according to the heat source:

- geothermal: the device uses heat from soil, underground or surface groundwater. Information about the cost of this device and installation of geothermal heat pumps for heating is very large; however, the solution is advantageous in terms of operating costs. The reason for this is that the temperature of the deep ground is constant and high even in winter, which means that the price of electricity is low;


- water: a device with a collector located in a ring or zig-zag form in a reservoir below the freezing depth. The lowest priced option. The disadvantage is the requirements for the volume and depth of water for a certain region;

- for heating, the air heat pump uses air as a heat source. Air source heat pumps are not efficient everywhere because they depend on wind power. They are installed in a windy place;


- use of secondary heat: heat sources for them are sewage and other water resources.

Performance characteristics of the heat pump. The heat pump is characterized by the following indicators: heat capacity Q_{kon} (heat energy released during condensation of the vapor of the working substance in the condenser per unit of time); cooling capacity Q_{evap} (heat energy transferred to the working substance during evaporation in the evaporator per unit of time); power P_{kon} is used to spend the working substance in the pump and the energy conversion coefficient μ_{INB} . The energy efficiency of the heat pump unit (ISB) is estimated by the transformation coefficient, which is the ratio between the heat power received in the condenser for the unit of time and the power consumption P_{kom} by the compressor drive: $\mu_{INcB} = \frac{Q_{okkn}}{P_{kom}}$. The transformation coefficient is greater than one, and the higher it is, the smaller the amount of additional energy consumed by the compressor. Usually it is equal to 2...4, that is, for 1 kWh of energy spent on driving, 2...4 kWh can be obtained by using a low-level energy source. The higher μ_{INB} , the more efficient the heat pump is. The transformation coefficient depends on: - the temperature difference between a low-level heat source and a high-potential heat source; the higher it is, the lower the efficiency; - thermodynamic characteristics of the refrigerator; - properties of the thermodynamic cycle; - technical excellence of heat pump design. The energy balance of the heat pump is determined as follows: $Q_{kon} = Q_{bug'} + P_{kom}$. Here, Q_{kon} is the heat received in the condenser (condensation heat of the working body), kW; Q_{steam} - the heat obtained from the low-potential environment in the evaporator (the heat obtained by the boiling of the working body in the evaporator), kW; P_{kom} - work (power) spent on the compressor kW. The state of heat pump use in foreign countries. The production of heat pumps in each country is primarily aimed at meeting the needs of its domestic market. For heating and summer air conditioning, air-to-air heat pump devices are most common in the USA, Japan and some other countries, while water-to-water and water-to-air pumps dominate in Europe. In Sweden and other Scandinavian countries, the availability of cheap electricity and the widespread use of district heating systems have led to the development of large heat pump installations. In the Netherlands, Denmark and other countries of this region, the most convenient type of fuel is gas, so gas-fired and absorber heat pumps are developing rapidly.

Global heat pump market, different systems by size of use There are millions of heat pump units in



the United States, and more than half of them are in residential and commercial use. The most common are reverse air-to-air heat pump units, which have an electric machine for year-round moderation in rooms. More than 50 companies produce heating devices, 30% of newly built houses, for example, cottages, are equipped with heat pump devices.



Air-to-air and air-to-water heat pump usage (sales) indicators Although sales of heat pumps are lower than those of air conditioners, their sales have also increased. Sales of heat pumps grew by a record 16% year-on-year last year, a trend the International Energy Agency attributes in part to last year's extreme weather and heatwaves across the planet. Since the beginning of the 80s in Sweden, the development of heat pump devices has continued very rapidly. This country is distinguished by the use of large installations with a thermal capacity of more than 30 MW. A low-level heat source is mainly treated wastewater, seawater, and industrial wastewater. The largest of these heat pump installations are located in Malmö (40 MW), Uppsala (39 MW) and Orebro (42 MW). In Germany, there are hundreds of thousands of heat pump units used in water and air-based heating and air-conditioning systems. Electric heat pumps dominate. In addition, they use hundreds of high-powered units driven by diesel and gas engines. Heat sources are air (external and exhaust), soil, water, etc.

Conclusion

Many years of experience in the practical operation of heat pump heating systems in foreign countries, technical and economic bases of their implementation in real small and large construction facilities located in dense cities and rural areas, and design studies show the wide possibilities of effective use. Shows application of heat pump systems and provision of significant economic, energy savings and environmental impact as a result of their use. An additional potential for increasing the efficiency of heat pump use is the possibility of using them not only for heating and hot water supply, but also for air conditioning, including indoor air humidity monitoring and control, and in a number of technological processes. This is done using reversible heat pumps that allow you to change the direction of the heat flow.

References

1. Heat pumps. Use in residential buildings for heating, hot water supply, air conditioning and ventilation 2011 Retrieved from: <https://refdb.ru/look/1051428-p3.html>
2. European heat pump market Retrieved from: https://www.abok.ru/for_spec/articles.php?nid=6506
3. Kalnin I M, Lazarev L Ya and Savitsky A I Energy-saving, environmentally friendly technologies for heat supply of industrial and residential premises Retrieved from: <http://ekip.tnu.ru/doc1.shtml>
4. Yeskendirov A N Heat pumps as an effective way to save energy Retrieved from: http://kazatu.kz/assets/i/science/sf14_energo_121.pdf

MUQOBIL YOQILG'ILARDAN FOYDALANISH ZARURIYATI

JizPI talabasi: Yu. Isomov

JizPI o'qituvchisi: G.X.Xudoyberdiyeva

Yoqilg'i zaxiralarining kamayib borishi bilan bir qatorda alternativ yoqilg'ini ishlab chiqarishning yana bir qancha sabablari bor. Ulardan biri atrof-muhitning ifloslanishi. Yoqilganda benzin va dizel yoqilg'isi ozon qatlamini buzadigan zararli moddalarni chiqaradi va nafas olish yo'llari kasalliklarini keltirib chiqaradi. Shu sababli, olimlar ekstraksiya bosqichida ham, dvigatelning ishlashi paytida ham atrof-muhitga minimal ta'sir ko'rsatadigan toza energiya manbasini yaratish ustida ishlamoqdalar.

Hamma joyda gazlashtirilishi muhandislarni uni muqobil yoqilg'i sifatida ishlatilishi mumkinmi deb o'ylashga undadi. Ma'lum bo'lishicha, ushbu tabiiy resurs butunlay yonib ketadi va benzin yoki dizel yoqilg'isidek zararli moddalar chiqarmaydi.

Biyoyoqilg'i benzin, gaz va dizel yoqilg'isidan farqli o'laroq, yonish paytida karbonat anhidrid chiqarmaydi. Bunday holda, o'simliklar tomonidan so'rilgan uglerod ishlatiladi.

Buning yordamida issiqxona gazlari barcha tirik organizmlar hayoti davomida ajralib chiqadigan miqdordan oshmaydi. Bunday yoqilg'ining afzalliklari oddiy yoqilg'i quyish shoxobchalarida yonilg'i quyish imkoniyatini o'z ichiga oladi.

Ko'rib chiqilayotgan yoqilg'i alohida yoqilg'idan ko'ra toifadir. Masalan, hayvonot va o'simlik chiqindilarini qayta ishlash natijasida metan va etanol ishlab chiqariladi. Arzonligi va ishlab chiqarish qulayligi (murakkab qayta ishlash uskunalari bo'lgan neft burg'ulash uskunalari kerak emas) bo'lishiga qaramay, ushbu yoqilg'ining kamchiliklari bor. Muhim kamchiliklardan biri shundaki, yetarli miqdordagi yoqilg'ini ishlab chiqarish uchun katta miqdorda plantatsiyalar talab

qilinadi, ular tarkibida mos moddalarning yuqori foizini o'z ichiga olgan maxsus o'simliklar yetishtirilishi mumkin.

Biodizel o'simliklardan tayyorlanadi. Ushbu yoqilg'iga ba'zan metil efir deyiladi. Yoqilg'i ishlab chiqarish uchun ishlatiladigan asosiy xom ashyo kolza hisoblanadi. Biroq, bu biodizel uchun manba bo'lgan yagona ekin emas. U quyidagi ekinlarning moylaridan tayyorlanishi mumkin: Soya; Kungaboqar; Xurmo.

Vodorodni arzon yoqilg'i sifatida ishlatishga ham urinishlar qilinmoqda. Bunday ishlanmalar oddiy foydalanuvchi uchun juda qimmat bo'lsa-da, bunday ishlanmalarning kelajagi bor ekan. Bunday element qiziqish uyg'otadi, chunki u sayyorada eng qulaydir. Yonishdan keyin chiqindilar faqat suv bo'lib, uni oddiy tozalashdan keyin ham ichish mumkin. Nazariy jihatdan, bunday yoqilg'ining yonishi natijasida parnik gazlari va ozon qatlamini buzadigan moddalar hosil bo'lmaydi. Biroq, bu hali ham nazariy jihatdan. Amaliyot shuni ko'rsatadiki, vodoroddan foydalanish katalizatorsiz mashinada benzina qaraganda ancha zararli. Muammo shundaki, silindrda toza bo'lmagan havo va vodorod aralashmasi yonadi. Silindrning ish kamerasida havo va azot aralashmasi mavjud. Va bu element oksidlanganda zararli moddalardan biri - NO_x (azot oksidi)ni hosil qiladi.

Elektr transport vositalari. Ular atrof-muhitni ifloslantirmaydi, chunki elektr motorida umuman chiqindi yo'q. Eng katta kamchiliklardan biri bu batareyaning quvvati. Eng yuqori sifatli ishlashda bitta quvvat olish maksimal 300 km uchun etarli. "Yoqilg'i quyish" uchun bir necha soat vaqt ketadi, hattoki tez zaryadlash yordamida ham.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

3. N.G.Pevnev, A.P.Yelgin, L.N.Buxarov, "Texnicheskaya ekspluatatsiya gazobalonnix avtomobiley".
4. Axmetov L.A., Ivanov V.I., Erosov V.I. "Ekonomicheskaya effektivnost I ekspluatatsionnie kachestva gazobalonnix avtomobiley"
5. B.I.Bazarovnig "Nauchnie osnovi energo-ekologicheskoy effektivnosti"
6. Q.M.Siddiqnazarov, U.V.Ahmedov "O'zbekiston avtotransporti o'tmishda va istiqloq yillarida"

ZAMONAVIY ENERGIYA TEJOVCHI OYNALAR

Eshqulov Nuriddin O'ktam o'g'li JizPI assistenti,

Jumanov Ilyos Boborajab o'g'li JizPI assistenti

Karimova Mohinur Shukur qizi talaba

Annotatsiya: Maqolada, zamonaviy energiya tejoychi oynalarning xonalardagi issiqlikni tejash samaradorligi bo'yicha hisob ishlari va oddiy oyna va zamonaviy energiya tejoychi oynaning solishtirma jadvallar keltirilgan.

Аннотация: В статье представлены расчеты эффективности современных энергосберегающих окон в сбережении тепла в помещениях и сравнительные таблицы обычных окон и современных энергосберегающих окон.

Zamonaviy qurilish materiallarini ishlab chiqarish va ulardan samarali foydalanish bugungi kunga kelib, dolzarb muammolardan biri bo'lib qolmoqda. Qurilish materiallari sanoatida yetakchilikka erishgan va bugungi kunga kelib butun dunyoga o'zining osmon o'par binolari bilan nom tarqatgan, Dubay shahri binolarining tashqi ko'rinishini oyna tashkil etsada, iqlim qanchalik jazirama issiq bo'lishiga qaramay ko'p elektr energiyasini sarf etmay turib, bino ichkarisida salqin havo haroratini ta'minlashga muvaffaq bo'lmoqdalar. Buning asosiy sababi, o'rganilganida shu ma'lum bo'ldiki, Dubay shahridagi bino romlarining oynasi energiya tejoychi oyna bilan ta'minlangan ekan. Xo'sh, biz ham energiya tejoychi oyna o'rnatib, yoz mavsumida qanday qilib

energiyani tejashga erishamiz? Tajribalar va izlanishlari natijasida, shu ma'lum bo'ldiki, energiya tejovchi oyna qo'yilgan xonaga nisbatan oddiy oyna qo'yilgan xonani salqinlatishga 40 foiz ko'proq elektr energiyasi sarf etilar ekan.

Energiya tejovchi oyna bu – oynani yaratishda vakuum kamerasida magnitron usulda kumush, titan, nikel xrom kabi metall oksidlarini 7-qavatdan, 10-qavatgacha sepish orqali oynada maxsus qoplama yuzaga keladi. Bu qavatlar kalitligi shunday darajada yaratilganki, buning hisobiga oyna maksimal darajada nur o'tkazish, shuningdek, quyoshning infraqizil nurlarini hamda issiqlikni to'sish xususiyatiga ega bo'ladi, oddiy oyna esa kvarts qumi, soda, ohak va siniq oyna bo'laklarini qo'shish orqali tayyorlanadi. Tarkibida hech qanday metall oksidlari bo'lmagani



hisobiga oyna energiya tejovchi xususiyatga ega emas.

1-rasm. **Energiya tejovchi oyna.**

Quyida oddiy oyna o'rnatilgan xonadonda yoz mavsumida havo sovutkich uchun sarf bo'ladigan elektr energiyasining sarf xarajatini ko'rishingiz mumkin:

100 kv.m joyni salqinlatish uchun – 6,8 kv/s elektr energiyasi sarf bo'ladi. Yoz mavsumida 100 kv.m maydoniga ega bo'lgan xonadonni salqinlatish uchun kun davomida o'rtacha 6 soat havo sovutkichni yoqib qo'ysak, elektr energiyasiga bo'ladigan sarf xarajat:

$$6,8 \text{ kvt/soat} * 6 \text{ soat} = 4080 \text{ kvt/s}$$

Bir kunda havo sovutkich uchun 4080 kv elektr energiyasi sarf etilar ekan.

$$4080 \text{ kv/s} * 295 \text{ so'm/kVt.s} = 1\ 203\ 600 \text{ so'm}$$

Yoz mavsumida havo sovutkich uchun 1 203 600 so'm sarf qilar ekanmiz. Agar, xonadonga energiya tejovchi oynalarini o'rnatangiz 40 foizgacha iqtisod qilasisz.

$$1\ 203\ 600 \text{ so'm} * 40\% = 481\ 440 \text{ so'm.}$$

Qish mavsumida xonani isitish xarajatlari to'xtalar ekanmiz, bugungi kunga kelib O'zbekiston Respublikasida 1kv.m maydonni isitish uchun 183,2 kv/s elektr energiyasi sarf etiladi. Ushbu holatni, Shvetsiya va Finlyandiya misolida aytadigan bo'lsak, 135 kv/s ni tashkil etadi. Bunga sabab, Shvetsiya va Finlyandiyadagi 90 foiz xonadon va bino romlari energiya tejovchi oyna bilan jihozlangan. Shu sababdan ham yuqorida nomi keltirib o'tilgan davlatlar bizga nisbatan 40 foiz kamroq elektr energiyasini sarf etmoqdalar (1-jadval).

1-jadval

T/r	Sarflanayotgan energiya bir soatda kv/soat	Issiqlik kunlar (20<t<0)	Sarflangan energiya kv/soat	Tejalayotgan energiya kv/soat
1.	6,8 (oddiy oyna)	100	4080	0
2.	6,8 (energiya tejovchi oyna)	100	2448	1632

Oddiy oyna o'rniga energiya tejovchi oynadan o'rnatish, ushbu muammoni bartaraf etish barobarida, qish mavsumida xonadoningizda doimiy issiq havo harorati bo'lishini ta'minlaysiz. Zamonaviy energiya tejovchi oyna, xonadondan oyna orqali tashqariga chiqib ketayotgan issiqlikni 87 % gacha xonada saqlab qoladi, tashqariga chiqib ketishiga yo'l qo'ymaydi. Xonani isitish uchun

ma'lum darajada elektr energiyasi sarf etiladi, xona harorati isiydi va mana shu issiqlik xonada saqlanib qoladi, endilikda isitish uchun ortiqcha elektr energiyasini sarf etmaysiz. Bu orqali maksimal darajada elektr energiyasini va iqtisodiy mablag'ni tejashga erishamiz.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. I.I.Qosimov "Arzon zamonaviy qurilish ashyolari". Arxitektura, qurilish yo'nalishida o'qiyotgan magistrantlar uchun darslik va yosh tadbirkorlarga qo'llanma. Cho'lpon nomidagi nashriyot – matbaa ijodiy uyi. Toshkent – 2017.

2. N.A.Mahmudova, H.N.Nuritdinov "Pardozlash va issiqlik izolatsiya materiallar" O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi tomonidan qurilish sohasi oliy o'quv yurtlari uchun o'quv qo'llanma sifatida tavsiya etilgan. "Noshir" Toshkent-2010.

INTERYERDA DEVORIY SURATLARNING QO'LLANILISH TAMOYILLARI VA RIVOJLANISH TARIXI

Jizax Politexnika Instituti
Nabiyeva Dilbarxon Murodjon qizi
Abdusamatov Ne'mat Inomovich
Nematabdusamatov0@gmail.com

O'zbekistonda mahobatli rangtasvir san'atini rivojlansh tarixini o'rganish va ularni zamonaviy interyerlarda qo'llash tamoyillarini ishlab chiqish. O'zbekiston arxitektura muhitlarida yangi zamonaviy uslub va texnologiyalardan foydalanish zamonaviy yechimlarida badiiylikni qo'llash va innavatsion texnologik vositalardan foydalangan holda uslublarni qo'llash, tamoyillarini o'rganish O'zbekistonda mahobatli rangtasvir san'atini takomillashtirish masalalarini tatqiq etishga qaratilgan. Bugungi kunda arxitektura me'morchiligi va mahobatli tasviriy san'at rivoj topishiga imkoniyatlariga keng yo'l ochilmoqda va bu imkoniyatlar shahar qurilishi loyihalari, aholi punktlarini loyihalashning har bir sohasida amal qilina boshladi.

Dunyo mamlakatlarining arxitektura va monumental tasviriy san'at namunalari yillar davomida o'zining salovatini va qadrini yo'qotmagan.

Florensiyalik Leonardo da Vinchi (1452,1519) me'mor sifatida Milanda bir qator surat va Proektlar ishladi. «qordagi madonna» (1483,1494), «Sirli oqshom» (1495,1497) Kabi mashqur asarlarini yaratdi. Mikelanjeloning «Zina oldidagi madonna» (1492), «Kentavrlar janggi» (1494) «Vakx haykali» (1498) Rimda yaratilgan «Peta» («Isoga aza tutish», 1498,1501) «Dovud» san'atkorning marmardan ishlangan birinchi mustaqil asarlaridir.

V- VII asrlarda O'rta Osiyoda jamiyati ijtimoiy - iqtisodiy ahvolining rivojlanishida ko'tarilish kuzatiladi. Madaniy-ma'naviy va mafkuraviy yuksalish bilan bir qatorda, san'at va arxitektura ham birmuncha taraqqiy etadi. Bu davrga mansub Afrosiyob, Bolaliq tepa, Varaxsha, Panjakent devoriy rangtasvirlari san'atining yuqori darajada taraqqiy etganligining namunasidir.

Afrosiyob devoriy rangtasviri garchi badiiy- uslubiy hamda ma'naviy jihatdan o'sha davrdagi Sug'diyona va Turkiston o'lkalari arxitekturalarining badiiy bezak ishlarida joriy bo'lgan devoriy-monumental rangtasvirchilik bo'yicha umumiylikka ega bo'lsada mavzui jihatdan tubdan farq qiladi. Afrosiyob tasvirlari mavzulari hukmdorning mavqei, shonu-shavkati, shijoat, Maroqli ov, Sug'diyonacha mehmondorchilik, tantanavorlik kabilarga bag'ishlangan bo'lib, badiiy jihatdan yuqori darajada ifodalilikka, kasbiy mahorati esa o'z davriga va hatto zamonaviy no'qtai-nazardan qaralganda ham beqiyos mohirona bajarilgan.

1997 yilda O'zbekiton Badiiy Akademiyasining tashkil etilishi Respublika madaniy hayotida muhim voqea bo'ldi. Uning faoliyati badiiy ta'lim, ko'rgazma ishlarini takomillashtirish va badiiy meros hamda zamonaviy san'atni targ'ib qilish istiqbolini ta'minlashga yo'naltirildi.

Akademiklar orasida ustoz rassomlar – faxriy akademiklar Raxim Axmedov, Abdulhaq Abdullayev, Ne'mat Qo'ziboyev, Mannon Saidov, Ro'zi Choriyev, Malik Nabiyevarlar hamda Akademiyaning Haqiqiy a'zolari – Vladimir Burmakin, Akmal Ikromjonov, Tursunali Qo'ziyev, Toxir Mirjalilov, Javlon Umarbekov, Jo'liboy Izintayev, Lekim Ibragimov, Baxtiyor Boboyev, Yigitali Tursunnazarov, Samig' Abdullayev, Akmal Nur va boshqalarni borligi ham tasviriy san'atni ko'lami nechog'li yuqori darajaga ko'tarilganligini bildiradi. Turli avlod rassomlaridan iborat bo'lgan akademiklar tarkibi ramziy ma'noda tasviriy san'atning XX asrda bosib o'tgan turli xil uslubiy yo'nalishlarini, o'ziga xos taraqqiyot yo'lini ifoda etadi.

Tasviriy va badiiy vositalarni shaharsozlikda uyg'unlashtirishda yangi ramziy shakllar va an'analar shakllanayotganligi aniqlandi. Respublika, viloyat, shahar, tuman va boshqa aholi punktlarining badiiy qiyofasida umummetodologik yondoshuv bo'lishi kerak. Aholi yashash punktlari tizimidagi asosiy ramzlarni quyidagi ierarxik joylashtiruv tavsiya etiladi:

Ichki muhitda - jamoat binolari intererlarida O'zbekiston tabiati me'moriy yodgorliklari, zamonaviy arxitektura va landshaft dizayniga oid pannolar qo'llanilishi tavsiya qilinadi.

Tarixiy muzeylarda saqlanib qolmagan tasviriy-badiiy vositalar (DS, eksterer) qismlarining dastlabki yaqqol tasviri, maketi (maket-mulyaj usuli) qo'llanilishi lozim. Me'morchilikda tasviriy va badiiy vositalarni uyg'unlashtirish aholi punktiga kirish joyidan boshlab, har bir bino oldi, fasadi, intererlarigacha yagona g'oyaga asoslanishi maqsadga muvofiq.

Adabiyotlar;

1. Mirziyoyev Sh.M. Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib – intizom va shaxsiy javobgarlik har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak. T. "O'zbekiston", 2017y.
2. Mirziyoyev Sh.M. Harakatlar strategiyasi. 2017-2021 yillarda O'zbekiston respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha harakatlar strategiyasi. Uslubiy risola. T. 2017y.
3. Всеобщая история архитектуры. в 12-ти томах. -М.1966-77 гг.
4. 3.E.M. Muxamadiyev Sh.E. Muxamadiyeva. Arxitektura tarixi Samarqand. 2019.

SIHATGOHLARNING ARXITEKTURAVIY VA DIZAYN YECHIMINI TADQIQ QILISHDA GEOGRAFIK LANDSHAFT SHAROITLARINI O'RNI

231-20 Arx. guruh talabasi Omondullayev Azizbek,
Abdusamatov Ne'mat Inomovich – assistent,
Jizzax politexnika instituti, jizzax shahri.

Inson hayoti davomida erning barcha boyligi – ziynatlaridan foydalanar ekan, eng avvalo o'zini o'rab turgan tirik va sun'iy tabiatdan ehtiyojiga qarab, to'g'ri va oqilona foydalanishni bilishi shart. Shundagina inson omili er planetasi uchun yaratuvchi sifatida haqqoniy o'rin tutadi. Buning uchun esa u erning qatlamlarini, litosferasini va atmosferasining ilmiy tahlil qilish imkoniyatini yaratishi lozim.

Er sharining istalgan joyidagi landshaft ob – havo ta'siridan o'zgaradi. Bunga qo'shimcha, o'simlik dunyosining keng ko'lamda tarqalishi, ba'zan hatto inson qo'li bilan kiritilgan o'zgartirishlar ham tabiiy landshaftning keskin o'zgarishiga olib keladi.

XVII asrga qadar tog'larga bo'lgan ilmiy munosabat unchalik ham jiddiy emas edi. Lekin XX asr boshlariga kelib har bir tog' o'zining geomorfologik, geologik, tektonik va geometrik xarakteristikasiga ega bo'ldi.

Tog'larning asosiy xarakterli belgilaridan biri er sathining o'rtacha tekisligidan kamida 700 metr bo'lgan, ya'ni nisbatan baland cho'qqili va qobirg'ali rel'efidir.

Geologlar ko'pincha tog'larni ularning murakkab jinsligiga qarab aniqlashadi. Bunda rel'ef omiliga e'tibor berilmaydi. Aslida ko'pgina murakkab jinsga ega bo'lgan tog'lar sodda strukturadan tashkil topgan bo'lishi ham mumkin. M: markaziy vulqon ta'siridan paydo bo'lgan tog'lar shular jumlasiga kiradi.

Sanatoriya – kurort majmualarini landshaftini loyihalash asoslari. Landshaft haqidagi nazariya va tabiiy omillar har qanday loyihaning landshaft qismida inobatga olinib, loyihalananayotgan sanatoriya – kurort ob'ektning muhiti, ekologiya va tabiatning estetik funksional elementlarini loyihada o'z o'rnida ifoda topishi uchun xizmat qilishi lozim.

Shuning uchun ham landshaft loyihalashning asosida tabiiy unsurlardan kompleks ravishda foydalanib, arxitekturaviy va tabiiy kompozitsiyalar majmuasida haqiqiy ma'noda, to'kis loyiha yaratish yotadi. Bunday to'kis loyiha faqatgina landshaft arxitektori ijodiga mansub bo'lib, uning ko'pyillik tajribasi, tabiat unsurlarini arxitektorlarga xos ravishda anglashi va loyihaning kompozitsion va texnik usullarini chuqur bilishigina bunday ishga qo'l urishiga imkon yaratadi.

Hozirgi zamon arxitekturasini landshaftsiz tasavvur qilish aslo mumkin emas. Buni hatto eramizdan oldin o'tgan Rim arxitekturasi nazariyotchisi Mark Vitruviy Pollion aytganidek: "Arxitektura – avvalo foydali mustahkam va go'zallikni mujassamlashtiruvchi ijoddir". Ya'ni arxitekturaviy ijod uchta asosiy komponentdan (tashkil etuvchilardan) iborat: "ilm, texnika va san'at".

Odatda loyihalananayotgan sanatoriya – kurort majmualari ko'p hollarda tabiiy landshaft yordamida manzaralanadi. Chunki har qanday sanatoriyaga kelgan dam oluvchi vaqtini tabiiy manzarasi go'zal, havosi sof va suvi shifobaxsh bo'lgan joylarda o'tkazgisi keladi. Lekin bunday imkoniyat hammada ham mavjud emas. Buning asosiy sababi xalqning iqtisodiy va ijtimoiy ahvoriga kelib taqaladi.

Ilmiy nuqtai nazardan landshaft tushunchasi ma'lum maydonning tabiiy saqlangan kopleksi bo'lib, unda mazkur joy, uning rel'efi, ob – havosi, tuproq tarkibi va sharoiti hamda biotsenoz omilini ifodalaydi.

Biotsenoz – o'z navbatida o'simlik, jonivorlar va quruqlik hamda suv havzalarida yashayotgan mikroorganizmlar majmuasidir. Biotsenoz biogeotsenozning ajralmas qismi bo'lib, ma'lum bir maydondagi tirik va notirik mavjudotlarning bir – biri bilan moddalar almashinuvi hamda energiya almashinuvi jarayoni bilan bevosita bog'lanishidan iboratdir.

Hozirgi davrda tabiiy landshaftdan farqli o'laroq antropogen landshafti tushunchasi ham paydo bo'ldi. Bunday landshaftga odatda faqat inson qo'li bilan yaratilgan landshaftga aytilib, u o'z navbatida:

- a) madaniy landshaft;
- b) rekreatsion landshaft;
- v) qo'riqxonalar landshafti.

Madaniy landshaft, ya'ni insonlarga madaniyat yunalishida bevosita muhit yaratadigan landshaftga faqat birgina, u ham bo'lsa insonning jismoniy va ruhiy holatini ijobiy ta'minlashga qaratilgan muhitga aytiladi. Bunday landshaftning asosini shahar landshaftidagi tadbirlar tashkil etadi.

ADABIYOTLAR

1. Inomovich, A. N. (2021). Principles of Reconstruction and Formation of Residential Buildings Typical of Historical City Centers. European journal of innovation in nonformal education, 1(2), 29-40.

2. Inomovich, A. N. (2022). Hardening of Cement and Its Kinetic Features. EUROPEAN JOURNAL 3.OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY, 2(1), 26-29.

Inomovich, A. N. (2021).

4. CHARACTERISTICS OF HISTORICAL SAMARKAND CITY CENTERS. International Journal of Discoveries and Innovations in Applied Sciences, 1(5), 155-158.

SIHATGOHLARNI LOYIHAVIY REJALASHTIRISHDA ZAMONAVIY TEKNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH

**Jizzax politexnika instituti 231-22 Arxitektura
guruhi talabasi Norboyeva Sevinch Ulug'bek qizi
Jizzax politexnika instituti Arxitekturaviy loyihalash
kafedrası o'qituvchisi Kuldashev Ergash Nurmurzayevich**

Ma'lumki, har bir xalqning o'z - urf odatlari va ananalari bor. Ular orasida tarixan taraqqiy etib kelib, ko'p asrlar davomida sinovdan o'tgan va shu kungacha qo'llanilib kelinayotganlari ham bor. Shunday urf – odatlarning biriga ko'p funksiyali suv-ko'ngilochar sog'lomlashtirish markazlarini tashkillashtirish kiradi. Ko'p funksiyali sog'lomlashtirish markazlari xizmatlaridan butun dunyoda foydalanishadi, ammo ularning shakllanish tarixi, arxitekturasining rivojlanishi va amalga oshiriladigan funksiyalari, turli xalqlarda turlicha bo'lgan. SHunga muvofiq ravishda, ko'p funksiyali, sog'lomlashtirish markazlari bir-biridan farqlanib, o'zlarining mahalliy xususiyatlari, nomlari va arxitekturaviy-tipologik xususiyatlariga ega bo'lgan va o'ziga xos mahalliy sharoitlar, aholining turmush tarzi, ob-havo, qurilish materiallarining mavjudligi va tarixan yuzaga kelgan sog'lomlashtirish an'analari shakllantirilgan. Ba'zi tarixiy davrlar misolida kshp funksiyali sog'lomlashtirish komplekslarining tarixiy shakllanishini ko'rib chiqamiz. Insoniyatning butun tarixi davomida, dam olish funksiyalari turli ko'rinishlarga ega bo'lgan. Har bir davr muayyan ijtimoiy munosabatlar bilan tavsiflangan holda, mazkur shakllarga o'ziga xos ko'rinish bergan.

Tabiiy omil – odamlar tomonidan mahalliy termal, dengiz va mineral suvlariga ega shifobaxsh suv havzalari kashf etilishi.

Yunon sivilizatsiyasining so'nggi davrida suvdan shaxsiy gigiena va relaksatsiyasi uchun foydalanishga hamda jamoat hammomlari sport majmualari tarkibida qurilgan.

Rimliklar yunonlarning cho'milish amaliyotidan kelib chiqib, ko'p funksiyali hammom inshootlarini, sport, ma'rifat va relaksatsiya funksiyalariga ega majmualarni qurganlar. Yunonistonda bo'lgan kabi, Rim hammomlari jamiyatning ijtimoiy va ko'ngilochar faoliyati uchun muvofiqlashgan markazlarga aylangan.

Ijtimoiy omil. Yuqoridagilardan shunday xulosaga kelish mumkinki, suv protseduralari madaniyatining paydo bo'lishiga ta'sir ko'rsatgan mazkur omil jamoatchilik, ya'ni odamlarning suv orqali poklanib, jismoniy va ma'naviy salomatligini yaxshilashga intilishidir va bu ularning ijtimoiy hayotining markaziga aylangan.

Rim termlari o'zining masshtabi bo'yicha yunon hammomlaridan o'zib ketgan. Bu ko'p sabablarga ko'ra sodir bo'lgan: shahar aholisining ko'pligi, suv quvurlari va akveduklar qurilishi, seientning ixtiro qilinishi. Shunga asosanib xulosa qilish mumkinki, suv madaniyatining rivojlanishiga quyidagi omillar ham ta'sir ko'rsatgan: **urbanistik** – shaharlar urbanizatsiyasi, shahar aholisining o'sib borishi va oqibatda ko'p sonli ko'ngilochar sog'lomlashtirish muassasalariga muhtojligi oshgan; shuningdek, texnologik taraqqiyot omili – qurilish va arxitekturani yangi sifat darajasiga ko'tarishga imkon bergan.

Amerika Qo‘shma Shtatlarida Amerika inqilobidan keyin, suv-sog‘lomlashtirish sanoati yanada ko‘proq mashhurlikga erishadi. Kurortlarda yaxshi tashkil etilgan dam olish maskanlarida – suzish basseynlari, baliq ovlash, ov qilish, otda sayr qilish va suv-ko‘ngilochar sog‘lomlashtirish uchun barcha shart-sharoitlarni o‘z ichiga olgan. Virjiniya shtatidagi kurortlar, ayniqsa “White Sulfur Springs” (oq oltingugurt bulog‘i), shimol va janubliklar o‘rtasidagi fuqarolik urushidan olin mashhur bo‘lgan.

Urushlardan keyin kurortlarda dam olish va davolanish tobora ommalashib borgan, chunki frontdan qaytib kelgan harbiylar ularga reabilitatsiya va sog‘lomlashtirish maqsadida tashrif buyurishgan. Qo‘shma SHTatlarda o‘sha paytdagi iqtisodiyotning rivojlanish darajasi odamlarga ko‘proq bo‘sh vaqtini unumli foydalanishga imkoniyat yaratgan – o‘z sog‘lig‘iga g‘amxo‘rlik qilish imkoniyatini bergan, bu suv ko‘ngilochar sog‘lomlashtirish sohasini rivojlantirishda iqtisodiy omilning ishtirok etishidan dalolat beradi.

Kommunikatsion omil boshqalardan kam bo‘lmagan suv sog‘lomlashtirish madaniyatini ayniqsa, shahar tashqarisidagi kurort tipining rivojlanishiga ta‘sir ko‘rsatdi. Nyu-Yorkdagi Saratoga kurorti ushbu turdagi markazlarning biriga aylangan. 1832 yilgacha arzon temir yo‘l va dengiz transporti harakati ortidan, dam oluvchilar sonining oshishiga, hatto eng talabchan bo‘lishiga turtki bo‘ldi. Maxsus suv muolajalaridan mustasno, pansionatlar va mehmonxonalar bilan bog‘liq bo‘lgan kichik binolarda, Saratoganing XIX asrdagi rivojlanishi suv- sog‘lomlashtirishni rivojlantirishga emas, balki ko‘ngil ochish sohasini kengaytirishga asoslangan edi. Vannalarda cho‘milish va mineral suvlarni iste‘mol qilish bahonasida yana, qimor o‘ynash, ot choptirish, raqsga tushishdek qiziqali mashg‘ulotlar bilan shug‘ullangan. Nyu-Yorkdagi Saratoga va boshqa kurort maskanlari shifobaxsh mineral suvlarga e‘tibor qaratgan bo‘lsada, tashrif buyuruvchilarning haqiqiy maqsadi ko‘ngilocharidir. Bu suv-sog‘lomlashtirish sohasining mashhurligi va rivojlanishiga ta‘siri haqida ta‘kidlanayotgan rekreatsion omildir.

Adabiyotlar

1. Mamadiyor o‘g‘li, Abdullayev Allayor. "Constructive and Technological Features of Using Plants in the Interior Environment." *Web of Synergy: International Interdisciplinary Research Journal* 2.4 (2023): 321-323.
2. Mamadiyor o‘g‘li, Abdullayev Allayor. "Biological Characteristics of Vegetable and Woody Plants in the Interior Environment." *Web of Synergy: International Interdisciplinary Research Journal* 2.4 (2023): 308-310.
3. Mamadiyor o‘g‘li, Abdullayev Allayor. "Best Indoor Shade Plants for Low-Light Rooms." *Web of Synergy: International Interdisciplinary Research Journal* 2.3 (2023): 207-212.
4. Mamadiyor o‘g‘li, Abdullayev Allayor. "Biological Characteristics of Herbaceous and Woody Plants in the Interior Environment." *Web of Synergy: International Interdisciplinary Research Journal* 2.3 (2023): 236-239.

OVQATLANISH TURAR-JOY INTERYERIDA O'SIMLIKLAR

Jizzax politexnika instituti 231-22 Arxitektura guruhi talabasi Sag'dullayeva Muxlisa G'olibjon qizi
Jizzax politexnika instituti Arxitekturaviy loyihalash kafedrası o'qituvchisi Abdullayev Allayor Mamadiyor o'g'li

Annotatsiya

Maqolada turar-joylardagi oshxona va ovqatlanish interyerlarini tashkillashtirishda o'simliklarning xususiyatlari va ularni kompozision yechimlari haqida ma'lumotlar keltirilgan.

Kalit so'zlar: Fito dizayn, flora dizayn, fitonsid, mox, torf, osma savatlar, fikus.

Аннотация

Представлена информация о характеристиках растений и их композиционных решениях при организации кухонно-обеденных интерьеров в жилых зданиях.

Ключевые слова: фитодизайн, флора дизайн, фитонцид, мох, торф, подвесная корзина, фикус.

Annotation

Information about the characteristics of plants and their compositional solutions in the organization of kitchen and dining interiors in residential buildings is presented.

Key words: Phyto design, flora design, phytoncide, moss, peat, hanging baskets, ficus.

Inson hayoti doimo tabiat bilan uzviy bog'liqki, u o'simliklar hayoti bilan ham bog'liqdir. Turli xalqlarda ularning ijtimoiy, diniy, madaniy-tarixiy yashashi va tabiiy-iqlim sharoitlariga bog'liq holda o'simliklarga va tabiatga bo'lgan munosabat turlicha shakllangan. Turar joy interyerini o'simliklar bilan bezash odati esa, fikrimizcha, iqlimi va tabiati tez o'zgaruvchan mamlakatlarning uy muhitida tirik tabiat elementlarining bo'lishi va ulardan foydalanishi ehtiyojlaridan kelib chiqqan. Hozirda esa keng qamrovli umum dunyo shaharlashuv jarayoni munosabati bilan turli xonalar interyerlarini shakllantirishda o'simliklardan foydalanish an'anasi insonlarning tabiatga yaqin bo'lish ishtiyoqiga asoslanmoqda.

Shaharlar va sanoat markazlarining tez sur'atlar bilan o'sishi sharoitida inson oynalar, temir beton va sintetik materiallardan ishlangan devorlar iskanjasida soatlab qolib ketishi tufayli tabiiy o'simliklarning interyerlardagi roli katta. O'simliklar insonni tabiat bilan munosabatda bo'lishi, shaklining go'zalligi, xushbo'y hidi va yoqimli yashil tusi bilan kishini quvontiradi, uning nerv tizimiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi va ayni paytda tinchlantiruvchi kuchga va ahamiyatga ham egadir.

Biroq, inson turmushida o'simliklarning sanitariya va gigiyenik vazifalari ham o'ta muhimdir. O'simliklar changni yutadi, xonalar havosini tashqi ochiq muhitga nisbatan 20 marta ko'p bo'ladigan uglekisli gazdan tozalaydi, havoni namlatadi va ionlashtiradi, haroratini pasaytiradi va, eng muhimi, o'simliklar inson hayoti uchun havf tug'diruvchi turli xil zararli mikroorganizmlarni yo'q qiladi va o'ldiradi.

Flora va fitodizayn me'moriy yopiq muhitning shakllanishida o'simliklardan foydalanib, ularni uy sharoiti predmetlari va jihozlari bilan uyg'unlashtiradi. Bunda interyerlar mikroiklimi sharoitiga mos keluvchi eng manzarali va eng chidamli o'simliklarning tropik va subtropik turlari tanlab olinadiki, ular o'z navbatida insonlarga yuqori darajada estetik ta'sir ko'rsatadi va zararli mikroblarga qarshi turuvchi zamonaviy fito muhitni shakllantiradi.

Ko'proq oshxonada o'simliklarni oyna oldiga joylashtiradi. O'simliklarni parvarish qilishda rakovinaning yon atrofi eng samarali usuldir. Idishlarni yuvishda yoki boshqa ishlarni

qilayotganingizda, siz o'zingizning e'tiboringizni ushbu o'simlikka qaratasiz, uning yashnab turganini ko'rib, shubhasiz zavq olasiz. Qolaversa, oshxonaning ushbu joyida yorug'lik va namlik yuqori. Yana shunga e'tibor qaratish kerakki, yorug'lik, sovunli suvning o'simlik barglariga sachrashi unga zarar etkazishi, barglarining o'sishi evaziga ishlaringizni bajarishingizda noqulayliklarni keltirishi mumkin.

Tabiiy gaz, devordagi plitalar o'simliklarning rivojlanishi uchun hech qanday salbiy ta'sir ko'rsatmaydi. Faqat nimjon ildizli o'simliklar u sharoitda rivojlanishi qiyin. Biron-bir o'simlikni xonaga joylashtirishdan oldin yaxshilab o'ylang, chunki eshikning ochib yopilishi, uying haroratini keskin o'zgartiradi, har xil elektr jihozlarning ham foydalanilishi oqibatida o'simlikka salbiy ta'sir ko'rsatadi. O'simliklar esa havoning keskin o'zgarishi oqibatida nobud bo'ladi. Shuning uchun, oshxona uchun o'simliklarni tanlashda chiroyli, ammo arzon va ishonchli o'simliklarni tanlang. Ular bunday xonaning injiqlariga ko'ra ko'proq mos keladi.

Agar g'ayrioddiy idishlarga o'simliklar qo'ysangiz: ko'za, choynak, sopol idish yoki katta mis idishlar va boshqalar, ular faqat sizning oshxona ichki interyeringizni boyitadi. Odatda xonadonlarimizda oshxonalar juda katta emas va shuning uchun fikus kabi o'simliklarning joylashtirilishi bir ishchi maydondan ikkinchisiga o'tishiga halaqit beradi. Agar oshxona katta va keng bo'lsa, bunday joylarda juda go'zal hamda interyerning ko'rkiga ko'rk qo'shadi.

Adabiyotlar

1. Abdullayev, A. (2022). Formation of Landshut Territories in the Interior. *EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY*, 2(2), 1-4.
2. Abdullayev, A. (2022). Kindergarten Territory Landscape Design. *EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY*, 2(2), 5-8.
3. Abdullayev, A. (2022). PRINCIPLES OF USE OF WALL PICTURES IN THE INTERIOR OF ARCHITECTURE OF UZBEKISTAN AND HISTORY OF DEVELOPMENT. *Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development*, 9, 141-143.

YOPIQ ARXITEKTURA MUHITLARIDA O'SIMLIKlardan FOYDALANISH METODLARI

**Jizzax politexnika instituti 231-22 Arxitektura
guruhi talabasi Pulatova Umida Rasul qizi
Jizzax politexnika instituti Arxitekturaviy loyihalash
kafedrasi o'qituvchisi Abdullayev Allayor Mamadiyor o'g'li**

O'simliklar va odamlarning bir muhitda bir-biriga foyda keltirib yashashi "simbioz" deb atalib, u kamdan-kam hollarda his qilinadi yoki tushunib yetiladi. Biroq, inson o'simliklarsiz yashay olmaydi. Odamlar va o'simliklar bir-birining hayotiy faoliyati mahsulotlarini o'zlashtirgan holda hayratlanarli davriy jarayonni yaratadi, bu jarayon ko'p marta takrorlanib, Yerdagi hayotni ta'minlaydi. Inson tabiatga, o'simliklarga bo'lgan muhabbatini taraqqiyotning ilk bosqichlaridan namoyon qilib kelgan.

Shu joyda oranjereya, issiqxonalar tarixi, ularning shakllanish ildizlari to'g'risida qisqacha to'xtalib o'tsak. Oranjereya atamasi «orange» («orangerie») – «apelsin daraxti» so'zidan kelib chiqqan. Birinchi oranjereya(issiqxona)lar XVII asrning ikkinchi yarmida Fransiyada paydo bo'lgan va ular faqat issiqsevar mevali o'simliklarni qishda saqlash uchun mo'ljallangan. Ekzotik o'simliklarni yil davomida yetishtirish uchun pechka bilan isitiladigan birinchi shishali oranjereya

1599 yilda Leyden botanika bog'ida qurilgan. Birinchi oranjereyalar 1646 yilda u Amsterdamda, 1714 yilda Parijda paydo bo'ladi⁵.

XVII-XIX asrlarda apelsin va boshqa ekzotik o'simliklar yetishtirishga mo'ljallangan oranjereyalar (issiqxonalar) Yevropaning eng boy uylarida mashhur bo'lgan. Masalan, 1805 yilda Venaga kelgan fransuz tabiatshunosi Bori de Sen-Vinsan mahalliy zodagonlarning uylari unda katta taassurot qoldirganligi haqida shunday yozadi: «deyarli barcha zodagon xonimlar o'z uylarini oranjereyalar bilan bezash an'anasi, hatto u erda qishda ham eng noyob va ajoyib o'simliklarning xushbo'y hidlar ufurib turishi men uchun ajoyib yangilik edi»⁶.

Asta-sekin, oranjereyalar burjuylar uylarini ham bezay boshlaydi: baron Ernuf 1862 yilda "Bugungi kunda oranjereya har qanday kichik bog'ning zaruriy qo'shimchasiga aylangan", deb yozadi⁷.

Ayni paytda Fransiyada oranjereya-mehmonxonalar yaratish keng modaga aylanib ulguradi va bunga Emil Zolyaning "Topilma" (1871) romanida tasvirlangan oranjereya misol bo'ladi⁸.

Qoidaga ko'ra, ular xududi bo'yicha turli maydonni egallashlari va quyidagi turlarga taqsimlanishi (differensiyalanishi) mumkin:

- mo'jaz bog' – 30 m² gacha;
- o'rtacha bog' – 30-50 m² gacha;
- kattabog' – 50-100 m² gacha.

Qishki bog'larda hududning eng katta qismi yashil ko'kalamlar uchun ajaratiladi. Qishki bog'ni shakllantirish uchun foydalaniladigan o'simliklar, ham tabiiy, ham sun'iy bo'lishi mumkin.

Atriumlarni ham qishki bog'lar tarkibiga kiritadilar. Atrium ko'pfunksiyali jamoat yoki sanoat majmuasining fazoviy yadrosi hisoblanadi. U eng rang-barang qiyofaga va fizik o'lchamlarga ega bo'lishi mumkin. Atriumga, uni o'rab turgan xonadan ochiladigan ko'rinish, ulkan emosional ta'sirga ega bo'lishi lozim. Uning fazosini shakllantirishda asosiy vosita o'simlik hisoblanadi. Tropik va subtropik o'simliklar assortimentidan foydalanish ayniqsa maqsadga muvofiqdir. O'simliklarni joylashtirish usullarida atriumni yoritish xususiyatlari juda katta ta'sir ko'rsatadi.

Ichki hovlilar ham qishki bog'larning ko'rinishlaridan biri hisoblanadi. Bu turar joy imoratlarining bir necha tomonidan chegaralangan uncha katta bo'lmagan hudud. Ular yopiq devorlar bilan, shuningdek, derazali devorlar bilan yoki uydan chiqish yo'lagi bilan ham chegaralanishi mumkin.

Hozirgi kunda gidroponikaning (tuproqsiz, ozuqa moddalar ertimasida o'simlik o'stirish usuli) rivojlanishi munosabati bilan ichki hovlilarni ko'kalamzorlashtirish yechimlarida iqtisodiy va qiziqarli usullarga erishish mumkin. Kimyoviy qo'shimcha bilan oziqlantirilgan shag'al, tuf(g'ovak tog' jinsi)li maydalangan tosh va vulkan shlaki bilan to'ldirilgan yashiklar, tuproq bilan to'ldirilgan yashiklardan ko'ra yengildir. Modulli elementlardan turli-tuman kompozitsiyalar yaratilishi mumkin. Ichki hovlilarning umumiy arxitekturaviy-badiiy qiyofasi qariyb to'laligicha — yo'laklar, tirgakli devorlar, daraxtlar, butalar va gullar joylashuvining o'zaro aloqadorligiga bog'liq.

Adabiyotlar:

1. Vlasova N. Плодовый сад на вашем подоконнике. www.google.ru.
2. Mangin A. Histoire des jardins anciens et modernes. 1887.
3. Baron Emouf. L'art des jardins. 3-e éd.

⁵ Vlasova N. Плодовый сад на вашем подоконнике.

⁶ Mangin A. Histoire des jardins anciens et modernes. 1887.

⁷ Baron Emouf. L'art des jardins. 3-e éd.

⁸ Zolya E. Ругон-Маккары: Карьера Ругонов. Добыча. — Правда, 1957.

ICHKI MAKONDA FITODIZAYNNI SHAKLLANTIRISH XUSUSIYATLARI.

Jizzax politexnika institute

232-21- Arxitektura guhux talabasi P.Sobirova

a.f.n. B. K. Bobobekov" arxitektura loyihalashtirish " kafedrası

Annotatsiya: ushbu maqolada men o'simliklarni ofisning ichki dizayniga va boshqa xonalarning dizayniga ularning biologik muvofiqligi, ekologik xususiyatlari, ichki havo sifatini yaxshilash qobiliyatini hisobga olgan holda ilmiy asoslangan holda kiritishni ko'rib chiqaman.

Kalit so'zlar: fitodizayn, fitosred, fitoergonomika, konfor, interyer, o'simliklar, fitokompozitsiya, landshaft.

Inson hayoti tabiat va shuning uchun o'simliklar hayoti bilan uzviy bog'liqdir. Uyni o'simliklar bilan bezash odati, ehtimol, yil davomida yovvoyi tabiat elementlarini uyda ushlab turishga urinish sifatida fasllarning keskin o'zgarishi bo'lgan mamlakatlarda paydo bo'lgan. Turli xonalarning ichki qismini shakllantirishda o'simliklardan foydalanish hozirgi vaqtda shaharlarning keng miqyosda urbanizatsiyasi tufayli insonning tabiatga yaqinroq bo'lish tabiiy ehtiyojidan kelib chiqadi. Sog'liqni saqlash insonning eng qimmatidir, bu hayotning birinchi kunidan boshlab uni saqlab qolish uchun zarur bo'lgan barcha tashabbuslar muvaffaqiyatining kalitidir. Shubhasiz, insonning jismoniy va ruhiy salomatligi holatiga nafaqat turmush tarzi, balki uning yashash muhitining holati ham muhim ta'sir ko'rsatadi.

Zamonaviy odam ko'p vaqtini binolarda o'tkazishga majbur bo'ladi, shuning uchun odam ularda o'zini qulay his qilishi muhimdir. Qulaylik uchun zarur shartlardan biri bu xonalarda yovvoyi tabiat elementlari – hayvonlar yoki o'simliklarning mavjudligi. Ko'rinishidan, bu insonning o'zi yovvoyi tabiatning bir qismi ekanligi va u bilan birligini his qilish juda muhimligi bilan bog'liq. Shubhasiz, shuning uchun qadim zamonlardan beri inson tabiat zarralarini o'z uyiga ko'chirishga intilgan. Ushbu muammoni ichki obodonlashtirish yoki fitodizayn muvaffaqiyatli hal qiladi. "Fitodizayn" so'zi ikkita tarkibiy qismdan kelib chiqadi: "fito" - ya'ni o'simliklar bilan bog'liq va "dizayn" - bu ob'ektlarning badiiy dizayni, estetik ko'rinishni loyihalash. Shunday qilib, fitodizayn - bu o'simliklar yordamida interyer va landshaftlarning estetik ko'rinishini badiiy loyihalash. "Fitodizayn" atamasi o'tgan asrda paydo bo'lgan, ammo odamlar qadim zamonlardan beri o'z uylarini gullar va o'simliklar bilan bezatib kelmoqdalar. Qadimgi davrlarda ham odamlar o'simliklar uyda ma'lum bir atmosferani yaratishga yordam berishini bilishgan. Qadimgi Misr aholisi o'z saroylarini tsiperuslar bilan bezashgan, rimliklar bu maqsadlar uchun dafna daraxtlarini afzal ko'rishgan va xitoyliklar azaleadan foydalanganlar. O'sha uzoq vaqtlarda uy o'simliklari juda boylarning imtiyozi edi. Hindistonda, agar kambag'al odam o'z uyida orkide o'stirsa, bu hatto jinoyat deb hisoblangan. Fitodizayn-XX asrda paydo bo'lgan va turli xil ichki buyumlarni tabiiy (o'simlik) materiallar bilan bezashga qaratilgan badiiy va konstruktiv faoliyatning yangi turi.

Fitodizaynning vazifalari xona havosini tozalash va sog'lomlashtirish, uni inson salomatligiga foydali ta'sir ko'rsatadigan moddalar bilan namlash, ionlashtirish va boyitish, shuningdek qulay va estetik jihatdan yoqimli muhit yaratishdir. Akademik A. M. Grodzinskiy fitodizaynning oltita asosiy vazifasini ajratib ko'rsatadi Shakl va rangning go'zalligi orqali o'simliklarning odamlarga estetik va ruhiy ta'siri.

Fitodizayn o'simliklar ob'ekt dunyosi bilan organik birlashishi orqali o'simliklardan foydalangan holda me'moriy muhitni shakllantirishda yangi yo'nalishni anglatadi. Ichki fitosredani shakllantirishda ham sun'iy, ham tabiiy o'simliklar qo'llaniladi. Tabiiy o'simliklardan foydalanish ayniqsa samarali. Ma'lumki, o'simliklar katta biologik faollikka ega bo'lgan uchuvchi moddalarni —

fitontsidlarni chiqaradi, bu insonning hayotiy jarayonlarini rag'batlantirishga, organizmdagi metabolizmni va nafas olish jarayonini yaxshilashga yordam beradi. Insonning hissiy va jismoniy holatiga uyg'un va foydali ta'sir ko'rsatadigan yopiq o'simliklarni sotib olish va joylashtirishda quyidagi muhim omillarni hisobga olish kerak

1. Har qanday o'simlik uchun yashash uchun eng mos va tanish sharoitlar zarur
2. Zavodning ekologik va energiya maqsadini hisobga olish kerak
3. O'simlik uslubini xonaning ichki qismining uslub yo'nalishi bilan birlashtirish kerak
4. O'simlik xonaga mutanosib bo'lishi kerak
5. O'simlik uchun mos fon
6. O'simliklar bir-biriga mos kelishi kerak
7. Har bir o'simlik uchun mos ekish moslamasi.

Turli xonalarning fitodizaynini shakllantirish xususiyatlari landshaft dizaynining tabiiy vositalaridan foydalangan holda ketma-ket dizayndan iborat. Birinchidan, fitokompozitsiyalar (harorat, namlik, yorug'lik, gaz va boshqalar) joylashgan muhitning ekologik va ergonomik parametrlari tahlil qilinadi. Atrof-muhitning ifloslanish darajasi makro va mikro darajadagi zararli moddalarni chiqarish manbalari bilan belgilanadi. Mehnat jarayonining tabiati, uning intensivligi, charchoqning darajasi va o'ziga xos xususiyatlari aniqlanadi.

Fitokompozitsiyalar assortimenti mikroiklimning xususiyatlarini, ishlab chiqarish jarayonining xususiyatini hisobga olgan holda tanlanadi, shuningdek o'simliklarning biologik xususiyatlari (ularning zarur fitoaktivligi, o'simliklarning o'sishi va rivojlanishi uchun normal sharoit yaratish, yorug'lik, harorat va boshqalar) hisobga olinadi. Keyin funktsional muammolar hal qilinadi, fitokompozitsiyalarning fazoviy tashkiliy xususiyatlari hisobga olinadi: bo'shliqlarni ajratish yoki ularni izolyatsiya qilish, to'siqlar va shovqin, chang, gaz va boshqalardan himoya qilish uchun kompozitsiyalar yaratish. fitokompozitsiyalarning ichki makonga joylashishi nihoyat aniqlanadi va ularning sanitarizatsiya ta'siri bashorat qilinadi.

Yopiq o'simliklarsiz uyning ichki qismi ko'pincha zerikarli va monoton bo'lib ko'rinadi, jonli tasavvur va shaxsiyatdan mahrum. Yopiq o'simliklar, ularning ko'katlari va yangiligi har doim uyga iliqlik va qulaylik bag'ishlaydi, egalarining mehmondo'stligini ta'kidlaydi va har qanday interyerga yorqin, nafis jonli notani olib keladi.

Uyingizni gullar va ko'katlar bilan bezashda siz ba'zi muhim tafsilotlarni bilishingiz kerak, ularsiz makonni uyg'un ravishda bezash mumkin emas: - gullaydigan yorqin o'simliklar uchun engil fon eng mos keladi; - baland o'simliklar yoki standart daraxtlar past shiftni vizual ravishda uzaytiradi; - nozik nozik gullar qorong'i fonni suyultiradi; - o'simlik uchun idishning materiali va shakli ichki uslub bilan birlashtirilishi kerak. - o'rtada osilgan poyalari bo'lgan savat turadigan kompozitsiya yuqori shiftni optik jihatdan kamaytiradi; - chiaroscuro o'yinini tashkil qilishda o'simliklarning tabiiy bioritmlari uchun sun'iy yoritish zarurligini unutmang. - xonada mavjud bo'lgan barglar, devor qog'ozi, mebel va boshqa materiallarning rang palitrasi qanday birlashtirilganiga e'tibor berishingiz kerak. O'simliklarni tizimlashtirish ichki fitodizaynning muhim tarkibiy qismlaridan biridir. Tasavvur yordamida, hatto uyda ham siz mini-tosh bog', kichik suv bog'i yoki issiqxonani tashkil qilishingiz mumkin. Bunga ra yordam berishi mumkin.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI.

1. Ефимов А. В. и др. Дизайн архитектурной среды: Учебник для вузов. – М.: Архитектура-С, 2005, 504с., илл.
2. Клевенская Т.М. Цветы в интерьере: Альбом. – М.: Агропромиздат, 1990.

3. Крижановская Н.Я. Основы ландшафтного дизайна./Серия «Строительство и дизайн». – Ростов н/Д: Феникс, 2005.-204с., ил.
4. Хессайон Д.Г. Всё о комнатных растениях.- М.: Издательский Дом «Кладезь»,1997.
5. Жонузаков АЭ, Миразимова ГУ. ГОРОДСКИЕ ПАРКИ И НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ЛАНДШАФТНО-ЭКОЛОГИЧЕСКОГО АСПЕКТА. Academy. 2020(11 (62)).

JIZZAX VILOYATIDAGI IV-XII ASR MODDIY MADANIY MEROS OBYEKTлари **(TEPALIKLAR MISOLIDA)**


Jizzax Politexnika insituti
“Arxitekturaviy loyihalash” kafedrası
231-21-guruh talabasi Hayitmurodova Zarina Jasur qizi
Ilmiy rahbar: “Arxitekturaviy loyihalash kafedrası” mudiri
Arxitektura fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)
Xalikov Sindorkul Ravshanovich

Annotatsiya: Ushbu maqolada yurtimizdagi hududlarida qad rostlagan tepaliklarning tarixi ul;arning paydo bo‘lishi va giologik joylashishi yuzaga kelishi bayon etilgan.

Tepalik – yer, shag‘al, qum, tosh yoki qoldiqlarning to‘plangan uyumidir. Ko‘pincha tepaliklar va tog‘lar kabi tuproqli shaklanishlardir, ayniqsa ular sun‘iy ko‘rinadigan bo‘lsa. Tepalik har qanday sirtida topografik jihatdan balandroq bo‘lgan har qanday yumaloq maydon bo‘lishi mumkin. Barcha topografik obro‘lar singari, u o‘zining atrofidagi narsalarga nisbatan yuqori darajadir **tayanch** yoki oyoq (balandlik boshlanadigan pastki mintaqqa), bir yoki bir nechta **semmitlari** yoki tepaliklar (eng baland balandlikka etadigan maydon) va **qiyaliklar** yoki yon tomonlar (poydevordan tepaga ko‘tariladigan o‘zgaruvchan moyilliklar). Tepalik 200 metrdan oshmasligi kerak **balandligi**; aks holda, u obro‘ning yana bir turiga aylanadi (**tog‘**, masalan). Uning paydo bo‘lishi geologik nosozlik, yirik geografik avariya natijasida eroziya yoki cho‘kindilarning ko‘chishi va cho‘kishi natijasida yuzaga kelishi mumkin.

Sun‘iy qo‘rg‘onlar tarix davomida turli sabablarga ko‘ra yaratilgan, jumladan, turar joy, tantanali dafn etish va va esdalik maqsadida yaratilgan ekan. Qo‘shma shtatlar va Kanada arxeologiyasida tepalik ataylab qurilgan baland tuproqli inshoot yoki tupoq ishlari bo‘lib, bir qator potensial foydalanish uchun mo‘ljallangan. Yevropa va Osiyo arxeologiyasida “tumulus” so‘zi sun‘iy tepalikning sinonimi sifatida ishlatilishi mumkin, ayniqsa tepalik muayyan dafn marosimlari bilan bog‘liq bo‘ladi. ”Tepalik” atamasi tarixiy inshootlarga nisbatan qo‘llanilishi mumkin bo‘lsada, Qo‘shma Shtatlardagi ko‘pchilik tepaliklar tubjoy amerikaliklar tomonidan qurilgan Kolumbgacha bo‘lgan tuproq ishlaridir. Mahalliy amerikaliklar turli xil tepaliklar, jumladan, tekis tepalikli piramidalar yoki platforma tepaliklari, yumaloq konuslar va tizma yoki non shaklidagi tepaliklar deb nomlanuvchi konuslarni qurishgan. Ba‘zi tepaliklar g‘ayrioddiy shakllarni oldi, masalan, kosmologik ahamiyatga ega hayvonlarning konturlari. Ular effigy tepaliklar sifatida tanilgan. Ba‘zi tepaliklar, masalan, Viskonsin shtatidagi bir nechtasi, tosh shakllari yoki ularning ichida, ustida yoki yaqinida petroformlar mavjud. Garchi bu tepaliklar, ehtimol, mozorlar kabi mashhur bo‘lmasada, ularning Yevropa o‘xshashlari kabi, tubjoy amerikalik tepaliklar ham turli xil foydalanishga ega. Ba‘zi tarixdan oldingi madaniyatlar, masalan, Adena madaniyati, dafn qilish uchun tepaliklarni afzal ko‘rgan bo‘lsa, boshqalari boshqa marosim va muqaddas harakatlar uchun, shuningdek, dunyoviy vazifalar uchun tepaliklardan foydalangan. Masalan, Missisipi madaniyatining platforma tepaliklari boshliqlar uylarini, kengash uylarini qo‘llab-quvvatlagan bo‘lishi mumkin, shuningdek, ommaviy nutq uchun platforma vazifasini o‘tagan bo‘lishi mumkin.

Boshqa tepaliklar ma'lum bir hududni himoya qilish uchun mudofaa devorlarining bir qismi bo'lar edi. Hopewell madaniyati tepaliklarni marosimlar bilan bog'liq murakkab astronomik tekisliklarning belgilari sifatida ishlatgan.



Tepalik - O'zbek tilidagi do'nglik va baland qa'ladan iborat majmua. Hozirgi kunda «O'zbekiston» da Mingtepa, Alitepa, Jingirtepa, Zindontepa, Qorovul tepa va yana bir qancha tepaliklar mavjud. Mingtepa - ko'hna shahar harobasi (mil avvalgi 3 - milodiy 5-asr). Andijon viloyati, Marhamat tumani markaziga tutashib ketgan yodgorlik. Mingtepa ichki va tashki shahardan iborat bo'lib, mustahkam mudofaa devorlari bilan o'rab olingan. Hozir faqat ichki shaharni (38 ga) to'rt tomondan qurshagan mudofaa devori saqlanib qolgan. Mingtepadagi tepaliklar soni 52 ta. Ichki shaharning shimoliy-g'arbiy tomonidagi markaziy tepalikning madaniy qatlami 10 m dan ortiq. Eng quyi qatlam miloddan avvalgi 3-2-asrlarga oid. Tepalikdan 5 m qalinlikdagi platforma (tagkursi) ustida qurilgan inshoot qoldiqlari chiqqan. Mutaxassislar fikricha, bu tepalik shahar arki bo'lgan. Mingtepa mudofaa devorining har 38-40 m masofasida kuzatuv minorasi o'rnatilib, uning uzunligi 18 m, eni 9 m, balandligi 3-4 m ga yetgan. Minora o'rtasida shinaklar bilan ta'minlangan xona joylashib, unda soqchilar yashagan. Burjlarni o'zaro tutashtirib turgan mudofaa devorining qalinligi quyi qismida 7 m, yuqorida 4 m, balandligi 4 m ga yetgan. Devor va burj, asosan, yaxshi pishirilgan paxsa va xom g'ishtlardan tiklangan.



Qorovul tepa - O'zbekistondagi madaniy meros obyekti. Arxeologiya yodgorligi. Obyekt davri: VI-VIII asrlar. Surxondaryo viloyatining Sho'rchi tumanida joylashgan. Obyekt manzili: Katta Sovur shaharchasi "Zarbdor" MFY. Ko'chmas mulkka bo'lgan huquq: Davlat mulki. Surxondaryo viloyati madaniy meros boshqarmasi operativ boshqaruv huquqi asosida. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarori bilan 2019-yil 4-oktabrda Moddiy madaniy merosning ko'chmas mulk obyektlari milliy ro'yxatiga kiritilgan - davlat muhofazasiga olingan. Devor tashqarisida xandaqlar qazilgan. Xitoy yozma manbalaridagi Ershi shahri bilan aynan deb taxmin etiladi. Bunday tepaliklardan birqanchasi Jizzax viloyatida ham uchratish mumkin. Ana shunday tepaliklardan biri Imomtepa tepaligi. Imomtepa tepaligi - Jizzax viloyati Sharof Rashidov tumani Xayrabod Mahalla Fuqarolar yig'ini 17-Ixtisoslashtirilgan Davlat Umumta'lim maktabi oldida

joylashgan tepalik. Bu tepalikni XI asr oxirlarida tinch aholi rus bosqinchilaridan asranish uchun bunyod etgan. Bu tepalik tinch aholi va xristianlar uchun muqaddas sanaladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Vikipediya, ochiq ensiklopediya,
2. Backend.madaniymeros.uz.
3. Smith, Vincent Arthur. The Jain stupa and other antiquities of Mathura
4. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Tepalik>
5. <https://uz.wiktionary.org/wiki/tepalik> <https://www.mindat.org/>
6. Юсупова М.А. Полвека трансформации архитектуры Узбекистана. конец XIX – начало XX вв., – Ташкент. 2005.190 с
7. Ўралов А.С. Халқ ҳаммомлари. – Ташкент. Фан, 1987.-54 б.
8. Jahon arxitekturasi. Chiarivel kitobi. CopplestoneTrewin, 1968,
9. Шахрисабз меъморий ёдгорликлари. – Тошкент. 2002.
10. Маньковская Л.Ю. Типологические основы зодчества Средней Азии (IX-начало XX вв.). Изд."Фан". – Ташкент.1980.182с.
11. Салимов А.М. Сохранение и использование памятников архитектуры Узбекистана. Изд."Фан". – Ташкент. 2009. 288с.

РОЛЬ «УМНЫХ ГОРОДОВ» В ПРОБЛЕМАХ ГОРОДСКОЙ ЭКОЛОГИИ И ИХ СОВРЕМЕННЫЕ РЕШЕНИЯ

Шодикулова Мархабо Уришевна
Омонкелдиева Елнура Сохибжон кизи
Джизакский Политехнический Институт
Кафедра “Строительство зданий и сооружений”
marhabo0710@mail.ru

Аннотация: появление понятия градостроительной экологии-результат многолетних разработок. Значительное влияние на изменение экологической жизни городов оказали мигранты, часто мигрирующие в разные места, урбанизация деревень(перемещение населения в города), увеличение экологических проблем в генеральном плане городов. В данной статье обсуждалось возникновение градостроительной экологии и проблемы в ней.

Ключевые слова: “Эко-город”, “зеленые крыши”, экосистема, городская экология, “Умный город”.

Введение

Серьезное изучение городской экологии началось после Стокгольмской конференции 1972 г. В то время ученые впервые использовали термин «градостроительная экология». Появилась концепция «Эко-город», и предполагалась, что города будут сливаться с природой в гармоничном равновесии.

За последние 20 лет экология городов претерпела огромные изменения. Теперь под этим термином стали понимать более широкие понятия. По мере быстрой урбанизации в мире населенные пункты превратились в более мелкие экосистемы, а в результате их глобализации значительно сократилось количество отдельных экосистем. Это означает, что одна экосистема теперь охватывает огромную территорию. Эти процессы требуют от ученых большого научного сообщества серьезного внимания к этой области. Отличие городской экосистемы от других экосистем состоит в том, что экологии наносится значительный ущерб в результате добровольного или непреднамеренного воздействия человека.

Методы

Сегодня во многих развитых странах мира энергические проблемы, возникающие в результате смены природных компонентов между городами и промышленными зонами, в результате стремительного расширения городов, вызывают серьезное внимание мирового сообщества.

Хотя предварительные выводы изучения структуры и деятельности городских экосистем были сделаны в результате исследования городов и их специфических экологических процессов, причины и следствия урбанизации, их взаимодействия помогают фундаментально понять городские экосистемы в новом способ. При этом разрабатываются различные решения для производства электрических городов на основе полученных результатов по экологически чистой переработке отходов.

Обсуждение и результаты

Города мира борются со многими экологическими проблемами. В частности, подтверждение наших слов является загрязнение воздуха в растущих городах, изменение состава воды и почвы, значительное сокращение природных ресурсов, быстрое старение городской инфраструктуры. Устранение этих проблем требует разработки новых мер и методов. В связи с этим серьезное внимание уделяется созданию новой инфраструктуры. Гилл, Цулас и др., сохранение среды обитания (2007 г.), Ньюман, Кеннеди и др., городской метаболизм (2011, 2015гг.), активное исследование. Города становятся все более биоразнообразными. Перед учеными стоит задача решать все более сложные задачи в практике градостроительства, проектирования и мониторинга (см.: проект экогорода, который планируется построить в Саудовской Аравии).

На сегодняшний день наиболее важными экологическими проблемами в городах являются:

- обеспечение городов питьевой водой
- управление сточными водами
- твердые (трудно перерабатываемые) и негорючие отходы
- потеря зеленых насаждений и природных ландшафтов
- расширение городских территорий
- повышенный шум в центре города
- загрязнение атмосферного воздуха вредными газами, выбрасываемыми транспортными средствами и др.

Все эти проблемы являются серьезной проблемой, особенно для развивающихся стран и стран с переходной экономикой в текущей экономической ситуации.

Городская экология-это всестороннее понимание городской сложности и взаимодействующих факторов, разнообразных обратных связей и нелинейной динамики городов. Мы погружаем в природу и при этом очень мало знаем о ней [1].

Заключение

Проект «умный город» можно представить как современное решение проблем городской экологии.

Особое внимание уделяется экологической эффективности городов.



В заключение можно сказать, что проект «умный город»-это разработанная концепция городов, имеющих сегодня эффективную экологическую инфраструктуру. Потому что «умный город» может адаптироваться в зависимости от инфраструктуры, в которой он находится.

Литературы:

1. <https://www.weforum.org/agenda/2021/06/cities-ecosystems-biodiversity-climate-change/>.
2. <https://www.techtarget.com/iotagenda/definition/smart-city>.
3. Saraju P. Mohanty, “Everything You Wanted to Know About Smart Cities”, 2016.
4. Lamia Kamal-Chaou, “Smart Cities and Inclusive Growth”, 2020.
5. Sustainable and smartcitiesfor all ages”, United Nations publication, 2020.

КЎП ҚАВАТЛИ ТУРАР-ЖОЙ БИНОЛАРИДА ШОВҚИНГА ҚАРШИ АРХИТЕКТУРАВІЙ КОНСТРУКТИВ УСЛУБЛАР

Носирова С.А. (СамДАҚУ)

Шаҳарсозликда шаҳар кўча ва йўлларида ҳаракатланаётган транспорт воситалари асосий шовқин манбаи бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари шаҳар қурилишида темир йўл поездлари, ҳаво транспорти воситалари, трансформаторлар ва турар-жой бинолари тўпланган жойлардаги шовқин манбалари ҳам эътиборга олиними лозим.

Йирик шаҳарларда кўча шовқини йилига ўртача 1 дБ га ортиб борар экан. Ўзбекистон ривожланган мамлакатлар қаторига кириб борар экан, бу кўрсаткич республикамизнинг катта шаҳарларида яқин 15-20 йил сақланиб қолади. Демак, Ўзбекистоннинг магистрал кўчаларида ҳам 2020-2030 йилларга келиб кўча шовқини 7-10 дБ га ошиши мумкин. Шу сабабли шаҳар ва яшаш массивларини лойиҳа қилишда, ҳамда шаҳар қурилишида шовқинга қарши кураш актуал масалалардан бири бўлиб қолаверади.

Агар барча транспорт воситаларидан чиқаётган шовқин сатҳини пасайтириш иложи бўлганда, шаҳар қурилишида шовқинга қарши кураш масаласи ҳал бўлган бўлар эди. Хорижий мамлакатлар олимларининг тадқиқотлари шуни кўрсатмоқдаки, ушбу масаланинг тўла-тўқис ечими яқин йиллар атрофида ҳал бўлмас экан.

Москва шаҳридаги Шимолий Чертанова яшаш массиви лойиҳаси ва қурилишида бу масалага бошқача ёндашилган. Бунда барча инженерлик иншоотлари, трансформатор подстанциялари ва автомобил йўлларининг бир қисми ер остига жойлаштирилган. Шу сабабли бу яшаш массивининг аҳолиси шаҳар шовқинидан деярлик ҳимоя қилинган(2).

Шаҳардаги барча шовқин манбаларини ҳисобга олган ҳолда, кутилаётган шовқин сатҳидан келиб чиққан тарзда архитектуравий-тархий ва қурилиш-акустикасининг услублари

ёрдамида шовқинга қарши тадбирлар кўриш мумкин. Шовқинга қарши курашда қуйидаги тадбирлар қўлланилади:

1. Шовқин манбаининг ўзида; 2. Архитектуравий-тархий. Бунда аҳоли яшамайдиган бинолардан экран, шовқиндан ҳимояланган экран-бинолар, тўсиқ-экран, ихота дарахтлар ва бошқалардан тўсиқ сифатида фойдаланилади;

3. Қурилиш-акустикаси услуги ёрдамида. Бунда дераза ва ташқи тўсиқ конструкция сифатида товуш изоляцияси юқори бўлган материал ва конструкциялар қўлланилади.

Шаҳар қурилиши лойиҳасининг барча босқичларида яшаш массивлари ва яшаш биноларини шовқиндан ҳимоя қилишнинг чора-тадбирлари кўрилган бўлиши лозим. Демак, шаҳарнинг бош тарҳи лойиҳасининг бошланғич босқичида ва келажакдаги ривожланишини эътиборга олган ҳолда қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим: аэропорт транспорт коммуникациялари; яшаш массивларини жойлаштириш; кўкаламзор ва ободонлаштириш; келажакда қурилиши кўзланган майдонлар; саноат корхоналари; маъмурий ва маиший хизмат кўрсатиш биноларини жойлаштириш; жамоат ва дам олиш - истироҳат боғларини яратиш ва бошқалар шулар жумласидандир. Буларнинг барчасини шаҳар қурилишида шундай табиий жойлаштириш лозимки, улар ўзининг таркибий гуруҳи, мақсадга мувофиқлиги, ҳажмий ва тарҳий ечимлари, бадиий-архитектуравий услублари билан шаҳарни шовқиндан самарали ҳимоя қилиш билан биргаликда меъёрий акустик муҳит яратиш учун хизмат қилсин. Бунинг учун шаҳар ва яшаш массивларини лойиҳа қилишда ишлатилиши ва мақсадга мувофиқлиги бўйича майдонларга ажратиб, чегаралаб чиқиш лозим: Масалан: яшаш массиви, саноат райони, маиший-хизмат майдонлари ва ташқи транспорт.

Буларнинг ҳар бирида рухсат этилган шовқин сатҳи турличадир. Шу сабабли катта транспорт оқимида эга магистрал кўчалар яшаш массивларини кесиб ўтмаслиги керак. Шаҳарларда транзит юк поездларини тўхтовсиз ўтказиб юбориш учун айланма темир йўллар кўзда тутилган бўлиши лозим.

Янги темир йўл ва темир йўл бекатлари билан яшаш массивларини ҳимоя полосаси билан ажратиш керак. Масалан, биринчи ва иккинчи категорияли темир йўллар учун ҳимоя полосасини эни 200 метр, III ва IV категория учун 150 м ва бошқа темир йўлларда 100 м дан кам бўлмаслиги керак. Бу масофа четки темир йўл ўқидан бошлаб ҳисобланади. Агар акустик ҳисоблар натижасида асослаган бўлса, бу масофа 50 метрдан кам бўлмаслигига рухсат этилади.

Шовқиндан ҳимоя тадбирлари кўрилмаган яшаш массивларидан тезкор магистрал кўчанинг четигача бўлган масофа 100 м дан, шаҳарлараро магистрал кўчаларда 75 м дан, туманлараро магистрал кўчаларда 50 м дан ва бошқа кўчаларда 25 м.дан кам бўлмаслиги керак. Бошқа ҳолатлар учун бу масофа ли равишда асосланган бўлиши лозим.

Яшаш массивларидаги биноларни транспорт ва бошқа шовқин манбаларидан ҳимоя қилиш учун энг самарали тадбир тўсиқ ва экранлар ҳисобланади.

Экранлар ёрдамида шовқин сатҳи пасайишининг аниқ ҳисоби мураккаб бўлганлиги сабабли, амалий услуб ёрдамида аниқлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу ҳисоб қуйидаги тартибда бажарилади.

Маълум масштабда шовқин манбаи жойлашган майдоннинг тарҳи ва кўндаланг қирқими чизилади. Шу чизмага экран ва шовқин аниқланаётган ҳисобий нуқта ҳам чизилади. Бу схема 1-расмда кўрсатилган.

Шовқин манбаи энг четки транспорт ҳаракати полосасида бўлиб, кўча сатҳидан 1 м баландда жойлашган деб олинади. 1-расмга асосан а, в ва с масофалар аниқланади. Бунда $\delta = (a+v)-c$. δ га боғлиқ ҳолда экран ёрдамида товуш сатҳининг пасайиши, $L_{A_{\text{Экр}}}$ аниқланади.


Қабул қилинган экран узунлигига боғлиқ ҳолда шу расмдан α_1 ва α_2 бурчак аниқланиб, товуш сатҳининг пасайиши $\Delta L_{A_{\text{Экр}1}}$ ва $\Delta L_{A_{\text{Экр}2}}$ лар (1,2 иловасидан) қабул қилинади. Иловадан $\Delta L_{A_{\text{Экр}\alpha_1}}$ ва $\Delta L_{A_{\text{Экр}\alpha_2}}$ катталикларни фарқига асосланган ҳолда тузатиш қабул қилинади. Бу тузатиш кўрсаткичи кичик бўлган товуш сатҳига қўшилади.

$$\Delta L_{A_{\text{Экр}}} = \Delta L_{A_{\text{Экр}}} \alpha_1 + L, \quad (1)$$

бу ерда $\Delta L_{A_{\text{Экр}}}$ - экран конструкцияси ёрдамида ҳисобий нуктада товуш сатҳи пасайишининг самарадорлигини кўрсатади.

Мисол тариқасида, экран сифатида Самарқанд шаҳрида қурилган етти қаватли турар жой бинолари ортидаги ҳисобий нукталарда шовқин сатҳининг самарали пасайишини аниқлаймиз. Ҳисобий нукта бино ортида жойлашган бўлиб, бу схема 2-расмда кўрсатилган. расмдан а, в ва с масофаларини аниқлаймиз. $a=42$, $v=50$ м ва $c=77$ м; бундан $\delta = (42+50)-77 = 15$ м. Қурилиш физикаси номли дарсликни(1) 30-иловасидан $L'_{A_{\text{Экр}}} = 24$ дБА, бунда $\delta > 6$ учун энг катта кўрсаткич қабул қилинади. $\alpha_1=40^\circ$ ва $\alpha_2=70^\circ$ Шу иловадаги жадвалдан $\Delta L_{A_{\text{Экр}}}$ $\alpha_1=2,7$ дБА, $\Delta L_{A_{\text{Экр}}} \alpha_2 = 10,2$ дБА. Буларнинг фарқини аниқлаймиз. $\Delta L_{A_{\text{Экр}}} \alpha_2 - \Delta L_{A_{\text{Экр}}} \alpha_1 = 10,2-2,7 = 7,5$ дБА. (1)-иловадаги жадвалдан тузатма $L = 2,3$ дБА эканлигини аниқлаймиз. Экрaн самарадорлигини аниқлаймиз. $\Delta L_{A_{\text{Экр}}} = \Delta L_{A_{\text{Экр}}} \alpha_1 + L = 2,7+2,3= 5,0$ дБА.

Демак, ҳисобий нуктада шовқин сатҳи 5,0 дБА га пасаяр экан.



1-расм. Бино ёрдамида товуш сатҳи пасайишини аниқлаш схемаси.

Агар ҳисобий нукта бинонинг тенг иккига бўлиб ўтувчи геометрик ўқида ётса шовқин сатҳини самарали пасайиши 6,2 децибелга тенг бўлар экан.

Юқорида келтирилган назарий тадқиқотлардан қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

- Транспорт магистраллари ёнида жойлашган яшаш массивларини шовқиндан ҳимоя қилишнинг энг самарали услуби бинолардан экран сифатида фойдаланишдир;

- Агар турар жой биносидан экран сифатида фойдаланилса, бинонинг асосий деразали қисми, ётоқхоналар ҳовли томонга қараган бўлиб, умумий хона ва бошқалар транспорт магистрaли тарафга жойлаштириб, уларни шовқин изоляциясини кучайтирса мақсадга мувофиқ бўлади;

- Шаҳар қурилишида япроқ баргли ихота дарахтлар ёрдамида ҳам шовқин даражасини пасайтириш мумкин. Жумладан эни 10 метр бўлган кўкаламзорга экилган, баландлиги 5-8 метр бўлган япроқ баргли дарахтлар шовқин даражасини 4 дан 12 децибелгача пасайтириш мумкин экан(2). Демак акустикани архитектуравий конструктив ва кўкаламзорлаштириш услублари биргаликда қўлланилса яшаш массивида шовқин даражасини 20 -25 децибелгача пасайтириш мумкин. Бундай ҳолат шаҳарларда меъёрий акустик муҳит яратилишига сабаб бўлади.

Адабиётлар:

1. Шукуров Ф. , Исламова Д. Ф. Курилиш физикаси. Дарслик – Тошкент, “Янги аср авлади” 2018 й. 220 с.
2. Ковригин С. Д. Архитектурно строительная акустика. Москва, “Высшая школа» 1980 г.
3. ҚМҚ 2.01.08-98. Шовқиндан химоя. Тошкент, 1998 й.

QAMASHI SARDOBASI YODGORLIGINI TA’MIRLASH

**231-21 talabasi Safarova Mashhura Xasan qizi
falssafa doktori (PhD) Xoliqov Sindorqul Ravshanovich**

Annotatsiya: Ushbu maqolada yurtimizdagi XIX asrda qad rostlagan “Qamashi” qishlog‘ida joylashgan Sardobada olib olib boriladigan ta’mirlash va . konservatsiya ishlar bayon etilgan.

Qashqadaryo viloyati Kasbi tumanidagi “Qamashi” qishlog‘ida joylashgan Sardoba bugungi kunda qarovsiz va ayrim qismlari ta’mir talab holga kelib qolgan. Buning ustiga Sardoba muhofaza hududida tadbirkorlar tomonidan noqonuniy qurilish ishlari olib borilgan.

Tarixiy ma’lumotlarga e’tibor qaratadigan bo’lsak, mazkur Sardoba XIX asrda Eshqulboy hoji tomonidan Buxoro amirligidan ruxsat olib qurilgan va aholini ichimlik suvi bilan ta’minlab kelgan. Qishloq oqsoqollaridan birining so’ziga ko’ra, aholi 1975- yilgacha sardobadan suv toshib iste’mol qilgan. Sardoba haqida ma’lumotlar juda kam uchraydi. Shunga qaramay hozirgi kunga mazkur tarixiy ob’ekt davlat muhofazasiga olingan.



Qamashi qishlog‘iga kiraverishda shundoqqina yo’l chetida joylashgan sardoba atrofi yog’ochlar bilan o’rab tashlangan. Atrofida obodonlashtirish ishlari olib borilib, hududi bog‘ga aylantirilgan. Lekin sardoba devorlariga har xil so’zlar yozib tashlangan, devorlarning ma’lum qismlari o’pirilib ko’rimsiz holga kelgan.

Ma’lumki, har qanday tarixiy obidadan o’z vaqtida vazifasiga ko’ra foydalanilgan, keyinchalik saqlanib kelingan. Buzilgan bo’lsa, tuzatilgan; ba’zan qayta tiklangan. Yodgorlikda olib boriladigan har qanday ta’mirning maqsadi – badiiy qimmatga ega bo’lgan asarning umrini uzaytirishdir. Bunga asosan konservatsiya usuli bilan erishiladi. Konservatsiya hozirgi vaqtda ta’mirshunoslikdagi asosiy usul deb tan olingan.

Yodgorlik umrini uzaytirishning vositasi uni hozirgi hayotga faol kiritishdan iborat. Bunga ikki yo’l: ta’mirlash va moslashtirish yo’li bilan erishiladi. Ta’mirlashda obidaga u yoki bu o’zgartirishlar kiritiladi. Demak, ichki tizim, ya’ni qismlarning avvalgi o’zaro bog‘liqligi buziladi. Ta’mirlash ishida dastlabki rejalangan holat tiklanmaydi, balki buzilganva qo’shimcha qilingan

yodgorlik saqlanadi. Oxirgi vaqtdagi holat hamyoki eng optimal vaqtdagi holat ham tiklanmaydi, balki yodgorlikning badiiy sifati hamda tarixiy qimmati ochib beriladi.

Badiiy qimmat deganda dastlabki holatdan tashqari, keyingi holatlar va yodgorlik bilan muhit orasidagi bog'liqlikdan iborat qimmat tushuniladi. Ta'mirlashda me'morning loyihasi saqlangan bo'lsa-da, dastlabki reja amalga oshirilmaydi. Chunki qo'shimchalarni nazarda tutish lozim bo'ladi. Undan tashqari ko'p loyihalar qurilish jarayonida tuzatishlarga uchragan bo'ladi.

Amaliyotda yodgorliklarda qo'llaniladigan ishlar quyidagi 3 xilga bo'linadi:

- 1) Tuzatish (remont);
- 2) Konservatsiya (qotirish);
- 3) Ta'mir ishlari.

Tuzatish (remont) – damba-dam o'tkaziladigan ishlar bo'lib, oddiy qurilish uslublari bilan olib boriladi. Saqlanishi lozim bo'lgan qismlarni aniqlash uchun alohida tadqiqot o'tkaziladi. Ko'pincha tuzatish vaqtida ta'mir ishlari qo'shiladi: avvalgi qismlar ochiladi, ayrim qismlar tiklanadi va h.k.

Konservatsiya (qotirish) – yodgorlikni saqlash maqsadida olib boriladigan ishlar. Konservatsiyaning 2 turi mavjud. Birinchisi, tez buzilib ketishni bartaraf etish uchun qilinadi, masalan, tirgak o'rnatish, ustini yopib qo'yish va h.k. Ikkinchi Jahon urushidan keyin bu usul keng qo'llanildi, buni muhandislik ta'miri deb ham atasa o'rinli bo'ladi. Ikkinchisi, murakkabroq ishlar bo'lib, uzoq vaqt ta'sir etadigan salbiy omillar bartaraf etiladi, masalan, asos va poydevorni mustahkamlash, konstruksiyalarning quvvatini oshirish, bog'ichlar o'rnatish va boshqalar. Konservatsiyada ta'mirning ayrim unsurlari ishlatiladi.

Ta'mirlash – eng murakkab, kompleks ishdir. Asosiy maqsadi – yodgorlik hayotini uzaytirish. Ta'mirlash konservatsiya va tuzatishni o'z ichiga oladi. Shu bilan birga, ta'mirlash yorgorik qiyofasini ancha o'zgartiradi. Bunga yodgorlikning badiiy qimmatlarini to'la ochish amallari sabab bo'ladi. Aksari faqat gumonsiz tasdiqlangan qismlargina tiklanadi. Stilistik ta'mir uyushtirmaslikka harakat qilinadi, keyingi qatlamlarning qiymati ham saqlanadi.

Me'moriy obidani saqlash masalalari ijtimoiy xarakterga molik. Yodgorlik taqdirini hal qilish faqat bir kishiga bog'liq bo'lishi kerak emas.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati

1. Mualliflar jamoasi X.Sh.Po'latov va boshq. Arxitektura yodgorliklarini ta'mirlash. – T.: "Ta'lim nashriyoti", "Iqtisod-moliya", 2009.
2. Arxitektutaviy loyihalash asoslari. O'quv qo'llanma. TAQI.2000.
3. Zohidov P.Sh. Me'mor olami.T., 1996.
4. Noilov D. Markaziy Osiyo me'morchiligida interyerT., 2005.

BIOARXITEKTURA TUSHUNCHASI VA UNING TAMOYILLARI

**Janizaqov Abduvahob Esirgapovich,
Nabiyeva Dilbarxon Murodjon qizi (talaba),**

Annotasiya: Maqolada bioarxitekturaning o'rni va ekologik omillarning hisobga olinishi, bu sohada jahon tajribalari, bioarxitektura tamoyillari, bioarxitekturaning atrof-muhit, hayot sifati va sog'liq o'rtasidagi muvozanatni saqlashdagi o'rni yoritilgan.

Kalit so'zlar: barqaror rivojlanish, barqaror shaharsozlik, barqaror arxitektura, bioarxitektura, atrof muhit, ekologiya.

Ijtimoiy xarakterga asoslangan, ekologik va iqtisodiy ustuvorlikka qaratilgan barqaror rivojlanishning “Barqaror shaharsozlik” deb nomlangan samarador yo’nalishning bosh maqsadi rasional shaharsozlik va aqlli arxitekturani uyg’unlashtirishga yo’naltirilganligi bilan ahamiyatga ega.

"Barqarorlik" tushunchasi nafaqat tabiatni, balki uning resurslarini ham nazarda tutadi. Ulardan ehtiyotkorlik bilan va iqtisodiy jihatdan samarali foydalanishni talab qiladi.

“Barqaror arxitektura” deganda esa - ekologik toza, barqaror, aqlli, integrasiyalashgan yondashuv orqali makon, materiallar va energiyani optimallashtirishga intiladigan arxitekturani tushunamiz.

Hozirda iqlim o’zgarishida muhim rol o’ynaydigan innovasion me’moriy loyihalar katta ahamiyat kasb etmoqda. Bunday loyihalari bino va inshootlar minimal energiya iste’mol qiladi va ularda me’yoriy mikroiklimni yaratish imkonini beradi.

Shahar qurilishi va uning tashqi tabiiy muhiti bilan o’zaro bog’liqlik masalasini samarali yechish – shaharsozlikning muhim vazifasi hisoblanadi. Uning yechimida aniq vaziyatlarni va tabiat qamrovini hisobga olish shahar qurilishi masalasida jiddiy o’rin egallaydi.

Shu bilan birga issiq iqlim omillari ma’lum darajada inson organizmiga salbiy ta’sir qiladi va uni qulay hayot faoliyati sharoitlarini yaratish choralarini ko’rishga undaydi. Bunda bioarxitekturaning ahamiyati kattadir.

"Bioarxitektura" konsepsiyasi o’tgan asrning 60 - yillarida ekologlar orasida qurilishda ishlatiladigan materiallarning odamlar va tabiat uchun zarari haqida o’ylab boshlagandan keyin paydo bo’lgan.

Bioarxitektura tushunchasi tabiat bilan o’ralgan insonning asosiy ehtiyojidan kelib chiqadi. Tabiatga bo’lgan muhabbat bizning DNKmizning bir qismidir. Zero, yashil rangga qarab inson ko’zining dam olishi bejizga emas. Ushbu arxitektura sohasining asosiy talablari - inson salomatligini va atrof-muhitni muhofaza qilish hisoblanadi. Bunga esa har bir qurilmani atrof muhit bilan, tabiat bilan uyg’unlashtirib, tabiiy resurslardan oqilona foydalangan holda erishish mumkin, bunda insonni ushbu kompleksning bir qismi sifatida qarash lozim.

"Bioarxitektura" atamasi nemischa "Baubiologiye" - biobuilding so’zidan kelib chiqqan. Hubert Palm buni birinchi marta o’zining seminarlarida va "Sog’lom uy" kitobida ishlatgan. Uning g’oyalari tabiat himoyachilarining zamonaviy qarashlarini qo’llab-quvvatlaydi va keng jamoatchilikka tarqatiladi.

Bugungi kunda bioarxitektura har qachongidan ham ko’proq atrof-muhit, hayot sifati va sog’liq o’rtasidagi muvozanatni saqlashga e’tibor qaratmoqda. Bioarxitektura hozirgi kun bilan shug’ullanish orqali kelajakni barpo etadi.

Har bir ekologik loyiha kelajakdagi qurilish maydonini chuqur tahlil qilish bilan boshlanadi. Barcha asosiy narsani ta’kidlash imkoniyati har qanday bioarxitektura loyihasi uchun eng yaxshi boshlanishdir. Ekologik qurilish uchun iqlim, shovqin manbalari, ifloslanish, elektromagnit maydonlar, tuproq turi kabi omillar asosiy hisoblanadi.

Bioarxitekturaning tamoyillarini quyidagicha izohlashimiz mumkin:

Birinchi tamoyil - bu binoni to’g’ri oriyentasiyalash. Bunda quyosh nurlari maxsus panellar tomonidan so’rilishi va 100% energiyaga aylanishi kerak. Uning ichida to’g’ri tartib nurlarning tabiiy yorug’ligini yaratishga imkon beradi, bu esa imkon qadar kechroq elektr yoritgichlariga murojaat qilishga yordam beradi. Shunday qilib, elektr energiyasining tejalishiga erishiladi.

Ikkinchi tamoyil - passiv quyosh energiyasidan foydalanish va yog’ingarchilikdan himoya qilish. Bunda yomg’irdan, masalan, kuchli yog’ingarchilik yoki toshqinlardan himoya qilish tizimi, shuningdek, energiya panellarining joylashishi uchun juda muhimdir.

Uchinchi tamoyil - bu issiqlik izolyasiyasi. Binoda issiqlik teng ravishda taqsimlanishi kerak, juda ham issiq, juda ham sovuq bo'lib ketmaslik lozim.

To'rtinchi tamoyil - issiqlik muvozanatini ta'minlash. Derazalar, eshiklar, tomlar - bu issiqlik muvozanati nuqtai nazaridan har qanday qurilishda zaif tomonlar hisoblanadi.

Beshinchi tamoyil - quyosh nurlaridan samarali foydalanish. Alyuminiy va shisha panellar orqali binoni tabiiy ravishda isitish uchun quyosh energiyasidan foydalanish mumkin.

Ushbu tamoyillarning barchasi birgalikda bir narsaga, ya'ni energiya tejashga bog'liq bo'lib, bu tamoyillar bioarxitektura tushunchasiga mos keladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ahmedov M. Q., Nazarova D. A., Xasanov A. O. O'zbekiston arxitekturasi va shaharsozligining taraqqiyot yo'llari. Monografiya. Toshkent 2016.

2. Римша А.Н. Градостроительство в условиях жаркого климата. Учебник для вузов. - Москва: Стройиздат, 1979.

SANOAT OQOVA SUVLARINI TOZALASHDA ZAMONAVIY, LOKAL TOZALASH INSHOOTLARINING QO'LLANISHI.

Ochilov Farrux Murotqosim o'g'li
Jizzax Politexnika Instituti, magistranti,
ilmiy rahbar A.O.Sultonov

Atrof muhitni ifloslanishdan saqlash va tabiiy resurslardan oqilona foydalanish hozirgi davrning asosiy muammolaridan biri hisoblanadi. Yetarli darajada tozalanmagan yoki umuman tozalanmagan oqova suvlarni suv havzalariga tashlash, suv resurslarini ifloslanishiga olib keladi. Oqova suvlar tarkibidagi organik moddalar tez chirishi hisobiga, suv havzalarida har xil kasalliklar keltiruvchi mikroorganizmlar paydo bo'ladi. Havza esa, shu mikroorganizmlar yashashi uchun yaxshi muhit bo'lib, suvdagi kislorodni miqdorini kamaytiradi va har xil jonivorlarga hamda aholiga yomon ta'sir ko'rsatadi. Shuning uchun, har qanday oqova suvlarni suv havzalariga tashlashdan oldin, sanitar talablarga rioya qilish zarur. Sanitar talablarga rioya qilish uchun, har qanday oqova suvlarni yig'ish va ularni shahardan tashqarida tozalash, iloji boricha qayta ishlatish zarur. Bu bo'yicha mamlakatimizda ko'plab islohatlar olib borilmoqda.

Xususan, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 30-noyabrdagi «O'zbekiston Respublikasida ichimlik suvi ta'minoti va kanalizatsiya tizimlarini rivojlantirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi PQ-4040-son qarori topshiriqlari bilan suv ta'minoti va kanalizatsiya sohasidagi xizmatlar sifatini, tarmoq korxonalarini faoliyatining samaradorligini yanada oshirish, to'g'ridan-to'g'ri, avvalambor, xorijiy investitsiyalarni jalb qilish, shuningdek, davlat-xususiy sheriklikni rivojlantirish asosida ishonchli moliyalashtirish manbalarini tashkil etish maqsadida sohaga xususiy sektorni jalb qilish belgilangan.

Qaror yuzasidan har viloyatlardagi tozlash stansiyalari qayta rekonstruksiya qilindi. Ko'plab viloyatlardagi tozlash stansiyalariga yangi zamonaviy inshootlar olib kelindi. Bu tozlash stansiyalari samarali va uzoq vaqt xizmat ko'rsatish uchun sanoat korxonalaridan chiqayotgan oqova suvlarga katta e'tibor qaratish kerak. Tozalash stansiyalariga sanoat oqova suvlarni chiqarishdan oldin sanoat binosining o'zida birlamchi ya'ni lokal tozalash inshootidan o'tkazilishi kerak. Endi sanoat oqova suvlarni tozalashni ko'rib chiqadigan bo'lsak;

Quyosh radiatsiyasi va iflos suvga toza suv kelib quyilishi natijasida suv qaytadan tozalanadi. Turli bakteriya, zamburug' va suv o'tlari suvni qayta tozalashda faol hisoblanadi. Suv turli iflos moddalarga haddan tashqari to'yingan bo'lsa, u holda uni tozalash uchun turli mustaqil yoki kompleks usullardan foydalaniladi. Suv ta'minotining yopiq tizimini hosil qilish uchun sanoat oqova suvlari mexanik, kimyoviy, fizik-kimyoviy, biologik va termik tozalash usullari orqali korxonada turiga qarab suvning zarur sifatiga qadar tozalanadi. Bundan tashqari, qayd qilingan usullar rekuperatsion va destruktiv usullarga bolinadi. Rekuperatsion usullar oqova suv tarkibidagi barcha qimmatbaho moddalarni ajratib olib, so'ngra qayta ishlatishga qaratilgan. Destruktiv usulda suvni ifloslantiruvchi moddalardan oksidlash yoki qaytarish usullari yordamida parchalaniriladi. Parchalash mahsulotlari suvdan gaz yoki cho'kma ko'rinishida ajratib olinadi. Tozalash usullarini tanlash quyidagi omillarni hisobga olgan holda olib boriladi: 1) qayta ishlatishni hisobga olgan holda tozalangan suvga qo'yiladigan sanitar va texnologik talablar; 2) oqova suv miqdori; 3) korxonada zararsizlantirish jarayoni uchun zarur bo'lgan energetik va moddiy resurslar miqdori (bug'l, yoqilg'i, siqilgan havo, elektr energiya, reagent, sorbentlar), shuningdek, tozalash qurilmasi va inshootlari uchun zarur maydon. Sanoat oqova suvlarni tozlashning usullari. 1. Mexanik (suzish, tindirish, cho'ktirish, filtrlash, sentrifugalash va h.k.). 2. Fizik-kimyoviy (adsorblash, koagullash, flokullash, flotasiya, ion-almashinish, ekstraklash va h.k.). 3. Kimyoviy (neytrallash, oksidlanish, qaytarilish). 4. Biokimyoviy (aerob, anaerob sharoitlarda). 5. Termik (yuqori harorat ishtirokida).

Bu tozalash usullaridan har bir sanoat korxonalaridan chiqayotgan oqova suvlarni tozalash uchun qo'llanilsa foydadan xoli bo'lmaydi. Bu har tamondan maqsadga muvofiq bo'ladi. Har bir sanoat korxonasidan chiqayotgan oqova suvlar chiqib markaziy kanalzatsiya tarmog'iga qo'shilishidan oldin tozalab yuborilsa tozalash stansiyasi ishlash muddati uzoq va samarali bo'ladi. Aks xolda tozalash inshooti samarali ishlamaydi, ishlash jarayonlarida har xil nosozliklar vujudga keladi. Chunki sanoat binolari turli soxalarga yo'naltirilgan bo'lib ulardan turli tarkibga ega oqova suvlar chiqadi. Ayrim sanoat korxonalaridan chiqadigan oqovalar bir birlari bilan reaksiyaga ham kirishib ketishi mumkin. Buning oqibatida markaziy kanalzatsiya tarmog'iga ham katta zarar yetadi. Bundan tashqari tozalash stansiyalaridagi inshootlar barcha turdagi sanoat binolaridan chiqadigan oqova suvlarni ham tozalay olmaydi. Misol uchun " Akumliator zavodi " dan chiqayotgan har xil turdagi " Tekistilni fabrika " lardan, " Oyan zavodi " dan chiqayotgan suvlar va shu bilan birgalikda aholidan chiqayotgan oqova suvlarni bir vaqtning o'zida tozalash mumkin emas.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, bu tozalash usullaridan sanoat korxonalaridan chiqayotgan oqova suvlarni tozalashda foydalansak har tamondan maqsadga muvofiq. Moliyaviy jihatdan ham ekologik jihatdan ham. Chunki tozalash stansiyasi uzluksiz va uzoq muddat davomida oqova suvlarni tozalab tura oladi, qachonki yuqoridagi ishlar / yo'lga qo'yilsa. Markaziy kanalzatsiya quvurlarining ham xizmat ko'rsatish davomiyligi uzoq bo'ladi. Bu esa o'z navbati moliyaviy samaradorlik beradi. Aks xolda bo'ladigan bo'lsa, ekologiya zarar yetadi. Atrof muxitning buzilishiga olib keladi. Buning oqibatida yuqorida aytib o'tganimizdek ya'ni insoniyat hayotiga haf soluvchi har xil yuqumli kasalliklar yuzaga kelishi mumkin. Shunday holatlar yuzaga kelmasligi uchun har bir jarayonga e'tiborli bo'lishimiz hamda to'g'ri foydalanishimiz lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Mirziyoyev Sh.M. "Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish sohasida davlat matn. boshqaruvi tizimini takomillashtirish to'g'risida"gi Farmoni. 2017-yil 21- aprel. To'liq
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 30-noyabrdagi «O'zbekiston Respublikasida ichimlik suvi ta'minoti va kanalizatsiya tizimlarini rivojlantirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi PQ-4040-son qaroridan.

3. A. DJalilova, A. Xamidov, M. Abduqodirova “Kanalzatsiya va oqova suvlarni tozalash” Toshkent “Voris-Nashriyot” 2012.
4. “Kanalizatsiya va oqova suvlarni tozalash” fanidan o’quv qo’llanma.
5. Назиров С. Ў. Ў., Султонов А. О. Саноат корхоналари оқова сувларини тозалашнинг долзарблиги //Science and Education. – 2021. – Т. 2. – №. 6. – С. 299-306.
6. Такабоев К.У., Мусаев Ш.М., Хожиматова М.М. Загрязнение атмосферы вредными веществами и мероприятия их сокращение //Экология: вчера, сегодня, завтра. – 2019. – С. 450-455

ИЗВЛЕЧЕНИЯ ЛИТИЯ ИЗ ВОДНЫХ РЕСУРСОВ СОВРЕМЕННЫМ МЕТОДОМ

Кадиров Шерзод Мамарасулович, ассистент,
Эркинова Дилнавоз Илхом кизи, студентка,

Литий концентрируется из водных ресурсов солнечным испарением, извлекается химическим осаждением, экстракцией растворителями, мембранными, электрохимическими и седиментационными методами. Как широко используемая технология, процесс солнечного испарения состоит из нескольких стадий осаждения и кристаллизации Li_2CO_3 .

К сожалению, этот процесс занимает очень много времени. Кроме того, продукт Li_2CO_3 смешивается с другими нежелательными солями, таким как NaCl , $\text{Mg}(\text{OH})_2$ и MgCO_3 и нуждается в дальнейшей очистке. Процесс химического осаждения вызывает осаждение лития в виде алюмината или карбоната лития за счет добавления хлорида алюминия или кальцинированной соды, соответственно. Этот метод, однако, не подходит для рассолов с большим содержанием мешающих солей, таких как рассолы озер с высоким отношением $\text{Mg}^{2+}/\text{Li}^+$. Кроме того, в этом методе используется большое количество химикатов и образуется большое количество шлама. Метод экстракции растворителем может селективно извлекать литий в присутствии ионов других металлов с использованием специфического хелатирующего агента, такого как триоктилфосфиноксид и трибутилфосфат.

Однако, этот метод применим только к рассолам с низким отношением $\text{Mg}^{2+}/\text{Li}^+$. Более приемлемо использование органических растворителей в качестве экстрагентов в больших объемах, но это вызывает не только коррозию технологического оборудования, но и загрязняет окружающую среду. Поэтому разработка устойчивых технологий извлечения лития из водных ресурсов имеет решающее значение. Электрохимическое извлечение лития из морской воды является одним из наиболее распространенных методов, который может решить проблему нехватки лития в будущем. Однако электрохимическая экстракция эффективно работает только в растворах с высокой концентрацией лития. У.Уи и др. обнаружили, что экстракция лития зависит от температуры и концентрации. Мембранная технология разделения считается перспективной и экологически чистой альтернативой для извлечения лития, благодаря своим преимуществам - высокой энергоэффективности и простоте эксплуатации в непрерывном процессе.

Получаемые этим методом растворы получаются очень разбавленными и требуют дополнительной стадии концентрирования перед дальнейшей переработкой.

В начале 1990-годов Канох и др. впервые провели электрохимический захват катионов лития из исходного раствора в материал батареи - ионные аккумуляторы. Они использовали шпинель $\lambda\text{-MnO}_2$ в качестве рабочего электрода и Pt-проволоку в качестве противоиэлектрода, на котором происходила генерация кислорода или водорода. Однако,

недостатком этого метода является то, что процесс расщепления воды, дорогостоящий процесс, происходит параллельно с извлечением лития.

Материалы, использовавшиеся ранее в качестве электродов для извлечения лития, аналогичны материалам, используемым в качестве катодных электродов в литий-ионных батареях, что обеспечивает их способность извлекать/вводить литий. Их литий-ионные механизмы, теоретические и практические возможности, потенциалы восстановления/окисления или даже различные методологии, необходимые для улучшения их электрохимических характеристик были подробно изучены. Обширные знания об их свойствах сделали их идеальными кандидатами в качестве литийселективных электродов благодаря тому факту, что, в принципе, те же параметры, которые определяют их характеристики, как у литий-ионных катодных материалов и благоприятны для их использования в качестве литий-ионных катодных материалов.

Основное преимущество всех этих методов заключается в том, что движущей силой для захвата лития является применение тока, а это означает, что для регенерации активного материала не требуются никакие другие химические вещества. Хотя емкость аккумуляторных материалов не сильно отличается от емкости адсорбционных материалов, использовавшихся в прошлом (около 30–35 мг/г), время, необходимое для захвата того же количества Li, намного меньше, чем при адсорбции. Это опять-таки прямое следствие подачи тока на электрод, что увеличивает скорость захвата Li.

С другой стороны, пористость и гигроскопичность материалов ограничивают конечную концентрацию лития, так как раствор, адсорбированный на электродах, будет смешиваться при каждом цикле с обогащенным раствором лития. Однако, эту проблему можно решить путем промывки и использования конструкции ячейки с малым мертвым объемом и компактным электродным блоком.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ

1. Samadiy Murodjon, Xiaoping Yu, Mingli Li, Ji Duo and Tianlong Deng (January 21st 2020). Lithium Recovery from Brines Including Seawater, Salt Lake Brine, Underground Water and Geothermal Water, Thermodynamics and Energy Engineering, Petrică Vizureanu, IntechOpen, DOI: 10.5772/intechopen.90371.
2. Фармонов Ж. Б. и др. ПОЛУЧЕНИЕ МАСЕЛ С ПРИМЕНЕНИЕМ МЕТОДА ХОЛОДНОГО ПРЕССОВАНИЯ //Universum: технические науки. – 2021. – №. 5-5 (86). – С. 21-25.
3. Samadiy M. A. et al. Study of the kinetic characteristics of the process of obtaining zinc sulfate //ISJ Theoretical & Applied Science, 07 (111). – 2022. – С. 188-192.
4. САМАДИЙ М. А. и др. ИССЛЕДОВАНИЕ ПРОЦЕССА ОЧИСТКИ РАСТВОРОВ СУЛЬФАТА ЦИНКА ОТ ПРИМЕСЕЙ.
5. Y.Yu, Z. Yuan, Z.Yu, Ch.Wang, X. Zhong, L. Wei, Y. Yao, X. Sui, D S. Han, Y. Chen. Thermally assisted efficient electrochemical lithium extraction from simulated seawater, Water Research, **10**, (2022), P. 969-975.
6. C.A. Quist-Jensen, A. Ali, E. Drioli, F. Macedonio, Perspectives on mining from sea and other alternative strategies for minerals and water recovery – the development of novel membrane operations, J. Taiwan Inst. Chem. Eng. **94**, (2019), P. 129-134.

SHAHAR KANALIZATSIYA TARMOG'IDAN FOYDALANISH

JizPI. "Muhandislik kommunikatsiyalari"

kafedra assistenti Behzod Turdiqulov

JizPI. "Muhandislik kommunikatsiyalari"

kafedra magistranti Razoqov Sardorbek

Bugungi kunda kanalizatsiya tizimining ishonchli ishlashini ta'minlash-bu suv kanali mutaxassislarining yuqori kasbiy tayyorgarligini talab qiladigan murakkab va ko'p tomonlama vazifadir. Shu munosabat bilan xodimlarni o'qitish, rivojlantirish va malakasini oshirishga katta e'tibor qaratilmoqda. Shahar kanalizatsiya tarmog'i – xovli va kvartal ichi tarmoqlaridan keladigan oqava suvlarning shahar ichida oqizish uchun mo'ljallangan tarmoqlangan quvurlar tizimidir. Shahar kanalizatsiya tarmogi xovli kanalizatsiya tarmoqlaridan keladigan oqava suvlarni olib ketadigan ko'cha tarmoqlarni xamda ko'cha tarmoqlaridagi oqava suv to'planadigan kollektorlardan iborat. Maishiy kanalizatsiya uchun ko'cha tarmoqlari kamida 200 mm va kvartal ichi tarmoqlari 150 mm, yomg'ir va umumiy kanalizatsiya uchun ko'cha tarmoqlari kamida 250 mm va kvartal ichi tarmoqlari 200 mm: bosimli quvurlar uchun kamida 150 mmli qabul kilinadi.

Tashki kanalizatsiya tarmoqlarining quvurlari loyihada ko'rsatilgan chuqurlikda yerga yotqiziladi. Lekin bunda joy tuprokning muzlash chuqurligi, shuningdek, quvurlarga tushadigan ogirliklarni xisobga olishi shart. Quvurlarning novini yotkizishning eng kichik chuqurligi quvurlarning diametri 500 mm gacha bo'lganda 0,3 m, bundan katta bulganda quvurlar yotqiziladigan rayondagi tuproqning muzlash chuqurligidan 0,5 m pastrok, lekin kuvur ustigacha kamida 0,7 m olish mumkin. Bunda tekislash o'tmetkasi xisobga olinadi 0,7 m sayoz yotkizilgan quvurlar yer usti transporti shikastlanishidan ximoyalangan bo'lishi lozim. Xujalik-fekal oqava suvlar uchun quvurlarning eng kichik nishabligi: quvurlarning diametri 150 mm bulganda 0,007 200 mm bulganda-0,005. Yomgir va umumiy kanalizatsiya ko'cha quvurlarining eng kichik nishabligi 250,300 mm bulganda-0,004 olinadi. Tarmoqlarning mumkin bo'lgan nosozliklari, eskirishi va texnik holatining boshqa buzilishlarini o'z vaqtida aniqlash maqsadida korxonada vizual tekshirish, instrumental nazorat va avtomatlashtirish vositalari orqali quvurlarni doimiy ravishda kuzatib boradi. Tarmoqning xolatini tekshirib turish va uni tozalash uchun quvurlarga kuzatish quduqlari quriladi. Quduqlar tarmoqning burilish joylariga, yon tarmoqlar va chiqarish quvurlari ulangan joylarga, yotkizish chuqurligi, quvurlarning nishabligi va diametri uzgargan joylarga quriladi. Tarmoqlarning to'g'ri uchastkalarida kuzatish quduq quvurlarning diametri 150 mm bulganda 35 m masofada, 200- 600 mm bulganda 50 m, 600-1400 mm bulganda 75 m va 1400 dan yukorilariga kupi bilan 150 m masofada quriladi. Quduqlar yumalok va tugri turt burchak kesimli bo'lishi mumkin. Odatda, kuzatish quduqlari yigma beton va temir-beton elementlaridan tayorlanadi. Diametri 500 mm gacha bulgan kuvur tarmogiga o'rnatiladigan yumaloq kuzatish quduqlarining ichki diametri 1000 mm, tarmoq diametri 500 dan yukori bulganda kamida 1250 mm bo'ladi.

Oqava suvlarni tozalashning asosiy usullari. Kanalizatsiya tarmog'iga tushadigan oqiziq suvlar tarkibida mineral chiqindilar (qum, loy, shlak zarralari, suvda erigan tuzlar, kislotalar, ishqorlar); chirigan oragnik moddalar(hayvonot va o'simlik qoldiqlari); kasal qo'zg'atuvchi bakteriyalar, sanoatdan chiqadigan suvlarda esa zararli kimyoviy moddalar bo'lishi mumkin. Shuning uchun oqiziq suvlarni suv havzalariga tushirishdan oldin tozalanadi. Oqiziq suvlarni tozalashning mexanikaviy, mexanik-kimyoviy va biologik usullari bor. Mexanikaviy tozalash oqiziq suvlardan erimagan, qisman erimagan mineral chiqindilarni, shuningdek oqiziqsuvlarda suzib yuradigan yot narsalarni yo'qotishdan iborat. Oqiziq suvlar panjaralar, g'alvirlar, qum

tutkichlar va tindirgichlarda tozalanadi. Oqiziq suvlar harakati yo‘liga va ko‘pincha nasos stansiyalariga o‘rnatiladigan panjaralar va g‘alvirlarda yirik suzib yuruvchi narsalar (qog‘oz, latta) tutilib qoladi. Suv o‘zi oqib bora olmaydigan tozalash inshootlariga oqiziq suvlar nasos stansiyalari yordamida beriladi. Keyin oqiziq suv kichik xovuzlar-qum tutqichlarga quyuladi. U yerda harakati sekinlashib, xovuz tubiga mineral moddalar, asosan , qum tushadi, undan maydaroq organikzarralar esa bunday tezlikda cho‘kib ulgirmaydi. So‘ngra oqiziq suvlar yirikroq xovuzlar-tindirgichlarga boradi. U yerda erimagan mayda zarralar ajralib, xovuz tubiga cho‘kadi. Ular xovuz tubidan vaqti-vaqti bilan olib turiladi. Tindirgichlarda suv juda sekin harakatlanadi. Suv biologik tozalanadigan inshootlardan oldin o‘rnatiladigan birlamchi tindirgichlarda suvning eng katta oqish tezligi 10 mm/sek inshootlardan keyin o‘rnatiladigan tindirgichlarda esa 5mm/sek Tindirgichlarda tutib qolinadigan cho‘kindi va balchiq chiritgichlarda yana ishlanadi, so‘ngra balchiq maydonlarda quritiladi yoki mexanikaviy qurilmalar yordamida suvsizlantiriladi. Mexanik-kimyoviy tozalashda oqiziq suvdan suvda erimagan iflosliklar ketkiziladi. Bu usulda oqiziq suvga erimagan aralashmalarning qalqibchiqishini tezlashtiradigan har xil kimyoviy birikmalar qo‘shiladi. Mexanik-kimyoviy tozalashning boshqa o‘z usuli bor. Oqiziq suv orqali doimiy elektr toki o‘tkaziladi.

Bu suyuqlikdan erimagan iflosliklarning ajralishiga yordam beradi. Mexanik-kimyoviy tozalashda oqiziq suvlar faqat tinadi, lekin bakteriyalardan to‘liq zararsizlantirilmaydi. Baolan oqiziq suvlari mexanikkimyoviy tozalashda faqat bakteriyalarning uchdan bir qismi nobud bo‘lsa, bu yetarli emas, bunda ancha mukammal biologik tozalash usuli qo‘llanadi. Biologik tozalashda mikroorganizmlarning faoliyatidan foydalaniladi. Bu mikroorganizmlar oqiziq suvdagi organik moddalarning oksidlanishini (chirishini) taaminlaydi. Natijada ular minerallanadi va bakteriyalar tabiiy tarzda zararsizlantiriladi. Biologik tozalashda oqiziq suv organik moddalar va bakteriyalardan deyarli butunlay tozalanadi, mikroorganizmlarning yashashi uchun zarur bo‘lgan kislorod havodan kiradi. Barcha kanalizatsiya tarmoqlari va kanalizatsiya quduqlari lyuklarini vizual tashqi tekshirish kamida 2 oyda bir marta amalga oshiriladi. Qurilish ishlari ishlab chiqarish zonasida chuqurlarni qurish bilan yotqizilgan mavjud kanalizatsiya quvurlarining xavfsizligini ta'minlashga alohida e'tibor qaratilmoqda. Hozirgi vaqtda "polimer yeng" usuli sifatida quvurlarni tiklashning zamonaviy xandaqsiz usullaridan foydalanilmoqda; "pnevmatik quvur"; "quvurdagi quvur"; kompozit shisha tolali elementlardan foydalanish; "Lokpipe" texnologiyasi; quvur liniyasining ichki yuzasiga tsement-qum qoplamasini qo'llash; qattiq polimer yenglarini tortish; mavjud quvur liniyasiga polietilen quvurlarni tortish; "SPR" usuli. Ushbu usullardan foydalanish kanalizatsiya kanallari va kollektorlarining to'liq zichligiga erishishga imkon beradi va shu bilan kanalizatsiya tarmoqlarining ishonchligini oshiradi. Usullar quvur liniyalarida gaz korroziyasi jarayonlarining rivojlanishini, biogen korroziya natijasida kanallar va kollektorlarning shikastlanishini istisno qiladi, tarmoqning gidravlik xususiyatlarini yaxshilaydi va shahardagi yoriqlar sonini kamaytiradi. Avariya darajasi 2000 yilga nisbatan 2 baravar kamaydi. Shu bilan birga, favqulodda vaziyatlarning asosiy qismi shaharning Markaziy qismida o'rnatilgan kichik diametrli tarmoqlarga to'g'ri keladi. Buning sababi, Markaziy ma'muriy okrug tarmoqlarining 60 foizdan ortig'i XX asrning birinchi yarmida qurilgan. Ushbu muammoni hal qilish uchun "Bulvar halqa" dasturi ishlab chiqilgan va amalga oshirilmoqda.

Oqava suvlarni biologik usulda tozalash. Biologik tozalashda tingan oqiziq suvlar tuproq qatlami orqali filptrlar va bakteriyalarni zararsizlantirish uchun navbatdagi qurilmalarga yo‘naltiriladi. Biologik tozalash sistemalariga sug‘orish maydoni va filptrlash maydoni – oqiziq suvlar yo‘naltiriladigan maxsus yer uchastkalari kiradi. Sug‘orish maydonida oqiziq suvlar tuproq qatlami orqali o‘tadi, undagi moddalar tuproq sirtiga o‘tiradi, tozalangan suv ochiq suv xavzasiga tushadi. Yer sirtida qolgan moddalar sug‘orish maydonlarida o‘stiriladigan qishloq ho‘jalik ekinlari

uchun o'g'it bo'ladi. Filptrlash maydoni oqiziq suvlarni faqat sanitariya jihatidan tozalash uchun mo'ljallangan. Oqiziq suvlarni tozalashning sunoiy biologik usuli ham bor. Bunda biologik filptrlar va aerotenkalar qo'llaniladi. Bio-filptrlar –shlak, shag'al yoki koks qatlamli inshoot. Unda sug'orish maydoni va filptrlash maydonidan ko'ra jadalroq tarzda oqiziq suvning biologik tozalanish jarayoni o'tadi.

Aerotenkalar–tindirilgan oqiziq suvga aktiv balchiq-ko'p mikroorganizmlar mineralizatorlar bo'lgan balchiq aralashirilgan suv oqadigan idishlar hisoblanadi. Mineralizatorlar havo kislorod ishtirokida tozalanadigan oqiziq suv tarkibidagi organik moddalarni oksidlaydi va minerallaydi. Suvni biologik tozalash usuli eng mukammal bo'lgani uchun hozirgi vaqtda keng qo'llanilmoqda. g/m^3 ; to'liq sunoiy biologik tozalash stansiyalarida $-10 g/m^3$; chala biologik tozalash stansiyalarida $-15g/m^3$. Oqiziq suvga xlor aralashirgichlarda qo'shiladi. Kontakt idishda yoki tarmoq novlari va trubalarida oqiziq suvning xlor bilan taosirlashuv vaqti kamida 30min bo'lishi kerak. Tindirilgan va zararsizlantirilgan oqiziq suvlar suv xavzalariga quyiladi. Oqiziq suvni xavzalarga to'kadigan qurilma chiqarish qurilmasi deyiladi. Oqiziq suvlarni suv xavzalariga to'kishda ular suv xavzasidagi suvga yaxshiroq aralashishi lozim. buning uchun ularni suv xavzasining o'rtasiga to'kish kerak. Suv xavzasining tubi va chiqarish qurilmasini o'pirilish va balchiqlanishdan saqlash kerak. Shu maqsadda suv chiqariladigan trubalar suv xavzasi tubidan 0,6÷1 m yuqori o'tkaziladi.

Hulosa. Xalq hayotining moddiy va madaniy darajasini og'ishmay yuksaltirish mamlakatni iqtisodiy strategiyasining oliy maqsadi bo'lib keldi va shunday bo'lib qoladi. Hozirgi davrda bu maqsadni amalga oshirish sotsial -iqtisodiy rivojlanishni jadallashtirish, ishlab chiqarish samaradorligini ilmiy - texnika taraqqiyoti asosida imkoni boricha jadallashtirish va amalga oshirishni talab etadi.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. Qutlimurodov, U. M. (2022). Prevention of water losses in zarafshan-gagarin main water system. In The Third International Scientific Conference Construction Mechanics, Hydraulics and Water Resources Engineering. (CONMECHYDRO 2021 AS). AIP Conference Proceedings **2612**, (Vol. 7, p. 23). 020034 (2023);
<https://doi.org/10.1063/5.0113247>
2. Sultonov, A. O. (2020). Problems of optimal use of water resources for crop irrigation. Journal of Central Asian Social Studies, **1(01)**, 26-33.
<https://doi.org/10.37547/jcass/volume01issue01-a3>
3. Saydullaev S. R. Decision-making system for the rational use of water resources //Journal of Central Asian Social Studies. – 2020. – T. 1.– №. 01.-C. 56-65.
<https://doi.org/10.37547/jcass/volume01issue01>
4. U.M. Qutlimurodov, M.K. Tursunov. (2022). Factors of modern methods in waste water treatment processes. Eurasian Journal Of Academic Research, **2(10)**, 88-93
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7114920>
5. Masharipovich, Q. U. (2021). Laboratory Equipment of Overpressure Determination on Standard. International Journal of Development and Public Policy, **1(6)**, 138-143.
<https://openaccessjournals.eu/index.php/ijdpp/articl>

SHOVQIN VA UNING INSON SALOMATLILIGIGA TA'SIRI.

Nargiza Achilova Tuxtanzarova JizPI, PhD o'qituvchisi

Haydarova Mahliyo JizPI II-bosqich talabasi

Atrof-muhit tabiiy xolatining o'zgarishida, kishilar salomatligining yomonlashishida shovqinning ortib borishi ham salbiy ta'sir etmoqda. Shu sababli shovqinga qarshi kurashish bu tabiatni muhofaza qilishning ajralmas bir qismidir.

Shovqin – musiqaviy xususiyatga ega bo'lmagan yoqimsiz va xavfli ovozdir. Shuning uchun u kishilarning normal ishlashiga, dam olishiga xalaqit beradi, mehnat unumdorligini va ish qobiliyatini pasaytiradi, asabni bo'shashtiradi, yurak-qon tomirlarini zaiflashtiradi, bosh og'rig'iga, uyqusizlikka duchor qiladi, yurak urushini tezlashtiradi, qisqasi inson organizmida salbiy fiziologik o'zgarishlarni vujudga keltiradi. Shu sababli shovqinni kamaytirish, unga qarshi kurashish asrimizning umumbashariy muammosiga aylanib qoldi.

Aholi yashaydigan punktlarda shovqin asosan aviatsport, temir yo'l transporti, avtotransport, sanoat korxonalari, qurilish texnikalari, maishiy xizmat korxonalari, radio, televizor ovozlari qattiq qilib qo'yish tufayli vujudga keladi.

Shovqinning kuchi detsibell (dB) bilan o'lchanadi. Bir detsibelli shovqin eng hisoblanib, uni payqash qiyin. 200 detsibelli shovqin esa eng kuchli bo'lib, uning ta'siri kishini o'limga duchor qilishi mumkin. Shovqin kuchi va harakteriga ko'ra 5 guruhga ajratiladi.

1. Shovqinning kuchi 0-50 dB bo'lsa, normal ovoz hisoblanadi. Bunga daraxtlarning shamol ta'sirida shivirlashi, soat chiqillashi, normal musiqa ovozi kiradi.

2. Shovqinning kuchi 60-90 dB bo'lsa, yoqimsiz ovoz hisoblanib, bunga ko'chaning shovqini, chang yutgich, kir yuvish mashinalari ovozi kiradi.

3. Shovqinning kuchi 100-120 dB bo'lsa, zararli, kishi salomatligiga salbiy ta'sir etadigan ovoz hisoblanadi. Bunga stanoklar, avtomobillar, mototsikllar, tramvay, temir yo'l transporti, qishloq xo'jalik va qurilish mashinalaridan chiqqan ovoz va qattiq musiqa ovozi kiradi.

5. Shovqinning kuchi 130-200 dB bo'lsa, xavfli ovoz hisoblanadi. Bunga havo trevogasi, reaktiv samolyot ovozi, portlash ovozi va boshqalar kiradi.

Ma'lumotlarga qaraganda shovqin kuchi 130 dBdan oshganda kishilar organizmida keskin o'zgarishlar ro'y berib, kasallanib, hatto o'lim (130 dBdan ortsa) darajasiga olib boirish mumkin. Olimlar shovqin kuchini har xil darajaga ko'tarib, hayvonlar, xususan kalamush va mushuk ustida kuzatish olib borgan. Shovqin kuchi 165 dBdan oshgach, o'sha hayvonlar nobud bo'lgan.

Bizning asrimizda dunyo shaharlari ichida «tinch» joyni topish amri maholdir. Bu esa o'z navbatida insonda eshitish organlarini bo'shashtirib yuboradi.

Shahar magistral ko'chalarida ayniqsa shovqin darajasi ko'proq bo'ladi. Bir soat ichida o'rtacha avtotransport qatnovi 2000-3000 taga yetsa, shovqinning maksimal darajasi 90-95dBga yetadi.

Katta yoshdagi odamlar shovqinga bo'lgan sezgirligi ko'proq bo'ladi. Masalan, 27 yoshgacha 56,3% odamlar, 28-37 yoshgacha 57,0%, 38-57 yoshgacha 62,5%, 58 yosh va undan yuqorilar 72%i shovqinni yaxshi sezishadi.

Shovqinning ta'sir darajasi ko'proq aqliy mehnat bilan shug'ullanadigan odamlarda kuchliroq bo'lar ekan, chunki ish faoliyati asab sistemasiga bog'liq bo'lgani uchun nisbati 60,2 va 55%.

Shahardagi shovqin ko'proq insonning qon-tomir sistemasiga, xolestirin miqdorining ko'payishiga, yurak ishlashining yomonlashuviga ta'sir ko'rsatadi. Shuningdek, oshq osti bezining ishlash funksiyasining buzilishiga, miya aktivligining susayishiga olib keladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

- 1.Бурханов Р. Б., Попспирова Н. М. Охрана окружающей среды с основами экологии. Ташкент – «Мехнат» – 1995г.
2. Будыко М. И. Глобальная экология. – М.: Мысль, 1977.-327с.
- 3.Кутырин И. М. Охрана воздуха и поверхностных вод от загрязнения. – М.: Наука, 1989. –87с

SANOAT OQOVA SUVLARINI BIOLOGIK TOZALASHDA YUKSAK SUV O‘SIMLIGI PISTIYA TELORIZOVIDNIYANING (PISTIA STRATIOTES L.) AHAMIYATI.

JizPI talabasi: B Ummarov

JizPI o‘qituvchisi: G. X. Xudoyberdiyeva

Pistiya yoki suv karami kuchalagullilar oilasiga mansub o‘simlik hisoblanadi. U ko‘p yillik o‘simlik bo‘lib, chuchuk suvlr qismsn minerallashgan va organik moddalrga boy suvlar yuzasida qalqib o‘sadi.

Issiqxonalarda urug‘idan undirilgan yosh nihollar, erta bahorda kunlar isishi bilan ochiq havodagi tajriba uchun qurilgan hovuzchalarda ko‘paytiriladi. Kerakli miqdordagi ko‘chatlar chorvachilik komplekslari yoki sanoat korxonalarining biologik hovuzlariga ekiladi.

Pistiya o‘simligini O‘zbekiston sharoitida keng miqdorda qo‘llashda, uning gullashini o‘rganish muhim ahamiyatga ega. Uning o‘shishi uchun qulay sharoit bo‘lishi bilan, ya‘ni aprel oyining oxiri may oyining boshlarida tezlik bilan rivojlanishni boshlaydi.

O‘tkazilgan tajribalar natijasida parrandachilik fabrikasining oqova suviga, uni suyultirmasdan (100 foiz) pistiya ekilganda, 6-7 kundan keyin uning hosildorligi 1 kvadrat metr suv yuzasida 935 gramm, o‘shishi esa 318.3 grammni (191.3 foiz) tashkil qiladi. Oqava suvni 1:1 minosabatda suv bilan suyultirilganda, pistiyaning o‘shish dinamikasi bir kecha-kunduzda 255.8 gramm yoki 259.5 foizni tashkil qilgan. Oqava suvda pistiyaning o‘shib rivojlanishi bilan bir qatorda suvning fizik va kimyoviy tarkibida o‘zgarish bo‘lganligi ham kuzatilgan. Suvda erigan kislorod miqdori noldan 13.6 mg/lga yetgan. Kislorod miqdorining biokimyoviy jarayonlar uchun sarflanishi (KBS₅)720.3 dan 21.3 mg O₂ l gacha kamaygan.

Shu boisdan qo'yilgan masala bo'yicha, issiqlikning uzatilishi xona ichidagi havoning uch qatlamli to'siq konstruksiyasidan xonadan tashqariga qarab harakatlanadi deb qabul qilinadi. [8]

Bu masala bo'yicha issiqlik oqimini Q_i tenglamasi quyidagicha qabul qilinadi.

$$Q_i = \frac{(T_{in} - T_i)}{\frac{1}{\alpha_{rn}} + \frac{d_1}{2\lambda_1}} \quad (6)$$

Bu yerda: T_{in} - xona ichidagi haroratning ichki havo oqimi bilan tashqi to'siq konstruksiyasining birinchi qatlami o'rtasi (qatlam qalimligi $\frac{d_1}{2}$)dagi harorat T_1 bo'ladi.

Bunda (1) tenglama bo'yicha :

$$d_{in}(T_{in} - T_{bn}) = \lambda_1 \frac{\partial T_1}{\partial x} \quad (7)$$

Deb qabul qilinadi.

Issiqlikning birinchi qatlamdan o'tish jarayonida, issiqlikning akkumulyatsiya bo'lishi tashqi to'siq konstruksiyasi energiya Q_{ak1} , qaytishda haroratning ΔT_1 ga o'zgarishiga olib keladi. Harorat farqi T_1^i , t vaqt davomida T_1^{i-1} teng bo'lib $(t-1)$ vaqt davomida energiya quyidagi formula bo'yicha aniqlanadi [9].

$$Q_{ak1} = C_1 \cdot \rho_1 \cdot d_1 \cdot (T_{nr}^i - T_{mn}^{i-1}) \quad (8)$$

Issiqlik oqimi tashqi to'siq konstruksiyasining birinchi qatlami o'rtasidan (qalinlik $\frac{d_1}{2}$), ikkinchi qatlam o'rtasi (qalinlik $\frac{d_2}{2}$) ga T_2 harorat olgan holda o'tadi. Bunda (1) formulaga asosan quyidagi chegaraviy holat bo'yicha,

$$\lambda_1 \frac{\partial T_1}{\partial x} \Big|_{\Pi} = \lambda_2 \frac{\partial T_2}{\partial x} \Big|_{\Pi}, \quad T_1|_{\Pi} = T_2|_{\Pi} \quad (9)$$

Ushbu ko'rinishga keladi.

$$Q_2 = \frac{(T_1 - T_2)}{\frac{d_1}{2\lambda_1} + \frac{d_2}{2\lambda_2}} \quad (10)$$

Birinchi qatlamdan ikkinchi qatlam o'rtasiga kelib tushgan harorat balansi va issiqlikning birinchi(ichki) qatlamdan kamayish miqdori quyidagicha aniqlanadi.


$$Q_{ak1} = Q_1 - Q_2 \quad (11)$$

(11) formulani (8) keltirib qo'ysak va T_1^i , qiymatiga nisbatan t vaqt davomida birinchi qatlam harorat quyidagicha aniqlanadi.

$$T_1^i = T_1^{i-1} + \frac{Q_1 - Q_2}{c_1 \cdot \rho_1 \cdot d_1} \quad (12)$$

Ikkinchi va uchinchi qatlamdagi issiqlik balansi birinchi qatlam uchun belgilangan tenglama yordamida aniqlanadi.

1-rasm



Uch qatlamli tashqi to'siq konstruksiyasining ikkinchi qatlami o'tasidan uchinchi qatlam o'rtasiga o'tgan issiqlik oqimi Q_3 quyidagicha aniqlanadi.

$$Q_3 = \frac{(T_2 - T_3)}{\frac{d_2}{2\lambda_2} + \frac{d_3}{2\lambda_3}} \quad (13)$$

Ikkinchi qatlamda akkumulyatsiya bo'lgach issiqlik oqimi Q_{ak2} harorati ΔT_2 ga o'zgarib, t vaqt davomida T_2^t t vaqtda va T_2^{t-1} (t-1) vaqt davomida quyidagi qiymatga ega bo'ladi.

$$Q_{ak2} = C_2 \cdot \rho_2 \cdot (T_2^t - T_2^{t-1}) \quad (14)$$

Ikkinchi qatlam uchun issiqlikning kirib kelishi va sarf bo'lishining issiqlik balans tenglamasi quyidagi ko'rinishda belgilanadi.

$$Q_{ak2} = Q_2 - Q_3 \quad (15)$$

(15) tenglamani (14) tenglamaga keltirib qo'ysak, t vaqt davomida ikkinchi qatlam o'rtasidagi harorat qiymati quyidagicha aniqlanadi.

$$T_2^t = T_2^{t-2} + \frac{Q_2 - Q_3}{c_2 \cdot \rho_2 \cdot d_2} \quad (16)$$

Uchinchi qatlam o'rta tekisligidan $\frac{d_3}{2}$ tashqi to'siq sirtiga o'tuvchi issiqlik oqimi Q, quyidagi chegaraviy holat bo'yicha aniqlanadi.

$$d_{out} (T_{out} - T_{mn}) = -\lambda_3 \frac{\partial T_3}{\partial x} \Big|_w \quad (17)$$

Bu yerda: $\alpha_{(in, out)}$ issiqlik o'tkazish koeffitsienti bo'lib, xona devoir ichidan tartib bo'yicha (in) qatlamdan tashqi havoning (out) tartibiga mos bo'lgan issiqlik uzatish koeffitsienti α bo'lib,

$$\alpha_{out}, \alpha = \alpha_{\lambda} + \alpha_{out} \cdot em / (m^2 \cdot c); (18)$$

$(T_{out} - T_{in})$ – uch qatlamli tashqi to'siq konstruksiyasi ichki qatlam tozasi bilan, xona ichidagi harorat farqi.

Issiqlik oqimi tenglamasi quyidagi ko'rinishga keladi.

$$Q_{out} = \frac{(T_{in} - T_{out})}{\frac{d_s}{\lambda_s} + \frac{1}{\alpha_{out}}} (19)$$

Issiqlikning uchinchi qatlamda akkumulyatsiya qiymati Q_{akk3} bo'lganda qatlam harorati ΔT_3 o'zgaradi. Bunda, harorat farqi T_3' (t vaqt oralig'ida)ga teng bo'ladi. Bu holda,

$$Q_{akk3} = C_3 \cdot \rho_3 \cdot d_3 (T_3' - T_3^{t-1}) (20)$$

Uchinchi qatlam uchun issiqlik blansi va issiqlik sarfi (yo'qolishi) tenglamasi quyidagi ko'rinishga keladi:

$$Q_{akk3} = Q_3 - Q_{out} (21)$$

(20) formulani (21) formulaga keltirib qo'ysak quyidagi natijaga ega bo'lamiz.

$$T_3' = T_3^{t-2} + \frac{Q_3 - Q_{out}}{c_3 \cdot \rho_3 \cdot d_3} (22)$$

Tashqi to'siq konstruksiyasi xonaning ichki tomonidagi yuzasidagi haroratni hisoblash 1-shartga ko'ra amalga oshiriladi. (1-rasm).

(7) formulaga mos ravishda xona ichidagi havo oqimi orqali tashqi to'siq konstruksiyasi ichki qatlami yuzasidagi issiqlik oqimi Q_{in} quyidagicha aniqlanadi.

$$Q_{in} = \alpha_{in} (T_{in} - T_{ext}) (23)$$

Xulosa.

Natsionar sharoitda ekspluatatsiya qilinadigan jamoat va sanoat bino va inshootlari tashqi to'siq konstruksiyasi qatlamlaridan issiqlik oqimining sizib o'tishi bo'yicha yuqorida keltirilgan hisoblash usuli asosida quyidagi fizik-matematik modeli asosida quyidagi ko'rsatkichlar aniqlanadi:

- Tashqi to'siq konstruksiyasi ichki sirtining harorati (13)
- Tashqi to'siq konstruksiyasi qatlamlaridagi harorat taqsimoti (12, 16, 22)
- Yuqorida keltirilgan fizik –matematik hisoblash modeli asosida bino ichida yong'in sodir bo'lganda tashqi to'siq konstruksiyasi ichki, tashqi qatlamlar yuzasi hamda qatlamlar aro kesimlardagi haroratni ham aniqlash mumkin (4).

Qo'llanilgan adabiyotlar

1. Богасповекий В. Н. Строительная теплофизика учебник для вузов/ В. Н. Богасповекий. -2-е-изд. –М.; вш.школа. 1982.-415с.
2. Boboev S. M., Shukurov G'. Sh. Burliyev Q. U., Isonxadjayeva M. R. "Isitish" Toshkent. "Yangi asr avlodi". 2008y.
3. Mahmudov M. M. "Binolar tashqi to'siq konstruksiyalarinig murakkab tugunlaridagi temperatura maydomlarini hisoblash", uslubiy qo'llanma. Samarqand 2016y.
4. Shukurov G'. Sh., Boboev S. M. "Arxitektura fizikasi" 1-qism. "Qurilish issiqli fizikasi" darslik. Samarqand, 2015y.
5. Shukurov G'. Sh., Islamova D. F. "Qurilish fizikasi" darslik Samarqand. 2015y.
6. Uz.RST 809-97. "Tashqi konstruksiyalarning issiqlik uzatishga qarshiligini aniqlash usullari" O'zbekiston Respublikasi Davlat arxitektura va qurilish qo'mitasi. Toshkent. 1997y.
7. QMQ 2.01.04-18 "Qurilish issiqlik texnikasi" Toshkent. 2018.
8. Qosimov T., Aralov T., Rayimova O. "Turar-joy va jamoat binolarida qo'llaniladigan pollar yuzasining issiqlik o'zlashtirish ko'rsatkichlari".

”

ОПРЕДЕЛЕНИЯ ПЕРЕМЕЩЕНИЕ В КРУГЛОЙ ПЛИТЕ ОСНОВАНИЯ СЛОЖНОГО УЗЛА ПРИ ВЕРТИКАЛЬНЫХ СЕЙСМИЧЕСКИХ КОЛЕБАНИЯХ

Урозматов Элдор Сувонкул угли
студент 3 курса Джизакского политехнического института
Научный руководитель: Уразалиев Фахритдин Бахритдинович
ассистент Джизакского Политехнического института

Аннотация: В данной статье исследуется методика определения напряженного состояния плиты основания сложного узла подземных сооружений при землетрясениях. При получении уравнения сейсмического колебания и его решениях круглой плиты основания используется метод обобщенных координат. На ЭВМ все решения доводится до числового значения и на его основе строится эпюры внутренних силовых факторов. Это позволяет оценить прочность плиты основания сложного узла.

Ключевые слова: Сейсмостойкость, землетрясения, плита основания сложного узла, эпюра, метод обобщенных координат, прогиб плиты, интеграл Дюамеля.

Исследуется напряженно-деформированное состояние (НДС) круглой плиты основания сложного узла (рис.1.) цилиндрической формы, взаимодействующих с упругой средой при действии поперечного кратковременного импульсного воздействия.

На основе [1] уравнение поперечных колебаний для таких конструкций можно записать в относительных перемещениях следующим образом:

$$\frac{\partial^4 \tilde{w}}{\partial x^4} + 2 \frac{\partial^4 \tilde{w}}{\partial x^2 \partial y^2} + \frac{\partial^4 \tilde{w}}{\partial y^4} + M_{np} \frac{\partial^2 \tilde{w}}{\partial t^2} + K_{np} \cdot \tilde{w} = -M_{np} \frac{\partial^2 u_0}{\partial t^2} \quad (1)$$

с граничными условиями:

$$\tilde{w}|_r = \tilde{Z}(t); \quad \frac{\partial \tilde{w}}{\partial n}|_r = 0 \quad (2)$$

и начальными условиями:

$$t = 0; \quad \tilde{w}|_{t=0} = \dot{\tilde{w}}|_{t=0} = 0 \quad (3)$$

где w – относительное перемещения плиты; K_{np} - приведенный коэффициент взаимодействия плиты с окружающим грунтом; M_{np} - приведенная масса плиты. **П о в е р х н о с т ь.**




Рис. 1. Расчетная схема сложного узла подземных сооружений

Первое граничное условие (2) выражает перемещение границы круглой плиты основания по времени, которое равно относительному вертикальному перемещению центра масс [2].

Аналитическое и численное решение краевой задачи (1), (3) связано с определенными трудностями, поэтому уравнение поперечных колебаний круглой плиты основания в данной статье решается методом обобщенных координат. За обобщенных координату примем относительное вертикальное перемещение ($\tilde{z}_n(t)$) центра масс круглой плиты при $x = 0$ и $y = 0$, а в качестве формы колебаний плиты примем квадрат канонического уравнения окружности:

$$\varphi(x, y) = \left(\frac{x^2}{R_{кв}^2} + \frac{y^2}{R_{кв}^2} - 1 \right)^2 \quad (4)$$

Тогда прогиб плиты выражается функцией:

$$\tilde{W}(x, y, t) = \tilde{z}(t) + \left(\frac{x^2}{R_{кв}^2} + \frac{y^2}{R_{кв}^2} - 1 \right)^2 \cdot \tilde{z}_n(t) \quad (5)$$

здесь $R_{кв}$ –внутренний радиус сложного узла.

Прогиб круглой плиты, определяемый согласно (5), на контуре равен $Z(t)$, так как выражение в скобках равно нулю для любой точки контура. Углы поворота сечений плиты выражаются первыми производными от прогиба [5].

$$\frac{\partial \tilde{W}}{\partial x} = \frac{4x}{R_{кв}^2} \left(\frac{x^2}{R_{кв}^2} + \frac{y^2}{R_{кв}^2} - 1 \right) \cdot \tilde{z}_n(t) \quad (6)$$

$$\frac{\partial \tilde{W}}{\partial y} = \frac{4y}{R_{кв}^2} \left(\frac{x^2}{R_{кв}^2} + \frac{y^2}{R_{кв}^2} - 1 \right) \cdot \tilde{z}_n(t) \quad (7)$$

Как видно из выражения (6) и (7), углы поворота сечений плиты также равняются нулю на контуре, что соответствует граничным условиям (2). Все силовые факторы, возникающие в сечениях плиты, определяются известными формулами теории изгиба упругих плит. Напряженное состояние плиты не зависит от относительного вертикального перемещения $\tilde{z}_n(t)$ центра масс, так как производные по координатам x и y от функции $\tilde{z}_n(t)$ равны нулю.

Для определения обобщенной координаты $\tilde{z}_n(t)$ запишем уравнение движения плиты как системы с одной степенью свободы (без учёта затухания) следующим образом [3]:

$$m^* \cdot \ddot{\tilde{z}}_n(t) + K^* \cdot \tilde{z}_n(t) = 0 \quad (8)$$

Как известно [1], силы инерции плиты зависят от абсолютного перемещения, а силы упругого взаимодействия от относительного перемещения. Они связаны с перемещением $u_0(t)$ -упругого грунта соотношением:

$$\tilde{z}_n(t) = z_n(t) - u_0(t) \quad (9)$$

Из (8) с учетом (9) получим:

$$\ddot{z}_n(t) + P_{z_n}^2 \cdot \tilde{z}_n(t) = \ddot{U}_0(t) \quad (10)$$

Где $P_{z_n}^2 = K^* / m^*$ –квадрат частоты собственных колебаний круглой плиты, рассматриваемой как система с одной степенью свободы. Обобщенная масса: m^* и обобщенная жесткость K^* вычисляются, с учетом (5) следующими поповерхностными интегралами [3]

$$m^* = \int_A \bar{m}[\varphi(x, y)]^2 dA = \int_0^{2\pi} \int_0^{R_{KB}} \bar{m}[\varphi(r, \theta)]^2 r \cdot dr \cdot d\theta = \frac{1}{5} \cdot \pi \cdot \bar{m} \cdot R_{KB} \quad (11)$$

$$\begin{aligned} \kappa^* &= D \int_A \left[\left(\frac{\partial^2 \varphi}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 \varphi}{\partial y^2} \right)^2 - 2(1-\nu) \cdot \left(\frac{\partial^2 \varphi}{\partial x^2} \cdot \frac{\partial^2 \varphi}{\partial y^2} - \left(\frac{\partial^2 \varphi}{\partial x \partial y} \right)^2 \right) \right] dA + K \int_A [\varphi(x, y)]^2 dA = \\ &= D \int_0^{2\pi} \int_0^{R_{KB}} \left[(\Delta \varphi(r, \theta))^2 - 2(1-\nu) \cdot (\varphi''_r(r, \theta) \cdot \varphi''_\theta(r, \theta) - (\varphi''_{r,\theta}(r, \theta))^2) \right] \cdot r \cdot dr \cdot d\theta + \\ &+ K \int_0^{2\pi} \int_0^{R_{KB}} [\varphi(r, \theta)]^2 \cdot r \cdot dr \cdot d\theta = \frac{2 \cdot \pi \cdot K \cdot R_{KB}^4 + 160 \cdot D \cdot \pi}{15 \cdot R_{KB}^2} \end{aligned} \quad (12)$$

где \bar{m} – масса плиты, приходящаяся на единицу площади, K – коэффициент поперечного взаимодействия, D – цилиндрическая жесткость плиты.

Решение уравнения (10), с учетом (11) и (12), при нулевых начальных условиях выражается интегралом:

$$\tilde{z}_n(t) = -\frac{1}{P_{z_n}} \int_0^t \ddot{u}_0(\tau) \cdot \sin P_{z_n}(t-\tau) d\tau \quad (13)$$

С учетом (13), прогиб плиты (5) примет вид

$$\tilde{W}(x, y, t) = \tilde{Z}(t) - \left(\frac{X^2}{R_{KB}^2} + \frac{Y^2}{R_{KB}^2} - 1 \right)^2 \cdot \frac{1}{P_{z_n}} \int_0^t \ddot{U}_0(\tau) \cdot \sin P_{z_n}(t-\tau) d\tau \quad (14)$$

В качестве сейсмического воздействия использовался кратковременный сейсмически импульс [4]. Для иллюстрации рассмотрим круглую плиту основания со следующими исходными данными:

$$\rho = 2.4 \cdot 10^{-3} \text{ кг/см}^3, E = 2.15 \cdot 10^5 \text{ кг/см}^2, \kappa = 4 \text{ кг/см}^3, R_{KB} = 85 \text{ см}, h_{nl} = 10, \nu = 0,16$$

На рис. 2. приведении прогибы плиты (при $x = 0, y = 0$) в зависимости от величины x_{nl} кривые 1, 2, 3 соответствуют толщинам $x_{nl} = 10; 15; 20$ см. при 8 балльных землетрясениях. Из этих графиков видно, что с ростом толщины плиты сейсмостойкость основания сложного узла увеличивается.




Рис. 2. Прогиб центра круглой плиты основания сложного узла при 8 ми балльных землетрясениях.

В дальнейших исследованиях сейсмостойкости сложного узла подземных сооружений, нами разработана алгоритм для численного решения интеграла Дюамеля [5,6] с учётом для использования табулированного значения акселерограммы разрушительного Газлиского землетрясения [7].

Литература:

[1] Рашидов Т.Р. Динамическая теория сейсмостойкости сложных систем подземных сооружений. Т.: «Фан»; 1973.182с.

[2] Холбутаев У. Х. Сейсмостойкость и оптимизация параметров сложных узлов подземных сооружений при землетрясениях. Рукопись деп.в ВИНТИ 12.01.88 Деп. от №158-B88 г.1988 .12с.

[3] Рай W. Слоугх, Жосепх Пензион. Дйнамисс оф Струстурес- New Ёрк, 1975. 320с.

[4] Уразбаев М.Т. Сейсмостойкость упругих и гидроупругих систем. Т.:» ФАН», 1966.256с.

[5] Холбутаев У.Х. Численное решение уравнения сейсмического колебания сложных узлов подземных сооружений при землетрясениях. В сб. «Проблемы архитектуры и строительства». (Научно – технический журнал.) г. Самарканд 2019., № 2. с. 129-131.

[6] Гехман А.С. Состояние зданий и сооружений промплощадки газового промысла Газли после землетрясения 1984 г. Сб. н. труд.: Сейсмостойкость транспортных и сетевых сооружений, М.: Наука., 1986.с.172-181.

BINONING KONSTRUKTIV ELEMENTLARI HAQIDA UMUMIY MA'LUMOT.

Ziyodullayev Asilbek Absalomovich
Termiz muhandislik va texnologiya instituti
Bino va inshootlar qurilishi 1-kurs talabasi

Anotatsiya: Binolar har xil konstruktiv elementlardan tashkil etadi. Har bir binodagi elementning o'zining vazifasi bor. Maqolada binodagi har bir konstruktiv elementlar va ularning vazifalari haqida umumiy ma'lumot beradi.

Kalit so'z: Konstruksiya, bino, inshoot, qurilish, devor, orayopma, beton

Binolaming konstruksiyalari, ularning nomi va vazifalari quyida keltirilgan:

1. Poydevorlar – binoning yerosti qismi bo'lib, ular bino og'irliginio'ziga qabul qilib, uni asosga uzatuvchi konstruksiyalardir.

2. Devorlar – o'z vazifasiga va joylashishiga ko'ra ichki va tashqi to'siq, ya'ni xonani tashqi muhit ta'siridan himoyalovchi yoki xonalarni bir-biridan ajratib turuvchi elementdir.

Devorlar yuk ko'taruvchi va yuk ko'tarmaydigan turlarga bo'linadi. Yuk ko'taruvchi devorlar yuqorida joylashgan konstruksiyalar, jihozlar, mebellar va shu kabilardan tushadigan og'irlikni ko'tarib turadi. Ham ichki, ham tashqi devorlar yuk ko'taruvchi bo'lishi mumkin. Binolarni kichik-kichik xonalarga ajratuvchi to'siq (parda) devorlar yuk ko'tarmaydigan hisoblanadi. Bunday devorlar, odatda, poydevorsiz bo'ladi. To'siq vazifasini o'tovchi devorlar poydevorlarga yoki poydevor to'siniga tayanib, o'zini ko'tarib turuvchi va ustunlarga ilingan osma devorlar tarzida ham bo'lishi mumkin.

3. **Alohida tayanchlar** - tom yopmasi va oraliq yopmalardan tushayotgan yukni poydevorga uzatuvchi vertikal vaziyatdagi yuk ko'tamruvchi elementlardir (ustunlar, tirkaklar).

4. **Qavatlararo yopmalar** — binoning ichki bo'shlig'ini qavatlarga bo'ladi va ustunlarga maxsus mahkamlangan rigel yoki «progon xari» deyiluvchi to'sinlarga yotqiziladi, ayrim hollarda esa to'g'ridan-to'g'ri ustunga mahkamlanadi. Qavatlararo yopmalar doimiy va vaqtinchalik yuklarni ko'tarish bilan birga devorlarni o'zaro bog'laydi, ularning ustivorligini ta'minlaydi va butun binoning fazoviy bikrligini oshiradi.

Oraliq yopmalar binoda joylashgan o'rniga qarab quyidagicha bo'ladi: — qavatlararo yopmalar (binoni qavatlarga ajratadi);

— yerto'la usti orayopmasi (birinchi qavatni yerto'ladan ajratib turadi); — chordoq yopmasi (tepa qavatni chordoqdan ajratadi).

5. **Tom** — bino konstruksiyasini va xonalarni atmosfera yog'in- sochinlari va boshqa xildagi salbiy ta'sirlardan saqlaydigan konstruksiya. U tepa qavat yopmasi, chordoqli va chordoqsiz yopma hamda tom yopmasidan iborat bo'ladi. **Chordoq** — binoning tepa qavatni yopmasi bilan tom yopmasi orasida joylashgan bo'shliq qismdan iborat.

Chordoqsiz tomda binoning tepa qavatni yopmasi bilan tom birlashgan bo'ladi. Tomlar nishabli va tekis bo'lishi mumkin. Tekis tomlardan dam olish maydoni sifatida va boshqa maqsadlarda foydalanish mumkin.

6. **Zinalar** — bino qavatlarini o'zaro bog'laydi va odamlarni binodan evakuatsiya qilish vazifasini ham bajaradi. U zina marshlari va zina maydonchalaridan iborat bo'ladi.

Balkon, lodjiya va erkerlar binolaming me'moriy-kompozitsion yechimni boyitadigan muhim konstruktiv elementlar hisoblanadi. Ular atrofni o'rab turuvchi tabiat bilan xona ichkarisini bog'lovchi qo'shimcha elementlar vazifasini o'taydi. Ayniqsa, turar-joy binolarida ularning ahamiyati katta.

7. **Lifflar** — besh va undan ortiq turar-joy binolarida qo'llaniladi. Ular uch xil bo'ladi:

- ❖ Odamlar xizmati uchun;
- ❖ Yuklar uchun (sanoat binolarida);
- ❖ Xizmat (meditsina) liftlari.

Lifflarning asosiy elementi mashina bo'linmasiga o'rnatirilgan ko'taruvchi «lebyodka»ga po'lat arqonlar yordamida osilgan kabinadan iborat bo'ladi. Lift shaxtasi butun balandligi bo'yicha to'rt tomonlama o'raladi va uning ostki qismida balandligi 1300 mm ga teng bo'lgan chuqurcha bo'lib, u yerga amortizator va tortib turuvchi uskuna joylashtiriladi. Mashina bo'limi shaxtaning yuqori bo'limida yoki ostki qismida joylashgan bo'lishi mumkin.

Hozirgi paytda turar-joy binolarida o'rnatiladigan lift shaxtalari devorlarining qalinligi, aksariyat, 120 mm bo'lgan yig'ma temir-beton elementlardan tashkil topadi. Lift shaxtalarini, odatda, zinapoya oldiga o'rnatish maqsadga muvofiq hisoblanadi. Yuqorida sanab o'tilgan konstruksiyalar binoning asosiy konstruksilari hisoblanadi. Asosiy yuk ko'taruvchi konstruksiyalardan tashqari, binoda ikkinchi darajali konstruktiv elementlar borki, ularsiz bino o'z funksiyalarini bajara olmaydi yoki binoga ular yordamchi konstruktiv elementlar (balkonlar, lodjiya va erkerlar) sifatida loyihalangani. Ular quyidagilardan iborat:

1. **Balkonlar** — yuk ko'taruvchi temir-beton plita, pol va o'rovchi elementlardan iborat bo'lib, u bir tomoni bilan devorga ilintiriladi va devor ichida qoldirilgan ankerlarga hamda qavatlararo yopma panellariga payvandlanadi.

2. **Lodjiyalar** — binoning old tomoniga joylashgan bir tomoni ochiq, uch tomoni esa yuk ko'taruvchi devor bilan o'ralgan konstruktiv elementdan iborat. Lodjiyalar xonani quyoshdan saqlash uchun o'rnatilgan bo'lib, ular faqat janubiy rayonlarda quriladigan binolarda uchraydi.

3. **Erkerlar** deb, xonaning, binoning old qismidan tashqariga bo'rtib chiqqan, tashqi devor bilan o'ralgan, bir va bir necha darazali ma'lum bir bo'lagiga aytiladi. Erkerlarni birinchi qavatdan boshlab o'rnatish ko'p qavatli binolar uchun ko'proq ahamiyatga ega. Bu holda erkerni o'rab turuvchi devorlarga alohida poydevor quriladi. Erkerlar xonani yoritilganlik darajasini va quyosh tushishini oshirganligi uchun ular ko'proq shimoliy rayonlarda hamda mo'tadil iqlimli joylarda quriladi.

4. **Eshiklar** — xonalarni bir-biri bilan bog'laydi, shuningdek, xonaga kirish va undan chiqish yo'li hisoblanadi. Ular devordagi yoki parda devordagi eshik o'mi, eshik qutisi (kesakisi) va tabaqasidan iborat bo'ladi. Turar-joy binolarida bulardan tashqari boshqa konstruktiv elementlar,

ya'ni

daxliz, ayvon, eshik usti soyaboni va boshqalar bo'lishi mumkin.

5. Derazalar — xonalarga yorug'lik, quyosh nuri tushishi hamda xonalarni shamollatish uchun xizmat qiladi. Ular deraza o'rni, deraza kesakisi va deraza tabaqalaridan iborat.

6. Pollar — turli asoslarga, masalan, ko'pincha lagalarga, temir-beton yopma paneli ustidan yoki, «podval»siz binolarda birinchi qavatning ostiga to'g'ridan-to'g'ri zax o'tkazmaydigan asos ustiga o'rnatiladi.

Polning eng yuqori qatlami qoplama yoki haqiqiy pol deb ataladi. Pol materiali oldindan tayyorlangan yuza sathiga o'rnatiladi. Bunda tagiga solingan tekislovchi qatlam betondan, sement-qum qorishmasidan, asfaltdan yoki gipsdan iborat bo'lishi mumkin.

Qavatlararo orayopmada pol asosi bo'lib, orayopma ko'taruvchi konstruksiya hisoblanadi. Bunda tagiga solinadigan beton qatlami bo'lmaydi. Pol konstruksiyasiga tovush o'tkazmaydigan, issiqlik va suv o'tkazmaydigan qatlamlar qo'shimcha bo'lib kirishi mumkin. Binoning vazifasiga va ishlab

chiqarish jarayonlari xarakteriga ko'ra pollar pishiq bo'lishi, issiqni kam o'tkazuvchi sirpanmaydigan, ho'llanganda shishmaydigan, ko'rinishi chiroyli, chang olmaydigan, yurganda tovush chiqarmaydigan, oson tozalanuvchan, industrial va arzon bo'lishi kerak. Namlik yuqori darajada bo'ladigan xona pollari namlik ta'siriga chidamli va suv o'tkazmaydigan, yong'indan xavfli binolarda esa yonmaydigan bo'lishi kerak. Pol qurilishiga ko'ra yaxlit, quyma, alohida elementlardan qurilgan va bukiluvchan yumshoq rulon materiallardan iborat bo'lishi mumkin. Qaysi materiallardan qilinishiga ko'ra pollar yog'och taxtali, parketli, linoleumli, keramik plitkali, sementli kabi turlarga bo'linadi. Yaxlit quyma pollarga sementli pol, mozaik pol, asfalt pol, mastika pol va tuproq pollar kiradi.

Xulosa. Xulosa qilib aytadigan bo'lsak binolarni konstruktiv elementlarini o'z normalari asosida qurilishini nazorat qilish maqsadida bu ma'lumotlarni bilishimiz zarur. Aks holda bino sifatsiz yashashga yoki foydalanishga yaroqsiz holga kelib qolishi hech gap emas.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. THE MODERN EDUCATION SYSTEM. – 2023. – T. 3. – №. 28. – C. 132-135.
2. Dilshodovich D. D. BETON KONSTRUKSIYALAR VA ULARGA TA'SIR ETUVCHI TASHQI OMILLAR //IQRO JURNALI. – 2023. – T. 2. – №. 1. – C. 12-14.
3. Dilshodovich D. D. BINONING ASOSIY KONSTRUKTIV ELEMENTI DEVOR VA UNING TURLARI //Новости образования: исследование в XXI веке. – 2023. – T. 1. – №. 6. – C. 1469-1470.
4. Dilshodovich D. D., Abdulla o'g'li Q. F. QURILISHDA YOG'OCH KONSTRUKSIYADAN FOYDALANISH //Journal of Universal Science Research. – 2023. – T. 1. – №. 3. – C. 90-92.

**QAYTA REKONSTRUKSIYA QILINAYOTGAN INFRATUZILMA BINOLARI
POYDEVORLARINI TA'MIRLASHNING INNOVATSION USULLARINI TADQIQ
QILISH**

Solijonov Hojiakbar Solijon o'g'li
Farg'ona politexnika instituti, "QMBKICH" kafedراسi assistenti
Akbarova Durдона Doniyorjon qizi
Farg'ona politexnika instituti, 98-21 QMBKICH guruhi talabasi

Annotatsiya: Muhandislik va geologik tadqiqotlar rekonstruksiya qilinadigan bino va inshootlarni tekshirishda muhandislik tadqiqotlari bilan bog‘liq ishlarning ajralmas qismidir. Muhandislik tadqiqotlari “Qurilishda injenerlik tadqiqotlari” qurilish me’yorlari va qoidalariga asosan amalga oshiriladi va asos va poydevorlar gruntlarining holatini o‘rganish bo‘yicha turli xil ishlarni amalga oshirishdan tashqari, notekis cho‘kish (nisbiy siljish, og‘ish, egilish)ni aniqlash maqsadida binoning ustun va sokollari, shuningdek katta o‘lchamdagi poydevorlar holatining geodezik syemkasini o‘tkazishni ko‘zda tutadi.

Kalit so‘zlar: rekonstruksiya, poydevor, asos, grunt, mustahkamlik, ishlov berish, payvandlash.

Hozirgi kunda poydevorlarni hisoblash va loyihalashdagi to‘g‘ridan-to‘g‘ri xatoliklar kamdan-kam uchraydi. Biroq poydevorlarning ishchi chizmalarini ishlab chiqishdagi kamchiliklar mavjud bo‘lib, ular ko‘pincha noaniq bajarilgan muhandislik-geologik tadqiqotlari, yaqin atrofda joylashgan binolar va yer osti kommunikatsiyalari ta‘sirini yetarlicha hisobga olinmasligi, qurilishning maxsus sharoitlarida loyihalash qoidalariga rioya qilinmasligi, ekspluatatsion omillarning ta‘sirini to‘liq hisobga olinmasligi natijasida yuzaga keladi. Ba‘zan poydevorlarni loyihalash uchun muhandislik-geologik tadqiqotlar qurilish boshlanishidan ancha oldinroq amalga oshiriladi, ish boshlanishi bilan biron-bir sababga ko‘ra maydondagi sharoit o‘zgaradi. Ba‘zi hollarda, qurilish maydonchasida muhandislik-geologik tadqiqotlar paytida etarli miqdordagi geologik ishlar amalga oshirilmaydi, bu esa qurilish maydonida har xil gruntlar mavjud bo‘lganda, hisob-kitoblar asosidagi dastlabki taxminlarning haqiqat bilan mos kelmaslikka olib keladi[1].

Vaqtı-vaqtı bilan gruntlarning fizik-mexanik va mustahkamlik xususiyatlarini laboratoriya sharoitida aniqlashda, shuningdek, inshootlar poydevorlarini loyihalash sxemalarini qabul qilishda, dala sinovlarisiz ularning yuk ko‘tarish qobiliyatini aniqlashda va x.k.larda noaniqliklar yuzaga keladi. Loyiha-tadqiqot ishlarini bajarishdagi bunday kamchiliklar inshoot ekspluatatsiya davridayoq salbiy ta‘sirini ko‘rsatadi va ko‘pincha poydevorni kuchaytirish yoki asosni mustahkamlash zaruratini tug‘diradi[2.3.].

Mavjud poydevor yaqinida yangi inshootlar qurilganda ularning asoslarida yuk ortadi. Agar poydevorlar faqat ularning ustiga tayanadigan inshootlardagi yuk uchun hisoblangan bo‘lsa, u holda qo‘shimcha yuk poydevorlar cho‘kishining me‘yordan ortib ketishini yuzaga keltirishi mumkin. Bunday hollarda poydevorlarning yuk ko‘tarish qobiliyatini oshirish yoki ular tayanadigan gruntni mustahkamlash choralarini ko‘rish kerak[3.4.5].

Agar 3-jadvalda keltirilgan quduq qazish sathi deformatsiya moduli $E < 10 \text{ MPa}$ bo‘lgan grunt qatlamida yoki cho‘kuvchan grunda bo‘lsa, shuningdek, bunday gruntlar quduq qazish sathidan pastda joylashgani holda, burg‘ulash chuqurligi ushbu gruntlar qatlamining tubidan kamida 1 m pastroqda olinadi.

Siquvchi qatlam chuqurligi shartli ravishda quyidagi jadval bo‘yicha olinishi mumkin.

2-jadval

Poydevorga tushadigan yuk		Siquvchi qatlam chuqurligi, m, poydevor asoslari	
kvadratsimon, kN	lentasimon, kN/m	kvadratsimon	lentasimon
500	100	4-6	4-6
1000	200	5-7	6-8

2500	500	7-9	9-12
5000	1000	9-13	12-17
15000	2000	12-16	17-20
50000	-	18-26	-

3-jadval

Ustunga tushadigan yuk, kN	Burg'ulash chuqurligi, m, sanoat binolari poydevor tagligi sathidan			
	bir qavatli	ko'pqavatlilar ustunlarning chetki qatorlari o'qlari bo'yicha umumiy kengligi, m		
		6	12	18
1000	7	6	7	8
1000-2500	9	7	8	9
2500-5000	11	9	10	11
5000-10000	13	11	12	14
10000 va yuqori	15	13	14	15

Xulosa.

Mazkur maqolada bajarilgan ilmiy-tadqiqot ishlari qo'yilgan muammo bo'yicha yetarlicha ilmiy-texnik ma'lumotlarni to'plash, ularni tizimlashtirish, tahlil qilish va natijalarni umumlashtirish natijasida masalani atroflicha o'rganish, bajarilishi zarur bo'lgan dolzarb ishlarni aniqlash, ularni amalga oshirish va kerakli xulosalar chiqarish imkoniyatini berdi.

Asos va poydevorlarni kuchaytirishning samarali usullarini aniqlash maqsadida asos va poydevorlarning texnik holati qoniqarli bo'lmagan Farg'ona viloyati Rishton tumani Qayrag'och MFYda joylashgan "Maxfirat" masjidi binosi tadqiqot obyekti sifatida tanlab olinib, ular asos gruntlarining haqiqiy ko'rsatkichlari aniqlandi va binoning hozirgi holati, hamda asos va poydevorlari turli usullar bilan kuchaytirilgan hollari uchun ishonchlilik darajalari baholandi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Веселов В.А. «Проектирование оснований и фундаментов» (Основы теории и примеры расчета). Учебное пособие для ВУзов - 3-е изд., перераб. и доп. -М.: Стройиздат, 1990 г.
2. Маслов Н.Н. "Механика грунтов в практике строительства".-М.: Стройиздат, 1977 г.
3. Швецов Г.И. Инженерная геология, механика грунтов, основания и фундаментк. М.: Высш. шк. 1997 г.
4. М.Мирзаaxmedov-Zamin va poydevorlar \isobi. O'quv qo'llanma, ToshPI. Toshkent, 1991 y.
5. Ермолаев Н.Н., Михеев В.В. "Надежность оснований сооружений". -Л.: Стройиздат, 1976 г.

ОЦЕНКА ПРОГИБОВ ПРЕДВАРИТЕЛЬНО НАПРЯЖЕННЫХ КОЛОНН

С. З. Зайниев к.т.н., доцент., Н. Х. Ибрагимов докторант.

nizamibragimov23@gmail.com, +99891-545-30-80

Самаркандского государственного архитектурно-строительного университет

Аннотация: В статье рассмотрены работы предварительно напряженной железобетонной колонны П образного сечения. Известно что фактические значения прогибов предварительно напряженных колонн в стадии перед разрушением заметно меньше чем вычисленных по формулам норм с использованием коэффициента η . Это связано с тем, что в условиях действия предварительного обжатия трещины или совсем не образуются или образуются в последний момент и имеют ограниченное раскрытие. Нелинейность деформирования обуславливается развитием неупругих деформаций сжатого бетона.

Ключевые слова: Нелинейность, напряженный колонн, изгибная жесткость

Установлено что фактические значения прогибов предварительно напряженных колонн в стадии перед разрушением заметно меньше вычисленных по формулам норм с использованием коэффициента η . Это связано с тем, что в условиях действия предварительного обжатия трещины или совсем не образуются, или образуются в последний момент и имеют ограниченное раскрытие. Нелинейность деформирования обуславливается развитием неупругих деформаций сжатого бетона.

Рассмотрим работу железобетонной колонны загруженной по концам внецентренно приложенными силами N (рис 1.) с эксцентриситетом e_0 , что эквивалентно переносу сил N на ось колонны и введению пары моментов $M_0 = N \cdot e_0$.

Рассмотрим работу колонна в деформированном состоянии. Под действием нагрузки колонна изогнется, причем уравнение изогнутой оси $f(z)$ в общем случае неизвестно. Эпюра моментов складывается из начальных моментов M_0 и моментов от действия сил N на колонну, имеющую искривление $f(z)$ (эпюра M_p на рис 1).

Чтобы найти прогиб колонны $f(z)$ в любом сечении z , надо приложить единичную силу в этом и построить эпюру \overline{M} (рис 2.). После этого для вычисления $f(z)$ составляем известное выражение интеграла Мора:

$$f(z) = \sum \int \frac{M_p(z) \overline{M}(z)}{B(z)} \cdot dz \quad (1)$$

Изгибная жесткость $B(z)$ зависит от величины усилий, действующих в сечении z . Так как по всем сечениям сжимающая сила постоянна, а изгибающий момент меняется не очень значительно, то можно считать, что во всех сечениях $B(z)$ будет величиной постоянной, равной B . Величина в этом случае зависит от N и e_0 . Уравнение (1) перепишем в виде:

$$f(z) = \frac{1}{B} \left\{ \int_0^z \frac{L-z}{L} z_1 [M_0 + Nf(z_1)] \cdot dz_1 + \int_z^L \frac{z}{L} (L-z_2) [M_0 + Nf(z_2)] dz_2 \right\} \quad (2)$$

Вычисляем вспомогательные интегралы

$$J_1 = M_0 \frac{L-z}{z} \int_0^z z_1 dz_1 = \frac{M_0}{2L} z^2 (L-z) \quad (3)$$

$$J_2 = M_0 \frac{z}{L} \int_z^L (L-z_2) dz_2 = \frac{M_0}{2L} z (L-z)^2 \quad (4)$$




Рис.1. К расчету реальных колонн П-образного сечения.




Рис.2. Схема деформирования.

Заметим, что $f_0(z) = \frac{1}{B}(J_1 + J_2)$ – есть функция перемещений в недеформируемом состоянии (без учета работы силы N на перемещениях $f(z)$).

Уравнение преобразуем к виду:

$$f(z) = f_0(z) + \frac{N}{B} \left\{ \frac{L-z}{l} \int_0^z f(z_1) z_1 dz_1 + \frac{z}{L} \int_z^L f(z_2) (L-z_2) dz_2 \right\} \quad (5)$$

Найдем приближенное решение интегрального уравнения (5). Примем, что справедлива закономерность

$$f(z) = kf_0(z) \quad (6)$$

то есть значения прогибов из расчета по деформированной схеме пропорциональны прогибам из расчета по недеформированной схеме. Далее подставим $f(z)$ в виде (6) в (5) и определим значение k . Получаем

$$k = \frac{1}{1 - \frac{A(z)}{f_0(z)}} \quad (7)$$

где $f_0(z) = \frac{M_0}{2B} z(L - Z)$ (8)

$$A(z) = \frac{NM_0L^4}{2B^2} \quad (9)$$

$$\Phi(z) = (1 - \xi) \left(\frac{1}{3} \xi^3 - \frac{1}{4} \xi^4 \right) + \xi \left(\frac{1}{12} - \frac{1}{3} \xi^3 + \frac{1}{4} \xi^4 \right), \quad \xi = \frac{z}{L};$$

Тогда

$$f(z) = \frac{f_0(z)}{1 - \frac{A(z)}{f_0(z)}}; \quad (10)$$

При $z = 0,5L$ ($\xi = 0,5$) получаем:

$$f\left(\frac{L}{2}\right) = f_0\left(\frac{L}{2}\right) \frac{1}{1 - \frac{5}{48} \frac{N \cdot L^2}{B}}; \quad (11)$$

где

$$f_0\left(\frac{L}{2}\right) = \frac{M_0L^2}{8B}; \quad (12)$$

Коэффициент η определяется как

$$\eta = 1 + \frac{f\left(\frac{L}{2}\right)}{e_0} = 1 + \frac{N}{M_0} \cdot \frac{M_0L^2}{8B} \frac{1}{1 - \frac{5}{48} \frac{NL^2}{B}} = \frac{1 + \frac{1}{48} \frac{NL^2}{B}}{1 - \frac{5}{48} \frac{NL^2}{B}}. \quad (13)$$

Величина B для любой стадии нагружения может определяться с помощью вычислительной программ гл.2 как $E_\sigma J_x$ или $E_\sigma J_y$, где J_x и J_y - характеристики сечения, определяемые по формуле (9) и (10). Для стадии разрушения (второй случай внецентренного сжатия, когда разрушение происходит только от раздавливания сжатого бетона без текучести арматуры с противоположной стороны сечения) можно предложить следующий упрощающий приём.

Библиографический список

1. СНИП II-21-75 Бетонные и железобетонные конструкции. Нормы и проектирование. – М.: Стройиздат, 1976, 90 с.
2. Зайниев С. Прочность и деформативность железобетонных предварительно напряженных колонн II – образного сечения. Диссертация на соискание учебной степени кандидата технических наук. Москва 1986.

SANOAT BINOLARIDA SHOVQIN VA TEBRANISHGA QARSHI KURASH

Botirov Bektosh Farhod o'g'li assistant

Ishlab chiqarish jarayonida ishtirok etuvchi odamlar doimiy ravishda texnologik jarayonlar mobaynida ajralib chiquvchi shovqin tasirida faoliyat yuritadilar. Ajralib chiqadigan shovqin ish sharoitini og'irlashtiradi, inson organizimiga salbiy tasir ko'rsatadi, yuqori darajadagi shovqinlar ishlab chiqarishdagi samaradorlikka ham o'zining tasirini o'tkazadi, shuning uchun ham shovqinga qarshi kurashish katta maishiy, sanitar-gigienik va iqtisodiy zarar yetkazadi.

Sanoat binolarida shovqin manbalari turlichadir. Texnologik jarayonlarda qo'llaniladigan har qanday mashina va mexanizmlar harakatidan, quvurlardan oqadigan gazlar va suyuqliklar oqimidan, radio va telequrilmalardan beriladigan musiqa, turli xabarlar e'lonlar va boshqalardan, yuqori tovushda so'zlashish, sanitar-texnik va muhandislik qurilmalaridan chiqadigan tovushlar, sex ichi transport yuk ko'taruv jihozlarining harakatidan hosil bo'ladigan tovushlar shovqin manbai bo'lishi mumkin.

Shovqinning darajasi va spektrial tarkibidan kelib chiqib insonga tasir etuvchi shovqin qiymatini uch pog'onaga bo'linadi : I – pog'ona, 120-140 dB dan ziyod bo'lgan darajadagi shovqin, odamning eshitish organlariga mexanik shikast yetkazadi; II -pog'ona, 100-120 dB dan kam bo'lgan past va 80-90 dB da o'rtacha darajadagi shovqin, odamning eshitish organlariga davolab bo'lmaydigan darajada shikast yetkazishi mumkin, III - pog'ona, past darajadagi shovqin, odamning nerv sistemasiga, ayniqsa aqliy mehnat bilan shug'ullanuvchilarning zararli tasir etadi.

Shovqinni pasaytirish bo'yicha chora-tadbirlar akustik hisoblar asosida amalga oshiriladi. Akustik hisoblarda shovqinning paydo bo'lish manbalari, shovqin xarakteristikalari, shovqinning tarqalish yo'li, xonaning tegishli ish nuqtalarida hosil bo'lishi kutiladigan tovushning darajasi, shovqin darajasini pasaytirish vositalarini tanlash ishlari va boshqalar amalga oshiriladi. Shovqinni pasaytirish uchun qabul qilinadigan vositalar aniq hisoblar bilan akustik samaradorligi ko'rsatilgan holda tasdiqlanadi.

Sanoat binolarida shovqinni pasaytirish uchun quyidagi usullardan foydalaniladi.

1. Shovqinni kamaytirishning qurilish-akustik usuli.
2. Tovushdan himoyalash (izolyatsiyalash) usuli.
3. Tovush yutilishda qoplama va akustik ekranlardan foydalanish usuli.
4. Shovqinni shamollatish yo'li bilan va gazodinamik qurilmalarda kamaytirish usuli.

Sanoat binolarida shovqinni kamaytirish juda ham murakkab jarayon sanaladi. Shovqinni kamaytirish uchun qaysi usuldan foydalanishni tanlab olishda binoning memoriy-rejaviy yechimlarini, uning gabarit o'lchamlarini, shovqin chiqaruvchi manbalarning bir-biriga nisbatan joylashishini, shovqin xarakterini, shovqin tarqalishining o'ziga xos xususiyatlari va texnik-iqtisodiy faktorlarni hisobga olish talab etiladi.

Shovqinni kamaytirishning qurilish-akustik usulida loyihalashning boshlang'ich jarayonida oldindan ikki holat ko'rib chiqiladi. Birinchi holatda izolyatsiyalangan xonada shovqinning tarqalishi kamaytiriladi, ikkinchi holatda xonadagi shovqin tarqatish manbalari (texnologik jihozlar, sanitar-texnik qurilmalar va h.k.)dan chiqadigan shovqin darajasi kamaytiriladi.

Tovushdan himoyalash (izolyatsiyalash) usulida xonada shovqin miqdorini kamaytirish maqsadida binoning orayopma, tashqi devor, oraliq devor, eshik va derazalarini tovush o'tkazmovchan mahsulotlardan, tashqari devor va pollarni qoplashda turli tovush yutuvchi qoplama mahsulotlardan loyihalash tavsiya etiladi.

Tovushdan himoyalash bo'yicha I-kategoriyaga mansub bo'lgan binolarda xonalar oralig'ida qalinligi 125 mm (0,5 g'isht) bo'lgan ikki tomonlama suvoqlangan devorlardan, umumiy

devor maydonining 10% va undan ko‘p qismini eshik va derazalar tashkil etganda devorning qalinligi 250mm (1 g‘isht) miqdorida qabul qilinadi. Yuqoridagi talabni 100 mm qalinlikka ega bo‘lgan temirbeton devorlar ham taminlaydi.


Tovushdan himoyalash bo‘yicha II-kategoriyaga mansub bo‘lgan binolarda xonalar oralig‘ida qalinligi 250 mm (1g‘isht) bo‘lgan ikki tomonlama suvoqlangan devorlardan, 200 mm qalinlikka ega bo‘lgan temirbeton devorlar orqali taminlanadi. Umumiy devorlar maydonining 10% va undan ko‘p qismini eshik va derazalar tashkil etganda qalinligi 380 mm (1,5 g‘isht) bo‘lgan devorlardan foydalaniladi.

Tovushdan himoyalash bo‘yicha III-kategoriyaga mansub bo‘lgan binolarda eshik va derazalarga ega bo‘lmagan to‘liq kesimli devorlarda qalinlik 380 mm (1,5 g‘isht) bo‘lgan ikki tomonlama suvoqlangan devorlardan, eshik va derazalar mavjud bo‘lgan devorlarda esa g‘isht devorlarning qalinligi 510 mm (2 g‘isht), temirbeton devorlarning qalinligi esa 400 mm qalinlikda qabul qilinadi.

Tovushdan himoyalash bo‘yicha IV-kategoriyaga mansub bo‘lgan binolarda eshik va derazalarga ega bo‘lmagan to‘liq kesimli devorlarda qalinlik 625 mm (2,5 g‘isht) bo‘lgan ikki tomonlama suvoqlangan devorlardan, umumiy devorlar maydonining 10% va undan ko‘p qismini eshik va derazalar tashkil etganda qalinligi 380 va 510 mm bo‘lgan ikki qatorli havo tirqishli bo‘lgan devorlardan foydalaniladi.

Xonada shovqin miqdorini kamaytirish maqsadida kam shovqinli xonalarni yuqori darajadagi shovqinga ega bo‘lgan xonalardan ajratib loyihalash, qurilmalarni alohida xonada joylashtirish, qurilmalar ustini shovqindan himoyalovchi mahsulotlar bilan o‘rash bilan birgalikda tovush to‘lqinlarining tarqalish yo‘liga akustik ekranlar o‘rnatish ham tavsiya etiladi.

Sanoat binolarida akustik ekranlardan ish joylarida xizmat ko‘rsatuvchi mexanizmlardan yoki shovqinning qo‘shni manbalaridan himoyalash uchun foydalaniladi. Ekranlar to‘g‘ri tarqaladigan tovushlar yo‘lida to‘siq vazifasini bajaradi. Akustik ekranlarni qattiq tekis metall, plastik va boshqa turdagi mahsulotlardan ishlanib uning shovqin chiqaruvchi manbaga qaratilgan tomoni qalinligi 50-60 mm bo‘lgan tovush yutuvchi mahsulotlar bilan qoplanadi. 1.10 rasmda akustik ekranlarning turlari ko‘rsatilgan.



1.1-rasm. Akustik ekran turlari.

a)“a” turi; b)“b” turi; 1-shovqin manbai; 2-akustik ekran; 3-ish joyi (hisob nuqtasi).

Akustik ekranlar yordamida ish joyidagi shovqinlarni o‘rtacha 10 dB dan -15 dB gacha bo‘lgan miqdorda kamaytirishga erishish mumkin.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

5. Botirova N., Abdikomilova M., Botirov B. SANOAT BINOLARINI LOYIHALASHNING UMUMIY ASOSLARI //Models and methods in modern science. – 2022. – T. 1. – №. 17. – С. 75-81.
6. O.B.Berdiyev, B.Botirov “Sanoat binolari” o’quv qo’llanma. 2022
7. SHNQ 1.03.01-03 Korxonalar, binolar va inshootlar uchun kapital qurilishning loyiha xujjatlari tarkibi, uni tayyorlash, ishlab chiqish, kelishish va tasdiqlash.
8. B.I.Matniyazov “Loyihalash asoslari”. Toshkent-2023. “Fan ziyosi” nashriyoti. Darslik, 274 bet.

ЭЛЕКТРОХИМИЧЕСКИЕ МЕТОДЫ ИССЛЕДОВАНИЙ И ПОРЯДОК ИХ ПРОВЕДЕНИЯ.

**Тухтамуродова Зилола Хамитжон кизи, магистр.
Кахрамонова Мадина Собировна, магистр.
Тангяриков Нормурод Сайитович, д.т.н, профф, ЖизПИ.**

Измерения в электрохимии практически всегда связаны с электрическими измерениями, Электрические измерения в электрохимии имеют две особенности: во-первых, специфика объекта измерения – электрохимической ячейки (электролизера) – накладывает ограничения на выбор метода измерения и соответствующей аппаратуры. Во-вторых, номенклатура приборов, разработанных и выпускаемых серийно специально для проведения электрохимических измерений, весьма ограничена. Серийно выпускаются некоторые типы потенциостатов, полярографов, иономеров, мосты переменного и постоянного тока. В большинстве случаев используются измерительные приборы общего назначения - амперметры, вольтметры, генераторы, осциллографы, самопишущие приборы, источники питания. Из них собирают те или иные измерительные установки для реализации требуемого электрохимического метода.

В настоящее время интенсивное развитие интегральной технологии и средств вычислительной техники открыло особые возможности создания универсальных приборов, позволяющих решать многоплановые теоретические и прикладные задачи в рамках одной методики. В данном научном докладе, познакомить студентов с методами исследования электрохимических систем, их классификацией и приборным оформлением, а так же определить возможности и границы применимости каждого метода.

Необходимость в использовании разнообразных методов для исследования электрохимических процессов обусловлена широкой областью изменения скорости переноса электрона в электродных реакциях. Каждый из методов имеет некоторый предел по определяемому значению плотности тока обмена, выше которого электрохимические параметры электродной реакции определить нельзя. Применительно к каждому конкретному объекту необходимо выбрать тот метод, который дает максимальный объем надежной информации.

При проведении электрохимических исследований необходимо знать химический состав исходных веществ и продуктов реакции, Для определения состава электролита используют различные физико-химические методы: спектрофотометрический, потенциометрический, аналитический и другие.

При проведении электрохимических исследований необходимо соблюдать следующие условия.

1. Максимальная чистота используемых реактивов; состав электродов должен быть строго известен, как известно и состояние их поверхностей. Следует следить за тем, чтобы в процессе измерений поверхность электродов не претерпевала изменений.

2. Конструкция электрохимической ячейки и расположенный в ней электродов должны обеспечивать равномерное распределение тока по всей поверхности рабочего электрода.

3. Измерение проводить при строго контролируемой температуре.

4. Поддерживать постоянные давления и состав газовой фазы над электролитом. Как правило, исследования проводят в среде инертного газа (N_2 , Ar, Ne, He, H_2), поскольку кислород газовой фазы может оказывать существенное влияние на механизм процесса.

5. Необходимо обеспечить такие условия эксперимента, при которых падение потенциала в диффузной части двойного электрического слоя было бы минимальным или точно известным. Для снижения этого потенциала используют, как правило, фоновый электролит, концентрация которого должна быть не менее, чем в 20 раз выше, чем у основного вещества. Однако предварительно следует убедиться, что фоновый электролит не искажает поляризационной кривой изучаемой реакции.

6. Точное измерение потенциала рабочего электрода. Для этого необходимо устранить диффузионный потенциал между исследуемым электролитом и электролитом электрода сравнения. Этот потенциал принимает максимальное значение при приближении к предельному току и может, существенно исказить результаты измерений. Для устранения диффузионного потенциала между исследуемым электролитом и электролитом электрода сравнения желательно: а) выбрать электрод сравнения, который имеет тот же электролит по составу, что и исследуемый. Например, при исследованиях в хлоридных растворах удобно применять хлор-серебряный, каломельный, хлорный электроды; в кислых сульфатных растворах - ртутно-сульфатные электроды и т.п.; б) использовать электрод сравнения с таким электролитом, на границе которого с исследуемым электролитом диффузионный потенциал может быть рассчитан по известным формулам,

При измерении в растворах с постоянной ионной силой, а при больших концентрациях фона - с постоянной ионной концентрацией можно, в принципе, использовать любой электрод сравнения. Диффузионный потенциал в этом случае может быть и весьма велик, но и постоянен – его можно рассчитать или определить экспериментально.

Во всех случаях изучения кинетики электрохимических процессов необходимо измерение плотности тока. Обычно начинают с того, что выясняют методами аналитической химии, кулонометрии, протекает ли на электроде только одна изучаемая реакция или она осложнена побочными. В случае протекания побочных реакций, надо выяснить, какая доля тока приходится только на осуществление изучаемой реакции (построить так называемую парциальную поляризационную характеристику для изучаемой реакции).

KUCH ISHINI HISOBLASH

**Parmanov Ne'matilla Nurmuxammadovich
JizPI "Umumtexnika fanlari" kafedراسي assistenti**

Nazariy mexanika va materiyallar qarshiligi fanlarini o'qitishda kuch ishini hisoblashga doir masalalarni yechishga to'g'ri keladi. Bu masalalarni yechishda Limitlar nazariyasi, Defferentsianallash qoidalari, va integrallash hisobini bilishni talab etadi.

Bizga o'zgarmas F kuch OX o'qi bo'ylab yo'naltirilgan hamda uning P nuqtasi OX bo'ylab $[a, b]$ kesmada joylashgan bo'lsin. U holda, shu kesmada kuchning bajargan ishi $A = F|ab|$ (1) formula yordamida hisoblanadi. Agar F kuch o'zining kattaligini o'zgartirsa kuch ishini $A = F|ab|$ formula yordamida hisoblashning imkoni bo'lmay qoladi. Shuningdek kuch bajargan ishini hisoblashga ko'pincha qo'yidagi Guk qonunidan foydalaniladi: $F = kx$ (2)

Bunda F -kuch x -prujinaning F -kuch ta'sirida absalyut uzayishi, k -prapartsianallik kaefisenti. Biz quyidagi o'zgaruvchang F -kuchini hisoblashga doir masalani qaraymiz.

Masala. Birorta F kuch OX o'qi bo'yicha yo'naltirilgan bo'lsin $F(x)$ kuchning $[a, b]$ kesmadagi ishini hisoblaymiz.

Yechilishi: Berilgan F kuch OX o'qi bo'yicha yo'nalgan bo'lsa uning kattaligi X ga bog'lik bo'ladi, ya'ni $F = F(x)$ niq integral integrallar yig'indisining limiti ekanligini etiborga olib $[a, b]$ kesmani $a = x_0 < x_1 < x_2 < \dots < x_{k-1} < x_k < \dots = b$ nuqta yordamida kichik qisimlarga ajratamiz. Bunda $F(x)$ kuch X_{k-1} dagi qiymatini $[X_{k-1}, X_k]$ kesmada xam saqlaymiz deb qaraymiz, ya'ni $F(X_{k-1})$.

U holda $A = F|ab|$ (1) formula yordamida $F(x)$ kuch ishini hisoblab $A = F(X_{k-1})(X_k - X_{k-1})$ (3) ekanligini topamiz. Shuningdek, $[a, b]$ dagi barcha kichik kesmalarda $F(x)$ kuchining bajargan ishlarini topib quyidagi jadvalni tuzamiz.

Kesmalar tartibi	Kesma uzunligi	Kuch kattaligi	Kuchning kesmadagi ishi
1	$x_1 - a$	$F(a)$	$F(a)(x_1 - a)$
2	$x_2 - x_1$	$F(x_1)$	$F(x_1)(x_2 - x_1)$
3	$x_3 - x_2$	$F(x_2)$	$F(x_2)(x_3 - x_2)$
...
k	$x_k - x_{k-1}$	$F(x_{k-1})$	$F(x_{k-1})(x_k - x_{k-1})$
$k + 1$	$x_{k+1} - x_k$	$F(x_k)$	$F(x_k)(x_{k+1} - x_k)$
...
n	$b - X_{n-1}$	$F(x_{n-1})$	$F(x_{n-1})(b - X_{n-1})$

Alohida-alohida kesmalarda bajargan ishlarining yig'indisi quyidagicha bo'ladi.

$$A_n = F(a)(x_1 - a) + F(x_1)(x_2 - x_1) + F(x_2)(x_3 - x_2) + \dots + F(x_{n-1})(b - X_{n-1}) \quad (4)$$

Ushbu yig'indi-integral yig'indidan iboratdir. Ma'lumki integral yig'indining imiti aniq integraldir, ya'ni: $\int_a^b F(x) dx$ Demak $F(x)$ kuchning $[a, b]$ kesmada bajargan ishi aniq integraldan iborat ekan $A = \int_a^b F(x) dx$ (5)

Masala-1 Kesmada chegara nuqtalari, $a = -2$ va $b = 2$ bo'lganda $F = x^2 + x$ tenglama yordamida berilgan F kuchning bajargan ishini hisoblang.

Yechilishi: (5) formuladan foydalanib A ishini topamiz.

Demak bajarilgan ishi $A = 4$

Masala-2 Prujinani $0,04m$ qisish uchun 24 Jaul ish bajarishi ma'lum bo'lsa uni $0,2 m$ qisish uchun qanday ish bajarilish lozim.?

Yechilishi: Berilganlarga ko'ra prujina qisilgan kattalik $0,04m$ bajarani ishi esa 24 Jaul ma'lum, U holda $A = \int_a^b F(x) dx$ formulaga asosan.

$$24 = \int_0^{0,04} kx dx = \left. \frac{kx^2}{2} \right|_0^{0,04} = \frac{0,0016}{2} k = 0,0008 k = 24 \quad \square$$

$$\text{Ushbu natija kelib chiqadi. } 0,0008k = 24 \quad k = \frac{24}{0,0008} = 30000 \frac{N}{m}$$

Endi prujinani $0,2 m$ qisish uchun qancha ish bajarilish lozimligini topamiz:

$$A = \int_0^{0,02} 30000 x dx = \left. 15000 x^2 \right|_0^{0,02} = 15000 \cdot 0,0004 = 600 \text{ Jaul} \quad \square$$

teng ekanligi kelib chiqadi.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Alimov.A. Algebra va analiz asoslari. Darslik. "O'qituvchi" nashriyoti Toshkent-1990 yil.
2. G'aniyev.A.G. Fizika (AI va KHK uchun darslik) 1-qism "O'qituvchi" nashriyoti Toshkent-2012 yil.
3. Ninitin.E.M Nazariy mexanika (texnikumlar uchun darslik) "O'qituvchi" nashriyoti Toshkent-1970 yil
4. Sultonov.J "Oliy matematika" uslubiy qo'llanma. Samarqand-2014yil

STATIK NOANIQ RAMALARNI HISOBLASHDA SISTEMALARNING SIMMETRIKLIGIDAN FOYDALANISH.

Ochilov Muxammad Xoliq o'g'li.


Jizzax politexnika instituti 115-20YM guruhi talabasi.

Ilmiy raxbar. Ahmedov Burhon Ikromovich.

Statik aniqmas ramalarni hisoblashda soddalashtirish usullari. Kanonik tenglamalar soni sistemadagi ortiqcha noma'lumlar soniga teng bo'lishini ilgari aytib o'tgan edik. Demak, sistemaning statik aniqmaslik darajasi ortgani sari kanonik tenglamalar soni ham ortib boradi, ularni birgalikda yechish uchun tobora ko'proq vaqt va mehnat talab etiladi. Aniq usullar berilgan sistemadagi noma'lumlar sonini kamaytirib bo'lmaydi, biroq hisoblash ishlarini birmuncha osonlashtirish imkonini beradigan soddalashtirish usullari mavjuddir. Quyida ana shu usullarning ba'zilari bilan tanishib chiqamiz.

Sistemalarning simmetrikligidan foydalanish.

Simmetrik ramalar faqat geometrik shakliga ko'ra emas, balki tayanchlari va bikrlilari bo'yicha ham simmetrik bo'lishi lozim. Shunda ularning simmetrikligidan foydalanib ba'zi soddalashtirishlarga erishish mumkin. 1-rasm, a-da simmetrik statik aniqmas rama tasvirlangan. Rama bitta vertikal simmetriya o'qiga ega. Ramaning chap va o'ng tayanchlari bir xil. Ramaning har ikkala ustuni, shuningdek to'sinining chap va o'ng qismlari bir xil inertsia momentiga ega, bu har ikkala ustun bir xil bikrlikka o'zaro teng demakdir.




1-rasm

Agar ramaning asosiy sistemasini 1-rasm, b-da ko'rsatilgandek olsak, hisob jarayonida hech qanday soddalashuvga erishmaymiz, uch noma'lumli uchta kanonik tenglamalar sistemasini o'zgarishsiz qolaveradi:

$$\begin{aligned} \delta_{11} X_1 + \delta_{12} X_2 + \delta_{13} X_3 + \Delta_{1P} &= 0; \\ \delta_{21} X_1 + \delta_{22} X_2 + \delta_{23} X_3 + \Delta_{2P} &= 0; \\ \delta_{31} X_1 + \delta_{32} X_2 + \delta_{33} X_3 + \Delta_{3P} &= 0; \end{aligned} \quad (1)$$

Agar ramaning asosiy sistemasini 2-rasm, v-dagi ko'rinishda olsak, kanonik tenglamalar sistemasini ancha ixchamlashadi. Ramaning asosiy sistemasini hosil qilishda uni simmetriya o'qi o'tgan kesimdan qirqdik. Bu asosiy sistemaning birlik epyuralarini qursak, simmetrik (\bar{M}_1 , \bar{M}_3) va teskari simmetrik (\bar{M}_2) epyuralar hosil bo'ladi. (2-rasm).

To'g'ri va teskari simmetrik epyuralarning ko'paytmasi nolga teng bo'ladi.. Bu qoida kanonik tenglama koeffitsientlarini aniqlashda juda qo'l keladi. Chunonchi, δ_{12} koeffitsientini aniqlashda \bar{M}_1 va \bar{M}_2 epyuralar Vereshchagin formulasi bo'yicha o'zaro ko'paytirilishi kerak. Biroq



2-rasm

epyuralarning biri simmetrik, ikkinchisi teskari simmetrik bo'lgani uchun ko'paytma nol chiqishini oldindan bilamiz. Shunday qilib, $\delta_{12} = \delta_{21} = 0$. \bar{M}_2 va \bar{M}_3 epyuralarining ko'paytmasidan $\delta_{23} = \delta_{32} = 0$ kelib chiqadi.

Buning oqibatida kanonik tenglamalar sistemasini quyidagi ko'rinishga keladi:

$$\begin{aligned} \delta_{11} X_1 + \delta_{13} X_3 + \Delta_{1P} &= 0; \\ \delta_{22} X_2 + \Delta_{2P} &= 0; \\ \delta_{31} X_1 + \delta_{33} X_3 + \Delta_{3P} &= 0; \end{aligned}$$

ya'ni yaxlit tenglamalar sistemasini (1) ikkita mustaqil tenglamalar sistemasiga ajralib ketdi: bulardan biri

$$\begin{aligned} \delta_{11} X_1 + \delta_{13} X_3 + \Delta_{1P} &= 0; \\ \delta_{31} X_1 + \delta_{33} X_3 + \Delta_{3P} &= 0; \end{aligned} \quad (2)$$

$$\text{ikkinchisi } \delta_{22} X_2 + \Delta_{2P} = 0;$$

Shunday qilib, asosiy sistema tanlash jarayonida ramaning simmetriklik xususiyatlaridan foydalanib, uch noma'lumli yaxlit tenglamalar sistemasini ikkita mustaqil tenglamalar sistemasiga ajratdik, bularning biri ikki noma'lumli ikkita tenglama, ikkinchisi bir noma'lumli bitta tenglama. Natijada hisob ishlarini ancha qisqartirish imkoniyatiga ega bo'ldik.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. To'raev. X.Sh., Ismatov. M.X., Yo'ldoshov. F.X., Javliev B.K. «Qurilish mexanikasi»- Toshkent, Moliya, 2002y. -459 b.
2. Abdurashidov. Q.S., Hobilov. B.A., To'ychiev.N.D., Raximboev.A.G'. «Qurilish mexanikasi»-Toshkent.: O'zbekiston, 1999y. -384 b.
3. Hobilov. B.A., Nazarova M.K., Umarova Z.S. «Qurilish mexanikasi misol va masalalar». T.: TAQI -2014.
4. Odilxo'jaev.E.A., G'ulomov.T.G'. , Abdukomilov.T.K. «Qurilish mexanikasi» -T.: O'qtuvchi 1985y. -270 b. Ё I ℓ a₁
5. Odilxo'jaev.E.A., G'ulomov.T.G'. , Abdukomilov.T.K. «Qurilish mexanikasidan misol va masalalar» -Toshkent, O'qtuvchi, 1974y. 440 b.
6. Смирнов А.Ф., Александров А.В., Лашенков Б.Я., Шапошников Н.Н. Строительная механика. Стержневые системы.-М.: Стройиздат, 1981. 512 с.
7. Клейн Г. К. и др. Руководство к практическим занятиям по курсу Строительной механики (статика стержневых систем). – М.: Высшая школа, 1980. -384 с.
8. Ahmedov B.I. “Qurilish mexanikasi” Jizzax politexnika instituti. 2022 yil. 317-bet.

ЁПИҚ КОНТУРЛИ ТАЯНЧГА ЭГА БЎЛГАН ФАЗОВИЙ КОНСТРУКЦИЯЛАРНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ

**Жиззах политехника институти
ассистент Саримсоков С.Ш
Эламонов Ф.М**

Фазовий стерженли тизимларни массаси бўйича оптималлаштириш кўп юклинишларда, кўп экстремал характерли кучлар таъсирида нозикли программалаштириладиган масалага мансуб бўлиб қолади. Юқорида кўрсатилган муаммоларга боғлиқ ҳолда, дискрет ва дискретизациялашган тизимларнинг массаси бўйича оптималлаштириш масаласини ечиш, дастлабки маълумотларнинг энг мақбул вариантини излаш учун шартсиз минималлаштириш методи ва элемент учлари методини декомпозиция қилиш усуллари орқали амалга ошириш талаб этилади.

Геометрик модели ёпиқ таянч контурли бир қатламли моментсиз стерженли структуралардан ташкил топган конструкциялар боғланишларига таъсир қиладиган конструкциянинг хусусий оғирлиги ва кучланишлар катталиги боғланишлар узунлигига тўғри пропорционал бўлади (1). Агар ҳар бир тугунга қўйилган кучланиш 0 га тенг бўлса, тизим мувозанатда бўлади. Локал тизимдаги тўр элементларида боғланиш мувозанатини саклаш тенгламаси қуйидаги формулада келтирилган:

$$P_{i,j} + \sum_{n=1}^m R_n^{i,j} = 0. \quad (1)$$

бу ерда: $P_{i,j}$ - конструкциянинг ўз оғирлигидан тугунга таъсир этадиган вертикал кучланиш; $R_1^{i,j}; R_2^{i,j} \dots; R_n^{i,j}$ - тугун боғланишидаги кучланишлар.

Координаталар йўналиш(формаси)и бўйича тўрдаги тугун мувозанати ундаги боғланишлар сонига боғлиқ бўлади. Катаклари учбурчак шакли тўрнинг хар бир ички тугунида олтига боғланиш мавжуд бўлса, унинг тенгламаси қуйидаги кўринишда бўлади:

$$6U_{i,j} - U_{i,j-1} - U_{i,j+1} - U_{i-1,j} - U_{i+1,j} - U_{i+1,j-1} - U_{i-1,j+1} + kP_{u,i,j} = 0. \quad (2)$$

бу ерда: U - умумлашган координата нуқталари X, Y, Z ; $P_{u,i,j}$ - U координата ўқидаги кучланишнинг ташқи проекцияси.

Тўртбурчак катакли тўрлар тенгламаси қуйидагича кўринишда бўлади:

$$4U_{i,j} - U_{i,j-1} - U_{i,j+1} - U_{i-1,j} - U_{i+1,j} + kP_{u,i,j} = 0. \quad (3)$$

Локал тизимли тўр элементларини ҳисоблашда (2) ва (3) тенгламаларни умумлаштириб ёзиш мумкин:

$$kP_{u,i,j} + mU_{i,j} - \sum_{n=1}^m U_n^{i,j} = 0. \quad (4)$$

$P_{i,j}$ юк тугунга қўйиладиган стерженлар ва ёпмадан жамланган юк бўлиб, қуйидаги формуладан аниқланади:

$$P_{i,j} = \frac{\sum_{n=1}^m P_n^{i,j}}{2} + Q_{i,j}. \quad (5)$$

бу ерда: $P_n^{i,j}$ - тугунга бирикадиган n -стержен оғирлиги; $Q_{i,j}$ - тугунга ёпма плитанинг ўз оғирлигидан тушадиган юк. $M_{i,j}$ ва $N_n^{i,j}$ тугунлар орасидаги стерженнинг хусусий оғирлиги қуйидаги формуладан аниқланади

$$P_{i,j}^{m,n} = q_1 a^2 \sqrt{(X_n^{i,j} - X_{i,j})^2 + (Y_n^{i,j} - Y_{i,j})^2 + (Z_n^{i,j} - Z_{i,j})^2}. \quad (6)$$

бу ерда: q_1 - стержен элементининг ҳажмий оғирлиги; a - стержен кўндаланг кесимидаги квадратнинг бир томони узунлиги.

Ёпма элементнинг хусусий оғирлиги $Q_{i,j}$, элемент кесим юзаси $S_{i,j}$, унинг қалинлиги δ ва ҳажмий оғирлиги q_2 га кўпайтирилиб аниқланади:

$$Q_{i,j} = S_{i,j} \delta q_2 \quad (7)$$

(6) ва (7) формулаларни (5) формулага қўйиш орқали тўрнинг ихтиёрий тугуни $M_{i,j}$ га тушадиган юк $P_{i,j}$ қийматини аниқлаймиз. Ҳамма тенг кесим юзали стерженли структураларда минимал кесим юза энг узун стержен учун аниқланади, негаки, стержендаги кучланиш унинг узунлигига тўғри пропорционал. Номунтазам режали тўрлар учун максимал узунликдаги стерженни аниқлашда структуранинг ҳамма стерженлари керагидан ортикча танланиши керак. Мунтазам режали тўрлар учун горизонтал текисликка оғиш бурчаги катта бўлган стержен энг узун стержен ҳисобланади, чунки, горизонтал проекция ҳамма стерженлар учун бир хил. Бундай стерженнинг тўрдаги ўрни таянч контур йўналишига боғлиқ.

$$k \left(mZ_{i,j} + \sum_{n=1}^m Z_n^{i,j} \right) = P_{i,j}.$$

бу формуладан вектор кучланиш $R_{i,j}^{i+1,j}$ ning пропорционаллик коэффициенти k ни ва AB стержен узунлигини аниқлаймиз (8)

$$k = \frac{P_{i,j}}{mZ_{i,j} - \sum_{n=1}^m Z_n^{i,j}}.$$

Изланаётган кучланишда AB стержен узунлигининг k коэффициент кўпайтмасига тенг: Тизим тугунларининг катъий мувозанат тенгламасини аввал (6) га, сўнг (6) ни (1) га жойлаштириш орқали аниқлаш мумкин. Лекин бундай тизим ночизиклилиги сабабли унинг ҳисоби мураккаблашади. Шунинг учун яқинлашган методларга ёндашиб тўрлар тугунларининг координаталарини итерацион жараён алгоритми билан ишлаш таклиш қилинади.

Адабиётлар:

1. Даниловская Н.А. Дискретное моделирование поверхностей панелей оболочек. //Дис... канд. техн. наук. –Киев, 1985. -161 с.
2. Қосимов Т. Қ. Утегенова Г. Сайымбетова Н. Оптимизация пространственных металлических стержневых сооружений с учётом много факторных нагрузжений. Научно-технический журнал. Проблемы архитектуры и строительство. №-3, 2016-год. с. 55-56.

BINO VA INSHOOTLARNI TABIIY VA TEXNOGEN TA'SIRLAR NATIJASIDA KESKIN BUZILISHINING OLDINI OLIB LOYIHALASH

Asmanova Chimnaz Arzikulovna o'qituvchi

Abdinazarov Elbek Mustafaqul o'g'li 3-kurs talabasi

Samarqand davlat arxitektura-qurilish universiteti

Keyingi vaqtda bino va inshootlar konstruksiyalarida vujudga keladigan mahalliy nuqsonlarning bino va inshootlar keskin buzilishiga (прогрессирующего обрушение) olib kelishini tadqiq qilish muhim ahamiyatga ega bo'lmoqda. Chunki keyingi vaqtlarda bino va inshootlarni barpo etishda qo'yiladigan xatolar va nuqsonlar ularning buzilishiga olib kelmoqda.

Bino va inshootlarning keskin buzilishga olib keladigan omillar sun'iy yoki tabiiy bo'lishi mumkin. Sun'iy omillarga texnogen ta'sirlarni (portlash, yong'in, transport vositalarining to'qnashishi, samolyotlarning avariyasi va boshqa omillar) va tabiiy hodisalarni (zilzilalar, yer ko'chishi va boshqa omillar) keltirish mumkin.

Bino va inshootlarning keskin buzilishiga yuqorida keltirilgan omillardan tashqari loyihalash jarayonida yo'l qo'yiladigan xatoliklar, barpo etish va noto'g'ri ekspluatatsiya qilish jarayonida vujudga keladigan shikastlanishlar ham sabab bo'lishi mumkin.

Keyingi yillarda yaxlit temirbeton texnologiyasi bo'yicha barpo etilayotgan bino va inshootlarning keskin buzilishga sabab bo'layotgan omillardan biri bu qurilish sifatini nazorat qilishning talab darajasida emasligi hisoblanadi.

Bino va inshootlarning buzilish holatiga kelib qolish sabablari mas'uliyati cheklangan «SVP MASKAN» jamiyati mutaxassislari tomonidan o'rganilganda yaxlit temirbetondan barpo etilayotgan ko'p qavatli binolarning aksariyatida beton mustahkamligi loyihalarda qayd etilgan miqdorlardan past ekanligi aniqlangan. Natijada binolarning birinchi qavat ustunlarida beton mustahkamligining yetarli bo'lmaganligi sababli bo'ylama armaturalarning qovarish hollari

kuzatilgan
(1 ... 4-rasmlar).



1-rasm



2-rasm



3-rasm



4-rasm

Qurilish jarayonida ishlatiladigan materiallar, ayniqsa yaxlit beton, mustahkamligini qat'iy nazorat qilish binolarning mustahkamligi va ustuvorligini ta'minlashda muhim rol o'ynashi 2023 yil 6 fevralda Turkiyada sodir bo'lgan kuchli zilzila oqibatlarini ham ko'rsatdi. Bundan tashqari seysmik aktiv bo'lgan tumanlarda barpo etiladigan ko'p qavatli binolarni loyihalashda bino poydevorlarining konstruksiyasi ham muhim ahamiyatga ega ekanligini ta'kidlash lozim. Chunki Turkiyada sodir bo'lgan zilzila oqibatlarini tahlil qilinganda binolarning aksariyati og'nash va cho'kish natijasida buzilgani aniqlangan (5...6- rasmlar).

Binolar asosiy qismining buzilishiga sabab sifatida binolar ostidagi grunt sabab qilib ko'rsatilmoqda. Vaholanki barcha buzilgan uylar yonida umuman shikast yetmagan binolar saqalanib qolgan (6-rasm). Bu holat binolarning buzilishiga grunt emas, ularni barpo etishda materiallarning, ayniqsa beton mustahkamligining qurilish sifatining qat'iy nazorat qilinmaganligi sabab bo'lgan.



5-rasm



6-rasm

O‘zbekiston Respublikasining aksariyat xududlarida zilzilalar sodir bo‘lish xavfi bor. Bu xududlarda kuchli zilzilalarning sodir bo‘lishi ehtimoldan xoli emas. Shuning uchun binolarni barpo etish jarayonida ishlatiladigan materiallarning, ayniqsa, yaxlit beton va armaturalarning sifati qat’iy nazorat qilinishi shart.

Zilzila ta’siridan bino va inshootlarning «hayotiyli»ni (живучесть) saqlab qolish muhim ahamiyatga ega bo‘lib, buning uchun bino va inshootlarni keskin buzilish holatiga kelib qolishini e’tiborga olib loyihalash talab etiladi.

O‘zbekiston Respublikasida bino va inshootlarni keskin buzilish holatiga kelib qolishini e’tiborga olib loyihalash bo‘yicha me’yoriy hujjat ishlab chiqilmagan. Shuning uchun ham loyiha tashkilotlari tomonidan binolarni keskin buzilish holatidan saqlash bo‘yicha hisoblarni amalga oshirishi imkoniyati mavjud emas.

Samarqand davlat arxitektura-qurilish universitetida yaxlit va yig‘ma-yaxlit temirbetondan barpo etiladigan binolarning «hayotiyli»ni ta’minlash bo‘yicha magistrlik va doktorlik dissertatsiyalari doirasida ilmiy tadqiqotlar olib borilmoqda. Bu sohada tadqiqotchilar tomonidan olinadigan natijalar kelgusida respublikada bino va inshootlarni keskin buzilish holatiga kelib qolishini e’tiborga olib loyihalash bo‘yicha me’yoriy hujjat tayyorlashga asos bo‘lishi mumkin.

XULOSA. Tabiiy va texnogen ta’sirlardan binolarning keskin buzilish holatiga kelib qolishdan saqlanishini e’tiborga olib loyihalash bo‘yicha me’yoriy hujjat tayyorlanishi davr talabi hisoblanadi.

Bino va inshootlarni keskin buzilish holatiga kelib qolishini e’tiborga olib loyihalash bo‘yicha me’yoriy hujjatni tayyorlashda quyidagi masalalarga e’tibor qaratilishi lozim:

1. Keskin buzilish holatini e’tiborga olib loyihaladigan binolarning ro‘yxati shakllantirilishi;
2. Mahalliy buzilishlardan keskin buzilishi sodir bo‘lmasligi uchun binolarni himoya qilish uslublari ishlab chiqilishi;
3. Binoning keskin buzilishi sodir bo‘lish holatida bajarilishi shart bo‘lgan talablar.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Asmanova Ch.A. Ustun va rigellarda vujudga keladigan nuqsonlarning ko‘p qavatli sinchli binolar mustahkamligiga ta’siri: magistrlik dissertatsiyasi; Samarqand, 2022. - 83 b

SINCHLI BINOLARNI BOSQICHMA-BOSQICH BARPO ETISHDA RIGELLARINING KUCHLANISH DEFORMATSIYALANISH HOLATINING TAXLILI

Xamrokulov Ulugbek Damirovich

Samarqand davlat arxitektura – qurilish universiteti (*PhD*), *katta o‘qituvchisi*
midimin@mail.ru +998915529664

Turakulova Maftuna Ismatilayevna

Samarqand davlat arxitektura – qurilish universiteti *o‘qituvchisi*
+998996888152

Bo‘riboev Elyorbek Zafar o‘g‘li

Samarqand davlat arxitektura – qurilish universiteti *3-bosqich talabasi*

Binolar bir zumda tiklanmaydi, balkim ularni tiklash uchun ma'lum vaqt talab etiladi. Binoning asosi tayyorlangandan keyin poydevor tiklanadi. Poydevor yaxlit plita, tasma shaklida yoki alohida yakka holda turadigan poydevor sifatida temirbetondan tayyorlanadi. Poydevor tiklangandan keyin navbatma-navbat ustunlar va rigellar tiklanadi. Rigellar ustiga orayopma plitalari o'rnatiladi. Bu bosqichda birinchi qavat ramasi elementlarida elementlarning xususiy og'irliklaridan zo'riqishlar hosil bo'ladi. Orayopma plitasi og'irigidan rama elementlarida qo'shimcha zo'riqishlar hosil bo'ladi. Birinchi qavat ramasi elementlarining ko'ndalang kesim o'lchamlari loyihalash amaliyotidan, odatda, ustun uchun $b_c \times h_c = 400 \times 400$ mm, rigel uchun ham $b_p \times h_p = 400 \times 400$ mm qabul qilinadi.

Rama elementlari xususiy og'irligi va plita og'irigidan hosil bo'ladigan zo'riqishlar ta'siridan rama elementlari mustahkamligini ta'minlash uchun talab qilinadigan armatura miqdorlari qo'yidagi formulalardan aniqlanadi:


$$\text{rigel uchun} \quad A_{s1} = \frac{M_1}{R_s (h_{10} - 0,5x_1)} \quad (1)$$

ustun uchun (kesim simmetrik ravishda jihozlanganda)

$$A_{s1} = A'_{s1} = \frac{M_1 \times e - R_b b x (h_{10} - 0,5 \times x_1)}{R_{sc} (h_{10} - a')} \quad (2)$$

Bu yerda eguvchi moment M_1 qiymati bino sinchi hisobiy sxemasi asosida tashqi yuklar ta'siridan hisoblanadi. Siqilish zonasining balandligi x_1 elementning muvozanat holatidan aniqlanadi.

Plita montaj qilingandan keyin ular orasidagi chok beton bilan to'ldirilib, beton ma'lum mustahkamlikka erishgandan so'ng rigelning bikrligi o'zgaradi (1 –rasm), ustunning bikrligi esa, o'zgarmaydi. Rigelning balandligi quyidagiga teng bo'ladi: $h = h_1 + h_2 = 400 + 220 = 620$ mm. Rigelning eni esa $b = b_2 = 240$ mm.



1- rasm. Rigel ko'ndalang kesimi

Vertikal (plita ustidan hosil qilinadigan pol konstruksiyasi va pardadevorlar og'irigidan hamda foydali muvaqqat yuklardan) va gorizontal (shamol, seysmika) yuklar ta'siridan hosil bo'ladigan zo'riqishlarga rigelning ko'ndalang kesim o'lchamlari 240×620 mm qabul qilinadi. Rigelning tayach kesimlari uchun esa - 400×620 mm qabul qilinadi.

Ikkinchi bosqichda rama elementlarini jihozlash uchun talab qilinadigan armatura kesim yuzalari quyidagi formulalardan aniqlanadi:

Rigel uchun:

$$A_{s2} = \frac{M_2}{R_s (h_0 - 0,5x)} \quad (3)$$

ustun uchun (kesim simmetrik ravishda jihozlanganda):


$$A_{s2} = A'_{s2} = \frac{M_2 \times e_2 - R_b b x (h_{10} - 0,5x)}{R_{sc} (h_0 - a')} \quad (4)$$

Rama elementlari (ustun va rigel) mustahkamliklarini ta'minlash uchun talab qilinadigan armatura kesim yuzasi birinchi va ikkinchi bosqichda topilgan armatura kesim yuzalari yig'indisiga teng qilib olinadi, ya'ni:

$$\text{rigel uchun } A_s = A_{s1} + A_{s2}; \text{ ustun uchun } - A'_s = A'_{s1} + A'_{s2}.$$

Hozirgi vaqtda ko'p qavatli bino sinchi doimiy, davomli va muvaqqat yuklar ta'siriga hisoblanganda rigellarning ikki bosqichda ishlashi hisobga olinmaydi. Vaholanki rigelga plitalar o'rnatilib, ular orasidagi choklar beton bilan to'ldirilgandan keyin rigelning dastlabki bikrligi katta tomonga o'zgaradi. Bu esa o'z navbatida rigelni armaturalashda po'lat sarfini kamaytiradi va rigel salqiligini kamaytiradi.

Rigelning ustun bilan birikkan tayanch kesimida ham xuddi o'rta kesimdagidek ikki bosqichli kuchlanish deformatsiyalanish holati sodir bo'ladi.



2- rasm. Hisoblash uchun rigel kesimlari:

a- tayanchlarda; b- ravoqda.

Tayanch kesimdagi armatura kesim yuzasi quyidagi formuladan aniqlanadi;


$$\alpha_m = \frac{M_2 - M_{s\text{пролет}}}{R_b b h_0} \quad (5)$$

Bu yerda $M_{s\text{пролет}} = 0,5 R_s A_{s\text{пролет}} (h_0 - a)$; 0,5 ravoq bo'ylama armaturasining yarimi tayanchlarga yetkaziladi deb qabul qilingan. Talab qilinadigan tayanch armaturasi quyidagi formuladan aniqlanadi

$$A_s = \frac{\xi R_b b h_0 + 0,5 R_s A_{s\text{пролет}}}{R_s} \quad (6)$$



3- rasm. Eksperiment jarayoni



4 - rasm. To'sin salqiligi qiymatlarining farqi

(1)-1- seriyadagi namuna; (2) -2- seriyadagi namuna.

Sinalayotgan namunalarda ta'sir qilayotgan moment $M=3,42 \text{ kNm}$ ga yetganda birinchi seriya namunadagi salqilik $f=8,73 \text{ mm}$ ga teng, xuddi shu moment ta'sir qilganda ikkinchi seriya namunada esa salqilik $f=1,15 \text{ mm}$ ga teng bo'lishi aniqlandi. Plitani to'sin bilan birga ishlashini e'tiborga olsak, oddiy holga qaraganda salqilikni 7,6 martaga kamayishini ko'rishimiz mumkin.

Bu maqolada yig'ma-yaxlit temirbetondan tiklanadigan sinchli binolarni loyihalashda bitta omil – rigel bikrligining o'zgarishini hisobga olish masalasi qaraldi. Vaholanki bunday omillarning soni juda ko'p. Masalan, sinch hisobiy sxemasining o'zgarishi, yuklash davomiyligi, beton mustahkamligining vaqt davomida o'zgarishi, atrof muhit harorati va namligi ta'siri, tiklash texnologiyasi va hokazo.

Binolarning haqiqiy ishlash holatini e'tiborga olib loyihalash nafaqat material resurslarini (beton, armatura, energiya sarfi va hokazo.) tejabgina qolmasdan bino va inshootlarning uzoq muddat ishonchli ekspluatatsiya qilinishini ta'minlaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Xamrokulov U.D. Ko'p qavatli turar joy bino ramasi hisobining sonli eksperimental tahlili. Arxitektura, qurilish va dizayn (Ilmiy amaliy jurnal). Toshkent, №3, 2022. – B. 142-147.
2. Khamrakulov U.D. Joint Operation of a Cross member with Multi-Hollow Floor Slabs. "International journal on human computing studies" Volume: 04 Issue: 2 | Feb 2022. Journal /IJHCS e-ISSN: 2615-8159 | p-ISSN: 2615-1898. Impact Factor 6.755. P. 63-67.

УДК 624.012

РАСЧЕТ СТАЛЬНОГО РАМНО-СВЯЗЕВОГО КАРКАСА УНИКАЛЬНОГО АДМИНИСТРАТИВНОГО 30-ЭТАЖНОГО ЗДАНИЯ

Фридман Г.С., доцент, к.т.н.,
Ибрагимов Р.С., магистрант (СамГАСУ)

Аннотация.

В статье приведен расчет стального рамно-связевого каркаса уникального 30-этажного административного здания. Расчет выполнен в программном комплексе ЛИРА САПР 2017 с учетом сейсмических воздействий. Произведен подбор сечений стальных элементов колонн, ригелей и раскосов связей.

Annotation.

In article calculation steel frame-linked a skeleton of a unique 30-storeyed office building is resulted. Calculation is executed in a program complex LIRA CAD 2017 taking into account seismic loadings. Selection of sections of steel elements of columns, beams and braces of framework is made.


Ключевые слова: многоэтажное здание, стальной каркас, рамно-связевой, компьютерный расчет, сейсмическое воздействие, подбор сечений.

Keywords: multi-storey buildings, steel frames, frame-linked, computer calculations, seismic loading, selection of sections.

Уникальное административное здание имеет 30 этажей высотой по 3,6 м; общая высота здания – 108 м. В поперечном направлении здание имеет 4 пролета размерами 7,2-6-6-7,2 м; общая ширина здания 26, м. В продольном направлении здание имеет длину 48 м при шаге колонн 6 м.

Пространственный стальной каркас здания имеет в своей основе пространственную раму, состоящую из колонн и ригелей двух направлений. Для создания необходимой жесткости при действии горизонтальных нагрузок эта рама усилена раскосами связей, создающих внутреннее ядро жесткости и внешний ствол. Схема такого рамно-связевого каркаса показана на рис. 1.

Колонны и ригели выполнены из прокатных двутавровых профилей – колонных (тип К) и балочных (тип Б), раскосы связей – из коробчатых сварных профилей (два швеллера). Все узлы сопряжения – жесткие, узловые соединения – на болтах и сварке. Полезную нагрузку на перекрытия примем по нормам [1] для административных зданий; снеговую и сейсмическую нагрузки примем для условий г. Самарканда.






Рис. 1. Общий вид многоэтажного рамно-связевого каркаса

Расчет каркаса выполним в программном комплексе (ПК) ЛИРА САПР 2017 [2]. Вначале определим нагрузки, действующие на каркас.

Постоянная нагрузка.

Коэффициент надежности по нагрузке примем равным 1,1. Нагрузка от собственного веса металлоконструкций будет учтена в ПК ЛИРА САПР автоматически после задания типов жесткостей.

Примем ограждение наружных стен из стеклопакета массой 40 кг/м^2 , тогда погонная нагрузка на ригель будет равна

$$q_{п} = 1,1 \cdot 0,4 \cdot 7,2 \cdot 3,6 / 7,2 = 1,6 \text{ кН/м.}$$

Внутренние стены (перегородки) примем из пеноблоков массой 500 кг/м^3 , тогда погонная нагрузка на ригель будет равна

$$q_{п} = 1,1 \cdot 50 \cdot 3,4 \cdot 0,12 \cdot 7,2 / 7,2 = 22 \text{ кН/м.}$$

Для перекрытий примем несущий профилированный настил со стяжкой из легкого бетона, а также конструкцию пола – все это вместе составит 130 кг/м^2 , тогда погонная нагрузка на ригель будет равна

$$q_{п} = 1,1 \cdot 1,3 \cdot 7,2 = 11 \text{ кН/м.}$$

Для покрытия примем такую же нагрузку (здесь вместо пола будет гидроизоляция кровли).

Снеговая нагрузка.

Эта нагрузка действует только на покрытие, ее величина для г. Самарканда будет равна:

$$q_{сн} = 1,4 \cdot 0,5 \cdot 7,2 = 5,04 \text{ кН/м.}$$

Полезная нагрузка на перекрытия.

Эквивалентную нормативную равномерно распределенную нагрузку для административных зданий примем равной 200 кг/м^2 с коэффициентом надежности 1,3. Разделим ее на временную длительную и кратковременную нагрузки в соотношении 70/130. Тогда расчетная погонная нагрузка на ригели междуэтажных перекрытий будет равна:

$$q_{пз} = 1,3 \cdot 0,7 \cdot 7,2 = 6,55 \text{ кН/м. (Временная длительная нагрузка)}$$

$$q_{пз} = 1,3 \cdot 1,3 \cdot 7,2 = 1,22 \text{ кН/м. (Кратковременная нагрузка)}$$

Сейсмическая нагрузка. Для расчета высотного здания достаточно учесть только горизонтальную сейсмическую нагрузку. Для этого в ПК ЛИРА САПР зададим характеристики горизонтальных сейсмических воздействий в продольном и поперечном направлениях (рис. 2).




Рис.2. Задание характеристик сейсмических воздействий

Здесь приняты нормы [1] Узбекистана, количество учитываемых форм колебаний – 14. Принятые параметры сейсмических воздействий в направлениях осей X и Y показаны на рис. 3.




Рис.3. Параметры сейсмических воздействий

При определении узловых масс постоянная нагрузка принимается с коэффициентом сочетаний 0,9, временная длительная нагрузка с коэффициентом 0,8, а кратковременная нагрузка – с коэффициентом 0,5. Введем также предельные неупругие деформации элементов: для колонн $\mu = 7,5$, для ригелей $\mu = 10$ и для раскосов $\mu = 15$.

Загрузки рамы. Для нашей задачи будут иметь место следующие загрузки рамы:

1. Постоянная нагрузка от веса покрытия и всех перекрытий;
2. Постоянная нагрузка на ригели от веса стен;
3. Временные длительные нагрузки (часть полезной нагрузки);
4. Кратковременные нагрузки (часть полезной нагрузки и снег);
5. Горизонтальная сейсмическая нагрузка в направлении оси X;
6. Горизонтальная сейсмическая нагрузка в направлении оси Y.

Собственный вес металлоконструкций учтем в загрузке 1. В таблице РСУ загрузки 5 и 6 пометим как знакопеременные и взаимоисключающие.

Создание расчетной схемы в ПК ЛИРА САПР.

Создадим файл задачи, приняв для него 5-ый признак системы (пространственная рама). Далее, используя операции копирования элементов, создадим расчетную схему каркаса. После этого введем типы жесткости, параметры конструирования и унифицированные группы элементов.

Вначале все профили назначаются ориентировочно; после подбора сечений можно заменить принятые типы жесткости на подобранные и выполнить повторный расчет. Примем несколько типов жесткости для колонн, испытывающих разную нагрузку (по этажам, крайние и средние), два типа жесткости для ригелей (продольные и поперечные), а также несколько типов жесткости для раскосов связей.

Далее введем все нагрузки по загрузкам 1-4. Сейсмические нагрузки для загрузок 5 и 6 создадим из статических с соответствующими коэффициентами сочетаний. Создадим также таблицу расчетных сочетаний усилий (PCY).

Результаты расчета.

В качестве иллюстрации результатов расчета приведем эпюры продольных сил от постоянной нагрузки (загрузка 1).




Рис. 4. Эпюры продольных сил от загрузения 1 (постоянная нагрузка)

Максимальное значение от сжимающей продольной силы -3173.1кН.

Результаты динамического расчета показали, что сумма модальных масс по формам колебаний близка к 100% - это значит, что учет 14 форм колебаний достаточен.

Проверим горизонтальную жесткость каркаса. В соответствии с [1] горизонтальное смещение верха здания должно быть не более $H/400$, где H – высота здания. Для нашего примера перемещение от сейсмической нагрузки для верхних узлов колонн равно:

$$u_x = 20,6 \text{ см} < H/400 = 108 \cdot 100/400 = 27 \text{ см};$$

$$u_y = 35,2 \text{ см} > H/400 = 108 \cdot 100/400 = 27 \text{ см}.$$

Таким образом, горизонтальная жесткость каркаса при действии сейсмической нагрузки достаточна в продольном направлении (по оси X), и недостаточна в поперечном направлении (по оси Y). Но здесь надо учесть, что перемещения вычислены от расчетных нагрузок; при учете нормативных нагрузок проверка выполняется.

На рис. 5 показаны первые 4 формы колебаний каркаса в продольном направлении (по оси X).




Рис.5. Первые 4 формы колебаний каркаса в направлении оси X

Таблица РСУ здесь не приводится. Она показывает, что усилия, вычисленные для отдельных загрузений при упругой работе материала, намного больше тех, что учтены при вычислении РСУ. Это связано с учетом неупругих деформаций, через которые вычисляются понижающий редуцированный коэффициент для усилий.

Из этой таблицы видно также, что в одних случаях РСУ вычислены для основного сочетания, а в других – для особого сочетания (с сейсмической нагрузкой). При этом продольная сила почти во всех РСУ сжимающая, но в средних колоннах возникает и небольшое растяжение при совместном учете вертикальных и сейсмических нагрузок.

Подбор сечений элементов.

Ранее уже были введены материалы (для всех элементов сталь С255), и дополнительные параметры конструирования. Поскольку изгибающие моменты в колоннах невелики, а продольная сила возрастает от верхних этажей к нижним, выполним подбор сечений для нижних участков колонн каждого типа жесткости, а также для 6-метрового ригеля 1-го этажа и раскоса связей.

Результаты подбора сечений приведены ниже в таблице (рис. 6). Все подобранные профили оказались меньше принятых, поэтому повторный расчет по откорректированным типам жесткости не нужен.

Текущие сечения		Подобранные сечения		
2	Двутавр 40К9 (-10.8--0)	#	Профиль	Сталь
3	Двутавр 40К7 (0-25.2)	1	2[8С	C255
4	Двутавр 40К5 (25.2-50.4)	2	2[20С6	C255
5	Двутавр 40К1 (50.4-75.6)	3	2[14С	C255
6	Двутавр 35К2 (75.6-108)	4	И40К7	C255
7	Двутавр 35Б1 (1)	5	И35К4	C255
8	Двутавр 40Б2 (2)	6	И35К4	C255
9	Коробка из швеллеров 14С	7	И40К*	C255
10	Коробка из швеллеров 16	8	И26К3	C255
11	Коробка из швеллеров 20	9	И35Б1	C255
		10	И40Б1	C255

Рис. 6. Принятые и подобранные сечения элементов

Таким образом, выполнен подбор сечений колонн, ригелей и раскосов связей из принятых типов сечений.

Теоретическую массу каркаса можно определить в программе Excel. Выполнив необходимые преобразования, получим следующую таблицу (спецификацию элементов):

Спецификация элементов по типам жесткости

Тип жесткости	Подобранное сечение	Колич. элем.	Длина, м	Площадь сеч., см ²	Масса, кг
1	Двут 40К9	135	3,6	392	190512
2	Двут 40К7	315	3,6	321	364014
3	Двут 40К5	315	3,6	262	297108
4	Двут 40К1	315	3,6	173	196182
5	Двут 35К2	405	3,6	154	224532
6	Двут 35Б1	594	6	57,08	203433
7	Двут 35Б1	594	7,2	57,08	244120
8	Двут 40Б2	1320	6	69,36	594331
9	Кор.швел.14С	1057	4,6	18,51	89999,3
10	Кор.швел.16С	529	4,6	21,95	53413,1
11	Кор.швел.20Сб	530	4,6	36,58	89182
				Итого:	2501827

Таким образом, масса 30-этажного каркаса составляет 2502 тонны. На 1 м³ здания это составит $2501827 / (26,4 \cdot 48 \cdot 108) = 18,28$ кг, что является хорошим показателем экономичности для рассматриваемого каркаса здания.

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ

3. КМК 2.01.07-96 Нагрузки и воздействия. / Госкомархитекстрой. – Ташкент. 1996. – 126 с.
4. Стрелец-Стрелецкий Е.Б., Журавлев А.В., Водопьянов Р.Ю. – ЛИРА САПР. Книга 1. Основы. – Под ред. А.С. Городецкого. / Изд. LIRALAND, 2019. – 154 с.

РЕКОМЕНДАЦИЯ ПО УМЕНЬШЕНИЮ СЕЙСМОПРОСАДОЧНОЙ ДЕФОРМАЦИИ СООРУЖЕНИЙ.

**ТАСИ. доц. А.А.Мирзаев,
асс Д.Н. Галиева.**

В данной статье дается рекомендации по уменьшению сейсмопросадочной деформации сооружений. Представлены решения обеспечения сейсмоустойчивости основания в условиях отсутствия сейсмопросадки.

Ushbu maqolada konstruksiyalarning seysmik cho'kish deformatsiyasini kamaytirish bo'yicha tavsiyalar berilgan. Seysmik cho'kish bo'lmaganda poydevorning seysmik barqarorligini ta'minlash uchun yechimlar keltirilgan.

This article gives recommendations for reducing the seismic subsidence deformation of structures. Solutions for ensuring the seismic stability of the foundation in the absence of seismic subsidence are presented.

Ключевые слова: сейсмопросадочность, прочность, устойчивость, сейсмические силы, грунты, нагрузки, основания, трения грунта, порог сейсмопросадочности.

В Республике Узбекистан большая часть сложена лессовыми и другими структурно-неустойчивыми грунтами. Их специфика заключается в склонности просадке, разжижению, деформаций, искривления, неравномерного оседания и т.п. которые могут привести разрушению сооружение.

При проектировании сооружений в сейсмических районах на рыхлых водонасыщенных грунтах необходимо осуществлять проверку соотношения значений порога сеймопросадочности a_{lim} и ожидаемой интенсивности землетрясения a_c . Если в результате такой проверки будет выявлено, что значение порога сеймопросадочности окажется большей сейсмического ускорения, как было отмечено выше, то грунты в основании сооружения обладают достаточной прочностью и устойчивостью, а сеймопросадочная деформация отсутствует. В таких случаях имеющиеся деформации в зданиях будут иметь место в результате плохого качества строительства.

Однако в ряде случаев мы можем столкнуться с обратным отношением величин, т.е. $a_{lim} < a_c$. При таких условиях приходится прибегать к использованию тех или иных мероприятий, направленных на повышение прочности грунта в пределах оснований сооружений.

Как известно, величина максимального сейсмического ускорения a_c предопределяется природными условиями. Все элементы динамического режима (амплитуда A , частота f , период T и т.п.) в этих условиях оказываются вне сферы воздействия на них человека. В совершенно ином аспекте решается вопрос установления порога сеймопросадочности грунта a_{lim} .

В соответствии свыше изложенными экспериментальными исследованиями сейсмическая устойчивость грунтов основании сооружений может быть повышена:

- увеличением прочностных показателей грунтов (φ и c_w)
- уменьшением толщины подвергаемой сотрясению активной зоны (сжимаемой толщ).

В свете этого положения соответствующим «регулированием» величины порога сеймопросадочности a_{lim} , можно существенным образом снижать значения расчетного ускорения, тем самым снижать (или свести к нулю) значения модуля сеймопросадки. В данном случае путем сопоставления различных вариантов мероприятий, приводящих к повышению порога сеймопросадочности, можно выбрать наиболее оптимальное решение, способствующее увеличения величины a_{lim} .

Выбор того или другого более эффективного варианта, направленного на повышение значения a_{lim} , должен производиться применительно к каждому частному случаю с учетом грунтовых условий и влияющих на них факторов путем сопоставления и выявления наиболее подходящих мероприятий. Виды и формы строительных мероприятий, используемых в настоящее время и которые могли бы быть подходящими для повышения значения порога сеймопросадочности, весьма многообразны.

Напомним, что повышение прочностных характеристик грунта ведет к увеличению значения порога сеймопросадочности a_{lim} и тем самым к увеличению сеймоустойчивости оснований и снижению расчетной балльности строительной площадки. Отсюда становится ясной значимость мероприятий, направленных на повышение параметров прочности грунта, что подтверждается строительной практикой. Здания и сооружения, возведенные в сейсмических районах без соблюдения прочности грунтов основания, претерпевали деформации в виде наклона, искривления, неравномерного оседания и даже полное разрушение при первых же сейсмических толчках.

В связи с этим критерий порога сеймопросадочности a_{lim} ставит требование, согласно которому любые грунтовые условия и оснований сооружений должны быть устойчивыми в отношении ожидаемой сейсмической силы. Эти требования могут быть обеспечены на практике различными строительными мероприятиями, направленными на повышение прочностных характеристик грунтов основания.

Существующие мероприятия могут подразделяться на ниже следующие группы:

а) мероприятия, осуществляемые с помощью уплотнения грунтов механическими приспособлениями (поверхностные уплотнения с помощью катков или трамбовок, глубинные уплотнения короткими сваями, гидровибрацией, электрическим, термическим и другими способами);

б) мероприятия, направленные на уменьшение пористости грунта путем введения в поры различных химических растворов (цементация, силикатизация, смолизация и т.п.)

Следует подчеркнуть, что применение каждого из выше указанных мероприятий, в ряде случаев, частично или полностью, может оказаться малоэффективным, тем более без учета сеймопросадочной деформации грунта при сейсмических условиях. Вместе с тем стоимость любого инженерного мероприятия относительно грунта очень высока.

Необходимость значительных затрат времени для закрепления и уплотнения грунтов, неприемлемость во всех условиях, недостаточная отработанность технологии и необходимость специального оборудования практически полностью исключают возможность использования этих мероприятий при массовом строительстве зданий относительно небольших размеров.

Очевидно, что в результате сеймопросадки больших масс грунта под воздействием сотрясений не может быть обеспечена сейсмостойкость сооружений, возводимых на свайных фундаментах, даже с понижением на них нагрузки.

Согласно определению порога сеймопросадочности a_{lim} толщина лессовых увлажненных грунтов приводит к снижению его значения. С этих позиций одним из условий повышения сейсмостойкости строительной площадки является сокращение толщины слабых грунтов. Наиболее эффективным в этом отношении мероприятием является проектирование заглубленных сооружений или применение свайных фундаментов.

Глубокие фундаменты с обоснованием сооружений на более прочных породах используются в строительной практике очень часто. Сущность этого мероприятия принципиально очень проста, вместе с тем оно применимо для любых сооружений и в том числе для гражданских сооружений, мостовых опор, зданий гидросооружений и т.п.

Указанные соображения подтверждают наметившуюся в строительной практике тенденцию использования в качестве противопросадочных мероприятий более простых методов, пригодных в более широком масштабе и не требующих какого-либо специального дорого стоящего оборудования. В частности, возможно уменьшение предстоящей сеймопросадки зданий путем более глубокого заложения их фундаментов, по принципу «висячих фундаментов», т.е. без прорезки ими всей лессовой толщи.

В тоже время заглубление фундаментов сооружений, т.е. заложение их подошвы на некоторую глубину от поверхности толщи, окажется наиболее простым и эффективным мероприятием по уменьшению ожидаемой сеймопросадочной деформации в результате колебательного движения основания.

Учитывая это обстоятельство в 2007 году нами предложен метод заглубления подошвы фундамента в качестве антисеймопросадочного мероприятия, который показал достаточно хороший эффект при использовании его в строительном производстве (см. акт внедрения).

В соответствии с предложенным методом глубина заложения фундамента любого сооружения (Н), возведенного на связных (лессовых) грунтах, при которой обеспечивается сейсмоустойчивость основания в условиях отсутствия сейсмопросадки определяется по формуле:

$$H_0^c = \frac{p_0(1+k_e e^{i\omega t})}{\gamma g^4 (45^\circ - \frac{\varphi}{2})} + \frac{c}{\gamma g \varphi} \quad (1)$$

Для сыпучих грунтов при отсутствии динамического воздействия, т.е. при работе несвязного грунта при статических условиях приобретает вид:

$$H_0 = \frac{P_0}{\gamma g^4 (45^\circ - \frac{\varphi}{2})} \quad (2)$$

В выражениях (1) и (2): p_0 -нормальное напряжения в грунте от веса сооружения; γ – плотность грунта; k_e - коэффициент сейсмичности;

ω - круговая частота; t – время; φ - угол внутреннего трения грунта; c -сцепления грунта.

Выражение $p_x = 0,2 p_{np}$ обладает одним весьма примечательным свойством. Как следует из его рассмотрения, величина h находится в прямопропорциональной зависимости от p_0 . В соответствии с формулой (1), такая зависимость существует и между σ_z и p_0 .

Рассмотрим практическое использование данного метода в примерах.

Исходные данные: равномерно распределенная нагрузка, передаваемая на грунт в статических условиях $p_0=32$ т/м² с учетом инерционной силы сейсмического воздействия $p_0^c = p_0(1+e^{i\omega t}) = 45$ т/м²; плотность грунта природной влажности $\gamma_w=1,5$ т/м³; угол внутреннего трения грунта -22° ; сцепления грунта - $3,0$ т/м². Требуется определить глубину заложения фундамента в условиях обеспечения сейсмической устойчивости основания.

Решение. Подставив значения факторов в формулу (1) получим:

$H_0^c=13,5$ м. эта же величина без учета сеймики согласно формуле (1) равняется: $H_0=9,4$ м. Таким образом, для обеспечения сейсмической устойчивости оснований в условиях заданных величин глубину заложения фундамента требуется увеличить на $4,1$ м.

Литература.

1. Расулов Р.Х. Глубина заложения фундаментов сооружений в сейсмических районах. Ташкент Изд-во “Tafakkur tomchilari” 2020.
2. Расулов Х.З. Сейсмостойкость грунтовых оснований. – Ташкент: Изд-во «Узбекистан»,1984.-192с.
3. Адилов А.А., Рахматуллаев Х.Л. Изменение инженерно-геологических условий г. Ташкента и перспективы дальнейшего градостроительства. // Тезисы Республиканской научно-технической конференции. -Ташкент: ГП «НИИМР», 2012. -С.105-108.
4. Садиков А.Х. Экспериментальные исследования факторов, влияющих на критическое ускорение лессовых грунтов склона. // Ж. Проблемы архитектуры и строительства. – Самарканд: СамГАСИ, 2010. -№1. –С.10-14.
5. Научный грант ОТ-Ф4-75 «Разработка метода оценки несущей способности лессовых оснований сооружений с учетом изменения прочностных свойств грунтов при сильных землетрясениях» 2017-2020г.

ҚОБИҚНИ САМАРАЛИ УСУЛДА МОНТАЖ ҚИЛИШ ВА ТАЯНЧЛАРДАН ҲОЛИ ҚИЛИШДА ФИЗИК МОДЕЛЛАШТИРИШ ТАДҚИҚОТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА ТАВСИЯЛАРИ


С. Р. Раззоқов т.ф.д., профессор,
Д. Х. Равшанов., Ш. М. Абдуллаев магистрантлар
Самарқанд давлат архитектура қурилиш университети

Аннотация: Ушбу мақолада йиғма қобикларни самарали усулда монтаж қилиш ва ускуналардан ҳоли қилиш усулини аниқлаш учун физик моделлаштириш усулидан фойдаланилди. Монтаж, ускуналардан ҳоли қилиш эксплуатация жараёнига ўтиш босқичида қобикнинг статик иши қобикнинг икки хил оралиғи 4,8 ва 12 м геометрик шаклларида амалга оширилган.

Калит сўзлар: қобик, монтаж усули, физик моделлаштириш, экспериментал тадқиқот.

Йиғма қобикларни самарали усулда монтаж қилиш ва ускуналардан ҳоли қилиш усулини аниқлаш учун физик моделлаштириш усулидан фойдаланилди. Тортқичлардаги зўриқишларни олиб ташлаш монтаж устунлари туширилган ва кўтарилган ҳолатда амалга оширилган. Уларни олиб ташлаш кетма-кетлигининг фазовий ёпмага таъсири ўрганилди. Монтаж, ускуналардан ҳоли қилиш эксплуатация жараёнига ўтиш босқичида қобикнинг статик иши қобикнинг икки хил оралиғи 4,8 ва 12 м геометрик шаклларида амалга оширилган. Бунинг учун экспериментал тадқиқотларнинг икки босқичи амалга оширилган.

Экспериментал тадқиқотларнинг биринчи босқичида қобиклар ўзаро бириктирилмаган. 1.7 кН/м^2 тенг тақсимланган қобик хусусий оғирлиги таъсирида чизикли иш соҳасида ёпманинг кучланиш-деформацияланиш ҳолати аниқланган. Бундан сўнг ускуналардан ҳоли қилишнинг иккита асосий усули тадқиқ қилинган. Биринчи усулда аввал монтаж устунлари ва тўсинлари туширилган, сўнгра монтаж тортқичларидаги кучлари олиб ташланган, иккинчи усулда эса - аввал монтаж тортқичларидаги зўриқиш кучлари олинган, сўнгра монтаж устунлари ва тўсинлар туширилган. Монтаж ускуналаридан ҳоли қилиш вариантлари бир неча маротаба такрорланган. Йиғма қобикларда монтаж ускуналарини жойлаштиришнинг конструктив ва монтаж схемалари келтирилган.



1-расм. Қобикларда ускуналари жойлаштиришнинг конструктив ва монтаж схемаси: 1-16-монтаж блоклари (рақамлар ечиш кетма-кетлигига мос); 17,18 - монтаж тўсинлари ва устунлари.







Бунда тадқиқотнинг ҳар бир босқичида кучланиш-деформацияланиш ҳолат таҳлил қилинган. Иккинчи вариантда монтаж ускуналардан ҳоли қилиш қуйидаги тартибда амалга оширилган: (1-расм.).






Қобикни синашга бағишланган тадқиқотнинг биринчи босқичи яқунлангандан сўнг қобикнинг барча элементлари ва монтаж ускуналарида бирламчи ҳолатини тиклаш бўйича қатор ишлар амалга оширилган. Қобикнинг ва монтаж ускуналарининг дастлабки иш ҳолати тикланган.

Қобикни монтаж тиргаклари ва вақтинчалик тортқилардан ҳоли қилишда, вақтинчалик боғланишлар ва таянчларни олиб ташлаш натижасида ёпманинг кучланиш-деформацияланиш ҳолати ўзгаради. Бу ҳолатда қобикдаги вақтинчалик боғланишлар, уларнинг жойлашуви ва улардаги кучланишларга боғлиқ бўлган зўриқиш кучлар вужудга келади. Монтаж юки таъсири остида эластик тизимда вақтинчалик таянчлар олиб ташлангандан сўнг таянчларни олиб ташлашга қадар вужудга келган кучланишлар сақланиб қолади. Уларга тизимда таянчлар ва боғланишлар олиб ташлангандан кейинги вужудга келган кучланишлар қўшилади. Вақтинчалик боғланишларни олиб ташлаш натижаларини қарама-қарши томонга йўналтирилган, олиб ташланган таянчларнинг таъсирига тенг бўлган реакция кучлари каби ифодалаш мумкин. 2-расмда келтирилган, оралиғи 72 м бўлган қобик ва уларнинг 3x18 м ўлчамдаги йириклаштирилган элементлари тенг тақсимланган монтаж юки горизонтал ҳолатда бўлиши ва кўндаланг йўналишдаги конструкция нишаблигининг турли бурчакларига тушиши мумкин. Реал ҳолатда конструкциялар кўп ҳолларда қия ҳолатда бўлиши мумкин.

Йириклаштирилган элементлардан йиғилган темирбетон қобикнинг монтаж ва ускуналардан ҳоли қилиш турли вариантлардаги кучланиш-деформацияланиш ҳолатини ўрганиш мақсадида экспериментал тадқиқотлар йиғма модел ва натуравий қобикларда амалга оширилган.

Bugungi kunda O'zbekistonda avtomobil yo'l qurilishi va yo'llarga bo'lgan talab juda yuqori. Avtomobil yo'llari qo'mitasi faoliyatining 2022 yildagi asosiy yo'nalishlari. Avtomobil yo'llari qo'mitasi tomonidan 2022 yil davomida yo'l qurilishi ishlar olib borildi: avtomobil yo'llarini moliyalashtirish, loyihalashtirish, qurish, ta'mirlash va ulardan foydalanish masalalari kompleks hal etilishini tashkil etish hamda buyurtmachi xizmatining samarali faoliyatini tashkil etish; avtomobil yo'llarini qurish, rekonstruksiya qilish, ta'mirlash va saqlash sifati ustidan nazoratni amalga oshirish; ilmiy-tadqiqot ishlarini tashkil etish, umumiy foydalanishdagi avtomobil yo'llarini loyihalashtirish, qurish, rekonstruksiya qilish, ta'mirlash va saqlash sohasida innovatsion texnologiyalar va zamonaviy standartlarni joriy etish. Tasdiqlangan dasturlar va topshiriqlar ijrosini ta'minlash bo'yicha 2022 yil yakuni bilan 7 trln 546 mlrd so'm mablag' o'zlashtirildi hamda 23 040,7 km avtomobil yo'llari rekonstruksiya qilindi va ta'mirlandi. Jumladan: 1. Infratuzilmani rivojlantirish dasturi doirasida 2 trln 572,7 mlrd so'm miqdorida ishlar bajarilib, 828,5 km avtomobil yo'llari foydalanishga topshirildi. 2. Kapital ta'mirlash dasturi doirasida 360,1 mlrd so'm mablag' o'zlashtirilib, 105,9 km avtomobil yo'llari foydalanishga topshirildi. 3. Ichki yo'llarni ta'mirlash bo'yicha 1 trln 932,3 mlrd so'm miqdorida ishlar bajarilib, 17 513,3 km ichki yo'llar ta'mirlandi. Shundan, "Obod qishloq" va "Obod mahalla" dasturlari doirasida 4 708,9 km ichki yo'llar 1 700,0 mlrd so'm miqdoridagi mablag'lar hisobiga to'liq ta'mirlandi. 4. Ta'mirtalab 186 dona (shundan 53 donasi ichki yo'llarda, 133 donasi umumiy foydalanishdagi avtomobil yo'llarida) ko'priklar rekonstruksiya qilindi va ta'mirlandi. 5. Avtomobil yo'llarini texnik soz holatda saqlash maqsadida umumiy foydalanishdagi avtomobil yo'llarini joriy ta'mirlash va saqlash bo'yicha 2 trln 680,9 mlrd so'm ishlar bajarilib, 4 593 km avtomobil yo'llari joriy ta'mirlandi. Respublikamizda O'zbekistonda 1 km yo'lni qurishning eng qimmat narxi 950 ming dollarni tashkil etishi ma'lum qilingan bo'lib. Bugungi kunda ushbu qiymatni kamaytirish bo'yicha yo'l bo'laklarini ishlab chiqarish bilan yechim bo'la oladi deb xisoblaymiz. Bugungi kunda 3 xil usulda yo'llarni sidirg'a chiziqlar kraskalar va plastik kompazit materiallarni sovuq –issiq usullarida qoplashdan foydalanilmoqda.



Разметка краской



Разметка холодным пластиком



Разметка термопластиком

Biz bu ishlarni sarf-xarajatlari va sifatini oshirish uchun. Bu o'z navbatida materiallarning sarfi yuqori bo'lishi, ishchi kuchining balandligi, vaqt va harakat xavfsizligiga katta salbiy ta'sir qiladi. Ilmiy tadqiqot natijalari asosida tavsiya qilayotgan silikat marmar birmuncha afzalliklarga ega bo'lib, tan narxi 10-15 barobarga, ishchi kuchi bir marotaba, ekspluatatsion muddati barqarorligi (5-8 yil) bilan ko'p afzalliklarga egadir. Shu kungacha qo'llanilib kelinayotgan materiallar Respublikamizga import material hisoblanadi, tan narxi, harid masalalari, yetkazib kelishlarda ham muammolar mavjud. Tavsiya qilinayotgan silikat marmar materiallar maxalliy xom ashyo va ishlab chiqarish sanoat chiqindilaridan rotsional foydalangan holda amalga oshiriladi. Natijada bugingi kunda qo'llanilayotgan kraska (Nitro emal) respublikamizga import materiali hisoblangani hamda silikat marmar tosh xomoshiyosidan tayorlangan bo'laklar ishlab chiqarilmaydi. Ushbu material import o'rnini bosuvchi materiallar va texnologiyalar maxalliylashtirish ko'zda tutilgan. Masalan qiyosiy tahlillar bo'yicha kengligi 0,1 m bo'lgan sidirg'a chiziq bilan 1 km markalash narxini 5 yil uchun 80 barobar (40671791 so'm) iqtisodiy samaradorlikka erishilishini ko'rishimiz mumkin.

Adabiyotlar.

1. Askarov, X. (2023). SILIKAT MATERIALLARDAN TAYORLANGAN G 'ISHTLARDAN BINO INSHOOTLARINI QURISH TAHLILI. *GOLDEN BRAIN*, 1(8), 162-164.
2. LEGO G 'ISHT ISHLAB CHIQRISH TEXNOLOGIYASINI TADQIQ QILISH X Askarov, B Mirzayev - *GOLDEN BRAIN*, 2023
3. <https://www.gazeta.uz/oz/2021/04/06/road/>

G'ISHT TERIMI MUSTAHKAMLIGIGA QURUQ-ISSIQ IQLIM HAMDA CHOKLAR SONINING TA'SIRINI EKSPERIMENTAL VA NAZARIY TADQIQ QILISH

Sanayeva Nargiza Payzullayevna
(PhD) katta o'qituvchi
Davronova Zarina
3-kurs talabasi

Samarqand davlat arxitektura – qurilish universiteti

Jahonda ekologik jihatdan samarali bo'lgan tabiiy ashyolardan tayyorlangan materiallardan barpo etiladigan turarjoy binolariga ehtiyoj kundan-kun oshib bormoqda. Shu sababli bunday binolarni tashqi yuklar va harorat ta'siriga tadqiq etish masalalariga alohida ahamiyat berilmoqda. Hozirgi kunda iqlimning o'zgarishi natijasida dunyoning barcha davlatlarida havo haroratining oshishi kuzatilmoqda. Eng yuqori o'rtacha yillik issiq harorat Yer sharining janubiy kengligida joylashgan davlatlar – Afrika, Janubiy Amerika va O'rta Osiyo davlatlarida aniqlangan. Bu borada g'ishtdan barpo etiladigan binolar konstruksiyalari kuchlanish-deformatsiyalanish holatlariga yuqori haroratning ta'sirini tadqiq etish va bu tadqiqotlar natijalari asosida konstruktiv jihatdan mustahkam turarjoy binolarini loyihalashga alohida e'tibor berilmoqda.

Jahonda qurilish amaliyotida turarjoy binolarini barpo etishda asosan pishiq g'ishtdan ko'p foydalanishga qaratilgan ilmiy tadqiqotlar olib borilmoqda. Ushbu yo'nalishda, jumladan zilzilaviy hududlarda bikr konstruktiv sxema bo'yicha pishiq g'ishtdan tiklanadigan binolarning balandliklari va qavatlar soni hudud seysmikligiga bog'liq ravishda chegaralanganligi bo'yicha tadqiqotlar ustuvor hisoblanmoqda [1]. Shuning uchun pishiq g'ishtdan tiklanadigan ko'p qavatli turarjoy binolarini tashqi yuklar atrof muhit ta'sirini birgalikda hisobga olib ularning umrboqiyligi, mustahkamligi va ishonchliligini ta'minlash muammosi dolzarb vazifalardan hisoblanmoqda.

O'zbekiston hududi iqlimi o'zgaruvchan keskin kontinental hisoblanadi. Mintaqadagi kunduzgi va tungi, yozgi va qishki havo harorati bir-biridan keskin farq qiladi. Yillik havo haroratlari farqi sezilarli darajada yuqori bo'ladi. Yanvar oyida o'rtacha havo harorati -6°C ni tashkil etsa, iyul oyida o'rtacha havo harorati $+32^{\circ}\text{C}$ ni tashkil qiladi [2].

O'zgaruvchan havo harorati va namligining hamda Quyosh nurining to'g'ridan-to'g'ri g'isht terimiga davriy ta'siri natijasida g'isht terimida bo'ylama va ko'ndalang deformatsiyalar hosil bo'ladi. Quyosh nuri bevosita ta'sir qiladigan g'isht terimi tomonidan hosil bo'ladigan deformatsiyalar Quyosh nuri bevosita ta'sir qilmaydigan tomondagi deformatsiyalardan farq qiladi.

O'zgaruvchan havo haroratining yuqoriligi va namligining pasayishi g'isht terish uchun ishlatilgan qorishmaning mustahkamligiga ham ta'sir ko'rsatadi. Bu omillar ta'siridan qorishma mustahkamligi kamayadi. Bunga sabab qorishma tarkibidagi namlikning qisqa muddatda parlanib ketishi hisoblanadi.

Deyarli iqlimi issiq bo'lgan barcha zonalarda havoning nisbiy namligi bir xil bo'lmaydi. Shuning uchun ham issiq iqlimni quruq va nam iqlimga ajratish maqsadga muvofiq hisoblanadi. Quruq-issiq iqlimga yozning maksimal haroratida nisbiy namlik 40% dan kam bo'lgan hududlar kiradi. Nam issiq iqlimga esa havoning yozdagi maksimal haroratida nisbiy namlik 40% dan yuqori bo'lgan hududlar kiradi [3].

G'isht terimining mustahkamligiga quruq issiq iqlimning ta'sirini Samarqand davlat arxitektura-qurilish instituti (universiteti)ning "Qurilish konstruksiyalari" kafedrasida N.P. Sanayeva tomonidan tadqiqotlar olib borilgan. Tadqiqotda ko'ndalang kesimi o'lchamlari 380x510 mm, balandligi esa 1140 mm bo'lgan to'rt seriyadan iborat sinov namunalari tayyorlanib buzish darajasigacha sinalgan (1- rasm).



G'isht terimi namunalari. G'T-1- laboratoriya sharoitida; G'T-2 - tashqi muhit sharoitida quyoshdan himoyalangan; G'T-3 - tashqi muhit sharoitida quyosh ostida; G'T-4 - terish jarayonida g'isht namlanmagan va choklar to'ldirilmagan holatda saqlangan. Sinov namunalari M100 markali pishiq g'ishtdan va ohak, sement va qum aralashmasidan tayyorlangan M25 markali qorishmaga terilgan. G'isht va qorishma markalari Davlat standarti talablari bo'yicha aniqlandi [4,5]. Tadqiqot yoz mavsumining eng issiq 2021 yilning iyun, iyul, avgust oylarida olib borilgan. O'lchov asboblardan (indikatorlar va maxsus gigrotermometr) sanoqlar har kuni uch marta soat 6:00, 15:00 va 20:00 larda olindi [6]. G'isht terimi mustahkamligiga quruq-issiq iqlimning ta'siri natijalari [7] keltirilgan.

G'ish terimiga nafaqat issiq havo harorati salbiy ta'siri bo'lishi mumkin choklar soni ham salbiy ta'sir ko'rsatishi mumkin. Qalinligi 88 mm bo'lgan g'isht terimida gorizontall choklar soni 11 ni, qalinligi 65 mm bo'lgan g'isht terimda esa 16 ni tashkil qiladi. Vertikal choklar soni ham qalinligi 65 mm bo'lgan g'isht terimida qalinligi 88 mm bo'lgan g'isht terimiga nisbatan ko'p. Choklar g'isht terimi tanasida nuqson hisoblanadi. Nuqsonlarning soni qancha ko'p bo'lsa mustahkamlik shuncha kamayadi $88/65=1,35$ yoki choklar soniga qaraydigan bo'lsak $16/11=1,45$ taqriban o'rtacha 40% ni tashkil qiladi. Eksperimental tadqiqotda tajribaviy namunalarda uchun qalinligi 88 mmli g'ishtlar ishlatilgan shuning uchun ham mustahkamlik 40% ko'p bo'lgan.

Bu masalani eksperimental tajribalar asosida keyingi maqolamizda keltiramiz.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. QMQ 2.01.03-19. "Zilzilaviy hududlarda qurilish". –Toshkent
2. Sanayeva N.P., Hamroqulov U.D., Madatov I. Haroratning g'isht terimiga ta'sirini laboratoriya va real sharoitlarda o'rganishga doir. "Ta'lim, fan va ishlab chiqarish integratsiyasi asosida ilm-fan va innovatsion yutuqlarni takomillashtirish istiqbollari" mavzusidagi yosh olimlarning XVII respublika ilmiy-amaliy online konferensiyasi materiallari, 9 iyun 2021 yil, SamDAQI, 19-21 b.
3. Камбаров Х.У. Железобетонные конструкции в условиях жаркого климата: дис. ... канд. тех. наук: Ташкент. – 1998. – 5-6 с
4. ГОСТ 32047-2012. Кладка каменная. Методика испытания на сжатие. Москва. 2014.
5. ГОСТ 5802-86. Растворы строительные. Методы испытаний. 1985.
6. Sanayeva N.P. O'zgaruvchan harorat va namlikning g'isht terimiga ta'sirini kuzatish jarayonlari. "Arxitektura va shaharsozlik: o'tmish, bugun, kelajak" mavzusidagi respublika ilmiy va ilmiy-amaliy anjuman ma'ruzalar to'plami Farg'ona 2021 yil. 410-413 betlar.
7. Sanayeva N.P., Gadayeva M.Sh. G'isht terimi mustahkamligiga atrof muhitning ta'siri. "Yangi O'zbekiston: ilm qaldirg'ochlari-2022" mavzusidagi Respublika ilmiy amaliy konferensiyasi materiallari, Jizzax, 14 may 2022 y.455-457 betlar.

POLISTIROLBLOK YORDAMIDA QOLIPSIZ USTUN VA RIGELLAR ISHLAB CHIQRISH

Dots.Raximov Sh.T., talaba Lapasova Sh.A.

(Toshkent arxitektura-qurilish universiteti)

Annotatsiya: Polistirol blokning asosiy fizik-mechanik xossalaridan foydalangan holda tez va oson hamda mehnat kunlarini qisqartirgan holda devor ko'tarish imkoniyati. Bunda mablag'dan, mehnatdan va kam chiqindi chiqishidan yutish imkoniyati yuqori. Bundan tashqari, dekorativ jihatdan ichki va tashqi suvoq ishlatmaslik, pardozi materiallarni ham ishlatish shartmas. Bitta blok yordamida ham konstruktiv jihatdan ham ekologik jihatdan va hattoki, energiya samaradorlik jihatdan ancha foyda olish imkoniga ega bo'lamiz.

Kalit so'zlar: Polistirol, blok, qolip, konstruktiv, qurilish materiali, energiya samarador.

Ma'lumki yurtimizda polistirolbloklardan keng ko'lamda foydalanish imkoniyati kundan kunga oshib bormoqda. Polistirol beton yengil g'ovak betonning bir turi bo'lib, u o'sha g'ovak strukturasi hisobiga issiqlik izolyatsion materialdir. Polistirol tarkibiga o'zimiz bilgan o'sha portlandsement, polistirol donachalari, suv va plastiklovchi va havo o'tkazuvchi qo'shimchalar qo'shiladi [2].

Tarkibi va texnologiyasi kundan kunga rivojlanib borayotgan bu mahsulotni bir qator afzalliklari ham bor:

- Issiqlik izolyatsiya mavjud, qo'shimcha izolyatsiyaga muhtoj emas;

- Gidrofoblik qobiliyati, namni shimmaydi, namni o'tkazmaydi;
- Chirishga qarshi uzoq muddatlik himoya;
- Akustik jihatdan izolyatsion.

Bundan tashqari bu material yonmaydi, ekologik toza, sovuqqa chidamli va hozirgi kunda uning mexanik xossalari ham yaxshilanib bir necha barobar kuchli MPa ga chidamli bo'lgan imkoniyatlari yaratilmoqda.

Polistirolblokning 30 sm li yuzasi tejaydigan issiqlik o'tkazuvchanlik energiyasi 1,8 metr li g'isht devor qalinligiga teng deb baholanadi.

Bundan tashqari polistirolblokning boshqa bir qancha qulayliklarini ham ko'rib o'tamiz:


- ❖ Blokning yengilligi;
- ❖ Devor qurishda mehnat unumdorligi;
- ❖ Oson kesilishi va istalgan shaklni berishi;
- ❖ Yashirin kanallarni o'tkazish mumkin, yoki joy qoldirib ketish imkoni;
- ❖ Ekologik toza, xavfsiz, o'zidan kimyoviy modda ajratmaydi;
- ❖ Past issiqlik o'tkazish qobiliyati bilan issiqlik xarajatlarini kamaytiradi;
- ❖ Bug' izolyatsiyasi uchun mukammal darajada gidroizolyatsiya mahsuloti [1]
- ❖ Xizmat qilish muddati 150 – yil.



1-rasm. Qolip hosil qilish.

Polistirolblokning shunday xossalardan foydalangan holda biz TAQU domlari ko'magi bilan va ilmiy raxbarim nazorati ostida polistirolbloklaridan yuqori energiya samarador qurilish konstruksiyasini, ya'ni qolipsiz kolonna va rigellarni qurish imkoniyatini sinab ko'rmoqdamiz.

Buning uchun bizga eng avvalo polistirol blok tarkibi kerak bo'ldi, biz uni o'rganib chiqdik va qoliplar yordamida konstruksiya ko'targanda qancha harajat ketadi-yu, qolipsiz holda qancha harajat ketadi. Bunda vaqtning tejalishi, o'sha ortiqcha vaqt hisobiga ham devarning 15% qismini ko'tarish imkoniyati yaratilishini isbotlash umididamiz.



2-rasm. Qolip va konstruksiya namunasi.

Bundan tashqari biz yaratayotgan binoning yana bir qulayligi shundaki, unga suvoq ishlov berish shart bo'lmaydi. Konstruksiyaning tashqi va ichki qismiga maxsus dekorativ ishlov berilgan bo'lib u suvoq qilish shart bo'lmagan imkoniyatni beradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. <https://www.sts54.ru/news/polistirobeton-karakteristiki/>
2. <https://stroybeton76.ru/poleznaya-informatsiya/penobeton/polistirobeton-kratkie-karakteristiki-i-svoystva/>

УДК 624.012.45

ПЎЛАТ-ТЕМИРБЕТОН ТЎСИННИ, БЕТОНДА ЁРИҚЛАР ПАЙДО БЎЛИШ ҲОЛАТИ БЎЙИЧА ҲИСОБЛАШ

Қосимов Турабой т.ф.н., доцент, СамДАҚУ
t.kosimov@samdaq.edu.uz +998 99 759-28-56

Раззоков Нуъмонхон Сайидмахсудович мустақил тадқиқотчи, СамДАҚУ
n.razzoqov@samdaq.edu.uz +998 97 919-52-81

Мадатов Иброхим Абдиррафиевич мустақил тадқиқотчи, СамДАҚУ
i.madatov@samdaq.edu.uz +998 97 725-23-37

Аннотация. В настоящей статье, приведено методика расчету сталежелезобетонных балок по образованию трещин, нормальных в продольной оси изгибаемого элемента. При этом учитываются совместные работа сталежелезобетонных плит перекрытий с профилированным настилом, комбинированных балок полностью обетонированных прямоугольного и таврового сечения.

Ключевые слова. Сталежелезобетон, трещина нормальных к продольной оси изгибаемого элемента, ширина раскрытия трещин, модуль упругости, коэффициент армирования, приведенный диаметр, момент инерции, центр тяжести, коэффициент ползучести.

Аннотация. Мақолада пўлат–темирбетон конструкцияларини ўқга нисбатан нормал кесим бўйича бўйлама ёриқбардошиққа ҳисоблаш усули келтирилган. Бу ҳисоб бўйича пўлат–темирбетон конструкциялари темирбетон плитаси, профилланган пўлат тўшама ҳамда бикр тўсинларнинг биргалиқда доимий давом этувчи кучлар таъсирида бирга ишлаши инобвтга олинган.

Калит сўзлар. Пўлат–темирбетон, нормал ўқ бўйича эгилишдан ҳосил бўладиган ёриқ, ёриқнинг очилиш кенглиги, эластиклик модули, арматуралаш коэффициенти, келтирилган диаметр, инерция моменти, оғирлик маркази, сирпанувчанлик коэффициенти

Асосий қисм

Пўлат темирбетон тўсинларни бўйлама ўққа нисбатан нормал кесим бўйича ёриқбардошлиликка ҳисоблаш қуйида келтирилган шарт асосида амалга оширилади.

$$M > M_{crc} \quad (1)$$

бу ерда M – тўсин кўндаланг кесим оғирлик марказидан ўтувчи бўйлама ўқига нормал текисликда ташқи юк таъсиридан ҳосил бўлувчи эгувчи момент, M_{crc} –нормал кесим бўйича ёриқ пайдо бўлишини инобатга олган ҳолатдаги эгувчи момент бўлиб, [6] нинг 8.2 бандига асосан аниқланади.

Агар (1) бўйича қўйилган шарт бажарилган ҳолатда тўсинда ёриқлар пайдо бўлиши бўйича конструктив ҳисоб амалга оширилиши шарт. Бу ҳисоб ёриқ пайдо бўлиши давомли ва давомсиз бўлган ҳолатларда ҳам бажарилади.

Пўлат–темирбетон тўсиннинг ёриқбардошлиги қуйидаги келтирилган шарт асосида амалга оширилади.

$$a_{crc} \leq a_{crc,ult} \quad (2)$$

бу ерда a_{crc} –ташқи юк таъсирида тўсинда очилган ёриқнинг эни, $a_{crc,ult}$ - очилган ёриқ энининг рухат этилган чегараси бўлиб [6] нинг 8.2.бандига асосан аниқланади.

Тўсин бўйлама ўқига нормал кесим бўйича ёриқлар очилишининг эни $a_{crc,ult}$ (мм), энг кўп чўзилишга ишлайдиган салқи арматура белгисида қийдаги формула орқали аниқланади.

$$a_{crc} = \varphi_1 \frac{\sigma_s}{E_s} 25(3,5 - 100\mu_1) \sqrt[3]{d_{red}} \quad (3)$$

бу ерда φ_1 –тўсинга тушувчи юкнинг давомийлигини ҳисобга олувчи коэффициент бўлиб, [6] нинг 4.5 бандига асосан қабул қилинади.

σ_s –тўсин кўндаланг кесими бўйича чўзилишгача ишлайдиган арматурада ҳосил бўладиган кучланиш;

E_s –арматура пўлатининг эластиклик модули;

μ_1 –тўсинни арматура билан жиҳозлаш коэффициенти. $\mu_1 < 0,02$.

d_{red} , мм–[6]нинг 4.6 бандига асосан, тўсиннинг чўзилишга ишлайдиган қисмида жойлашган бикр ва салқи арматураларнинг келтирилган диаметри.


Давомли юк таъсирини ҳисобга олувчи коэффициент φ_1 –қуйидагича қабул қилинади:

–тўсинни вақтинчалик ва доимий юк таъсирига ҳисоблашда $\varphi_1 = 1,5$

–тўлиқ юк таъсирига ҳисоблашда

$$\varphi_1 = 1 + 5 \frac{M_{11}}{M_1} \quad (4)$$

бу ерда M_{11} ва M_1 –мос равишда, тўсинга тушувчи тўлиқ юк бўйича доимий ва давомли юк таъсиридан ҳосил бўлувчи эгувчи моментлар, тўсин ҳисобий схемаси бўйича аниқланади.



1-расм. Тўсин кўндаланг кесими схемасининг умумий кўриниши

Тўсин кўндаланг кесими бўйича четки томонида жойлашган, чўзилишга ишлайдиган арматурадаги нормал кучланишни куйидагича аниқлаймиз.

$$\sigma_s = \frac{M \cdot \varphi_c}{I_{red}} a_{s1} \quad (5)$$

бу ерда φ_c —тўсин келтирилган кўндаланг кесими оғирлик марказидан, чўзилишга ишлайдиган арматуралар оғирлик марказигача бўлган масофа;

I_{red} —тўсин келтирилган кўндаланг кеимининг оғирлик марказига нисбатан инерция моменти.

Темирбетон конструкцияларини ҳисоблашда қўлланиладиган эластик элементлар қаршилигига оид умумий қоидага куйидаги формула бўйича аниқланади.

$$I_{red} = I_b + I_{st} \cdot a_{s1} + I_s \cdot a_{s1} + I'_s \cdot a_{s1} \quad (6)$$

бу ерда I_b , I_{st} , I_s , I'_s —мос равишда бетоннинг сиқилишга ишлайдиган қисми, бикр аматура, чўзилиш ва сиқилишга ишлайдиган салқи арматураларнинг, тўсин кўндаланг кесими бўйича бетоннинг чўзилишга ишлайдиган қисмидан ташқари келтирилган кесим юзасининг оғирлик марказига бўлган инерция моментлари.

Келтирилган кесим юза оғирлик маркази (нейтрал ўк)дан сиқилишга ишлайдиган кесим юзасининг юқори қиррасигача бўлган масофа (1-расмга қаранг) куйидагича аниқланади.

$$x = \frac{-\bar{F}_{red}}{b} + \sqrt{\left(\frac{\bar{F}_{red}}{b}\right)^2 + \frac{2\bar{S}_{red}}{b}} \quad (7)$$

бу x масофа тўсиннинг чўзилишга ишлайдиган кесимида ёриқлар пайдо бўлиши билан ўзгариб боришини инобатга олиш лозим.

бу ерда b —тўсиннинг кўндаланг кесимининг эни;

\bar{F}_{red} —бетоннинг сиқилишга ишлайдиган осилиб турадиган қисми кесим юзаси ва бикр ҳамда салқи арматуралар кесим юзасининг йиғиндиси;

\bar{S}_{red} —тўсин кесим юзасининг сиқилишга ишлайдиган қиррасига нисбатан статик моменти.

Бетонга келтирилган арматурани ўрнатиш коэффициентини куйидаги нисбат бўйича аниқлаш мумкин.

$$\alpha_{s1} = \frac{E_s}{E_{s1}} \quad (8)$$

Бетоннинг эластиклик модули куйидагича қабул қилинади:

–давом этмайдиган юк таъсири бўйича

$$E_{b1} = 0,85 \cdot E_b \quad (9)$$

–узоқ вақт давомида таъсир этадиган юк бўйича

$$E_{b1} = \frac{E_b}{1 + \varphi_{b,cr}} \quad (10)$$

бу ерда $\varphi_{b,cr}$ –бетоннинг юк таъсирида силжувчанлик хусусиятини эътиборга олувчи коэффициент бўлиб СП.63.13330.2012 да келтирилган 6.12 жадвал бўйича аниқланади.

Тўсиннинг чўзилишга ишлайдиган кесим юзасидаги бикр ва салқи арматураларнинг келтирилган диаметри куйидаги формула бўйича аниқланади.

$$d_{red} = \frac{4(A_s^{11} + A_s)}{P_s} \quad (11)$$

бу ерда P_s –салқи ва бикр арматуралар кесим юзасининг периметри (тўсин кесим юзасининг чўзилишга ишлайдиган қисми бўйича).

Хулоса

Профилланган пўлат тўшама устидан ётқизилган темирбетон плита, бикр ва салқи арматура билан жиҳозланган тўсиннинг биргаликда ишлашини инобатга олган ҳолда ёриқбардошлилиги бўйича амалдаги меъёрий қоидалардан ташқари қўлланилган адабиётларда келтирилган [2, 3, 5, 6, 7] манбалар асосида чегаравий ҳолатларга асосан ҳисоблаш шарт.

Пўлат–темирбетон конструкцияларни ёриқбардошликка ҳисоблашда бўйлама куч N юқорида келтирилган икки услубдан бирига асосан амалга оширилиши лозим:

–агар бўйлама куч N ва эғувчи момент M , турли юк ва таъсирлардан ҳосил бўлган ҳолатларда $N = \text{const}$; агар зўриқиш биргина юк ва таъсир манбаидан ҳосил бўлиб, зўриқиш

ошиб борган тақдирда $e_y = \frac{M_y}{N} = \text{const}$ ва $e_z = \frac{M_z}{N} = \text{const}$.

–пўлат–темирбетон конструкцияларни ночизикли деформацияланиш модели асосида ҳисоблашда $M_{y,cr}$ ва $M_{z,cr}$ ёриқ пайдо бўлиш ҳолати, шунингдек арматурада ҳосил бўладиган кучланиш ёриқ пайдо бўлиш ҳолатида σ_s ва $\sigma_{s,cr}$ [6, 10] асосида амалга оширилиши шарт.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Методические рекомендации по расчету и проектированию сталежелезобетонных перекрытий. Методические р-и. ЦНИИСК. Им. В.А. Кучеренко-иснтитут АО НИЦ “Ство”, ООО “ТЕХСОФТ”, М.: 2018. 62с.
2. СТО 57398459-035-2014. Плиты перекрытый зданий и с-й сталежелезобетонные с применением сталь-х проф-х листов. Р.: 2014. 124с.
3. СТО. АРСС 11254.001-018-4. Руководство по проектированию сталежелезобетонных конструкций. (в развитие СП266.1325800.2016. «Конструкции сталежелезобетонные. П. проектирования»). М.: 2018. 105с.
4. ТКП EN 1994-1-2:2009 (02250). Еврокод 4. Проектирование сталежелезобетонных конструкций. Часть 1-2. Общие правила определения огнестойкости, (EN 1994-1-2:2005, IDT). Минск 2010. 86с.
5. СП 266.1325800.2016 (8.1.3, 8.3.9, 8.4.3.2) Конструктивные требования по сталежелезобетонным конструкциям.

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA QURUQ-ISSIQ IQLIMID SHAROITIDA SEMENTOBETON QOPLAMALARINING SIFATINI TA`MINLASH

**Magistrant: Shariboyev Nurbek
Ilmiy raxbar: t.f.n., dotsent O.Berdiyev**

Quruq issiq iqlim sharoitida yangi yotqizilgan beton parvarishiga oid ko`plab ma'lumotlar va tavsiyalar mavjud va bir qarashda bu masalaga alohida e'tibor berish zarur emas. A.I.Hamidov, R.H.Sulaymonovlar tomonidan, bu mavzuga oid ko`plab adabiyot va maqolalar o`rganilib, hulosa qilinganki, O`zbekistonni quruq issiq iqlim sharoitida sementobeton qoplamalar qurishda, ularni parvarish etish texnologiyasi dolzarb masala bo`lib qolmoqda va uni takomillashtirish, real sharoitlarga moslash, shuningdek ijrochilar imkoniyatlarini, qabul qilingan texnologiyani iqtisodiy nazariya nuqtidan maqbulligini to`laroq hisobga olish talab etiladi.

Quruq-issiq iqlimli hududlarda kunduzlari soyadagi havo harorati 35-40 °C, ayrim hollarda 45 °C gacha ko`tarilib, havoning nisbiy namligi 15-20% ga kamayib ketadi. Bundan tashqari bu hududlar quyosh radiatsiyasining intensivligi, quruq shamollar esishi, harorat va namlikning sutka davomida keskin farqlanishi, yog`ingarchilikning kamligi bilan ham ajralib turadi.

Havoning yuqori harorati va intensiv quyosh radiatsiyasi shamol bilan qo`shilib beton tayyorlash, uni transportga ortish, tashish va yotqizish paytida qorishmadagi namlikning tez bug`lanib ketishiga sabab bo`ladi. Bu esa o`z navbatida betonning qotishida sodir bo`ladigan fizik-kimyoviy va mexanik jarayonlarga sezilarli ta`sir ko`rsatadi. Shuning uchun quruq - issiq iqlimni hisobga olish katta ahamiyatga ega.

Betonning normal namligini ushlab turuvchi yoki suvsizlanishini oldini oluvchi har qanday tadbir uning mustahkamligini oshiradi. Shuning uchun quruq-issiq iqlimda, ya'ni yo`l qoplamasiga yotqizilgan beton parvarishiga alohida e'tibor qaratish kerak. Yangi yotqizilgan betonni, suvsizlanishini oldini olish uchun parvarish qilish, murakkab va nisbatan qimmat texnologik operatsiyadir.

Afsuski, hozirgacha quruq issiq iqlimda, yangi yotqizilgan betonni parvarish qilishni eng keng tarqalgan usuli - bu suv sepadigan mashinalar yordamida betonning ochiq yuzasiga suv sepishdir. Bu usulda, suv sepish beton yotqizilgandan 3-4 soat o`tgandan so`ng boshlanadi (ya'ni betonda asosiy destruktiv jarayonlar boshlangandan so`ng).

O`tkazilgan ko`plab tadqiqotlar va amaliyot tajribalar shuni ko`rsatmoqdaki, quruq issiq iqlimda, bu usulni qo`llash mutlaqo mumkin emas. Yuzasi 50-70°C haroratgacha qizib turgan, qotayotgan betonga, nisbatan sovuq suvni sepish ko`p hollarda "termik zarba" keltirib chiqaradi, bu esa betonning tuzilishini buzadi va fizik-mexanik xossalariiga salbiy ta`sir etadi. Suv sepilgandan so`ng, beton yuzasi harorati 15-20°C ga keskin pasayadi, lekin tezda (20-30 minut davomida) oldingi darajaga ko`tariladi. Qotayotgan beton tuzilishida zo`riqishlar hosil bo`lib, uning yuzasida darzlar hosil bo`lishiga olib keladi. Shuning uchun, QM va Q-15-76 va boshqa me'yoriy hujjatlarda, qotayotgan betonning ochiq yuzasiga suv sepish taqiqlanadi.

Quruq-issiq iqlimda, yo`l qoplamasiga yangi yotqizilgan beton parvarishi uchun turli tadbirlar ishlatiladi.

1. Beton yuzasini suv saqlaydigan materiallar (qum, yog`och qipig`i, mato bilan qoplash va 7 kun davomida kuniga 3 marotaba namlab turish;
2. Beton yuzasini tayyor nam o`tkazmaydigan polimer plyonkalari bilan yopish;
3. Yangi yotqizilgan beton yuzasiga plyonka hosil qiluvchi tarkiblarni sepish;
4. Polimer plyonkali kompleks yopmalar (inventar issiq-nam himoyalovchi yopma) bilan qoplash va boshqalar.

Birinchi usul sermehnat talab qiladi va bugungi kunda amaliyotda kam qo'llaniladi. Keyingi yillarda quruq-issiq iqlim sharoitida beton ishlarini bajarishda beton qarovining namliksiz usuli qo'llanila boshlandi. Beton qarovining namliksiz usuli hisoblangan tayyor nam o'tkazmaydigan polimer plyonkalaridan foydalanish samarali usullardan biri hisoblanadi. Betonlangan yuzalarni darhol, ya'ni betonga boshlang'ich qarov berilmagan holatda plyonkalar bilan o'rash mumkin. Bu usuldan Qamchiq dovonida keng foydalanilmoqda.

Lekin, shaffof plyonkalardan foydalanish qotayotgan betonda quyosh radiatsiyasi ta'sirida haroratlar farqini oshirib yuboradi, bu esa salbiy oqibatlariga olib keladi. Shu sababli "Quruq issiq iqlim sharoitida, qotayotgan beton parvarishi uchun polimer plyonkalarni qo'llash bo'yicha yo'l-yo'riqlar" da plyonka bilan o'rashdan avval beton sirtiga suv shimuvchi materiallar (chipta, yog'och qirindisi) to'shash tavsiya etiladi. Namlik holatidagi bu materiallar betonning yuza qatlamidagi harorat ta'sirida yuzaga keladigan kuchlanishlarni kamaytirish imkonini beradi.

Havoning eng issiq davrida beton sirtini PTEF-OA, PTEF-DA tipidagi metallangan plyonkalar bilan o'rash yahshi samara beradi. Chunki bu plyonkalarining quyosh nurini qaytarish koeffitsienti 80 % gacha bo'lib, betonning qotishi uchun qulay bo'lgan harorat holatini ta'minlaydi.

Polimer plyonkalari kompleks yopmalar tayyorlashda ham keng qo'llaniladi. Bunday yopmalar qatoriga Rossiya beton va temir-beton ilmiy tekshirish instituti (NIIB) tomonidan taklif etilgan inventar issiq-nam himoyalovchi yopmani (ITVP) kiritish mumkin [6]. Tahlanadigan, alohida qismlardan (o'lchami 600x500 cm) tashkil topgan ITVP 1976-1977 yillari Buhoro viloyatidagi «Romitan», «Avgir», «Humdanak», «Sultonobod» yo'l va kanallar qurilishida muvaffaqiyatli qo'llanilgan.

ITVP ni qo'llash tajribasi uning bir qator kamchiliklarini ham aniqlab berdi. Bunday kamchiliklar qatoriga ITVP ni tayyorlashning qiyinligi, materiallar sarfining kattaligini keltirish mumkin. Shu sababli keyingi yillarda ITVP ning yangi variantlari yaratildi. Ular polimer varaq va chiptadan iborat bo'lib, konstruksiyasining soddaligi, mustahkamlik ko'rsatkichlarining yuqoriligi, uzoqqa chidamliligi, tayyorlashdagi mehnat sarfining kamligi bilan ajralib turadi. Ohirgi yillarda, yangi yotqizilgan beton sirtida plyonka hosil qiluvchi turli tarkiblar samarali qo'llanilmoqda. Yo'l qurilishida, plyonka hosil qiluvchi material sifatida, neftni qayta ishlash mahsuloti, sintetik smola, pigment va erituvchi asosida tayyorlangan PM-86 va PM-100A markadagi pomarol ishlatilmoqda [7].

Biroq, shuni ta'kidlash lozimki, amaliyotda qo'llanilayotgan plyonka hosil qiluvchi materiallar tarkibiga, erituvchilar sifatida, kuchli toksik organik birikmalar kiradi. Tarkibida organik erituvchilar mavjudligi uchun, ularni yangi yotqizilgan beton yuzasiga tezda sepish murakkab va texnika xavfsizligi qoidalariga rioya qilinishi talab etiladi. Shuningdek, plyonka hosil qiluvchi materiallar qurishi natijasida erituvchilar bug'lanib atrof muhitni ifloslaydi. Ko'pchiligini rangi qora bo'lishi va tez alanganuvchi erituvchilar mavjudligi, ularni quruq issiq iqlimda ishlatilishini cheklaydi. Shuning uchun, rivojlangan davlatlarda, ohirgi yillarda, plyonka hosil qiluvchi materiallar sifatida suvli tarkiblarni ishlatish tendensiyasi kuzatilmoqda.

Betonni siqilishiga bo'lgan mustahkamligiga tarkiblarni ta'sir etishini aniqlash uchun NamMQI "Qurilish materiallari va buyumlari" kafedrasida tadqiqotlar o'tkazilgan. Buning uchun davlatlararo standartlar (GOST) talabi asosida materiallar olib (sement markasi 400, mayda va yirik to'ldiruvchilar), o'lchami 150x150x150 mm bo'lgan kub namunalar tayyorlandi va vibrostolda zichlanib, bir partiya namunalar yuzasiga TSO-71A bo'yoq purkovchi yordamida suv eritmali (SEK), suvdispersiyali (SDK) plyonka hosil qiluvchi tarkiblar, E-KCH-47 bo'yog'i, PM-100A pomarol tarkibi sepildi (tarkiblar sarfi 300-400 g/m²). Namunalar bir partiyasi ustiga polietilen plyonka qoplandi. Kompozitsiyalar sepilgan barcha namunalar partiyasi klimatik kamerga (t=40°S

va namlik $\varphi = 30\%$) joylandi. Namunalar kameralarda 1, 2, 3, 7, 28 va 90 sutka ushlab turilgandan so'ng gidravlik pressda sinaldi. Etalon sifatida namlanib turilgan 3-4 cm qalinlikdagi qum ostidagi namunalar (5 kun davomida 4 mahaldan suv purkab turildi) ko'rsatkichlari qabul qilingan. Beton mustahkamligi 30MPa.

Plyonka hosil qiluvchi tarkiblarni beton mustahkamligiga ta'siri

1-jadval

Beton namunalarining siqilishga bo'lgan mustahkamligi ($t=40^{\circ}\text{C}$ va namlik $\varphi = 30\%$)						
Parvarish uchun materiallar	Betenni siqilishga bo'lgan mustahkamligi, MPa, sut.					
	1	2	3	7	28	90
Suv eritmali tarkib	13,3	17,3	21,1	26,3	31,0	32,1
Suv dispersli tarkib	14,5	18,5	21,3	26,4	30,5	31,3
E-KCH-47 bo'yog'i	13,5	17,8	20,9	25,7	29,1	30,4
PM-100A - pomarol	14,0	17,5	20,1	25,2	29,4	30,2
Polietilen plyonkasi	14,2	17,1	20,8	24,6	28,1	30,1
Namlangan qum qatlami	13,4	18,1	20,4	24,2	29,4	30,3
Parvarish etilmagan	13,3	16,3	18,1	20,9	23,7	24,2

Jadvaldan ko'rinib turibdiki, plyonka hosil qiluvchi tarkiblar, EKCH-47 bo'yog'i, PM-100A pomarol va polietilen plyonka ostidagi namunalar ko'rsatkichlari stabil va loyihaviy mustahkamlikka ega. VRK kompozitsiyasi ostidagi namunalar ko'satkichi nisbatan yuqoriligi sababi, kompozitsiya beton yuzasiga, qoliplanib bo'lgandan so'ng darrov sepilgani, qolganlarda plyonka hosil qiluvchi tarkiblar 10-15 minutdan so'ng sepilgan. Qum qatlami ostidagi namunalar yetarli mustahkamlikka ega bo'lmadi, biroq 90 kun ichida loyihaviy mustahkamlikka erishdi. Parvarishsiz namunalarda, loyihaviy mustahkamlikka nisbatan, mustahkamligi 79% ni tashkil etdi, bu ko'rsatkich nisbatan yuqori bo'lishiga qaramay, uning tuzilishi o'rganilganda, jismi bo'yicha namuna yuzasiga yo'nalgan mikroyoriqlar mavjud, bunday beton buzilishga moyil va shuning uchun chidamli emas deb ta'kidlash mumkin.

Xulosa: quruq issiq iqlimda, yo'l qoplamalarida yotqizilgan yangi betonni suvsizlanishini oldini olish uchun plyonka hosil qiluvchi samarali tarkiblardan foydalanish, beton qotishi uchun qulay sharoit yaratiladi hamda mustahkamligi, sifati va chidamliligi ta'minlanadi.

BETON TARKIBINI HISOBLASH BO'YICHA UMUMIY QOIDALAR

Magistrant: Shariboyev Nurbek

Ilmiy raxbar: t.f.n., dotsent O.Berdiyev

Beton tarkibini optimal va to'g'ri tanlash, uni amaliyotga joriy qilish beton qoplamasi sifatini ta'minlashning hal qiluvchi omillaridan biridir. Tanlangan tarkibni amaliyotga joriy qilish uchun beton ishlab chiqarish zavodining nomi, markasi va ishlab chiqarish quvvati, joylashgan o'rni, qurilish ob'yektigacha bo'lgan masofani bilgan holda qorishma tarkibini loyixalashtirish ham muxim ahamiyatga ega.

Shuningdek ishlab chiqaruvchi beton qorishmasini tayyorlash uchun qo'llaniladigan inert materiallari (mayda va yirik to'ldiruvchilar), kimyoviy qo'shimchalar va bog'lovchi

materiallarining muvofiqlik sertifikatlari, sifatini tasdiqlovchi pasportlari va laboratoriya sinov bayonnomalarini laboratoriyaga taqdim qilishi kerak. Beton qorishmasi tarkibini tanlash uchun laboratoriyaga taqdim qilingan namunani material saqlanayotgan joyidan to'g'ri olish ham asosiy hal qiluvchi ahamiyatga ega. Amaliyotda shunday bo'ladiki, namuna olish qoidalarini umuman bilmaydigan pudratchi vakili, odatda oddiy ishchi tomonidan to'plab qo'yilgan qum va chaqirtosh uyumining bir chekkasidan material olinib laboratoriyaga jo'natiladi. Natijada laboratoriyaga taqdim qilingan qum va chaqirtoshning donadorlik tarkibi va boshqa xususiyatlari - amalda xaqiqatda qo'llaniladigan materialni tasniflamaydi. Bunday holatda laboratoriya umuman boshqa materialga retseptura qilgan bo'lib qoladi. Amaliyotda ko'pchilik laboratoriyalar tomonidan qo'llanilayotgan materiallarning standart bo'yicha ko'rsatkichlari to'liq tekshirilmaydi.

Misol uchun, chaqirtoshda eng ko'p uchraydigan xolat - donadorlik tarkibi bo'yicha standart talabiga muvofiq kelmasligidir. Masalan, $5 \div 20$ mm fraksiyali chaqirtosh deb olib kelingan yirik to'ldiruvchilar, tarkibidagi 10 mm va 20 mm li elaklar orasidagi donalarning miqdori ko'payib ketib, 5 mm elakdagi qoldiq esa kamayib ketadi va natijada amalda qo'llanilgan material $10 \div 20$ mm fraksiyali chaqirtoshga to'g'ri kelib qoladi. Bu muammoni yechish uchun, shu materialga yetishmagan 5-10 mm fraksiyadagi material qo'shish kerak bo'ladi yoki qumni tarkibida 5 mm dan yirik toshlari normadan ko'p bo'lgan xolatlarda muvozanatni ta'minlash imkoniyati tug'iladi. Shu o'rinda aytib o'tish joizki, aksariyat inert materiallarni yanchish-saralash ishlab chiqarish korxonalaridan yetkazib berilayotgan qumning tarkibida 5 mm dan yirik bo'lgan zarralar (chaqirtosh) ko'p miqdorda mavjudligi kuzatilmoqda.

GOST 8736-2014 standartiga muvofiq qumning guruhi va sinfiga ko'ra, 5 mm dan yirik zarralar miqdori 5% dan 20 % gacha ruxsat etilgani holda, amalda 30% dan ham ziyod bo'lishiga yo'l qo'yilmoqda. Bu holatda qumga 30% dan ortiq chaqirtosh qo'shilgan hisoblanadi. Kam sement sarflab sifatli beton va beton qorishmasini tayyorlash uchun, avvalo uning tarkibini to'g'ri hisoblash zarur. Buning uchun beton tarkibini tashkil qiluvchi materiallarni sifatiga qarab tanlash va miqdorini aniqlash kerak. Beton tarkibini hisoblashdan avval uning tarkibidagi materiallar (sement, qum, chaqirtosh va kimyoviy qo'shimchalar) laboratoriyada sinab, ularning sifatini aniqlovchi standart ko'rsatkichlardan tashqari, zichligi, va yirik to'ldiruvchidagi bo'shliq aniqlanadi. Beton tarkibini hisoblash uchun loyihada konstruktsiya va qorishmaning xossalari (bikrligi, konusning cho'kishi va hokazo) batafsil ko'rsatilgan bo'lishi kerak. Shu bilan birga loyihada betonning mustahkamligi, "og'ir" sharoitlarda ishlatilsa, uning sovuqqa chidamlilik va suv o'tkazmaslik ko'rsatkichi, issiqlik o'tkazishi ko'rsatilgan bo'lishi lozim.

Beton tarkibini hisoblash 1 m^3 beton uchun sarflanadigan sement, suv, kimyoviy qo'shimchalar, mayda va yirik to'ldiruvchilarning massalarini aniqlashdan iborat. Tanlanayotgan beton absolyut zich deb faraz qilinib undagi materiallarning hajmi absolyut holatda topiladi. Keyin hisoblangan tarkibga asosan, qorishma tayyorlanib, uning yoyiluvchanligi va qulay joylashuvchanligi tekshirib ko'riladi. Agar qorishma talabdagidek, yoyiluvchan bo'lmasa, beton tarkibi o'zgartiriladi.

Beton tarkibini tanlash quyidagilarni o'z ichiga oladi:

- dastlabki hisob-kitoblar asosida nominal tarkibni belgilash, dastlabki tarkib asosida eksperimental tekshirish va korrektyrovka qilish;
- betonning ishchi tarkibini belgilash;
- nominal tarkibni tanlashda olingan bir xil turdagi, markadagi va sinflardagi materiallar partiyalarini ularning haqiqiy sifatini hisobga olgan holda ishchi tarkibga moslashtirish;
- ishchi tarkibni korrektyrovqa qilgandan keyin laboratoriya va ishlab chiqarish sharoitlarida qayta tekshirish.

Tarkibiy materiallarning dozasi beton qorishmaning haqiqiy zichligi va tayyor partiyaning hajmini hisobga olgan holda ishchi tarkibi bo'yicha hisoblanadi.

Beton tarkibini tanlash bo'yicha topshiriq quyidagilarni o'z ichiga olishi kerak:

- betonning qollanish sohasi (yig'ma buyumlar, monolit konstruksiyalar, tayyor beton ishlab chiqarish);

- qotish sharoitlari (o'rta va / yoki loyihaviy yoshiga yetgunga qadar);

- GOST 7473 bo'yicha beton qorishmasi sifatining me'yorlashtirilgan texnologik xususiyatlari;

- GOST 26633 bo'yicha betonning me'yoriy sifat ko'rsatkichlari;

- beton va ishlatiladigan materiallar tarkibiga cheklovlar;

- optimallashtirilgan parametrlari.

Optimallashtirish mezoni sifatida quyidagilar tanlanishi mumkin:

- beton qorishmasining texnologik tavsiflari;

- betonning fizik-mexanik xususiyatlari;

- ishlab chiqarishning texnik-iqtisodiy ko'rsatkichlari.

Betonning dastlabki asosiy va qo'shimcha tarkibini hisoblash beton uchun materiallarning kirish nazoratidan o'tkazish ma'lumotlari asosida amalga oshirilishi kerak. Bunday holda, dastlabki tarkibni hisoblash uchun sementning faolligi uning kafolatlangan markasiga (sinfiga) teng ravishda olinadi. Materiallar betonning nominal tarkibini tanlash uchun zarur bo'lgan miqdorda olinadi va doimiy og'irlikda quritilishi 5 mm li elakdan o'tkazilishi kerak. Betonning dastlabki asosiy tarkibi belgilangan tartibda tasdiqlangan usullar, qo'llanmalar va tavsiyalarga muvofiq materiallarning haqiqiy xususiyatlariga ko'ra hisoblanadi.

Xulosa qilib aytganda, materiallar og'irligi bo'yicha 1,0% dan ko'p bo'lmagan xatolik bilan dozalanishi kerak. Qo'shimchalarning suv va suvli eritmalari og'irlik yoki hajm bo'yicha dozalanishi mumkin. Qo'shimchaning ishchi tarkibdagi suvli eritmasining zichligi oldindan belgilanishi kerak. Eksperimental partiyalarni tayyorlash majburiy yoki tortishish ta'siridagi laboratoriya mikserida amalga oshiriladi. Beton tarkibini tanlashda 15 litrdan ko'p bo'lmagan hajmdagi eksperimental partiyalar kamida 5 daqiqa davomida aralashtirish bilan oldindan namlangan idishda qo'lda amalga oshirilishi mumkin. Eksperimental partiyalarni tayyorlash to'ldiruvchilar va sementni aralashtirishdan boshlanadi, so'ngra partiyaga qo'shimchalar va suv qo'shiladi. Aralashtirish tugallangandan so'ng, beton qorishmaning ishlashga yaroqliligini, o'rtacha zichligini va beton tarkibini tanlash bo'yicha topshiriqda nazarda tutilgan boshqa texnologik xususiyatlarini tekshirish uchun GOST 10181 bo'yicha namunalar olinadi. Agar tekshirish natijalariga ko'ra, beton qorishmaning xususiyatlari topshiriq talablariga javob bermasa, beton tarkibini tanlash bo'yicha tarkibga o'zgartirish kiritiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. H.A.Akramov, M.Turapov . Beton va temirbeton texnologiyasi. Darslik. T., 2019.
2. A.Yu.Shodmonov, N.J.Parsaeva Beton va temirbeton texnologiyasi o'quv qo'llanma Jizzax 2020 yil.
3. Akramov X.A. Nuritdinov K.N. Beton va temirbeton buyumlari ishlab chiqarish texnologiyasi. Darslik. T., Uzbekiston faylasuflari milliy jamiyati, 2011.

TURAR JOYNI YER USTI METROSINING SHOVQINIDAN HIMOYA QILISH

Pirmatov Raxmatullo Xamidullayevich

Texnika fanlari nomzodi, Toshkent davlat transport universiteti professori

e-mail: prx55@mail.ru, tel: (90) 946-98-55

Toshmuxamedov Jamol Qahramon ugli

Toshkent davlat transport universiteti magistrantie-mail: toshmuhamedov19961009@mail.ru.

tel:(99) 833-63-54

Аннотация.

Toshkent shahrida yer usti metrosining shovqini turar-joy binolariga ta'sir etishi muammosi va uni hal etishga to'xtalib o'tiladi.

Annotation.

The problem of the noise of the underground subway affecting residential buildings in the city of Tashkent and its solution will be discussed.

Kalit so'zlar: shovqin, shovqindan himoya qilish, yer usti metrosi, quvvat, ekran, ko'kalamzorlashtirish.

Key words: noise, noise protection, subway, power, screen, landscaping.

Zamonaviy rivojlangan shaharni transport infratuzilmasisiz tasavvur qilib bo'lmaydi. Inson uchun qulaylikni oshirish, transport asosiy rol o'ynash bilan birga, atrof-muhitga salbiy ta'sir ko'rsatadi. Ayniqsa yuqori chastotadagi shovqin shahar aholisini bezovta qiladi. Aholini shovqinning kuchayishidan himoya qilish, birinchi navbatda, ularning salomatligini saqlashdir. Shovqin, birinchi navbatda, eshitish organlariga ta'sir qiladi, bundan tashqari, shovqin markaziy asab tizimiga salbiy ta'sir ko'rsatadi, nafas olish tizimida nuqsonlar keltirib chiqaradi, yurak-qon tomir tizimi va metabolizmni buzadi, oshqozon yarasi va gipertenziya rivojlanishiga yordam beradi. Shu munosabat bilan turar-joy binolarini baland metro transportining shovqinidan himoya qilish bo'yicha tadqiqotlar olib borish dolzarbdir. Bunga Toshkentda yer usti metrosining paydo bo'lishi va yer usti metrosi yaqinidagi ommaviy qurilishlar hissa qo'shmoqda.

Ko'tarilgan metrolarda shovqinni kamaytirishga birinchi navbatda metro poyezdlarida shovqinni kamaytirish orqali erishish mumkin. Biroq, dvigatel quvvatini oshirish, harakat tezligini oshirish va poezdlar oralig'ini qisqartirish tendentsiyalari bilan, metro shovqinining nisbiy qisqarishi metro poyezdlari shovqinining sezilarli darajada pasayishiga olib kelishi dargumon. Shovqin manbalarini kamaytirish chora-tadbirlarini ishlab chiqish bilan bir qatorda yer usti metro poyezdlari tomonidan aholi punktlariga chiqarilayotgan shovqinlarga qarshi kurashish muammosi ham mavjud. Ushbu muammoni hal qilish shaharlarning bosh rejalarini loyihalashda amalga oshiriladigan umumiy shaharsozlik tadbirlari, turar-joy massivlarini batafsil rejalashtirish va mikrorayonlarni rivojlantirish orqali ham, shuningdek, shovqinni izolyatsiya qiluvchi, yutuvchi va shovqindan himoya qiluvchi maxsus qurilmalarni ishlab chiqish orqali amalga oshirilishi kerak.

Shovqinni tartibga solish

KMK 2.01.08-19 ga muvofiq ruxsat etilgan tovush bosimi darajalari, tovush darajalari, ekvivalent va maksimal tovush darajalari

Tadqiqot ob'yekti


Tadqiqot obyekti sifatida qurilayotgan turar-joy binosi tanlandi (Yashnobod tumani, Parkentskaya ko'chasi). Bino 12 qavatli bo'lib yer usti metro liniyasidan 25 m masofada, yopiq inshootlarsiz joylashgan. Tadqiqot QMQ 2.01.08-19 "Shovqindan himoya qilish" ga muvofiq 3-qavatda metro liniyasi sathidan 1,5m yuqorida binodan 2 m masofada amalga oshirildi. O'lchovlar davlat standartiga muvofiq 31,5 Gts dan 8000 Gts gacha bo'lgan oktava chastota diapazonida kunduzi amalga oshirildi.

Xonalar yoki hududlarning mo'ljallanishi	Sutka ning vaqti, soat	O'rtacha geometrik chastotali (Gts) oktava polosalarida tovush bosimining darajalari (tovush bosimining ekvivalent darajalari), dB										Maksima l tovush darajasi LAmax, dBA
		31,5	63	125	250	500	1000	2000	4000	8000		
Turar joy binolari, dam olish uylari, qariyalar va nogironlarning uy-internatlariga bevosita tutash hududlar	7.00-23.00	90	75	66	59	54	50	47	45	44	70	



1-rasm. Toshkent shahri Yashnobod tumanida qurilgan turar-joy binosi.


Tadqiqot natijasi



2-rasm. Yer usti metro transportidan shovqinning tovush bosimi darajasining chastota xarakteristikalarini spektrlari


Shovqinni o'lchash natijalari 2-rasmda ko'rsatilgan. Rasmdan ko'rinib turibdiki, olingan tovush bosimi darajalari 31,5; 63; 125; 250; 500; 1000; 2000; 4000 va 8000 chastotalarda yer usti metrosi harakatlanayotgan vaqtda standart tovush bosimi darajasidan 15,1; 16,8; 20; 24,9; 20,9; 17,5; 14,7; 13,1 dB ga oshadi. Maksimal tovush darajasi esa 20,6 dB ga oshadi. Hatto tovush bosimi darajasining fon qiymati standart qiymatlardan 8,7-20 dB yuqori.

Xulosa



3-rasm. Yer usti metro polotnosi qirqimi

Shunday qilib, tadqiqotlar natijasida yer usti metrosi harakatidan binolarga ta'sir qilayotgan shovqinni kamaytirish uchun, poyezd liniyasi chegarasida yengilbetondan tayyorlangan, qovurg'alari pastki tomonga egilgan panellardan foydalanish tavsiya etiladi. Uning ko'rinishi quyidagi shaklda bo'lishi maqsadga muvofiq deb hisoblayman.



4-rasm. Yengilbetondan panel
Foydalanilgan adabiyotlar:

1. КМК 2.01.08-19. ШОВҚИНДАН ҲИМОЯ
2. СП. Защита от шума объектов метрополитена правила проектирования, строительства и эксплуатации. СП 353.1325800.2017
3. ГОСТ 23337-2014 Шум. Методы измерения шума на селитебной территории и в помещениях жилых и общественных зданий
4. ГОСТ 17187-2010 (ИЕС 61672-1:2002). Шумомеры. Часть 1. Технические требования.
5. ZAKHAROV, AV, AR FAZYLOV, and RK PIRMATOV. "Acoustic oscillations of rods and plates[Abstract Only]." *Izv. Akad. Nauk Tadzhiksoy SSR Otd. Fiz.-Mat., Fiz. i Geol. Nauk,(USSR)* 2 (1984): 28-33.
6. Pirmatov R. K., Zakharov A. V., Rashidov J. G. Graphical method for calculating sound insulation of air noise of single layer enclosing structures // *International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology*. – 2019. – Т. 6. – №. 7. – S. 10294-10298.
7. Method for calculating the insulation of airborne sound by enclose from volumetric-block buildings.
8. Miralimov M. M., Tulyaganov Z. S. ГЛОБАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ИССЛЕДОВАНИЯ ТЕМПЕРАТУРНЫХ И ВЛАЖНОСТНЫХ ПАРАМЕТРОВ ОГРАЖДАЮЩИХ КОНСТРУКЦИЙ // *INTERNATIONAL CONFERENCES*. – 2023. – Т. 1. – №. 1. – S. 518-523.
9. Xushvaqtovich B. S. et al. COMPARISONS OF RESISTANCE TO HEAT TRANSFER OF MODERN ENERGY-SAVING WINDOW STRUCTURES // *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*. – 2022. – Т. 3. – №. 12. – S. 396-401.

QURUQ ISSIQ IQLIMNING BETON XOSSALARIGA TA'SIRI

Shavqiyev Asliddin Normurod o'g'li

Botirov Inom Shodiyor o'g'li

Jonimova Zarina Shobiddin qizi

Jizzax politexnika instituti. Qurilish materiallari va konstruktsiyalari kafedrası

talabasi zarinajonimova@gmail.com

Annotatsiya: Quruq issiq iqlim sharoiti undagi harorat va namlik ko'rsatkichi va shu ko'rsatkichlarning beton ishlariga, xossalari ta'siri va ularni bartaraf etish usullari keltirilgan.

